76.12
М-31

# МАТБУОТИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

УЧИНЧИ ТЎПЛАМ

735418

ТОШКЕНТ – "ЎЗБЕКИСТОН" – 2002

*Журналист деганда, халқимиз кўз ўнгида элу юрт қувонч ва ташвишларига шерик, доимо янгиликлар излаб юрувчи беҳаловат инсон намоён бўлади. Шу боис, одамлар матбуотга, радио ва телевидениега катта умид билан қарайдилар, кўнгилларини очадилар, уларни ҳаётда энг зарур, энг содиқ дўст-ҳамроҳ сифатида қадрлайдилар.*

Ислом КАРИМОВ

76.12
М 31

Тузувчи ва нашрга тайёрловчи:
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими,
*Абу Райҳон Беруний номидаги Давлат мукофоти*
лауреати Зиёд ЕСЕНБОЕВ

Муҳаррирлар: Сурьат АБДУКАРИМОВ,
Ҳамид СУЛТОНОВ

М 31 **Матбуотимиз фидойилари** / Тузувчи ва нашрга тайёрловчи З. Есенбоев/. — Т.: «Ўзбекистон», 2002.—599 б.
ISBN 640-03142-5

Ушбу тўплам 1991 ва 1993 йилларда нашр этилган икки тўпламнинг ўзига хос мантиқий давоми бўлиб, унга асосан *раҳматли бўлиб кетган устоз журналистлар ва бугунги* кунда фидокорона меҳнат қилаётган жонкуяр, фидойи қалам соҳиблари ҳамда матбуотимиз заҳматкашлари тўғрисида сўнгги йилларда «Ўзбекистон матбуоти» журнали, шунингдек бошқа вақтли нашрлар саҳифаларида чоп этилган мақолалар, очерк ва лавҳалар киритилган.

Тўплам оммавий ахборот воситалари ходимлари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

**ББК 76.12**

М $\frac{0503020904-64}{M351(04)2002}$ 2002

© «ЎЗБЕКИСТОН» нашриёти, 2002.

# СЎЗ БОШИ

Азиз китобхон, қадрли ҳамкасбларим!

«Матбуотимиз фидойилари» деб номланган ушбу китоб «Ўзбекистон» нашриёти томонидан 1991 ва 1993 йилларда чоп этилган икки тўпламнинг давоми бўлиб, матбуот ва оммавий ахборот ходимларига бағишланган. Ўзбек миллий матбуотининг, қолаверса, журналистикасининг тарихи ва ривожига оид асарлар камдан-кам яратилаётган бир пайтда *халқимиз минбари, фикри-зикри ва иродасининг* ифодачиси, тарихимиз солномачиси ҳисобланган матбуотимиз ҳақидаги, унинг камтарин, жафокаш ижодкорлари, оддий қаламкашлари, ноширлари, матбаачилари, радио ва телевидение, китоб савдоси ходимлари тўғрисидаги бу тўпламлар журналистикамиз жамоатчилиги ва матбуотимиз мухлислари томонидан қизғин кутиб олинди. Нашриёт улардан яхши истаклар билдирилган кўплаб хатлар олди.

Мустақил Ўзбекистонимиз 11 йилдан бери истиқлол ва тараққиёт йўлидан дадил олға қараб бораётганлигини, *Президентимиз Ислом* Каримовнинг донолик билан олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатини қўллаб-қувватлаб тарғиб қилаётган журналистлар ҳақида икки-уч оғиз илиқ ва самимий сўз айтишнинг ўзи диққат-эътиборга моликдир. Юртбошимизнинг миллий матбуотимиз байрами муносабати билан йўллаган табригида бизни завқлантирадиган ва қалбимизни буюк ифтихор туйғуларига тўлдирадиган ажойиб сатрлар бор:

«Журналист деганда халқимиз кўз ўнгида элу юрт қувонч ва ташвишларига шерик, доимо янгиликлар излаб юрувчи беҳаловат инсон намоён бўлади. Шу боис одамлар матбуотга, радио ва телевидениега катта умид билан қарайдилар, кўнгилларини очадилар, уларни ҳаётда энг зарур, энг содиқ дўст-ҳамроҳ сифатида қадрлайдилар.

Дарҳақиқат, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ислоҳотларни изчил амалга оширишда, айниқса, жамиятни демократлаштиришда матбуотнинг ўрни беқиёс. Келажаги буюк давлат барпо этишга қаратилган эзгу мақсадларни рўёбга чиқаришда, истиқлол руҳига мос янгича тафаккур тарзини шакллантиришда, умуминсоний қадриятларни қарор топтиришда, халқимиз маънавиятини бойитиш соҳасидаги хайрли ишларда сиз, қалам аҳлининг муносиб хизматингиз бор».

1991—1993 йилларда нашр этилган икки тўпламнинг давоми ҳисобланган уч бўлимдан иборат (газета ва журналларнинг ходимлари, телерадио журналистлари, ноширлар, матбаачилар, китоб савдоси ва палатаси ходимлари ҳақида) бу китобга 1993 йилдан кейин асосан «Ўзбекистон матбуоти» журналида, республикамиз газета ва журналларида босилиб чиққан публицистик мақолалар, очерк ва лавҳалар киритилган. Вилоят ва туман газеталарида ишлаётган ҳамкасбларимизнинг машаққатли ижодий йўли ва бугунги *ишлари ҳақида, бозор иқтисодиёти* муносабати билан юзага келган муаммоларни оқилона ҳал этиб бораётган жонкуяр, фидойи қалам соҳиблари тўғрисида ёзилган мақола ва лавҳалар тўпламдан ўрин олган.

Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ибораси билан айтганда: «Бугунги таҳликали замонда ҳар қайси онгли инсон, ёши, касб-кори, лавозимидан қатъи назар, ўзига руҳан яқин, қувонч ташвишлари, дарду ғамига шерик бўладиган бир суҳбатдош излайди. Менинг назаримда, матбуотни ана шундай суҳбатдошга қиёслаш мумкин. Айни вақтда шуни яхши англаб олиш зарурки, бизнинг нозиктаъб, кўпни кўрган, доно халқимизга суҳбатдош бўлиш осон иш эмас. Бу барчамиз, аввалambор, матбуот заҳматкашлари учун энг муҳим ва долзарб вазифа бўлиши керак».

Мамлакатимиз йўлбошчиси қўйган бу ғоятда *масъулиятли ва шарафли* вазифани тўла-тўкис адо этиш ҳамда доно халқимизга суҳбатдош бўлиш учун ҳамкасбларимиз чинакам фидойилик кўрсатиб, ижодий маҳоратини, тажрибасини, билими савиясини узлуксиз ошириб бориши, воқеалар қозонида қайнаши, ҳамма вақт ҳозиржавоб ва изланувчан бўлиши, тинимсиз ижодий меҳнати билан халқимиз ишончини оқлаши керак. Ўзбекистон тарихида илгари ҳеч қачон матбуот ва оммавий ахборот воситала-

рининг ходимлари ҳақида ҳозиргидек эътибор, ғамхўрлик ва юксак ишонч кўрсатилмаганлигини бир дақиқага ҳам унутмаслигимиз зарур. Жаҳон жамоатчилигининг эътироф этишича, касблар ичида хатарлилик жиҳатидан ҳарбий учувчилик биринчи, матбаачилик — журналистлик иккинчи ўринда тураркан. Шунинг учун ҳам улар дунёда энг кам умр кўрувчи касб соҳалари сифатида тан олинган. Бироқ бу ҳақиқатни ҳар бир жамият, ҳар қандай давр ҳам тан олавермаган, қадрлайвермаган.

Шу ўринда давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг қалбимизни фахр-ғурурга тўлдирадиган қуйидаги сўзларини яна бир бор эслатиб ўтмоқчиман: «Журналистлик энг заҳматкаш касблардан бири. Журналист айни пайтда давлат арбоби, сиёсатчи, халқ маънавияти дунёсининг мироби. Мен қаламкашларга жуда катта ҳурмату эҳтиром билан қарайман. Уларнинг шароитларини яхшилаш муаммоларини ҳал этишга ўз ҳиссамни қўшишга доим тайёрман».

Матбуотимизнинг тиниб-тинчимас ижодкорлари — ранг-баранг жанрларда сербарака ижод қилувчи, фикр уфқи кенг, публицистик эҳтироси кучли журналистлар, оддий қаламкашлар ҳақида алоҳида асар яратиш анча қийин ва мураккаб иш. «Ўзбекистон матбуоти» журнали эса узоқ йиллар давомида ана шундай машаққатли соҳа кишиларини улуғлаб, уларнинг шодлигу қувончларига, дарду ҳасратларига шерик бўла олган, ўқувчиларни бу оғир касб мушкулотларию, сир-асрорларидан хабардор қилиб келаётган оқсоқол нашрлардан бири ҳисобланади.

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларининг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи, журналистлар, ноширлар ва матбаачилар фаолиятини тасвирловчи бу китоб барча ҳамкасбларимиз, шунингдек мамлакатимиз таянчи ва миллатимиз кўрки ҳисобланган ёш қаламкаш дўстларимиз учун ўзига хос маънавий хазина бўлиб хизмат қилади, деб ўйлайман.

*Зиёд ЕСЕНБОЕВ,*
*«Ўзбекистон матбуоти» журнали*
*фахрий бош муҳаррири*

# ЁДНОМА

## ҚАЛАМКАШ ДЎСТЛАРНИ ЭСЛАБ...

*Дунёдан ўтиб кетганларнинг фақат яхши сифатларини ёд этинглар...*

*(ҲАДИС)*

*Яхшилик ва эзгулик учун киши меҳнат қилиши, ўз қўллари билан моддий неъматлар яратиши лозим.*

*(«АВЕСТО»дан)*

***Зиёд ЕСЕНБОЕВ***

## МАТБУОТИМИЗНИНГ ТАБАРРУК СИЙМОЛАРИ

Мен ёдноманинг сарлавҳасига чиқарган бу сўзлар икки табаррук сиймо — ёшлик даврини, қалб қўрини матбуотимиз ишига бахшида этган, ўзбек миллий матбуотининг равнақи ва шарафи йўлида баракали меҳнат қилиб ёрқин из қолдирган Шароф Рашидов ва Рихси Саҳибоевга бағишланган. Улар матбуотимиз дарғалари эдилар. Начора, улар — орамиздан барвақт кетдилар. Рихси Саҳибоев 57 ёшида, Шароф Рашидов эса 66 ёшида ҳаётдан кўз юмди. (Уларни Оллоҳ раҳмат қилган бўлсин). Матбуотимиз оламида уларнинг номларини ҳамма ҳали ҳам фахр ва зўр ҳурмат билан тилга олишади. Улуғ фазилатли бундай инсонлар кам келади дунёга. Журналистикамизнинг ёрқин юлдузлари, пешқадам ва илғор намояндалари бўлган бу забардаст қалам соҳиблари билан биргаликда ишлаш менга насиб этган.

Тақдир мени Шароф Рашидов билан 1939 йил бошида Самарқанд вилоятининг «Ленин йўли» (ҳозирги «Зарафшон») газетасида учраштирди. Мен газетанинг қишлоқ хўжалик бўлими мудири бўлиб ишлардим. Биз, уйланмаган ёш йигитлар, ўша пайтда кунни тунга, тунни кунга улаб ишлардик, ижод машаққатларини бирга тортар, тонготаргача редакцияда қолиб кетардик. Шароф ака масъул котиб сифатида жуда қаттиқ меҳнат қилар, айни вақтда Самарқанд

Давлат университетида ўқир эди. Ўқишни муваффақиятли тамомлаганидан сўнг вилоят газетаси муҳаррирининг ўринбосари, 1941 йилдан бош муҳаррир вазифасида меҳнат қилди. 1941 йил август ойида журналист қаламини жанговар қуролга алмаштириб, фронтга жўнаб кетди. 1943 йилда, урушда оғир жароҳатланганидан сўнг, армия сафидан бўшаб, туғилган шаҳри — Жиззахга қайтиб келди, даволанди ва яна Самарқанд вилоят газетасига муҳаррир этиб тайинланди. 1944 йили вилоят партия қўмитасининг пленумида обкомнинг кадрлар бўйича котиби этиб сайланди.

1947 йили ноябрь ойида Шароф Рашидов «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасига бош муҳаррир этиб тайинланади. Рихси Саҳибоев Шароф аканинг ўринбосари бўлиб ишлар эди. Мен бу мақоламда Шароф Рашидовнинг атоқли давлат ва жамоат арбоби сифатида тутган ўрни, жуда оғир ва мураккаб шароитда, давр тақозоси ва марказ иродаси ҳукмронлик қилган бир вазиятда республикамизнинг йўл бошловчи раҳбари сифатида қарийб чорак аср давомида Ўзбекистонимиз истиқболи учун қандай улуғ ва савобли ишлар қилгани ҳақида, унинг таниқли адиб сифатида ёзувчилик, ижодий фаолияти тўғрисида сўз юритмоқчи эмасман. Фақат Шароф аканинг 75 йиллик юбилейи нишонланган тантанали кунларда Президентимиз Ислом Каримов айтган қуйидаги сўзларни эслатиб ўтмоқчиман:

«... Шароф Рашидовга нисбатан бўлган айбу хатоларни тузатиб, шу инсоннинг ҳурматини жойига қўяйлик, номини келажак авлодлар учун тиклайлик, тарих учун сақлайлик...»

«Йиллар ўтади, асрлар ўтади. Янги авлодлар мутлақо янги жамиятда, жаҳоннинг энг илғор мамлакатларидан бирига айланган хур Ўзбекистонда яшайди. Она юрт тарихи — мустақиллик учун кураш тарихини ўрганади. Ана шу муборак тарихда Шароф Рашидовнинг ҳам қутлуғ номи ҳурмат ва ғурур билан тилга олинади».



Шароф Рашидов «Қизил Ўзбекистон» газетасига муҳаррирлик қилган даврда мен газетанинг масъул котиби сифатида у киши билан кўпроқ мулоқотда бўлганлигим сабабли бош муҳаррирнинг иш услуби, таҳририят фаолиятини қандай олиб бориши хусусида бир-икки оғиз сўз айтмоқчиман.

Шароф ака редакцияга ҳаммадан олдин келиб, уйига ҳаммадан кеч қайтарди. Ишда талабчан, ходимларга ғамхўр ва меҳрибон эди. Давлат ва жамоат арбоблари, кўзга кўринган таниқли ёзувчилар, олимлар, санъаткорлар, маданият ходимлари ва қўшни газеталарнинг муҳаррирлари, қолаверса қишлоқ аҳлининг вакиллари хонасидан сира аримасди. Газетачиликнинг машаққатли ишларидан сира чарчамаслик, эринмаслик, янгиликка интилиш, ўткир ташкилотчилик қобилияти, тинимсиз ижодий меҳнати уни заковатли ва истеъдодли муҳаррир даражасига кўтарди.

Шароф Рашидовнинг сиёсий етуклиги, маънавий поклиги, хушфеъллиги, одамларга муомаласи ва юксак маданиятига ҳамма тан берарди. Долзарб мавзудаги назарий ва публицистик мақолаларни, фельетон, очерк, ҳикояларни босмахонага теришга туширишдан олдин шахсан ўзи қайта кўриб чиқар, зарур бўлса таҳрир қиларди. Жумлалардаги баъзи қалтис, ортиқча сўзлар, ноаниқлик ва эътиборсизликлар Шароф аканинг зийрак нигоҳидан четда қолмас, албатта тузатилар эди. Мен газетанинг масъул котиби бўлганлигим учун бу жараёнларни доимо кузатиб борардим, кўп нарсани ўрганардим ва қойил қолиб тан берардим. Бош муҳарриримиз ёзувчи-шоир сифатида мақолаларга маҳорат билан сайқал берар, қайнаб-тошиб, жўшиб-ёниб таҳрир қилар, мақолаларга

жон киргизар, маъноли фикрлари билан газетхонлар қалбига чўғ соларди.

Изланувчан, ташаббускор ва интизомни маҳкам ушлайдиган муҳарриримиз ҳаммамизга мураббийлик қилиб, ижодий фикрлашга, масъулият касбда фидойилик кўрсатишга ўргатарди. Журналистикани севиш, қадрлаш, улуғлаш, шу ижодий меҳнатда тиним билмаслик, тақдир ва ҳаётга ишонч ва умид билан боқиш, ижод тўлқинларида қанот қоқаётган ёшларга энг яхши тилаклар изҳор қилиш Шароф аканинг ажойиб фазилатларидан бири эди. Бу табаррук зот билан узоқ суҳбатлашган киши ундан баҳра оларди, у эса суҳбатдошига ором бағишларди. Ёқимтой чеҳрасидан доимо нур ёғилиб турадиган, мулойим табиатли, ширинсухан инсон ички маданияти — маънавиятининг бойлиги билан суҳбатдошларни мафтун этарди. Самимиятга тўла катта инсонпарвар қалби билан ёш қаламкашларни маънавият булоқларидан баҳраманд қиларди.

«Қизил Ўзбекистон»дек муқаддас даргоҳда узоқ йиллар турли лавозимларда ишлаб, ижодий меҳнат қилган ўзбек матбуотининг фидойилари — Рихси Саҳибоев, Акмал Пўлат, Яҳё Йўлдошев, Холбек Ёдгоров, Аҳмад Исмоилов, Вали Галямов, Салоҳ Ҳасан, Ҳабиб Нуъмон, Шоаҳмад Шораҳмедов, Шобарот Кузанбоев, Назармат Эгамназаров, Ҳамид Ғулом, Мақсуд Қориев ва бошқалар,— ҳаммаларини бирма-бир санаб ўтишнинг иложи йўқ,— мен изҳор қилган юқоридаги фикрларга қўшқўллаб қўшилардилар. Биз узоқ вақт Шароф ака билан бирга ёнма-ён ишлаб, у кишининг биронта ножўя гап айтганини, кишилар кўнглини оғритганини билмадик. Шу билан бирга муҳарриримиз узоқни ўйлаб, шахсий намуна кўрсатиб ишлайдиган, сўз билан иш бирлигини жуда қадрлайдиган, ўткир зеҳнли донишманд раҳбар эди. Ҳар доим «Ҳаётни билмоқ, ижодда ён-



моқ, ҳақиқатни ёзмоқ керак» деб таъкидларди, элнинг *қувончи ва ташвишларига шерик бўлиб, воқеалар* қозонида қайнаш керак дерди, ўзбек миллий матбуотининг нуфузини кўтаришга чақирарди. Менинг секретариат — газетанинг штаби, ҳамма нарсага кўз-қулоқ бўлиб, хабардор бўлиб туриши керак, «Секретарнинг ғўри — редакторнинг шўри» деган сўзларини ҳамон эслаб юраман. Шароф аканинг меҳр тўла ижодий ёрдамини, саховатини ҳар қадамда сезиб турардик. Бу эса катта-кичик ҳамма ишимизга илҳом ва мадад берар, янги ижодий ишларга қанот бағишларди.

У яратган журналистика мактабида таълим олган, Шароф аканинг меҳрини қозонган кишилар маърифат-маънавият оламининг тарғиботчилари бўлиб ижодий меҳнат қилиб, хурматга сазовор бўлдилар.

Шароф ака «Қизил Ўзбекистон» газетаси муҳаррирлигидан сўнг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига раис этиб сайланди. Қарийб ўн йилча Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг Раиси ва 24 йил Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари бўлиб хизмат қилди. Ана шу йиллари мен «Қизил Ўзбекистон» газетасининг бош муҳаррир ўринбосари (муҳарриримиз раҳматлик Ҳожиакбар Ғуломов эдилар), муҳаррири ва кейинчалик Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасининг раиси бўлиб ишлаган давримда ҳам бу олижаноб инсоннинг матбуотимиз ҳақида берган доно маслаҳатларига амал қилиб, самимий ёрдамини доимо сезиб, билиб турдим.

▲

Энди қадрдон дўстим, атоқли журналист ва публицист Рихси Саҳибоевнинг матбуотдаги хизматларига қисқа тўхталиб ўтмоқчиман. У ўзининг журналистик фаолиятини 1941 йили «Қизил Ўзбекистон» газетасининг адабий ходимлигидан бошла-

ди. Ешлигиданоқ газетада ишлашга зўр ихлос қўйган ёш журналист отахон газетамизнинг қозонида қайнаб, журналистика мактабини ўтади, газетачиликнинг ўзига хос мураккаб томонлари ва услубини ўрганди. Фронтда даҳшатли жанг кетаётган йиллари у ҳарбий ватанпарварлик мавзуида хабар ва мақолалар ёзди. Кўп ўтмай газетанинг тарғибот бўлими мудирлигига, сўнгра бош муҳаррир ўринбосарлигига кўтарилди. «Қизил Ўзбекистон»нинг жанговар руҳда, сермазмун чиқиши учун астойдил жон куйдирди. Кунора навбатчилик қилибгина қолмай, Олий Бош Қўмондонлик буйруқларини, Совинформбюро материалларини ўзбек тилига ўгириб, таҳрир қилишда қатнашди.

Ҳамма жойда бўлгани каби «Қизил Ўзбекистон» редакциясида ҳам етук ходимлар фронтга жўнаб кетган, малакали журналист кадрлар, қоғоз, босма машиналар ва техник ускуналар етишмас, урушнинг оғир таъсири ҳар қадамда сезилиб турарди. Редакция ходимлари кечалари уйқу нималигини билмай эрталабгача толиқиб, қийналиб газета чиқарардилар.

Р. Саҳибоевда масъулият туйғуси, публицистик эҳтирос кучли эди. Жуда кўп ўқирди, бўш вақтини бекор ўтказмасди, гап-сўзлариданоқ кўп ўқиганлиги, изланувчанлиги, фикр уфқи кенглиги сезилиб турарди. Унинг кишини ҳайратга соладиган томонлари кўп эди. «Журналист касбини чидаганга чиқарган, деган эди у бир йиғилишда, журналист кўп нарсани ўқиши ва билиши, ўз устида кунт билан ишлаши керак, агар у фикрлай билмаса, фақат хабарчи бўлиб қолади. Лекин қанчалик етук бўлса ҳам, унинг билмаган нарсаси кўп бўлади. Журналистнинг ҳар бир ҳаракати, ҳар қадами, ҳар сўз жумласи нуқсондан холи бўлиши шарт, унда содир бўлган нуқсон — матбуотимиз учун доғдир». Бу сўзларни кўп такрорлайдиган инсон шу билан бирга ширин сўз, табиа-



тан боладек беғубор, беозор, юмшоқ ва оққўнгил эди. Унинг оққўнгиллиги, дилкашлиги, бировни ҳимоя қилаётганда куйиниб-ёниб гапириши, одамохунлиги кўпчиликнинг эсида бўлса керак.

Рихси Саҳибоев ахборот хизматининг йирик маркази ҳисобланган Ўзбекистон телеграф агентлигида (ЎзТАГ) раҳбар бўлиб ишлаган йиллари бу ташкилот ўз ишини анча яхшилаб олди, газеталар, радио ва телевидение билан алоқасини мустаҳкамлади, ижод кўламини кенгайтириб, такомиллаштириб борди. ЎзТАГда таржимонлар бюросини ташкил этиб, малакали ходимлар билан тўлдирди, ёш мутахассис журналистларни тарбиялади. ЎзТАГ газеталарни, радио ва телевидениени умумдавлат аҳамиятига молик бўлган ҳужжатлар билан таъминлашнинг, йирик анжуманларнинг Москвадан телетайп орқали бериладиган расмий қарорларини, раҳбарларнинг маъруза ва нутқларини, ғоят муҳим сиёсий, илмий-назарий мақолаларини, ниҳоятда зарур бўлган ТАСС ахборотларини рус тилидан ўзбек тилига тезкорлик билан таржима ва таҳрир қилишнинг бош штабига айланди. Бу муҳим ва масъулиятли ишда Рустам Абдураҳмонов, Яҳё Йўлдошев, Усмон Яшиев, Насибулла Ҳабибуллаев, Шербек Алиев, Шариф Толибов, Лутфулла Муродов, Турғун Пўлат, Зиёвуддин Ёқубов, Аҳмаджон Аюбов, Ғиёс Неъматов, Илҳом Фозилов каби иқтидорли таржимон-журналистлар Р. Саҳибоев раҳбарлигида жонбозлик кўрсатардилар. Таржима ва таҳрирчилик бобида бой тажрибага эга бўлганлиги учун Рихси Саҳибоевнинг ўзи ҳам уларга бош-қош бўлиб, ҳамма ишларига яқиндан ёрдам берар ва уларда фаол қатнашарди.

Рихси Саҳибоевнинг табаррук номи ўзбек журналистикаси тарихида муносиб ўрнини эгаллаб турибди. У киши ўзи сепган эзгулик уруғларининг бир куни мева беришини олдиндан кўра билган эди. Ўз

фикрини ҳамма вақт очиқ-ойдин баён қиладиган, фикрининг тўғрилиги, теранлиги ва тиниқлиги билан файласуф олим сифатида ҳам тан олинган, матбуотимиз оламида ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган дўстимизнинг кишини ҳайратга соладиган жиҳатлари кўп эди. Бирга ишлаган шогирдлари журналистика ва таржимонлик соҳасида фаолият кўрсатиб, матбуотимиз бўстонида ном чиқардилар. Р. Саҳибоев Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг секретари бўлиб ўн йилдан ортиқ ишлаган пайтда газета ва журналлар билан ижодий алоқасини узмай, ўқувчида кучли маънавий эстетик завқ уйғота оладиган публицистик ва назарий мақолалар ёзиб турди. Бу мақолалар «Совет Ўзбекистони», «Ўзбекистон маданияти», «Правда Востока», «Ҳақиқати Ўзбекистон», «Тошкент ҳақиқати» газеталарида, «Ўзбекистон коммунисти», «Партия турмуши», «Шарқ юлдузи», «Гулистон», «Саодат» журналларида босилиб чиққан.

Рихси Саҳибоевнинг маданиятимиз ва журналистикамиз равнақига қўшган ҳиссаси муносиб тақдирланган. У «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвонига, бир қатор орден, медалларга ва Фахрий ёрлиқларга сазовор бўлди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига бир неча бор депутат этиб сайланди. У яшаб турган Шайхонтоҳур туманидаги Оқсой кўчасига Рихси Саҳибоев номи берилган. Вафоти муносабати билан республикамиз раҳбарлари имзо чеккан таъзияномада қуйидаги сўзларни ўқиганмиз:

«Толмас меҳнаткаш, истеъдодли журналист, Ўзбекистонда қайта қурилишларнинг фаол иштирокчиси, республика фаоллари ва меҳнаткашлари орасида катта обрў-эътибор топган инсон орамиздан кетди».

Ўзбекистон миллий матбуоти тарихида муносиб ўрин эгаллаган, ёрқин из қолдирган бу табаррук сиймоларнинг хотирасини доимо миннатдорлик ва юксак ифтихор билан эсга оламиз. Улар журналистикамиз бўстонида бамисоли барча қирралари билан яққол кўзга ташланиб турадиган улкан ва салобатли қоялардир.



*Зиёд ЕСЕНБОЕВ*

## МАЗМУНЛИ ҚИСҚА УМР

Тақдир мени тарихчи олим ва таниқли журналист Ҳожиакбар Ғуломов билан 1949 йили таништирган. У киши Москвадаги Ижтимоий фанлар академиясини тамомлаб, тарих фанлари номзоди деган илмий даражани олгандан сўнг ўша даврдаги ўзбек матбуотининг байроқдори ҳисобланган, республикамизнинг нуфузли отахон газетаси бўлмиш «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасига масъул муҳаррир этиб тайинланган эди. Мен шу газетада масъул котиб бўлиб ишлардим. Кейинчалик муҳаррир ўринбосари бўлиб хизмат қилдим.

Биз вақт билан ҳисоблашмай, газетачиликнинг аччиқ-чучугини бирга тортиб, тонготар кечаларни редакцияда бирга ўтказганмиз. Саҳифаларни тайёрлаш, ўқиш ва газетага қўл қўйиш жараёнлари орасида бўш вақтимиз ҳам бўларди. Ҳожиакбар Ғуломович менинг иккинчи жаҳон урушида қатнашганлигимни, урушнинг биринчи кунларидан то Ғалаба тонги отгунга қадар ҳаракатдаги армия сафида — Ғарбий ва Шарқий фронтларда бўлганлигимни билар, шу боис жанговар таассуротларимни қизиқиш билан сўрар, ўзи ҳақида ҳам гапирганлиги ҳамон ёдимдан кўтарилгани йўқ.

1939 йили армия сафига чақирилган Ҳожиакбар Ғуломов кўп ўтмай, соғлиги ёмонлиги туфайли ар-



73548

миядан бўшатилади. 1940 йил бошларида «Қизил Ўзбекистон» газетасига адабий ходим бўлиб ишга киради. Ёшлигиданоқ матбуотга ихлос қўйган ёш қаламкаш газетачиликнинг ўзига хос мураккаб томонларини ўрганишга ҳаракат қилади. Ҳар хил ахборот, хабар ва мақолалар ёзиб, кўзга кўринади. Ҳамкасблари орасида камтарлиги, ишчанлиги, кам сўзлаб кўп ишлаши ва ташаббускорлиги туфайли тез орада бўлим мудири, сўнгра муҳаррир ўринбосари вазифасига кўтарилади. Уруш арафасида — 1941 йил май ойида 27 ёшида «Қизил Ўзбекистон»нинг масъул муҳаррири этиб тайинланади. Урушнинг биринчи кунларидан бошлабоқ, меҳнаткашларни душманга қарши зарба бериш ва уни тор-мор қилишга сафарбар этувчи ҳарбий-ватанпарварлик мавзуларида мақолалар уюштиришни ташкил этади. 23 июнда, урушнинг иккинчи куни «Қизил Ўзбекистон» газетасининг махсус сони жанговар варақа тарзида чоп этилади. Тошкент Педагогика институтида дарс бериш билан бирга кўп нусхали газетага муҳаррирлик қилаётган Сиддиқ Ражабовни 1941 йил июль ойининг охирларида Ҳожиакбар Ғуломовга муовин қилиб тайинлашади. Азиз ўқувчим, ўрни келганда эслатиб қўйиш фойдадан холи бўлмас, билганингиз яхши: Ҳожиакбар Ғуломов армияга чақирилишидан олдин шу институтни тамомлаган. Сиддиқ Ражабов эса кейинчалик педагогика фанлари доктори, профессор, Иттифоқ педагогика фанлари академиясининг академиги бўлиб етишган. Ҳожиакбар ака раҳбар органларнинг қарори билан бошқа ишга ўтгандан сўнг 1943 йил апрелидан 1947 йил октябрь ойигача Сиддиқ ака «Қизил Ўзбекистон» газетасида тўрт йилча масъул муҳаррир бўлиб ишлаган.

Уруш урушлигини кўрсатиб, Ўзбекистонда кўпгина нашрларнинг чиқарилиши вақтинча тўхтатилган эди. Фақат ижтимоий-сиёсий газеталар — ўзбек ти-

тилида «Қизил Ўзбекистон» ва рус тилида «Правда Востока»гина чиқиб турарди. Бу пайтлар миллий газеталаримизни чиқаришда жуда кўп қийинчиликлар кўндаланг бўлиб турарди. Аввало ТАСС, ЎзТАГ ва бошқа ахборот марказларидан хабарлар асосан рус тилида келарди. Малакали журналистлар, ҳарф терувчилар, линотип машиналари, техник ускуналар етишмасди. Ходимлар кечалари уйқу нималигини билмай, эрталабгача толиқиб, қийналишиб газета чиқаришарди. Ана шундай оғир дамларда Ҳожиакбар Ғуломов уларга мададкор, бош-қош бўлди, отахон газетанинг дошқозонида қайнаб, қийинчиликларни сабр-бардош билан енгди.

Ҳожиакбар Ғуломов Марказқўмнинг қарори билан 1949 йил август ойида «Қизил Ўзбекистон» газетасига иккинчи марта масъул муҳаррир этиб тайинланади ва у бу лавозимда 1953 йил март ойигача ишлади. Ҳожиакбар акадан мен кўп нарсаларни ўргандим. У киши интизомни қаттиқ ушлайдиган ва уни ҳаммадан талаб қиладиган масъулият туйғуси кучли раҳбар эди. Жуда кўп ўқирди, бўш вақтини бекорга ўтказмасди, телефонда жуда кам гапирар эди. Жаҳли чиққанини, асаби бузилганини, хафа бўлганини, бетоблигини бировга билдирмайдиган, ўзини вазмин тутадиган, бамисоли кабутардай беозор, юмшоқ табиатли ажойиб инсон эди. Сиҳат-саломатлиги заиф бўлса-да, тақдиридан сира нолимасди. Агар газетага бош мақола ёки назарий-публицистик мақолалар ёзадиган бўлса, олдиндан тайёргарлик кўриб кўп нарсаларни ўқиб чиқар, қўлда ёзиб келарди. Сўнгра машинисткага бериб, синчиклаб ўқиб чиққанидан сўнггина менга топширар, «ўзингиз ҳам кўриб қўярсиз» деб камтарона кулимсираб қўярди. Бу масалада ҳаммамизга ибрат кўрсатарди.

Ҳожиакбар ака саҳифа ўқиш орасида вақт топиб, кечалари вилоятлардаги штатли мухбирларимиз би-

лан юракдан танлашиб олишини, уларга шахсан ўзи конкрет мавзуларда топшириқлар беришни ва унинг ўз вақтида бажарилишини назорат қилиб туришни одат қилиб олганди. Республикамиз халқ хўжалигининг барча тармоқларини газетада тўғри ва адолатли равишда тўлақонли ёритиб туришни улардан қаттиқ талаб қиларди.

Ўша пайтларда Андижондан Аъзам Ҳамдам, Фарғонадан Исмоил Тўхтасинов, Намангандан Солижон Отажонов, Самарқанддан Ғиёс Ашуров, Сурхондарёдан Латиф Эргашев, Бухородан Бобош Маҳмудов, Хоразмдан Маткарим Худойберганов, Тошкентдан Шобарот Кузанбоеваларнинг ёзган мақолалари ўткирлиги ва муаммоларни дадил кўтариб чиқиши билан ажралиб турарди. Улар ҳаётдаги янгиликларни қайд этибгина қолмай, халқ хўжалигининг турли тармоқларидаги нуқсонларни ҳам кескин очиб ташлардилар. Ёш улуғ газетхонлар буни ҳам яхши эсласалар керак. Муҳарриримиз газета саҳифаларида ички бир туғён билан ёзилган мақола, очерк, фельетонлар бўлишини, ишдаги камчиликларни дадил очиб ташлайдиган материалларнинг кўпроқ бўлишини истарди. Газетада босиладиган деярли ҳамма материалларни ўқиб чиқишга ҳаракат қиларди.

Ҳожиакбар Ғуломович газетанинг давр талабига мос йўналиши ва мазмунигагина аҳамият бериб қолмасдан, балки унинг ташқи безагига, макети ва кўринишига ҳам эътиборимизни жалб қила биларди. Бир куни «Зиёдвой, макетнинг зеби-зийнати газета чиққанида билинади, саҳифани бир қолипга солиб газетхонга кўрсатишга ҳаққимиз йўқ. Газета чиқаришнинг ҳамма жараёнларини биргалашиб кузатиб борайлик!» дегани ҳали эсимда.

Ҳожиакбар ака олимлар, маданият ва санъат арбоблари, ёзувчилар билан кўришиб, суҳбатлашиб туришни сира канда қилмасди. Москвада ўқишни



битиргандан сўнг Марказқўмнинг биринчи котиби, ҳурматли Усмон Юсуповнинг ёрдамчиси ва республика Санъат ишлари бошқармасининг бошлиғи бўлиб ишлаганлиги, ажабмас, бунга таъсир кўрсатган бўлса. Қори Ниёзий, Обид Содиқов, Тошмуҳаммад Саримсоқов, Муҳаммад Ўразбоев, Мавлон Ваҳобов, Ҳабиб Турсунов, Отабой Эшонов, Ойбек, Ғафур Ғулом, Комил Яшин, Ҳалима Носирова, Тамарахоним, Мухтор Ашрафий, Юнус Ражабий, Сора Эшонтўраева, Муккаррама Турғунбоева, Зулфия каби эл ҳурматига сазовор бўлган адиб ва санъаткорлар унинг хонасини тарк этмасдилар. Уни кўпчилик севар ва ғоят ҳурмат қиларди, республика раҳбарлари ва жамоатчилиги олдида обрўси баланд эди. Ҳожиакбар ака бундай ҳурмат-иззатга ўзининг меҳнатсеварлиги, ниҳоятда камтарлиги, ғуборсиз қалби, маданиятлилиги, поклиги, хушфеъллиги, одамларга нисбатан меҳрибонлиги туфайли эришган эди.

Ҳожиакбар Ғуломович дўстларига ҳам қадрдон, садоқатли, меҳр-оқибатли инсон эди. «Мен ғоят озчилик билан дўстлашаман, лекин бу дўстликни жуда-жуда қадрлайман», дерди у. Биз жуда қадрдонлашиб кетган эдик, редакциядаги муаммоли ишларни, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишни бамаслаҳат ҳал қилардик. Ҳожиакбар ака муҳаррирликдан кўтарилиб, республикамизнинг энг обрўли раҳбарлик органида масъул лавозимда ишлаганида ҳам алоқамиз узилмади, дўстлигимиз тартиб-қоидаси бузилмади. У халқ унга катта ишонч билдирганини яхши тушунар, бу ишончни эъзозлар, ўз фидокорона меҳнати билан уни оқлашга интилар эди.

Ҳожиакбар Ғуломович давлат ва жамоат ишлари, редакциянинг муаммолари билан қанчалик банд бўлмасин, оиласига — рафиқаси Робия опага, фарзандлари Раъно, Жаҳонгир, Жасур, Лола ва Мухторжонларга меҳр-оқибат кўрсатиб, ғамхўрлик ва эъти-

бор қилишга доимо вақт топарди. Шунинг учун ҳам мен у кишига кучли меҳр қўйган эдим. Баъзан дам олиш кунлари Бўстонлиқнинг «Чимён»ига чиқиб ором олганимизда, оилавий учрашувларимизда, байрам кунлари буни яхши сезар ва чуқур ҳис этардим.

Тарихчи олим ва устоз журналист, матбуотимиз жонкуяри Ҳожиакбар Ғуломов 1914 йили Тошкентда туғилган. Эрта етим қолиб, қариндошлари уйида, 14 ёшидан интернатда тарбияланган. Заҳматкаш ва жафокаш мураббий жуда қисқа умр кўрди — 42 ёшида, узоқ давом этган оғир касалликдан сўнг, 1956 йил 6 апрелда вафот этди. Ҳожиакбар аканинг ажойиб инсоний фазилатлари уни билган кишилар хотирасидан асло чиқмайди. У матбуотимиз тарихида барҳаёт сиймолардан бири бўлиб қолаверади.

*Зиёд ЕСЕНБОЕВ*

## ЁРҚИН ЮЛДУЗ

Матбуотимизнинг ёрқин юлдузларидан бири, ёшлик даврини, қалб қўрини газетачилик ишига бахшида этган атоқли журналист, машҳур қўшиқнавас шоир Акмал Пўлат ҳаёт бўлганларида шу кунларда ўзининг 93 ёшини нишонлаган бўлардилар. Менг афсуски, шафқатсиз ўлим журналистикамиз ва адабиётимиз равнақи йўлида баракали меҳнат қилиб ёрқин из қолдирган Акмал акани 70 ёшига тўлишига бир ой қолганда, юбилейига тайёргарлик кетаётган кунлари орамиздан олиб кетди (жойи жаннатда, охирати обод бўлсин). Матбуотимиз бўстонида бамисоли барча қирралари билан яққол кўзга ташланиб турадиган бу забардаст қалам соҳиби билан «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасида бирга ишлаш менга насиб этган.

Ўзбек миллий матбуотининг етакчиси ҳисобланган бу нуфузли газетада 1947 йили Шароф Рашидов бош муҳаррир, Рихси Саҳибоев бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари, Акмал Пўлат муҳаррир ўринбосари, айни вақтда саноат, қурилиш ва транспорт бўлимининг мудири бўлиб ишлардилар. Уруш йиллари Катта Фарғона канали, Фарҳод ГЭСи, Каттақўрғон сув омбори қурилишларида фаол қатнашиб катта ҳурмат-иззатга сазовор бўлган, элимизга машҳур бўлиб кетган «Меҳнат аҳли» қўшиғини ўша ерда яратган экан. Акмал ака саноат, қурилиш ва транспорт соҳасини ҳам яхши билиб олган эди. Бошқараётган бўлими атрофига ишбилармон мутахассисларни, ишчи мухбирларни жалб қила биларди, ташкилотчилик кўрсатиб махсус рейдлар, саҳифалар уюштирарди. Республикамиз тарихида катта из қолдирган ана шу йирик қурилишларда ишлаб тажриба орттирган Акмал Пўлат «Қизил Ўзбекистон» газетасига ишга келгандан сўнг урушдан кейинги даврдаги қийинчиликларни бартараф этишда, республика халқ хўжалигини қайтадан тиклаш ва саноат, қурилиш ва транспортни изга солиш йўлида ҳормай-толмай хизмат қилди, принципиал чиқишлар қилди, мақолалар ёзди, жуда кўп шогирдлар тайёрлади.

Акмал Пўлат журналистика соҳасига 1926 йили 17 ёшида кириб келди. Газеталарда ўзининг хабар ва мақолалари билан фаол қатнашиб турган қишлоқ мухбирини 1927 йили «Камбағал деҳқон» газетасига ишга таклиф этишди ва деҳқон ёшлари бўлимига мудир қилиб тайинлашди. У ўзининг дастлабки даврда, репортаж ва очерклари биланоқ ўқувчилар меҳрини қозонди. Икки йилдан сўнг ёшлар газетасига (ҳозирги «Туркистон») масъул котиблик вазифасига кўтарилди. Бу лавозимда кунни тунга, тунни кунга улаб, зўр ғайрат ва илҳом, шижоат билан меҳнат қилди, чарчаш нималигини билмади, газе-

тачиликнинг бутун икир-чикирини, сир-асрорини яхши билиб олишга ҳаракат қилди. 1932 йилнинг март ойларида эса 23 ёшида шу газетага муҳаррир этиб тайинланди.

Холбек Ёдгоров, Аҳмад Исмоилов, Абдулла Лутфуллаев, Фаттоҳ Гаврилов, Шоира Ўтаева, Башоратхон Гулмуҳамедова каби матбуотимиз фидойиларининг газетачиликнинг катта равон йўлига чиқиб олишида Акмал Пўлат устозлик қилди. Журналистикамизнинг пешқадам намоёндаси, қадрдон дўстим, туғма газетачи Холбек Ёдгоров «Нурли йўл» китобида «Менинг ёшлар газетасига ишга келишим, аслини олганда журналистика кўчасига киришим Акмал ака туфайлидир» деб ёзган эди.

Акмал Пўлат ёшлар газетасидан сўнг янгидан ташкил этилган «Ўқитувчилар газетаси»га (ҳозирги «Маърифат»), «Маданий инқилоб» (ҳозирги «Ўзбекистон адабиёти ва санъати») газетасига муҳаррирлик қилди. 1937 йилдан 1942 йилларнинг ўрталаригача Фарғона вилоят газетасида муҳаррир бўлиб фаолият кўрсатди.

Йигирмадан ортиқ китобнинг муаллифи бўлган, қўшиқчи шоир сифатида эл орасида танилган Акмал Пўлатнинг ижодида сатира ва юмор, ҳажвий ҳикоялар, шеърлар, латифалар ва фельетонлар алоҳида ўрин тутади. «Тил бошқа, дил бошқа», «Хизматга туҳмат», «Узун тил», «Туҳмат ва Илон», «Фитна ўлдирди», «Жон талвасаси», «Қора юраклар» «Эрк ва муҳаббат ўғрилари» сингари шеър ва фельетонлари шулар жумласидандир.

Акмал ака «Муштум» журналининг бош муҳаррири бўлиб ишлаган 1955—1961 йиллари журналнинг деярли ҳар бир сонида унинг ҳажвий асарлари чиқиб турарди. Бошқаларга ўрнак бўлиб, ўзи айтган сўзларга амал қилиб турмушимизда учраб турадиган баъзи иллатларни масал, ҳазил қўшиқлари, фелье-



тонлари ва ўткир танқидий мақолалари билан фош этарди. Шу даврда «Муштум» кутубхонаси» сериясини ташкил этиб, қатор рисолалар чиқартирди. «Қанималама», «Такасалтанг», «Севмаганга суйкалган» тўпламлари бунинг ёрқин далилидир.

Акмал ака 1963 йили янгидан ташкил этилган Сирдарё вилоят газетаси «Сирдарё ҳақиқати»нинг биринчи муҳаррири бўлган. Унинг шу лавозимда ишлаб туриб республика газета ва журналларида, ўзи муҳаррирлик қилган «Сирдарё ҳақиқати» газетасида турли даврларда босилиб чиққан «Завқли кунлар», «Зафар нишони» «Сув ва нур», «Яйлов тонги», «Хазина билан гавҳар» «Гулзор Гулистонга келинг», «Сув ва қўриқ ҳақида қўшиқ» каби очерк, ҳикоя ва мақолалари ҳақиқатан ҳам Акмал акани қўриқ ерининг заҳматкаш қаламкашига айлантирди.

«Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» деган юксак унвонга, бир қанча орден ва медалларга сазовор бўлган Акмал Пулат ижодий ишлари билан бир қаторда узоқ йиллар «Ўзбекфильм» киностудияси директори, Авторлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш Бутуниттифоқ агентлиги Ўзбекистон бўлимининг бошлиғи ва ниҳоят Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бадиий адабиётни пропаганда қилиш бюросининг директори лавозимларида меҳнат қилди.

Шу ўринда Акмал Пўлат таваллудининг 70 йиллигига бағишлаб 1980 йили Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти чоп этган «Куйларим» деган шеърий қўшиқ ва ҳажвиялар тўпламидан Ўзбекистон халқ ёзувчиси Туроб Тўла ёзган қуйидаги сатрларни эслатиб ўтишнинг мавриди келди деб ўйлайман:

«Акмал Пўлат — шеъриятимизга қўшиқ билан кириб келиб, қўшиқ билан кетган шоир. У ҳамиша халқ ичида, қаҳрамонликлар иншоотларида, катта воқеалар ичида юриб, ўз қаҳрамонлари билан бирга иш-

лаб қўшиқ ёзди, унинг қўшиқлари ҳеч қачон осмондан олинмади, албатта адреслик бўларди.

Граждандик, ватанпарварлик, гуманизм, олий инсонийлик мавзуи ҳамиша унинг асл мавзуи бўлиб келган ва шундай бўлиб қолди»

Матбуот соҳасида Акмал ака билан чамаси 30 йилдан ортиқ бирга ишлаганлигим, Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқларини бирга кезганлигим, республикамиз ташқарисида хизмат сафарларида бирга бўлганлигим, турли йиғилиш, кенгаш, қурултой ва бошқа анжуманларда бирга қатнашиб юрганлигим, оилавий муносабатларимиз жуда яхши бўлганлиги сабабли кўп вақтларимни Акмал ака билан бирга ўтказишга тўғри келарди. У кишини республикамизда танимайдиган, қўшиғини ёки номини эшитмаган кишилар камдан кам топиларди. Халқчил ва сермаҳсул ижодкор сифатида ўзининг кўп қиррали меҳнат фаолияти билан тез орада эл-юрт орасида танилган, ўзбек миллий матбуотининг забардаст фидокорлари орасидан ўз ўрнини муносиб эгаллаган, ҳамиша қувноқ ва ҳозиржавоб қаламкаш эди. Акмал ака мабодо катта йиғинларда минбарга чиқиб шеър ўқиса, эҳтирос билан гапирса, сўзамоллиги билан йиғилганларни ўзига жалб қилиб оларди. Биз — матбуот ходимлари бунинг жуда кўп марта гувоҳи бўлганмиз.

Мен матбуотимиз ва адабиётимизнинг кўзга кўринган дарғаларидан бири Акмал Пўлат билан танишганимдан, таҳририятларнинг дошқозонида қайнаб, бирга ижод қилганимдан бениҳоя хурсанд ва бахтиёрман. Ҳар доим ва ҳар қадамда Акмал аканинг меҳр тўла ижодий ёрдамини, саховатини ва маслаҳатини сезиб турганман, билиб юрганман. Яхши дўстлар суҳбати самимият ва садоқатдан келур, меҳр ва оқибат дўстлар қалби ҳароратидан келур, деб бекорга айтмаганлар.

Ажойиб журналист, моҳир ташкилотчи раҳбар, дилбар шоир, табассумидан доимо нур ёғилиб турадиган фидойи зукко инсон Акмал Пўлатнинг нурли хотираси уни билганлар, ундан ўрганган шогирдлари, дўстлари қалбида саноқсиз қанотли қўшиқлари билан мангу яшайди.

*Нусратилла НАИМОВ*

## МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ТАРҒИБОТЧИСИ ЭДИ...

Етмиш йил мобайнида халқ хотирасидан чиқариб ташланиб, шу кунгача руҳи поки чирқираб ётган бу инсоннинг ўзи ким бўлган?

Нега биз Бухорода истиқлол учун курашда мардлик ва жасорат кўрсатиб, большевиклар зулмидан халок бўлган бу инсон тўғрисида деярли ҳеч нарса билмаймиз?

Туркияда таълим олган Саид Аҳрорий Бухорода дастлаб маърифий, кейинчалик миллий истиқлол ҳаракатида фаол қатнашиб, халқни амирлик тузуми зулмидан озод қилиш йўлида кураш олиб борди, истиқлолга бағишланган шеърлар ёзди. 1920 йил сентябрида Бухорода халқ ҳокимияти ўрнатилгандан кейин Абдурауф Фитрат, Мусо Саиджонов ва бошқа зиёлилар билан бир сафда туриб, вилоят ва туманларда янги усулдаги мактаблар очилишида жонбозлик кўрсатди.

Саид Аҳрорий айниқса маҳаллий матбуотни ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. 1920 йилнинг апрелида (ҳали у Тошкентда муҳожирликда бўлган даврида) Файзулла Хўжаев муҳаррирлигида «Учқун» газетасининг дастлабки сони чиқди. Саид Аҳрорий ана шу таҳририятнинг энг фаол аъзоларидан

бири эди. Ёш бухороликлар Туркистон бюросининг нашри бўлган мазкур газетанинг дастлабки сони 15 апрелда чиқди. Ҳар ойда икки марта 5 минг нусхада яширин йўллар билан Бухоро фуқаролари ўртасида тарқатилларди. Мазкур газета Бухорода жадидлар ғоясининг кенг ёйилишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Бухоро Халқ Республикаси ташкил топиши билан Саид Аҳрорий давлат нашриёти раҳбарлигига тайинланади. «Учқун»га ворислик қилган «Бухоро ахбори» газетасининг дастлабки сонларини нашр этишда, турли сиёсий ва маърифий адабиётларни чоп этишда Саид Аҳрорийнинг ташкилотчилик қобилияти ёрқин намоён бўлди.

Бухоро Халқ Республикаси мустақил давлат сифатида хорижда элчихона ва ваколатхоналарини очишга киришганида Саид Аҳрорий БХРнинг Озарбайжондаги доимий ваколатхонаси бошлиғи вазифасида фаолият кўрсатди. Ўша даврда республика Ташқи ишлар нозири вазифасида ишлаган Абдурауф Фитратнинг кўрсатмасига мувофиқ, у Озарбайжон жадидлари билан яқин алоқада бўлиб, мустақиллик учун кураш ҳаракатида янги тажриба орттирди. Бир неча марта Бокуда Файзулла Хўжаев ва Абдурауф Фитратнинг Озарбайжон раҳбарлари билан учрашувларини уюштириб, уларда шўролар тузумига қарши курашда ҳамкорлик усуллари келишиб олинади.

Мустақиллик учун курашнинг энг жанговар арбоблари бўлган Абдурауф Фитрат, Атоулло Хўжаев, Муинжон Аминов, Саттор Хўжаевлар халқ ҳукумати таркибидан чиқарилиб, Бухородан бадарға қилинганидан кейин республиканинг хориждаги ваколатхоналари шўролар тазйиқи билан ёпилади. Бухорога қайтиб келган Саид Аҳрорий «Бухоро ахбори» газетасининг муҳаррири этиб тайинланади. Аммо кўп



ўтмай «Бухоро ахбори» «Озод Бухоро» номи билан чиқа бошлаб, таҳририят таркибидан кўпчилик жадидлар четлаштирилади.

Аммо шахсан Файзулла Хўжаевнинг Саид Аҳрорийга ҳомийлиги туфайли ҳеч ким уни муҳаррирлик лавозимидан четлаштиришга журъат қилмайди. Газета мустақиллик ғояларини ўз саҳифаларида тарғиб этишда давом этади.

Большевиклар ташаббуси билан Туркистонда миллий чегараланишни ўтказиш ғояси ўртага ташланганида, миллий истиқлол манфаатларини ҳимоя қилишга журъат этган Бухоро жадидларидан бири Саид Аҳрорий эди. У Ўзбекистон Республикаси ташкил этилар экан, унинг барча раҳбарлик лавозимларида маҳаллий халқ вакиллари ишлаши керак, деган талабни қўйди. Унинг бу тўғридаги мақоласи «Ёш ленинчи» газетасида чоп этилиб, катта шов-шувга сабаб бўлди.

Ўшанда Бухоро коммунистик партияси тарғибот-ташвиқот шўъбасига мудирлик қилган Аббос Алиев «Озод Бухоро» газетасида Саид Аҳрорий таклифларига қарши мақола эълон қилиб, муаллифни миллатчиликда айблади. Натижада икки ўртадаги кураш кескин тус олиб, нафақат Бухоро, бутун Туркистонда бу масалада сиёсий мунозаралар бошланди.

Файзулла Хўжаев бир неча йиғилишларда сўзга чиқиб, Саид Аҳрорийнинг фикрини тўла тасдиқлади. Бу эса эҳтиросларнинг янада кучайишига сабаб бўлди. Бухоро компартиясида биринчи раҳбар лавозимида фаолият кўрсатаётган Мавлонбеков йиғилишларнинг бирида Файзулла Хўжаевни миллатчиларни қўллаб-қувватлашда айблади. Бунга жавобан Файзулла Хўжаев сўзга чиқиб, Мавлонбековни саводсизликда айблаб, Саид Аҳрорийни миллий истиқлол тарғиботчиси деб атади.

Бунинг оқибатида Бухоро Халқ Республикаси ҳукумати ва компартия раҳбарлари ўртасидаги низо

кескин ва очиқ тус олди. Катта бир йиғинда Файзулла Хўжаев Мавлонбековнинг саломлашиш учун узатган қўлини эътиборсиз қолдириб ўтиб кетди. Бу деярли маслакдошсиз қолган Файзулла Хўжаевнинг Саид Аҳрорийни нақадар қўллаб-қувватлаши ва уни ҳимоя қилиб, хавф-хатарга тайёр турганлигига ишончли далилдир.

Шундай бўлишига қарамай, большевиклар ўшанда Саид Аҳрорийни «Озод Бухоро» газетаси муҳаррири вазифасидан четлаштириб, бу лавозимга ишончли ходимлари Аббос Алиевни қўйишга муваффақ бўлдилар. Шундан кейин газета сиёсий қиёфасини йўқотиб, коммунистлар минбарига айланди ва 1991 йилда Ўзбекистон мустақилликка эришгунча шундай ҳолат давом этди.

Ўшанда эса Файзулла Хўжаев Саид Аҳрорийни шўро кузғунлари чўқиб ташлашига йўл қўймади. У Ўзбекистон ҳукуматига бошлиқ этиб тайинланганидан кейин Саид Аҳрорийни нозирлар кенгаши аппаратига масъул лавозимга ишга таклиф қилди. Саид Аҳрорий кўп йиллар бу вазифада фаолият кўрсатиб, республикада нашриётчилик, матбуот ишини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди.

Мухолифлар Файзулла Хўжаевни тўрт томондан исканжага олиб, охир-оқибатда отувга ҳукм қилар эканлар, унинг маслакдошлари қаторида Саид Аҳрорийнинг ҳам жисмини йўқ қилиб ташладилар. Аммо унинг исмини халқ хотирасидан мутлақо ўчириб бўлмади.

«Бухорономa» таҳририяти аъзолари, кўп сонли матбуот мухлислари газетанинг 80 йиллик тўйи арафасида «Бухоро ахбори»нинг биринчи муҳаррирларидан Саид Аҳрорий номини чуқур ҳурмат билан эслаб, унинг руҳи покига таъзим бажо этдилар.

*Шерали ТУРДИЕВ*

# МАЪНАВИЙ КАМОЛОТГА ДАЪВАТ

Аср бошларида туркий халқлар маданияти муштараклигини таъминлаш, ўзаро қардошлар алоқаларини мустаҳкамлаш борасида самарали фаолият кўрсатган олим, жамоат арбобларидан бири Назир Тўрақулов эди...

Шарқшунос олим Лазиз Азиззоданинг хотираларида қайд этилишича, Назир Тўрақулов Туркистон мусулмонлар бюросининг мудири сифатида ўлкадаги матбуот ва нашриёт ходимлари билан муҳим ташкилий ишларни бажарган. «1919 йил кузида,— дейди у бу ҳақда эслаб,— ўлка Мусбюро нашриёт ва таҳрир бўлимида Назир Тўрақулов мудир, Чўлпон унинг ўринбосари бўлиб ишлар эди. Шу пайтларда Тошкентда чиқиб турган «Шарқ» журнали, Олмаотада «Ўчқун» газетаси, Ашхободда ўзбек ва туркман тилларидаги «Садои фуқаро» газетаси, Самарқандда «Тўқмоқ» номли ўзбекча кулги журнали... бор эди». Бундан ташқари, Назир Тўрақулов 1922 йилда Тошкентда чиқа бошлаган «Инқилоб» журналининг муҳаррири сифатида ҳам ўша даврнинг таниқли шоир ва ёзувчиларидан С. Айний, Абдулла Қодирий, Чўлпон, П. Солиев, А. Саъдий ва бошқалар билан журнални ривожлантириш борасида самарали ишлар олиб борди, унинг саҳифаларида ўзининг муҳим ижтимоий-сиёсий мавзулардаги мақолалари билан фаол қатнаша бошлади («Бир нутқ ҳақида», «Араб дунёси ҳақида» ва ҳ. к.). Ўзбек халқини қардош туркий, форсий ва бошқа халқларнинг мумтоз адабий сиймолари ижоди билан таништиришда жонбозлик қилиб, журнал саҳифаларида ўзбеклардан Навоий, қозоқлардан Абай, татарлардан Тўқай, усмонли турклардан Тавфиқ Фикрат, форсийлардан Бедил, ҳиндлар-

лан Рабиндранат Тагор шеъриятидан намуналар бера бошлади. Унинг саҳифаларида биринчи бор ўзбек адиби Абдулла Қодирийнинг машҳур тарихий романи «Ўтган кунлар», С. Айнийнинг «Бухоро жаллодлари» қиссаси, «Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар» номли мемуар асарлари босилди. Бу асарларнинг таҳрири ва нашрларида, айниқса, «Инқилоб»нинг адабий муҳаррири, машҳур ўзбек адиби Абдулла Қодирий хизматлари катта бўлган.

Назир Тўрақулов бу даврда ўлкада чиқа бошлаган «Иштирокиюн», «Туркистон» каби газеталар, «Тонг», «Учқун» каби журналларда ҳам турли ижтимоий-сиёсий мавзуда, миллий тил ҳақида ўткир жанговар мақолалари билан қатнаша бошлайди. Бунинг натижаси ўлароқ, ўша йилларда унинг «Шарқ ва умумий сулҳ», «Қозоқ ва муҳожир масаласи», «Миллий масала ва мактаб», «Мамлакатимизда янги давр», «Фарғонада тарихий кунлар», «Баҳри муҳит Отлосидан Баҳри муҳит Кабиргача», «Қиморхона», «Турк тили» каби кўплаб ижтимоий-сиёсий мавзулардаги публицистик мақолалари босилди. Уларда, гарчи муаллифнинг мазкур масалаларга қарашида ўша давр ғояларининг таъсирлари бўлса-да, Ғарбнинг Шарқ мазлум ўлкаларига кўрсатган мустамлакачилик сиёсатининг иқтисодий, маданий, маърифий зарарлари ҳам имкон борича холислик билан ёритилган эди. Жумладан, у ўзининг «Турк тили» (1920) номли мақоласида шу даврда Туркистонда давлат тили масаласи атрофида кетаётган баҳсда фаол иштирок этиб, бу жиҳатдан яқин ўтмишдаги ҳолга назар ташлайди. Ва шу муносабат билан у Оренбургдаги «Шўро», Боқчасаройдаги «Таржимон» газеталарининг туркий тиллар масаласида олиб борган баҳс ва мунозараларига ўзининг аниқ нуқтаи назарини билдириб, уларнинг баъзи бир ғоявий чекланган томонларини ҳам танқид қилади. Ва шу ернинг ўзида чор мустамлака-



чи тўраларининг татар муаллимларининг қозоқ ва ўзбек мактабларида ишлашларини таъқиб қилишларини яхши ниятда қилмаганлигини фош этиб: «Агар ўнинчи йилларда машҳур генерал Самсонов татар муаллимлари ўзбек ва қозоқ мақтабларида таълим етишсунлар ва ҳар ким ўз тилида ўқусун, деб буюрган бўлса, албатта, генерал жаноблари байналмилалчи ва ёки фидойичилик нуқтаи назаридан буюрмай, маҳаллий халқларининг маориф ва маданият ишларига халал бермак орзуси билан ҳаракатда бўлмиш», деб ёзади.

Назир Тўрақулов бу давр ўзбек матбуотида фақат публицист сифатидагина эмас, адабий машқлар, танқидий мақола ва баҳслар билан ҳам чиқишлар қила бошлайди. Жумладан, «Иштирокиюн» газетасининг 1919 йил 26 ноябрь сонида «Номакоб» имзоси билан немис шоири Генрих Гейнедан «Ҳисоби муҳаббат» (қизларга) шеърий парчасини таржима қилади.

Худди шу газетанинг ўша йилги 27 ноябрь сонида эса унинг ўша имзода «Афанди» номли бир ҳажвий ҳикояси ҳам босилади. Унда янгиликка интилиб, унинг ҳақиқий моҳиятини тушуниб етмаган чаласавод Эшмат исмли бир дўстининг ҳатто «Афанди» деган сўзнинг ҳам маъносидан бехабарлигидан маъюсланиб ёзади: «Эй! Афандини билмаган бечора бахтсиз аждодимиз! Эй, бебахт мозийимиз! «Афандини билмай дунёдан ўтиб кетган бечора боболарим! — деяр эдим-да, икки кўзимдан мўлтираб, икки қатра ёш оқди-да, жиғ-жиғимдан ҳазин-ҳазин садолар, йиғи овозлари чиқар эди». У «Инқилоб» журналининг 1922 йил 3-сонида «Дарвеш» имзоси билан босилган «Идорадан» номли кириш мақоласида, «Қизил байроқ» газетасининг 1922 йил 24 июль сонидаги ўзбек адиби Абдулла Қодирий билан мунозара тариқасидаги «Жасорат» мақолаларида ҳам ҳар

бир миллий адабиёт ва маданиятда дунё илғор ада-
биётининг мумтоз намуналари ва буюк мутафаккир-
ларнинг фикрлари билан танишиш, уларнинг халқа-
ро дўстлик ва биродарлик ғояларини тарбиялашдаги
аҳамияти, бу борада ўзбек матбуоти олдида турган
вазифалар ҳақида ҳам фикрлар юритади. Бу ўша
йиллардаёқ Назир Тўрақуловнинг адабий-бадиий та-
факкурининг миллий адабиётлар доирасида чеклан-
май, жаҳон адабиётидан ҳам пухта хабардорлиги ва
бу адабиётлар билан ошно бўлиш ўзбек халқининг
ҳам маънавий камолот сари етакланишини чуқур ту-
шунишидан далолат эди. Бу жиҳатдан, айниқса, унинг
Жулқунбойга жавобидаги қуйидаги фикрлар харак-
терлидир: «Туркистон» уламоси орасидан Мусо Би-
гиев, Ризо Қозиларни етиштирсак, адабиётда Аёз Ис-
ҳоқий, Амирхоновлар чиқарсак, танқидчилик ва
ҳажвкашликда Олимжон Иброҳимов ва Фуод Тўқто-
ровга ўзингиз, Жулқунбой етишсангиз...»

Сўнг Н. Тўрақулов 1928 йилгача Москвадаги СССР
халқлари Марказий нашриёти бошқармасининг бош-
лиғи, СССРнинг Ҳижоздаги элчиси (1928—1932), 193
йилдан умрининг охиригача эса Ленинград, Моск-
вадаги Шарқ халқлари тили ва адабиёти институт-
ларида ишлайди. Шу йилларда ҳам у ўзбек адабиёти
ва матбуотини унутмайди, унинг янгиликларини ўқиб
кузатиб боради. 1938 йили Москвада советларга «
идеология тарафдори, пантуркист сифатида айбла-
ниб, 1939 йилда отиб ўлдирилади.

Назир Тўрақулов 20-йилларда Туркистонда ўзбек
матбуоти ва нашриёт ишларида фаол иштирок этди.
У бу даврда фақат ижтимоий-сиёсий мавзулардагина
эмас, балки адабиёт, таржима, мунозара ва муҳокама
соҳасида қатор мақолалар билан фаол қатнашди. Аб-
дулла Қодирий, С. Айний, Фитрат каби машҳур ўзбек
адиб ва олимларининг илк тарихий роман, хотира ва
ҳажвияларининг нашрлари, уларнинг тарғибот ва таш-



вакида ҳам жонбозлик кўрсатди, ўзбек матбуотида
жаҳон адабиётининг нодир намуналаридан таржима-
лар беришнинг бошловчиларидан бири бўлди.

*Илҳом СУЛТОНОВ*

## ЎЗБЕК МАТБААСИНИНГ ЖОНКУЯРИ

Юсуф Мусо Муҳаммад ўғли Тошкент шаҳри-
даги «Ильин» типолитографиясига (босма-
хона шундай аталарди) шогирд сифатида ишга кир-
ганида отадан етим қолган ўн бир ёшли дўлвор бола
эди. У дастлаб ўзига тамомила нотаниш ишларни
кўриб, кўзига жуда мураккаб кўринган машина ва
дастгоҳ-ускуналар, бегона тилда сўзлашадиган иш-
чилар орасида роса қийналди.

Бу ерда ўша вақтда «Русский Туркестан» ва «На
рубеже» каби мустамлакачи газеталар билан бир
қаторда турфа дарслик ва қўлланмалар, Юсуфжон
учун энг қизиғи — машҳур ўзбек шоирларининг эл
оғзидан тушмайдиган ва тўю тантаналарда, чойхо-
наларда куйланадиган ўнлаб ғазал ҳамда мухаммас-
ларидан иборат баёзлар араб хатида нашр этиларди.
Булар доимо эл орасида қўлма-қўл бўлиб кетар эди.

Юсуфжон ҳам шундай китобчаларни терадиган-
босадиган машиналарга жуда қизиқиб, улар ёнидан
нари кетолмасди. Унинг бу иштиёқини кўрган уста-
лар аста-секин иш ўргата бошладилар. Зеҳнли Юсуф
улар сабоғини, тажрибасини тезда уқиб олишга ас-
тойдил тиришарди.

Инқилобий алғов-далғовлар замони эмасми. «Иль-
ин» матбааси ишчилари ҳам сиёсий буюртмаларни
бажариб, варақалар босишар, тўгараклар ташкил эти-
шарди. Булар орасида ўзбеклар ҳам йўқ эмасди. Ни-
зомиддин Хўжаев шундай курашчилардан бири эди.

«Мен Низомиддин Хўжаев билан бирга «Ильин
босмахонасида ўн тўрт йил бирга ишладим,— хотир
лардилар Юсуф ота кейинчалик.— У ўрисча ва ўзбек
чадан хат-саводли эди. ... 1905 йил ёзида мен, Низо
миддин Хўжаев, ўртоғим Деҳқон Аҳрорхўжаев би
лан сайилгоҳга — Қўйлиқ сойига тез-тез чиқиши
узоқ-узоқ суҳбатлар қурардик... Ўша кунларда
сиёсий ҳодисаларни ва подшо ҳукуматига қарши ку
раш чораларини муҳокама қилар эдик».

Орадан йиллар ўтди. 1917 йил февралида Русия
пойтахтида аввал февраль инқилоби, кейинчалик
октябрь тўнтариши содир бўлди. Булар Туркистонда
ҳам акс садо берди. Юсуф ака ҳам бу даврдаги ўткир
курашда соддадил ўзбек тенгқурлари билан бирга
яхши турмуш, эркин меҳнат, ва озодлиги учун бош
ланган ҳаракатда фаол иштирок этди...

Кўп ўтмай ўлкамизда Туркистон Мухтор Жумҳу
рияти тузилди. Янги большевиклар ҳукумати ер-су
йирик корхоналар, банкларни давлат мулки деб эълон
қилди. Шу билан бирга янги ҳукумат «Ўлкадаги ти
пография ва литографияларни национализация
қилиш тўғрисида» қарор чиқарди ва бутун матбаани
«миллий мулк» деб эълон қилди.

Ўша даврда матбаачиликда аҳвол оғир, босмахо
налар етишмас, машина-ускуналар ишдан чиқиб
қолган, қоғоз ва бўёқлар танқис, мутахассислар, ай
ниқса араб ҳарфидаги матнларни терадиган малака
ли маҳаллий ходимлар бармоқ билан санарли эди.
Илгариги хусусий ва ярим кустар босмахоналарда
ишлаган кишиларнинг кўпчилиги ё фуқаролар уру
ши фронтларига сафарбар этилган ёки бошқа соҳа
ларга ишга ўтиб кетганди.

Маҳаллий аҳоли орасидан матбаачи мутахассис
ларни тайёрлаш айниқса мушкул эди. Чунки босма
хонага куни кечагина ишга олинган ёш ишчиларни
тегишли касбларга ўргатишдан аввал хат-саводини



шаҳарнинга тўғри келарди. Бунинг сабаби маълум — биринчи жаҳон урушидан ва инқилобдан кейинги оғир машаққатли йилларда минг-минглаб кишилар ҳали бутунлай идан чиқиб, хат-савод ўрганишга эътибор қилмаган, кўпчилик бир амаллаб тирикчилик қилиш пайида эди...

Ана шундай кунларнинг бирида Юсуфни матбаачилар уюшмасига чақириб қолишди: «Матбуот ҳам қурол, қурол бўлганда ҳам жуда ўткир қурол. Бизда сиздек тажрибали матбаачилар жуда кам. Энди шундай ходимларни тайёрлаш керак. Замон талаби бу! Ўзинг ишлаган босмахонадаги ишларга бош-қош бўласан... Сенга ҳамма шароитни яратиб берамиз», деб илтимос қилишди.

Юсуф розилик билдирди: начора, севган касби, бу ёғи замон оғир, тирикчилик деганларидек...

Юсуф ака «кўз очиб кўргани» ўша «Ильин» матбааси негизидаги босмахонада цех бошлиғи бўлиб ишлай бошлади. 1920 йилда эса у кишига Эски шаҳарда намунали босмахона ташкил этиш вазифаси юклатилди. Кўп ўтмай Эски шаҳардаги Эски Жўвада янги матбаа корхонаси қурилди. Унда Туркистон халқларининг тилларида араб алифбосидаги юзлаб номдаги китоблар ва рисолалар чоп этила бошланди. Кейинчалик мазкур босмахона (1-босмахона) республикада дарслик ва ўқув қўлланмалари, бадиий ва сиёсий адабиёт нашр қиладиган асосий матбаа корхонаси бўлиб қолди. Унда Юсуф ака то 1931 йилгача раҳбарлик лавозимида ишлади.

«Маданий инқилоб» йиллари жойларда талай босмахоналар ишга туширилди. Улар учун янги маҳаллий матбаа ходимлари тайёрлаш мақсадида янги ФЗУ (фабрика-завод шогирдлиги) мактаби очилди. Юсуф ака зиммасига билим юртининг босмахонасини ташкил қилиш вазифаси юклатилди. У киши бу вазифани аъло даражада адо этдилар. Атиги тўртинчи-бе

шинчи синфларни битиришга улгурган ўнлаб ўзбек фарзандларига гарчи анча «оҳори тўкилиб қолган» босма машина-ускуналари мисолида бўлса ҳам, ҳунар ўргатдилар, мустақил ҳаёт сари йўлланма бердилар. Меҳрибонлик, жонкуярлик, одамохунлик, ширинзабонлик каби фазилатлари билан улар меҳрини қозониб, бир умр хотирада қолдилар.

Тўнғич ўғиллари — Юнус аканинг хотирлашича оталарининг бутун вужудидан кекса авлодга хос жиддийлик, мунавварлик, меҳнатсеварлик, жўшқинлик ёғилиб турган. У киши ўша замонлардаги фожиали воқеа-ҳодисаларни зийраклик билан кузатиб, уларнинг сабабларини билишга интилганлар.

«Босмахонамизда китоб, журнал ва турли варақалар, афишалар, шиорлар босилар эди,— деб хотирлайдилар ўша вақтларни Юнус ака.— Босилиш жараёнида ўз мақолаларини, асарларини текшириш, кузатиш учун муаллифлар ҳам бизга тез-тез келиб туришарди. Шулар жумласидан севимли ёзувчимиз Абдулла Қодирий (Жулқунбой) кўпинча «Муштум» журналининг босилиш жараёнини назорат қилиш учун босмахонамизга келиб турар эдилар.

1925—26 йилларнинг ёз ойлари эди. Бизнинг бригадага «Ўткан кунлар» рўмони (1- ёки 2-қисми бўлса керак) теришга берилди. Биз 12—14 киши сиёҳқаламда ёзилган қўлёзма рўмоннинг бобларини бўлиб олиб, завқ билан тера бошладик. Териш жараёнида Абдулла ака ўзлари ҳам босмахонага деярли ҳар куни келиб турар, бизга ёрдамлашар, ишимизни кузатар, хатоларимизни тузатар ва ҳатто ўзлари ҳам ҳарф теришар ва бизни рағбатлантирар эдилар...

Эски Жўвада, босмахонамиз қаршисида Бекларбеги мадрасаси ёнида Мусахон самоварчи деганнинг чойхонаси бўлиб, Абдулла ака ҳар кун туш пайтида шу чойхонада ош тайёрлатар ва биргалашиб овқатланар эдилар. Иш вақтимизни тежаш учун бўлса ке-



рак, чойхоначига буюриб, ҳаммамизнинг дастгоҳимизга бир чойнакдан чой, пиёла келтириб берардилар. Шу йўсин ўзбек рўмончилигининг биринчи қалдирғочи — «Ўткан кунлар» биринчи бор бизнинг босмахонада араб ҳарфида учта (бўлим) китоб бўлиб чиқди... Бу рўмон аввалambor халқимизни бадиий асар ўқишга ўргатди ва рағбатлантирди».

Юсуф ота ўн йиллар давомида йиққан улкан тажрибаларини шогирдларига ўргатдилар, маъмурий лавозимда ишлаган пайтларида Тошкент ёки Самарқанд, Бухоро ёхуд Чирчиқ ва Оҳангаронда янги-янги матбаа корхоналарини очиш ишига шахсан бош-қош бўлдилар. Айни вақтда ўз касблари бўйича ўзбек тилида «Босма ишлари» ўқув қўлланмасини яратиб, икки марта нашр эттирганлари ҳам яхши иш бўлди.

1933 йилда ёш матбаа ходимлари тайёрлаш соҳасидаги катта хизматлари учун Юсуф Муҳаммадовга Ўзбекистоннинг «Меҳнат Қаҳрамони» унвони берилди.

От ўрнини той босар деганларидек, бу ажойиб отанинг фарзандлари ҳам унинг изидан боришди. Катта ўғиллари Юнус Юсупов 1924 йилда илк қадамини оддий ҳарф терувчиликдан бошлаб, кейинчалик моҳир матбаа ташкилотчиси, ношир бўлиб етишди. Яна Яъқуб билан Мўмин акалар, набиралари Арслон ва Анварлар ҳам ҳарф терувчи, ретушёр, оператор бўлиб ишлаб, Юсуф ота бошлаб берган сулолани давом эттиришди.

Ҳар умрнинг поёни бор. Юсуф ота 1968 йилда саксон ёшларида оламдан кўз юмдилар — Аллоҳ таоло раҳмат қилган бўлсин! Уларни сўнгги йўлга кузатгани етиб келган кишиларнинг сон-саноғи йўқ эди. Булар хеш-ақраболари, собиқ шогирдлари, ҳамкасблари, сафдошлари эди.

Элга маърифат ёйиш йўлида Юсуф ота каби хизмати кўп сингган одамлар элда хор бўлмас, эзгу хотиралари эса асло ўчмасдир.

## УСТОЗ МУРАББИЙНИНГ ҚААБ СЎЗЛАРИ

Мен қаламга олаётган табаррук инсон кўзга кўринган атоқли олим, педагогика фанининг отахони, саховатли қалб эгаси Сиддиқ Ражабов бўлардилар.

1949 йили «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасида масъул котиб бўлиб ишлардим. Хонамга қалбида меҳр қуёши товланиб турган дилкаш, ширинсухан, хушмуомала, юмшоқ табиатли бир киши кириб келди. Биринчи кўришим. Ўрнимдан туриб, саломлашдим. Ҳурмат билан ўриндиққа ўтиришга таклиф қилдим. Танишдик. Уруш бошланган йили шу газетада масъул муҳарир ўринбосари, кейинроқ беш йилча газета муҳаррири бўлиб ишлаганлигини айтди. Мен ҳақимда ва урушнинг бошидан то охиригача фронтда бўлганлигимни унинг ўрнига келиб иш бошлаган Шароф Рашидовдан эшитибди. Суҳбат чоғида кўп маслаҳатлар берди. Таҳририятда ўзи билан уруш вақтида тонготар кечаларни бирга ўтказиб газета чиқарган журналистлар ҳақида тўлқинланиб гапирди. Хуллас, суҳбатимиз анча чўзилиб кетди, лекин жуда самимий ўтди.

— Уруш бошланган кезлари,— деб эслардилар Сиддиқ ака. Тошкент педагогика институтида дарс берардим. Институтнинг кўп нусхали газетасига муҳаррирлик қилиш каминага топширилганди. Ойда бир марта чиқадиган газетамизни нафақат институт доирасида, балки унга қизиққан бошқа кишилар ҳам эътибор билан мутолаа қилардилар. 1941 йилнинг июль ойи охирларида Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг котиби Абдураззоқ Мавлонов мени Марказқўмга чақиртириб суҳбатлашди. Илмий ва жамоатчилик ишларим билан танишди ва икки кундан кейин республика раҳбари Усмон Юсупов қабулига келишимни тайинлади. Кейин Усмон аканинг қабулида бўлдим. У кишининг биринчи айтган гапи шу бўлди:

— Ўртоқ Ражабов, иш фаолиятингиз, таржимаи ҳолингиз билан танишдим. Институт ҳам яхши характеристика берибди. Сизни «Қизил Ўзбекистон» газетаси муҳаррирининг ўринбосарлигига тавсия этмоқчимиз. Сизга ишонамиз. Ёшсиз. Газетачилик ишини ҳам мукаммал ўзлаштириб оласиз...

Эртаси куниёқ С. Ражабов газетанинг муҳаррир ўринбосари бўлиб ишга киришди. Менинг ҳурматли устозим Ҳожиакбар Ғуломов масъул муҳаррир бўлиб ишлардилар. 1943 йилнинг апрель ойида Ҳожиакбар ака Тошкент обкомига мафкура бўйича котиб этиб сайлангандан сўнг Сиддиқ Ражабовни Марказқўм бюроси «Қизил Ўзбекистон»га масъул муҳаррир этиб тасдиқлади.

Уруш йиллари газетанинг ишлари янада мураккаблашди. Ўзбекистонда қатор нашрлар чиқарилиши вақтинча тўхтатилди. Ягона ижтимоий-сиёсий газеталар — ўзбек тилида «Қизил Ўзбекистон» ва рус тилида «Правда Востока»гина чиқиб турарди. Энди унга ўз саҳифаларида республика ички ҳаётини ёритиб туришдан ташқари мамлакатда ҳарбий вазият ва жанг майдонларидаги воқеалардан муттасил хабар бериб боришдек оғир ва масъулиятли вазифа юклатилганди. Бунинг устига малакали журналистлар, матбаачилар, машина ва техник ускуналар етишмасди. ТАСС, ЎзТАГ ва бошқа ахборот манбаларидан олинадиган материалларни ўзбекчага таржима қилишда ҳам анчагина қийинчиликлар мавжуд эди.

Сиддиқ Ражабов «Қизил Ўзбекистон»да муҳаррир ўринбосари ва муҳаррир бўлиб ишлаган уруш йиллари газета саҳифаларида меҳнаткашларни душманга қақшатқич зарба беришга ва уни тор-мор

қилишга, ўзбек жангчиларини жасорат кўрсатишга чорловчи публицистик мақолаларга кенг ўрин берилди. «Ўзбек жангчиларига уларнинг эл-юртларидан мактуб», «Қардош украин халқига», «Ленинград ҳимоячиларига мурожаат» каби долзарб мавзудаги ҳужжат ва мақолалар бевосита Сиддиқ аканинг иштирокида тайёрланган ва эълон қилинган.

Уруш йиллари «Қизил Ўзбекистон» ҳар бир хонадоннинг, ҳар бир ишчи, колхозчи ва зиёлининг, фронтдаги ҳар бир ўзбек жангчисининг доимий ҳамроҳи, маслаҳатгўйи бўлиб қолди. Уларнинг қалбига нур ва зиё, жасорат ва мардлик, ҳақиқат ва адолат сўзини олиб кирди. Республикамиз кўп қиррали ҳаётининг ранг-баранг соҳаларини ўз саҳифаларида муттасил ёритиб борди. Бу хайрли ишларда Сиддиқ аканинг ташаббуси ва хизмати катта. Кечалари уйқу нималигини билмай «Совинформбюро»нинг ва ТАССнинг шошилинч хабарларини кутиб, эрталабгача толиқиб, қийналиб газета чиқаришган «Қизил Ўзбекистон»ликларга Сиддиқ Ражабов бош-қош бўлиб, шахсий намуна кўрсатди, мададкор бўлди. Бу муқаддас даргоҳда қалб нурини тўкиб, эҳтирос билан ишлаган журналистлар — Вали Галямов, Зафар Диер, Амин Умарий, Раҳмат Файзий, Салоҳ Ҳасан, Ҳабиб Нуъмон, Шоаҳмад Шораҳмедов, Шобарот Кузанбоев, Бобош Маҳмудов, Ғиёс Ашуров, Латиф Эргашев ва бошқалар бир-бирини ҳурмат қилиш, меҳр-оқибатли бўлиш, хушмуомалалик ва самимийлик билан уруш қийинчиликларини мардонавор енгардилар, оғир ишни енгил қилардилар, муҳарририятга яхши ёрдам берардилар.

Таҳририят топшириқларини тез ва эпчиллик билан бажарадиган, жумҳуриятни кўп кезган, барча қишлоқларни беш қўлдай биладиган, қарийб 15 йилча қишлоқ хўжалик бўлимини бошқарган Салоҳ Ҳасан менга айтган эдики, таҳририят ўзбек тилида чиқадиган деярли барча фронт газеталарини журналист

хабарлар билан таъминлаб турарди. Ҳамкасб дўстлари фронтга кетганида бир гуруҳ қаламкашларга — бир йўла 20 кишига отахон газетани чиқариб туришга тўғри келди. Биз дўстларимиз билан елкама-елка туриб, тунни тонгга улаб меҳнат қилардик. Муҳаррир ўринбосари лавозимида бир йилча ишлаб, газетачилик машаққатини ҳис қилган Сиддиқ ака бир йилдан сўнг Марказқўмнинг тарғибот ва ташвиқот бўлими мудири ўринбосари вазифасига кўтарилиб кетди. У киши бу лавозимда республикамизда илм-фан, адабиёт, санъат, матбуот, маориф, оғзаки тарғибот ва ташвиқот, маданий-оқартув ишлари билан шуғулланарди.

Сиддиқ Ражабов у ёқда бир ярим йилча ишлаб яна газетага масъул муҳаррирлик лавозимига қайтиб келди. Бу даврда Усмон Юсупов, Йўлдош Охунбобоев, Абдужаббор Абдураҳмонов, Николай Ломакин, Василий Емцов, Абдураззоқ Мавлонов, Василий Вильбас каби республика раҳбарлари билан бевосита мулоқотда бўлди, улардан кўп нарсани ўрганди, тажриба орттирди. Уларнинг ҳаммаси ҳам халқлар бошига тушган урушнинг оғир йилларида «Қизил Ўзбекистон»дек отахон газетага раҳбарлик қилиб турган Сиддиқ аканинг шахсига катта ҳурмат билан муносабатда бўлишар, унинг газетада фаол ҳамкорлик қилишга доир таклифига иштиёқ билан розилик билдиришар эди. Инсоний ҳисларни уйғотувчи, ватанпарварлик туйғуларини оширувчи, эртанги кунга, Ғалабага ишонтирувчи, бир бурда кесакли қора нонни ҳам қардошлар билан бўлиб ейишга даъват этувчи, фронтга ёрдамни кучайтирувчи жанговар, ҳозиржавоб, долзарб мавзуларда мақолалар бериб боришни талаб қилишарди.

Сиддиқ Ражабов газетага бош муҳаррир этиб тайинлангандан сўнг ўша вақтда таҳририят мафкура бўлимига мудирлик қилаётган талантли ёш журна-

лист Рихси Саҳибоевни ўзига ўринбосар қилиб олишини мўлжаллаб, бу таклифни Марказий Қўмита бюросига қўяди. Марказқўм бу таклифни маъқуллаб, Р. Саҳибоевни муҳаррир ўринбосари этиб тайинлайди. Менинг қадрдон дўстим, забардаст журналист-публицист Рихси Саҳибоев газетанинг жанговар руҳда, сермазмун чиқиши учун астойдил жон куйдиради, С. Ражабовга яхши ёрдам беради. Шу муносабат билан Сиддиқ аканинг бир суҳбатини сиз ҳурматли китобхонларга ҳавола қилмоқчиман.

— Сизга бир воқеани сўзлаб берайми — деб қолди бир куни Сиддиқ ака. — 1944 йилнинг бошларида газетада бир «подвал» мақола ёритдик. Асли муаллифи Ҳамид Ғулом эдию, аммо унинг боши балога қолиб кетмаслиги учун атай имзосини кўрсатмадик. Гўё мақола таҳририятники бўлиб чиқди. Мақолада Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасидаги аҳвол қаттиқ танқид қилинган эди. Эртаси куни Ёзувчилар уюшмасининг раҳбарлари ва бир гуруҳ фаоллар Марказқўмга шикоят қилиб чиқишибди. Усмон ака Москвада эди. Адибларни иккинчи котиб Ломакин қабул қилган. Муҳокамада муовиним Рихси Саҳибоев билан бирга бориб қатнашдик. Ўшанда газета ўз кучини, таъсирини кўрсатишга муваффақ бўлган. Мақолада келтирилган фактлар тасдиқланган, кўп тортишувлардан сўнг адиблар ҳам шунга рози бўлишган. Энг муҳими, ўша даврдаги адабий ўчоғимиз — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида аҳвол яхшиланган эди...

«Ўзбекистон овози» газетасининг фахрий муҳаррирлари қаторидан муносиб ўрин олган Сиддиқ Ражабов ўзининг бу сўзларини 75 йиллигини нишонлаган отахон газетамизнинг қутлуғ юбилейини ўтказиш олдидан бир гуруҳ собиқ муҳаррирлар ва редакция жамоаси билан бўлган учрашувда яна бир бор такрорлаган эди. Минг афсуски, Сиддиқ акага тўйда иштирок этиш насиб этмади...



Фанимиз фидойиси, баркамол истеъдод соҳиби бўлган Сиддиқ Ражабовнинг фақат муҳаррирлик фаолияти ҳақида гапириб, унинг илмий-педагогик фаолияти тўғрисида ҳам бир-икки оғиз сўз айтмаган бўлмас.

1947 йилнинг ноябрь ойидан кейин Сиддиқ ака илм-фан оламини ихтиёр этди. Заҳматкаш инсон ўзининг бутун куч-ғайратини, ақл-заковатини умрининг охиригача педагогика фанини ривожлантиришга, илмий кадрлар тайёрлашга бағишлади, жамоат ишларида фаол қатнашди, илмий кенгашларни бошқарди, бирик халқаро анжуманларда иштирок этиб, маърузалар қилди. Унинг кўкрагини кўплаб орден ва медаллар безади. Фахрий ёрлиқлар, унвонлар соҳиби бўлди. Газета ва журналларнинг таҳририятларидан, нашриётлардан қадамини узмай, журналист шогирдлари билан алоқасини мустаҳкамлади.

Собиқ СССР Педагогика Фанлари академиясининг ҳақиқий аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, педагогика фанлари доктори, профессор Сиддиқ Ражабовнинг педагогика фани равнақи йўлидаги олижаноб хизматлари таҳсинга сазовор. Устоз мураббий сифатида элга, маърифат оламига танилган, илмий-педагогик ва ижтимоий-жамоатчилик фаолияти билан ном чиқарган Сиддиқ ака ҳақида кўплаб рисола ва мақолалар ёзилган. У киши педагогика соҳасидаги бир талай асарларнинг, ўқув-методик қўлланмалар ва тавсияномаларнинг муаллифи. «Фан» ва «Ўқитувчи» нашриётлари томонидан нашр этилган «Ўзбек халқ педагогикаси», «Педагогика фанининг актуал проблемалари», «Чет эллар педагогикаси тарихидан қўлланмалар», «Таълим-тарбия ишларининг баъзи масалалари», «Ўзбек тилидаги русча-интернационал ўзлаштирма сўзлар изоҳли луғати» каби асарлар шулар жумласига киради.

Педагогика фанининг отахони деб ҳурмат қозонган, етти нафар фан доктори ва 130 дан ортиқ фан номзоди тайёрлаган, жамоатчилик асосида кўплаб илмий асарлар муҳаррири бўлган Сиддиқ акани шогирдлари доимо меҳри дарё инсон, оққўнгил одам, саховатли қалб эгаси эди, деб эслашади.

*Суръат АБДУКАРИМОВ*

## ҲАР БИР СЎЗНИ ЎЙЛАБ ЁЗАРДИ

Ўзининг бутун умрини бир соҳага бағишлаб «фалон йили қабул қилинди ва фалон йили пенсияга кузатилиши муносабати билан...» ёзуви битилган меҳнат дафтарчасига эга бўлган кишилар у қадар кўп эмас. Улар ўз ҳаётларининг, онгли фаолиятларининг асосий мазмунини халққа, эл-юртга хизмат қилишдан топадилар. Бундай кишилар қилган ишлари, яратган асарлари, кўрсатган қаҳрамонликлари билангина эмас, одамийликлари, инсон ҳис-туйғуларини, кечинмаларини теран тушуна олишлари, камтарин ва олижаноб ҳислатлари, саховат ва мурувватлари, кенг қалб ва нозик диллари билан ҳам эл-улус, халқ ёдида қоладилар. Ана шундай сиймолардан бири таниқли ёзувчи, талантли устоз-журналист Ҳабиб Нуъмон эди.

Ҳабиб Нуъмоннинг биринчи хабари 1928 йилда газетада босилиб чиқади. Ана шу йилдан эътиборан унинг меҳнат фаолияти бошланади. Бу вақтда у эндигина 16 ёшга тўлган ўсмир эди.

У 1929—1931 йилларда ишчилар факультетида ўқиди. Айни вақтда Ўзбекистон радиокомитетида мухбир ва саноат бўлимининг мудири бўлиб ишлайди. Журналистикани жону дилидан севган ёш ижодкор кейинчалик «Колхоз йўли», «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газеталари муҳарририятларида ижодий фаолиятини давом эттиради.



Ҳабиб Нуъмон 1941—1945 йиллар уруш вақтида Ўрта Осиё ҳарбий округининг «Фрунзевец» газетаси муҳарририятида ҳарбий хизматни ўтайди. Ёзувчининг адабий фаолияти билан яхши таниш бўлган журналист Мели Жўра (Аллоҳ раҳмат қилсин)нинг хотирлашига қараганда, унинг бу даврдаги ижод маҳсули, айниқса, баракали бўлган.

Ҳабиб Нуъмон ҳарбий хизматдан бўшатилгандан сўнг қарийб ўттиз йил — умрининг охиригача «Қизил Ўзбекистон» газетаси муҳарририятида меҳнат қилди. Узоқ йиллар шу газетанинг муҳаррири бўлиб ишлаган журналист, ёзувчи Мақсуд Қориев «Покиза инсон эди» деб номланган ёдномасида («Ўзбекистон овози», 1997 йил 29 март) шундай самимий сатрлар битади: «Қизил Ўзбекистон»га адабий ходим бўлиб ишга келганимда ҳурматли устоз Ҳабиб Нуъмонов қишлоқ хўжалик бўлимида ишлар эдилар. Зукко, зеҳни ўткир, ҳар бир сўзни ўйлаб, ўлчаб ёзадиган, гапирадиган бу отахон журналист мўътабар газетамизнинг устунларидан бири эди. Ёдимда, газетанинг ижодий «летучка»сида агар Ҳабиб ака таҳлилчи бўлиб қолса, газетанинг мазмун-мундарижаси, жуғрофияси, стилистикаси, имлосигача шундай сўзлаб берардиларки, ўша ижодий мусоҳабалар, мулоқотлар биз ёшлар учун тенгсиз ҳаёт дорилфунуни бўлган, десак хато бўлмас. Унга ҳақиқатан ихлос қўйса, қўл берса арзийдиган устоз эди. Баъзан ёзган мақоламни кўтариб Ҳабиб аканинг ҳузурига кириб борардим. Қошдан қовоқ қайтармай, ҳеч эринмасдан бошдан оёқ кўриб, таҳрир этиб берган пайтлари бўлган».

Ҳабиб Нуъмон журналистиканинг қатор жанрларида ёза оладиган, фикр-мушоҳадаси кенг ижодкор эди. Унинг мақолалари, фельетонлари, очерклари, ҳикоялари, қиссалари — замонамизнинг долзарб

муаммоларини ўз ичига олганлиги билан ажралиб турарди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Соат Мусаев шундай хотирлайди: «Агарда адашмасам, 1963 йил эди. Республикамиз спорт шарафини химоя қилаётган «Пахтакор» футбол командамиз кетма-кет мағлубият аламларини чекарди. Қайси бир ўйинда устига-устак «Пахтакор»чилар ўз дарвозаларига ўзлари тўп уриб қўядилар. Ҳабиб ака ҳам ашаддий футбол ишқибозларидан эди. Бу ҳолдан бениҳоя дилгир бўлган ижодкорнинг эртаси куни газетада «Энди шуниси қолувди» деган мақоласи босилиб чиқади. Унда журналист «Пахтакор»чиларнинг бутун ўйинини ғоят моҳирона таҳлил қилиб берган эди. Гапнинг очиғи, спорт шарҳи билан шуғулланиб юрган бизлар устознинг футболни бунчалик яхши билишига ҳавасимиз келган эди. Қаранг, илмоқона сарлавҳанинг ўзи биланоқ ўқувчи диққатини асосий фикрга жалб этиш...»

Газетада ишлаш Ҳабиб Нуъмонга қайноқ ҳаёт қўйнида бўлишига имкон беради. У ўзининг мухбирлик қалами билан бутун республикани кезиб чиқади, ҳамма вилоятларда бўлиб, ҳаётнинг барча жабҳаларига кириб боришга, айниқса қишлоқ турмуши, деҳқончилик масалаларини чуқур билиб олишга ҳаракат қилади.

Ҳаётни узлуксиз ўрганиш жараёнида Ҳабиб Нуъмон давримизнинг долзарб муаммоларини «ижод чиғириғи»дан ўтказади ва уларни янгича талқин этади. Бунинг оқибатида республикамизнинг оташқалб, саховатли кишилари орасидан янги-янги қаҳрамонлар топади, уларнинг ёрқин сиймоларини яратади. Шуларнинг натижаси ўлароқ ижодкорнинг «Ўзгариш», «Таассуф», «Насиба» каби қатор ажойиб ҳикоялари, «Уч олтин юлдузли қаҳрамон», «Оҳангарон юлдузлари», «Қаҳрамоннинг туғилиши», «Ватан севган йигит», «Қаҳрамон пахтакор» сингари пишиқ очерк-



лар тўпламлари бунёдга келади. Адиб асарларининг қаҳрамонлари биринчи бор «Қизил Ўзбекистон» газетасида босилган очерк, ҳикоялар орқали кенг жамоатчиликка маълум бўлади.

Ҳикоя ва очеркда қаламини яхши қайраб олган Ҳабиб Нуъмон энди каттароқ жанрда — қиссачиликда кучини синашга жазм қилади. Натижада ёзувчининг 1955 йилда «Фасллар» ва 1959 йилда «Ёшликда берган кўнгил» асарлари босилиб чиқади.

Ёзувчининг «Фасллар» қиссасида республикамиз пахтакорларининг меҳнати қаламга олинган.

«Ёшликда берган кўнгил» қиссаси ёзувчи ижодида алоҳида ўрин тутади. Асар бир неча бор ўзбек тилида, шунингдек рус ва латиш тилларида нашр этилади. Қисса ғоят ширали, содда тилда ёзилган бўлиб, енгил ўқилади. Унда ёшларнинг соф севги, муҳаббат йўлидаги курашлари, турмушга, оилага нисбатан бўлган янгича муносабатлари улуғланади.

Ҳабиб Нуъмоннинг кекса журналист Аҳмад Шораҳмедов билан биргаликда ёзган икки китобдан иборат «Ота» романи ҳар икки ижодкор дўстлиги, ҳамкорлиги, беғараз меҳнатининг олий самараси бўлди. Бир бадиий асарни икки ёки кўпчилик томонидан ёзилиши камдан-кам учрайдиган ҳодисадир. Чунки асар қаҳрамонлари руҳиятини уйғунлаштиришда муштарак фикрга келиш ғоят мушкул саналади. Бу ижодкордан катта меҳнат, зўр ирода, билим ва соф ниятни талаб қилади. Лекин айтиш мумкинки, ана шу қийинчиликларга қарамай, «Ота» муваффақиятли ёзилган асар бўлиб қолди. У 1965—1975 йиллар орасида бир неча бор ўзбек ва рус тилларида нашр этилади.

Ҳабиб Нуъмон умрининг сўнгги йилларида «Оқ олтин» номли роман устида ишлади. Афсуски, бевақт ўлим (1975 йил) ёзувчига ўз ниятларини рўёбга чиқаришга имкон бермади. Асарнинг каттагина қис-

ни ёзиб бўлинган эди. У гарчи тамомланмаган бўлса ҳам, 1978 йилда «Қишлоқ ҳақиқати» — ҳозирги «Қишлоқ ҳаёти» газетаси саҳифаларида тўла босилиб чиқди ва кенг китобхонлар оммаси томонидан яхши кутиб олинди.

Толмас қаламкаш Ҳабиб Нуъмоннинг самарали меҳнати юксак баҳоланди. У «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони билан тақдирланган эди. Бугунги кунда Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги катта кўчалардан бири ёзувчининг муборак номи билан аталади.

Воқеадан тўғри хулоса чиқара билиш, унга замон руҳини, давр талабини сингдира олиш, кечаётган жараённи жўшқин ривожлантириб, китобхонларда унга ишонч, муҳаббат ёки нафрат уйғотиш Ҳабиб Нуъмон ижодига хос хусусиятлар эди. У ёш ижодкорларга талабчанлиги, меҳр-оқибати, ғамхўрлиги билан «устоз» деган улуғ номга мушарраф бўлди. Унинг камтарлиги, ширинсуханлиги, днлкашлиги, кишиларга меҳрибонлиги ва оғир-вазминлиги ҳар қандай давраларда суҳбатларга файз бағишларди. Ҳабиб Нуъмон ўзининг ана шу фазилатлари билан уни билган инсонлар қалбида бир умр муҳрланиб қолди.

*Раҳима ШОМАНСУР қизи*

## ЗУЛФИЯ ОПАНИНГ БЕНАЗИР МЕҲРИ

Республикамиздаги бир гуруҳ хотин-қиз ижодкорларни Зулфия мактабининг қизлари дейишади. Булар хоҳ шоира, хоҳ журналист, хоҳ ёзувчи, хоҳ бастакор бўлишидан қатъи назар, Зулфия мактабидан сабоқ олганларидан бахтиёрлар.

Устоз истеъдоди буюк уммонки — ундан биримиз ёниқликни, биримиз ҳассосликни, биримиз жа-



соратни, биримиз ёнувчанликни, биримиз ростгўйликни, биримиз қатъиятни, биримиз фидойиликни олдик. Ҳамон Устози Кубронинг яна кўп фазилатларини кашф қилиб, яна кўп қирраларини ўзимизга оламиз — «юқтираяпмиз». Борини шеъриятга, халқига, шогирдларига бахшида этган Зулфия опанинг номалари унутилмас, ҳаёт йўллари бир умрга ибратлидир.

Журналистиканинг ҳам машаққатли, ҳам шукуҳли йўлига мени Зулфия опа бошлаганлар. Устоз, аввало, ҳар биримизга шоира, журналист, ёзувчи — умуман ижодкор, оддий шахс эмас — ижтимоий ҳодиса эканлигини сингдирдилар. Қалам учидан чиқадиган ҳар бир сўз ва сатрнинг масъулияти кучлилигини ҳар биримиз илк одимданоқ билганмиз.

Сал кам ўн тўрт йил Зулфия билан — бу ниҳоятда гўзал ва юксак қадлигина эмас, юксак қалбли аёл раҳбарлигида ишлаш бахтига муяссар бўлдим. Бу «Саодат»нинг ҳақиқатда ҳам саодатли парвози йиллари эди.

— Талант — бу тақдир, — дегандилар Зулфия опа, — уни хор қилиб бўлмайди. Меҳнат билан булоқ кўзини ҳамиша тозалаб турилганидек талантни ҳам қитиқлаб, ишга солиб турмоқ керак. Бир марта яхши, ҳақиқий, истеъдодли нарса ёзгач, орқага кетиш инсофдан эмас. Бунга менинг ҳаққим йўқ! Бошқаларнинг ҳам. Киши ўзидан қониқиб қолганидагина бунинг акси бўлиши мумкин.

Истеъдодли ёшларни «ҳис қилиб», «кашф қилиш», «катта йўлга тушириш» осон эмас, бу бир-икки йиллик иш ҳам эмас.

«Саодат»да ишлай бошлаганимга бир-икки йил бўлгач, Зулфия опа очеркларимдан бирини таҳлил қила туриб:

— Менимча, сиз очерк жанрида ёзганингиз маъқул. Шу борада жиддий шуғулланинг. Кишилар би-

лан, айниқса аёллар билан гаплашиш, улар дилидагини билиб олиш қийин. Сезиб турибман, сиз улар билан учрашганда ишончларини қозона оласиз, юрак тубларидаги, қалбларининг қат-қатидаги гапларни сизга айтишяпти. Бунинг қадрига етинг, бу — ҳамма ижодкорларга насиб қилавермайдиган бахт. Очерк ҳам катта адабиётнинг ҳаёт билан, ҳақиқат билан боғлиқ катта қирраси. Истеъдодли кишиларга бу соҳада иш жуда кўп...— дегандилар.

Зулфия она ҳаммамизда бир яхши одат тарбиялагандилар: бош муҳаррир қабулига, меҳмонлар билан учрашувларга, таҳририят ёки бирор бошқа йиғинларга ҳамиша қоғоз-қалам билан кирардик.

— Йўл-йўлакай айтилган фикр ёддан кўтарилса ўз қадрини йўқотади. Бир-икки чизгида қоғозга тушириб қўйилса, аксинча кейинчалик етилиб, яхши-яхши нарсаларга мағиз бўлиб қолади. — дердилар.

Ҳар йили янги ён дафтарча тутишни ҳам Зулфия онадан ўрганганмиз.

Журналист ён дафтари... Шаҳар ва қишлоқлар номи... У ерларда бўлган ва бўлаётган ўзгаришлар... Одамлар... Одамлар... Одамлар. Тақдир билан давр ёнма-ён бўлади бу дафтарда. Узун тунларда мижжа қоқмай бу дафтардаги қисқа ёзувлар билан юзмаюз қанчадан-қанча одамлар ҳақида хабарлар, репортажлар, очерк ва лавҳалар ёзилган. Негаки фақат сенгагина таниш бўлган, сени ҳаяжонга солган замондошингни элга танитишдек лаззатли туйғу қайси журналистга ошна эмас.

Бироқ ҳозир мен устоз суратига чизгилар сифатида дафтаримдан бошқа ёзувларни келтирмоқчиман. Улар касбимизга, журналист одоби ва шаънига тегишли. Узоқ йиллар давомида неча-неча марта кўз югуртирган бўлсам ҳам, ҳар гал бир дастуриламал вазифасини ўтаётганини сезганман. Зулфия онанинг «Саодат» таҳририяти кенгашларида, очеркларимиз



муҳокамалари пайтида айтилган фикрлар. Журналист бир-икки йилда ҳақиқий журналист бўлиб қолмаганидек, бош муҳаррирнинг донишмандлик юксаклигига ҳам дарров чиқа олмаслигига мисол улар. Зулфия она салкам 35 йил «Саодат»га муҳаррирлик қилдилар, ахир. Мана, улар билдирган фикрлардан айрим намуналар.

— *Ишни аста ўрганиб олаверамиз, лекин бир умр унутманг: журналистнинг қисмати жуда мушкул, у ҳамиша ўзгаларнинг тақдири ҳақида қайғуриши керак.*

▲

— *Редакцияда ўтириб мияни қотирган билан ўз-ўзидан ҳеч нарса чиқмайди, яхши фикр келмайди. Келган тақдирда ҳам ўша, илгари кўрган, билган, эшитган, ўрганганларингиз асосида келади. Демак, муттасил кўриш, ўрганиш, ўқиш ва изланиш керак.*

▲

— *Юрагинга чўғ солган киши ҳақида бошқаларнинг юрак хотирасида сақланадиган қилиб ёзиш ниҳоятда мушкул, лекин юксак бахт ҳамдир.*

▲

— *Тез-тез номи чиқиб турган журналистнинг ғайрати, жўшқинлиги унинг ёзганлари кетма-кет муваффақиятсиз чиққан вақтда ҳам сақланиб қолиниши керак. Бу кишидан жуда катта ирода талаб қилади. Ёрқин, ҳаётий нарса ёзиш учун кўп нарса билмоқ керак, кўп нарсани ҳис қилиш, фақат мия билангина эмас, кўл билан ҳам, қалб билан ҳам ишлашга ўрганиш керак.*

▲

— *Қанча ёзилгани эмас, қандай ёзилгани муҳим, ёзувда ҳам ахлоқ-одоб керак. Токи — бугун сиз ёзган*

*қаҳрамон эртасига уйидан кўчага қаддини ростлаб ғурур билан чиқа олсин, хайрли иш қиламан деб қаҳрамонларимизни бошқалар, биздан яхши таний диган кишилар олдида калака қилиб қўймайлик.*

▲

*— Сарлавҳа ўқувчига эшикни очиб беради. Кўпинча материалнинг ўқилиш-ўқилмаслиги унинг сарлавҳасига боғлиқ. Демак, ҳар бир сарлавҳа устида ҳам жиддий бош қотиришимиз керак.*

▲

*«Ўртоқ» журналист бўлиб қолмаслик ҳақида Зулфия опа кўп гапирардилар:*

*— Журналист юриб, изланиб, ўқиб, куйиб-пишиб, юрак ўтини янгилаб турмаса кул босиб қолади. Бу журналист учун катта фожиа. Унинг содир бўлишига йўл қўймаслик керак. Акс ҳолда журналистнинг қалами бошқаларнинг юрагига ўт сола олмайди.*

▲

*— Очеркда қаҳрамон касбининг технологияси эмас, қаҳрамон характери, психологияси ёритилиши керак.*

▲

*— Ҳозирги ёшларимиз сафимизга катта тайёргарлик билан, билим ва маҳорат билан кириб келишяпти. Демак, ёш бўла туриб ҳам биздан ўткирроқ нарсалар ёза олишлари табиий. Буни қарши ола билиш, қадрига ета билиш керак.*

## ДЎСТ, МУҲАРРИР, ТАШКИЛОТЧИ

Умр ўткинчи бир нарса десам, янгилик кашф этган бўлмайман. Ҳа, умр Яратганнинг ўзи томонидан ҳар бир инсонга вақтинчалик берилган инъомдир. Дарҳақиқат, инсон туғилади, яшайди, камолга етади ва ниҳоят вақти-соати етиб, бу қўҳна дунёни тарк этади. Бу — табиий бир ҳол. Лекин инсон ўзидан сўнг яхши из, яхши ном, бошқа одамлар қалбида унутилмас хотира қолдирмоғи зарур. Агар у ўз юртига, халқига фидокорона хизмат қилган, ёр-дўстларининг меҳр-муҳаббатини қозонган бўлса, ўзининг меҳнати ва ибратли фазилатлари билан обрў-эътиборга мушарраф бўлган, содиқ дўстлар ҳамда муносиб шогирдлар орттирган, бошқаларга ҳамиша ёрдам қўлини чўзган бўлса, уни чинакам инсон деб таърифлаш мумкин. Яшашдан мақсад ҳам эҳтимол шундан иборат бўлса керак.

Аҳмад ака ҳақида ўйлаганимда хаёлимга беихтиёр худди шу фикрлар келади.

Аҳмад Исмоилов журналистика даргоҳига 1933 йили кириб келди ва Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманида чиқадиган «Каттақўрғон ҳақиқати» рўзномаси таҳририятида ўз меҳнат фаолиятини бошлади. Кейинчалик у Ўзбекистон пойтахти — Тошкент шаҳрига келиб, «Ёш ленинчи» (ҳозирги «Туркистон») ва «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») рўзномалари таҳририятида масъул лавозимларда ишлади, журналист сифатида шаклланди. У узоқ йиллар Тошкент вилоятининг «Тошкент ҳақиқати» рўзномаси таҳририятида бош муҳаррир вазифасида меҳнат қилди ва бу ишни умрининг охиригача давом эттирди.

У тўғрида гап борганда дўстлари ва ҳамкасблари «туғма журналист», «суяги рўзнома ичида қотган»

каби ибораларни тилга олишарди. Бу иборалар унинг ўз касбига, ўз меҳнатига астойдил, виждонан, ҳалол муносабатда бўлишидан далолат берар эди. У ёшлигидан ҳам ўзи танлаган касбга меҳр қўйганди, шу касбни улуғларди ва бу билан фахрланарди, бошқаларни ҳам ўз касбига худди шундай муносабатда бўлишга даъват этарди.

Мен у киши билан «Тошкент ҳақиқати» рўзномаси таҳририятида бирга ишлаган давримни (ўшанда бош муҳаррир муовини эдим) мамнуният ва ифтихор ҳис-туйғулари билан эслайман. Аҳмад ака чарчаш нималигини билмасди, ишда жонкуярлик ва фидойилик намуналарини кўрсатар, бошқаларни ҳам ўзи каби меҳнат қилишга чорларди. Доимо янги фикрларни олға сурар, муштарийлар эътиборини жалб этувчи мавзуларни ўртага ташлар, рўзноманинг сермазмун ва қизиқарли чиқиши учун ҳаракат қиларди.

Аҳмад ака кўпинча саркотибни ёнига ўтқазиб рўзнома тархини чизар, саҳифаларга материалларни жойлаштирар, суратларни танлар, матнлар сарлавҳаларини ўзгартириб, уларга сайқал берарди. Бундан ташқари, энг муҳим, долзарб материалларни ўзи ўқиб чиқар ва таҳрир қилар эди. Биз, ёшлар у кишининг ғайратига, ишдаги матонатига ҳамиша қойил қолардик.

Зиёд Есенбоев, Рихси Саҳибоев, Зулфия Исроилова, Мақсуд Қориев, Қобилжон Узоқов, Иван Костиков, Ҳабиб Нуъмон, Холбек Ёдгоров, Саъдулла Кароматов, Александр Ивахненко, Акмал Пўлат, Иброҳим Раҳим, Шавкат Ниёзов, Абдусалом Исломов, Аҳмад Исмоилов...— булар 60—70-йиллардаги, баъзилари эса ҳатто 80-йиллардаги ўзбек матбуотининг дарғалари эдилар. Уларнинг ҳар бири журналистика соҳасида ўзига хос мактаб яратди, матбуотимизни янги поғоналарга кўтарди, ўнлаб шогирд-



ларни вояга етказди. Бу ажойиб устозларнинг ўзбек журналистикасини ривожлантиришга қўшган ҳиссалари бебаҳодир.

Аҳмад ака ушбу забардаст журналистлар сафидан муносиб ўрин олди, улар билан дўстлашди, бирга ижод қилди, матбуотнинг машаққатли, аммо шарафли йўлини босиб ўтди. У Ўзбекистон Республикаси Журналистлар уюшмаси бошқарувининг котиби, Тошкент вилояти журналистлар ташкилотининг раҳбари вазифаларини узоқ йиллар жамоатчилик асосида бажарди.

Мен бош муҳарриримизнинг энг яхши одатларидан бири ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. У рўзнома саҳифасида чиқиши лозим бўлган энг муҳим ва қизиқарли материалларни — очерклар, фельетонлар дейсизми, ўткир танқидий мақолалар, ҳикоялар дейсизми, бадиий жанрда ёзилган бошқа материаллар дейсизми — ҳаммасини албатта кўпчиликнинг муҳокамасидан ўтказар эди. Бундай йиғинларда рўзнома таҳрир ҳайъатининг аъзолари, бўлимларнинг мудирлари, муаллифлар қатнашардилар. Матн ўқиб бўлингач, Аҳмад ака муҳокама иштирокчиларининг ҳар бирига галма-гал сўз берар ва улар фикрини диққат билан тингларди. Билдирилган фикр-мулоҳазалар, қимматли таклифлар матнни қайта ишлаш жараёнида инобатга олинар эди. Бу хилдаги муҳокамалар қизғин баҳсларга, янгидан-янги фикрларнинг ўртага ташланишига сабаб бўларди. Кўпгина ҳамкасбларимизнинг журналистика соҳасида камолот чўққиларига кўтарилишида бу ижодий лаборатория ғоят муҳим аҳамият касб этганлиги шак-шубҳасиздир.

Муҳокамага қўйилган материалларни ҳар гал таҳрир ҳайъати аъзоларидан бири ўқирди, кейинчалик бунга истеъдодли журналист ва шоир Усмон Жонтиевни жалб этадиган бўлишди. Усмон салобатли, ширали ва жарангдор овози билан ҳар қандай мате-

риалга жой киритгандек, унга алоҳида бир жозиба бахш этгандек бўларди. «Усмон ўқисин!» — дея ҳамкасбларимиз талаб қилишининг боиси ҳам шунда эди.

Одатда рўзнома тархи тузилаётганида энг қизиқарли, ўқимишли, оммабоп материаллар рўзноманинг янги сони учун танланарди. Ҳар бир бўлим мудири ўзи раҳбарлик қилаётган бўлимда тайёрланган биронбир материал рўзноманинг навбатдаги сонидан жой олиши учун ҳаракат қиларди. Бундай пайтларда муҳокамадан ўтказилган материалларга биринчи галда ўрин бериларди. Шуни назарда тутган ходимлар ўзларининг жиддий материалларини тезроқ муҳокамадан ўтказиб олишга интилардилар.

Бу ишларнинг ҳаммасига Аҳмад аканинг ўзи бошқош бўлса-да, аммо у материали муҳокамадан ўтмаган ходимларни ҳам сира назардан қочирмасди. Унинг ўз талаби, ўз мезони бор эди: иложи бўлса ҳар 15 кунда ёки бир ой мобайнида рўзнома таҳририятида ишлаётган ҳар бир ижодкор ходимнинг материали рўзнома саҳифасида албатта чиқишини истарди. Аҳмад ака учун қаламкашнинг катта-кичиги, амали юқори ёки пастлиги, маҳорат даражасининг фарқи бўлмасди — у ҳаммага бирдай назар билан қарар, бир хилда муносабатда бўлар, ҳаммани баббаравар ҳурмат қиларди.

Аҳмад ака Исмоилов бутун умри давомида яхши раҳбар, моҳир ташкилотчи, меҳрибон устоз, матонатли журналист сифатида ўзини намоён этди. Унинг билан бирга ишлаш осон ва завқли эди. У ҳар бир ижодкорга эркинлик бериб қўярди. Ишончни ёки берилган топшириқни ўринлатиб бажардингми — бўлди, бошқаси билан иши бўлмасди, одамга унинг ишчанлик фазилатига қараб баҳо берарди, майдачуйда масалаларга сира аралашмасди.

— Биз ким бўлишимиздан қатъи назар, виждонан ва ҳалол ишлашимиз керак. Тўғри сўзли, бир-



[illegible] меҳр-оқибатли бўлайлик. Дилимиз доимо [illegible] бўлсин,— дея насиҳат қиларди бош муҳарриримиз шу мавзуда гап очилган кезларда.

Бу одамнинг ходимларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш соҳасидаги маҳоратига ҳаммамиз тан берардик. Биронта юқорироқ лавозимга ходим танлаш масаласи кўндаланг бўлиб қолса, бу ишни бирданига ўзи билганича ҳал қилмасди, аввало, таҳририятдаги кекса журналистлар, ҳайъат аъзолари билан албатта маслаҳатлашарди. «Шу ўринга кимни қўйсак бўлади?» деган саволни ўртага ташларди ва пировард натижада кўпчилик тавсия этган номзод ўша вазифага тайинланарди. Бунда шу номзоднинг ишчанлиги, матбуот соҳасидаги маҳорати, тажрибаси, ташкилотчилик қобилияти ва бошқа фазилатлари ҳисобга олинарди, албатта. Хуллас, Аҳмад ака «кенгашли тўй тарқамас» деган нақлга амал қилган ҳолда иш тутарди. Исмоил Сулаймонов, Тўлаган Нажмиддинов, Ўткир Ҳошимов, Соат Мусаев, Носир Рихсиев, Жасур Носиров, Илҳом Султонов, Насрулло Ҳикматуллаев ва бошқа ўнлаб забардаст журналистлар Аҳмад аканинг тарбиясидан, ёрдамидан, меҳрибонлигидан баҳраманд бўлганлар, у билан ёнма-ён туриб, матбуот соҳасида самарали меҳнат қилганлар. Улар ҳозир ҳам турли матбуот нашрларида ўз фаолиятларини давом эттираётган ва бутун республикага танилган, тажрибали қалам соҳибларидир.

Аҳмад ака жамоанинг каттаю кичиги ҳақида, уларнинг турмуш кечириши, бола-чақаси тўғрисида ҳам қайғурар, қўлидан келган ёрдамини улардан аямасди. У ҳеч кимни хафа қилмасди, ҳеч кимга дўқ-пўписа қилмас, қаттиқ гапирмасди, хатога йўл қўйган одамни эса тўғри йўлга соларди. Унинг бу олижаноб фазилати ходимларнинг раҳбарга нисбатан ҳурматини, меҳр-муҳаббатини оширар, уларнинг руҳини кўтарар эди. У одамларга яхшиликни раво кўрадиган, меҳр-оқибатли инсон эди.

У кулги шайдоси эди, у бор жойда ҳамиша кулги ҳазил-мутойиба авжга чиқар «кулги умрга умр қўшади» деган доно фикр унга доимо ҳамроҳ эди. Аҳмад Исмоилов, Салимжон Маҳкамов, Зариф Муҳаммаджонов, Босит Халилов аския қилишганда ходимлар ўзларини кулгидан тўхтата олмасдилар. Аскияни Аҳмаджон аканинг ўзи бошлаб берар, бошқалар эса унга эргашарди. Улар шу тариқа одамларга завқ-шавқ, қувонч улашар, руҳий кўтаринкилик бахш этишарди.

А. Исмоилов мазмунли умр кечирди, ўзбек матбуотининг ривожига баракали ҳисса қўшди, ўз меҳнати туфайли катта обрў-эътиборга сазовор бўлди, ўзидан сўнг яхши ном қолдирди.

Матбуот соҳасидаги самарали хизматлари учун Аҳмад Исмоилов ҳукуматнинг олий мукофотларига сазовор бўлди. Унга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берилди.

Жиззах шаҳридаги мактаб-интернатга ҳамда кўчалардан бирига Аҳмад Исмоилов номи берилган. Қалби пок, ҳиммати баланд, бағри кенг устозимизнинг порлоқ сиймоси уни яқиндан билган кишилар хотирасида ҳамиша сақланишига ишончим комил.

*Мақсуд ҚОРИЕВ*

## УНУТИБ БЎЛАДИМИ?

Матбуотимиз дарғаларидан бири, барчамиз учун қадрдон, азиз, отақалб журналист Холбек Ёдгоровдир. Унинг ҳаёт йўли газетачиликдан бошланди, умрининг сўнгги куни ҳам шу даргоҳда хотима топди. Қарийб 45 йил матбуотимиз бешигини тебратди. Унинг мақола, очерклари, публицистик чиқишлари шу йиллар давомида газета,

журналлар саҳифасидан тушмади. Ҳа, у баркамол истеъдод эгаси, забардаст қалам соҳиби эди.

Холбек Ёдгоров 1914 йилда Марғилон шаҳрида таваллуд топди. Инқилобдан кейинги энг оғир, очарчилик йилларида шаҳарда очилган етимхонада не қийинчиликларни кўрмади. Буюк шоиримиз Ғафур Ғулом: «Етимлик нимадир, бизлардан сўра», деганидек, Холбек ака баъзан ўша йилларни эслаганда юраги орқасига тортиб кетарди.

Шўролар даврида етимхона-мактабни тугаллагач, шаҳар педагогика билим юртида ўқиш билан бирга «Каттақўрғон ҳақиқати» газетасида катта ходим, кейин бўлим мудири бўлиб ишлай бошлади. Унинг журналистик фаолияти асосан ана шу газета бағрида [illegible] эди. Қарабсизки, шундан сўнг Холбек аканинг қулфи-дили очилиб, шаҳар газетасида ишлаб туриб, республикамизда чиқадиган эътиборли газеталарга хабар, лавҳа, мақола, очерклар ёза бошлади. Айниқса, унинг ёшлар газетаси саҳифаларида ҳаётнинг турли соҳаларини қамраб олган узлуксиз чиқишлари эл оғзига тушди. Агар «Ёш ленинчи» (ҳозирги «Туркистон») газетасининг ўтган аср 30-йиллардаги саҳифаларини варақласангиз: «Қишлоқ мухбири Холбек Ёдгоров диққатига» деган эълонга кўзингиз тушади. Сабабки, телефон йўқ, алоқа воситалари тартибга солинмаган дастлабки даврларда газеталар жойларга ҳаммадан тезроқ етиб борарди. Эълонда шундай дейилган эди: «Ушбу эълонни ўқишингиз биланоқ, куч-кўронларингизни олиб, Тошкентга етиб келинг. Сизни ишга қабул қиладиган бўлдик». Атоқли шоир ва журналист Акмал Пўлат ўша йиллари газетанинг муҳаррири эди.

Тақдир тақозоси билан Холбек Ёдгоров бир умрга журналистика даргоҳида қолиб ундан ҳеч қаерга чиқиб кетмади, кетолмасди ҳам. Чунки, Холбек ака газета учун туғилган, шу касбни жондан севган, жур-

налистика фарзандларидан эди. 1934 йилдан у ёшлар газетасидан «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози»)га ўтиб ишлай бошлади. Адабий ходим, бўлим мудири бўлди. Кейин бир қанча йиллар давомида журналда бош муҳаррир бўлиб ишлади. Сўнг яна «Ўзбекистон овози»да турли лавозимларда ўзини кўрсатди ва 65 ёшида ишлаб турган жойида ижодий камолот ёшида, тўсатдан вафот этди.

Холбек Ёдгоров «Ўзбекистон овози» газетасида йигирма йилдан ортиқ муҳаррир ўринбосари лавозимида жон куйдириб ишлади. Яхши ташкилотчи, меҳрибон мураббий, моҳир қалам соҳиби, дилкаш маслаҳатчи сифатида ҳурмат қилардик уни. Мавзу танлаш, ҳаётнинг энг долзарб масалаларини журналистларга хос зийраклик билан тушуниб етиш, айни чоғда ана шу мавзуларда жанговар публицистик мақолалар ёзиб барчага намуна кўрсатиш — қалам соҳибининг камолидан далолат эди.

«Ўзбекистон овози» газетаси унинг иккинчи уйи бўлган эди, десак хато бўлмас. Эрталабдан то кечгача тиним билмасди: ҳали босмахонага тушиб, газетанинг саҳифалаш жараёнлари устида турар, ёш журналистлар битган мақола, фельетонларни кўриб, ҳатто уларни ёнига ўтқазиб олиб таҳрир этар, муҳаррир ўринбосари сифатида саҳифалар ўқир, хуллас, унинг кун тартиби, иш услуби газетачиликдаги ана шу хилма-хил жараёнларни ўз ичига олар эди.

Газета жамоаси Холбек акани жуда ҳам севарди, ҳурмат-икром этарди. Унинг атрофида иқтидорли ёш журналистлар ҳамиша гирди-капалак, гўё улар билан ака-ука бўлиб кетгандек туюларди менга. Восиқ Маҳкамов, Абдукарим Набихўжаев, Эътибор Охунова, Жўравой Холқосимов, Одил Абдураҳмонов, Абдуллажон Абдуқодиров, Муҳиддин Жалоловлар унинг яқин касбдошлари, содиқ шогирдлари эди. Очиғи, уларнинг жуда ҳам яқин дўстлигига, бир-бир-



лари билан елкадош бўлиб ишлашларига ҳавасим келарди. Бундай жипслик, дўстлик, ҳамжиҳатлик билан тоғни ҳам талқон қилиш мумкин. Ахир газета ижод майдони-ку, ана шу даргоҳда бир-бирларидан ўтарга мусобақа қилаётган журналистларга бош-қош, муаллим, устоз Холбек аканинг ўзлари десак ҳақ гапни айтган бўламиз. Боз устига юят хушчақчақ, қачон кўрсанг хоналарга кириб ёшлар билан ҳазил-ҳузул қилишлари, кулиб туришлари, шоҳмот ўйнашлари, баъзан панд-насиҳатлар қилишлари, савлат тўкиб таҳририятни тўлдириб юришларини ҳеч қачон ёддан чиқармаймиз.

Бир куни шундай воқеа бўлди. Ўшанда биринчи қор ёққан эди. Яқин ҳамкасб дўстлари, шогирдлари унга ҳазил қилиб «Қорхат» ёзишгани ёдимда. Холбек ака ўта зийрак, кўзингизга қараб нима демоқчи эканлигингизни билиб оларди. Йигитлар ҳам усталик қилиб «Қорхат»ни линотип машинасида тердириб, газетанинг тўртинчи саҳифасида жойлаштиришган. Бек ака деган ўз касбининг устаси, газета саҳифаловчисини кўндириб, «Қорхат»ни тўртинчи саҳифанинг энг кўримли жойга қўйиб, муҳаррирга ўқишга чиқаришган. Холбек ака телефонда гаплашиб турганда, Абдукарим Набихўжаев унинг ҳузурига кириб: «Муҳаррир банд эканлар, шуни ўқиб берар экансиз» деб саҳифани столга қўйиб чиқиб кетган. Холбек ака синчковлик билан саҳифани ўқий бошлайди... Эътибори «Қорхат»га тушиб, ҳайрон бўлади. Масалага тушуниб қолиб, Абдукаримнинг хонасига кириб уни койибошлаган... Кейин қарайдиларки, ҳамма иш ўрнига қўйилган, камчилик йўқ, худди рисоладагидек. Энди рози бўлишдан бошқа иложлари қолмайди. Шундан сўнг зиёфат куни белгиланди. Холбек акани «эритиш» жуда ҳам мушкул иш. Зеро, ўшанда йигитлар бошлаб қўлга туширишган. Лекин шуни айтиш керакки, Холбек ака меҳ-

мон кутишда жуда ҳам хотамтой эдилар. «Қорхат»нинг зиёфати жуда ҳам зўр ўтган. Жамоа узоқ вақтгача ўша саховатли меҳмондорчиликни мамнуният билан мақтаб, эслаб юрди.

Газетанинг эллик йиллиги нишонланадиган бўлди-ю, таҳририятда шу сана муносабати билан газета босиб ўтган йўлни акс эттирувчи китоб ёзиш масаласи қўйилади. Шунда бутун таҳририят аъзолари бир овоздан бу масъулиятли иш Холбек Ёдгоровга топширилсин деб қарор қилди. Чунки Холбек ака газетада узоқ йиллар ишлаган, унинг тарихининг жонли гувоҳи эди-да. «Шундан кейин Холбек акага иш топилиб қолди — қачон кўрсангиз газеталар ичида ўралашиб, кундузни кечага улаб материал йиққани-йиққан. Ким кўп, Холбек аканинг дўстлари, биродарлари, ўртоқлари. Улар кунаро келишиб отахоннинг эшиги тагида пойлаб ўтиришарди. Кейинги вақтларда улар ҳам Холбек аканинг бандлигини билиб, келишмай қўйишди...» — деб ёзилган эди «Нурли йўл» китоби сўзбошисида. Шундай қилиб юбилей кунига қадар отахоннинг «Нурли йўл» номли китоби босилиб чиқди. Китоб журналистлару ижод аҳли томонидан яхши баҳоланди. Бу Холбек аканинг журналистика тарихига бағишланган биринчи китоби эди.

Холбек Ёдгоров шундан кейин яна кўплаб материаллар, эсдаликлар тўплашга киришди ва иккинчи китоб устида ишлай бошлади. Сербарака, тезкор, изланувчан қалам соҳиби мазкур эсдаликларга «Ҳаёт тўлқинлари» деб ном қўйди. Унда 150 дан кўп моҳир журналистлар, 500 дан зиёд матбуот ходимлари, жамоатчи мухбирлар, муаллифлар, матбаа ходимлари ҳақида ибратли ҳаёт саҳифалари битилган. Миллий журналистикамиз тарихини акс эттирган ҳар иккала китоб, мана бир неча йиллдирки, кенг китобхон-



лар қўлидан тушмайди, ёш журналистлар учун дастурламал бўлиб келмоқда.

Холбек Ёдгоров катта оиланинг отаси. Атоқли журналист, газета муҳаррирининг биринчи ўринбосари бўлсалар ҳам уйларида меҳрибон ота, оила бошлиғи, болаларининг иқтидорли падари эдилар. «Минг катта одам бўлсанг ҳам, оилада болаларингни отасисан, сени суйган аёлнинг турмуш йўлдошисан», дердилар отахон кўпинча арз билан оиласидан шикоят қилиб келган аризачиларга. Холбек ака икки ўғил, икки қизни тарбиялаб вояга етказди.

Холбек ака машаққатли, аммо мазмунли ҳаёт мактабини ўтди. Журналистикамиз учун ҳеч ёддан чиқмайдиган саховатли, ғоят савобли ишларга қўл урди. Баъзан «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририятига бориб, унинг хоналарига кирганимда, коридорларида юрганимда кўз олдимда отахон журналистнинг қиёфаси гавдаланади, гўё у ҳаётдек туйилади менга. Ҳа, унинг сиймоси уни билган, у билан бирга ишлаган ҳамкасблар, уни таниган қанчадан-қанча ёру дўстлар ёдида бир умр қолади.

Холбек Ёдгоровнинг матбуотимиз равнақига қўшган беминнат хизмати муносиб тақдирланган. У «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвонига сазовор бўлган. Тошкент шаҳрида у яшаган кўчага Холбек Ёдгоров номи берилган.

Ахир ажойиб инсон ва дўст, толмас, туғма газетачи, ёшларнинг мураббийси Холбек Ёдгоровни унутиб бўладими! Қани энди истиқлолимизнинг шу нурли, озод, эркин даврида бир мўъжиза рўй берса-ю Холбек ака ҳаёт бўлса, мустақиллигимизни шарафлаган, ардоқлаган мақолалар битган бўлардилар. Ҳа, азизлар, газета бешигини тебратиб ўтган устозларимизни ҳамиша ёд этиб, руҳиятини шод этайлик. Бу дунёдаги энг савоб, саховатли ишдир.

## ШИРИН ЁЛҒОНДАН АЧЧИҚ ҲАҚИҚАТ ЯХШИ

Тошкент Давлат дорилфунунида ўқиб юрган кезларим ўзбек журналистикаси тарихидан имтиҳон топширдим. Биз, талабаларга ҳамиша ҳурмат билан қарайдиган, айни пайтда талабчан домламиз Тоҳир Пидаев (Фидоий) билет саволларига жавобимдан мамнун бўлиб:

— Шу мавзуда диплом иши олмайсизми? — деди.

Бу — учинчи курс талабаси учун катта ишонч эди, албатта.

Мавзу ҳам тайин бўлди: «1929—1934 йилларда Ўзбекистонда ишчи-деҳқон мухбирлар ҳаракати». Камина учун бу жиддий тарихий мавзуни кўнгилдагидек ёритиш ташвиши тушди. Энг мураккаби, ўша йиллардаги нашрлар, газета-журналлар биз ўрганган кирилл алифбосида эмас, балки лотин алифбосида эди.

Домла асосан биринчи манбага эътибор беришимни алоҳида тайинладилар. Бунинг маъноси ва аҳамиятини яхши тушунардим. Ўсма кетар, қош қолар, деганларидек, айниқса эл оғзига тушиб, тарихнинг муайян жабҳасида из қолдирган шахслар ҳақида ҳар ким ҳар хил иборалар тўқийверади. Лекин Тоҳир Фидоий бизга ўргатардиларки, асл журналистларнинг ижоди ва фаолиятига унинг ўз асарларидан кўра аниқ баҳо берадиган ўша биринчи манбадан ўтадигани йўқ.

Тақдирнинг тақозоси билан 1970 йилларда «Совет Ўзбекистони» газетасида иш бошладим. Зиёд Есенбоев, Ҳабиб Нуъмон, Холбек Ёдгоров, Ориф Юнусларнинг ҳар бири биз ёшлар учун катта мактаб, жасорат намунаси эди. Ўша пайтларда Шобарот Кузанбоевни ҳам биринчи бор учратганимда қизиқиш билан кузатганларим шундоққина ёдимда. У киши камгап, давраларда ҳам кам кўринарди. Кейин журналистика соҳасидан нафақага кетди, давр ўлқинлари бошқа тус олиб кетди...

Шу орада «Ўзбекистон овози»нинг 75 йиллик тўйи арафасида журналистлар отахони Зиёд Исломович Есенбоев Шобарот акани эслатдилар менга. Очиғи, севиниб кетдим. Излаб топдим. Диплом ишим қаҳрамонларидан бири Шобарот Кузанбоев ёши тўқсондан ошган, аммо кўзлари тийрак, сўзлари маъснодор эди.

— Газетага танқидий хабар ёзган фаол мухбирлардан бир нечасининг жонига суиқасд қилишгани хотирамда,— деб эслайди Шобарот ака. — Қашқадарё округининг Шаҳрисабз шаҳрида Бузруков деган фаол мухбирни. Тошкент округи Тўйтепа қишлоғида яшовчи Абдусодиқ Пирмуҳамедовни отга судратиб, ёвузларча ўлдиришди, оҳангаронлик Тожи Хушназарова жуда фаол эди. Қорахитой қишлоғидаги бу мухбирни душманлар қаттиқ таъқиб этишди. Уларнинг чангалидан халос бўлиш учун қишлоғидан қочган мухбир қудуққа йиқилиб майиб бўлди. Кейинчалик у «Қизил Ўзбекистон» газетасида бир қанча вақт ходим бўлиб ишлади. Қашқадарё округининг Шаҳрисабз шаҳридан қувилган фаол мухбир Н. Пирмуҳамедовни ҳам редакция Тошкентга чақириб, бағрига олди, у узоқ вақт Тошкентда яшаб, паноҳ топди.

Зимдан иш тутадиган ғаламисларга сўз тиғи, аччиқ ҳақиқат ёқармиди? Йўқ, албатта! Шу сабабли Шобарот ака улар таъқибидан жонини омон сақлаш учун кўпинча «Олчин» деган тахаллус билан имзо қўярди...

...Шобарот Кузанбоев Қарши шаҳрида ўқитувчилик ва Ўзбекистон радиосида мухбирлик қилган йиллари кўпроқ оддий кишилар, қишлоқ меҳнаткашла-

ри, деҳқонларнинг ҳаёти, уй-режалари, орзу-умидлари билан қизиқиб, сермазмун хабар ва мақолалар ёзиб турарди. «Қизил Ўзбекистон», «Узбекистанская правда», «Колхоз йўли», «Маданий инқилоб», «Ўқитувчилар газетаси» рўзномаларида ишлаб, турли хил топшириқларни бажарганида, Катта Фарғона, Тошкент каналлари, Чоржўй — Қўнғирот темир йўли қурилишларида мухбир сифатида фаол иштирок этганида кўпроқ қишлоқ хўжалиги, хусусан пахтачиликни ривожлантириш учун олиб борилаётган улкан ишларни, мусобақа илғорларини зўр илҳом билан мадҳ этди.

Шобарот ака деҳқонларнинг дилдоши ва энг яқин сирдоши бўлибгина қолмай, турмушимизда учраб турадиган ярамас иллатларни, давлат ва жамоат мулкини талон-тарож қилувчилар, текинхўрлар, ичкиликбозларни аёвсиз фош қилувчи фельетончи-мухбир сифатида ҳам эл оғзига тушган эди. «Қизил Ўзбекистон» газетасида босилиб чиққан «Сулаймонбой ва унинг норваччалари» фельетони катта шов-шувга сабаб бўлган эди. Унинг «Юлғич», «Ҳазратимдан эҳтиёт бўлинг», «Тошкент бойваччалари», «Халқ мулкини таловчилар» сингари фельетонлари ҳам далилларнинг пишиқ-пухталиги, жумлаларнинг бурролиги ва теранлиги билан ажралиб турарди. Фельетонга фактларни пухта йиғарди, фельетон босилиб чиққандан сўнг биров эътироз билдира олмасди.

Шобарот ака «Қизил Ўзбекистон» газетасида 18 йил самарали меҳнат қилди.

— Уруш бошланган кун хотирамда, — деб ички бир ҳаяжон билан эслайди у. — Ўша машъум оловли тонгда мен «Қизил Ўзбекистон» газетасининг якшанба сонини чиқариш учун босмахонада навбатчи эдим. Радиодан эшиттирилган «уруш» деган даҳшатли хабар борлиқни ларзага келтирди. Мен навбатчиликдан сўнг дам олиш учун уйга кетмадим, таҳририятда

қолади. Навбатдаги сонни чиқариш учун бутун жамоа йиғилади.

Оташин журналист сўзини давом эттиради:

— Орадан анча вақт ўтгандан сўнг муҳарриримиз Ҳожиакбар Ғуломов мени чақириб шундай деди:

— Хабарингиз бор, ҳамкасбларимиздан бир нечаси фронтга жўнаб кетишди. Вилоят мухбирлари ҳам бирин-кетин олис жанггоҳларга йўл олмоқдалар. Самарқанд вилоятида эса вакилимиз йўқ. Жумҳуриятимизнинг бу йирик пахтакор, ғаллакор ва чорвадор вилояти узоқ вақт мухбирсиз туриши мумкин эмас. Таҳририятимиз ҳайъати сизни, Шобарот ака, шу вилоятга махсус мухбир қилиб жўнатишни лозим топди.

Бир неча кун ўтгандан кейин мени вилоят газетасининг эгасиз қолган қишлоқ хўжалиги бўлимига ўриндошлик йўли билан мудир этиб тайинлашди. Ҳар икки, яъни жумҳурият ҳамда вилоят газеталарининг вазифаларини баробарига бажариш осон бўлмайди, лекин мураккаб шароит шуни талаб этишини яхши англаб ишладим. Орадан бирмунча вақт ўтгач, урушда ярадор бўлиб, сўнг соғайиб қайтган Шароф Рашидовни илгариги лавозимига — вилоят газетасига бош муҳаррир этиб тайинлашди. У билан яхши ишлашдик, у кишидан жуда кўп нарсаларни ўргандим...

«Қизил Ўзбекистон» газетасига бош муҳаррир этиб тайинланганида ҳам у менга яхши ёрдам берди, маслаҳатлар бериб турди. Бош муҳаррирнинг журналистик ва одамийлик мактабидан таълим олганлигимдан, газетада бирга ишлаганимдан ғоят хурсандман ва бахтиёрман,— деб сўзини тугатди Шобарот ака.

Ш. Кузанбоев «Қизил Ўзбекистон»дан 1954 йили ташкил этилган «Тошкент ҳақиқати» газетасига ишга ўтди. Нафақага чиққунига қадар мазкур газетада катта мухбир вазифасида ишлади.

Шобарот ака 4 марта Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Президиумининг Фахрий ёрлиғига, «Шавкатли меҳнати учун» ва «Ғалабанинг 40 йиллиги» медалларига сазовор бўлган.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 1994 йил 6 майдаги Фармонига мувофиқ унга «Шуҳрат» медали топширилди.

*Мақсуд ҚОРИЕВ*

## ЯХШИ НОМ ҚОЛДИРИБ...

Ёшинг бир жойга бориб қолгандан сўнг, ўтган умринг, сен билан бирга ишлаган, ҳаёт мактабини ўтган замондошларинг, касбдошларинг, сенга яхшилик қилиб, тўғри йўлга бошлаган олижаноб устозларинг, маслаҳатгўй содиқ шогирдларинг, ҳатто сенга ёмонлик қилмоқ ниятида оёғингдан чалмоқчи бўлганлар ҳақида ҳам ўйлар экансан.

Албатта, ёмон одамлар ҳақида ёзмоқ мурувватдан эмас, чунки тепамизда барча нарсани кўриб, сезиб, эшитиб, билиб тургувчи яккаю-ягона Оллоҳ бор, аммо саховатли яхши одамларни ёдга олмоқ, улар ҳақида ёдномалар битмоқ, руҳиятини шод этмоқ ўта савобли ишдир.

Менинг ҳаётимда учраган, бирга ишлаган қадрдон устозларимдан бири олижаноб инсон, ҳам олими замон Муҳаммаджон Турсуновдир. У, ўша машаққатли, собиқ Иттифоқ даврида раҳбар ишларда сабр-тоқат, ақл-заковат билан ишлаган, ташкилотчи раҳбар ва устоз, катта қалб эгаси эди. Ул зотнинг асли касб-кори иқтисодчи-молиячи. 1912 йил Тошкентда деҳқон оиласида туғилган. 1941 йилдан қонли урушда қатнашиб қайтгач, Тошкент молия иқтисод институтини тугаллади, кейин аспирантурада ўқиди



ва шу институтда катта ўқитувчи бўлиб ишлади. «Туркистонда пул муносабатлари» деган мавзуда номзодлик диссертациясини ёқлади. Унинг докторлик диссертацияси ҳам шу мавзуда эди. 1948 йилдан бошлаб Тошкент молия-иқтисод институтига директорлик қилади.

Аммо замонининг зайли билан институт директорлигидан бошқа ишга, партия тарихи институтига директор этиб тайинланади. Шу билан бирга ўша вақтда чоп этиладиган яккаю-ягона ижтимоий назарий журналга масъул муҳаррир ҳам этиб тайинланди.

Маълумки, Муҳаммаджон Турсунов молия-иқтисод институтида ишлаган кезларда малакали иқтисодчи олим сифатида жамоа ўртасида кенг танилди. Обрў-эътибор қозонди. Яхши ташкилотчилиги туфайли олийгоҳда ўқув-тарбия соҳасида, республикамиз учун малакали иқтисодчи-молия кадрлари тарбиялаб етиштириш йўлида кўп саховатли ишлар қилди. Унинг иқтисодий-тарихий мавзуларда битган китоблари, илмий мақолалари, таржималари анчагина бор.

Мен Муҳаммаджон Турсуновни 1953 йилда тарих институтига ва шу билан бирга ўша вақтда республикамизда нашр этиладиган ижтимоий-назарий журналга бош муҳаррир вазифасига тайинлангандан билардим. Ўшанда журналимизнинг бош муҳаррири taниқли драматург ва журналист Баҳром Раҳмонов бошқа ишга ўтиб кетгандан сўнг, унинг ўрнига Муҳаммаджон Турсунов бош муҳаррир бўлиб ишга келган. Журнал таҳририятида Йўлдош Муқимов, Лазиз Охунжонов, Рустам Шоғуломовлар ҳам ишлардилар.

Муҳаммаджон ака аслида журналист бўлмаса ҳам, ўзига юклатилган бу янги вазифага масъулият ва эътибор билан қаради. Коммунистик ғояларни тарғибот этувчи бу нашрда кўпроқ фалсафий, сиёсий масалалар ёритилган. Муҳаммаджон ака бош муҳар-

рир бўлиб келгач, журналга энди иқтисодий мавзу кенгроқ кириб келди. Республикадаги атоқли иқтисодчи олимлар, тажрибали мутахассислар, йирик корхоналар раҳбарлари журналимизда фаол қатнаша бошладилар. Иқтисод ва сиёсат, ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари, қўшимча қиймат, пул қадр қимматини кўтариш масалалари, тежамкорлик, маҳсулот сифати ва қиммати каби ҳаётий масалалар журналимиз саҳифаларидан кенг жой олди.

— Сизлар қуруқ, олди-қочди масалалардан кўра иқтисодий масалаларга кўпроқ эътибор беринглар, бу давлатимиз учун, миллатимиз фаровонлиги, келажаги учун энг зарур нарса. Чунки иқтисодсиз сиёсат бўлмайди. Барча масалаларнинг таги, тамал тоши иқтисодга бориб тақала беради. Оддий қилиб айтганимда, қорнингиз тўқ бўлса, ишингиз юришади, отингиз чопади, — дер эдилар устоз.

Энди мен Муҳаммаджон аканинг ҳаётидан айрим дамлар ҳақида ўзим билганларимни, ул зот билан бўлган суҳбатларимдан айрим дақиқаларини келтириб ўтаман.

Ўзингиз биласиз, журналистика энг мураккаб касблардан бири. Ҳаётингиз бир ҳарф устида туради. Айниқса, ўша коммунистик тузум шароитида бирор хатога йўл қўйсангиз, бунинг устига у агар сиёсий хато бўлса, бошингиз билан жавоб берар эдингиз. Муҳаммаджон ака шуни жуда яхши тушунарди, ўта эҳтиёткор эди.

Баъзан журнал саҳифаларини тайёр бўлганда ўқиш учун хоналарига кириб қолсам хушмуомалалик билан кутиб олар эдилар. Стол усти ҳамиша саранжом-саришта, дамланган кўк чой. Одоб юзасидан салом берганимда кўзойнак остидан менга қараб: «Ҳа, ўғлим келдингизми», деб самимийлик билан қарши олардилар. Қиёмига етган бир пиёла кўк чой



кейин журнал мақолаларини ўқишга киришардик. Мен ўқирдим... Муҳаммаджон ака эътибор билан тинглаб, баъзи жумлаларни қайта-қайта ўқитарди. Баъзан жумлаларга тузатишлар киритар, шунда ҳам эҳтиёткорлик билан «бундай деб ўзгартирсак бўлармикин» деб, маслаҳат тариқасида сўрар эдилар.

— Отангиз соғ-саломатмилар,— деб қолдилар бир куни саҳифаларни ўқиш чоғида.

— Йўқ, оламдан ўтиб кетганлар, 63 ёшларида,— дедим.

— Худо раҳмат айласин. Пайғамбаримиз ёшларига кирган эканлар.

— Отанинг қадри вафотидан кейин яна ҳам билиниб қолади. Ота оиланинг устуни эрур, ота бор юрганингиз тўқ, бемалол юраверасиз. Ота хонадонга кириб келганда уйга барака, осойишталик, нур киргандек бўлади. Ҳа, ота оила салтанатининг шоҳи бўлса, онангиз унинг вазири, доно маслаҳатчиси. Ота-она дуосини олган фарзанд ҳеч қачон кам бўлмайди.

Муҳими шундаки, Муҳаммаджон Турсунов журналга бошчилик қилган йиллари журналистлар доирасига яқинлашди. Ўша вақтларда ҳар йили «Наврўз» кунлари газетачиларнинг одатга кириб қолган боғ сайллари бўларди. Биз бир гал ўша сайлга қўярда-қўймай муҳарриримизни ҳам олиб борганмиз. Атоқли журналистлар: Зиёд Есенбоев, Рихси Саҳибоев, Холбек Ёдгоров, шоир ва журналист Акмал Пўлат Муҳаммаджон аканинг энг қадрдон дўстлари эди. Ана шу ҳамфикр алломалар доирасида бизнинг муҳарриримиз ўзларини жуда енгил ҳис этгандилар. Зеро, ул зот ширин, дилкаш инсон эдилар. Бу сайл Тошкент чеккасидаги «Ўқитувчилар боғи»да ўтказилган. Унга энг атоқли созандалару ҳофизлар: Ғанижон Тошматов, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Муҳаммаджон Мирзаев, Зайнаб Полвонова, Фахриддин Умаров, Шокиржон Эргашевлар, раққосалар,

қизиқчилар таклиф этилган эди. Муҳаммаджон ака бутун оилалари: садоқатли турмуш йўлдошлари Салима она, қизлари Муҳтарама, Матлуба, ўғиллари Анвар, Бахтиёрлар билан чиқишган эди. Ўшанда олинган сурат шахсий альбомимда сақланиб қолган.

Биз журнал ходимлари учун жуда ҳам салобатли обрў-эътиборли бўлган Муҳаммаджон Турсунов ака шу боғ сайлига чиққан чоғимизда яна ҳам ҳазил-ҳузулларга, аскияларга аралашадиган хушчақчақ инсон эканлиги маълум бўлди. Энг муҳими, болалари, айниқса қизларига меҳрибон, уларни етаклаб ҳали сув ичирган, чой қуйиб берган, мева-чевалар билан меҳмон қилган, хуллас, ўта меҳрли ота эди.

Шу билан бирга Муҳаммаджон ака ўз фарзандларини ўқимишли, тарбияли, яхши мутахассис бўлиб етишишлари учун қўлидан келганча ҳаракат қилди. Падари бузрукворларининг меҳнати зое кетмади. Фарзандлар оталари йўлидан борди. Матлуба иқтисод фанлари номзоди, доцент, муҳтарама ўқитувчи, Анвар Турсунов иқтисод фанлари номзоди, доцент, ҳозир чет тиллар билан маданий-маърифий алоқалар кенгаши Европа—Америка департаментининг бош директори, кичик ўғиллари Бахтиёр Турсунов эса иқтисод фанлари доктори Ўзбекистон Республикасининг Грециядаги бош консули бўлиб ишламоқда. Ҳа, Муҳаммаджон Турсунов ўз номини, исми шарфини улуғлайдиган, шарафлайдиган ажойиб фарзандларини тарбиялаб етиштирди. Улар истиқлолимиз учун жон-дилдан хизмат қилишмоқда.

Муҳаммаджон Турсунов қисқа умр кўрган бўлса ҳам бу дунёда яхши ном қолдирди, кўп саховатли, савоб ишларга қўл урди. Баъзан донишманд боболаримиз «У дунёни ўйласанг бўлмайдими» деб қоладилар. Ўйлаб қарасангиз, бу сўзнинг тубида катта ҳаётий сабоқ, маъно бор. Бу дегани ёмонлик, ғаразгўйлик қилма, бировнинг бахтини кўриб, унга ҳасад



қилма, аксинча менга ҳам шундай саодатли бахт ато эт, деб Аллоҳга илтижо айла. Кўнглинг ҳамиша эзгуликка мойил бўлса, шафоат ва саодат йўлини тутсанг, ҳеч қачон кам бўлмайсан, бу ёруғ дунёда яхши ном қолдирасан. «Гар қўлингдан келса, чумолига ҳам озор берма», дейишлар бобокалонларимиз. шундагина бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам азият чекмайсан.

*Ҳафиз АБДУСАМАТОВ*

## «ЮРАК СИРЛАРИ»НИНГ НОМАЪЛУМ СИРЛАРИ

Ажойиб инсон, истеъдодли журналист, элга танилган драматург, атоқли маданият арбоби Баҳром Раҳмонов журналистика соҳасида жуда катта ижодий ва амалий ишларни бажарди. У «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасида бўлим мудири, кейинроқ бош муҳаррир ўринбосари лавозимларида ишлаб, журналист кадрлар тайёрлашда, матбуотнинг савиясини кўтаришда жонбозлик кўрсатди. Унинг ёрдами ва бевосита кўмагида камол топган журналистларнинг баъзилари ҳозиргача матбуот соҳасини тебратиб туришибди.

Баҳром Раҳмонов давлат ва жамоат арбоби сифатида Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигида бўлим мудири, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасида бўлим мудири, Санъат ишлари бошқармасининг раҳбари, кейинчалик Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг биринчи котиби вазифаларини адо этади.

Баҳром Раҳмоновни машҳур қилиб юборган нарса унинг бадиий ижоди бўлди. Бу соҳада у ажойиб адабий мерос қолдирди. Санъаткорнинг «Юрак сирлари», «Баҳор арафаси», «Сурмахон», «Олтин одамлар», «Мардлар қиссаси», «Қилмиш-қидирмиш» каби

драмалари кўп театрларнинг саҳнасини безади. Ай-никса, «Юрак сирлари»нинг довруғи кенг ёйилган эди.

Ўтганлар хотираси ҳаётнинг ўзидек муқаддас. Шу сабабдан биз Баҳром Раҳмонов хотирасини ёдлаб, комедия устидаги ҳангомалар ҳамда унинг ғоявий-эстетик қиймати ҳақидаги ҳали матбуотда эълон қилинмаган ушбу тарих билан китобларни таниш-тиришни лозим топдик.

«Юрист-прокурор комедия ёзибди. У Ҳамза но-мидаги ўзбек давлат академик драма театрида қўйи-либди, билет топиб бўлмас эмиш» деган дув-дув гап тезда шаҳарга ёйилди. Суриштириб кўрсак, бу гапда жон бор экан. Қийинчилик билан бўлсада «Юрак сирлари» спектаклини кўришга муяссар бўлдик. Кўриб ҳаяжонга тушдик. Бундай пухта сатирик ко-медияни ёзувчи-драматург эмас, адлия мутахассиси ёзганига ҳеч ишонмадик. Наҳотки, умрида бадиий оламида қалам тебратмаган инсон бирдан энг қийин жанрда шунчалик баркамол, тўла замонавий асар яратса! Муаллифни суриштириб танишиб олиб дўстлашиб ҳам кетдик. Ҳақиқатан ҳам Баҳром Раҳ-мановнинг касби ёзувчиликдан узоқ. Лекин у ада-биёт ва санъатга ғоят қизиққан, жуда кўп бадиий асарларни ўқиб, чуқур таҳлил қила оладиган журна-лист-ижодкор эди.

«Юрак сирлари» комедиясининг ёзилиш тарихи ҳам қизиқ, ибратли. Б. Раҳмонов Маданият вазир-лигида ишлаган кезлари, барча пьесаларни кўздан кечириб, билганича ўз мулоҳазаларини билдирган, янги ҳаётга йўлланма бериб турган. Бир пьеса юза-сидан танқидий мулоҳазаларини айтганида, унинг муаллифи «сиз биронта асар ёзмагансиз, драмани тушунмайсиз» деб таъна тошини отган экан. Шунда у «бир асар яратиб, ўзимни кўрсатиб қўйишим ке-рак экан» деган фикрни юрагига тугиб қўяди ва

[illegible] ниятини амалга оширишга киришиб кетади. Ниҳоятда «Юрак сирлари» бунёдга келади. Асарни Б. Раҳмонов Ўзбекистон халқ артисти, истеъдодли режиссёр Тошхўжа Хўжаевга беради. Асар унга жуда маъқул тушади ва саҳнага завқ-шавқ билан олиб чиқади.

Комедиянинг шуҳрати республикага кенг тарқалиб, уни етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган томошабинлар кўрди, десак муболаға қилмаган бўламиз. Ўйин узоқ вақт узлуксиз қўйилди. Халқ оммасининг театрга бунчалик оқиб келиши тарихда жуда кам учрайдиган ҳодиса. Ўша кунларда партия Марказий Қўмитасининг органи бўлган энг обрўли «Қизил Ўзбекистон» газетасида кутилмаган ҳолда, дабдурустдан бир дўстимизнинг «Юрак сирлари»нинг камчиликлари нимада?» (23 январь 1954 йил) деган ўта салбий руҳда ёзилган мақоласи чиқиб қолди. Ана ҳангома, мана ҳангома! Спектаклни халқ оммаси севиб, ўзига керакли сабоқларни олиб, маза қилиб томоша қилсаю, раҳбарият матбуоти уни ер билан яксон қилса, балчиққа булғаб ташласа. Ўртада жуда катта, жиддий зиддият пайдо бўлиб қолди. Кимга ишониш керак?

Кунларнинг бирида каминани Ёзувчилар уюшмасига чақиришди. Унинг раҳбарияти «Юрак сирлари» спектакли ҳақида маъруза тайёрлашни топширди, тезда газетада «Билдириш» ҳам чоп этилди. Унинг матни қисқа бўлганлиги туфайли тўла келтирамиз: «Ўзбекистон ССР Маданият Министрлиги, Ўзбекистон совет ёзувчилар союзи ва Республика театр жамияти биргаликда ёш драматург Баҳром Раҳмоновнинг «Юрак сирлари» комедияси ҳақида муҳокама ўтказадилар. «Юрак сирлари» комедияси ҳақида филология фанлари кандидати Ҳ. Абдусаматов доклад қилади. Муҳокама шу йил 1 февраль соат 14 да Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри би-

носида бўлади. Қизиққан ўртоқларнинг келишлар[и] сўралади» («Қизил Ўзбекистон», 30 январь 1954 йи[л], №25).

Айтилган куни, белгиланган соатда отахон теат[р]имизга етиб бордим. Зални кўриб ҳайрон қолди[м.] Мен муҳокамага 30—40 киши келса керак, деб ўйла[]ган эдим. Қайси кўз билан кўрай, театрга одам си[ғ]майди, тикка туриб қолганлар сон-саноқсиз. Муҳо[]камада юқорида айтилган уч ташкилотнинг раҳбар[]лари ҳам ҳозиру нозир. Демак, иш жиддий. Камин[а] маърузага имкониятим борича тайёрланган эдим, б[ир] соатча спектаклнинг катта ютуқлари ва айрим кам[]чиликлари тўғрисида гапирдим. «Қизил Ўзбекистон[»] берган мақолада йўл қўйилган баъзи назарий ва ам[а]лий нуқсонларни далил кўрсатиб ўтдим. Қисқа[ча] қилиб айтсам, юрагимдаги бор гапларни тўкиб сол[]дим. Муҳокамага раислик қилган маданият вазири[]нинг ўринбосари Исоқ Пидаев менга раҳмат бил[]дирса керак деб ўтирсам, кутилмаганда у «Ўртоқлар[,] ўртоқ Абдусамтовнинг докладини маданият вазир[]лигининг фикри деб қабул қилманглар, у ўзинин[г] шахсий мулоҳазаларини изҳор қилди» деб қолс[а] бўладими! Баданимдан совуқ тер чиқиб кетди, юра[]гимга ханжар урилгандай бўлди. Муҳокамада қат[]нашган нотиқларнинг деярлик ҳаммаси спектаклн[и,] маърузадаги мулоҳазаларни маъқуллашди, асарг[а] жуда катта ижобий баҳо бериб, уни маданият ола[]мидаги диққатга сазовор воқеа деб таърифлашди.

Менга ўша вақтда Ёзувчилар уюшмаси драматур[]гия кенгашининг раиси бўлган Туйғун ёрдамга кел[]ди: «Ҳафизхон, яхши доклад қилдинг, лекин парти[я] матбуотини танқид қилиб юбординг!» Одатда Мар[]казий Қўмита органининг камчиликлари ва хатола[]рини кўрсатиш одобга кирмас экан.

Ўзбекистон Вазирлар Кенгаши раисининг бирин[]чи ўринбосари Н. А. Муҳиддинов мени йўқлаганини

кетиб, бироз дадил тортдим. Чунки у кишининг хуш-муомаласи ва самимий қарашлари менга манзур эди. Нуриддин Акрамович муҳокамада бўлган гапларни сўраб, батафсил билиб олдилар. «Абдулла Қаҳҳор гапирдими? Докладингизнинг матнини менга бера оласизми?» деб сўрадилар. Абдулла Қаҳҳор эргасига сўзга чиқиб, спектаклни бадиийсизликда, ғоясизликда айблаб, йўққа чиқаришга уринди, дедим.

«Юрак сирлари» атрофида юз берган тортишувлар тўхтагани йўқ. Марказқўмнинг махсус қарори чиқарилди. Унинг матнини тўла келтириш жуда ибратли ва сабоқлидир:

*«Қизил Ўзбекистон» материаллари изидан —*
*«Юрак сирлари»нинг хатолари нимада?»*

*Яқинда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг бюроси «Юрак сирлари» спектаклини муҳокама қилиб, «Қизил Ўзбекистон» газетасида босилган юқоридаги сарлавҳали танқидий мақолани асосан тўғри деб топди. «Юрак сирлари» пьесаси ва спектаклнинг авторлари ўз олдиларига қўйган вазифани охиригача изчил уддалай олмаганликлари, пьеса ва спектаклда қатор жиддий камчиликларга йўл қўйилганлиги кўрсатилди. Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг бюроси Ўзбекистон ССР маданият министри ўртоқ Қўчқоровнинг пьеса ва спектаклнинг ҳозирги вақтда бирмунча тузатилганлиги тўғрисидаги ахборотини эътиборга олиб, пьеса ва спектаклдаги ҳали тузатилмаган жиддий камчиликларни уч ой муддатда тузатишни авторга ва Ҳамза номли ўзбек давлат академик драма театрига топширди»*

*(«Қизил Ўзбекистон»,*
*20 апрель 1954 йил)*

Бу қарор кўп нарсани очиб беради. Шуни айтиб ўтиш керакки, партия Марказий Қўмитасининг бюроси битта асарни таҳлил қилиб, баҳо бериш та-

рихда деярли бўлмаган ҳодиса. Буни адабиёт ва санъатга жуда катта аҳамият бериш эмас, балки Марказқўм раҳбарларининг кўнглига ўтирмаган спектаклни бошлаб савалаш учун ўтказилган тадбир, деб қаралса тўғри бўлса керак.

Бундай адолатсиз қарордан кейин театр ижоди жамоасининг, айниқса кунни тунга улаб, кўз нурини тўкиб, тинимсиз ижодий меҳнат қилган муаллиф Баҳром Раҳмоновнинг ҳоли қандай кечди экан, ахир?

Муаллиф бошига қандай кулфатлар тушгани — [illegible] азоб, изтироб гирдобига ғарқ бўлиб кетганлигининг гувоҳи бўлганман. Бу ҳақсизлик унинг соғлиғини кемирди, бора-бора эндигина 46 баҳорни кўрган, йигит ёшида бўлган талантли драматургни ҳаётдан олиб кетди (1961 йил).

Ҳақсизлик ва адолатсизликдан азоб чеккан, ўринсиз танқид нишонига олинган Баҳром Раҳмоновнинг бошини Усмон Юсупов ва Нуриддин Муҳиддиновлар силадилар. Кейинги раҳбарият даврида у Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига бошлиқ этиб тайинланди. Бу «Юрак сирлари» муаллифига олдин отилган тошлар асоссиз эканлигининг, у ҳақ бўлиб чиққанлигининг исботи сифатида амалга оширилган тадбир, деб қарасак тўғри бўлади.

«Қизил Ўзбекистон» газетаси ҳам хато материални босиб қўйиб, ноқулай бўлди шекилли, бир оз вақт ўтгач (партия МК бюросининг қароридан бир ярим йил кейин) «Замондошларимизнинг ёркин образларини яратайлик» номли бош мақолада қуйидаги ҳаққоний сўзларни ёзди: «Абдулла Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана», «Оғриқ тишлар», Б. Раҳмоновнинг «Юрак сирлари» ва бошқа асарларнинг саҳнага қўйилиши ҳам ўзбек совет драматургиясининг, ҳам театр санъатимизнинг муваффақияти бўлди» («Қизил Ўзбекистон», 28 ноябрь 1955 йил).



«Юрак сирлари» юзасидан бўлган барча ҳангомаларнинг шоҳиди бўлган халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов ўтмишни эслаб шундай ёзади: «Баҳром Раҳмоновнинг «Юрак сирлари» пьесаси кўп тортишувга сабаб бўлган эди... Спектаклни тўхтатиб қўймоқчи бўлишди... Тезда жамоат муҳокамаси эълон қилинди... Томошабинлар ёпирилиб кела бошлади... Театршунос Ҳафиз Абдусаматов уларнинг ҳужумига қарши ҳужум эълон қилди... Кундан-кунга спектаклни танқид қилувчилар кўпайиб борарди» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 11 декабрь 1992 йил, №50).

Ўтмишга бир назар ташлаб, ҳайрон қоласан киши. Мамлакатимизда диққатга сазовор воқеа бўлган бир асарга доир бор ҳақиқатни исботлаш, ўқувчиларда тўғри тасаввур ҳосил қилиш учун не-не азобларни бошимиздан кечиришимизга тўғри келди. Ўтган воқеаларни эсласак, «Юрак сирлари» асарининг тақдири ва тарихи ачинарлик комедия. Санъатимиз тарихидаги бу воқеани эслашдан мақсад — сабоқ чиқариш, ҳозир ва келажакда кулгили аҳволга тушиб қолмаслик учун адабиёт ва санъатимиз ривожига тўсиқ бўладиган, чалкаш фикр ва қарашлардан, нотўғри муносабатлардан холи бўлишдир.

*Собит ТОИРОВ*

## МАШҲУР ВА НОМАШҲУР ЖУРНАЛИСТ

Қобилжон Узоқов... Узоқ йиллар давомида ўзбек журналистикасининг бешигини тебратиб келган забардаст газетачилардан бири. Таҳририят ишини моҳирона ташкил этиб, ёш қаламкашларга беминнат мураббийлик қилган, уларнинг турмушию меҳнатидан хабардор бўлиб турган меҳрибон ота, деса бўларди уни...

Қобилжон Узоқов Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманининг Кичик кўрпа қишлоғида оддийгина деҳқон оиласида 1913 йилда таваллуд топди. Бир ёшида отаси вафот этди. Онаси ва қариндошлари қўлида тарбияланди. Муҳтожлик сабабли ўспиринлигиданоқ меҳнат қила бошлади: ер чопди, трактор бошқарди, экин экиб, деҳқончилик қилди. Газеталарни ўқиб, уларда босилган хабарларни атрофдагиларга етказарди. Тенгқурларини янгиликларни билиб олишга қизиқтирарди. Илмга чанқоқлик уни қишлоқ хўжалиги техникумига бошлади. Саводини чиқариб, оқ-қорани танигач, ўз қишлоғи муаммолари, ён-атрофдагиларнинг ҳаёти ва ишлари ҳақида газеталарга хабарлар ёза бошлади, фаол қишлоқ мухбири бўлиб танилди. Ана шунда эл оғалари унда ёзишга истеъдод борлигини сезиб, ҳам унинг ҳоҳишини эътиборга олиб, газета ходимларини тайёрлаш курсига ўқишга юборишди.

Ана энди унинг қулфи-дили очилиб, журналистикага ихлос қўйди. Ўқишдан қайтгач, уни Каттақўрғон туманида чиқадиган газетага масъул котиб этиб тайинлашди. Кўримсизгина бу газетанинг тез орада қизиқарли ва ўқимишли нашрга айланиб, элга машҳур бўлиб кетишида ёш Қобилжоннинг ҳиссаси катта бўлди. Республика матбуот дарғалари буни дарҳол пайқаб уни катта йўлга олиб чиқишди. Аввалига Қ. Узоқов Наманганда нашр этиладиган «Ударник» газетасига масъул котиб этиб тайинланди. Кўп вақт ўтмай серғайрат йигитга бу даргоҳ ҳам торлик қилиб қолди. Вилоят газетасида масъул котиб бўлиб ишлай бошлади. Таҳририят бўлимлари ва улардаги ходимлар ишини уюштириш, мувофиқлаштириш, материалларга сайқал бериш, қиёмига етказиб, босмахонага топшириш, макет тузиш, саҳифалаш ва бошқа икир-чикир ишлари ҳам масъул котибнинг вазифасига киради. Ана шу машаққатли вазифаларни дўнди-

раб ўрнига қўйган. Қ. Узоқовни газета бош муҳаррирининг ўринбосари этиб тайинлашди.

Иккинчи жаҳон уруши бошланиши биланоқ ўтюракли йигит фашизмга қарши курашга отланди. Аммо тез орада яраланиб, уйига қайтишга мажбур бўлди ва севимли касбини давом эттирди. Вақт ўтиши билан Қобилжон Узоқов техникумда олган маълумоти етишмаётганлигини ҳис эта бошлади. Бунинг устига ўша пайтлар ходимларни қобилиятига эмас, балки ҳужжатига қараб лавозимга тайинлаш одат эди.

Ниҳоят, 1950 йилда Қ. Узоқовни КПСС Марказий Қўмитаси ҳузуридаги Олий партия мактабига ўқишга йўллашди. Мактабни муваффақиятли битиргач, у яна Наманганга қайтди. Ўзи севган вилоят газетаси жамоаси уни қучоқ очиб кутиб олди. Тез орада уни бош муҳаррир этиб тайинлашди. Қ. Узоқов газетанинг ғоявий савиясини ошириш, мавзуларни хилма-хиллаштириш, хабар ва мақолаларнинг содда, тушунарли тил билан ёзилиши, қизиқарли ва ўқимишли бўлишига ҳаракат қилди. Бунинг учун бутун вилоятдан серғайрат, қалами ўткир ёшларни ишга жалб қилиб, уларни тарбиялашга киришди. Ҳамид Нурий, Турғун Пўлат, Иброҳим Юсупов каби истеъдодли қаламкашлар унинг қалб қўридан баҳра олиб вояга етдилар.

Қ. Узоқов ўткир дидли, ҳозиржавоб ва сезгир журналист бўлганлиги туфайли уни мафкура ишининг энг қайноқ, энг масъулиятли жабҳаларига йўллашарди. 1956 йилда, шахсга сиғиниш оқибатларини тугатиш, мамлакат иқтисодиётини кўтариш, бошқарув тизимини ислоҳ қилиш бобида катта тадбирлар амалга оширила бошланган бир пайтда Қобилжон акани Тошкентга чақириб олишди ва «Қизил Ўзбекистон» (кейинчалик «Совет Ўзбекистони» ва ҳозирда «Ўзбекистон овози») газетаси бош муҳаррирининг муовини этиб тайинлашди. Газета бош муҳаррири ёзув-

чи бўлгани учун ҳам кўпинча турли делегациялар та- кибида чет эл сафарларига кетар ёки тез-тез иж- дий таътилга чиқиб турар, катта таҳририятга ра- барлик қилиш, отахон газетанинг қиёфаси ва ма- мунини белгилашнинг бутун оғирлиги муови- зиммасига тушар эди. Шу даврда Қобилжон аканин- ташкилотчилик ва ишчанлик қобилияти, газетачи- хос ўткир зеҳни яққол намоён бўлди.

Қ. Узоқовнинг мавзу танлаш маҳорати айниқ- таҳсинга сазовор эканини таъкидлаб ўтмоқчима- Республиканинг қайси вилояти ва қайси туманид- қайси мавзуда мақола тайёрлаш ва уни ёзишни ки- уддалай олишини дарҳол аниқлар ва бундай мақола- лар газета саҳифасининг кўрки бўларди. Қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш масаласи кўтарилганд- Мирзачўл ва Марказий Фарғонадан Қобилжон ак- уюштирган мақолалар газетачилар орасида нақада- шов-шув бўлгани ҳали ҳам ёдимда.

Ҳар қандай раҳбар ходим ва машҳур кишида бўлга- нидек Қ. Узоқовнинг ҳам хайрихоҳлари ва ҳасадчи- лари бор эди. Иккинчи тоифа кишиларининг «Қобил- жон ака ўзи бир нарсани қойиллатиб ёзмаганку, ҳам- манинг хатосини кўрсатади, ёзганингни тузатаверади» деб орқаваротдан минғиллаб юргани қулоққа чали- ниб қоларди. Ўша вақтларда биттагина муҳаррир му- овини бўлса, у ҳам ҳар куни «юқори»нинг топшири- ғини бажариш, ташкилий ишлар билан, ярим тунга- саҳифа ўқиш билан овора бўлса, бирон нарса ёзишга вақтни қаердан олсин, деб ўйламасди улар.

Ниҳоят, кунлардан бир кун, аниқроғи 1959 йил сентябрда собиқ Иттифоқ раҳбари Н. С. Хрущев АҚШга сафар қиладиган бўлди. Унга 41 журналист ҳамроҳ бўлиб борадиган ва унинг сафарини ёрита- диган бўлдию бизнинг республикамиздан Қ. Узоқов номи рўйхатга киритилди. Ана энди Қобилжон ака- нинг ҳақиқий журналистлик қобилиятини кўрсати-

ва оғир шароит вужудга келди. Бу вақтда «совуқ уруш» деб аталган машъум сиёсий мухолифлик ҳукмрон эди. АҚШ билан собиқ Иттифоқ ўртасидаги кескинлик, умуман халқаро вазиятнинг қалтислиги сабабли бу сафарни ёритиш журналистдан ўта сиёсий зийраклик ва катта маҳоратни талаб қиларди. Ана шундай бир пайтда бу ўта нозик вазифани бажариш Қ. Узоқов зиммасига тушган эди.

АҚШнинг турли шаҳарларидан Тошкентга ҳар куни телеграф ва телефон орқали хабар ва репортажлар кела бошлади. Уларда шўролар мамлакати раҳбарининг сиёсий арбоблар билан мулоқотлари, халқ вакиллари билан учрашувлари тасвирланарди. Бу хабар ва репортажлар газетамизнинг кўзга кўринарли жойларида босилиб чиқарди. Қ. Узоқов шошапиша тайёрланган ана шу материалларда сиёсий репортаж намунасини кўрсатди.

Ниҳоят сафар тугади, яна Қ. Узоқов одатдагидек ишга шўнғиб кетди. Бироқ, орадан кўп ўтмай, 1960 йил бошларида «Тарихий сафар. Америка репортажлари» номли мўъжаз китоб босмадан чиқди. Энди газетадаги хабар ва репортажлар тўлдирилиб, янги кузатув ва мулоҳазалар қўшилиб, яхлит салмоқли сиёсий асар юзага келган эди. Унда муаллиф ўша давр нафаси ва сиёсати йўл бергани қадар қалам тебратиб, дунё аҳлини лол қолдириб келаётган қудратли Америка мамлакатидаги тартиб-қоидаларни, ибрат бўлса арзийдиган ишларни, халқнинг турмуши ва урф-одатларини бирмунча батафсил тасвирлаб берган. Унда узоқ йиллар давомида кўз нурини, бутун куч-қувватини газетачиликнинг «қора» ишига сарфлаб келган заҳматкаш инсоннинг қалами кучи нималарга қодирлиги яққол намоён бўлган эди. Улуғ мамлакатнинг салобатли пойтахти — Вашингтон ҳақидаги мана бу ёрқин сатрлар унинг қиёфасини, халқнинг туриш-турмушини яққол гавдалантиргани ҳамон эсимдан чиқ-

майди: «Америка пойтахтида асосан амалдорлар, ҳукумат хизматчилари яшайди. Бу ерда завод, фабрикалар кам. Бой ва бойваччалар одатда шанба куниёқ ўзларининг шаҳар четларидаги боғ-роғларига жўнаб кетиб, айш-ишрат қиладилар. Дам олиш кунлари шаҳардаги боғларда асосан камбағал хизматчилар, бева-бечоралар скамейкаларда ўтиришиб, шаҳарни ёриб ўтган Потомак дарёси қирғоқларидаги кўкатларда ағанашиб, ҳордиқ чиқарадилар» (23-бет). Бу китоб Қ. Узоқовни Ўзбекистоннинг энг атоқли ва иқтидорли қалам соҳиблари, салобатли матбуот арбоблари қаторига чиқариб қўйди.

Қ. Узоқов умрининг сўнгги йилларида Ўзбекистон телеграф агентлиги (ЎзТАГ) директори ва Тошкент вилояти матбуот бошқармаси бошлиғи лавозимларида ишлади. Кўп йиллар давомидаги ҳалол ва машаққатли меҳнати изсиз кетмади. Қ. Узоқов Наманган шаҳар ва вилояти, Тошкент шаҳар халқ Кенгашларининг ва Ўзбекистон Олий Советининг депутати этиб сайланди, бир қанча орден ва медаллар билан мукофотланди. Кўпдан-кўп шогирдлар ва касбдошлар унинг номини миннатдорчилик билан эслайдилар. Ундан оқил ва оқила фарзандлар қолди.

*Абдусамад ОБИДХЎЖАЕВ*

## ЭҲТИРОМ

... 1966 йилги Тошкент зилзиласидан сўнг ташкил топган пойтахт газеталарига «Совет Ўзбекистони» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасининг масъул котиби Саъдулла Кароматовнинг бош муҳаррир этиб тайинланиши тилла узукка ёқут кўз қўйгандек ярашиб тушди. Негаки, Саъдулла Музаффарович кўп йиллар республика газеталари котибиятида ишлаб, бой тажриба тўплаган, бу соҳани ипидан игнасигача эгаллаган моҳир журналист эди. Пойтахт «оқшом» газеталарини чоп этиш ҳақидаги қарорда бир газетага тегишли ходимлар тайинланиб, рус тилидаги газета асосий бўлади, унда босилган мақолалар ўзбек тилидаги газетада таржима қилиб берилади, деб режалаштирилган эди. Рус газетхони билан ўзбек газетхонининг диди, маънавий эҳтиёжи бир-биридан кескин фарқ қилишини яхши билган Саъдулла ака ҳар икки газетани мустақил чиқаришга аҳд қилди.

Аммо ижодий ходимлари сони оддий газеталар ижодий ходимларидан икки баравар кам бўлгани ҳолда, худди шундай ҳажмда ҳафтада олти марта ўзбек ва рус тилларида газета чиқариш осон эмасди. Бунинг устига, ҳукумат хабарлари ва шаҳар ҳаётига доир баъзи муҳим мақолалар бундан мустасно, бир газетадаги мақола иккинчи газетада босилмас, муаллифлар ва муштарийлар сони кам эди. Бу борада ҳам бош муҳаррирнинг ғайрат-шижоати, ташаббускорлиги, ташкилотчилиги ёрдам берди. Кунда бўлмаса ҳам, кўпинча маҳаллаларда, корхона ва ташкилотларда, олий ўқув юртларида «оқшомхонлар» билан учрашувлар ўтказилар, одамларни газеталаримизга обуна бўлишга даъват этар эдик. Айтиш керак, янги босилган газеталарни журналистларнинг ўзи одамлар гавжум жойларга элтиб сотган пайтлар ҳам бўлган.

Турли касб, турли ёшдаги ўқувчилар диққатини жалб этиш мақсадида газеталар мазмун-мундарижасида бир қатор янгиликлар жорий этилди. Адабиёт ва санъат мухлислари учун «Адабиёт ва санъат», «XX аср овози», тиббиёт ходимлари учун «Саломатлик ҳақида суҳбатлар», таълим ва тарбия ходимлари учун «Инсон одоби билан» саҳифалари, «Ибратли ҳикоялар», «Шундай одамлар бор бўлсин», «Оддий касб эгалари» каби қатор янги рукнлар пайдо бўлди.

Газетхонларни биринчи навбатда нималар қизиқтиради? Албатта, ўз маҳаллаларидан тортиб, туманда, шаҳарда, мамлакатда содир бўлган янгиликлар. Саъдулла Музаффарович буни яхши билар, шу сабабли газеталарда имкони борича кўпроқ ахборот беришга интилардн. Биринчи саҳифанинг ўнлаб «Кеча», «Бугун», «Эртага» белгиси билан 30—40 тадан ахборот берилган кунлар бўлган. Пойтахт шаҳар ҳаётининг барча соҳаларида бир кунда содир бўладиган воқеалар ҳақида олдиндан хабар берувчи «Пойтахтнинг бир куни» махсус саҳифалари пайдо бўлди.

Ёдимда. Бир хонада олти нафар ижодий ходим ўтирар эдик. Уларнинг ихтиёрида атиги битта телефон. Унинг гўшаги тинимсиз қўлдан-қўлга ўтади. Ҳар бир ходим кунига бўлимига доир мақолалардан ташқари учтадан ахборот топшириши шарт. Акс ҳолда, масъул котиб Турғун Авазовдан уйга қайтишига рухсат йўқ.

Саъдулла Музаффарович журналистлик касби сир-синоатларини ҳар куни қулоғимизга қуйишдан чарчамасди. Жумладан: сизлар ёзадиган мақолалар ва ахборотлар ихчам, лўнда, муштарийларни зериктирмайдиган бўлсин. Турли касб эгаси газета саҳифаларидан ўз соҳасига оид, ўзини қизиқтирадиган бирор нарсани топиб ўқийдиган бўлсин. Пул кетидан қувиб, катта мақола ёзманг, аксинча ихчам ва мазмунли ёзсангиз, пул сизнинг ортингиздан қидиради, — дер эдилар.

«Оқшом» газеталарининг пойтахт аҳолиси ўртасида шуҳрат қозониши, бир зумда сотилиб туганига сабаб, биринчидан, унда турли хил ахборотларнинг кўплиги бўлса, иккинчидан, уларнинг бироита ҳам газета чиқмайдиган душанба куни чоп этилиши эди. «Оқшом»нинг бошқа газеталарга нисбатан яна бир устунлик томони шунда эдики, унда бугун содир бўлган воқеаларни бугунги сонда ёритиш имкони бор эди. Биз бу имкониятдан иложи борича фойдаланишга ҳаракат қилардик.

Бир мисол. 70-йиллар эди. Ҳозирда таниқли журналист Ҳабибулло Олимжонов таҳририятга кириб келди. У таҳририятга тез-тез келиб, мақолалари билан қатнашиб турарди. Маълум бўлишича, у Тошкент агрегат заводидан келаётган экан.

— Заводда нима гап, Ҳабибулло?

— Тинчлик. Юз мингинчи трактор йиғилибди.

— Нима қилишди уни?

— Тракторни завод музейида қолдиришга қарор қилишибди.

Кечроқ. Газетага имзо чекиладиган пайт. Бош муҳаррир рухсати билан биринчи саҳифадан беш сатрча ахборотга ўрин берилди. Шу бугун бўлган воқеа ҳақидаги хабарни шу куни газетада ўқиган заводнинг минг кишилик жамоаси аъзолари қандай қувонганини бир тасаввур қилинг. Келаси сонда шу воқеа ҳақида репортаж босилди.

Саъдулла Музаффарович Тошкент шаҳри муаммоларини жуда яхши билар, пойтахт аҳолиси дардларини юракдан ҳис этар эди.

Ёдингизда бўлса керак. Шундай вақтлар ҳам бўлди, эскилик сарқити, фисқ-фужур уяси деб чойхоналарга ҳужум бошланди, ўчоқлари бузиб ташланди. Қанчадан-қанча чойхоналар ёпилди. Бош муҳаррирнинг ташаббуси билан ана шундай бир пайтда археолог олим марҳум Яҳё Ғуломовнинг «Бир пиёла чой излаб» сарлавҳали мақоласи «Оқшом» саҳифаларида босилиб чиқди. Мақолада чойхоналарнинг шаҳарликлар ва пойтахтга ташриф буюрган меҳмонларнинг ҳордиқ чиқара оладиган жойи бўлибгина қолмай, шу билан бирга оммавий-сиёсий тадбирлар ўтказиладиган маънавият маскани ҳам эканлиги ишончли далиллар билан исботлаб берилган эди. Мақола сабаб бўлдию чойхоналаримиз қайтадан ўз мавқеига эриша бошлади. Эслаб кўринг: 70-йилларда стаканда чой ичадиган бўлиб қолган эдик.

Газетада босилган «Тошкентнинг олтин камари» мақоласи боис, чиқинди уюмлари ташлаб юборилаётган Анҳор суви тўхтатилиб, қанча жойлари тозаланди, қанча жойлари бетон либос кийди.

Ҳар йили кўклам келиши билан газета республикада биринчи бўлиб, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлигини ўтказиш ташаббусини бошлаб берар, сўнгра халқ ҳашарлари авж олиб кетарди. Халқлар дўстлигига бағишланган, Тошкентда яшаб меҳнат қилаётган 121 миллат ва элат вакилларининг суратлари исм-шарифлари билан босилган газетанинг махсус сони кўпчиликнинг ёдида бўлса керак.

▲

Икки газетага раҳбарлик қилиш билан бирга эътироф этиш керак, Саъдулла Музаффарович баракали ижод қилди. 1963 йилда илк бор чоп этилган тўпламига унинг «Кумуш камар», «Тоғлар табассуми», «Тоғ гўзали», «Амунинг зар кокиллари», «Гўзаллик рамзи», «Тоғлар қаҳқаҳаси» каби ҳужжатли қисса ва очерклари киритилганлигини кўрамиз.

1968 йилда романга тенг «Бир томчи қон» повести нашр этилиши билан муаллифнинг ижоди равнақ топди. «Ҳижрон», «Эътиқод» қисса ва повестлари дунёга келди. Москвада рус тилида «Разлуки» (1971), «Дорога уходит в горы» (1973) ва «Солдаты остаются в строю» (1982) номли повестлари чоп этилди.

Ижоди такомилига етган адибнинг 1980 йилда «Олтин қум», 1983 йилда «Сўнгги бархан» номли романлари чоп этилди. «Олтин қум»нинг қайта ишланган нашри 1985 йилда китобхонларга тақдим этилди. Саъдулла ака ижод йўлида асар қаҳрамонлари билан мунозара қилиб, неча-неча тунларни бедор ўтказгани ҳақида эшитганмиз.

Ўткир таржимон Саъдулла Кароматов жаҳон халқлари адибларининг кўплаб асарларини ўзбек тилига



[illegible]ирди. У француз адиби Жюль Вернинг «Сув остида 80 минг километр», рус ёзувчиси Вадим Ко[illegible]нинг «Пешин чоғи кунгай томонда», туркман адиби Қилич Қулиевнинг «Қора Карвон» романларини, тожик адиби Юсуф Акобировнинг «Тегирмон тўхтаганда» қиссасини, шунингдек, Сотим Улуғзода, Жалол Икромий, Георгий Гулианинг, [illegible], араб, эрон ёзувчиларининг ҳикояларини ўзбек тилига ўгирди. Бу машаққатли хизматларида [illegible] устози Саъдулла ака кўпқиррали олим ва фозил Абу Райҳон Берунийнинг: «Агар (таржималарингиздан) ишлатган сўзларимиз одатда ишлатиладиганга [illegible] келмаса, маъноларига эътибор берилсин, чунки мақсад маъноларни билдиришдир», деган ўгитига амал қилган, албатта.

С. М. Кароматовнинг вафотидан сўнг 1988 йилда адибнинг 60 йиллигига бағишлаб икки жилдлик сай[illegible] повесть ва очерклар тўплами чоп этилди. Бу [illegible] инсоннинг ижоди қадр-қимматига берилган муносиб баҳо эди.

*Шавкат АМИРОВ,*
*Кабир ШУКУРОВ*

## ЎЗИГА ХОС ИҚТИДОР ЭГАСИ

Истиқлол туфайли азалий қадриятларимиз, миллий удум ва анъаналаримиз, эътиқодимиз қайта тикланиб, халқимизнинг асрий орзу-умидлари рўёбга чиқмоқда. Ўзлигимизни, ким эканлигимизни тўла-тўкис намоён этадиган кунларнинг шоҳиди бўлиб турганлигимиздан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Ҳа, бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор. Шу нурафшон ва фараҳли замонга етолмаганларнинг руҳлари ҳамиша шод, охиратлари обод бўлсин, дея

уларнинг азиз ва мўътабар номларини эҳтиром билан ёдга оламиз.

Ана шундай инсонлардан бири — жондош ва қондош ўзбек ва тожик халқларининг содиқ ва ардоқли фарзанди, миллий журналистикамизнинг жонкуярларидан бири раҳматли Абдулло Ҳамид ўғли Ҳакимовдир.

Абдулло Ҳакимов 1911 йилда таваллуд топди. Унинг болалик ва ўсмирлик чоғлари табиатан эзгуликка мойил ва ҳурриятпарвар бухороликлар даврасида ўтди. Ёш Абдулло ўзининг ўткир зеҳни, идроки ва интилувчанлиги билан алоҳида ажралиб турарди. У араб, форс ҳамда эски ўзбек тилларини пухта ўзлаштириб олган эди.

1932 йилдан эътиборан қишлоқ мактабида ўқитувчилик қила бошлаган Абдулло «Бухоро ҳақиқати» вилоят газетасида ўзининг мақола ва хабарлари билан фаол қатнашиб турди. Бора-бора журналистика унинг ҳаётида муҳим аҳамият касб этиб, бадиий ижодиётнинг машаққатли йўлига, эзгулик учун кураш майдонига чорлади.

Ўттизинчи йилларнинг иккинчи ярми. Мамлакатда «халқ душманлари»ни фош этиш васвасаси ўт олиб, миллатимиз асл фарзандларини қатағон гирдоби ўз домига тортди. Тирноқ остидан кир қидириш балосига гирифтор бўлган қора кучларнинг шайтавасига қурт тушди, улар соф виждонли кишиларга нисбатан ҳар қандай пасткашликлардан қайтмадилар.

Халқимизнинг суюкли фарзанди Файзулла Хўжаев ҳибсга олинди. Фалокат «Бухоро ҳақиқати» вилоят газетасининг масъул котиби бўлиб ишлаб турган Абдулло акани ҳам четлаб ўтмади. Қатағоннинг қора булутлари унинг бошига ҳам машъум кўланкасини ташлади.

Абдулло ака шаънига қандай тухматлар айтилмади дейсиз! Минг бор шукрлар бўлсинки, у киши-

унинг гуноҳсиз эканлиги тўла-тўкис исботланди. У яна «Шўравий ҳақиқати» газета таҳририятида масъул котиблик қила бошлади.

1941 йил. Қирғинбарот уруш арафаси. Воқеалар ривожи Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларини ишончли ва иқтидорли ходимлар билан мустаҳкамлаш масаласига жиддий эътибор беришни тақозо этарди. Шу боис Абдулло акани Термизга ишга юбордилар. У Сурхондарё вилоят фирқа қўмитаси мафкура бўлимини бошқарди. 1950 йилгача шу вилоятда ўзига хос иқтидор билан фаолият кўрсатди. Шундан кейин у Тошкентга таклиф қилиниб, тожик тилида янги бошланган «Ўзбекистони сурх» газетаси бош муҳаррирининг муовини этиб тасдиқланди.

Абдулло ака Ҳакимов 1952—1954 йилларда республика радиоэшиттириш қўмитаси раисининг муовини лавозимида ишлади. Сўнгра яна Сурхондарё вилоятига сафарбар этилади. Термиз шаҳар партия қўмитаси мафкура бўлимига раҳбарлик қилади.

1956 йилда Абдулло акани Тошкентга чақириб олишди. У «Ўзбекистони сурх» газетасига муҳаррир этиб тасдиқланди.

— Ҳар бир инсоннинг ҳаётда, ижодда ўз йўли, ўз услуби бўлади, — деб ҳикоя қилади «Овози тожик» газетасининг узоқ йиллар давомида бош муҳаррири бўлиб ишлаган, журналистикамиз фахрийси Шавкат Ниёзов. — Унинг ҳаёт икир-чикирларини тушуниб етишида, дуч келадиган тўсиқларни енгиб ўтишида устозлар ўгити, кўмаги ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шу боис улар ўзларини устозлари олдида умрбод қарздор деб биладилар. Мен ҳам худди шундай. Журналистик фаолиятимда нимага эришган бўлсам, ҳаммаси устозим Абдулло ака туфайли рўёбга чиққанлигига амин бўламан. Ҳамиша — яхши кунларимда ҳам, ташвишли дамларда ҳам устозим Абдулло акани эслайман. У кишининг панд-насиҳатларини ҳамиша ёдимда тутаман.

Ҳа, чиндан ҳам Абдулло аканинг «Инсон хатти-ҳаракатининг мезони — адолатли бўлишда» деган ўгитини, ҳозирда ҳам «Овози тожик» газетаси таҳририятининг қаламкашлари бот-бот эслаб турадилар.

Адолат хусусида баҳс кетганда Абдулло ака унинг пойдевори одоб-ахлоқ, ақл-идрок, таълим-тарбия, одамларга меҳр-оқибат, ҳурмат-эътибор, самимийлик ва покизалик эканлигини, ҳар бир инсон қалбана шу омиллар ёрдусидан нурафшон бўлмоғи лозимлигини такрорлашдан эринмас эди.

Абдулло Ҳакимовнинг ўткир қалами билан битилган мақолалар, очерк ва лавҳаларда тараннум этилган, ҳаёт ва давр синовларидан ўтган ўгитлар, ёрқин истиоралар ва афоризмлар инсон қалбининг энг нозик нуқталарига етиб боради, унга битмас-туганмас ҳузур-ҳаловат бахш этади.

Ижтимоий ҳаётимизга доғ бўлиб тушадиган иллатлар: мунофиқлик, текинхўрлик, бекорчилик, безорилик, порахўрлик, тўрачиликка қарши қатъият билан курашиш устоз ҳаётининг, журналистик фаолиятининг муқаддас қонуни эди.

Абдулло ака Ҳакимов миллий адабиётимизга ҳам баракали ҳисса қўшган ижодкордир. Устознинг долзарб мавзудаги очерк ва ҳикоялари, таржима асарлари, «Илон изидан», «Шафақ ва кўланка» каби романлари, бошқа бадиий асарлари адабиётимизнинг ўзига хос дурдоналаридир. Ўзбек китобхонлари Абдулло ака таржимасида Бедил ва Саъдий ғазалларининг, Садриддин Айний асарларининг маънавий ва илоҳий салоҳиятидан баҳра олиш бахтига муяссар бўлдилар.

Абдулло ака Мирзо Турсунзода, Жалол Икромий, Фотиҳ Ниёзий, Сотим Улуғзода, Иброҳим Раҳим, Жуманиёз Жабборов, Ваҳоб Рўзиматов сингари қалам соҳиблари, бадиий сўз усталари билан, Мухтор Ашрафий, Муҳиддин Қори Ёқубов, Дони Зокиров каби машҳур бастакор ва созандалар билан қадрдон дўст эдилар. Маъмуржон Узоқов, Карим Зокиров қўшиқларини завқ-шавқ билан тинглардилар...

— Мен 7–8 ёшда эканимда, — деб ҳикоя қилади Абдулло аканинг ўғиллари, санъатшунослик фанлари доктори Акбаржон Ҳакимов, — отам мени тиззаларига олиб, ҳар хил латифалар, ҳикоялар айтиб берардилар. Кейинчалик Саъдий, Ҳофиз, Навоий, Фурқат шеърларини илҳом билан ўқиб берадиган бўлдилар... Уларнинг ўқиш оҳангларини бир умрга эслаб қолганман...

Кези келганда шуни айтиш керакки, ушбу мақоламни ёзиш жараёнида элим деб, юртим деб ёниб яшаган, бутун умрини маънавиятимизни бойитишга бахшида этган Абдулло ака Ҳакимовнинг ҳаёти ва фаолиятига оид маълумотларни топиш анча мушкул бўлди. Фидокор инсон Абдулло Ҳакимовнинг номи бирор йўл билан абадийлаштирилса айни муддао бўларди. Бинобарин, марҳумлар хотирасини қадрлаш, улуғлаш — уларнинг табаррук номини абадийлаштириш савобли ишдир.

*Собит ТОИРОВ*

## ЗЕҲНИ ЎТКИР ЭДИ...

Шундай заҳматкаш, тиниб-тинчимас, фидокор инсонлар бўладики, уларнинг меҳнати самарасидан эл-юрт кун сайин наф кўриб туради-ю, аммо номларини деярли ҳеч ким билмайди. Оммавий ахборот воситалари деган умумий ном билан аталувчи катта даргоҳнинг минг-минглаб хизматчилари тонг отгандан кун ботгунча, баъзан эса ширин уйқусидан кечиб, мижжа қоқмай халққа керакли бўлган янги-

ликларни, энг муҳим воқеа-ҳодисалар ҳақидаги ха-
барларни мисқоллаб йиғиш билан шуғулланади. Б
хабарлар радио ва телевидениенинг сўнгги ахборо
ларида янграйди, газеталарнинг саҳифаларидан жо
олади, аммо уни тайёрлаган қалам соҳибларинин
исм-шарифлари ҳамиша ҳам эълон қилинавермайди

Тақдир тақозоси билан камина 1962 йилда Ўзбе-
кистон телеграф агентлиги ЎзТАГга (ҳозирги ЎзА)
ишга келдим. Ўша пайтда умумдавлат аҳамиятига
молик ҳужжатлар — ижтимоий, иқтисодий, халқаро
мавзуидаги маърузалар, мақолалар, қарорлар, қону
лар рус тилида тайёрланиб, шу ерда ўзбекчага тар-
жима қилинар ва газеталарга юборилларди. Тезкор
лик талаб қилинарди. Шунинг учун ҳам Насибулл
Ҳабибуллаев, Шербек Алиев, Турғун Пўлатов, Ис
ҳом Фозилов каби таникли таржимонлар, Усмон Яш
ев, Абдулҳай Раҳмонқулов, Ислом Шафиғин каби
билимдон муҳаррирлар шу ерда ишлардилар. Вақ-
ти-вақти билан, заруратга қараб, Рустам Абдураҳ-
монов, Рихси Саҳибоев, Лутфулла Муродов, Йўлдо
Шамшаров, Зиёвуддин Ёқубов, Ғиёс Неъматов, Зо-
ҳид Нормуҳамедов, Абдувосиқ Абдувалиев сингари
ўзбек тилининг ҳассос билимдонлари «ҳашарга» ке-
либ туришарди. Мана шу ишларнинг ҳаммасига Яҳё
ака Йўлдошев бош-қош бўлиб, уларнинг ишини таш-
кил қилиб, мужмал муаммоларни ҳал этиб турарди.

ЎзТАГ таржима бўлимида ўзига хос таржимачи-
лик мактаби вужудга келган эди. Илм-фанда пайд
бўлган кўнгина атамалар шу ерда қиёмига етказила
ва сўнгра матбуотда ишлатилиб, ўзбек тилининг бой-
лигига айланиб кетар эди. Мен отахон газета — «Қи-
зил Ўзбекистон» таҳририятида 8 йил тарбия кўриб,
анчагина «пишиб» қолган бўлсам-да, бу ерда кў
нарсани қайтадан ўрганишимга тўғри келди.

Шу ерда чорак аср бирга ишлаб, Яҳё аканинг синч-
ковлиги, ишлаб чарчамаслигига қойил қолдим. Баъ-



зи шундай бўлардики, энди иш куни тугаб, уйга
кетай деб турганимизда, муҳим ҳужжат келиб қолар,
эртаги газеталар усиз чиқиши мумкин эмасди. Яҳё
ака дарҳол таржимон, муҳаррир, машинистка, кор-
ректорга иш тақсимлар, энг қийин вазифани ўз зим-
масига олар ва ишлар юришиб кетарди. Энг муҳи-
ми, ҳужжат эртасига эрталаб газетхон қўлига тегар
эди.

Замондошларининг эслашича, Яҳё Йўлдошев 1926
йилларнинг охирларида ўзбек матбуотига кириб кел-
ган. Журналистик фаолиятини ўзи туғилиб ўсган
Бухоро шаҳрида «Озод Бухоро» (ҳозирги «Бухоро
ҳақиқати») газетасида бошлаган. Хабар ва мақола-
лари тез-тез кўзга ташланиб туради. Ўткир мавзу-
ларни қаламга олади, очерк, тақриз ва фельетонлар
ёзади. Тезкор ва ҳозиржавоб журналист бўлиб та-
ниладн. Аъзам Айюб, Зиё Саид, Комил Алиев, Аҳмад-
жон Ёқубов каби устозлардан таълим олиб, ўз қала-
мини янада ўткирлаштира боради. Иккинчи жаҳон
уруши авж олиб турган пайтда Фарғона область
«Коммуна» газетасида масъул котиб бўлиб ишлайди.
Фарҳод электр станцияси қурилишида иштирок эта-
ди. Урушдан кейин отахон газета — «Қизил Ўзбеки-
стон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози» газетаси) таҳ-
ририятида ишлай бошлайди. Фирқа турмуши бўли-
мини бошқаради. Аммо ўзбек зиёлилари бошига
мусибат солган қатағон даврида у ҳам қувғинга уч-
рады. Қардош Тожикистон Республикасига кўчиб
бориб, 1951 йилдан 1962 йилгача «Совет Тожикис-
тони» газетасида таржимон бўлиб ишлади.

Ниҳоят пок номини тиклаб, яна ўзбек матбуоти
бағрига келади ва энди унчалик кўзга кўринмас иш
— таржима ва таҳрир билан шуғуллана бошлайди.
Ўзбекистон ахборот агентлигининг таржималар бўли-
мига раҳбарлик қилади. Араб, форс ва рус тиллари-
ни яхши билганлиги, тарихдан, иқтисодиётнинг тур-

ли соҳаларидан, ташқи ва ички сиёсатнинг, на-
равий ишнинг нозик жиҳатларидан хабардо
унга бу соҳада айниқса иш берди.

Меҳнат жараёнида шогирдлар тайёрлаш
ака завқли иш деб биларди. Иқбол Эгамбер
Турсунали Саъдиев, Сайдамин Аъзамов ва
бошқа кишилар унинг тарбиясида етук тар
муҳаррир бўлиб етишдилар. У ёшларга талаб
айни вақтда меҳрибон устоз эди. Уларни жу
лист номини пок сақлашга ўргатар ва ўзи ҳа
тун юриш-туриши, ҳаёти билан бу номни қад
интилардi.

Жамоамизнинг кўпчилигини ташкил этув
лар Яҳё акани отадек ҳурмат қилганлик
шоҳидиман. Ёшларгина эмас, агентликка тур
ларда раҳбар бўлган Қобилжон Узоқов, Ғай
Нажимов, Ҳафиза Аслиддинова, раҳбар муов
Владимир Алишев, Темур Расуловлар ундан
маслаҳат сўраб туришарди.

1972 йили ЎзТАГнинг 50 йиллиги муносаб
лан ҳамкасбларимиздан кўпчилиги республика
нинг фахрий унвонлари ва мукофотларига са
бўлдилар. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ма
ят ходими» унвони бериш масаласи қўйилганда
моамизнинг барча аъзолари биринчи бўлиб
Йўлдошевнинг номзодини кўрсатдилар. Бу — ўз
нати билан ҳамкасблари эъзозига сазовор бўлган
тозга билдирилган юксак ишонч эди.

Яҳё аканинг дўстлари кўп эди. Шуҳрат, Ра
Файзий, Саид Аҳмад, Акмал Пўлат, Тўлқин Р
мов, Насрулло Охундий, Малик Раҳмон, Ҳиб
Муҳамадхонов каби ёзувчи ва журналистлар, М
ваккил Бурхонов (бастакор), Олим Хўжаев, Са
хон Табибуллаев, Сайфи Олимов (халқ артист
Вилоят Хўжаева (Файзулла Хўжаевнинг қизи, т
чи олим), яна қанчадан-қанча номдор кишилар

тез-тез келиб туришар, уларнинг дилкаш суҳбатларидан биз ҳам баҳраманд бўлур эдик.

Ўзбек матбуотининг бешигини тебратганлардан бири, ноёб истеъдод эгаси, ўткир зеҳнли таржимон Шариф, бизларнинг меҳрибон тарбиячиси Яҳё ака билан ҳамнафас бўлиб, унинг доно ўгитларидан баҳра олган ўнлаб шогирдлар қатори камина ҳам мураббий хотирасини миннатдорлик билан ёдлайман.

*Ҳайдарали УЗОҚОВ*

## ШЕРБЕК АКА ЎГИТИ

Таржимон. Бу сеҳрли «касб»ни ҳунарга айлантириш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Шу маънода таржимонлар халқ ва давлат миқёсида қанчалик эъзозлидир. Шербек Алиев ана шундай ноёб инсонлардан бири эди. Унинг ҳаёт йўли, ижодий-сиёсий фаолияти аўнда. Бухронли йиллар билан узвий боғланиб кетган эди. Бемалол айтиш мумкинки, журналистика ва таржимонлик соҳасида қалам тебратган Наим Саид, Аъзам Айюб каби устозлар қаторида Шербек аканинг номи ёнма-ён туради.

Шербек Алиев 1909 йилнинг 15 июнида Тошкентнинг Ўқчи маҳалласида дунёга келди. Унинг отаси ўша пайтлар жадид сифатида оқ империя томонидан бир неча марта «тартиб»га чақирилган ва огоҳлантирилган маърифатпарвар эди.

Шербек ака дастлабки маълумотни, табиийки, ўз оила қўлида олади. Сўнг Бешёғочдаги интернатда тарбия топди. Кейинчалик, 1922 йили интернат Ўқчидаги техникумига кўчирилиб, қўшиб юборилди.

Бу ерда (кейинчалик машҳур бўлиб кетган) шоир Умаржон Исмоилий, профессор Ҳ. Раҳматул-

лаев, академик Собир Юнусов, Шайхзода каби
сонлар билан бирга таҳсил олдим. Техникум
йўналишига кўра фаннинг турли соҳалари бў
умумий кадрлар тарбияланарди. Мен она тил
адабиёти йўналиши бўйича фаолият юргиздим
ган эди Шербек ака суҳбатларимизнинг бири
Муҳаммаджон Раҳимов деган жуда ўткир маори
техникум директори эди. Уни ҳамма ҳурмат
Жаҳоншоҳ исмли муаллимимиз педагогика ва
графиядан, тошкентлик Вали Бурхон адабиёт
Шорасул Зуннун мумтоз адабиёт ва она тилидан
боқ ўргатишарди. Тил ўрганиш орқали таржи
ликка ҳавасим кучайди.

Шербек Алиев 1929 йили Туркистон Давлат у
верситетининг Шарқ факультетига ўқишга кир
Бу ерда Виктор Решетов, Субутой Долимов, ке
чалик эса таниқли адиблар бўлган Мақсуд Шай
да, Мирзакалон Исмоилий сингарилар билан б
тил ўрганди. 1933 йили ўқишни муваффақият б
битирган Шербек ака «Қизил Ўзбекистон» (ҳо
«Ўзбекистон овози») газетаси таҳририятига и
юборилди. Бу ерда атоқли журналист ва тарж
лар Комилжон Алимов ва Аъзам Айюблар кў
фаолият кўрсата бошлади.

Аъзам Айюб Шербек акадаги таржимончи
бўлган ҳавасни сезгач, уни мазкур газетага м
котиб ёрдамчиси вазифасига тайинлатади. Бу
навбатида масъул котиб вазифасида ишлаётган А
акага ишончли ёрдамчи, деган гап эди. Шербе
бу ерда таҳририятга келган кўплаб хабар, ҳуж
ларни ўзбек тилига ағдариб, таҳририятнинг и
чини қозона борди.

Шербек Алиевдаги журналистик дид, ўткир к
уни «Қизил Ўзбекистон»нинг ишончли ходими
лантирди. Шу боис, таҳрир ҳайъатининг қарорига
у (XX асрнинг бошларида) Ўзбекистон тарки



...ва Хўжанд ҳамда Қўқон зоналари бўйича газета
... мухбири қилиб ишга жўнатилди. Бу ердан туриб
... урф-одатлар, тарихий обидалар, маориф ва
... янгиликлари, халқлар дўстлигига оид кўплаб
...аларини тайёрлади, газетада чоп эттирди.

Шербек Алиев 20-йилларда Мирзачўлдаги таянч
...да директор бўлиб ишлади. Айни чоқда «Ма-
...ф ва ўқитувчи», «Аланга», «Ер юзи» каби жур-
...лар учун қатор методик мазмундаги русча мақо-
...ни ўзбек тилига таржима қилди.

...йилларда Шербек Алиев таржимон ва журна-
... сифатида шуҳрат топа борди. Унинг содда ва
... тил билан қилган таржималари элимизга
... бўла бошлади. Шу боис, Ўзбекистон Ўқув-
...нашри унга қатор дарсликларни таржима
...б беришни топширди.

Бутун инсоният учун ҳаёт-мамот жангига ай-
... иккинчи жаҳон уруши Шербек акани ҳам яна
... карра синовдан ўтказди. Матбуот сўзини, ай-
..., радио тўлқинлари орқали тарқаладиган ха-
...ларни халқ ҳамиша орзиқиб кутар эди. Марказ-
... келадиган хабар ва фармонлар, буйруқлар рус
... бўлганлиги учун, уларни ўзбек тилига зудлик
... таржима қилиш талаб этиларди. Шунга кўра
...публика радиоси раҳбарияти Шербек Алиевни
...жимонликка таклиф этди. У бу ишни сидқидил-
... бажариб, ишончни оқлади.

Уруш даврларида ҳозиргидек телетайп алоқа хиз-
... йўқ эди. Барча марказий хабарлар ҳаводан —
...дан ушлаб олинарди. Бутун Радио жамоаси,
...торлар таржимонларга кўз тикиб турарди. Шер-
... ака радиода 1947 йилгача таржимонлик қилиб,
...жима бўлимини бошқарганлар.

Урушдан сўнг ЎзТАГ фаолиятини кучайтиришга
...ибор оширди. Маҳоратли, тажрибали ва моҳир тар-
...жимонларни аниқлаш ва тўплаш бошланди. Ана шун-

дай паллада Шербек Алиев ҳам ЎзТАГга ўтиб иш бошлади. Шербек Алиев то нафақага чиққунча, я 1972 йилгача шу даргоҳда ҳалол меҳнат қилди.

— Ўзбекистон телеграф агентлигига ишга кел симдан олдин, — деган эди Шербек ака хотирала ни сўзлаганида. — Радиода ишлаб юрган ўша у йиллари ҳам бу ерда ўриндошлик йўли билан фао ят кўрсатганман. Сафимизга Рихси Саҳибоев, На булла Ҳабибуллаев, Абдулла Ўразаевлар келиб қўш гандилар. Абдулла Ўразаев уруш йиллари ЎзТАГ д ректори бўлиб ишлади. 1938—39 йилларда Ка Ғайбуллаевнинг таклифи билан «Ёш ленинчи» (ҳо ги «Туркистон») газетасига ҳам ўтиб ишлаганм ахборот бўлимини бошқарганман. Газетанинг у пайтлардаги муҳаррири Шариф Хўжаев эди, уни 1 йилда миллатчи сифатида отиб ташлашган...

Тан олиш керак: игна билан «қудуқ қазиб» меҳ қилган таржимонларнинг номлари ҳамиша тилга о навермайди одатда. Ўқувчи ҳам одатда ёзилган а ёки матнинг муаллифига қарайди, таржимонига э Ҳа. Шербек ака таржимон бўлиб 50 йил ишлади, н истеъдод эканлигини исботлаб олди. 1972 йилда у «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходи фахрий унвонининг берилиши устоз таржимон м натининг чинакам эътирофидир.

*Ваҳоб РЎЗИМАТ*
*Собит ТОИ*

## МОҲИР ТАРЖИМОН

Ўзбек маънавиятининг таниқли намояндала дан бири Насибулла Ҳабибуллаевдир. У хир журналист бўлиш билан бирга машҳур тарж мон ҳам эди. Насибулла ака Аъзам Айюб, Муҳам Ҳасан, Санжар Сиддиқ, Сулаймон Азимов, Раҳм

Нажидий, Рихси Саҳибоев, Наби Алимуҳамедов, Шарбек Алиев, Яҳё Йўлдошев, Йўлдош Шамшаров, Шариф Толибов, Зиё Аминов каби етук қаламкашлар қаторида туриб, матбуотимизни ривожлантиришда, шунингдек таржимонлик йўл-йўриқларини шакллантириб, уни санъат даражасига кўтаришда катта ҳисса қўшди.

Насибулла Тошкентнинг маърифатпарвар зиёлилар хонадонида тарбияланиб вояга етди. Унинг амакиси машҳур шоир Хислат Ҳайбатуллахўжа, отаси Ҳабибуллахўжа Орифхўжа ўғиллари илғор фикр намояндалари эдилар. Отаси буюк адибимиз Абдулла Қодирий билан қадрдон дўст бўлган, унинг дастлабки асарларини нашр эттирган. У кишининг Тўйчи Ҳофиз билан биргаликда ўзбек куйларини граммофон пластинкасига олдиришда ҳам самарали саъй-ҳаракат кўрсатганлиги маълум. Шеърлари билан шуҳрат топган Тўлаган Хўжамёров (тахаллуси — Тавалло) бу хонадоннинг яқин кишиларидан бўлган. Ва Насибулланинг матбуот, санъат, адабиётга ҳаваси ана шу муҳитда шаклланиб, қўлига қалам олишга ундади. У меҳнат фаолиятини жуда эрта — ўн тўрт ёшлигидаёқ қишлоқ муаллимлигидан бошлаган эди. Шу вақтда газета ва журналларга хабарлар ёзиб турди. Бу интилиш уни матбуот даргоҳига етаклади. Ниҳоят, у «Қизил Ўзбекистон» газетаси бағрида дастлаб мухбир, адабий ходим, кейинчалик таржимон бўлиб ишлади. XX асрнинг 30-йиллари ўрталарида унинг истеъдоди яққол намоён бўлди.

Ўткир зеҳни туфайли Насибулла ака таржимонлик маҳоратини атрофлича эгаллаб олди. Газетада эълон қилинадиган муҳим ижтимоий-сиёсий мавзудаги материалларни Н. Ҳабибуллаев таржима қилиб берди. Унинг матбуот саҳифаларидан ўрин олган таржималари маҳорат ва заковат намуналари эди. У ўз бурчини ном чиқаришда эмас, салоҳиятини бус-бутун матбуот хизматига бағишлашда, деб биларди.

50-йилларнинг бошларида Н. Ҳабибуллаев дўстларнинг рағбати билан Д. Медведевнинг «Матонатли кишилар» китобини таржима қилди ва республика ёшлар газетасида чоп эттирди (таржимон номи кўрсатилмаган эди). Кейинчалик у ушбу китобни нашр этиш учун нашриётга топширганда, ўзбек адабиётига тўғоноқ бўлиб келаётган шахслардан бирининг ғалати тақризига дуч келди: гўё «Асар ҳозирги кунда фош этилган буржуа миллатчиси Наби Алимуҳамедов тили билан таржима қилинган» эмиш. Шундай «ҳукм»дан сўнг бу таржима китобни ким ҳам босиб чиқарарди?

Н. Ҳабибуллаев 60-йиллардан бошлаб яна севган иши билан шуғулланишга киришди. Энди Ўзбекистон Телеграф агентлигининг етакчи ходими сифатида ишлаб, бутун куч-ғайратини, билим-тажрибасини таржима санъатига бағишлади. Шундай кезларда устоз таржимон доимо: «Сўзни эмас, маънони таржима қилиш керак», деб таъкидлар эди.

Дарҳақиқат, моҳир мутаржим ҳар бир материалнинг руҳига киришга интилар эди, салоҳияти зўрлиги туфайли узоқ интилишлар натижасида жамғарган қомусий билими, моҳирона тажрибаси, зўр сўз бойлиги — жонли иборалар, қочиримлар, киноялар, ташбеҳлар ва бошқа ифода воситаларидан хассослик билан фойдаланар эди.

Шунингдек, у жаҳон тарихини, айниқса халқимизнинг ўтмишини яхши билиши, сиёсат, иқтисодиёт, фан ва техника соҳасидаги ютуқларни доим кузатиб бориши сабабли ҳар қандай мавзудаги матнни ҳеч қийналмай, маромига етказиб таржима қилолар эди. «Аччиқ бўлса ҳам айтишим керакки, салоҳияти нечоғли эканлигини билмаган ходим билим ва малакасини ошириб турмаса, газетада тўрт йилдан ортиқ ишлаёлмайди, лаққи бўлиб қолади», дегувчи эди у матбуот ишига масъулият, куйинчаклик билан қараш кераклигини уқтириб.



Устознинг таржима мактабидан сабоқ олган кўплаб мутаржимлар бугунги кунда унинг номини ҳурмат билан эслайдилар. Насибулла Ҳабибуллаевга маданият, матбуот соҳасидаги узоқ йиллик самарали, ҳалол хизматлари учун «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берилди.

Ўз ишининг моҳир устаси, меҳрибон устоз — Насибулла аканинг орамиздан кетганига 20 йилдан ошди. Лекин унинг иши ҳаёт. Тошкентнинг Кўкча даҳасида у туғилиб ўсган маҳалладаги кўчалардан бирига Насибулла Ҳабибуллаев номи берилган.

Биз Насибулла ака орзу қилган замонда яшамоқдамиз. У киши республикамиз давлат мустақиллигига эришганини, халқимиз ўз эркини қўлига олганини, айниқса тилимизга давлат мақоми берилганини кўрса, беҳад қувонган бўлар эди. Шу ўринда унинг бир жасоратини эслаб ўтишни маъқул топар эдик.

1958 йилнинг февралида Қозоғистон пойтахти Олмаотада туркий тиллар таржимачилиги бўйича республикалараро анжуманда қатнашиб, иштирокчиларга шундай деб мурожаат этди: «Мен анжуманнинг расмиятчилигидан чекиниб, Ўзбекистон вакили сифатида ўз она тилимда гапирмоқчиман. Қардош халқлар вакиллари бўлганимиз учун сўзларимни бамалол тушунасизлар, деб ўйлайман!» Бу сўзлар айтилганида залда қарсаклар янграб кетди.

*Шариф ЮСУПОВ*

## ИНСОНМИСАН — ИНСОН ЭДИ

Ўзбекистон... — Наябиддин ака 25 ёшидаёқ — 1946 йили Ўзбекистон Давлат радио қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари этиб тайинланди. У вақтларда ҳали телевидение йўқлигидан бутун аҳли илм, аҳли ижод

халққа ўз ҳароратли нафасини фақат радио орқа
етказиш имкониятига эга эди. Бу ҳол радиони ижод
корлар учун халқ билан бевосита алоқанинг уза
марказига айлантирган эди. Турган гапки, илм в
ижод аҳлининг радиодаги барча чиқишлари Ҳибзид
дин аканинг фаол иштироки билан амалга оширил

Лекин ўша замонларда энг покдил, энг тўғри сў
зли кишиларни вақти-вақти билан «чилпиб қўйиш» ҳа
5—10 йилда такрорланар ва ўшанда илм-ижод май
дони янги ўрилган бедазордек яйдоқ бўлиб қолар
50-йиллар бошига келиб, навбатдаги «чилпиш» ама
ошириладн. Ҳибзиддин аканинг бир неча домлалари
дан ташқари Саид Аҳмад, Шуҳрат, Маҳмуд Мур
дов каби ижодкор дўстлари ҳам қамалиб кетди. Б
қатағон Ҳибзиддин акани ҳам четлаб ўтмади: душ
ман унсурларига радио эшикларини кенг очи
қўйганликда айбланиб, лавозимидан олинди. Анч
вақт ишсизлик азобини тортгач, ўша вақтдаги Ўқу
педагогика нашриётида оддий муҳаррирлик лавози
мида фаолиятини давом эттирди. Сталин шахси
сиғиниш қораланиб, сиёсий вазият бир қадар юм
шагач, Ҳибзиддин ака қайтадан фаоллашиб, нашри
ётда аввал бўлим мудири, кейинчалик бош муҳар
рир лавозимларига кўтарилди.

1956 йилнинг 4 январида «Ўзбекистон маданият
(ҳозирги «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»)нинг би
ринчи сони дунё юзини кўрди. Замонасининг энг яхш
журналистларидан бўлган Ҳибзиддин ака унга бош
муҳаррир ўринбосари этиб тайинланган эди. Янги
газетанинг қиёфасини белгилашда, унинг ўз йўлини
топиб олишида бош муҳаррир ўринбосарининг ҳам
мага ўрнак бўларли ақли, истеъдоди, тажрибаси ало
ҳида аҳамият касб этганлигининг гувоҳи бўлганмиз.
Таҳририят таркибини шакллантиришни ўша вақтда
ги раҳбарлар Ҳибзиддин ака ихтиёрига топширишга
ганди. У киши ходимларни қандай билимдонлик би
лан танлаганига қойил қолмай иложингиз йўқ. Даст

Ойин кунлари таҳририятда иш бошлаган 12 ижодий ходимдан беш нафари кейинчалик фан доктори, уч нафари «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвонига эришгани, икки киши республика нашриётида ва энг йирик журналларда бош муҳаррирлик даражасига кўтарилганини айтиш кифоя.

Умрининг сўнгги 30 йилдан ортиқ даври мобайнида Ҳибзиддин ака етакчи журналларимиздан бирида масъул котиб ўринбосари лавозимида фаолият кўрсатди. Шу тариқа бу табаррук инсон 71 йиллик умрининг 54 йилини даврий ва нодаврий матбуот равнақига бахшида этди.

Халқимизда «Дўстинг кимлигини айт, ўзингнинг кимлигингни айтиб бераман» деган машҳур нақл бор. Бу нақл худди Ҳибзиддин ака учун айтилгандек туюлади назаримда. Чиндан ҳам бу асл инсон дўстларидан баъзиларининг номини санашнинг ўзиёқ унинг қиёфасини яққол кўрсатади, деб ўйлайман. Мана қаранг: Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Иззат Султон, Яҳё Ғулом, Саид Усмонов, Миртемир, Ҳаким Назир, Асқад Мухтор, Шуҳрат, Матёқуб Қўшжонов, Одил Ёқубов, Аҳмад Алиев, Бурхон Зиёев... Улар Ҳибзиддин ака фаолият кўрсатган даврнинг покдомон, ростгўй, инсоф-адолатли зиёлилари экани маълум.

«Нур қидириб» номли қиссасини тугатганида Ҳибзиддин аканинг бир оғиз илтимоси билан Ойбек ака уни тўлалигича «Ўзбекистон маданияти»да эълон қилдирганлиги ўша давргача кўрилмаган шов-шувларга, газета обуначилари сони кескин ошишига сабаб бўлганди...

1960 йили Бухорода Ҳибзиддин ака фарзандларининг онаси Муҳаббатхон вафот этганди. Марҳумни сўнгги манзилга элтувчилар орасида Миртемир домла ҳам бўлгани, тобутни навбатма-навбат елкасига олиб, изтиробда боргани ёдимда. Қабристонда Миртемир ака бир қари чинор тагига бориб, титроқ лаблари билан пичирлаб, ён дафтарига неларнидир

шоша-пиша битаётганини ҳам кўрганман. Улкан шоирнинг ўша таажжубли ҳолати «Дўстимнинг хотини» деб аталмиш машҳур шеърнинг тўлғоғи эканини орадан бир неча кун ўтгач шоир уни Ҳибзиддин акага тақдим этганида билганмиз.

Абдулла Қаҳҳор Ҳибзиддин ака хонадонидаги деярли барча йиғинларга рафиқаси Кибриё опа билан бирга келар. Абдулла аканинг уйидаги қанчадан-қанча йиғинлар ҳам Ҳибзиддин акасиз ўтмас эди. Адиб дунё адолатсизликларидан азоб тортган чоғлари «ялонғоч сувдан тоймас» қабилида иш тутиш фикрига келган пайтларда Ҳибзиддин аканинг таҳририятдаги хонасига кириб келар, дўстлар эшикни ичидан қулфлаб, узоқ суҳбатлашишарди. Абдулла ака унинг хонасидан шаштидан тушган ҳолда юзига қон югуриб, жилмайиб чиқиб кетарди.

Ҳибзиддин аканинг дўстлари билан муносабатида бундай ибратли жиҳатлар кўп эди.

Камина бу асл инсон билан салкам ярим аср таниш бўлиб, радиода, газета-журнал таҳририятларида йигирма йилга яқин бирга ишлаганман. У вақтлар ғоят мураккаб, мафкура соҳасида текшир-текширлар кўп бўларди. Лекин вазият нечоғлик мураккаб бўлмасин, Ҳибзиддин ака ўзини оқилона ва ўта хотиржам тутар, шу хусусиятлари билан нияти бузук текширувчиларни ҳам қуролсизлантириб қўярди.

Ҳибзиддин ака маданий ҳаётимизда воқеа бўлган янги асарлар ва таржималарини, эл суйган ижодкорлар ҳақида ўзининг эҳтиросли мақолаларини эълон қилибгина қолмай, бошқаларнинг ҳам шундай савобли ишларга бот-бот даъват этиб турарди. Каминанинг Аброр Ҳидоятов, Сайфи Олимов каби саҳна усталари, Асқад Мухторнинг «Қорақалпоқ қиссаси», Шуҳратнинг «Олтин зангламас» асарлари ҳақидаги мақолалари у кишининг даъвати билан ёзилганини миннатдорлик билан эслайман.



2002 йилнинг илк баҳорида Ҳибзиддин ака юрак хасталиги билан шифохонага ётадиган бўлдилар. Ўшанда мени хоналарига чақириб, ўзларига ҳамроҳ бўлишимни — бир жойда ёнма-ён даволанишни таклиф этдилар. Камина бунга жон деб рози бўлдим-у, аммо ўзим ишлайдиган университетга бориб, кафедра мудиримиз кечагина тўсатдан касалхонага олиб кетилганини билиб, «аттанг» деб қолдим. Мен мудир ўринбосари эканлигим боис ишни бошқа бировга топшириб кетишимнинг имкони йўқ эди... Эртасига Ҳибзиддин акага не-не истиҳола билан қўнғироқ қилдим. У киши ҳамишагидек бағрикенглик билан: «На илож, насиб бўлмаган экан-да, кўп хафа бўлманг», деб тасалли бердилар.

Орадан икки ой ҳам ўтмай, Ҳибзиддин ака тўсатдан вафот этди. Шундан сал илгарироқ у киши тиббиёт соҳасидаги йирик бир олимнинг хотиралар китобига тақриз ёзишни мендан илтимос қилгандилар. Ҳибзиддин аканинг вафоти мени қай алфозга солганини орадан бир фурсат вақт ўтиб ёзилган ўша тақризда шундай баён қилган эдим: «Раҳматли волидам вафотларидан сўнг ўтган чорак аср ичида бунчалар оғир азадор бўлмаганман».

Ҳибзиддин Муҳаммаджонов инсонмисан — инсон эди ва бу сиймони билганлар қалбида ҳамиша шундайлигича қолади.

*Убай БУРҲОН*

## МИКРОФОН ОЛДИДА 45 ЙИЛ

Дорилфунунни тамомлаб, радионинг ахборот бўлимига ишга келганимга икки йилгина бўлган эди. Ўша вақтда адабий-драматик эшиттиришлар таҳририятида ишлаётган, кейинчалик халқ

шоири ва ёзувчиси сифатида элга машҳур бўлган Туроб Тўла, Ҳаким Назир каби адибларга шогирд тушдим.

1947 йилнинг май ойида фашизм енгилганлигининг икки йиллиги муносабати билан бериладиган адабий эшиттиришда Ғафур Ғуломнинг «Сен етим эмассан», «Вақт», «Мен — яҳудийман», «Бизнинг кўчамизда ҳам байрам бўлажак», «Йигитлар» каби машҳур шеърларини ўқиш менга топширилган эди. Шеъриятда сира учрамаган, ўзига хос шакл, мисраларнинг тузилиши, кутилмаган образлар, вазн ва қофиялар ўқувчидан бу асарлар руҳига киришни, қисқаси, Ғафурона ҳис қилишни талаб этади.

Эшиттириш сўнгида Ғафур аканинг «Йигитлар» шеърини ўқиб бўлгач студиядан чиқдим. Сўнгра сухандонлар хонасига кирдим. Бу ерда дўстим Бурҳон Зиёев ва яна бир ёш йигит суҳбатлашиб ўтиришарди. Афтидан, улар эшиттиришни тинглашган. Ҳалиги йигит кўзида ёш томчилари ялтирарди.

Баланд бўйли, кенг елкали, юзларининг суяклари бир оз туртиб чиққан, ўзи абжир, қотмадан келган, истараси иссиқ бу йигитни қачонлардир, қаердадир кўргандай эдим. У менга гоҳ танишдай, гоҳ нотанишдай кўринди. Бурҳон Зиёев унга:

— Ҳозиргина сен тинглаган шеърларни ўқиган Убай аканг, таниш! — деди.

Йигит дик этиб ўрнидан туриб:

— Мен Убай акани танийман. Шундоққина қўшни маҳаллада ўсганмиз. Бир ҳовузда чўмилганмиз, биргаликда Нўъмонхўжа аканинг оқ ўригини олиш учун боғ-ҳовлига ҳам тушганмиз, — деб хахолаб кулиб юборди.

Бир зум унга тикилиб, эслашга ҳаракат қилдим. Бирда, беихтиёр: — Қодиржон! — деб юборганимни ўзим ҳам билмай қолдим. Қучоқлаша кетдик. Шундагина унинг ўнг қўли ўрнида костюмининг қуруқ

енги осилиб ётганини сезиб қолдим. Юрагим «шув» этиб, ичига тортиб кетди. Нима деб гап бошлашни ҳам билмай қолдим. Мана лаънати урушнинг яна бир касофати.

Уруш асорати ҳақида бир оғиз ҳам сўз очмадим.

— Кўришмаганимизга ҳам қанча йил бўлди, шекилли, — гапни бошқа ёққа бурдим.

— Ҳа, ўн йилдан ошиб кетди. Бу орада пединститутни битирдим. Мана, урушга ҳам бориб келдик, — осилиб турган ўнг қўл енгини кўрсатиб, бошини қуйи солди у.

Орада оғир сукунат чўкди.

— Шеърларни жуда яхши ўқидингиз. Айниқса «Йигитлар» шеъри менга ёқди, — деб Қодиржоннинг ўзи гап бошлади.

— Ҳа, бу шеърларни Ғафур Ғулом Сизга ўхшаш йигитларга бағишлаб ёзганлар, — деб жавоб бердим мен.

Мен Қодиржонга муваффақият тиладим-да, сухандонлар хонасидан чиқдим.

Ишхонамга келиб ўлтириб, хаёлга чўмдим: Қодиржон билан дала кўчаларини чангитиб юрганимиз, баланд толдан катта ҳовузга «калла ташлаб», сузишда ким ўзар ўйнаганимиз кўз олдимдан ўтди. У қулочлаб сузишда ҳамма болаларни ортда қолдириб кетарди. Ана энди лаънати уруш оқибатида ўша узун, бақувват, забардаст қўлларининг биридан айрилиб келиб ўтирибди.

Ҳа, Қодир Тожиев оддий сухандонликдан «Ўзбекистон халқ артисти» шарафли унвонига сазовор бўлгунига қадар узоқ йиллик машаққатли меҳнат ва ижодий йўлни босиб ўтган уруш ва меҳнат фахрийсидир.

Ушбу очеркни ёзиш жараёнида Қодир Тожиев билан яна учрашишга тўғри келди.

— Ўша биринчи учрашувимиз урушдан қайтиб келган йилларингизда содир бўлган эди, — дедим, —

бир ногирон сифатида кўнглингиз чўкиб тургани учун қайси фронтда жанг қилганингиз ва қаерда ярадор бўлганингиз ҳақида сўрашга журъат этолмаган эдим.

— Уруш уруш-да... Ржевск шаҳрини душмандан озод қилиш учун ҳужумга шай ҳолда эдик. Уруш олдидаги катта кенглик душман билан бизни ажратиб турарди. Ярим тунда бот-бот ўқ товушлари эшитиларди. Тиканли симлар билан ўралган шаҳар атрофи душманнинг қаттиқ ўрнашиб олганидан дарак берарди. Қўмондонлик ҳужум олдидан майдонни тиканли симлардан тозалаш чораларини кўрди. Бир гуруҳ жангчиларга сим қирқиш вазифаси топширилди. Улар ичида мен ҳам бор эдим.

Тун қоронғусида вазифани бажаришга киришдик. Тиканли симларни кесаётган пайтимизда номаълум шарпани пайқаб сергак тортдик. Бирдан биз томон келаётган оёқ товушини сездик. Ўзимизни дарахт панасига олдик. Бизга яқинлашганларида уларга тўсатдан ташланиб, қўлларидаги автоматни тортиб олдик. Биз жанговар топшириқни бажардик. Икки нафар душманни асир олиб, қисмга омон-эсон қайтиб келдик. Тонг ота бошлади. Олдинда шаҳарни олиш учун катта ҳужум турарди. Артподготовка бошланди. Душман устига сон-саноқсиз тўплар ёғдирилиб, ҳужумга ўтилди. Бу сафаргиси ҳам ўнгидан келмади. Кўп куч ва ҳарбий техника йўқотдик. Бу жангда мен қўлимдан қуролим тушиб кетгани, шинелим енги қора қонга беланганини ҳали кўз ўнгимдан кетгани йўқ. Сўнгра ҳарбий госпиталлардан бирида узоқ вақт даволандим.

Қодир Тожиев урушда кўрсатган қаҳрамонликлари орден ва медаллар билан тақдирланди.

1937 йилларда педагогика институтида филология факультетини аъло баҳолар билан тугатди, сўнг ўқитувчилик қилди. Тил ва адабиётдан олган билимининг дикторлик санъатини эгаллашида жуда асқотди.



Мен Қодиржонни яна саволга тутдим:

— Сизда сухандонлик касбига иштиёқ қачон туғилган эди?

— Госпиталда операциядан чиққач, хаёлимни урушнинг қандай кечиши ҳақидаги ўйлар чулғаб олди. Ота ва онам бағрига борганимда қайси ишнинг бошини тутар эканман, деб хаёл сурардим. Биз ярадорлар эрта билан радиоприёмник ёнига тўпланардик. Фронтдаги аҳволни эшитмай туриб, нонуштага бормасдик. Биласиз, сухандон Левитаннинг овози уруш йилларида яхши таниш эди. Тўғриси, унинг ўқишига ҳавасим ортди. Шу касбга меҳрим тушди. Она юртимга бориб, мен ҳам сухандонлик қилсам, эплай олармикинман?! Олий маълумотли бўлсам, ўқитувчилик қочмас, деб ўйлардим.

Тошкентга қайтиб келганимда ҳам шу хаёл мени тинч қўймади. Узоқ вақт даволандим ва, ниҳоят, шу орзу-истаклар билан радиокомитетга кириб бордим. У ерда педагогика институтини бирга битирган курсдошим ва ўша йиллари сухандон бўлиб ишлаётган Мардон Зиёев билан учрашиб қолдим. Қўйингчи, орзуим ушалди. Мени сухандонликка қабул қилишди. Ўзим севган касбда ишлай бошладим.

Қодиржон дастлабки иш фаолиятини оддий хабардан — «Тошкент ахбороти»ни ўқишдан бошлади. Ҳар бир хабар, мақоланинг мазмунини, асл мағзини, оҳангини билиб олиш кераклигини ўрганди.

Йиллар ўтиши билан унинг малакаси ошиб борди. Энди у биринчи дастурдаги «Сўнгги ахборот»ни, республика газеталарининг қисқа мазмунини, расмий учрашувларда сўзланган нутқларнинг матнини, турли сиёсий-ижтимоий расмий хабарларни ўқишга ўтди.

Олий тоифадаги сухандон даражасига кўтарилди. Фидокорона меҳнати учун радио ва телевидение аълочиси, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» ун-

вонига сазовор бўлди. Бадиий эшиттиришлар таҳририяти уни бадиий асарларни ўқишга, мусиқий очерклар, радиокомпозициялар, радиопостановкаларни олиб боришга таклиф эта бошлади. Қодир Тожиев истеъдодининг янги-янги қирралари очила борди.

Қодир Тожиев билан суҳбатларимизнинг бирида сўз устоз ва шогирдлар ҳақида борган эди.

— Сизнинг ҳам устоз ва шогирдларингиз бор. Улар Сизни ҳамиша яхши сўз билан ҳурмат ва эъзоз этадилар. Сиз устоз ва шогирдларингиз ҳақида нима дердингиз? — деб сўрадим Қодиржондан.

— Мени микрофон олдига тетапоя қилган, менга сухандонлик маҳоратини ўргатган устозим Ўзбекистон халқ артисти Туйғуной опа Юнусхўжаева бўлди, — дея жавоб берди Қодиржон. — Туйғуной опадан ифодали ўқиш, сўзларни тўғри ва аниқ талаффуз қилиш, мантиқий урғу, радио эшитувчилар билан бевосита суҳбатлашиш сирларини қунт билан ўргандим. Касбга садоқат, сидқидилдан ишлаш опадан менга мерос. Ўзбекистон халқ артисти Қодир Мақсумов билан радиода, телевидениеда ва киностудияда кўп йиллар давомида бирга ишладим. Матн мазмунини яхши билиб олишда ва сўзларга мантиқий урғуни тўғри қўя билишда унга етадиган диктор йўқ эди. Ундаги бу фазилатлар менга ўтди, десам муболаға бўлмас.

— Ҳар бир санъаткор, у артистми, хонанда ёки созандами, дикторми, ўз овозига, ўз ўқиш услубига эга бўлиши керак. Бошқа бировни такрорламаслиги керак.

— Тўғри айтасиз, аввалambор ҳар бир дикторнинг ўз овози, ўз ўқиш услуби бўлиши керак. — деб сўзини давом эттирди Қодиржон. — Сухандонлик бу — касб. Сухандон эса бу — санъаткор. Мен ўз иш фаолиятим даврида бир қанча ёшлар билан ишладим, мураббий сифатида кўп йиллик иш тажрибамни ўртоқлашдим. Уларга дикторлик маҳоратини эгаллаш

...дан ёрдам бердим. Қатор шогирдларим борлигидан фахрланаман. Шогирдларим — Неъматжон Қамбердиев, Сўфахон Аҳмедова, Абдулла Матназиров, Салима Расулова, Гулсара Иброҳимова каби шогирдларим ҳозир олий тоифадаги сухандонлар саналади. Шогирдларим менинг фахрим.

Қодир Тожиевга 1990 йилда «Ўзбекистон халқ артисти» унвони берилди. Бу республика радиосида кўп йиллар самарали ишлаган ажойиб инсон, меҳрибон дўстимизнинг катта меҳнатига берилган юксак баҳо эди...

*Мирза Анвар КАРИМОВ*

## ДИЛ СЕҲРГАРИ

Туйғуной Юнусхўжаеванинг жарангдор, ёқимли ширадор овозини эшитмаган, мафтун бўлмаган инсон юртимизда бўлмаса керак. Салкам ярим аср давомида уни ҳар бир ўзбек хонадони азиз меҳмондек кутиб олди, эъзозлайдилар, у билан фахрланадилар. Эл ардоғидаги бу инсон Ўзбекистон халқ артисти, мамлакатимизда биринчи бўлиб сухандонлик мактабини яратган Туйғуной Юнусхўжаевадир. Миллий радио равнақига салмоқли ҳисса қўшган санъаткор қирқ йилдан ортиқ Ўзбекистон радиосида сухандонлар жамоасига бош бўлиб, Қодир Маҳсумов, Қодир Тожиев, Баҳрихон Соатқулова, Инобат Юсупова, Ҳури Сафарова сингари халқимиз севган етук сўз ва бадиий ўқиш усталари у билан бирга, ёнма-ён хизмат қилдилар. Туйғуной опа раҳбарлик қилган кичик жамоада ҳамма вақт тартиб-интизом, саришталик ҳукм сурган.

Т. Юнусхўжаева 1922 йилнинг 17 июлида Тошкентда таваллуд топган. Унинг болалиги маданиятли

оилада, ахил маҳаллада кечди. 30-йиллардаги очарчилик, ноҳақ қатағонлар, мудҳиш воқеалар мурғак қалбида чуқур из қолдирди. У турмуш машаққатларига қарамай, ҳаётни, одамларни севарди, ўз ўрнини топишга ҳаракат қиларди. Меҳнат фаолиятини 1940 йилда «Фан ва турмуш» журналида оддий адабий ходимликдан бошлади. «Ҳали ишчилар факультетида талаба эканман, радиоэшиттиришларга жуда қизиқиб қулоқ солардим, — деб эслайди у. — Сухандоннинг, артистларнинг сўзларини тинглаб, радиорепродуктор ёнида соатлаб туриб қолардим. Қани энди менда ҳам шундай қобилият бўлса-ю, улар қаторига кирсам, деб орзу қилардим».

Орадан кўп ўтмай, ҳар нарсага қизиқувчи, сермулоҳаза, зийрак қизча учун шундай имконият туғилди. Истараси иссиқ, ёқимтой, ширинсухан Туйғунойни радиога ишга таклиф этишди. 1941 йилнинг 12 августида унинг қўнғироқдек овози илк маротаба мамлакатимиз бўйлаб янгради.

Туйғуной сухандонлик хизматига киришган дастлабки ҳафтаданоқ мустақил ишга ўтди. Жиддий ва масъулиятли эшиттиришларни олиб бора бошлади. У ўз ишини юракдан севган радио ижодкори, моҳир сухандон бўлиш учун ёлғиз овоз билан қобилиятнинг ўзи етмаслигини тушунарди. Туйғуной ўз билимини ошириш йўлида қунт билан шуғуллана бошлади. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда (1952—19[illegible] йиллар) Тошкент кечки педагогика институтининг филология факультетида ўқиди. Тарих, фалсафа, ўзбек тили адабиётидан пухта билим олди. Тараққийпарвар жаҳон адабиёти ва санъатидан хабардор бўлди.

Туйғуной опа гоҳ жарчи сифатида олам янгиликларидан хабар берса, гоҳ мумтоз адабиёт намуналаридаги қаҳрамонларга айланиб, нозик инсоний кечинмаларни гўзал овоз ва ҳаяжон билан тингловчилар қалбига олиб кирар, гоҳ болаларнинг суюкли эртакчисига айланиб, маҳорат билан эртаклар сўйлар эди. Овоз сеҳргари радиоэшитувчиларга оддий сухандон сифатидагина эмас, бадиий ўқиш санъаткори, радио актёр сифатида ҳам танилди. У ҳар бир эшиттиришнинг бутун мазмуни ва моҳиятини тингловчиларга тугал етказишга интилди. Хоҳ диктор сифатида чиқсин, хоҳ артист сифатида адабий-драматик эшиттиришларда роль ижро этсин, ана шу қоидага амал қилди. Туйғуной Юнусхўжаеванинг сухандонлик маҳорати эшиттиришдан эшиттиришга, йилдан йилга ўсиб, тиниқлашиб борди. «Пахта усталари», «Қишлоқ хўжалиги ходимлари учун» радиожурналларини бошқариб катта шуҳрат қозонди. Болаларга бағишланган эшиттиришларда мунтазам қатнашди. Радионинг олтин фондида авайлаб сақланаётган «Бой ила хизматчи», «Генерал Раҳимов», «Миришкор», «Олтин қишлоқ», «Ойдан тушган қиз», «Бағри бутунликни тиланг, одамлар», «Машъал» сингари радиоспектакль ва постановкаларда унинг жонли нафаси сақланиб қолган, опанинг мумтоз ҳамда ҳозирги замон адабиёти намуналарини юксак маҳорат билан ўқиши шинаванда халқимизга ғоят манзур бўлди.

Туйғуной Юнусхўжаева ижросидаги Алишер Навоий, Лутфий, Бобур ғазаллари, Умар Хайём рубоийлари, Нодирабегим, Увайсий, Фурқат, Зебунисо шеърияти Ўзбекистон радиосининг олтин фондига қабул қилинган. Энг аввало табиат берган мўъжизадай хушовоз, кейин ўзига талабчанлик, тингловчиларга катта ҳурмат опани эл орасида эъзозли қилди.

Туйғуной опа билан ижодий ҳамкорлик қилиш ҳар бир муҳаррир учун мароқли ҳам фахрли эди. Катта байрамлар, меҳнат зафарларига бағишланган йирик эшиттиришлар етук сухандонлар Қодир Маҳсумов ва Туйғуной Юнусхўжаеваларга ишониб топширилар. Улар қувончли кунларда ҳам, ташвишли он-

ларда ҳам халқ билан бирга, ҳамнафас, елкадош бўл-лар.

Шогирдсиз устоз — мевасиз дарахт, дейдилар. Туйғуной она ўз меҳнат фаолияти давомида кўплаб шогирдлар тайёрлади. Биз ёқимли овозларини кўп йиллардан бери тинглаб келаётган Раъно Ашурова, Клара Халилова, Мамлакат Пўлатова, Неъмат Му-родов сингари сухандонлар Туйғуной Юнусхўжаева мактабида сабоқ олган, унинг тажрибаларини ўзлаш-тирган шогирдлардир. Устоз нафақат Тошкент ра-диоси, балки Ўзбекистон телевидениеси, шунингдек, вилоятлардаги радио сухандонларига ҳам мураббий-лик қилган.

Эл суйган сухандонимиз 24 ёшида «Ўзбекистон-да хизмат кўрсатган артист», 25 ёшида «Ўзбекистон халқ артисти» фахрий унвонларига сазовор бўлди.

Ҳар бир гулнинг ўз ҳиди, ўз чиройи бўлганидек, сухандонларимиз бисёр, уларнинг сафи кенгайиб бо-раётган бўлсада, бетакрор, ноёб истеъдод соҳиби Туйғуной Юнусхўжаева битта.

*Эркин КОМИЛОВ*

## ВАЗИФАНИ ВИЖДОНАН БАЖАРИБ...

Инсон ёруғ дунёга келгач, болалик дақиқала-ридан эътиборан нимагадир интилиб, атак-чечакдан сўнг оёққа туриб, бўй басталаб, ақл-заков-ват йиғиб, кечаётган ҳаёт оқимини ўз кўзи билан кўриб, шу карвон билан комил инсон бўлиб етишишга интилади. Табиийки, унга бу жабҳада азиз меҳри-бонлари — падари бузруквори ва волидаи муҳтарама-си мураббий бўладилар. Шу аснода биз катта ҳаёт йўлини босиб ўтаётган табаррук устозлар ҳақида сўз юритар эканмиз, уларнинг ҳаёт тарзи, яшаётган за-



маннинг тарихий муҳитига назар ташлаган ҳолда ... даркор.

Биз сўз юритмоқчи бўлган инсон ҳам ибратли ҳаёт йўлини босиб ўтганлардан бири, 78 ёшга етиб, 1998 йил 13 август кунида бу фоний дунёни тарк этиб, боқий дунёга рихлат этган (у кишини Аллоҳ ўз раҳ-матига олган бўлсин), яхши инсоний фазилатлар со-ҳиби, раиятпарвар раҳбар, ўз даврининг етук киши-ларидан бири, бутун умрини матбуот, маърифат ва маданият соҳасига бахшида этган Ҳамдам Ази-зович Алимтоевдир. У кишини яқиндан таниган биз ... учун Ҳамдам аканинг ибратли ҳаёт ... ибрат оларлик даражада бўлганлигига тан ...

Бу кишининг ҳаёт йўлига назар ташлайлик. Ҳам-дам Азизович 1920 йилда Туркистон диёрининг Ота-... қишлоғида таваллуд топди. Асли деҳқон оиласи-... Оталари Алимтой Ғайбулла ўғли бир умр она ... меҳр қўйиб, деҳқончилик билан ҳаёт ке-чирганлар. Оналари Робия ая оқила, дунёвий илм-лардан бохабар аёл бўлганлар. Юз йил ҳаёт кечи-риб, ... фарзандлари даврасида уларнинг ка-молотини кўриб қувонганлар.

Ҳамдам аканинг ҳикоя қилишларича, болаликдан илм олишга чанқоқ бўлганлар. Чимкент педагоги-ка билим юртида (1934—1938 йиллар) таҳсил олиб, Туркистон туманининг тўлиқсиз ўрта мактабида ўқитувчи, илмий мудир бўлиб ишлаганлар.

У киши ўқитувчилик билан бирга Тошкент давлат педагогика институтида ўқиди, сўнг шу олий ўқув юртининг дипломини олгач, Ўрта Осиё давлат уни-верситети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий универси-тети)нинг тил ва адабиёт факультетида (1945—1946 йиллар) таҳсил кўрди. Мазкур илм даргоҳида ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ассистенти бўлиб иш-лади.

1949 йилдан эътиборан яна ўқитувчилик касбига ўтиб ишлай бошлади. Янгийўл туманидаги У. Юсупов номли ўрта мактаб директори лавозимида фаолият кўрсатди. Орадан бир йил ўтгач, Москва шаҳрига ўқишга йўл олди. Ўқишни битириб, Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлигида бўлинма бошлиғи бўлди. 1953—1954 йиллар давомида шу вазирликнинг бошқармаларидан бирига етакчилик қилди.

Бу даврда Ҳ. Алимтоев етук мутахассис, изланувчан ҳамда талабчан раҳбар сифатида кўзга кўринди. Шундан сўнг у киши республика ҳукуматининг 19[illegible] йил январь ойида чиқарган қарорига асосан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги матбуотда давлат сирларини сақлаш Бош бошқармаси бошлиғи лавозимига тайинланди.

Ҳар сафар бўлганидек, Ҳ. Алимтоев масъул вазифани виждонан, ҳалол ва сидқидилдан бажаришга киришди. Йиллар ўтди. Умр зарварақлари ортда қолди. Ҳ. Алимтоев 30 йилдан ортиқ вақт мобайнида Бош бошқармага раҳбарлик қилди. 1985 йилнинг март ойида нафақага кузатилди.

Ҳамдам Алимтоев ўзи бош бўлган соҳа тизимини такомиллаштириш, ходимларнинг билим ва маҳоратини, малака ва кўникмасини ошириш учун курашди, ишни бехато бажариш йўлида ташкилотчилик қобилиятини намойиш этди. Республика матбуоти ҳамда оммавий ахборот воситаларида давлат манфаатини кўзлаган ҳолда ҳарбий, иқтисодий, илмий-техникавий аҳамиятга молик маълумотларни сақлашдек вазифани бажаришда жонбозлик кўрсатди.

Собиқ Иттифоқ даврида бу хизмат ўта марказлашган ҳолда бўлиб, барча ҳужжат ва кўрсатмалар умумиттифоқ идорасидан олинар ва сўзсиз бажарилар эди. Иттифоқдош республикаларда фаолият кўрсатаётган Бош бошқармалар Марказий идора тизимида бўлиб, тоталитар давлат тизимига хизмат



[illegible]. Собиқ Иттифоқ даврида барча республикаларда ҳамма соҳаларда иш юритиш фақат Марказ кўрсатмаси асосида бўлганлигини таъкидлаб ўтишга бунинг ҳожати бўлмаса керак, деб ўйлайман.

Маълумки, дунёдаги ҳар бир давлат ўз конституциясига асосланган ҳолда маълум даражада ўз сирларини бошқа давлатлардан ҳимоя қилади. Шу нуқтаи назардан қаралганида ўз даврида Бош бошқармалар Совет Иттифоқида кучли ва қудратли давлатнинг таянч идораларидан бири бўлган. Ўша даврда СССРнинг ҳарбий, иқтисодий ҳамда илмий-техникавий салоҳиятини инобатга олиб, чет эл давлатлари бу ҳақда матбуот ҳамда оммавий ахборот воситаларини диққат билан ўрганиб, тегишли маълумотлар тўплашга уринардилар. Лекин давлат сирларини сақлаш Бош бошқармаси мукаммал шаклланган интизомга кўра бунга йўл қўймасди. Республика миқёсидаги ўзига хос салоҳиятга эга бўлган идоранинг раҳбари сифатида Ҳамдам Алимтоевда талабчанлик, вазминлик, бурчга садоқат ва ҳамкасбларига меҳр-оқибатли бўлиш каби фазилатлар мужассам эди. Шу туфайли у киши бош бўлган идора ходимларининг меҳнати ҳам алоҳида эътироф этиларди. Ҳамкасбларини ҳам маънан, ҳам моддий тарафдан рағбатлантириш ишига доимо бош-қош эди.

Матбуотчилар Ҳ. Алимтоевни фақат ташкилотчи раҳбар сифатида эмас, айни чоғда журналист ва таржимон сифатида ҳам яхши биладилар. Биргина мисол: у рус ёзувчиси Б. Чаковскийнинг «Ғалаба» романини ўзбек тилига моҳирона таржима қилди. Моҳир мутаржимлар ва таржима санъати мутахассислари ўзбек тилига ўгирилган асар тилига ижобий баҳо берган эдилар.

Кўп йиллар давомида ўз соҳасида ҳалол, бенуқсон ишлаган ходимлар Ирина Возняк, Рустам Бара[illegible], Неъмат Бобожонов, Авазхон Содиқов, Башорат

Аъзамова, Рашид Валиев устоз сабоқларини олганлар.

Ушбу мақолада Х. Алимтоевнинг раҳбарлигида узоқ йиллар ишлаган ходимларнинг ўз вақтида айтган дил сўзларини эсга олиш ўринли деб хисоблаймиз.

Ҳамидулла Турғунов, меҳнат фахрийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими:

— Ҳамдам Алимтоевнинг талабчанлиги, моҳирлиги билан жамоага бошчилик қилиши биз учун ўрнак эди.

Фазлиддин Муҳиддинов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими:

— Устоз ҳақида сўз борганда икки фазилатини алоҳида таъкидламоқчиман. Топширилган вазифага ҳамиша виждонан ёндашардилар, ходимлар малакасини ошириш ҳақида алоҳида қайғурардилар. Табиийки, бу икки фазилат иш манфаати йўлига бўйсундирилган эди. Биз вақт билан ҳисоблашмай, ҳамкасбларга ўрнак бўлган етакчимиздек ишлашга доим интилардик.

... Камтарга камол, деганларидек, меҳри дарё Ҳ. Алимтоевнинг фидокорона меҳнати бир неча орден ва медаллар билан тақдирланди. Матбуотимиз фидойиси Ҳамдам ака 1968 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвонига сазовар бўлди.

Мустақил Ўзбекистон ўз истиқлолидан сўнг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрнини топиб бормоқда, келажак сари дадил қадамлар қўйиляпти. Бунда сўз билан иши бир матбуот ходимларининг ҳам муносиб улушлари бор, албатта. Улар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуни асосида иш юритмоқда. Ана шундай қутлуғ кунларда мустақиллик туфайли қадр-қиммат топ[illegible] ётган ўтмиш аждодларимиз қатори, ўзида яхши инсоний фазилатларни мужассам этган, ўз соҳасининг



...раҳбарларидан бири бўлган Ҳамдам Азизович Алимтоевни эслаш; у киши билан узоқ йиллар ишлаган биздек шогирдлар учун фахр деб биламиз.

*Суръат АБДУКАРИМОВ*

## ТАРИХ ТИЛГА КИРГАНДА...

Меҳрибон ота-онанг, энг яқин азиз одамларинг ҳақида ёзиш нақадар ёқимли, лекин шунчалар қийинки... Камина ҳам бунга мутлақо амин бўлганман... Ушбу сатрларни қоғозга тушириш учун неча бор чоғланган бўлсам, шунча бор кейинга суриб келдим. Ҳар вақт қўлимга қалам олар эканман, юрак ўзича уради. Шу боисдан ҳам ҳар гал бу юмушни ярмига ташлайман. Лекин ёзиш кераклигини, бу менга инсонийлик бурчим эканлигини аниқ биламан. Бу бурч менга нафақат бу дунёдан кўз юмганлар, шаҳид кетганлар руҳи олдида, балки уларнинг руҳини шод этиб, хотирасини эъзозлаётганлар олдида ҳам қарздор эканлигимни англатиб туради.

Ёзув столи устида бир тахлам оқ қоғозу олти кишининг мангуликка битилган тасвири. Суратнинг орқа томонига: «У 26/IV.43.Орлов/ область, ст. Рождество» деб ёзиб қўйилган. Бошқа хеч қандай ёзув йўқ. Суратдагиларнинг ўнгдан биринчиси менинг отам, қолганлари эса унинг сафдошлари. Улардан яна бирини онам (Аллоҳ раҳмат қилган бўлсин!) яхши танидилар. Чап томондан: сочи жингалак, кулиб турган қиз Зифо Шамсуддинова, унинг ёнидагиси эса Умрзоқов экан. Зифо жуда ёшлигига қарамай, фронтга кўнгиллилар сафида кетган. (Уни хизматдошлари Зебо деб чақиришган. «Қизил Армия» фронт газетаси таҳририятида матн кўчирувчи, котиба бўлган экан).

Суратга тикилиб, хаёл сураман... Ҳеч нарса кўнгилга сиғмайди. Ўша машъум даҳшатли тунда улардан қайси бирининг гулдек умри хазон бўлди экан?!

Балки ушбу суратдагилардан кимлардир ҳаётдир, эҳтимол, уларни таниган-билганлар бордир?!

... Отам вафот этганларида еттинчи синфда ўқирдим. Уларнинг оловли кунлар ҳақидаги ҳикояларидан баъзиларини тинглаганман. Лекин сизга айтмоқчи бўлган бу воқеани батафсилроқ қилиб онам сўзлаб берган эдилар.

... Отам хизмат қилган 1-Белоруссия фронти ортиёридаги «Қизил Армия» газетаси редакцияси ўрмон ичкарисида беш-олти вагонга жойлашган бўлиб, олдинги вагонлар иш жойи ва босмахона, охирги икки вагон ётоқхона ҳамда ошхона вазифасини ўтар экан.

Қирқ учинчи йилнинг ўн олтинчи октябри. Тун. Қоп-қоронғу ўрмон. Катта сержант Солиҳ Абдукаримов уч кунлик кетма-кет навбатчиликдан бўшаб олдинги вагонда ишлаб ўтирган шу газетанинг муҳаррири Жалолхон Азизхонов олдига кириб:

— Вақт алламаҳал бўлиб қолди, дам олсангиз бўларди, ўртоқ командир, — дебдилар. У киши:

— Сиз бораверинг, мен бир оз ишлаб, сўнг етаман, — деганлар.

Воқеа тафсилоти ниҳоятда ҳаяжонли кечганини онамнинг сўзларидан билиб олдим.

... Вагонларнинг ҳар икки томонида навбатчи соқчилар. Кундузги ғала-ғовурлардан чарчаган, ҳаёт-мамот кураши бораётган олдинги жабҳалардан ҳориб-толиб қайтган жангчи мухбирлар, таҳририятнинг бошқа ходимлари дам олишмоқда. Охирги вагондан патефоннинг овози эшитилади...

Бир замон душман самолётининг чинқироқ товуши қулоқларни батанг қилаёзди. Ҳаммаёқ бир зум ёп-ёруғ бўлиб, кўзларни қамаштирди. Даҳшатли портлашдан замин ларзага келди. Одамлар ўзларини



вагонлардан ташқарига отдилар. Олдинги икки вагон аланга олиб ёнар эди. Ҳамма соғ одам ўзини ўтга урди, ёнаётганларни, ярадорларни вагонлардан ташқарига олиб чиқа бошладилар. Фашист самолёти ташлаган бомба олдинги икки вагон ўртасига тушган, бу вагонлар тамоман ўт ичида қолган эди.

Портлаш натижасида Азизхонов вагон деразасидан ташқарига отилиб тушган, у ўзини билмай ётар эди. Шу вақт яна фашист самолётининг чинқириғи эшитилди. Одамлар ўзларини панага урдилар...

Биринчи душман самолёти бомба ташлаганидан кейин яна учиб келиб, ўз «ҳунарини тантанали» равишда пастга тушириб, кўринган одамларни ўққа тутиб кетди. Буни билган солдатлар ўзларини панага олар эдилар. Бу гал самолёт ёнаётган вагонлар тепасидан учиб, ҳеч қандай ўқ узмай қайтиб кетди. Ўрмонни аччиқ тутун, ярадорларнинг оҳ-нолалари тутган эди.

Тонг саҳарда даҳшатли манзара яққол намоён бўлди. Ҳалок бўлганларнинг ўзи ўн саккиз киши эди. Бир қанча киши, жумладан Азизхонов ҳам қаттиқ ярадор бўлган эди. У дам ҳушини йўқотар, дам ҳушига келиб «Зебо, Зебо қани», деб алаҳларди.

Ярадорларни санчастга жўнатиб, солдатлар ҳалок бўлганларни дафн этиш учун қабр қазидилар. Ўн саккиз жангчи ҳамда эндигина ўн тўққиз баҳорни кўрган, ҳали ўн гулидан бир гули ҳам ғунча очмаган Зифонинг ҳам умри шу ерда тугади. (*Ҳозирда Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги катта кўчалардан бир Зифо Шамсуддинова номи билан аталади — муаллиф*).

Отамнинг «қабр тепасида икки калима Қуръон тиловат қилиб, шаҳидларнинг руҳларига бахшида этган эдим», деган гаплари сал-пал эсимда.

... Бомба тушганида вагонларнинг икки томонидаги соқчилардан бири ҳалок бўлган, иккинчиси эса мутлақо соғ қолган. Буни қарангки, аввало, Аллоҳдан, қолаверса бирор-бир сабабдирки отам кечаси нав-

батчиликни топширган эканлар. Бўлмаса... ким билади. Яна Яратганнинг ўзига аён.

Парвардигорнинг ҳукмидан ўзга ҳеч нарса бўлмаслигига такрор-такрор иймон келтириб, шу ўринда раҳматли бувимдан эшитганимни сўзлаб бермоқчиман.

— Тошкентни ўрислар олганида (1865 йил 15—17 июнь — *муаллиф*), — деб ҳикоя қилган эдилар бувим — онам уч ойлик чақалоқ эканлар. «Ёв босди, ёв босди» деб ҳамма қўрқиб яширинишга тушган. Одамлар қўлига илинган нарсасини олиб шаҳардан чиқиб кетишга шошилганлар «Эй Парвардигор, сенга омон» деб онамни — уч ойлик чақалоқни болохонада терга қуйилган чалмалар устига ётқизиб кетишибди. Уч кундан кейин «омон», «омон» бўлгач, уйга қайтиб, кўрсасаки, чақалоқ «инга-ингалаб» охирги нафасини олиб ётганмиш. «Урамаи деса чора йўқ, асраймаи деса бас йўқ», деб ана шунга айтилади болам. (*Тониқли журналист-ёзувчи раҳматли Ҳабиб Нуъмон ва онам ана шу чақалоқнинг невaралари эдилар — муаллиф*).

Отам 1942 йил 23 июлда, «Қизил Ўзбекистон» газетаси редакциясида ишлаб турган вақтларида Қизил Армия сафига чақирилганлар. Турли қоғозлар, варақлар эканман, кўзим ушбу ҳужжатга тушди. Унда шундай ёзилган эди:

*1-Белоруссия фронти. «Қизил Армия» газетаси редакцияси. 22.IX.1945 №0163*

*1-Белоруссия фронти 48251-А ҳарбий қисм командири*

*Н. Потапов*

**Маълумотнома**

*Қизил аскар Абдукаримовга берилди шу ҳақдаким, у 1942 йил сентябрь ойидан 1945 йил 27 сентябрига қадар 1-Белоруссия фронтининг 48251-А ҳарбий қисмида ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтади. У «Берлинни олганлик учун» медали билан мукофотланишга ҳақли*



«Қизил Армия» газетаси таҳририятининг ходими кичик сержант Солиҳ Абдукаримов жанговар қаламкаш журналист дўстлари Жалолхон Азизхонов, Мирзаолим Исмоилий, Мели Жўра, Илёс Муслимлар билан биргаликда фашизмни ўз уясида тор-мор қилишда баҳоли қудрат ҳиссасини қўшди. Қўмондонлик топшириқларини муваффақиятли бажаргани учун бир неча бор мукофотларга сазовор бўлди. «Сталинград мудофааси учун», «Варшавани озод қилганлик учун», «Жанговар хизматлари учун», «Берлинни олганлик учун», «Германия устидан қозонилган ғалаба учун», «Улуғ Ватан уруши йилларидаги меҳнати учун» жанговар медаллари билан мукофотланди. 1945 йил июль ойида — Потсдам конференцияси ўтаётган кунларда ушбу шаҳарчада эди.

Отам 1945 йил октябрь ойида Қизил Армия сафидан қайтгач, декабрь ойидан, бошлаб Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти Бош бошқармасида меҳнат фаолиятларини давом эттирдилар. Бу даргоҳда умриларининг охирига қадар (1955 йил 22 декабрь) самарали ишладилар.

Афсуски, отамнинг фронтдан ёзган хатлари сақланиб қолмаган. Балки, уруш ва урушдан кейинги йилларда баҳорда — далага кўчиш, кузда — шаҳарга қайтиб тушиш сингари «кўчди-кўчдилар»да йўқолиб кетгандир. Лекин аминманки, мактублар она юрт, она соғинчи, фарзандлар ва ота-она меҳри билан битилган. Мана, отамнинг мактубларидан бирида битилган, раҳматли онамнинг хотираларида қолган ушбу мисралар:

*Оқим, қилди уруш шаҳриёримдан жудо.*
*Оқу кўз, қошлар қаро нозик ниҳолимдан жудо.*
*Сўзи шакар, ўзи дилбар Суръатим. Санъатларим,*
*Ғайратим, Талъатларим, жондан азизимдан жудо.*

*Кўзи қорамиз, ўзи нимаиз меҳрибон онам менинг.*
*Хасти ётган, бағри бирён меҳрибон отам менинг.*

*Соғмисиз, омонмисиз, ақлу расо Қори укам,*
*Ишларингиз яхшими жондан азиз катта акам.*
*Нобихўжа, Алихўжа номларингиз дилда жо,*
*Зикрхўжа, Ғанихўжа, Ботиру Ғулом укам...*

***Намоз САЪДУЛЛАЕВ***

## УМРБОД ДИЛИМДА

Хонамда меҳри бир умрга дилимда қолган меҳрибон устозим, таниқли ёзувчимиз, раҳматли (охирати обод бўлсин!) Ўктам Усмоновнинг сурати бор. Кейинги кунларда негадир шу суратга кўзим тез-тез тушавераётгандек, у кишининг қўлини иякка тираб, ўйчан боқиши ва кўзларидаги ўтли бир нигоҳ нимадир демоқчидек туюлаверади, туюлаверади...

Ўйлаб қарасам, гапнинг рости, мендан ўтибди: эсламай қўйибман чоғи, анча бўлибди, уйларидан хабар олмабман, фарзандлари билан учрашиб туришни унутибман, ул табаррук зотнинг қабрларини зиёрат қилишга бормабман. Уялиб кетдим. Хижолат тортдим.

...Талабалик давримнинг сўнгги йили эди. «Совет Ўзбекистони» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасида ўқув амалиётим тугаши билан таҳририятда ишлаб қолмоқчи эканимни айтдим. Лекин, афсуски, ўша кунлари мен хоҳлаган бўлимларда жой йўқ эди. Маданият, маориф ва фан бўлими мудири Ўктамжон Усмонов «бизда жой бор» деб қолди. Бош муҳарриримиз, ҳаммамизнинг отахонимиз ва катта устозимиз Мақсуд ака Қориев «Ўктамжон билан ишлайсиз, забардаст ёзувчи, тийрак журналист, бахтингиз бор экан» дея аризамга имзо чекдилар.

Очиғи, аввалига хурсанд ҳам бўлдим, иккиланиб ҳам қолдим. Боиси — биринчидан, ишни бу бўлимдан бошлашни хаёлимга ҳам келтирмаганим, иккинчидан, бўлимдаги Ўктамжон акадек таниқли ёзувчи



Нуршароф Муҳсимов ва раҳматли (жойлари жаннатда бўлсин!) Ўткир Абдуазимовдек йирик журналистларнинг салобати босди.

Янглишган эканман, улар мени ўз жигарларидек кутиб олишди. «Отахон газетамиз — муқаддас даргоҳ, — деб айниқса кўп таъкидлар эди Ўктамжон ака. — Бу ерда ишда қолиб хато қилмадингиз. Ижод фаолиятини республикамизнинг энг нуфузли газетасидан бошлаш ҳар кимга ҳам насиб қилавермайди, ука! Бу — сизнинг омадингиз...»

Ҳа, омадим бор экан, кейин шу жойда узлуксиз салкам йигирма йил ишладим.

Орадан кўп ўтмай Ўктамжон ака Марказкўмга ишга ўтди. Лекин оға-инилигимиз, борди-келдимиз узилмади. У киши ишим, кайфиятим, ижодимдан хабардор бўлиб турардилар.

Эсимда, бир гал қоракўлчилик муаммолари ҳақида туркум мақолалар ёзишга киришдим. Дастлабки иккитаси тайёр бўлганида, ўша даврдаги талабга кўра, Мақсуд ака эҳтиёткорлик қилди, шекилли (мени ўйлаб, албатта): «Намоз, бир оз қалтисроқ [illegible] қўйгансиз... яхшиси, олдин Марказкўмдаги мутахассислардан бирига ўқитиб оламизми?» деб қолди. «Маъқул» дедим. Улардан бирида қоракўл қўйларини [illegible] кўчириш усули «СЖК»ни қоралаган эдим, ҳатто ўша қисқартма номини «С — совуқнинг, Ж — жонига, К — кафан» дея талқин қилганим учун эртасига Марказкўмнинг ўша кездаги қишлоқ хўжалиги бўлими мудири роса койиди.

Воқеадан хабар топган Ўктамжон ака узун даҳлиз йўлагида мени кутиб турган экан.

— Ўйлаганингиздек бўлмади-я? — дея мен эмас, гўё ўзи зарбага учрагандек, синиқ, аммо меҳрибон бир овозда сўз бошлади. — Энди нима қиласиз?..

— Ўзбекистон чорвачилигининг, хусусан, қоракўлчилигининг тақдири буларга барибир, — дедим йиғлоқ устида ва кейин секин қўшиб қўйдим:

— Устоз, ҳали кўрасиз, «СЖК»си ярамас уйин эканини барибир исбот қиламан, курашаман!

Ўктамжон ака яна ўйланиб қолдилар ва деразадан кўзларини узмай дедилар:

— Мавзу — зўр, муаммо — конкрет, танқид ўринли, фақат бироз қалтисроқ... сиёсатга тўғри келмаяпти... Аслини олганда, Намоз, журналист учун мана шундай қарама-қаршиликлар — синов...

Кўп ўтмай, Мақсуд ака ва Ўктамжон акаларнинг маслаҳатлари билан баъзи «қалтис» жойларини бироз «юмшатиб» мақолаларни бирин-кетин чоп этишни бошладик. «Бандасининг ишини худо ўнглатибди», дейдилар. Мақолалар катта шов-шувларга сабаб бўлди. Шундан сўнг ушбу мавзу матбуотда бот-бот ёритиб турилди. Вазият ўзгарди. «СЖК»ни мутлақ тўхтатиш тўғрисида ҳукумат қарори чиқди.

Ўша куни Ўктамжон ака атай мени қутлаш учун (устоз-да, устоз!) Шарифа келинойи (Худо раҳмат қилган бўлсин!) ва Миршароф ака Муҳсимовни ёнларига олиб, уйимизга кириб бордилар. Узоқ гурунглашиб ўтирдик. Янги-янги мавзулар, янги-янги ижодий режалар ҳақида гаплашдик.

... Ўктамжон ака ёшларни, айниқса, ёш қаламкашларни қадрлар эди. Ишга қабул қилиш чоғида улар билан суҳбатлашиб кўришданоқ иқтидорли, истиқболли ходимларни танлай биларди.

Собиқ иттифоқ даврининг «қайта қуриш»и бошланган, Ўзбекистонда «XVI Пленум» деб ном олган «машҳур» анжуман тафсилотларини яхши биласиз. Ўша «ўзгаришлар» тўлқинлари шу пайтларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси котиби бўлиб ишлаган Ўктамжон акани ҳам четлаб ўтмаган. У аллақандай «айб»лари учун қувғинга олинган. Ҳайриятки, бу нарса узоққа чўзилмади. Олти ойларча ишсиз юргач, охири ҳақ қарор топди. Бир куни шу олти ой ҳақида сўзлаб, надомат қилдилар:



— Ишинг юришиб турганда дўстинг ҳам, ёронинг ҳам кўп бўлади. Оёғинг тоймасин экан, бир тойса (бир сал қоқилиб кетса ҳам) ҳаммаси қочиб қолар экан... Ўша кунлари, ҳеч ким сўраб келмади. Келиш у ёқда турсин, қўнғироқ қилганлари ҳам ҳамин қадар бўлди. Жуда эзилдим. Алам қилди... Бир куни қарасам, уйда егулик тугабди. Музхона — бўм-бўш. Бор пулим билан рўзғор халтамни олиб кўчага чиқдим. Жуковский (*ҳозирги Содиқ Азимов — Н. С.*) кўчаси бўйлаб бир озиқ-овқат дўкони олдидан ўтаётгандим. Деразадан кўриб турган киши (билмадим, ё ўша дўконнинг мудири, ё сотувчиси эди) югуриб олдимга чиқди. Саломлашди ва сўради: «Кечирасиз, сўраганнинг айби йўқ, сиз ҳозир телевизорда кўрсатилаётган «Гирдоб» романини ёзган одам эмасмисиз?» ...Ҳа, дедим. У киши бўлса бир юзимга, бир оёғимдаги шиппакка, эгнимдаги уй кийими ва тўрхалтага қараб ҳайрон бўлиб турди. Лекин, хар қалай яхши одам экан, — кулиб қўйди Ўктамжон ака, — ўшанда уйга олиб келишим керак бўлган масаллиқларнинг ҳаммасини ташиб берди... Йўлда келаётиб ўйладим: ғирт бегона одамки ўзи таниб, ёрдамини аямади, ёзувчини қадрлайди, жонингизга жон бўлай деган дўстлар қани, ёронлар?!

1989 йилнинг сўнгги, 1990 йилнинг илк ойлари эди. XII чақириқ Республика Олий Совети депутатлигига кўрсатилган номзодлар билан сайловолди учрашувлари давом этарди. Ўктамжон аканинг номзоди Фарғона вилоятининг Тошлоқ сайлов округидан қўйилди. Бу орада у кишига чет эл сафарига — нуфузли гуруҳлардан бирига раҳбар бўлиб бориб келишига тўғри келди. Афсус, ўша сафар устоз учун [illegible] тушди. Бетобланиб қайтдилар. Тиббиётчилар бетоблик ташхисини аниқ қўя олмадилар. Қизил Ярим Ой жамияти кўмагида гуруҳ бориб келган мамлакатга касаллик белгиларини айтиб, қандай ташхис қўйилиши лозимлигини сўрадик.

Устоз қирқ кун реанимация тўшагида ажал би
олишди. Қирқ биринчи куни хориждан жавоб ке
ди: безгак, сариқ безгак!

Вақт ўтганди. Ўктамжон ака (Парвардигор ўз ра
матига олган бўлсин!) омонатини бир кун олдин т
риб қўйганди.

Ўтган асрнинг 80-йилларининг охирларида ту
ли хил фирқавий йиғилишлар, бюролар, пленум
конференциялар тез-тез, баъзан кунига уч-т
жойда бўларди. Раҳбарларнинг, жумладан, бош м
ҳаррирнинг ҳам умри шу «анжуман»ларда ўтар
Ўктамжон ака эрталаб «Совет Ўзбекистони» н
риятига бирров кириб, топшириқларни бериб ке
ганича баъзан кечаси соат тўққиз-ўнларда қай
эди. Кириши билан «Нонларинг борми?» деб сўр
ди раҳматли. Кейин нон ея-ея саҳифаларни ўқи
га тушарди ва орада, «Зўр нон экан, ширинли
қаранг», деб мақтаб ҳам қўярди. Ишимиз чўзи
кетган чоғлари кундуз куни кўчадан 2—3 та тан
нон келтириб қўярдик.

Эсимда, Ўктамжон ака ҳаётининг сўнгги кун
ридан бирида раҳматли Шарифа кеннойи қўнғ
қилдилар ва: «...Акангиз нон сўраганди, биллар
тиру ширмой нонлар олиб келсак ҳам, Намоз
айтинглар, мазали ноннинг жойини билади, деве
лар...» дедилар, кейин билсак, раҳматлига узу
мажлисларда юриб, очиқиб қайтган чоғлари нон
қадар мазали, шу қадар ширин туюлар эканки, у
булар нонни алоҳида бир жойдан танлаб олса кер
деб ўйлар экан.

Ажал Ўктамжон аканинг ёқасидан олган давр
ларда эндигина ишдан қайтиб, остона ҳатлаб ў
киргандим. Турмуш ўртоғим телефон гўшагини
шошиб узатаркан деди:

— Мана, кеннойи, ўзлари келдилар.

Англадимки, хунук хабар. Вужудим музлаб кет

[illegible] хотин стационарга етиб бориб, дарвозадан [illegible] билан рўпарадаги реанимация хонаси-[illegible] (иккинчи қаватда) армонга тўла ўкирик, вой-дод [illegible] эшитдик.

Устознинг Абдуллажон ака Турдиқулов деган [illegible] бир дўстлари бор. Оқил, бамаъни одам. Ҳар [illegible] учрашганда Ўктамжон акани эслаймиз. Яқинда у [illegible] менга дабдурустдан шундай деб қолди:

Ўктамжон адабиётга илмий очерк жанрини [illegible] кириб, катта-катта қиссаларга, романларга [illegible] қўйган эди. Тўғри, кейин уни Миршароф Муҳ-[illegible] билан Ўткир Абдуазимов ва Абдукарим На-[illegible]жаевлар давом эттиришга ҳаракат қилдилар... [illegible]. Ўткир ака билан Абдукарим ака ҳам раҳ-[illegible] бўлиб кетгач, Миршароф, қанотларидан ай-[illegible] қушдек, кўнгли совиди. Ҳозир у киши ҳам [illegible]га чиқиб кетибди. Энди ёшлар ёзиши керк. [illegible]! Ўктамжон «Баҳор чақмоқлари», «Баҳс бой-[illegible] бола», «Гирдоб», «Сирли соҳил», «Номус», [illegible] кеча» сингари кўпдан-кўп асарларининг [illegible], назаримда, илмий очерклари билан ўтиб [illegible] Дўст, дўст-да! Дўсти бошлаган ишни ким-[illegible] кимлардир давом эттиришини, таъбир жоиз [illegible] дўсти ёқиб кетган чироқларнинг ёниб ту-[illegible] истайди.

Мана, устоз, яна суратингизга тикилиб туриб-[illegible] Бу гал хотирангизни ёд этиб, Сиз билан бирга [illegible] фаолиятимиз лаҳзаларининг айрим [illegible]ларини, қайноқ меҳрингизни дилимга тугиб, ҳур-[illegible] билан қоғозга туширдим. Бу — Сиз билан боғ-[illegible] хотираларимнинг юздан бири ҳам эмас. Лекин, [illegible]ларини ҳам ҳали ёзиш ниятидаман. Битигим [illegible] яна бир бор умр бўйи айтишим лозим бўлган [illegible] дилимни баён қилмоқчиман: охиратингиз [illegible], хотирангиз барҳаёт бўлсин!

## ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ

Республикамиз матбуоти саҳифаларини [illegible] таъсирчан, мазмундор сатрлар билан [illegible] серқирра ижодкорлардан бири — Файзулла Нуруллаев эди.

Файзулла Нуруллаев 1921 йили Каттақўрғон [illegible] деҳқон хонадонида дунёга келди. Мактабда ўқиб [illegible]ган чоғларидаёқ ўзининг хабарлари билан туман [illegible] вилоят газеталарида кўрина бошлади. 1939 йили [illegible] мактабни аъло баҳоларда тугатган Файзуллани «Каттақўрғон ҳақиқати» газетаси ходимлари ўз сафларига олишди. Ёш, изланувчан қаламкаш ўзининг [illegible]зарб мавзулардаги мақола, хабарлари билан [illegible] эътибор топа бошлади.

1941—1945 йилларда Файзулла Нуруллаев [illegible] қаламини қуролга айлантирди. 1941 йилнинг дека[illegible]ойи, Каттақўрғонда 90-алоҳида ўзбек ўқчи бригадаси ташкил топди. 18 кишидан иборат забардаст [illegible]гит мазкур бригада таркибига сиёсий жангчи [illegible]тида киритилди. Улар орасида Тоҳир Каримов, Раҳимжон Сатторов, Файзулла Нуруллаев [illegible] қаламкашлар, Усмон Баракаев, Инатулло Шукуров, Абдулло Саидов, Турсун Йўлдошевдек жасур [illegible]жоатли йигитлар бор эди.

— Файзулла Нуруллаевнинг қалами жангтоҳларда чархланган, десак муболаға бўлмайди, — деган [illegible] жангчи шоир Раҳимжон Сатторов (*Р. Сатторов уруш[illegible]нинг илк йиллари ўзбек қисмида чиқадиган «Ғалаба учун» газетасида, кейинчалик 3-Украина фронти[illegible] «Совет жангчиси» газетасида мухбир, масъул [illegible]лик вазифаларида ишлаган*). — У ўзининг ўнлаб очерк[illegible] лавҳаларини ўқлар ёмғири остида — окопларда, [illegible]лаларда ёзар, жанглар тафсилотини қаҳру ғазаб [illegible]лан баён этарди. Ф. Нуруллаевнинг «Хат», «Бурч[illegible]



[illegible] жасорати», «Разведкада» каби очеркларида ўзбек [illegible]ларининг фронтдаги қаҳрамонликлари мадҳ[illegible]ган. Жангчи-мухбир Файзулла Нуруллаев она [illegible] Каттақўрғонга эсон-омон қайтди.

[illegible] йили «Ўзбекистон ҳовузи» деб ном берилган [illegible]қўрғон сув омбори қурилиши қизғин паллага [illegible] эди. Фронт матбуотида тобланган ёш ижод[illegible] Файзулла Нуруллаев сув омбори қурилишининг [illegible] «Каттақўрғон ҳовузи» газетасида ишла[illegible] меҳнати билан улкан иншоот яратганларнинг [illegible] ижоати ҳақида лавҳа, очерклар битди.

Файзулла ака «Матбуот учун туғилган» оташ[illegible] қалам соҳибларидан бири эди, — дейди Ўзбе[illegible] Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, драматург Яз[illegible] Худойқулов. — Мен ҳам у кишини устоз сифа[illegible] хотирлайман. Зеро, журналистлар сафига [illegible]ганимда у кишининг қимматли маслаҳатлари [illegible] учун дарсу сабоқ бўлган. Газета ходими, [illegible] аввало, ўта билимдон, ўз ишининг устаси, кам[illegible] инсон бўлиши керак, деб мудом такрор[illegible] Файзулла ака ва бу борада ҳар бир матбуот [illegible] Зиёд Есенбоев, Рихси Саҳибоев, Мақсуд [illegible], Холбек Ёдгоров сингари эл-юрт ҳурмат[illegible]ига, эъзозига сазовор қаламкашларнинг таж[illegible]ларини қунт билан ўрганишни уқтирарди.

[illegible] йили Ф. Нуруллаевни республика ёшлар га[illegible] ишга таклиф этишди. У 12 йил давомида [illegible] газетасининг Самарқанд ва Бухоро вилоятла[illegible] бўйича махсус мухбири вазифасида ишлади. Икки [illegible] бунёдкорлари — пахтакору чорвадорлар, боғ[illegible] пиллачилар, саноат корхоналарининг пешқа[illegible] ҳақида пухта, далилларга бой лавҳаю очер[illegible] яратди. Унинг «Бўз йигит», «Обида», «Ирода», [illegible]» каби очеркларида замондошлар образи [illegible] чизгиларда ёритиб беради.

Файзулла Нуруллаев 1962 йилдан 1985 йилгача [illegible]қўрғон шаҳри ва тумани газетаси «Зарафшон»

(«Каттақўрғон ҳақиқати»)га муҳаррир бўлди. Фай-
зулла ака раҳбарлик қилган йиллари мазкур газета-
нинг ўқимишлилиги янада ошди, унинг обуначилари
12—13 минг кишига етди. Газета йўналишини ўзгар-
тириш, мавзулар доирасини кенгайтириш, мақола,
хабарлар сифатини ошириш, уларнинг таъсирчан-
лигини кучайтириш, саҳифалар безагини яхшилаш
хусусидаги унинг тинимсиз саъй-ҳаракатлари ҳамон
ёдимизда... Шу боис, «Каттақўрғон ҳақиқати» бир
неча бор нуфузли кўрик-танловларда диплому ёр-
лиқлар, мукофтларга сазовор бўлди.

Файзулла Нуруллаев ўнлаб ёш қаламкашларга ус-
тозлик қилди. У ўзининг садоқатли издошлари Ну-
мариддин Сирожиддинов, Мурод Халилов, Олим
Йўлдошев, Ҳайдар Бозоров, Асқар Жалилов, Абду-
содиқ Муртазоев, Шоди Мардиев, Карим Раҳимов
ва бошқа шогирдлари билан мудом фахрланарди.

Катта салоҳият соҳиби, ажойиб фазилатлар эгаси
бўлган Файзулла аканинг эзгулик йўлидаги жонбозли-
ги, матбуотимиз ривожидаги самарали хизматлари
муносиб баҳоланди. Унга «Ўзбекистонда хизмат кўрсат-
ган маданият ходими» фахрий унвони берилган эди.

Беназир журналистнинг муътабар номи абадий-
лаштирилган. Айни пайтда Каттақўрғон шаҳридаги
кўркам кўчалардан бири Файзулла Нуруллаев но-
мида. Демак, устоз руҳи шодмондир.

*Эргаш РАИМОВ*

## «ЎЗБЕК МИНИАТЮРАСИ»НИНГ САРДОРИ

Ахмад Жамол (Жамолиддин Асомиддинов) кўп
қиррали ижод соҳиби бўлиб, у ўзбек ми-
ниатюраси, драматургияси ривожида, қолаверса мил-
лий адабиётимиз тараққиётида муносиб ўрин эга-

[illegible] У 1915 йили Тошкентнинг Чувалачи маҳалла-
сида таваллуд топган. Унинг отаси Асомиддин Ми-
рзабой ўғли бадавлат оиладан бўлганлиги учун
«бой боласи» деб уни ўқишга қабул қилишмаган. Шун-
дай бўлса-да Али Жамол билим олишни ташлаб
қўймади. Аксинча, ўзбек мумтоз адабиётини ва Тур-
кистон халқлари тарихини мустақил равишда ўрга-
нади. Мир Алишер Навоий, Лутфий, Саъдий, Бедил
ва кейинчалик ўзига пир — устоз деб билган Сарё-
[illegible] ғазалларини ёддан ўқирди. Араб ва форс-тожик
тилларини пухта ўрганишга киришади.

Али Жамол ижоди 1930 йиллардан бошланган
бўлиб, у дастлаб ўз шеърлари билан танилди.

30-йилларнинг охирида Али Жамол Ўзбекистон
Ёзувчилар уюшмасининг топшириғи билан машҳур
бахши Фозил Йўлдош ўғлига мирзалик қилади. Кўплаб
халқ оғзаки ижоди намуналари — достон ва терма-
ларни шоир тилидан ёзиб олишга муяссар бўлади.

1940 йилдан 1950 йилгача Али Жамол Ўзбекистон
Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтида ил-
мий ходим бўлиб ишлайди. Бу даврда у кўплаб шеър
ва достонлар ёзади. Мўғуллар босқинига қарши ку-
рашда мисласиз қаҳрамонликлар кўрсатган, Хоразм
элининг буюк фарзанди Жалолиддинга бағишлан-
ган «Жалолиддин» достони ҳам ўша йилларда ёзил-
ган эди. Бу асарга атоқли шоир ва драматург Мақ-
суд Шайхзода юқори баҳо берган.

1950 йилда Тил ва адабиёт институтида «Навоий-
нинг диний қарашлари» мавзуида илмий кенгаш
бўлиб ўтади. Кенгашда ўша даврнинг давлат сиёса-
тига мослашиб кетган айрим олимлар Навоий динга
қарши бўлган ва ҳатто у худога ишонмаган, деган
фикрларни билдиришади. Ушбу кенгаш иштирокчиси
Али Жамол сўзга чиқиб, мазкур олимларнинг фикр-
ларини қоралайди ва Навоий асарларидан ҳамда та-
рихчи олим Хондамир асарларидан мисоллар келти-

риб, Навоий дин ҳомийси бўлганлигини исбот қилишга ҳаракат қилади. Бу нутқи учун Али Жамол ўша куниёқ ишдан бўшатилади. Тақдирнинг тақозоси билан ўн йил Тошкентнинг «Хастимом» бозорида ишлайди.

1960 йилнинг июль ойида унинг ҳаётида катта фожиа содир бўлади. Ўғли Алшиддин ва қизи Марҳамат машина авариясида ҳалок бўладилар. 1947 йилда туғилган Алшиддин унинг тўнғич ўғли бўлиб, «Али Жамол» тахаллуси билан саккиз ёшидан шеърлар, кичик ҳажмдаги пьесалар ёзган ва расмлар чизган. Ўта қобилиятли бу фарзандига ота алоҳида меҳр қўйган эди. Шу боис ўғли Алшиддиннинг тахаллусини ўзига тахаллус қилиб олади. 1961 йилдан ижодий ишга — Ўзбекистон телевидениесига мухбирликка қабул қилинди. У бу ерда «Телеминиатюралар» бўлимининг бош муҳаррири даражасигача бўлган йўлни босиб ўтди.

Жамол ака ўзининг бутун фаолияти давомида ҳажвий асарлар ва пьесалар ёзиш билан шуғулланиб, маданиятимиз равнақига муносиб ҳисса қўшди.

Маълумки, ҳажвий асарлар ёзиш ва, айниқса, уни саҳналаштириш ниҳоятда машаққатли ва мураккаб иш ҳисобланади. Бундай ишни қилиш учун муаллиф ҳаётни, ўзбекона урф-одатни, халқ тилини, турмуш икир-чикирларини, ҳар бир инсоннинг феъл-атворини яхши билиши, ўта фаросатли, зеҳнли, кузатувчан, ҳозиржавоб ва «сўз ўйини»нинг моҳир устаси бўлиши шарт. Шундагина тўлақонли миниатюра яратиш, кишилар қалбини тўлқинлантириш, кулдириш ёки нафратлантириш имкониятлари туғилади.

Агар Жамол аканинг асарларига назар ташласангиз, унинг юқорида шарҳланган фазилатлар соҳиби бўлганлигига тўла ишонч ҳосил қиласиз. Жамол ака Саид Аҳмад, Элбек Мусаев, Эргаш Каримов, Раъно Каримова, Ҳасан Йўлдошев, Садир Зиёвуддинов



Абдураҳмон Аҳмедов ва ўз касбининг бошқа фидойилари билан ёнма-ён туриб телевидениеда «Ўзбек миниатюраси»га асос солди ва уни ривожлантирди. Шу равишда Жамол ака ўз касбдошлари билан бирга ўзбек маданиятига янги соҳани — «Ўзбек миниатюраси»ни олиб кирди.

Жамол ака миниатюралари ҳаётий, жонли, кулгили ибораларга, қочирим сўзларга бой бўларди. Артистлар унинг интермедияларини жон билан, табиий ижро этишарди. Энг муҳими, Али Жамолнинг интермедиялари қуруқ кулгидангина иборат эмас эди. Ҳар бир миниатюра тагида «Коса тагида нимкоса бор» дегандек, катта бир маъно, ижтимоий масалалар қаламга олинарди. Уларда халқимизнинг орзу-умиди, дард-алами, қувончи ифода этилар, манманлик, иккиюзламачилик, ғийбатчилик, тухматчилик, ошнабардорлик, мансабпарастлик сингари ярамас иллатлар фош этиларди.

Республикамиз телевидениесида «миниатюра» жанрининг шаклланиши, тараққий этиши, шубҳасиз, Али Жамол номи билан чамбарчас боғлиқ.

Али Жамол телевидениеда фақатгина телеминиатюралар билан эмас, балки «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» кўрсатувининг асосий ижодкорларидан, унинг фаол муаллифларидан бири бўлиб ҳам танилди. Бу кўрсатувнинг 60 га яқин сценарийси унинг қаламига мансубдир. Катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган бу кўрсатувларнинг ҳар бири халқ томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Али Жамол драматургия соҳасида ҳам баракали қалам тебратди. Унинг «Тоштешар», «Меҳрибонлар», «Жафога — вафо», «Тўйдаги тутун», «Бевафо якан», «Жаноби инсон», «Тўлиной» (Ғани Жаҳонгиров билан биргаликда) сингари 12 та пьесаси Тошкент ва вилоят театрларида бир неча йил саҳнадан тушмай келди.

Али Жамол 1990 йил 23 августда оламдан ўтди.

Али Жамолнинг ўзбек телевидениеси ва драматургиясининг ривожланишига қўшган ҳиссаси Республикамиз ҳукумати ва халқи томонидан муносиб тақдирланди. Ҳозирда шаҳримиздаги катта кўчалардан бирига, маҳаллага, дўконлар ва фирмаларга «Али Жамол» номи берилган. Фарзандлари эса оталари изидан бориб, халқимизнинг маънавиятини бойитишдек савобли ишга қўлдан келган ёрдамларини бериб келаётирлар.

Яқинда «Ёзувчи» нашриёти томонидан Али Жамолнинг «Аччиқни аччиқ кесар» китобининг чоп этилиши таниқли истеъдод соҳиби меҳнатига муносиб баҳо бўлди.

*Ислом УСМОНОВ*

## БИЛГАНЛАРИНИ ЎРГАТИБ

Тожи ака Одилов ҳеч қачон танлаган касбидан нолимаган, аксинча, билиб-билмай бу соҳага бош суқиб, сўнг ўз ишидан норози бўлиб юрганларни хуш кўрмасди. Иложи бўлса, уларни фикридан қайтаришга ҳаракат қиларди, вақт борлигида журналистиканинг ҳурматини ўрнига қўйиб, унга ўзини бағишлашни тавсия этарди.

Салкам ярим асрлик меҳнат фаолияти давомида Тожи ака қўлидан қаламини қўймади. Қишлоқ мухбири сифатида танилгач, вақтли матбуотда мунтазам қатнаша бошлади. 1929 йили Самарқанд педагогика билим юртини тугаллаб, мактабда ўқитувчилик қилди. Аммо унинг камоли бевосита ва билвосита газетачилик билан боғлиқдир. 1930 йилда у Тошкентда чоп этилаётган «Ишчи» газетасининг Фарғона вилоятидаги сайёр мухбири сифатида иш бошлади

Шундан сўнг Пастдарғом, Жиззах туманлари газеталарида масъул котиб, муҳаррир бўлди. Самарқандда нашр қилинган «Ленин йўли» (ҳозирги «Зарафшон») газетасида 10 йил мобайнида фаолият кўрсатди. Маълум вақт Самарқанд вилояти ёзувчилар уюшмасини бошқарди. Шу орада фирқа, шўро ташкилотларида ишлади. Шундан сўнг то нафақага чиққунга қадар Жиззах туманининг газетаси (ҳозирги «Жиззах овози») ижодий жамоасини бошқарди.

Тожи ака билан бир неча йил ёнма-ён ишладик. Илк мақолаларим унинг ўткир нигоҳи остида чоп қилинди. Матбуотдаги ҳар бир чиқишимдан сўнг устозимнинг фикрини интизорлик билан кутардим. У кишининг ғалати одати бор эди. Ўзига ёқиб қолган мақола бўлса, дарров фикр билдирарди, аммо кўнглига ўтирмагани хусусида у кишидан гап олиш мушкул бўларди. Устознинг ўзига хос бундай эътиборига ўрганиб қолгандик. Шу боис қўлга қалам олиб, қоғозга қоралашга тушарканмиз, қаттиққўл, аммо оталарча меҳрибонлик билан йўғрилган нигоҳни доимо ҳис қилиб турардик. У бизни беҳуда хаёллар билан адашишдан асрар, ҳар қандай шароитда ҳам баракали ижод қилишга ундарди. Бундай беғараз, айни чоғда ҳар бир ёш ижодкорга ҳаво билан сувдек зарур бўлган эътибор фойдадан холи бўлмасди.

Тожи ака қаерда бўлмасин, уни доимо шогирдлари ва мухлислари қуршаб олишарди. Ҳар ким устозининг сўзини эшитишга муштоқ эди. Аниқроғи, унинг гапларидан сабоқ олиб, билиб-билмай йўл қўйилган хато ва камчиликларидан қутулишга ошиқарди. Устознинг ўтган-кетганлар хусусидаги ҳикоялари асло зериктирмасди. У кишининг билганларидан имкони борича кўпроқ одам огоҳ бўлиши керак, деб ҳисоблардик. Шу боис кўпинча Тожи акадан газета учун бирор мақола ёзиб беришини сўрасак, у ўзига хос улуғлик билан қошларини кериб, лабларини чўччайтирганича, бир зум хаёлга чўмарди-да:

— Қани, бисотни титкилаб кўрайлик-чи, [illegible] ди маънодор қилиб.

Шундан сўнг айримларга ўхшаб узоқ [illegible] кўймасди. Йиллар мобайнида устоз айтганини [illegible] вақтида бажаришига бир неча бор гувоҳ бўлганм[illegible]

Тожи аканинг одам танламаслиги, инсонла[illegible] бир-биридан ажратмай бир хилда муомала қил[illegible] каттаю кичикни бирдек кўришидан иборат [illegible] зирди. Кимдир унга қандай масалада, қайси [illegible] мурожаат этмасин, ҳеч қачон ўзига оғир ол[illegible] Аксинча, бировнинг мушкулини осон қилиш[illegible] га яқин олиб, иложи борича бекаму-кўст уддал[illegible] ошиқарди. У ҳеч қачон бировга беҳуда танб[illegible] масди. Айниқса, ўринсиз койиш унга бегона [illegible] боис ишимиздаги у кишига бироз ўтиришмаган [illegible] хатларни юзимизга солиб, бунинг учун изза қил[illegible] ни ўйламасди. Аслида устоз сифатида шундай қил[illegible] га ҳақли эди.

Такрор бўлса ҳам айтаман, Тожи Одилов [illegible] ноддаги тўғри сўз ва хокисор инсон эди. Уни [illegible] кўрган одам «Синалмаган отнинг сиртидан ўт[illegible] қлига амал қилиб, бир оз чўчиб турарди. Амм[illegible] оғиз сўз қотиши билан, дастлабки тасаввури [illegible] чи эканлигига амин бўлиб, у кишига ипсиз бог[illegible] қоларди. Шу боис устознинг суҳбатини соғиниб [illegible] рардик.

У ҳаётий воқеаларни ёдда сақлар, муҳим [illegible] ларни ҳеч қачон чалкаштириб юбормасди. Кў[illegible] таҳририятда у ёки бу масала юзасидан келиб [illegible] диган саволларга жавоб олиш учун Тожи ак[illegible] йўқлаб қолардик. Устоз хотираси бизнинг [illegible] хаёлларимизга ойдинлик киритиб, изза бўлиш[illegible] асрарди.

Тожи Одилов 90 ёшда қазо қилди. Ҳа, бундай [illegible] қаралса, у узоқ умр кўрди. Аммо, яна яшаса бўл[illegible] деган армон тинчлик бермайди. Шу ўринда унинг [illegible]



[illegible] рамзий маъно бор, деб ҳисоблайман. [illegible] бағри кенглиги, кўнгли очиқлиги, қалби но[illegible] [illegible] йил кам бир аср яшашига имкон берди. [illegible] нима қолади, деган саволга ҳамма бир [illegible] «яхшилик» деб жавоб беришига имоним [illegible] Аммо барча ҳам ўз умрини хайрли ва савоб [illegible] бағишлашга қодир эмас. Афсуски, бу фа[illegible] [illegible] кимга ҳам насиб этавермайди. Айримлар[illegible] [illegible] ўтирак кериб, бир вақтлар кимгадир заррача [illegible] теккан бўлса, кейинчалик ундан фил ясаш[illegible] [illegible] йўқ. Бировлар борки, умр бўйи ўзгалар дарди[illegible] [illegible] яшайди, камсуқумлигича оламдан ўтади. Бун[illegible] [illegible] инсонлар орамизда сон-саноқсиз бўли[illegible] [illegible] қарамай, уларни сезмаймиз. Ҳар доим ҳис [illegible] турсак-да, негадир уларни тан олгимиз кел[illegible] [illegible] Тожи аканинг ана шундай хокисор инсон[illegible] [illegible] бири эканлигига шак-шубҳа йўқ.

*Мақсуд ҚОРИЕВ*

## ОТА ЎҒЛИ

Журналистика касбининг ўзига хос роҳат-фароғати-ю, азоб-уқубатлари бор. Айниқ[illegible] [illegible] журналистлар таҳририят даргоҳига ишга кел[illegible] [illegible] ўчилиб, ижод майдонига шўнғиб кетади, ё қи[illegible] [illegible] қийинчиликларга бардош беролмай майдондан чиқиб [illegible] Ўз таланти, қобилиятини ишга сололган, га[illegible] [illegible] шарбатини тотиб кўрган журналист бу дар[illegible] [illegible] ҳеч қаерга кетмайди, охирига қадар ўз кас[illegible] [illegible] содиқ қолади. Мен қаламга олаётган матбуот [illegible] серқирра журналистлардан бири Анвар [illegible] эди.

[illegible] Эшоновнинг газетага келиб қолишига унинг [illegible] отаси сабаб бўлган.

«Совет Ўзбекистони» («Ўзбекистон овози»)да и
лаган кезларимда кунлардан бир кун ҳузуримга ка
дон отахоним, устозим Отабой Эшонов кириб ке
лар. Аслида мен ул зотнинг қўлларида таҳсил кўр
ман, ҳуқуқ фанлари доктори, академик, қад
Бухоронинг давлат ва ҳуқуқ тарихи бўйича кўп
ратли, илмий асарлар битган алломаи замон эди
— Бир илтимос билан келдим, — деб қол
Ҳайрон бўлдим, устоз ўз шогирдига илтимос б
келса деб. Чунки Отабой ака бирор кишига бўй
илтимос билан бирор нарса сўраб борган одам
Ўрнимдан туриб, устозга пешвоз чиқаман.
— Ўғлим Анвар ҳақида келдим. Яқинда т
фан ёзган шеърларини ўқиб қолдим. Мушоҳада
зўр. «Қўнғиз боласини оппоғим» деркан, деб ў
ма. Мен ота сифатида эмас, сенга бир ўқувчи с
тида келдим. Унинг фикрлашини, битган нарса
ни ўқигандан сўнг сизларда ишласа бўларка
ўзимча ўйладим. Шундай қилиб Анвар Эшон
зетамизга адабий ходим қилиб ишга олинди.

Устоз янглишмаган эканлар, биз ҳам. Шунда
ни Анварнинг қулфи дили очилиб, худди сувга
юборилган балиқдек яйраб кетди. Журналисти
мига кириб, унинг эхтиросли мақола, фельето
очерклари кетма-кет газетада кетма-кет чиқа
лади. Лирик, фалсафий шеърлари, ҳикоялари
газета-журналларда чоп этилди. Шеърлари
қўшиқ бўлиб кетди.

Анвар дилбар йигит, бунинг устига ғоят к
кум, камтарин инсон эди. Қанча ибратли, ҳа
муз ишлар қилардию, индамай юраверарди.
танишни билмасди, гапирсангиз кулиб турав
Жамоада, адиблар ўртасида катта хурмат-эъти
ли, дўстлари даврасида бўлса барчани оғзига
тиб, қизиқ ҳангомалар, латифалар айтишга у
фаранг эди, десак ҳақ гапни айтган бўламиз.

Шу боис ҳамкасб дўстлари унинг суҳбатини излашарди. Анварнинг ўзига ярашадиган қизиқ бир одатлари бор эди. Газета редакциясидаги журналистларнинг, ёзувчи дўстларининг юриш-туриши, сўзлаши, феъл-атворини худди ўзига ўхшатиб тақлид қилишдек ажойиб хусусияти бор эди. Бирор жойда йиғилишиб қолсак, тўй ёки туғилган кундаги ўтиришда «Анвар фалончи бўлиб берсин», деб илтимос қилиб қолишарди. Фақат журналистларнигина эмас, кекса адиблар, ҳатто Ғафур Ғулом ҳам унинг тақлидига тушгани ёдимда. Баъзан тақлид қилинган адибларнинг ўзлари ҳам Анвар ижросида ўз сиймоларини кўришни илтимос қилганлар.

Газетамизда Анвар Эшоновнинг «Қовоқ ари» сарлавҳали фельетони босилиб чиққан. Шу туфайли Анвар кўп озор чеккан. Уни ҳатто Марказқўмга чақириб, ёзма изоҳнома ёздириб олишган. У вақтда журналистлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ҳақида бирорта қонун йўқ эди, собиқ Иттифоқдаги баъзи бир умумий қоидаларга амал қилинар эди, холос. Аммо газета жамоатчилиги севимли журналист ва шоирни қаттиқ туриб ҳимоя қилганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Анвар Эшонов Фарғона вилоятида газетанинг махсус мухбири этиб тайинланганда у авжи куч-қувватга тўлган, ижодий камолот ёшида эди. Эҳтиросли ҳаётий очерклар, лавҳалар, жанговар танқидий мақолалар кетма-кет отахон газетамиз саҳифаларидан эътиборли ўрин олганлиги ёдимда. Анвар ўша пайтда ҳам тинч турмади, ҳаётнинг ташвишлари, икир-чикирлари оташқалб журналистни тинч қўя олмас эди. Йиллар ўтиб, мана энди ҳамма нарса аниқ, равшанлашган. Анварга ўхшаган фикр доираси кенг, диёнатдор, миллий ғурури, ифтихори чексиз журналистларга эҳтиёж туғилмоқда. Мен «Ибн Сино» романи устида ишлаган кезларимда жаҳоншумул

ҳаким ва машҳур файласуфнинг машҳур бир руб-
ийсини қайтадан таржима этишга тўғри келди. Шунда унинг бир неча шакл-нусхалари (вариантлари)ни шоирлар билан биргалашиб, кўриб чиқишга тўғри келган. Бир куни «Меҳригиёҳ» газетасига Анвар Эшонов бир туркум шеърларни кўтариб келиб қолди. Анвар бизнинг муҳокамамизни тинглаб ўтирди-да, кейин: «Мен ҳам бир уриниб кўрай» деб қолди. Бир неча кундан кейин ўша рубоийни икки-уч вариантда таржима қилиб келган. «Мен ким дунёни кўрдим ва олам аҳволига назар ташладим, унда ҳайронликда кафтини иягига тираб, пушаймонлик билан бармоғини тишлаб тургувчидан бошқани учрата олмадим» деган Ибн Сино.

Мана шу насрий таржима Анвар Эшонов назмида:

*Ман жаҳонни кездиму,*
*Оламни хаста кўрдим.*
*Донони гоҳ баландда,*
*Донишни пастда кўрдим.*

*Чарх карвонсаройида,*
*Ҳайрата бармоқларини*
*Тишлаганча, «во ажаб»*
*Деган бир садо кўрдим...*

Романда Анвар Эшонов таржима қилган шу нусхани олганман.

Кейинчалик Анвар Эшонов вафотидан бир неча ойлар илгари «Меҳригиёҳ» газетасига янги битган шеърларини олиб келиб, камсуқумлик билан столимга қўйди:

— Кейинги машқларим, лозим топсангиз...

Шеърларни синчковлик билан ўқийман.

*Ишқнинг бир қанотининг ярми кумуш, ярми зар,*
*Мулки муҳаббат ичра ярим шоҳ, ярим гадо.*
*Ҳисларим майхонада қуюнга айланса гар,*
*«Бир ошиқи зорман» деб кўзадин чиқди садо...*



*Гулнинг киприкларига илинган ширин тушдай,*
*Кўрпалиб оқшом гулга субҳи содиқда тушгай,*
*Азал аро хажр бир ён, соғинч бир ён рангамиш.*
*Муҳаббат шоби ҳижрон каби гирён рангамиш.*

...ҳали юракдан битибсан. Қалбдан чиққан садолар бир дарди бўлмаса, шунчалик ёзармиди? Фақат шоирнинг ўзигагина хос ўйноқи, ҳам фалсафий сатрлар. Фалсафани азиз падарибузрукворн Отабой акадан ўрганган. Отабой ака ҳам устоз, ҳам ота эдилар. Шеърий сатрлар бўлса ўзиники. Бугун назм денгизидаги дуру жавоҳирларни ўқиб, фикрига жой бериб, шоирнинг кенг ижод майдонига чиққанлиги сезилиб турарди. Нима қилса ҳам отасининг боласи эди. Ақли отасиники, лекин унинг йўли, фикрининг йўналиши бошқача. Отабой Эшонов ҳуқуқ фанлари соҳасида тенги йўқ олим эди. Тарих, адабиётни ҳам яхши билардн. Анвар бўлса, назмда агар ҳаёт бўлганида келажакда ота ўрнини боса олса ажаб эмас эди...

Анвар Эшонов «Ўзбекистон овози» газетасининг катта мактабини ўтаган истеъдодли журналист, ширинсухан шоир, катта Инсон, Ота ўғли эди...

Афсус, минг афсуслар бўлсинки, азиз укамиз, шоиримиз ижоди гуллаб, камолотга етган чоғида бу оламдан кўз юмди... Уни эсдан чиқармайлик, руҳини шод этайлик азизлар...

*Носир* ***РИХСИЕВ***

## УЛАРНИ ЭСЛАГАНИМИЗДА

Ҳар бир таҳририятнинг бошқалардан ажралиб турадиган, ҳозиржавоб, тезкор, қалами ўткир, ардоқли, суюкли ижодкори бўлади. Усмон Жонгилов «Тошкент ҳақиқати» газетасининг ана шундай

суянчиқларидан бири ҳисобланган. Биз, шогирдлари унга ҳавас билан қараб, эргашардик. Газетада эълон қилинган мақолаларини синчиклаб ўқиб, ўрганар эдик.

Бу бежиз эмасди. Таниқли деҳқон ҳақида газетага шошилинч очерк, мақола ёзиш керак бўлиб қолса, одатда бу вазифа, албатта, Усмон акага топширилар эди. У бажонидил ишга киришиб, вазифани бажармагунича тиниб-тинчимасди. Қаҳрамони билан учрашиб келгач, бирданига камгап бўлиб қоларди. Ўйчан боқиб, қошларини чимириб, йўлакда у ёқдан бу ёққа юрарди. Алланималарни фикрлаб, сўнг бирданига чеҳраси ёришиб, матн кўчирувчилар хонасига кириб келарди. Машинкачи ёнидаги стулга ўтириб, бироз нафасини ростлаб олгач, сўнг «Қани, кетдик» дерди. Қўлидаги қоғозга ёзиб олинган 3-4 фамилия, исм, рақамларга қараб, мақолани бир нафасда айтиб турарди... Шу боис биз Усмон аканинг ижодий маҳоратига қойил қолардик.

Усмон Жонгитовни, таъбир жоиз бўлса, ажойиб артист деб аташ мумкин. Табиат ато этган, ширали овози бор эди. Тўй-ҳашамларда, албатта, унга сўз берилса, у микрофонни бир четга суриб қўйиб, табрик сўзини айтарди. Кучли, эҳтиросли, жарангдор овози билан даврадагиларни ўзига ром қилиб оларди.

Усмон ака шоир сифатида ҳам талайгина шеърлар ёзган эди. Уларнинг айримлари ашула қилиб ҳамон айтиб келинади. Айни чоғда у шеърни маромига етказиб ўқирдики, асти қўяверинг! Эсимда, айрим шоирлар ёзиб келган шеърларини бўлимда ўтказа олмагач, муҳаррир ҳузурига кириб, «эркалик» билан шеърларини ўтказишга уринишарди. Шунда муҳаррир: «Қани, кўрайликчи. Усмон ўқисин» деб қоларди. Усмон ака шеърни шундай берилиб, ҳис-ҳаяжон билан ўқирдики, биз уни эшитиб, ҳайрон қолардик.



— Бўлмайди, деб ким айтди, — дерди муҳаррир. — Қани-ку, эртаги номерда бериб юборинглар!

Усмон ака ўзининг янги шеърларини ҳам, аввало, бизларга ўзгача завқ-шавқ билан ўқиб беришини ҳали хотирлайман. Айниқса, «Фарзанд» шеърини тўлқинланиб ўқигани сира эсимдан чиқмайди:

*Туғилдинг, оила қувончга тўлди.*
*Хонага ёғилди ёруғ шамчироқ,*
*Уйга нур, ҳазилмас, фарзанд бор энди,*
*Кўнгил армонлари чекинди йироқ.*

Газетамиз тахламларини ҳар сафар варақлаганимда шоир ва журналист Усмон Жонгитовнинг ўзига хос ижодий жўшқинлигига тан бериб, руҳини шод этиб, дуога қўл очаман...

▲

Бу қаламкаш дўстимиз, биродаримиз ҳақида у ҳаётлик вақтидаёқ латифанамо ҳикояларни эшитганмиз.

Эмишки, Аброр ака уйидагиларга «Мен бир гузарга чиқиб келай», деб кетганича икки-уч кун дом-дараги бўлмабди. Уйдагилар ҳайрон, хавотирга тушишибди. Турмуш ўртоғи таҳририятга келиб, ҳамкасбларидан сўрабди:

— Қанилар?

— Хабарингиз йўқми, узоқ ерга хизмат сафарига кетганлар. Сизга айтмаган эдиларми? — деб жавоб қилишибди.

— Йўқ, — дебди аёли бошини қуйи эгиб.

— Оббо, Аброр тушмагур-ей, шунчалик ҳам бўладими одам?!

Ҳақиқатан ҳам ҳаётда шундай бўлганми, йўқми, билмадиму, бироқ, Аброр ака чиндан-да касбига садоқатли, иш деганда ҳатто оиласини ҳам унутиб қўядиган, вазмин, бамайлихотир инсон эди.

Бу фазилатлари, табиийки, ижодда ҳам ўз акс топмасдан қолмаган. Аброр Шайхов кўпроқ фельетон, танқидий мақолалар ёзишга иштиёқ эди. Қачон қараманг, ҳамкасбимизнинг хона бир-икки нафар арз ва шикоят билан келганлар ган бўларди.

Аброр ака уларнинг гап-сўзларини бўл чурқ этмасдан, диққат билан эшитардилар.

Ҳамкасблари бу ҳақда унга сўз очишганда си, танқид ёзиш — бўёқчининг иши эмас, нинг тақдири билан ўйнашиб бўлмайди. Шунинг ҳар икки томонни: айбланувчини ҳам, айбловчи ҳам диққат билан эшитиб, холисанилло хулоса қариш керак!» дея жавоб берарди.

У шундай қиларди ҳам. Ҳужжатларни обдон нарди. Ишонч ҳосил қилгач, қўлига қалам ол Эҳтимол, шунинг учун ҳам унинг ёзган мақола таъсирчан, ўқишли чиққандир. У, айниқса, жам тимизда зарпечакдек учраб турадиган таъмагир, рахўр, лаганбардор шахсларни аёвсиз фош этиб ган. Унинг ҳар бир ижод маҳсули шов-шувга са бўлгани учун ҳам одамлар эслаб юрганликлари дўстимизнинг умри боқийлигидан далолатдир.

*Соат М*

## ЖАННАТИ ЙИГИТ

Зарифжон Муҳаммаджоновнинг номи XX 50—80-йиллар газетхонларига яхши таниш Унинг имзоси билан ёзилган хабар, репортаж, танқидий мақола ёки ҳажвияларни «Тошкент ҳақиқати» нинг деярли ҳар бир сонида учратиш мумкин эди.

Бир куни муҳарриримиз Мақсуд Қориев Тошкент ҳайвонот боғига бориб, у ердан танқидий мақ

...кон тавсия этди. Сабаби, ўша кезлар ҳайвонот ...и каровсиз, ночор аҳволга тушиб қолганди. Мухарририятга ёзиб келган катта танқидий мақолага ҳажвий расм ҳам чизилди. Унинг остидаги:

*«Қамамни олиб қарға,*
*Ҳайвонлар келди арзга»,—*

...ли ифодали сатрлар ҳали-ҳали ёдимда. Муаллиф ... ерга келувчиларга кўнгилли дам олиш учун шароит яратиб бериш у ёқда турсин, ҳайвонлар ҳам ... қилиб бўлмас даражада сақланаётганлигини ... ёзганди. Ҳайвонот боғи ҳақида матбуотда кейин ҳам чиқишлар бўлди, охир-оқибатда уни бошқа жойга кўчириш ҳақида қарор қабул қилинди. Бу ... ниҳоят мустақиллик йиллари руёбга чиқарилгани маълум.

Зариф аканинг истеъдодли жарроҳ Одил Мухторов ҳақидаги таҳлилий лавҳасини ҳам эслаш мумкин. Бу мақола таниқли шифокорнинг шуҳратини ... оширишл билан бирга, муаллиф таҳририятнинг ... қандай топшириғини муваффақиятли бажаришга қодир эканлигини кўрсатган эди.

Зариф ака Тошкент зилзиласи оқибатларини тугатиш бўйича олиб борилаган жуда катта бунёдкорлик ишларининг ичида юрди. Шаҳарнинг ҳар бир ..., қайтадан бунёд бўлаётган ҳар бир гўшасига ...лар, ишчилар, қурувчилар билан учрашарди. Айниқса, Тошкентнинг Эски шаҳар қисмидагиларга у ... жуда яқин, қадрдон бўлиб кетган эди. Зариф ака ... тарзда тинмай ёзар, ҳар куни белгиланган 200 ... «планас»ни топширмаса, кўнгли жойига тушмай ... чекарди. Бетоб бўлиб қолганига қарамай таҳририят топшириқларидан бўйин товламасди. 14-қаватга («Тошкент ҳақиқати» шу қаватда жойлашганди) кўтарила олмаган кезлари (лифтга тушишга

хаста юраги дов бермасди) иш столини 1-қаватдаги хоналардан бирига кўчирар эди...

Ҳар бир қаламкашнинг ўзи ёқтирган, кўнглига яқин мавзулари бўлади. Унинг энг севган мавзуси одоб-ахлоқ муаммолари эди. Яқинда катта устоз, бир вақтлар муҳарриримиз Зиёд Есенбоевнинг хонасида бир фельетон қўлёзмасига кўзим тушди. Сарлавҳаси таниш: «Ол, киш-киш!». Муаллифлари Шобарат Қузибоева ва Зариф Муҳаммаджонов. Унда бўлим мудири Ирмон Насимовнинг ҳам имзоси бор. Материал ўша вақтда (60-йиллар) эл орасида машҳур бўлиб кетган бир санъаткорнинг одамлар ғашини келтираётган, санъат аҳлига ярашмайдиган «қилиғи» ва шу туфайли мухлислари ихлосини қайтараётгани ҳақида эди. Мақоланинг тақдирини Зиёд ака эсга туширдилар.

Фельетон жамоада ўқилиб, Маданият вазирлиги раҳбарлари ҳам, фельетон қаҳрамони ҳам танишиб чиққан эди. Лекин таҳрир ҳайъати тавсияси билан турли мулоҳазалар ҳисобга олиниб, материал чоп этилмади. У қўлёзма ҳолида қолган бўлса-да, вазифасини бажарган, санъаткор маслаҳатларининг моҳиятини ҳисобга олиб, яна мухлислари ихлосини қозонишга муваффақ бўлганди.

Зариф ака қалами билан эмас, аввало, шахсий ҳаёти, юриш-туриши, ёшларга жўяли ўгитлари, ўзгаларнинг муомаласи билан ҳам ажралиб турар, меҳр-оқибат қандай бўлиши кераклигини амалда кўрсатарди. Ана шу олижаноб хислатлари туфайли «Қумлоқ» маҳалласининг аҳолиси уни ўз оқсоқоли этиб сайлаганди. Бу вазифада у катта ҳурмат қозонган.

Зариф акани таҳририят жамоасининг ҳар бир аъзоси хонадонидагилар ҳам яхши билишарди. Чунки у 30 йил давомида касаба уюшмаси қўмитасида сидқидилдан ишлаган. Бетоблардан биринчи бўлиб хабар олар, бирон маросим-маърака усиз ўтмас, кўнгил сўраб, бориб хизмат қилиш учун вақт



топарди. Бу инсон чиндан ҳам ҳамманинг қалбига йўл топа олиш истеъдодига эга эди. Шу туфайли ходимларнинг қишга ўтин-кўмири, картошка-пиёзи ўз вақтида ғамлаб қўйилар, тўй-ҳашамларда керакли нарсалари, аммо ўша кезларда топилиши мушкул бўлган сомонлару камёб мебель, бошқа уй жиҳозлари Зариф аканинг ёрдамида бадастир этиларди.

Табиатан қувноқ, ҳазил-мутойибага мойил, очиқ кўнгил бу инсоннинг юрак хасталигига чалиниб, навқирон 55 ёшида ҳаётдан кетганига ҳайрон қолганмиз. Энди тушунишимизча, одамларнинг мусибати, ўзгаларнинг қайғусига баравар шерик бўлиб, бирга изтироб чекаверар экан...

Унинг вафоти муносабати билан таҳририят жамоаси номидан ёзилган таъзияномада ҳамкасбимизнинг меҳнатсеварлиги, ҳалоллиги, дилкашлиги, ўта камтарлиги, одамийлиги, катта-кичикка ғамхўр-меҳрибонлиги, хушмуомалалиги, барчага баробар беминнат хизмат қилиши сингари олижаноб фазилатлари («Тошкент ҳақиқати», 1983 йил 30 август) жуда тўғри таъкидлаб ўтилган.

Шоир Шайхзоданинг қуйидаги тўрт сатрини у ботбот такрорлаб ўқирди:

*Дўстлар, яхшиларни авайлаб сақланг!*
*«Салом» деган сўзнинг салмоғин оқланг!*
*Ўлгунча юз соат йиқилиб тургандан —*
*Уни тириклиқда бир соат йўқланг!*

Зариф аканинг ҳаётда амал қилган ақидаси ҳам шундай эди! Ҳаммадан ҳам онага, оилага, дўст-қадрдонларга сўнмас меҳр-оқибати бор эди. Зариф ака билан Салтанат опанинг фарзандлари кўпайиб (3 қиз, 3 ўғил) катта оила бошлиғи бўлишганда, уларга янги уй берилган. Ҳадрадаги бу уйга кўчиб келгандан кейин ҳам Зариф ака олдин Қумлоққа йўл олар, онажони — Зулайҳо хола ҳурматини бажо келтирарди.

Ҳар куни эрталаб ва кечқурун бу одатини тарк қилмасди.

Зариф акадаги яхши фазилатлар дўстларига ва жамоага келиб қўшилаётган ёшларга таъсир этмай қолмасди. Таҳририятдаги аҳиллик ва иноқликка ҳамманинг ҳаваси келарди. Улар бир оила фарзандидек эди: йигитлари бир хил кийинишар (бир хил материал олиб кийим тиктиришар), навбатма-навбат таом тайёрлаб келиб, ҳаммалари бирга ўтириб, тушлик қилишарди. Жамоанинг бу хилда бирлашини қовуштириш, албатта, аввало муҳаррирлар — Зиёд Есенбоев, Мақсуд Қориев, Аҳмад Исмоилов, Нуъмон Насимовларнинг чинакам раҳбарлик салоҳияти самараси эди. Раҳбарларнинг иродаси, яхши ниятли режаларини тўла амалга оширишда Зариф Муҳаммаджонов ва унинг сафдошлари [illegible] масида бўларди. Шу боис «Тошкент ҳақиқати» ходимлари энг қўнимли ҳисобланарди. Бирин-кетин катта лавозимларга кўтарилган ходимларни ҳисобга олмаса, ҳақиқатчиларнинг аксарияти бу қадрли даргоҳда 20—30—40 йиллаб меҳнат қилиб келишди. Бундай муҳит «Тошкент ҳақиқати»га хос бир феномен (камдан-кам учрайдиган ҳодиса)ни вужудга келтирдики, уни ҳам эслаб ўтмаслик мумкин эмас. Бу феноменга яна ўша жамоанинг раҳбарлари асос солган дейиш мумкин. Мен ҳақиқатчиларнинг бир-бири билан қуда-қудағай бўлиб кетганлигини назарда тутаман. Зиёд ака оиласига Исмоил Сулаймоновнинг қизи келин бўлиб тушиши, Аъзам Мирбобоев оиласидагилар Худойберди Тўхтабоев фарзандини ўз набирасига танлаши, ахборот бўлимининг мудири — Шароф Умурзоқов, хатлар бўлимининг мудири — Абдувоҳид Мирзаҳмедов билан қуда бўлиши, саноат бўлимида ишлаган Миракмал Миралимовнинг (ҳозир Олий



[illegible]). Бекободдан келган Абдунаби Ҳайдаровнинг ўз тақдирларини шу даргоҳнинг суюкли [illegible] Шоирахон ва Диларомхон билан боғлашлари бежиз эмас. Қолаверса, камина ҳам ўғлим[illegible] кўп йил бирга ишлаган Мирғиёс Қаюмовни[illegible] совчиликка борганман. Шукрки, барча ёшлар [illegible] тотув ҳаёт кечириб келишмоқда...

Зариф ака юқорида айтганимиздек, тўйларнинг [illegible] астойдил хизмат қилар, дўстларининг [illegible]идан кўнгли тоғдек кўтариларди. Афсуски, [illegible] биродаримизнинг ўзи тўнғичидан бошқа [illegible]ндларининг тўйларини, бахт-иқболини [illegible]ади. Суйима рентгенолог врач бўлиб етиш[illegible] Зафар Ички ишлар вазирлигида масъул лаво[illegible] ишламоқда. Хуршида — педагог. Дилобар [illegible] тили мутахассиси. Кенжатой Ҳотам тил[illegible] Хитой ва Кореяга бориб келиб, ҳозир [illegible]шунослик институтида талабаларга билим [illegible]моқда. Мустақиллигимизнинг бу эмин-эркин [illegible]ларига етиб келганда Зариф ака давраларга [illegible] киритиб юрган, илҳоми қайнаб ижод қилган [illegible]...

▲

[illegible]. Мақола ёзилиши жараёнида ҳамкасб[illegible] билан кўп суҳбатлашдик, хотираларни бир[illegible]га олдик. Қоғозга туширилганларни «Ўзбекистон матбуоти» журнали таҳририятига олиб келдим.

— Жаннати йигит эди, — деди бош муҳаррир [illegible] ва суратга кўз югуртириб.

Зиёд Есенбоевнинг бу лўнда таърифи марҳум биродаримизнинг ҳамма фазилатларини ўзида мужас[illegible]дек эди. Шу боис уни сарлавҳага чиқар[illegible] Зариф акани билган одамлар бунга қўшилиша[illegible] [illegible].

## РОСТ СЎЗ ДОРИДАН АФЗАЛ

Опа-сингилларим — Нилуфар, Зуҳра, Дилором, Малика билан дийдорлашиб, бир пиёла чой баҳона суҳбат қурган кезларда, аввало, барчамиз оилавий ҳол-аҳволимиз, фарзандларимиз ўқиш-ишлари ҳақида сўзлашиб оламиз. Сўнгра падари бузрукворимиз Малик Иброҳимов ҳаёти, умр йўли ҳақида ўзимиз билганимизча таърифлаб ўтиш одатимиз бор.

Табиатан қадди-қомати келишган, чеҳрасидан табассум ёғиладиган отамиз фидойи қаламкаш бўлган эдилар, дейди Дилором. Эгачилар унинг гапини тасдиқлаб, ҳалол, ўз касбига чин ихлос қўйган, бошлаган ишини охирига етказадиган, одил инсон бўлганликларини ҳам айтишади. Камина эса уларга отамни билган-кўрган, бирга ишлаганлар билан тез-тез учрашиб, дил сўзларини тинглашимни айтаман. Зеро, уларнинг умр мазмуни ижодга меҳр, инсонларга қўлидан келганича ҳамиша яхшилик қилиш бўлган. Биргина мисол. Азим Тошкент шаҳрининг Кўкча даҳасидаги Оқлон маҳалласи қўмитаси раиси бўлиб, қўни-қўшнилар, узоқ-яқиннинг ҳурматини олганлар. Алишер Навоий номли 40-ўрта мактабда математика ва физика фанларидан сабоқ берган эканлар.

Иккинчи жаҳон уруши тугаганидан сўнг падари бузрукворимиз Ўрта Осиё давлат университетида ишлаганини, таржимон сифатида ҳам ном қозонганини кекса авлод журналистлари яхши билишади. Тақдирни қаранг: у киши ҳам ўша вақтда «қизил империя» мафкурасининг содиқ тарғиботчиси бўлиб, «доҳийлар»нинг асарларини ўзбек тилига таржима этишда қатнашган, бир қатор ижтимоий-сиёсий нашрларга муҳаррир бўлган эканлар.



Ўзбекистон телевидениеси ташкил этилганида, бу даргоҳда ишлаб, бадиий кўрсатувларнинг мундарижасини бойитиш йўлида жонбозлик кўрсатганликларини яхши эслаймиз.

Ўтган асрнинг 60-йиллари бошларида отамизни «Тошкент ҳақиқати» газетасига ишга таклиф этишади. Газетанинг биринчи муҳаррири Зиёд Есенбоев яратган мактабнинг давомчилари унинг истеъдодига тан беришганини таниш-билишлардан кўп марта эшитганман. Бу ерда у аввал таржимон, сўнгра адабий ходим бўлиб қалам тебратганлар. Элга таниқли журналистлар Мақсуд Қориев, Аҳмад Исмоилов, Назармат Эгамназаров, Темур Расулов, Фарида Усмонова, Усмон Жонгитов сингари фидойи инсонлар билан ҳамнафас ижод қилиб борганлар. Бир неча йиллар давомида газетанинг хатлар ва оммавий ишлар бўлимини бошқарганлар.

Отамизни қатъиятли, бир сўзли инсон сифатида эл таърифлашади. Бу унинг фельетончи журналист бўлгани сабаблидир. Дарвоқе, «Тошкент ҳақиқати» газетаси саҳифаларида унинг кўплаб фельетонлари босилган. «Фарзанд номига исноd», «Онаизорини унутган», «Номус ўғрилари», «Қабулхонада», «Билмайин босдим тиконни» сарлавҳали фельетонлари ўқувчилар эътиборига тушгани аниқ. Зеро, уларда турмушимизда учраб турадиган, халқимиз ҳаётига мутлақо ёт иллатлар фош этилган. Ҳа, чин сўз доридан афзал. Фельетон «қаҳрамон»ларининг аксарияти журналист отамиз маҳоратига тан бериб, яхшилик сари йўл тутиб олганликларини баён этгани унинг ҳузурига келиб кетишган.

Отамиз Малик Иброҳимов умрининг охиригача ўзи меҳр қўйган газета бағрида ишлаганлар. Ҳаётнинг текис йўлларида ҳам, ўнқир-чўнқир жойларида ҳам у киши диёнатли ва иймонли инсон сифатида из қолдирдилар.

# СОПОЛ НЕГА ЖАРАНГЛАЙДИ?

Ташкил топганидан бери давр ва шароит т... зоси билан номи бир неча марта ўзг... «Сурхон тонги» газетаси таниқли фельетонч... мил Алиев ишлаган, ўзбек шеърияти яловбард... ридан бири Ҳожи Абдулла Ориф амалий кўни... сини ўтаган, ўнлаб истеъдодли шоир ва журна... лар учун илк мактаб бўлган қутлуғ даргоҳдир. ... шу даргоҳда ўн йил қишлоқ хўжалиги ва мад... бўлимларининг мудири бўлиб ишлаган ёзувч... журналист Менгзиё Сафаров ҳам ўзидан яхш... тира қолдирди.

Сурхон тупроғида ўтган учрашувларнинг б... муҳтарам адибимиз Саид Аҳмад унга «Менгзи... фаров ким, биласизми? У Ўзбекистон адабиёт... Пришвинидир», — деб баҳо берган эди. Дарҳ... қат, Менгзиё Сафаров она-юртимиз табиат... кўҳна Сурхон тупроғини толмай куйлаган қалам... лардан бири. Унинг қаламига мансуб «Пайға... ороли», «Айришох» қиссалари кўпчиликка маъ...

Менгзиё Сафаров ўтмишимизнинг, хусусан С... хондарё тарихининг билимдонларидан эди. Агар ... сангиз, Сурхондарё поёнсиз юрт. Унча-мунча ж... налист уни умри давомида ҳам кўриб, ҳам ўрг... улгурмайди ёки бунга қунт ҳам қилмайди. М. Са... ровнинг эса Сурхондарёда оёғи тегмаган гўша оз. ... ки йўқдир ҳам. У киши имкон қадар автомаши... автоулов юролмайдиган ерларда от миниб, ҳатто ... пиёда кезиб чиққан заҳматкаш инсон эди. Табии... бундай қийин, аммо ҳаддан ташқари завқли, ма... ли, ҳангомаларга тўла сайру саёҳатлар юрт-па... ёзувчининг илҳомига илҳом қўшди, қаламини я... чархлади. Унинг тоғ қишлоқлари, уларнинг одам...

[illegible] тўғрисида ёзган ўнлаб очерклари ҳали-ҳануз сурхондарёлик мухлислари ёдида. Шу билан бирга у вилоятдаги кўплаб қобилиятли ёшларга устозлик қилди, уларнинг илк машқлари газета саҳифаларида ёритилиши учун жонбозлик кўрсатди. У кишининг бир одати бор эди: фақат бўладиган қобилияти, уқуви, иқтидори бор ёшларгагина ёрдам берарди. «Бўлмаганга ёпишма» деган нақлга қаттиқ амал қиларди.

— Менга қатъият билан ёрдам кўрсатгани, ёзганларимни газеталарда, журналларда, китоб ҳолида чиқаришга астойдил кўмаклашгани учун Менгзиё ака Сафаровдан ғоятда миннатдорман, — дейди Сурхоннинг дилбар шоирларидан бири Шафоат Раҳматулло Термизий. «Сурхон тонги»да М. Сафаров билан бирга ишлаган журналист Маҳмуд Абулфайз шундай ҳикоя қилади:

— 1988 йилнинг январи эди. Ўша пайтлари таҳририятда режалаштириш йиғилишлари ўта жиддий, ҳушёрлик билан ўтказиларди. Ана шундай йиғилишларининг ҳар бири мунозара, тортишувлар билан ўтарди. Йиғилишларимизнинг бирида бир ҳамкасбимизнинг феъл-атвори муҳокама қилинаётган эди. М. Сафаров ҳам сўзга чиқди. У яхши бир ривоятни айтди: «Университетда ўқиб юрган пайтларимда ўқитувчимиз, тарих фанлари доктори Абдураҳмон Ҳамроев билан тортишиб қолдик. Бир неча кун ўтгач, у мени ҳузурига чақирди. У-бу гапдан сўнг «Менгзиё, сополни чертсанг нега жаранглайди?» — деб савол берди. «Билмасам, нега жаранглайди?» — деб саволга савол билан жавоб қилдим. Шунда домлам деди: «Эсингдан чиқмасин: сопол то шу ҳолга келгунича қадар кўп мушт еган...»

Агар бугун ҳам М. Сафаровнинг қаламига мансуб, «Сурхон тонги»да эълон қилинган очеркларини ўқисангиз, ўзгача бир таассурот оласиз. Улардан сиз муаллифнинг кузатувчанлигини, қаламининг фавқулод-

да ўткирлигини, тили, услуби фақат ўзигагина х
эканлигини илғайсиз.

Одатда М. Сафаровнинг қаҳрамонлари ғаф ҳаёти одамлар бўларди. Биз эса кўп ҳолларда у одамларга эътибор бермай ўтамиз. Адибнинг ў ги шунда эди-ки, бошқалар илғамаган нарса сезар, илғарди. Шунинг учун бемалол айтиш м кинки, ёш ва умуман тажрибаси етарли бўлма журналистлар учун Менгзиё Сафаров публиц касини ўрганиш фойдадан холи эмас.

Менгзиё Сафаров бу ёруғ дунёда 56 йил у кўрди. Ўзидан яхши, мазмунли ижодий мерос қ дириб кетди.

*Икром ЎТ*

## «ИШОНМАНГ, АЙТСАЛАР: ОТАНГИЗ ЎТДИ...»

2001 йил 14 май, душанба. Тушликдан к тиб, одатдагидек ишхонамда вилоят м бирларининг мақолаларини таҳрир қилиб ўтир дим. Қўнғироқ жиринглади.

— Икром, Сафарни бериб қўйибмиз...

Бу шоир Султон Жабборнинг овози эди.

— Қайси Сафар?.. — тилимга, негадир, шу са ма келди.

— Сафар акангизни-да...

Этим жимирлаб кетди. Қулоқларимга ишонма

— Нима бўлибди?

— Инфаркт...

Ногоҳ бундан атиги бир неча кун аввал юз бер воқеа эсимга тушди. Ўшанда Сафар Барноев те фон қилган эди.

— Оқсоқол, ишлар яхшими? Бола-чақалар омо ми? — у аввал ҳар доимгидек кўнгил сўради

[illegible] кўчди: — Нима дейсиз, бир Султонни кўриб келмаймизми?

Султон Жабборнинг 93 ёшга кирган онаси оғир [illegible] эди. Шу боис у ва укаси — машҳур ҳайкалтарош Илҳом Жабборов бир ҳафта бурун Тўйтепа тумандаги Алишер Навоий номидаги ширкат хўжалигига — туғилган қишлоғига кетишган, волидаи муҳтарамалари бошида туришарди.

— Тинчликми, ишқилиб?

— Кўнглим нимадандир безовта...

Афсуслар бўлсинки, биз ўша куни эмас, балки эртасига Тўйтепага бордик. Тонг саҳарда совуқ хабар келди: Рузвон ая оламдан ўтган эди.

Жанозадан кейин, шаҳарга қайтиш чоғида Сафар ака Султон Жабборга ҳазил оҳангида шундай деди:

— Шоир, етим қолдим, деб кўнглини чўктирманг, [illegible] бўлинг, биласиз, биз ҳам етиммиз, — у менга қараб қолди. — Мана, энди сиз ҳам сафимизга қўшилдингиз.

Ваҳоланки, биз узоқ йиллардан буён бирга эдик, ака-укалардек қалин дўст эдик. Аммо Султон Жаббор 15 йил олдин инфаркт бўлиб, бир ўлимдан қолган эди.

Йўлда Сафар ака шуни эслади.

— Султонга қийин бўлди-да, — деди у. — Ўзи ярим жон эди... Шоир, бу одам дегани омонат экан. Тез-тез дийдорлашиб турайлик.

Биз шу воқеадан кейин ҳам бир неча бор кўришдик. Сафар ака ҳатто вилоятларга сафарга чиқиб келди. 6 май куни эса ўзининг «Пайғамбар ёши»ни нишонлаган эди. Бугун...

Пойтахтнинг «Юнусобод» мавзеси 2-даҳасидаги 18 уй — Сафар аканинг оиласи яшайдиган, менга қадрдон бўлиб қолган хонадонга яқинлашарканман, эшикда тўн кийиб, белбоғ боғлаган қариндош-уруғларини кўриб, баттар титраб кетдим...

Учаламиз ҳозирги «Тонг юлдузи» газетасида иш-лардик. 1977 йилнинг декабрь ойида бизнинг оила-мизда иккинчи фарзанд дунёга келди. Онаси чақа-лоқ билан бирга туғруқхонада денг, мен эса [illegible] ўғлим — бир ярим яшар Комрон билан уйда қол-ман. Қийналиб кетганимдан хабар топган Сафар ака:

— Комронни бизнинг уйга олиб келинг, — деди. — Мана, Малика онангиз бор, уч нафар қизим, ўғлим Жаҳонгир бор, биргалашиб қараб турамиз.

Шундай қилиб, ўғлимиз бир неча кун мобайнида шу хонадон соҳиблари тарбиясида бўлди. Мен [illegible] куни ишга қатнаб, ҳатто туғуруқхонага ҳам бориб келишга улгурдим.

Комронни олиб кетишга келганимда, Малика опа уни бағрига босганча:

— Комронжон энди бизнинг ҳам фарзандимиз бўлиб қолди, акаси — кичкинтойимиз Жаҳонгирга [illegible] бўлди, — деди кулиб. — Илоё, бахтларини берсин!

Ёраб, «Умр — оқар дарё» деганлари шу экан-да. Бугун Комрон Молия-банк академиясида таҳсил [illegible] моқда, Жаҳонгирни эса шу йил феврал ойида уй-лантирган эдик... Наҳотки, шундай меҳрибон, [illegible] каш ва хокисор инсон — Сафар Барнодан абадул-абад айрилиб қолганимиз чин бўлса?!

«Яхши одамдан яхши хотиралар қолади», дейди-лар. Менинг тилга олганларим улардан бир ур[illegible] холос.

Сафар Барноев — ажойиб шоир, ҳассос ёзувчи эди. Унинг ўнлаб шеърий китоблари ва қиссалари адабиётимизнинг мулки бўлиб қолди. Сафар Барно-ев «Офарин—2001» республика танловининг «Йил-нинг энг яхши болалар ижодкори» номинацияси бўйича ғолиб деб топилгани фикримга далил бўла олади.

У одамларни севарди, айниқса, дўстларини қадр-ларди. Одамлар ҳам уни яхши кўрарди. Видо-

Умримда йиғилган юзлаб кишилар — Сафар Барновнинг болалар газетаси ва нашриётида, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, «Гулхан» журналида ишлаган йилларида орттирган ёру биродарлари — ёзувчилар, шоирлар, олимлару давлат арбоблари, журналистлару муаллимлар, қўйингки, турли касб эгаларини кўриб, бунга яна бир бор иқрор бўлдим.

Ушбу сатрларни қоғозга тушираётганимда эса Сафар Барновнинг қизларидан бири Феруза «Халқ сўзи» газетасига оилавий сурат билан отаси хотирасига бағишланган шеърини олиб келди. Мен матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қаторида устоз Сафар Барновнинг руҳи покларини шод бўлишини яна бир карра тилаган ҳолда, бу шеърни туҳфа сизларга ҳам илиндим:

*Юлдуз, Дилфуз, Феруз, ўғлон Жаҳонгир,*
*Ишонманг, айтсалар: отангиз ўлди.*
*Тўғри, Сафар Барно қайтиб келмас, лек*
*Унинг руҳи қалбимизда тирикдир.*

*Ишонаман, йиллар ўтса ҳам, аммо*
*Унутмас элим шундай инсонни.*
*Мангу яшанг ота, эй, Сафар Барно,*
*Ўзбек болаларининг жону жаҳони!*

*Маъруф ЖАЛИЛ*

## УМР ЧИРОЙИ

Болалик чоғининг беғубор орзулари баъзан ҳавойи хомхаёлга ўхшаб кўринса ҳам, эртакнамо жозибали, аммо ҳаётда амалга ошмайдиган бўлиб туюлса ҳам, аслида содда ва самимийдир. Шунга қарамай, фаришталар ўшанда «Омин, ниятинг йўлдош бўлсин», деса керак, кўпчилик ўша орзуга етиш йўлида ҳаракат қилади.

Музаффар ҳам мактабда ўқиб юрган пайт[illegible]
дарсликдаги шеърларни ёд олиб, жарангдор [illegible]
яли ҳикмат билан тўла нафис сўзни севиб [illegible]
Китоблар ўқийди. Улардаги қизиқ-қизиқ [illegible]
турфа феъл-атворли қаҳрамонлар билан [illegible]
Бир қаҳрамонни севиб, унинг юлиб чиқиши[illegible]
таса, бошқаси салбий қаҳрамоннинг мағлуб [illegible]
ши ёки тезроқ жазоланишини хоҳлайди. Шу[illegible]
учун китобни қўлидан қўймайди. Онаси: «Ҳо[illegible]
лам, қўйларга ўт юлиб келгин», деса, у: «Ҳозир [illegible]
бет қолди. Шуни ўқиб тугатай», деб жавоб [illegible]
китобдан айрилгиси келмасди. Худди ўша [illegible]
у ҳеч кимга билдирмай шеърлар машқ қила [illegible]
ган эди.

Музаффар мактабни битириб, Тошкент [illegible]
университетининг журналистика бўлимига [illegible]
кирмоқчи эди. «Журналистика — қаламни [illegible]
лаштиради, ҳаётни, одамларни чуқурроқ ўр[illegible]
ёрдам беради», деб эшитганди. Лекин ўша [illegible]
мактабни битиргандан кейин икки йил ишлаб [illegible]
ришда меҳнат қилиш керак, деган қоида бор [illegible]

У етуклик гувоҳномасини олгач, Тошкент[illegible]
босмахонага шогирд бўлиб ишга кирди. Шу [illegible]
китоб қандай тайёрланишини кўриб ҳайрат[illegible]
ди. Одамлар китоб ўқиганда унинг қандай т[illegible]
нишини, қайси жараёнлардан ўтишини хаёл[illegible]
келтирмайди.

Босмахонада терилиб, саҳифаланиб, му[illegible]
чилар қўлидан ўтгунча бир дунё иш. Журналист[illegible]
лиган одам бу жараёнлар билан таниш бўлиши [illegible]
рак. Хуллас, Музаффар босмахонада ҳунар ўр[illegible]
тажриба орттириб, университетга ҳужжат [illegible]
радиган бўлди. Ўзбек филологияси бўлимиг[illegible]
бўлимга қабул қилинди. Талабалик йиллари кў[illegible]
юмгунча ўтиб кетди. Бу орада газеталарда [illegible]
кичик-кичик хабарлари босила бошлади.

Университетни битиргач, Бўка туманига муаллим қилиб ишга юборилади. Мактабда ўзбек тили ва адабиётдан дарс бериш билан бирга тинимсиз ўқиди, шеърлар машқ қилди. Шеърлари газета-журналларда, кейинчалик «Гулдаста» (1967), «Юлдузча», «Осмонга дарвоза», «Бир қултум фожиси», «Бойчечак» каби тўпламларда бирин-кетин чоп этилиши [illegible] — ҳаваскор шоирга олам-олам қувонч олиб келди.

Кейинчалик Музаффар «Ўқитувчи» нашриётига ишга ўтди. Мактаб дарсликларини нашрга тайёрлашда [illegible] кўпми иштирок этди. Энг муҳими, ноширлик маҳорати қандай бўлиши кераклигини устозларидан билиб олди.

Музаффар Туробовнинг журналистлик меҳнати ҳақида гап борар экан, унинг «Тошкент бинокори» газетаси таҳририятидаги фаолияти ҳаяжонли кечганлигини эътироф этмай иложингиз йўқ.

— 1966 йилнинг 1 июлидан эътиборан «Тошкент бинокори» газетаси нашр этила бошланди, — деган эди у суҳбатларимизнинг бирида. — Мен шу газета [illegible] хамса топганим билан фахрланаман. Аввал мухбир, сўнгра бўлим мудири бўлиб ишладим. Газета нашри билан боғлиқ илк воқеалардан иккитасини ҳамон эслаб юраман. Тақдирни қарангки, газетага муҳаррир этиб тайинланган Шуҳрат Қосимовни жонкуяр инсон, меҳрибон устоз сифатида қайта кашф этдим. Гап шундаки, Шуҳрат ака пойтахтимиз Кўкча даҳасидаги Алишер Навоий номли [illegible] ўрта мактабда чизмачилик фанидан сабоқ берган эканлар. Муҳаррир сифатида устозининг сабоқларини олиб, кам бўлмадим. Олти ярим йил мобайнида Тошкент қурилишларидан, унинг бунёдкорлари ҳаётидан мақолалар ёздим, кўплаб шеърларим «Тошкент бинокори» саҳифаларида чоп этилди. Газетамизда неки ютуқларга эришган бўлсам, ус-

тозимнинг мурувватидан деб биламан. Ўша йилла-
ри бирга ишлаган ҳамкасбларимдан Пўлат Ниш-
нов, Обид Ғафуров, Ҳамид Султонов, Суннатил
Сайдалиевларнинг журналистикада дадил қал
юритишида Шуҳрат аканинг ибрати катта бўл
Иккинчи воқеа. Ўзбекистон халқ шоири Эркин В-
ҳидовнинг «Палаткада ёзилган достон» асари бу-
гунги кунда адабиёт мухлисларига яхши таниш.
Тошкент бунёдкорлари ҳаётини акс эттирувчи б
асарнинг дастлабки мисралари «Тошкент бинок-
ри»нинг биринчи сонида чоп этилганини эсла
ўринлидир. Севимли шоиримиз хонадонида бўли
сиёҳи қуримаган янги асарнинг қўлёзмасидан га-
зета учун каттагина қисмини олиб келганман...

Дарҳақиқат, «Тошкент бинокори» газетаси М. Ту-
робовга кенг ижод йўлини очди. Унинг «Умр чирой
китоби ўша давр ижодининг маҳсули ҳисобланади.

Ўз қалами билан муштарийлар қалбига йўл то
олган Музаффар Туробов Тошкент вилояти Тошкен
туманининг «Шонли меҳнат», республика «Қишло
ҳақиқати» (ҳозирги «Қишлоқ ҳаёти») газеталарид
ҳам фаолият кўрсатди. Айни чоғда қўшиқчи шои
сифатида элга танилган, қатор қўшиқлари респуб
лика радиосининг қўшиқлар фонотекасидан ўри
олган.

Кейинги пайтда у Ўзбекистон радиосида хизм
қилди, журналист сифатида сермазмун эшиттириш-
лар тайёрлади.

Шоир сифатида Музаффар Туробовнинг номи ки-
тобхонларга «Умр чиройи» (1978), «Учқур хаёл
(1980), «Қурувчи бўламан» (1985), «Сув келтирга
азиз» (1987) ва «Бола бошидан» каби тўпламлар
орқали яхши таниш.

Ижодий танловлар ғолиби, фахрий ёрлиқлар со-
ҳиби. Унинг кўпгина шеърлари рус ва бошқа қар-
деш халқлар тилига таржима бўлиб, нашр қилинган.

Ҳамкасбимиз «Умр чиройи — қаламга меҳрда» деган сўзларни кўп эслатиб турарди. Зеро, ижодкорнинг қаноти қалам ва ижод эканлигини бир дақиқа ҳам у унутмади.

*Ҳамид СУЛТОНОВ*

## СУРАТЛАР БИР ХАЗИНАКИ...

Фахрий фотожурналист Неъматилла Аъзамов билан 2000 йилнинг баҳорида учрашиб, дилдан суҳбатлашган эдим. Ўшанда у стол устига йиғилган бир даста суратларни авайлаб қўлга олиб, уларнинг ҳар бири ҳақида мароқ билан ҳикоя қилиб берди:

— Яратганга шукр, болам. Ёшим 90 га етиб қолди. Мақтаниш эмас, йиллар оша йиққан бисотимни кўрсатиб, касбини умри давомида эъзозлаган инсоннинг қадри ҳамиша азиз бўлишини айтиб қўйиш учун сизни уйимизга чақиртирдим. Кўраяпсиз, суратларда XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб 60–70-йилларигача Ўзбекистоннинг иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётида бўлиб ўтган турли-туман воқеалар, миллатимиз асл фарзандларининг сиймолари тасвирланган. Уларнинг бир қисми матбуот саҳифаларида босилиб чиққан. Кўпи эса қўлимда. Лозим топсангиз, «Ўзбекистон матбуоти»да улардан намуналар чоп этарсиз...

Неъматилла Аъзамовнинг умр дафтари унутилмас лаҳзаларга нечоғлик бой эканлигини суҳбат давомида билиб олдим. Қарангки, ўз қўли билан фотоаппарат ясаб, суратга олиш сирларини ўрганган ҳаваскорнинг илк суратлари «Ер юзи» журнали саҳифаларида 1927 йилда босилиб чиққан экан. (*Бу журналнинг 1927—1928 йиллардаги тахламлари Ўзбекистон Республикаси Миллий китоб палатаси фондида сақланаётир — муаллиф изоҳи*). Шундан сўнг у болалар ва ўсмирлар нашрлари таҳририят-

ларида ишлади. Кейинчалик «Ўқитувчилар газе-
си» (ҳозирги «Маърифат» газетаси)нинг узоқ йил-
лар мобайнида фотомухбири бўлди. Хориж мам-
лакатларига қилган сафарларини эса киноленталарга
муҳрлади.

Неъматилла Аъзамов сербадавлат инсон эди:
тўрт нафар қиз, икки нафар ўғилнинг отаси, 17 на-
фар невара, 10 нафар эваранинг меҳрибон бува-
си бўлиб, уларни ардоқлади, меҳр улашди, дуо қилиб
бахтини тилади.

Шу боис фарзандлари азиз хонадонга келиб, ота-
лари руҳини шод этадилар ва чинакам хазина сифа-
тида сақланаётган фотосуратларга қайта-қайта қараб,
дил изҳорини айтишга ҳамиша ошиқадилар.

*Юнус ЗИЁ...*

## ДЕҲҚОН ЎҒЛИ... МУХБИР

Суратчи мухбиримиз Абдусаттор Тўраев билан хизмат сафарига тез-тез борганим кечагидек эсимда. У йўл-йўлакай ҳаёт манзараларини кузатиб юрарди. Кўзига кўринган чиройли лавҳани бир зумда тасвирга туширишга интиларди. «Мунча шошилмасиз, ҳали манзилимизга етиб, замондошлар билан гаплашайлик, суратга олиш қочмас» дердим. Шунда у куйиниб «Бу лавҳани ҳали тополмайсиз. Агар буни такрорламоқчи бўлсангиз, сунъий бўлади, табиий чиқмайди. Сунъийлик суратчининг ишига соя солади» дея жавоб берарди.

Пахта йиғим-терим мавсуми Абдусаттор ака учун синов даври бўларди. Газета саҳифаларининг аксариятида пахта мавзуи етакчи ўринни эгалларди. 90-йиллар эди чоғи. Янгийўл туманида машинада пахта териш суръати қандай бораётганини ёритиш бўйича

...анич топшириқ олдик. Тонг маҳали Абдусат-тор ака бир дўстининг «Москвич» машинаси билан уйимизга келди. Кетяпмиз, аксига олиб машинанинг ...и чатоқ экан чоғи, моторидан пақ-пақ овоз ...иб, тўхтаб қолди. Қани, шу пайтда ногаҳон қанот ...дор бўлса-ю учиб кетсак. Абдусаттор ака кафти-ни кафтига ишқар, сабри чидамай у ёқдан бу ёққа ...ради. Шу пайт узоқдан «Волга» машинаси кўрин-ди. Суратчи мухбиримизга «жон кирди». У кўчанинг ўртасида туриб, машинани қўл кўтариб тўхтатди. Не ...и, ҳайдовчи кўнди. Абдусаттор ака йўл-йўла-кай ичак узди латифалар айтиб, ҳайдовчининг кай-фиятини чоғ қилди. У бунинг эвазига бизни манзил-га етиб қўйди.

Далага етиб борганимизда аллақачон иш бошла-ниб кетган экан. Пахтазорда бешта терим агрегати ...лаб ишларди. Уларнинг овозидан бир-биримиз билан гаплаша олмасдик. Ногаҳон битта «зангори кема» тўхтади. Абдусаттор ака пахта тўла бункер ...ига чиқиб олди. Мақсад бункердаги пахтанинг тележкага ағдарилаётган лавҳани суратга тушириш. ...оратини ишга солиб мақсадига эришди. Сўнгра ...и агрегатнинг ёнма-ён пахта тераётганини тас-вирга олиш пайига тушди. Тележканинг ёнига бо-риб, мўлжални тўғрилаб, бунга ҳам эришди. Сўнгги ...лар қандай бўлди, денг? Бешала механизаторни аг-регат ёнига жамлаб, суратга туширди. Шу тариқа «... ойини ботирлари» сарлавҳали фоторепортаж ...ига юзини кўрди.

...ниқир, топшириқларни вақтида бажарган Аб-дусаттор Тўраев ўзидан катта из қолдириб кетди. Унинг катта ўғли Абдужаббор, укаси Абдуношир ака ...алан бориб, суратказшлик касбини шарафлашди. ...ир Абдусаттор аканинг касбини ўғли Абдуво-...д Тўраев давом эттиряпти. У ёш бўлишига қара-

май, фотография сир-асрорларини мукаммал ў[...]
ниб олган. От изини той босар, деганлари рост э[...]
Абдувоҳид Ўзбекистон Миллий ахборот агентл[...]
да ишламоқда.

Абдусаттор Тўраев 1966 йили «Совет Ўзбеки[...]
ни» — ҳозирги «Ўзбекистон овози» газетасига и[...]
келган эди. У ўзидан кўплаб эсдаликлар қолди[...]
Ман-ман деган суратканлар билан бемалол белл[...]
оладиган оддий деҳқоннинг ўғли Абдусаттор Тў[...]
ёрқин хотираси ҳамкасблар дилида яшайди.

*Ҳамид ИБРОҲИМ*

## РАСМЛАРДА ҲИКМАТ ЁҒДУСИ

«Ғунча» журнали саҳифаларида тан[...]
ли ўзбек болалар адиблари ва мусав[...]
ларининг ижодий фаолияти ҳақида ҳикоя қил[...]
ранг-баранг мақолалар чоп этилаётгани эътиб[...]
сазовор. Улар нашр мундарижасини бойитибг[...]
қолмай, журналхонлар билим доирасининг кенга[...]
шига ҳам хизмат қилмоқда.

Журналнинг 2000 йил 6-сонида чоп этилган «Ў[...]
болалар рассомлари» туркумидаги расмда 51 йил [...]
кўрган истеъдодли мусаввир Ҳабибулла Раҳма[...]
лаев тасвирланган. Расмнинг тагига «Ҳабибулла Р[...]
матуллаев. 1947—1998 йил» деб ёзилган.

...Болалигидан тасвирий санъатни жону дил[...]
севган Ҳабибулла мактабдан сўнг Беньков но[...]
билим юрти (ҳозирги Камолиддин Беҳзод номли р[...]
сомлар коллежи)да, сўнгра Тошкент театр ва р[...]
сомчилик институтида таҳсил олди. Устозларин[...]
маслаҳатига кўра талабалик йилларидаёқ «Ғунча»[...]
«Гулхан» журналлари таҳририятларига машқлари[...]
олиб борди. Умрини матбуотга бахшида этган Я[...]

Саъдуллаева, Маҳмуд Муродов, Неъмат Тошпўлат, Собит Ғофуров, Турсунпўлат Холмуҳамедов сингари билимдон журналистлардан кўп сўради, кўп ўрганди. Кичкинтойларнинг мурғак қалбига мос, тасаввурига хос расмлар чизиб, журналлар саҳифаларини безашга катта ҳисса қўшди.

Ўзбек халқ эртакларига расмлар чизишда Ҳ. Раҳматуллаевнинг истеъдоди ёрқин намоён бўлди. «Ур, тўқмоқ» эртак китобига ишланган расмлар мусаввирга шуҳрат келтирди. Марказий Осиё ва Қозоғистон республикалари китоблар кўргазмасида «Ур, тўқмоқ» нашри муаллифларига юксак мукофот берилди. Кейинчалик, бу китоб Ҳ. Раҳматуллаев чизган расмлар билан безатилиб Японияда япон, Ҳиндистонда ҳинд тилида босмадан чиқди.

Миллий эртак қаҳрамонларини рангтасвир ёрдамида ифодалашда Ҳабибулла Раҳматуллаев ўзига хос йўл танлади. У «Чўпчагим чўпчак — олтин беланчак», «Мушук ва сичқон» номли китобларнинг саҳифаларини ёрқин бўёқларда безади, эртаклар мазмунини акс эттирувчи расмлар минглаб ўқувчилар қалбига олам-олам қувонч бахш эта олди.

Ўзбекистонимизнинг кўзга кўринган шоиру ёзувчилари Ҳабибулланинг мусаввирлик маҳоратига тан бериб, янги китобларига расмларни унга чиздиришни кўпчилик билади. Шу ўринда у Ўзбекистон халқ шоирлари — Пўлат Мўминнинг «Ёд оламиз, шод яшаймиз», Нормурод Нарзуллаевнинг «Шамолни ушлаган бола» номли китобларини безатишга алоҳида бир ғайрат ва илҳом бағишлаганини таъкидлашни истардик.

Уйини ибратли ишлар билан безаган Ҳабибулла Раҳматуллаевнинг рафиқаси Мастура (у пойтахтимиздаги 82-мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайди) фарзандлари Рустам билан Зулайҳонинг саломини олиб,

яқинда «Ғунча» журнали таҳририятига келди
ижодкорларга умр йўлдошидан — ёдгорлик сифа
да қолган бадиий рангтасвир асарлардан намуналар
топширди. Улар орасида тиниб-тинчимас расс
ҳаётининг сўнгги ойларида чизган расмлар ҳам
эди. Ҳа, саҳий қалб меҳри билан яратилган ҳикма
ларга тўла расмлар ёдуси фарзандларимизни ма
навий камолот сари дадил етаклаши турган гап,
батта.

# ДИЛНОМАЛАР

ФАХРИЙ ҚАЛАМКАШЛАР, ЖУРНАЛИСТЛАР,
ТЕЛЕРАДИО ХОДИМЛАРИ, НОШИРЛАР
ВА МАТБААЧИЛАР ҲАҚИДА



*Ҳар бир инсоннинг қадр-қиммати*
*Ўз ишини қойил қилиб бажаришидадир*

*(БЕРУНИЙ)*

*Кўнгил дуржи ичра гуҳар — сўздурур.*
*Башар гулшанида самар — сўздурур.*

*(НАВОИЙ)*

*Мақсуд ҚОРИЕВ*

## МАТБУОТИМИЗ ОҚСОҚОЛИ

Инсон табиатан эзгуликка мойил. Ҳаётнинг оғир сўқмоқларидан ўзига ризқу рўз, бахт-саодат излаб ҳамиша олға интилади. Фалакнинг гардиши нотекис: кеча осмонда эдинг, ерга тушасан, пастда юрган эдинг, қарабсанки, бахтинг чопиб амал курсисига минасан. Бобоколонларимиз демишлар: «Мансаб курсисига ўтирганингда, одамларга кўпроқ яхшилик қил, саховатли бўл, кейин лавозимдан кетгач, инсонларга қилган яхшиликларинг, саховатли ишларинг қолади».

Мен қаламга олаётган инсон — Зиёд Исломович Есенбоев худди ана шундай саховатпеша, кўп одамларнинг ҳожатини чиқарган олижаноб инсонлардан бири. Унинг ҳаёт йўли матбуотимиз билан чамбарчас боғланиб кетган. Мен 1949 йилда «Ўзбекистон овози» (ўша пайтда «Қизил Ўзбекистон»)га адабий ходим бўлиб ишга келганимда, Зиёд Исломович масъул котиб бўлиб ишлардилар.

Собиқ тузум даврида газеталар ҳозиргидек техник имкониятларга эга эмасди. Журналистлар оғир шароитларда ишлар, оммавий ахборот воситалари ҳали эркин, мустақил эмасди, «марказ»дан келадиган расмий материаллар кўп бўлганлиги боисидан баъзан тонготаргача ишлашга тўғри келарди.

Шундай вақтлар бўлардики, газетага қўл қўйиб, энди ишни тамомлаб кетмоқчи бўлиб турганимизда Москвадан «шу кунга албатта берилсин», деган рас-

мий кўрсатма берилларди. Ё муҳим қарор ё нутқ ке-либ келиб қоларди. Қарабсизки, барча ишлар остин-устун бўлиб кетар, газетамиз саҳифаларини қайтадан ўзгартиришга тўғри келарди. Мана шундай шароитларда ҳам масъул котибимиз Зиёд ака босиқлик билан, шошилмасдан, эрталабдан бери ишлаб чарчаган одамларнинг кўнглини кўтариб, бирини ака, бирини ука деб ишга солиб юборар, қандай қилиб бўлмасин, газетанинг бехато, кўркам чиқишига эришарди. Ҳа, унинг ҳаёти ана шундай машаққатли йўллардан бошланган. Ўз меҳнати, жонкуярлиги, энг муҳими, одамлар дилига йўл топа билиши туфайли Зиёд ака матбуот оламида обрў-эътибор қозонди.

*1954 йилда «Қизил Ўзбекистон»дан янги ташкил* этилган пойтахт вилоят газетаси — «Тошкент ҳақиқати»га бош муҳаррир бўлиб ўтди. Унинг меҳнатсеварлиги, ташкилотчилиги туфайли ҳамма ҳавас қиладиган янги газета туғилди. Ўша кезлари газетага энг яхши, ишчан, жонкуяр журналист кадрлар йиғилган эди. «Тошкент ҳақиқати» гўё чақмоқдек чақнаб, ҳаётга замон нафаси билан кириб келди. Унинг саҳифаларида янги-янги ҳаётий масалалар, ҳодиса-воқеалар, муаммолар акс этган материаллар ёритиларди. Республикадаги ман-ман деган нашрлар билан бемалол беллаша оладиган бўлди. Энг муҳими, «Тошкент ҳақиқати» матбуотимиз учун журналист кадрлар тайёрлашнинг ҳақиқий мактабларидан бирига, ҳаётнинг ёрқин ойнасига айланди.

Зиёд Исломовичнинг ўзига хос ташкилотчилик фаолияти уни янги ишларга чорлади. Кейин ижодий камолоти бошланган, «ўз киндик қони тўкилган» қадрдон газета — «Қизил Ўзбекистон»га бош муҳаррир этиб тайинланди.

Ўша йиллар ҳамон менинг ёдимда. Тиниб-тинчимас бош муҳаррир ёзган редакцион, публицистик мақолалар, замон руҳи билан суғорилган бош мақо-



лалари эл оғзига тушди. Ёшларга ўрнак бўларди бағрикенглик, меҳр-оқибатлилик, вақти келганда қаттиққўллик сифатлари журналистларнинг бутун бир авлодини тарбиялаб вояга етказишга, уларни камолот, истиқбол сари етаклашга хизмат қилди.

Замон талабларига кўра республикамизда 1963 йилда Давлат матбуот қўмитаси ташкил этиладиган бўлди. Бу вазифани кимга топшириш керак? «Тошкент ҳақиқати»ни оёққа турғизган, отахон газетада катта ташкилотчилик билан ишлаётган, матбуот ишини яхши биладиган камарбаста Зиёд Исломовичдек одам бу ишга лойиқ эди. Гўё узукка кўз қўйгандек 1963 йил 16 сентябрда Зиёд ака янги қўмитага раис этиб тайинланди. Янги қўмитани ҳам маромида ташкил этди, оёққа турғизди.

Дастлаб нашриётчилик ва матбаачилик соҳасини, китоб нашр қилиш ишларини, республика, вилоят, шаҳар ва туман босмахоналарининг аҳволини чуқур ўрганиб чиқди, янги бинолар қуриш ва эскиларини таъмирлаш учун лойиҳа ҳужжатларини тайёрлади, матбуотнинг мустаҳкам моддий-техника базасини яратиш, янги машина, ускуна ва дастгоҳлар олиш учун зарур маблағлар сўраб, тегишли ташкилотларга таклифлар киритди.

Тошкентда ҳар йили 20 миллион нусха дарслик чиқариш қувватига эга бўлган ихтисослаштирилган босмахона қурилди. Кейинчалик бу босмахона Тошкент матбаа комбинатига, сўнгра «Матбуот» номидаги Тошкент матбаа ишлаб чиқариш бирлашмасига айлантирилди. 1, 3 ва 4-босмахоналар ҳамда офсет фабрикаси таъмирланди. Давлат матбуот қўмитаси, нашриётлар, китоб савдоси ва босмахона ходимлари учун 40, 48 ва 77 квартирали тураржой бинолари, Янгийўлда ҳамда Юнусободда китоб чиқарадиган янги босмахоналар биноси қад кўтарди. Қоғоз сақлаш учун махсус база қуриб битказилди. Нашриёт

ва китоб савдоси бўйича ўрта маълумотли мутах-
сислар тайёрлайдиган ўқув-ишлаб чиқариш корпу-
си қурилиши тугалланди. Тошкентда полиграфия
саноати ва китоб савдоси корхоналари қурилишини
лойиҳалаштириш институтининг янги биноси, 22
ўринли болалар боғча-яслиси ва 250 кишига мўлжал-
ланган ётоқхона биноси фойдаланишга топшири-
ди. Малакали матбаачи кадрлар тайёрлайдиган 9-
шаҳар ҳунар-техника билим юртининг ва Тошкент
полиграфия техникумининг ўқув-ишлаб чиқариш
корпуси кенгайтирилди. Улар замонавий ускуналар
билан таъминланди. Давлат матбуот қўмитаси кор-
хоналари ва ташкилотларга хизмат қиладиган ре-
монт-қурилиш бошқармаси ва автогаражнинг янги
бинолари қуриб битказилди.

Деярлик ҳамма вилоятларнинг марказларида газета
таҳририятлари ва босмахоналар учун янги бинолар
қурилди. Нукус полиграфия комбинати таъмирланди.
Вилоят газеталари таҳририятларини алоқанинг икки
канали билан таъминлаш масаласи ҳал этилди. Янги-
дан телетайп аппаратлари олиниб, уларга ўзбекча ҳарф-
лар ўрнатилди. Вилоят марказларида телетайп ўрна-
тилгандан сўнг вилоят газеталари рус тилидаги мате-
лар билан бир вақтда ўзбек тилидаги материалларни
ҳам қабул қилиб олиш имкониятига эга бўлди. Бу эса
вилоят газеталарининг ўз вақтида чиқиб туришини ва
обуначиларга етиб боришини таъминлади.

Замонга хос, китобхонларга мос ўқишли ва си-
фатли китоблар нашр этишни таъминлаш Матбуот
қўмитасининг асосий вазифаларидан бири эди. Зо-
Исломович қўмитага раҳбарлик қилган йиллари Ўзбе-
кистон нашр ишлари бўйича қардош республикалар
ониасида Россия ва Украинадан сўнг фахрли учинчи
ўринни эгаллади. Нашриётларимиз нуфузли ва ха-
қаро китоб ярмаркалари, конкурс ва кўргазмалари-
да қатнашиб диплом ва медаллар олишга сазовор
бўлдилар.

Андижон, Қўқон, Фарғона, Марғилон, Жиззах, Бухоро, Самарқанд, Урганч, Наманган, Нукус, Чирчиқ, Термизда ҳашаматли Китоб уйлари қад кўтарди. Шаҳар ва туманларда жуда кўплаб китоб дўконлари очилди. Республикамиз пойтахтида 6 гектарли майдонда Ўрта Осиёда тенги йўқ китоб базаси қурилиши битказилиб, фойдаланишга топширилди. Китобларни жилдлаш ва бошқа ишларда кимё янгиликларидан фойдаланиш мақсадида республика босмахоналари қошида иккита ишлаб чиқариш лабораторияси ташкил этилди. Китоб савдоси қарийб икки баробар кўпайди.

Зиёд ака умр дафтарининг эсда қоладиган яна бир унутилмас саҳифалари Ўзбекистон Журналистлар уюшмасини 23 йил бошқарган кезларига тўғри келади. Бу йилларда ёш ижодкорларни бирлаштириб, уларга етакчилик, ғамхўрлик қилди. Уюшма аъзолари сафи янада кенгайди, талантли ёш журналистлар билан тўлиб борди. Устоз-шогирд журналистлар анъанаси юзага келди.

Ёдимда, Тошкент зилзиласи юракларни титратган йиллар. Илoжсиз қолган журналистлар, матбаачилар уйини таъмир қилиш, етишмовчиликларга ёрдам бериш учун собиқ Иттифоқ Давлат матбуот қўмитаси қошида Журналистлар уюшмасидан катта маблағ ажратишга эришди. Ўзбекистон матбуот ходимларининг фарзандларини Москва яқинидаги оромгоҳларда уч йиллаб ортиқ дам олишини ташкил этиш ҳам Зиёд аканинг жонбозлиги билан бўлди. Одамларга яхшилик қилиш, кўнглини кўтариш, керак бўлса моддий ёрдам бериш Зиёд аканинг ҳаёт қонуни эди. Шу сабабли ҳозирги кунда ҳам қайси бир йиғинда, ё тадбирда Зиёд Исломович пайдо бўлиб қолса, унинг шогирдлари ундан яхшилик, саховат кўрган кишилар югуриб келиб: «Зиёд ака, яхшимисиз? Зиёд ака, ҳали ҳам ўша-ўшасиз», деб иззат-икром этишади, бир қўлини олиб, бағирларига босишади.

Зиёд ака фахрийликка чиққандан кейин ҳам тиниб-тинчимади. Ўн йилдан кўпроқ «Ўзбекистон матбуоти» журналини чиқаришга бош-қош бўлиб келди. Қарийб эллик йиллар давомида матбуот соҳасида садоқат, жонкуярлик ва обрў-эътибор билан ишлаш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Боиси Зиёд ака ўша юксак лавозимларда ишлаган чоғларида ўз элига, халқига сидқидилдан садоқат билан хизмат қилди. Кўп одамларга яхшилик қилди, саховатли ишларга қўл урди. Ўзбекистон журналистлари, газетачилари, матбаачилари ҳаётида бўлиб турадиган бирорта тадбир, маросим Зиёд акасиз ўтмади.

Мустақиллик шарофати билан эркин, озод ижод қилиш ва ишлаш имконияти туғилганда унинг тажрибаси, ташкилотчилик маҳоратига яна эҳтиёж сезилиб, 1993 йил 24 сентябрда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. Каримов қўл қўйган қарори билан Ўзбекистонда биринчи марта ташкил этилган Матбуотни қўллаб-қувватлаш жамғармаси бошқарувининг биринчи раиси этиб тайинланди. Бозор иқтисодиёти туфайли қийин аҳволга тушиб қолган даврий нашрларни оёққа турғазишда баҳоли қудрат хизмат қилди.

Зиёд аканинг меҳнат дафтарчасига фақатгина икки йирик, элга маълум ва машҳур бўлган матбаачилик ташкилотларининг — «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» газеталари бирлашган нашриёти (ҳозирги «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси) ва Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасининг ёзувлари битилган, муҳрлари босилган.

Зиёд Исломович немис-фашист босқинчиларига қарши олиб борилган урушнинг дастлабки кунларидаги жангларда иштирок этган, Ғалабадан сўнг Ғарбдан Шарққача бўлган масофани босиб ўтиб, Япония милитаристларига қарши жанг қилган уруш



қаҳрамони. Кўкрагида қатор жанговар нишонлари бор. Буюк тарихий Ғалабанинг 50 йиллигига бағишлаб 1995 йил 9 май куни Москвада ўтказилган юбилей парадида қатнашган. Президентимиз қўлидан «Жасорат» медалини олишга муяссар бўлган. Истиқлолимиз даврида ҳам ҳалол, фидокорона меҳнатлари учун «Эл-юрт ҳурмати» ордени ва медаллар билан мукофотланган.

Бир донишманддан сўрабдилар: «Ака яқинми, ё дўст?». Шунда у: «Агар аканг дўст бўлса, дўстинг аканг бўлса», — деб жавоб берибди. Биз Зиёд ака билан 1949 йилдан буён бир даргоҳда ишлаб, бир умр қадрдон дўст, ака-ука бўлиб қолдик. Яхши одамларга эргашиб, саховатдан, садоқатдан, меҳр-оқибатидан дарс олдим. Бир куни Зиёд Исломовичнинг юбилейи кечасида айтган сўзларим ҳамон ёдимда. Уни Зиёд ака магнит тасмасига ёзиб қўйган. «Зиёд ака, сиз «Тошкент ҳақиқати» газетасидан «Қизил Ўзбекистон»га муҳаррир бўлиб ишга ўтганингизда мен ўрнингизга «Тошкент ҳақиқати»га муҳаррир этиб тайинландим. Кейин Давлат матбуот қўмитасига кўтарилганингизда мен яна ўрнингизга «Қизил Ўзбекистон»га бош муҳаррир бўлиб ўтдим. Айтингчи, энди яна қаерга ишга кетмоқчисиз, мен бехабар қолмайин тағин», деб ҳазиллашганимда, барча қарсак чалиб юборган эди.

Менимча, дўстлик, қадрдонлик, ака-укаликнинг маъноси ҳам шунда. Биз умр бўйи елкама-елка, ака-ука, устоз-шогирд бўлиб садоқат билан ишладик, шу туфайли ҳеч қачон кам бўлмадик.

Коммунистик тузум даврида лавозимларда ишлаш қанчалик мураккаб эканлигини ҳаммадан кўра кўпроқ биз ҳис этганмиз. Арзимаган хато, йўл қўйилган камчилик учун бошимизга таъна тошлари ёғилган. Тухматга учраган вақтларимиз ҳам бўлган. Ҳатто Зиёд Исломовичнинг Кисловодск кўчасидаги

унчалик катта бўлмаган оддийгина уйини ер қимир-лаган йили таъмирлаганлиги учун «нокамтарли-қилди» деган имзосиз хат тушган. Анча вақтга-Зиёд ака Марказқўмга «тушунтириш хати» ёзи-юрган. Лекин ҳалол, покиза хизмат, эл-юртга сад-қат, дўстона меҳр-оқибат, оғир дамларда бир-би-римизга суяниб, дўст-қадрдонлашиб ишлаганли-миз туфайли ўша балолардан эсон-омон чиқиб ке-ганмиз.

Биз, Зиёд Исломовичнинг сафдошлари унинг ш-жоатига, меҳр-оқибатлиликларига, одамохунлиги-қойил қоламиз. Баъзан кечқурунлари қўнғироқ қил-қоладилар: «Едингдан чиқмадими, эрта тонгда ф-лончининг тўй маросимига боришимиз кера-машинанг бўлмаса, олиб кетаман. Аввал Ғафур Ғ-совични, кейин Убайдилла Ёқубовични олиб, сен-кига ўтамиз», деб қоладилар. Ҳа, Зиёд аканинг б-нақа ташкилотчилиги, одамларга ғамхўрлиги ҳеч би-римизда йўқ, десак хато бўлмас.

Баъзан Зиёд аканинг хонадонларига йўқлаб бо-риб қолсангиз, сизни аввал тўппа-тўғри ўзларини-уй-музейларига олиб кирадилар. Унда Ўзбекисто-журналистикаси тарихига оид жуда кўп суратла-ҳужжатлар бор, ҳатто машҳур журналистларини-магнит тасмасига ёзиб қўйилган овозлари ҳам сақ-ланган. Барчаси бежоғлиқ, жой-жойига эҳтиётла-сақлаб қўйилган. Кейин бизни музей ёнидаги ке-хонага таклиф этадилар. Катта стол, оппоқ дастур-хонлар ёзилган. Уй бекаси, ҳаммамиз учун қадр-бўлиб кетган онахон Тозагул аямиз, ҳар галгидек бизни очиқ чеҳра билан кутиб оладилар. Ҳа, Зиё-ака дунёдаги энг бахтли инсон, дейман ўзимга ўзи-Чунки Тозагул аядек ажойиб, меҳрибон, ўта сад-қатли аёл муқаддас хонадоннинг бекаси эрур. Эн-оғир дамларда Зиёд аканинг яқин маслаҳатчис-ажойиб ўғил-қизларни оқ ювиб, оқ тараган меҳр

шафқатли аёл. Устозининг обрў-эътиборию ҳамиша башанг кийиниб, дадил юрилии ана шу аёлнинг меҳридан бўлса ажаб эмас. Дунёда Тозагул онадек аёллар бор экан, дунё тинч, осойишта, оилада барака, тўкинлик бўлади. Зиёд Исломович ана шу оиланинг подшоҳи бўлса, Тозагул ая хонадоннинг ақлли вазираси.

Зиёд ака стол чеккасига ўтириб, фотиҳага қўл очади:

— Қани, тинчлик, омонлик бўлсин. мана ўша уй, ўша дастурхон, ҳаётдан норози бўладиган жойимиз йўқ. Қирғизларда бир мақол бор «Кишининг руҳи тушса, оти ҳам чопмайди», деган. Менинг руҳим тетик, менинг одатимни яхши биласизлар. Эгилганга эгиламан, ғўдайганга яхшилаб жавобини бераман. Бировдан қарзим йўқ, мана болаларим, қатор-қатор невараларим. Худога шукур, бугун ҳам эл-юрт олдида юзимиз ёруғ. Бундан ортиқ бахт борми оламда?

Ҳа, Зиёд ака шундай олижаноб инсон. У Қибрайнинг Дўрмон қишлоғида туғилган, асли қирғиз фарзанди, аммо ўзбекнинг ўғлони — ўғлони бўлганда ҳам мард, садоқатли ўғлони, умр бўйи элим деб, юртим деб яшади, ҳалол меҳнат қилди, илоҳо бахтимизга истиқлолимизнинг нурли замонида олам тургунча яшасинлар.

Бир оддий журналистдан чиққан ва катта ҳаёт мактабини ўтаган Зиёд Исломовичнинг турмуш тарзи, ҳаёт йўли барчамиз учун намунадир. Журналист, муҳаррир, давлат арбоби. Қайта-қайта Ўзбекистон Олий Кенгашининг депутати, Абу Райҳон Беруний номли давлат мукофоти совриндори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, хуллас, энг мўмин, ҳақиқий Инсон. Матбуотимиз оқсоқолини ҳамма билади, у барчани танийди. Машҳур ва маъруф Отахонимиз сингари бахт ҳар биримизга насиб этсин, деймиз.

## ЭЗГУЛИК УЧУН ЯРАЛГАН

...Ўшанда университет талабаси эдик. Ёзги таътил палласида «Қизил Ўзбекистон» газета таҳририятига тажриба ўрганани келгандик. Газетани чиқаришдаги барча жараёнлар билан таништира бошладилар. Тунги навбатчиликда масъул ходимга бизни ёрдамчи этиб тайинлашарди. Навбат менга ҳам келди. Ходимлардан ўша сонга Мақсуд Қориев масъул экан. Келишган, ёқимтой. Дилимга ўтириб қолди. Саҳифаларни бирга ўқидик, фикр-мулоҳазаларни ўртоқлашдик. Тунги соат ўн иккиларга борганда ишни тугатиб, охирги саҳифага қўл қўйиш арафасида бир хабарда хато ўтиб кетганлигини тафтишчи мусаҳҳиҳ аниқлаб қолди. Табиийки, бу ҳолда газетани чиқариб бўлмасди. Хатони тузатдик, саҳифа қайта қуйилди. Таҳририятда ўрнатилган тартибга биноан хато топилса, уни тузатиш учун кетган барча харажатлар айбдордан ундириб олинаркан. Айбдор эса мен эдим. Гап пулда эмас. Балки мен туфайли шундай одамга гап тегадиган бўлди, деб изтироб чекардим.

Эртасига ишга келсам, жаримани Мақсуд ака ўз ҳисобига ёздирибди, у талаба — ўргамчикка келган, деб хатони ҳам ўзиники қилиб олибди.

Ўша пайтда мен учун у кишидан мард, танти одам йўқ эди дунёда. Шу-шу қадрдон бўлиб қолдик. Бахтимни қарангки, кейинчалик тақдир бизни яна учраштирди. «Тошкент ҳақиқати» газетасида у киши бош муҳаррир ўринбосари, мен эса бўлим мудири бўлиб хизмат қилдим. Бағри кенг, камтар, кишиларга самимий Мақсуд Қориевни ҳаммамиз севиб қолгандик. Истаган пайтда хоҳлаган масала бўйича мурожаат қилиш мумкин эди. Ходимлар билан у киши ўртасида ҳеч қачон расмиятчилик бўлмаган. Биз



ҳаммамиз худди туғишган ака-укалардек эдик. Жамоадаги муносабат ўта самимий, ўта дилкаш. Муҳарриримиз Зиёд ака Есенбоев «Қизил Ўзбекистон» газетасига бош муҳаррир этиб тайинлангач, у киши билан ўртамизда шундай фикр алмашув бўлганди.

— «Тошкент ҳақиқати»нинг бўлажак бош муҳаррирлик номзодига Мақсуд акангдан ташқари яна икки кишининг номзоди бор (Зиёд ака уларнинг номларини айтди). Сенинг фикринг қандай?

— Бизга қолса, ўзимизнинг Мақсуд ака турган жойда бошқалари ўтаверсин...

Шундай қилиб десангиз, жамоанинг орзуси амалга ошиб, Мақсуд ака газетамизга бош муҳаррир этиб тайинланди. Орадан кўп ўтмай, мени ўзларига муовин қилиб олдилар. Ўша даврларни мен ҳамон ҳаяжон билан эслайман.

Адабиёт бўлимимизнинг мудири шоир Назармат участка қураётган эди. Навбат дўмбоз босишга келганда жамоадаги йигитлар ҳашарга бориш истагини билдиришди. Бундан хабар топган муҳарриримиз мен ҳам бораман, деди. Биз ҳайрон бўлдик. Ҳолатимизни кўргач:

— Ҳа, мени четлаб ўтмоқчимисизлар? Ахир мен ҳам шу жамоанинг аъзосиман-ку, — деди.

Шундай қилиб, дам олиш куни Назармат аканикида ҳашарда бўлдик. Қий-чув, аския, ҳазил-ҳузул авжига чиқди. Муҳарриримиз, уни биз қанча авайламайлик, ҳамма қатори тер тўкди. Барчамизнинг юз-кўзларимизга лой сачраган, эгниларимизда жомокор — бу ҳолни кўриб ҳам ҳайрон бўлардик, ҳам қувонардик. Мана шундай ҳолларда ходимларнинг бир-бирига оқибати, меҳри илдиз отарди, палак ёзарди.

Шундай ҳоллар кўп бўларди: у уйига телефон қилиб гаплашгач, мени чақириб,

— Бизникида тансиқ таом тайёрланаяпти экан, юр, бирга баҳам кўриб келамиз, — дерди-да, қўярда қўймай олиб кетарди.

Газетамиз ҳафтасига беш марта чиқарди. Лекин олти кун ишлардик. Тунда ишлаш учун иккаламиз навбатма-навбат қолардик. Баъзан менинг навбатим куни ҳам муҳаррир редакциядан кетмасди. Юқори идораларга тайёрланган маълумотномаларни саралар, иш режаларини тузар, қўлёзмаларни таҳрир этиб ўтирарди. Барча саҳифаларга қўл қўйиб, ишни тугаллагач, хонасига кирардик. Машина келгач, сен ўтиравер, меники яқин, кетавераман, дерди.

...Газета оталиққа олган бир колхоз бўларди. Техника, ўғит олишда ёрдам берилди. Бир-икки бор илиқ сўзлар билан газета саҳифаларида тилга олинди. Ўша колхоз раиси миннатдорчилик маъносида бўлса керак, бир неча бор таҳририятга келиб, бир пиёла чойга таклиф этди. Ҳар сафар ваъда беравердим. Охири бўлавермагач, бу гапдан бош муҳаррирни хабардор қилдим.

— Мана, ўзинг ўйлаб кўр, сен ичмайсан, мен ҳам. Мен бир коса овқатни ея олмайман, сен ҳам. Шундай бўлгач, нима қиламиз бировга боғлиқ бўлиб қолишни. Агарда кўнглинг бирор тансиқ таомни тилаётган бўлса айт, мен уйда тайёрлатиб берай. Ошнамиз Маҳмуд Каримовни (миллий таомлар ҳақидаги қатор рисолалар муаллифи) чақирамиз. У рост бошлайди. Ҳеч кимсага боғланиб қолмайлик. Шунда эркин юрамиз, тилимиз ҳамиша узун, юзимиз ёруғ бўлади.

Мақсуд Қориевнинг «Совет Ўзбекистони» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасига бош муҳаррирлик қилган йиллари ҳаммамизнинг ёдимизда. Газета ўз атрофида республиканинг энг кўзга кўринган зиёлиларини, билимдон хўжалик раҳбарларини, фанимизнинг жонкуяр арбобларини тўплади. Барчани қизиқтирадиган, ҳаяжонга соладиган мавзуларни тез-тез ўртага ташлаб турди. Ўша йиллари газета шу қадар оммалашиб кетдики, унинг нусхаси тўққиз юз мингга яқин-



лашиб қолганди. Мақсуд ака меҳнатига яраша мукофотлар олди. Олий Кенгаш депутатлигига бир неча бор сайланди. Лекин инсон сифатида ўша-ўшалигича қолаверди. Қачон, қай масалада мурожаат қилманг, ҳеч вақт ёрдамини дариғ тутмади. Ходимларга нисбатан талабчан, айни пайтда меҳрибон, ғамхўр эди.

Уйдаги жонфидолик газетанинг Сирдарё вилоятидаги мухбири Самар Нуров билан юз берган бахтсизликда айниқса тўла намоён бўлган. Воқеа бундай бўлганди: ёзнинг айни чилла пайти. У чўмилиб олай деб, ховузга калла ташлайди. Сув остидаги қувурнинг ўткир учи бошига суқулиб киради. Умуртқа поғонасининг уч-тўрт бўлаги синиб, ҳаром мағиз қисилиб қолади. Мия, қулоқ ва кўзларидан бошқа аъзолари томири шол бўлиб қолади. Мақсуд ака унинг ҳаётини сақлаб қолиш учун нимаики лозим бўлса, ҳаммасини қилади. Соғлиқни сақлаш соҳасида кўзга кўринган мутахассисларни бу ишга жалб этди. Ходимнинг тирик қолишини ўша пайтда мутахассисларнинг ўзи ҳам мўъжиза деб аташди.

Келинг, бу воқеани Самарнинг ўзидан эшитайлик. Унинг Мақсуд аканинг 70 йиллиги муносабати билан ёзган мақоласидан олинган айрим парчалар билан танишайлик.

«Қариндош-уруғларини чақиринглар, икки-уч кунлик умри бор» деган хулосага келишди ўша пайтда дўхтирлар. Лекин шифокорлар ҳам, бошқалар ҳам бу беморнинг бошида Мақсуд Қориевдек дилбар инсон, мурувватли раҳбар турганини ҳисобга олишмаганди...

Ҳарорат ўттиз тўққизга тушганда ҳушимга келиб, кўзларимни очаман.

— Болалар қаерда, тентираб юришгандир?!

Умр йўлдошим Олия бону:

— Болалардан хотиржам бўлинг. Мақсуд ака ...нимиз Машкурахон (Мирзамуҳамедова, газета-

нинг мухбири)га «То Самар оёққа туриб тур... ургоғи уйига қайтмагунча, рўзғорига, болаларига б... бўлиб турасан», деб тайинлаганлар. Мендан як... роқ қарашяпти.

Ўпкам тўлиб, томоғимга суюқлик тиқилиб бош... ни деворга бурдим: «Эй, тангрим! Бу ғариб, сер... дунёни безаш учун шундай олижаноб, оқибатли и... сонларни яратиб қўйганингга шукурлар бўлс... Эҳтимол, Мақсуд ака ўз фарзандларига ҳам бун... лик мурувват кўрсатмагандир. Хизматчиси бир к... ишдан қолса «тушунтириш хати ёз» деб зуғумга о... диган «раҳбар»ларга йўлиқтирмаганингга шукур. М... бунчалик яхшиликларни қачон, қандай узаман. К... та, масъул, серташвиш жамоанинг раҳбари бир-и... марта келиб ҳолимдан хабар олиб кетса ҳам у... инсонийлик бурчини бажарган, менинг у киш... гина қилишга ҳаққим бўлмасди-ку!...

Етмиш бир кунда таним 41 килограмм озиб... кило «юк»им қолган экан. Танамда бир литрга ет... етмас қон қолган. Бу — жароҳатларнинг битиш... ёқда турсин, аъзоларнинг рисоладагидек ишлаш... ҳам *кифоя эмас.*

— Беморимиз чиндан ҳам нажотсиз эди, — де... ди мутахассис. — Мен шу жойда йигирма икки й... ишлаб, беш мингга яқин шу хил касалларни кўрг... ман. Уларнинг 99,99 фоизи ҳаётдан кўз юмган. Қ... гани эса тўшакка михланиб, шифтга тикилиб ёт... Самариддин шу йиллар мобайнида оёққа турган б... кинчи киши.

Бу чизгилар битилган варақларни буклаб, хажи... солаётганимда, Олиябону:

— Кимга хат ёздингиз? — деб сўради.

— Мақсуд ака етмишга кирибдилар. Қадрдон и... зетамдан икки оғиз сўз сўрашибди.

— Агар рухсат берсангиз мен ҳам икки с... қўшардим.

— Марҳамат. Аслида буни сиз ёзсангиз маъқул бўларди. Чунки мен беҳуш ётганда кўп тафсилотларни нотўғри англаган бўлишим мумкин.

Олия бону чизгиларни ўқиб, остига шу жумлаларни қўшиб қўйди:

«Меҳрибон Мақсуд ака, ассалом. Етмиш ёшингиз муборак бўлсин. Мен укангизнинг атрофида гирдикапалак бўлиб юрган ўша серташвиш, ваҳимали кунларда ҳар доим мени «жаннати келин» деб алқардингиз. Аслида «жаннати инсон» сиз эканлигингиз хаёлингизга ҳам келмасди».

Мақсуд ака Ўзбекистоннинг етакчи отахон газетасига йигирма йилдан зиёд муҳаррирлик қилди. Бунгача ҳеч ким бу қадар узоқ йиллар шу газетага раҳбарлик қилмаганди.

Хуллас, бизнинг Мақсуд ака қаерда, ким бўлиб ишламасин, атрофдагилар ундаги бағри кенглик, меҳрибонлик, самимийликдан баҳраманд бўлиб келаётирлар. У ҳамон барчани очиқ чеҳра билан кутиб олади, яхши сўзини, ёрдамини аямайди. Эл эътиборидан тушмай келаётганлигининг боиси ҳам шунда бўлса ажаб эмас...

Мақсуд Қориевни юртимизда етук ташкилотчи, журналистгина эмас, балки айни пайтда истеъдодли ёзувчи сифатида ҳам танишади. Менга босмадан янги чиққан романини тақдим этди. Унинг ҳикоялар туркуми, «Ойдин кечалар», «Жийда гуллаганда», «Афросиёб гўзали!», «Турналар баланд учади», «Ой тутилган кунда», «Қиз узатиб борганда» каби қиссалари ва тарихий мавзудаги «Суғд уғлони» романи қатори бу янги асари — «Ибн Сино» ҳам хонадонимизда севиб ўқилади. Тақдим этилган ўша китобларнинг ҳар бирига ўта самимий сўзлар ила дастхатлар битилган. Оиламиз учун улар оддий китоблар эмас, балки катта маънавий бойлик, бутун бир мулк деб қаралади.

Мақсуд аканинг ажойиб одатлари бор. Бундай хислат камдан-кам одамларда учрайди. Ҳаёт йўлларида учрашган, бирга ишлашган кишиларни доим кўз олдидан ўтказиб туради. Кексайиб пенсияга чиқиб кетганларнинг аҳволи қалай, қандай кун кечиряпти? — улардан доимо кўз-қулоқ. Ким қандай ёрдамга муҳтож — булар ҳам у кишининг кўнглидадилида. Саховатпеша, бағри кенг, яхшилик, эзгулик учун яратилган инсон.

Бир куни айтиб қолдилар:

— Нима дейсан, эртага бирга бориб Тўлаганни кўриб келсак. Ҳўв бизда машина ҳайдовчи бўлиб ишлаган йигит бўларди-ку, эслайсанми?

Кўнглим ёришиб кетди. Неча йиллар бўлди уни кўрмаганимга. Яқин 17—18 йил бўлди. Ногиронлиги туфайли пенсияга чиқиб кетганди.

Шу десангиз, эртасига пешинга яқин олдиларига тушдим.

— Келдингми, — дедилар. — машина ҳам топиб қўйдим. Юр, кетдик.

Йўлда ҳамроҳимиз — касбдош укамиз Дилмурод Қирғизбоев «У-бу олсак бўлармиди» деди.

— Ҳаммаси бор, юравер, — дедилар.

Ўша Тошкентнинг Хотин кўприк деган жойига бордик. Тўлаган, унинг хотини хурсандчилигидан кўзларига ёш келди. Ахир ўйланг, Мақсуд ака ни катта ва обрўли газетанинг бош муҳаррири бўлса, Тўлаган эса оддий бир машина ҳайдовчиси. Ўртадаги фарқни ҳисобловчилар ҳам топилади. Мақсуд ака учун эса Тўлаган яхши одам. Ҳалол, покиза инсон. Бир вақтлар чамаси ўн йилдан ортиқ садоқат билан хизмат қилган, шу билан кўнгилдан жой олган. Уйдагилар типирчилаб қолишди. Мақсуд ака Тўлаганга костюм-шим совға қилди. Кийиб-кийиб адо этиб юравер, бунақаси мендан, дедилар. Шу пайт хотини Нафисахон:

— Гўшт ҳам келтирибсиз, Мақсуд ака, тоза бизини уялтирдингиз-ку, — деди хижолат бўлиб.

Дастурхон атрофида ўтирибмиз. Тўлаган ўзини тута олмайди.

— Мен кимман, бир шоферман. Мендан лозим сизларни бориб кўриб келишлик. Лекин қандай қилай ҳайрон бўлиб қолдим. — Унинг овози титрарди. Ҳаяжондан бўлса керак кўзларида йилт-йилт ҳалқа ёш. Лекин айтиб қўйй, бандаси ҳам билсин. Худонинг олдида ҳам бу гапларни деяман. Агар Мақсуд акам бўлмаганда эҳтимол оёқларимни кесиб ташлашган бўларди. Тоза эринмасдан қаратдилар. Манаман деган дўхтирларга кўрсатдилар. Худойимдан ўргилай, қайтимда сизга ўхшаган саховатли кишиларга йўлиқтирганга. Мана, ҳа демай етмишга тўламан. Бу ерда қанча тенгқур дўстларим раҳматли бўлиб кетди. Эҳтимол, сиз туфайли, сиздаги меҳр туфайли шу кунларга етиб келганлигим боиси биздан қайтмаса, Худойимдан қайтсин.

Тўлаган ўзини тутолмай тўлқинланиб гапирарди. Мақсуд ака ним кулиб, уни эшитар экан, «Ҳа, энди нима қилибман» дердилар.

Бунга ўхшаш воқеаларни Мақсуд ака ҳаётидан кўплаб келтириш мумкин. Бир куни у кишининг хоналарида суҳбатлашиб ўтиргандик. Кекса шоир Толиб Йўлдош кириб келди. Ҳол-аҳвол сўрашиб бўлингач:

— Мақсуджон, — деди у, — бу деяман аяган кўзга чўп тушади, деганлари рост гап экан. Шу десангиз мана кўйлагимнинг кўкрак чўнтагига минг сўм пулни солиб қўйгандим. Билмадим, нима бўлган, тушиб қолдими ё ўзим тушириб қўйдимми, ҳозир анави ердаги дўконга кириб бирор нарса олай десам, пул йўқ, хижолатим ошиб кетди. Дилимни ёрай, ҳоврим босилсин, деб тўғри сизнинг ёнингизга йўл олдим.

— Қизиқ одамсиз ўзингиз. Кишининг ёши бир жойга борганда бунақа ишлар ҳаммамизда ҳам бўлиб

туради, кўнглингизни чўктирманг, бош омон бўлса. Қолган ҳамма нарсанинг ўрни тўлиб кетади, — деди-да, чўнтагидан бир нечта юз сўмлик олиб Толиб аканинг кафтига қистирди. Оқсоқол хайрон, ҳам хижолат бўлгандек, ҳам ҳаяжонда. Бу ҳолатни сезди Мақсуд ака ва гапни бошқа ўзанга буриб юборди.

— Қани, янги шеърлардан олиб келдингизми, ижодни бўшаштирманг. Сиз ва биз учун энг катта бойлик ўша.

— Илоё худойим бирингизга минг берсин, деб такрорларди Толиб ака.

Оқсоқол шоирнинг «Меҳригиёҳ» газетаси даргоҳига келиб туришининг боиси бор. Аввало кекса одам яхши гапнинг гадоси, ҳар сафар ҳурматини жойига қўйиб, илиқ кутиб олишади бу ерда. Кўнглини кўтарувчи гаплар айтилади. Сўнг зарурат бўлса ёрдам берилади. Бир куни Толиб ака юрагини ёрди.

— Мақсуджон, — деди у хўрсиниб, — ношукурчилик бўлмасину кўзларимнинг мазаси қочяпти. Ёш ҳам саксондан ўтди, ёзолмаяпман. Бир амаллаб ёзсам, буни қаранг-ки, ўзим ўқий олмаяпман. Шунақа ҳам кўргулик бўладими? Алам қилади, жуда алам қилади. Бошим қотган, фикр ишлаяпти, кўнгил безовта, миямда сатрлар оқиб келади. Илло уларни қоғозга туширолмаяпман. Тарки дунёим қоронғу бўлиб кетади, шундай паллада. Нонложлик — энг ёмон нарса экан.

Мақсуд ака ҳам ўйланиб қолди. Рост-да, бундай ҳолатда нима қилиш керак? Муаммонинг ечимини топди шекилли, оқсоқол шоирга қараб шундай деди:

— Сиз илгари ҳам ўз шеърларингизни ёдаки айтиб юрардингиз. Бундай қиламиз. Янги асарингизни миянгизда обдон пиширинг. Меъёрига етгач, тўғри бизга келинг. Ўрол Ўзбек деган йигитимиз бор. Сиз айтиб турасиз, у ёзиб олади. Сўнг газетада чоп этамиз.

Оқсоқол ҳайратдан қотиб қолди. Буни қаранг, ич-ичидан эзилиб юрган муштули осон бўлди-қолди.



Дунёда шундай одамлар борлиги учун сенга ҳадсиз-ҳисобсиз ҳамду санолар бўлсин, эй худойим, деган фикр кўнглидан ўтди. Бу эътибор, бу меҳрибонлик учун қандай қилиб миннатдорчилик билдиришга боши қотган, табиатан содда, бир оз тўпори Толиб ака:

— Бизга ўхшаганлар ғамини ейдиган сизлардек инсонлар умрига умр қўшилсин. Мендан қайтмаса Яратган эгамдан қайтсин. Сизлар учун нима ишлар қилганманки менга бу қадар саховат кўрсатяпсизлар...

Шундай бўлди. Қўшни хонага чиқишди. Толиб ака энтикиб-энтикиб янги шеърини айтиб турди. Ўрол ёзиб олди. Шу усулда дунёга келган туркум шеърлар газетанинг навбатдаги сонида чоп этилди. Оқсоқолнинг кўнгли тоғдек кўтарилди.

Орадан анча вақт ўтди. Толиб ака яна келди.

— Мақсуд ука, — деди оқсоқол. — Бу даргоҳнинг, сизларнинг меҳригиёҳларинг бор. Тортаверади, тортаверади. Энди нима десам экан, — гапнинг бу ерига келганда оқсоқол хижолат бўлдими, сўзлашдан тўхтаб қолди.

— Тортинманг, айтаверинг, нима гап, — далда берди Мақсуд ака.

— Энди барча ташвишларимни елкангизга ортиб ташласам бир оз меъёрдан чиқиш бўладими, деган андишаман. Ҳар нарсанинг чеки бор-ку.

— Биз ахир ака-укамиз-ку, жигарчиликда бирининг юкини иккинчиси енгил қилмаса, ундан қандай бўлади?

Бу гаплардан Толиб аканинг вужуди эриб кетди, кўнгли яйради, кўзлари чарақлагандай туюлди унга.

— Мен сизга айтсам йигирмадан ортиқ китобим чиққан, ёзувчилар уюшмасида мендан ёши улуғроқи йўқ ҳисоб, аммо олаётган пенсия пулим бошқаларникидан анча кам. Нега бунақа десам, униси у дейди, буниси бу дейди. Бошим қотган. Нима қилишимни билмайман. Ҳеч иложи йўқмикан шуни...

Мақсуд ака ўша китобларни чиқарган нашриёт-ларга, бошқа тегишли ташкилотлардаги мутасадди раҳбарларга телефон қилди, масалани тушунтирди. Зарур ҳужжатларни тўплаб, Толиб ака учун эндиликда энг катта муаммо бўлиб турган жумбоқни ҳал этди. Неча ўн йиллар олдин нашр этилган китобларга олинган қалам ҳақлари тўғрисидаги ҳужжатларни топишнинг ўзи бўлмади. Бу ишга Республика Давлат матбуот қўмитасининг раиси Рустам Шоғуломов шахсан бош қўшди. Нашриёт раҳбарларига тегишли кўрсатмалар берди. Оқсоқолнинг пенсия пули салкам ўттиз фоизга кўпайди. Бу кекса одам учун жуда катта гап эди. Толиб ака кўзида ёш билан дуо қилди.

Ҳа, Мақсуд ака ўзгалар дардини ўз дарди деб билади. Қоқилганни суяйди, йиқилганга тиргак бўлади. Атрофдагиларнинг қувончига ҳам, ташвишига ҳам доимо шерик. Пенсияга кетганларнинг аҳволи қандай — кўпроқ шу ҳақда ўйлайди. Рост-да, ёшларнинг ўрни бошқа. Уларда куч бор, ғайрат бор, уринса рўзғорнинг кам-кўсти тўлиб кетаверади. Қийин-қийин кексаларга. Аввалги куч-қувват қаёқда дейсиз. Булар табиий. Лекин энг муҳими кўнгил — шунга эҳтиёж бўлмоқ, ундан иложи борича кўз-қулоқ бўлиб турмоқ зарур. Боришнинг иложи бўлмаганда жилла қурса, телефон қилиб икки оғиз сўз билан кўнгил сўраш — шунинг ўзи ҳам катта гап. Кекса кишининг кўнгли эса жуда нозиклашиб қолади. Битта гап ортиқча, яримтаси эса камлик қилиши — ўшалар ҳақида айтилган.

... Наврўз байрами яқинлашаётганди. Ҳозирги пайтда пенсияда бўлган касбдошларини бир-бир кўз олдидан ўтказди. Улардан бир қанчасини исми-шарифини ёзиб рўйхат тузди. Газетанинг ҳомийларидан бири — «Меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармаси»нинг раҳбарлари билан учрашди. Аҳволни ту-



тушунтирди. Хуллас, кимгадир пул ёрдами, кимгадир кийим-кечак ундирди. Гап ўша берилган хайрияда эмас, қўлдан берганга қуш тўймас, дейдилар. Муҳими кўнгилда. Бизни эслашяпти. Ҳали ҳам қадримиз бор. Ҳурматимизни жойига қўйишяпти, дейишади улар. Қарасангиз, бошлари осмонда, кўнгил эса тоғ каби.

Окамнинг бундай савоб ишларининг қай бирини санай, қай бирини айтай. Ҳаммасини эмас, асосийларини санасам ҳам катта бир китоб бўлғай. Бундай инсонлар ҳақида улуғ Навоий хўп топиб айтган эканлар:

*Одамга етишмак истасанг киши*
*Эзгулик, сахийлик, покликдир иши.*

Мана, ярим аср бўляпти тақдир мени шу киши билан учраштирганига. Яратганнинг бениҳоя буюк иноятидир, деб билурман, буни. Инсоф ва диёнатли, имонли, ҳалол ва пок, андишали ва ҳаёли. Умр ўтиб боряпти. Мендан қандай ном қолади, ҳаётимдан аввало ўзим розиманми, деб савол бергани-берган. Эл-юрт рози, худо рози деган гап бор. Шунга яраша ишлай, иш тутай деган ният қалбида жо.

Дили чўккан кимсанинг кўнглини олмоқликни қирқ қулни озод этиш билан тенглаштирган аждодларимиз. Қилган яхши амалларимиз маҳшар куни бизнинг энг ишончли ҳимоячиларимиздир. Саховатли киши қалбини қуёшга ўхшатадилар. Ҳақ гап. Шу қуёш тафтидан меҳрга ташналар баҳра оладилар. Шундай кишилар туфайли эзгулик бор, яхшилик бор.

Окам навбатдаги китобини «Эзгуликка интилиб» деб номлабди. Катта ҳаёт йўлини босиб ўтган муаллиф бошидан кечирган воқеа-ҳодисаларни ажиб бир услубда ифодалаб берган. Китобдан олган таассуротларим бир дунё. Назаримда вақт ўтган сайин муаллиф қобилиятининг янги-янги қирралари очилиб

бормоқда. Ёши саксонга қараб кетаётган оғамни
худди йигитлардек жўшиб, тошиб ижод этаётгани
гига чин дилдан ҳавасим келади. Бу каби кайрат, б
каби хислат ҳар кимсага ҳам насиб этавермайди
Илоё уни ёмон кўзлардан ўзи асрасин.

Китоб қуйидаги шеърий сатрлар билан якун
нади:

*Бу дунё ўткинчи, ҳаёт бетакрор*
*Фақат битмай қолган қўшиқларим бор.*

Оллоҳдан ихлос билан қадрдоним, устозим, ҳа
га жозиба бераётган, одамлар кўнглига малҳам у
шаётган, бағри меҳр ва саховатга тўла чин ИНСОН
га узоқ умр тилайман. Токи, ўша «битмай қол
қўшиқлари»ни ниҳоясига етказсин. Омин!

***Зиёд ИСЛОМ***

## САХОВАТЛИ ҚАЛБ ЭГАСИ

Дилкаш ҳамкасбимиз Убайдулла Ёқубович И
роҳимовни танимайдиган ва билмайдиган од
назаримда жуда камдан-кам бўлса керак. Қалби
меҳр қуёши товланиб турган дилкаш, ширинсу
бу табаррук инсон алп қомати, савлати билан а
либ туради. Хушмуомалалиги, юмшоқ табиати би
кишини ўзига ром этади.

Убайдулла Иброҳимов республикамизнинг ради
эшиттириш ва телевидение Давлат қўмита
қарийб 30 йил раҳбарлик қилди. Ўзи учун муқад
бўлиб қолган шу улуғ даргоҳга 1954 йили ишга
либ, бутун меҳнат фаолиятини, то пенсияга ч
кунга қадар шу ерда ўтказди. Даставвал хори
радиоэшиттиришлар муҳарририятида Бош муҳа
рир, радиоахборот бош бошқармаси бошлиғи

ўринбосари ва бошқарма бошлиғи бўлиб ишлади. Бу вазифаларни муваффақиятли бажаришда СССР Ташқи ишлар халқ комиссарлиги олий дипломатия мактабида таълим олганлиги, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасида масъул ходим бўлиб ишлаганлиги ва ниҳоят Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ажнабийлар билан иш олиб борувчи махсус бўлимига бошчилик қилганлиги жуда қўл келди.

1956 йилнинг 5 ноябрида ишга тушган республикамиз телевидениеси халқимиз маданий ҳаётида катта воқеа бўлди, юртдошларимиз ҳаётига чуқур сингиб кетди, халқимиз ҳаётининг равшан кўзгусига айланди. Убайдулла Ёқубович 1957 йилнинг бошида Ўзбекистон Министрлар Совети радиоэшиттириш ва телевидение Давлат қўмитасининг раиси этиб тайинланди. Ўзига хос фикрлаш тарзи бўлган чуқур мушоҳадали Убайдулла билдирилган бу ишончни оқлаш учун қунт билан меҳнат қилди, тиниб тинчимади.

Тошкентда радиоэшиттириш ва овоз ёзиш уйининг ҳашаматли биноси, пойтахтимизнинг ҳуснига кўрк қўшиб турган ажойиб кошона — Телемарказ биноси, Оқтошда дам олиш оромгоҳи қад кўтарди. Нукус, Урганч, Қарши ва бошқа вилоят марказларида телемарказ ва радио уйлари, Тошкентда радиотелевидение ходимлари учун кўп қаватли турар-жой бинолари қурилди. Сурхондарё, Наманган, Жиззах вилоятлари марказларида янги телестудиялар ишга туширилди. Уларни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, мутахассис кадрлар тайёрлаш учун дўстимиз қўлидан келган ҳамма тадбирларни амалга оширди, тиним билмади.

Оммавий ахборот воситалари орасида халққа энг яқини ойнаи жаҳон ва радиодир. Ана шу нуқтаи назардан қаралганда, оммани ўзига жалб этиш учун

радио-тележурналистлардан чуқур билим ва тезкорлик талаб қилинади. Топиб айтилган сўз тошни ёрар, деб бежиз айтмаганлар. Телерадио қўмитасининг ижодий ходимлари сўзнинг ана шундай қудратидан ўз ўрнида ва самарали фойдаланиш учун жонбозлик кўрсатиб ишлаганликларини яхши биламан.

Ўз касбининг нозик томонларини ипидан-игнасигача бадастир билиб олиш учун ҳаракат қилиб, чин маънода истеъдод соҳиби бўлиб етишган У. Иброҳимов босиб ўтган ижодий йўлига фахрланиб назар ташласа арзийди. Унинг бевосита ёрдами ва ғамхўрлиги туфайли шу соҳа журналистларининг янги авлоди вужудга келди. Телерадио жамоасида иқтидорли журналистлар, режиссёрлар, операторлар билан бирга ижро маҳоратининг юксак намуналарини намойиш қиладиган, ўзбек миллий мусиқа ва қўшиқчилик санъатини унинг барча қирраларини қамраб олган ҳолда кўрсата оладиган ажойиб санъаткорлар ҳам етишиб чиқди. Жўрахон Султонов, Ориф Ҳожимов, Ортиқхўжа Имомхўжаев, Асқар Убайдуллаев, Карим Мўминов, Ориф Алимаҳсумов, Очилхон Отахонов каби халқимизнинг севимли ҳофизлари, Берта Давидова, Коммуна Исмоилова, Малоҳат Дадабоева, Ҳадя Юсупова каби классик қўшиқларимизнинг моҳир ижрочилари Убайдулла Ёқубов бошчилик қилган айни шу жамоада камол топиб, элга танилди. Дони Зокиров, Фахриддин Содиқов, Додали Соатқулов, Ғанижон Тошматов, Набижон Ҳасанов, Ориф Қосимов, Саиджон Калонов каби таниқли бастакорлар шу жамоада ўсиб, улғайди. Устоз бастакор академик Юнус Ражабий бош бўлган мақомчилар дастаси халқимизнинг энг севимли қўшиқчилари жамоасига айланди.

Бутун умрини радиоқўмитада ўтказган, жон қўшним, Ўзбекистон халқ артисти, атоқли баста-

ор Ғанижон Тошматов сўзларини кечагидек эслайди:

— Убайдулла ака оққўнгил, меҳри дарё одам. Елларнинг севимли мураббийси. Ижодий ходимларимизнинг ютуғидан доимо хурсанд бўлардилар, камчилигидан изтироб чекардилар. Биз у кишининг бу фазилатини жуда қадрлаймиз, ғамхўр раҳбар сифатида доимо эслаб юрамиз. Дили поклиги, тўғри сўзлиги, дилкашлиги, беозорлиги Убайдулла Ёқубович қалбида латиф, бокира туйғулар ҳамроҳлигини ифода қилади.

Ҳақиқатан ҳам У. Иброҳимов ҳар қандай вазиятда, ҳатто иши бошидан ошиб-тошиб ётган пайтларда ҳам ўзи билан бирга ишлаётган ходимлар, шогирдлари билан бафуржа гаплашишга вақт топди, самимий, очиқ юз билан саломлашди, қувончига ҳам, дардига ҳам шерик бўлди. Ёрдамга муҳтожлар бўлса, ҳардоим кўмакка шошилди, маслаҳат берди, меҳрини ва дил сўзларини аямади.

Мен хизмат тақозоси билан турли миқёсдаги анжуманларда, декадаларда, қурултой, сессияларда у билан кўп вақт бирга бўлганман, республикамиздаги кўплаб хўжаликларни бирга кезганман. Очиғини айтсам, ҳамма ёқимтой, содда, камтар ва жуда қувноқ бу олижаноб инсон билан тез тил ва дил топишиб кетганлигининг ҳам гувоҳи бўлганман.

Қадрли дўстимизни саксондан дадил сакраб ўтишини, тўқсон билан тўқнашиб, юз ёш билан юз кўришишини тангридан тилаб қоламиз. Унинг кўксини безаб турган орден ва медаллар, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони саховатли қалб эгасининг республикамиз халқ хўжалигини ривожлантириш, радио-телевидение соҳасида узоқ йиллар фидокорона, самарали ва баракали меҳнат қилганлигини яққол кўрсатиб турибди.

## МЕҲНАТ ВА ИЖОД ОДАМИ

Гўзал ва бепоён юртимизда бу таърифга муносиб ишончли ва фидокор одамлар анча. Сизнинг ўзингиз ҳам, ўйлаб кўриб, бунга балки юзлаб мисоллар келтира оласиз. Лекин мен ҳозир айтмоқчи бўлган одамни эслаб, ич-ичингиздан «тўппа-тўғри» деб юборасиз. Бу одам Ислом Шоғуломов.

Ўн беш ёшида ҳунар-техника мактабини битириб, босмахонада ҳарф терувчига шогирд бўлиб иш бошлаган даврида Ислом аканинг ўзи ҳам бутун тақдири, бахти ҳам, ташвишлари ҳам шу даргоҳ билан боғлиқ эканлигини билмаган бўлса ажабмас.

Ҳозир Ислом аканинг бутун ҳаёт йўли ҳақида гапирамиз десак анча қоғозни қоралашга тўғри келади. Худди шундай ўша мўъжаз босмахона тикланиш босқичлари тўғрисида ёзамиз десак ҳам шунча қоғозни қоралашга тўғри келади. Лекин иккаласининг ҳам юксалиш йўллари бир, тақдирлари бир эканлиги, босмахона йиллар бўйи улкан босма мажмуасига айланганги қатори, ёш ҳарф терувчи меҳнат, ўқиш ва интилиш, масъулият ва билим орқали матбаа соҳамизнинг ҳақиқий устаси, етакчисига айланадики, ҳар иккаласининг умрини бир-бирисиз таърифлаб ҳам, тасаввур этиб ҳам бўлмайди. Ўша босмахона тикланиш йўлида номлари бир неча марта ўзгариш билан моҳияти аслидай қолди. Ҳозирда унинг номи «Шарқ». Ислом ака бутун умрини шу ерда ўтказди (тўғри бу орада 1984—88 йилларда замоннинг зўрлари зуғуми билан ўзи ёшликда ўқиган ҳунар-техника билим юртида ишлаб ҳам қайтди. Ислом ака у кезларни эслаб «Астрободдаги йилларим» деб кулиб қўяди. Лекин бу кулгу жуда оғирлик билан юзага чиқишини зеҳн солган одам сезади). Меҳнат дафтарчасида ҳам номлари қайта-қайта ўзгарган, лекин [illegible] бир корхона. У бу даргоҳнинг қаватларидаги зинапоялар нечталигидан тортиб, ҳовлидаги хур[illegible] қосили йил неча дона мева қилганини ҳам билади. Цехларни-ку, гапирмайлик. Машҳур футбол қироли Пеле футбол ўйинидан сўнг ярим кеча уйига келиб, пинакка кетиб, тонг саҳар уйғониб «тушимга футбол майдони кирибди» деган экан.



Ислом ака ҳам шунақа. Кеч 9 дан кейин уйга келиб эрталабгача ишни, цехни соғиниб қолади. Шун[illegible], кечаси билан режалар тузиб чиқади, уларни қоғозга туширади, эрталаб қабулхонасига сим қоқиб, ишга етиб боргунча шу режалар бўйича иш ташкил қилдириб туради.

«Шарқ» босма маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган тугал матбаа-нашриёт мажмуаси. Замон шитоби, бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, ўтган йилдан буён Президентимиз фармони билан нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясига айланди. Бу ерда ғоялар китобга айланади, фикрлар газета-журналга. Мен атайлаб қизиқиб кўрдим: дунёнинг ҳеч бир мамлакатида унинг барча етакчи газета-журналлари бир жойда босилмас экан. Фақат бизда — Ўзбекистонда, фақат бизда — «Шарқ»да. Ҳозир ҳам 100 га яқин «катта газеталар», 60 га яқин журналлар, бошқа нашриётларнинг буюртма китоблари, қолаверса ўртача 490—500 та «Шарқ» Бош таҳририяти китоблари чоп этилмоқда.

Ислом Шоғуломовнинг иш тамойили: аъло сифат, қисқа муддат, арзон нарх. Бу дегани буюртмачининг ҳар бир китоби аъло сифатда чиқиши лозим. Бу эса осонлик билан бўладиган иш эмас. Энг аввало юксак малакали мутахассисларни тайёрлаш, улар ҳунарининг устаси бўлишларини таъминлаш. У раҳбар сифатида энг аввало юксак профессионалларни қадрлайди. «Бундан буёғига замон профессионалларни-

ки» дейди. Иккинчи шарти илғор, замонавий техника ва худди шундай технология. «Шарқ»нинг ҳозирги техникалари қай йўсинда бунёд этилгани ҳар бири бир олам воқеа. Раҳбарнинг шиддати, мавқеи, дипломатияси, чўрткесарлиги, «катталарга» масала моҳиятини очиб бериши, ўзининг ҳақлигини, яъни керак бўлганда айнан шу жараён сув-ҳаводек зарурлигини исботлаб бериши, буларнинг барчаси ҳал этувчи рол ўйнайди.

Москвага сафар. Марказқўм қабулхоналарида сарғайиб ўтиришлар ва юқоридаги фазилатлар натижаси ўлароқ босмахона мажмуаси — ўз вақтида бекаму кўст техникага эга бўлган. Замонавий технологияларнинг қўлланишида эса бош наҳомчиси ўзи бўлган. Ишдаги жараёнлар узлуксизлигини таъминлаш энг асосий ютуқлар омилидан бири бўлган. Хўш Сиз бир китоб тайёр ҳолга келгунча неча жараёндан — босқичдан ўтишини биласизми? 3—4 босқич дерсиз. Қўлёзма цехга тушдию босилаверади деб ўйловчилар ҳам топилади. Аммо, ўша қўлёзма китоб ҳолини олгунча 20 дан ортиқ жараёндан ўтишини ҳамма ҳам билавермайди. Ана шу жараёнларнинг узлуксизлиги муваффақият гаровидир.

Буюртманинг тез муддатда тайёр маҳсулот тусини олиши ҳам ана шу узлуксиз технология жараёнининг бутлигига боғлиқ. Нархлар масаласида бу одамнинг фалсафаси битта — китобдан бойимаймиз дейиш нотўғри. Китоб арзон, ўқувчи чўнтагини тешмайдиган бўлиши керак. Китоб нархи билан эмас, ўқилиши билан афзал.

Дарвоқе, китобнинг ҳиди борлигини, у ноннинг ҳидига ўхшашлигини ҳам шу устоздан эшитганман. Газеталар хусусида гапирганда, янги бир нашр чиқадиган бўлса, қувонади, молиявий сабаб, шароит туфайли тўхтайдиган бўлса куюнади. Бу ишлаб чиқаришдаги иш билан боғлиқ қувониш ё куюнишгина



эмас. Бу нашрларни фарзандга қиёслайди. Бирортасининг фаолияти тўхтаб қолса, худди бир бармоғингни кесгандек дили ачишади деб, бу йўқотишнинг олдини олиш ҳаракатини қилади.

Баъзан ўйлаб қоламан: Ислом Шомуродович матбаачиликда зўрми ё қурилиш соҳасида. Мана шу муҳташам Тошкентнинг кўркига кўрк қўшиб турган 10 қаватли бино (халқ тилида «соатли бино»)нинг ўзини олинг. Бир вақтлар «Время» дастури ниҳоясида об-ҳаво берилганда «Ўзбекистон» деганда шу бинони тез-тез кўрсатишарди. Ёки 7 қаватли газеталар таҳририятлари биноси. Бу кошона не-не курашлар, асаблар, юрак зўриқишлар, ҳаяжон ортгиришлар эвазига яратилган бу бино. Мана ҳозир ҳамма газеталар бир жойда, бир бинода эканлигини ўйласанг, дилинг яйрайди, қувониб кетасан. Ҳамма ижодкорлар бирга, ёнма-ён ижодий гурунгдан тортиб ижодий баҳсгача ҳаммаси бирга. Бу ҳам майли. Яна бир ажойиб иш — газета чоп этиладиган мажмуа ҳам шундоқ таҳририятларнинг ёнбошига жойлашганки, бундай бекаму кўстлик боя айтганимдай бошқа бирор жойда йўқ.

Мен ҳали Қибрайдаги «Навбаҳор» (исмини ҳам ўзлари қўйганлар) санаторий-профилакторийси ҳақида гапирганим йўқ. Бу ҳам у кишининг «ижоди». Қишин-ёзин бу сиҳатгоҳда неча юзлаб ишчи-хизматчилар, журналистлар, ижод аҳли дам олишади. Муолажа олишади. Кўркам боғда сайр қилишади. «Тоғ» ҳам бор. Корхонада бу гўзал оромгоҳни бир сўз билан «тоғ» дейилганда, Бўстонлиқ туманининг сўлим Янгиқўрғон қишлоғидаги болалар оромгоҳи, дам олиш зонаси назарда тутилади. Қарийб 180 гектарлик ҳудуд боғ-роғлардан иборат, тоғ ёнбағрига сув, электр қуввати, асфалт йўллар, канализация иншоотлари қурилган. Кўркам коттежларда барча қулайликлар бор, ишчилар ёзда шу оромгоҳда дам

олиб ҳордиқ чиқаришади. Боғнинг мева-чевалари корхонага олиб келиниб, бозордан 2 баробар арзон нархда сотилади. Хуллас, бундай боғига ҳавас қилса арзийди ва бундай бунёдкорлик, тадбиркорлик ишларининг бошида шак-шубҳасиз узоқ йиллар Ислом Шоғуломов саркор бўлиб келди.

Худди шу Ислом Шоғуломов 35 йил нашриётига бош директор бўлди. Раҳбарнинг иш куни эса эрталабки газеталарни кузатишдан (текширишдан) бошланади. Бу шунинг учунки, дастлаб барча газеталарни матбаачи мезонларидан кўриб чиқади. Яъни яхши босилганми, бўёқлар чапланган ёки хира чоп этилган жойлари, доғ-дуғлар йўқми, суратлар сифатлими ва ҳоказо. Кейин ўқувчи сифатида кузатади, зарур, кераклы мақолаларни белгилаб чиқади, иш орасида, танаффусларда ўқийди, муаллифларга, муҳаррирларга сим қоқиб, фикрини айтади, улгурмаганини кечқурун уйига олиб кетади.

Агар «энг кўп газета варақлаган одам» деган сўров ўтказилганда балки Ислом ака ютиб чиқармидилар. Бу гапни китоблар бўйича ҳам айтиш мумкин. Раҳбар, ношир сифатида ҳам ҳар бир чиққан янги китоб худди тандирдан узилган нондай дастлаб у кишининг столида бўлади. Яна ўша тарзда, аввал ношир сифатида муқовадан тортиб, охирги варағигача кўриб чиқади, сал камчилик топиласа, «урди худо», ҳаммани йиғиб «разбор» бўлади, агар уни ҳозир тўғрилаш мумкин бўлса, ортиқча харажат ҳисобига бўлса ҳам дарҳол тузатишади. Кейин ўқувчи сифатида мутолаага тушади. Ижодкор сифатида чуқур таҳлил этиб, фикрини билдиради.

Дейлик шу 35 йил мобайнида ҳар йили «Шарқ»да ҳам ўзини, ҳам буюртмалар, ҳам бошқа нашриётларнинг китоблари бўлсин ўртача 1000 та китоб чоп этилган бўлса, бу одамнинг қўлидан 35 мингта китоб ўтган бўлиши муқаррарлиги айни ҳақиқатдир.

Шунча китоб кўрган одамнинг ўзи ҳам ёзувчи бўлмаслиги мумкин эмас. Олим, тарих фанлари номзоди сифатида матбаа тарихидан 10 та китоб яратди. Ёзувчи сифатида «Ҳаётимнинг 70 лаҳзаси», «Невараларимга мактублар», «Саодат» манзиллари» каби китоблар қуйма сатрлар, ҳаётни кўрган одамнинг тажриба-ю фалсафалари билан сизни тўлқинлантиради, ўйлантиради. Қолаверса, Ислом ака табиатан кулгига мойил одам. «Муштум кутубхонаси» сериясидаги мўъжиз тўпламлари, ишхонадаги сафдошлари (бош қаҳрамон — Тоживой Исҳоқов), маҳалладаги улфатлари ҳақидаги турфа ҳангомалардан иборат «Шохдан тушган уста» асарини мириқиб ўқиб, ҳузур қилиб кулиш мумкин. Сон-саноқсиз мақолалар бу ҳисобга кирмайди.

Ислом ака тақдир зарбаларига ҳамиша мардона дош бериб келган инсон. Лекин ўғли Алишернинг фожиали вафоти нақ уни синдираёзганди. Ота учун фарзанд доғи ҳамиша оғир. «Алишер мен учун нафақат фарзанд, балки фикрдош, ижодда ҳамнафас эди. Ёзган нарсаларимни дастлаб у ўқир, мулоҳаза билдирарди. Кўпинча унинг гаплари, таҳрирлари тўғри эканлигини тан олиб ич-ичимдан қувонардим. Худди шундай у ёзган биринчи мақола (эсимда «Пионер Востока» газетасида чиққанди) дан тортиб, катта асарлари, повест, киносценарий, очеркларигача биринчи ўқувчиси мен бўлардим. Мен бир нарсадан фахрланиб яшайман, у нимаики ёзган бўлса, менинг фарзандим эканлиги учун нашр этилмасди, чиндан ҳам мукаммал асар сифатида ижод талабларига тўғри келгани учун чоп этиларди», дейди ота. Ҳам фарзанд, ҳам маслакдошни йўқотиш оғир эди. Лекин яхшиямки иш бор экан, бор дарду ғамини ишдан олди. Фарзанди учун ҳам, унинг болалари учун ҳам ишлаши, яшаши, уларни оёққа қўйиши лозимлиги ҳам Ислом акани шунга ундади. Айни пайтда Али-

шернинг ёзган асарларини, ҳикоя, мақола-ю, қис... саларини йиғиб, китобга жамлади. Бу китоб ҳам ў... ўқувчисини топиб кетди.

Шунга қарамай, Ислом аканинг бир қусури бор (ас... лида бу фазилатдир балки). У ўта тўғри одам, ўз кор... хонасига қаттиқ меҳр қўйиб юборган, унинг жамоаси манфаатини ҳамиша устун қўйган, турли тоифа бош... лиқларнинг гапига кўпам киравермаган, ўта мустақил бўлган. Ўзига, ўз касбига, маҳоратига, тажрибасига ишонган, мана шу ишонч уни ҳамиша дадил гапириш... га ўргатган. Муросасозликни билмайди, эгилиб ўрган... маган, қуллуқ қилиш одати йўқ. Айрим ҳолатларда бу унга панд ҳам бериб туради, шунда ҳам эътиқодидан қайтмаган. Матбаачиликни қалбдан тушунмайди... ганларга бу унча хуш келмайди, ҳамкасблари-ю иш... чилар эса уни шу боис ҳам ҳурмат қилишади.

«Умр оқар дарё» дейди халқ. «Югурик давронди... асли бу даврон» дейди шоир. Роса 72 ёшга чиққанда, соҳасида роппа-роса 57 йил ишлагач Ислом Шоғу... ломов нафақага чиқди. «Чойхонада эрта-кеч ёнбош... лаб ётиш менинг феълимга тўғри келмайди» деб бир вақтлар ўзи ташкил этган нусха кўчирувчи «Ўзксе... рокс» Ўзбекистон — Англия қўшма корхонасига бош... чилик қилмоқда. Ўша ғайрат, шижоат билан ишла... моқда. Бўш вақт топса қоғоз қоралайди. Ҳажвия... мақолалар, хотиралар ёзаяпти. Энг муҳими, «Шарқ»дан — бир умрлик қадрдон гўшасидан узилиб кет... маган. Ишхоналари ҳам ёнма-ён. Янги раҳбар Бо... бур Алимов ўзининг шогирди. Лозим пайтда масла... ҳат билан олдига чиқиб туради. «Шарқ»нинг бирор тўй-анжумани Ислом акасиз ўтмайди.

...Йиғилиб кутиб туришади.

Ислом ака одатда таклиф этилган тадбирларга доимо келадилар. Шогирдлар ҳам бунга ўрганиб қолишган. Ҳурмат ва одоб сақлаб уни очиқ чеҳра билан кутиб олишаётганини сезган Ислом ака «Вақ...



...бир, ошнинг энг зўр жойини еймиз», деб кулгига ола... дилар. Меҳмонхонага жўр бўлиб кириб боришганда ...нинг лили яйрайди. Устозини эъзозлаган шогирдларга таҳсинлар ўқишади. Шогирдларини бағридан узмаган устозни алқаб, дуо қилишади.

Менимча, бунда катта фалсафа бор. Унга етмоқ, ...лов ва муносиб бўлмоқ керак.

*Тоҳир МИРҲОДИЕВ*

## ЁНИҚ ҚЎШИҚЛАР БОР БЎЛСА

Ҳаёт, касб тақозоси мени турфа тоифадаги одамларга рўпара қилди. Мана, ёш улғайиб, ақл ...пишиқлашиб, оқ-қорани ажратадиган паллага етгач, ...бундай ўйлаб қарасам, кўпроқ яхши одамларга дуч ...келган эканман.

«Тошкент ҳақиқати» газетаси таҳририятида ўн уч йил ишлаган бўлсам, шундан ўн йил мобайнида На... зармат ака билан ҳамхона эдик, бир-бирига тиралиб қўйилган икки стол қаршисида юзма-юз бўлиб ўти... рардик, худди туғишганлардек ниҳоятда яқин, сир... дош ва ҳасратдош бўлиб қолгандик. Устоз муборак саксон ёшга тўлган кунларида бу табаррук инсон ҳаётида рўй берган, ўзим гувоҳ бўлган унутилмас воқеалар кўз ўнгимдан ўта бошлади.

▲

Олтмишинчи-етмишинчи йилларда пойтахтда нашр этиладиган газеталарнинг таҳририятларида кўп хайрли таомиллар бўларди. Шулардан бири — Тошкентга гастролга келган вилоят ижодий жамоаларининг журналистлар билан учрашуви, яъни ўзига хос ижодий ҳисоботи эди. Камина ана шундай тадбирларга жон деб қатнашардим. Вилоятдан келган санъаткорлар билан танишувдан ўзим учун маъна-

вий озиқ олардим (радиодан эшитиб, телевиден орқали томоша қилиш бошқа, ўзларини ҳаётда жон ҳолатда кўриб, нафасларини ҳис этиш бошқада)

Адашмасам, ўтган асрнинг етмишинчи йилини ёзи эди. «Андижон театри артистлари келишар деган хушхабарни эшитгач, ҳамхонам Назармат билан бирга айтилган соатда нашриётнинг тўрт қаватдаги клубига кириб бордик-да, қулайроқ топиб жойлашиб олдик. Кўп ўтмай, машҳур театр кино артисти Аббос Бакиров бошчилигидаги гуруҳ артистлар залга кириб келишди. Театр ра рининг кириш сўзи ва таништирувидан сўнг церт бошланди. Конферансье бирин-кетин риб турди. Куйлар қўшиққа, ялла рақсларга ҳанг бўлиб, мусиқали драмалардан парчалар этилди. Бутун зал аҳли мароқланиб ўтирарди.

— Мен галдаги навбатни театримизнинг ва истеъдодли актёри Нуриддин Ҳамроқулов раман, — деди бошловчи концерт ниҳояланиб ганида. — «Раъно». Назармат шеъри.

Дарров ёнимга қарадим. Назармат аканинг ри чақнаб кетган, юзига қизиллик югуриб улгур эди. «Эшитиб кўрайликчи» дегандек устоз қўл ушладилар. Саҳна ўртасида қўлида тор кўтарган, бўйли, қалин сочлари тимқора. 20—22 ёшлар истараси иссиқ бир йигит пайдо бўлди. Унинг ви илгари ҳеч эшитмагандим. Дилбар қўшиқ бошлагач, зал сув қуйгандек жимиб, ўтирганлар бутун вужуди қулоққа айланди.

*«Табиат гулларга гул танлаганда,*
*Камалак чиройин сенда кўрганму?*
*Ошиқлар ёрига гул жамлаганда,*
*Муҳаббат рамзини сендан сўрганму?*
*. . . . . . . . . . . . . . .*
*О Раъно, о Раъно, кўнглимга ҳамроз,*
*Ё юрак, ё ишқ риштаси».*

Қўшиқ тугади. Залда қарсаклар янгради. Шунда газетамиз муҳаррири Аҳмад ака Исмоилов ўринларидан турдилар-да, саҳна томонга қараб баланд овоз билан дедилар:

— Нуриддинжон, Сиз ҳозир айтган қўшиқ шеърининг муаллифи мана шу ерда. Ана Назармат, учинчи қаторда, ўртада ўтирибди.

Яна қарсак янгради. Назармат ака ўринларидан туришга — ўзларини танитишга мажбур бўлдилар. Ҳамкасблар ҳам, андижонлик артистлар ҳам янги туғилган ажойиб қўшиқ билан Назармат ака ва Нуриддинни самимий табрикладилар.

Нуриддин саҳнадан тушиб, тўппа тўғри Назармат аканинг олдига келди:

— Узр, устоз. Мен шеърингизни ўзингиздан берухсат газетадан ўқиб, куйга солгандим.

— Шундай яхши қўшиқ яратганингиз учун мен сизга миннатдорчилик билдиришим керак, ука.

— Раҳмат, устоз ижодингизга ривож, барака тилайман. Шунақанги дилбар шеърларни кўпроқ ёзиб, мухлисларингизни қувонтириб юраверинг.

Назармат ака Нуриддинни бағрига босаркан, киприкларига нам қўнгандек бўлди назаримда. Ўша ҳаяжонли лаҳзаларда мен уларнинг ёнида турарканман, шоирга ҳам, хонандага ҳам сўзда ифодалаш қийин бўлган аллақандай чексиз ҳавас билан тикилиб қолгандим.

Кўп ўтмай «Раъно» радио, телевидение орқали янграб машҳур бўлиб кетди. Нуриддин эса яхши ҳофиз сифатида элга танилди. Бугунги кунда у — Ўзбекистон халқ артисти.

Орадан йиллар ўтди. Назармат ака ёзган шеърларга басталанган кўплаб қўшиқлар халқимизнинг бебаҳо маънавий мулкига айланди. Эндиликда шоирнинг «Сен ўзинг» («Кулиб чиқсанг уйингдан, ўргилайин бўйингдан» деб бошланадиган қўшиқ Ғулом-

жон Ёқубов ижросида жуда кўп мамлакатларининг катта саҳналарида такрор-такрор янграган, «Олтин диск»дан ўрин олган), «Сурнай навоси», «Нигоҳ исам», «Отажоним», «Гавҳарим», «Хумор», «Лолагинам» каби ўттиздан зиёд шеърига басталанган лирик қўшиқлар радио, телевидение орқали, концерт залларида, тўю сайилларда таниқли хонандалар ижросида янграб турибди.

▲

Назармат акани ёшларга ғамхўр, меҳрибон устоз, истеъдод эгаларини ардоқлайдиган яхши мураббий сифатида яхши биламан.

Бугунги кунда Машраб Бобоев машҳур ижодкор, ўнлаб пьесалар муаллифи бўлган атоқли драматург, кунда-кун ора долзарб мавзуларда ёзилган мақолалари матбуотда босилиб турган истеъдодли журналист, кўплаб сиёсий-фалсафий, лирик шеърлари оммалашиб кетган ҳассос шоир. Айниқса, унинг сценарийси асосида суратга олинган кўп серияли «Кўнгил кўчалари» видеофильми катта шуҳрат келтирди.

Назармат аканинг бўлимида навбатма-навбат ишлаган Худойберди Тўхтабоев, Ўткир Ҳошимов, Анвар Юсупов, Олмос, Нилуфар, Эргаш Муҳаммад, Рустам Ғаниев бугун яхши шоир ва адиблар бўлиб етишган эканлар, уларнинг мана шундай ижодий камолотга эришувларида устознинг озми-кўпми ҳиссаси бор, деб айтсак, ҳеч муболаға бўлмаса керак.

▲

Республиканинг биринчи раҳбари Шароф Рашидов билан Назармат ака Самарқандда бирга ўқиганларидан, ҳатто бир хонада яшаганларидан хабарим бор эди, аммо улар ўртасидаги дўстлик, илиқ муносабат ва оқибат орадан кўп йиллар ўтганига қарамай, ҳамон сақланиб келаётганини билмасдим...

Кейинчалик Назармат аканинг шахсий архивини кўздан кечирар эканман, устоз замонамизнинг қанчадан-қанча етук одамлари билан ошна ва мулоқотда бўлганликларини ёзишмалардан, бирга тушилган фотосуратлардан, турли йилларда газета ва журналларда чоп этилган мақолалардан билиб олдим. Эътиборимни бир мақола жалб этиб қолди. У «Назарматнинг шеърлари ҳақида» деб номланган бўлиб, шоир ижоди таҳлилига бағишланган тақриз эди, тагида «Шароф Рашидов. 9.VIII.43» ёзуви турарди. Тақризда кўп илиқ сатрлар битилганди. «... Назармат шеърларида, кўп ўринда сатрларда ортиқча сўзлар, мажбуран келтирилган иборалар учрамайди. Шоир ўз тушунчасини эркин, холис сатрларда ифодалайди. Унда ўринсиз саволлар, хитоб, нидолар ва шу хилдаги ўхшатишлар топилмайди», — деб муносиб баҳо берилган эди.

Назармат ака билан бор-йўғи олти квадрат метр сатҳли хонада кўп йиллар рўбарў ўтирганмиз (устоз газетанинг адабиёт ва санъат бўлимини, камина тарғибот бўлимини бошқарарди), ана шу давр мобайнида кўп ажойиб учрашувлар, жонон суҳбатларга шоҳид бўлганман. Хонамиз тор, мўъжазгина бўлса-да, ҳеч вақт бўш турмасди. Кимлар келиб кетмаган, дейсиз. Ғафур Ғулом ва Мақсуд Шайхзода, Зулфия ва Саид Аҳмад, домла Чустий ва Восит Саъдулла, Адҳам Ҳамдам ва Воҳид Абдулла, Миртемир ва Эркин Воҳидов, қўйингчи, деярли барча адабиёт алломалари бўлишган бу хонада. Назармат акани йўқлаб келишарди улар. Эшикдан ийманибгина мўралайдиган ҳаваскор шоиру ёзувчиларнинг эса сон-саноғи йўқ. Назармат ака ҳаммани очиқ, самимий чеҳра билан кутиб олар, ҳар кимнинг ўзига муносиб муомала қилардилар, ёшларга жўяли ижодий маслаҳатлар берардилар. устоз мана шу вазифада «Тошкент ҳақиқати» газетасида роппа-роса ўттиз бир йил, то кексалик нафақасига чиққунча сидқидил ишладилар.

▲

Устоз саксондан ошган бўлса-да, тиниб-тинчи[illegible] ди. Янги асарларининг қўлёзмаларини олиб, [illegible] лар ҳузурига, бирга ишлаган жамоадошлар [illegible] суҳбатлашишга ошиқади. Биз шундай инсон [illegible] ҳар қанча фахрлансак арзийди.

*Шоқаҳҳор СА[illegible]*

## ЭЪТИРОФ

1982 йил. Биз бир гуруҳ душанбели[illegible] титлар университетни тугатгандан [illegible] ҳарбий хизматни ўташ учун бораётиб, Тош[illegible] тўхтадик. Пойтахт кўчаларини айланиб, ҳозирги [illegible] буотчилар кўчасидаги муҳташам бино олдига [illegible] қолганимизни билмай қолдик. Бинога яқинлашиб, [illegible] зета ва журналларининг номлари ёзилган лавҳа[illegible] кўз югуртирдик. Улар орасида «Ҳақиқати Ўзбе[illegible] тон» (ҳозирги «Овози тоҷик») газетаси номини [illegible] учратдик. Рухсат олиб, ичкарига кирдик. Ишнинг [illegible] ҳоятда тиғизлигига қарамай, бизларни бош муҳ[illegible] рир Шавкат ака Ниёзов ўз хоналарида қабул қил[illegible] лар. Газета тарихи, фаолияти, муҳарририятдаги [illegible] дий муҳит, тожик матбуотининг вазифалари, [illegible] тарқалиши ҳақида батафсил ҳикоя қилиб берди[illegible] Учрашув ниҳоясида ҳар биримизга газетанинг [illegible] йиллик тўйига бағишлаб нашр этилган газета ва [illegible] летдан туҳфа этиб, ҳамкорлик қилиб туриш[illegible] эслатиб ўтдилар. Суҳбат мароқли ўтди. Хизмат[illegible] тугатгандан кейин мана шу даргоҳда, таниқли жур[illegible] налистлар билан ҳамкорликда ишлашга аҳд қил[illegible]

Ҳа, шундай ҳам бўлди. Хизматни тугатиб, [illegible] қилган қутлуғ даргоҳга ишга келдим, бўлим муди[illegible] вазифасини бажардим.

Летучкаларимиз қизғин ижодий баҳслар билан ўтганлиги ҳамон ёдимда. Бош муҳаррир кундалик ҳаётнинг долзарб муаммоларига бағишланган мақолаларни мақтаб, муаллифларини рағбатлантириб бордилар. Умумийроқ мавзуда бўлса, мақола қалам ҳақи учун ёзилибди, деб қўярдилар.

Устозлар, энг аввало, Шавкат ака ғамхўрлиги туфайли газета таҳририятида саккиз йил қалам тебратдим.

Устознинг ҳаёт йўли ибратли. У мазкур даргоҳда 43 йил узлуксиз ишлаб, 37 йил мобайнида бош муҳаррир вазифасини сидқидилдан бажариб келдилар. Ҳа, билмадим-у Ўзбекистон матбуоти тарихида у киши сингари масъулиятли вазифани шунчалик узоқ йил бажарган журналист учрамаса керак. Устознинг ён дафтарчасидаги ёзувларга қараганда дастлаб газета таҳририятида бўлим мудири ва таржимонлик вазифаларида ҳам ишлаганлар.

43 йил давомида неча-неча инсонлар билан турли шароитларда ишлаб, обрў топиш — бу матонат, бу жасорат. Бу — айтишгагина осон.

Тан олиш керак, Шавкат ака ушбу йиллар мобайнида йиллаб шогирдларни ишга қабул қилиб, журналистика сир-асрорларини ўргатдилар, камолотга етказдилар. Унинг раҳбарлик санъати туфайли газета ўз ўқувчилари орасида қадр топди. Газетанинг салобати, жўшқин овози Ўзбекистоннинг олис-олис гўшаларига, айни вақтда қўшни республикаларнинг муштарийлари қалбига ҳам етиб борди.

60-йилларнинг бошида газета кичик ҳажмда бўлган бўлса, 70-йилларга келиб, у катта ҳажмда саҳифаланадиган бўлди. 80-йилларнинг охирида эса газетани ҳафтасига беш марта чоп этишга ўтилади. Бу ишларни бажариш осон кечмади. Ҳар сафар бўлганидек, бундай хайрли ишларнинг ташаббускори, жонкуяри Шавкат ака бўлдилар.

«Овози тоҷик» бой анъаналарга эга. Уни ўзига хос журналистика мактаби деб тавсифласа арзийди. Ушбу мактабда ўнлаб тожик қаламкашлар моҳир журналист сифатида камол топди. Мана шу мактабнинг яратилишида «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» Шавкат Ниёзовнинг хизмати катта.

Ҳеч ёдимдан чиқмайди: 1989 йилнинг охирида бир гуруҳ москвалик журналистлар билан Афғонистонга жўнаб кетаётган эдим. Бош муҳарриримиз менга «У ёққа борганингда, сен бемалол Ўзбекистон журналистлари номидан гапириб, афғонистонлик ҳамкасблар билан ҳамкорлик қилиш ниятида эканлигимизни тушунтиргин», дедилар. Учрашувлар чоғида ҳамкорлик ҳақида фикр-мулоҳазаларни айтдим. Ушбу давр мезони билан қараганда, бу таклиф собиқ Шўролар тузумининг сиёсатига қарши айтилган сўз эди...

«Овози тоҷик» газетаси нафақат севимли диёримизда, айни вақтда қўшни мамлакатларда ҳам дўстлик минбари сифатида шуҳрат топган. Бу газетани «Дўстлик ва биродарлик кўприги» деб таърифлашади. Шавкат ака бош муҳаррир сифатида халқлар дўстлиги ва ҳамжиҳатлиги мавзуида қатор публицистик мақолалар ёзиб, барчамизга намуна бўлиб келдилар. Биз, ёш журналистларни ҳам айнан шу мавзуда мақолалар ёзишга даъват этардилар. Устознинг ўзбек ва тожик халқларининг дўстлигига бағишланган «Суруди дўсти» («Дўстлик қўшиғи») ва «Дўсти мо, бародари мо» («Дўстимиз ва биродаримиз») мақолалари жўшқин пафоси билан ажралиб туради.

Шавкат ака моҳир мутаржим: турли жанрдаги асарларни тожик тилидан ўзбек тилига, рус тилидан ўзбек ва тожик тилларига бемалол таржима қила оладилар. Мураббий журналист таржимасида Тошкент ва Душанбе нашриётларида қатор китоблар чоп этилганини яхши биламиз.



Жонажон Ўзбекистонимиз истиқлолидан сўнг оммавий ахборот воситалари равнақига катта эътибор бериб келинаётганининг шоҳидимиз. Шу асnoда қардош халқлар тилларида нашр этиладиган газета-журналларнинг фаолияти кенгая борди, уларнинг нуфузи ошди.

Бугун «Овози тоҷик» газетаси қатори республика вилоят ва туманларида тожик тилида ҳам газеталар нашр этилаётир. Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасининг «Ўзбекистон» нашриётида тожик тилида адабиётларни нашрга тайёрловчи бўлим бор. Ўзбекистон истиқлолига қадар бундай имкониятлар бўлганмиди? Биз, тожик тилида ижод этаётган қалам аҳли маънавий неъмат яратишдек савобли ишда фаол қатнашаётганимиздан фахрланамиз.

Қалби дарё мураббий Шавкат Ниёзов ҳамон сафда, ижод билан банд. Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмасида меҳнат фаолиятини давом эттирмоқдалар. Ҳормanг, фахрий журналист!

*Жўра УМАРҚУЛОВ,*
*Элмурод МАВЛОНОВ,*
*Абдулазиз ЯХШИЛИҚОВ.*

## ОТАШНАФАС ҚАЛАМКАШ

Кекса авлод ва Сирдарё вилоятида бир бор бўлсада ишлаб кетган киши яхши билади: янги очилган қўриққа кишиларни ишлаш учун мажбуран юборишарди. Фақат, давлатнинг қайнаб ётган қозонига бевосита чўмич ботириб олиш имкони ёки шунга умиди борлар бундан мустасно эди. Маълумки, чўмич кўтариб келадиганлар сирасига журналистлар кирмасди. Улар бир қўлида қаламу бир қўлида чамадон билан келишарди. Уларда ҳам бир ноғона бошига умид йўқ эмасди.

Исмоил Сулаймонов «Сирдарё ҳақиқати» вилоят газетаси таҳририяти учун лотереяга чиққан ютуқдек бўлди. Албатта, муҳаррир бўлиш унинг ўзи учун ҳам катта масъулият, қолаверса ўша пайтда газета ташвиқий пайқулоқнинг бошида турганларнинг беқиёс ишончи эди. Эндигина «Ўзбек пўлати» китоби олам юзини кўрган ва Тошкент вилоят газетасида забардаст журналист ўз жойида ҳам муҳаррир бўларди. Бироқ унга фақат амални эмас, газета янги таҳририятини тиклаш, кадрлар билан тўлдириш вазифаси топширилаётган эди.

Исмоил акада ғоят нодир бир хислат бор. У одамларни яхши биладиган, уларга тўғри ва адолатли баҳо бера оладиганларни танлаб топа билади. Ишни атрофига шундай одамларни жамлашдан, зарур бўлса хизмат лавозимларини кўтаришдан бошлади. Ўзаро низолар туфайли таҳририятдан норизо бўлиб кетганларни жойига қайтарди. Иш устида бўладиган оддий келишмовчиликларни шахсий ғараз даражасидаги тубанликка тушуриб юборадиганлардан воз кечди. Бир сўз билан айтганда, ҳақиқий фидойилар таҳририятини вужудга келтирди. Ана ўшанда Исмоил акадаги энг нодир фазилат — кечиримлилик тўла намоён бўлди. Хато ёки ноўрин хатти-ҳаракат учун Исмоил ака бир марта танбеҳ берар, кейин кечириб юборарди. Айни вақтда вилоятнинг катта раҳбарлари билан тенгма-тенг гаплаша оладиган муҳаррир ўз ходимларини қаттиқ ҳимоя қилоларди.

Исмоил аканинг иккинчи бир ноёб хислати — ҳар истеъдодли қаламкашни қадрлаб авайлар, ҳатто унинг айрим эркаликларини, хатоларини ҳам кечириб [illegible] қоларди. Унинг учун энг муҳими — истеъдод. Бу орада таҳририятда жуда соғлом муҳит юзага келди. Журналистлар ўзаро қалин муносабат ўрнатишди. Тўю-маъракаларга ёппасига бориб келадиган бўлишди. Агар таҳририятда бирортасининг тўю-маъракаси чиқиб қолса — гап йўқ: ундан бир-икки кун аввалданоқ муҳаррир топшириғи билан икки-уч киши ажратилиб, катталар бош бўлишарди. Бу муносабатларни қалинлаштирди, меҳрни оширди. Ўзаро дўст-оғайни тутунганлар кўпайди. Албатта, ўзбекчилик эмасми, каттага ҳурмат-иззат, кичикка хизмат анъанасига қаттиқ риоя этиларди. Кичиклар учун фақат бир жойда бошлиқдан ечилиб, катталар устидан ҳам кулиб олишга яхши имкон бўларди. Бу ҳафтада бунда чойхонадаги аскиябозликда рўй берарди. Бунда ким томондан айтилмасин, ҳамкасбига топиб айтилган энг муносиб ўхшатиш ёки қочиримли ибора фақат қийқириқ, чапаклар билан қарши олинарди. Чойхонадаги гап ўша ерда қолиб, эртасига яна ишга жонкуярлик билан киришиб кетишарди.

Дарвоқе, ёшлар учун, ҳатто катталарни ҳам «савалаб» олишга имконият доим бор эди. Шундаям энг истеъдодли ёшларгина бунга журъат эта олишарди. Яъни таҳририятдаги ҳафталик адабий таҳлиллар жўшқин ва жиддий тус олар, бу ерда биров-бировни аяб ўтирмасди. Мақолани бўш ёздингми ёки хатога йўл қўйдингми, марҳамат «хизмат ҳақи»га яраша танқиду танбеҳга ҳам чидашга мажбурсан. Бу «летучка» аталмиш тегирмоннинг оддий қоидаси эди. Ундан одамлар ун бўлиб кетмаса ҳам сув бўлиб чиқишарди. Лекин адабий таҳлилдан мақсад бировдан камчилик излаш ёки бир-бирини савалаш эмас, маҳоратни ошириш эди. Яхши мақолалар чуқур таҳлил этилиб, нимаси билан эътиборга сазоворлиги, уни янада яхшилаш имкониятлари кўрсатиб ўтиларди. Бу ёшлар учун катта маҳорат мактаби бўлди. Ўша даврда ишлаганлар буни «Сулаймонов мактаби» деб ҳам бежиз аташмаган. Бу мактабдан ўтган журналистлар кам бўлишгани йўқ, кўплари таниқли қаламкаш бўлиб етишди.

«Сирдарё ҳақиқати» ўша йилларда республикада ҳам ўз салмоғига эга нуфузли газетага айланди. Со-

бик Иттифоқ миқёсидаги кўргазмаларнинг медалларини, мукофотларини олди. Олтмиш уч минг нусхада чоп этиладиган газета кириб бормаган ўзбек хонадони вилоятда деярли йўқ эди. Ҳамманинг севимли газетасига айланган «Сирдарё ҳақиқати»да ўткир фельетонлар деярли ҳар сонда босилар, газетани қўлма-қўл кўтариб юриб, давраларда мақташарди.

Яхши очерк ва оташнафас мақолалар эса саҳифа юзини кўриш учун таҳририятда навбат кутар, албатта уларни жуда кўпчилик таъсирланиб ўқишарди. Публицистик чиқишлар кўпинча Исмоил аканинг қаламига мансуб бўларди.

Ўттиз беш ёшида Сирдарёга ишга келган Исмоил ака қирқ тўртида янада катта шарафга эга бўлди. Республика «Қишлоқ ҳақиқати» (ҳозирги «Қишлоқ ҳаёти») газетасининг ташкилотчиси ва биринчи муҳаррири бўлди. Ушбу газета ҳам тез орада республикада юқори мавқега, ўз нуфузи ва салмоғига эга бўлиб, ўқувчилари сони кундан-кунга кўпайди.

Лекин... Сирдарёликлар ҳам мана шу даврни ҳамон афсус билан эслашади. Матбуот учун фидойи, сиёсатнинг ўткир билимдони бўлган муҳаррирдан нуқсон ахтара бошлашди. «Буюк оға» деганда эси кетиб қоладиган даражада талвасага тушадиган идеология раҳбарлари газетадаги айрим сўзлар ва чизиқлардан сиёсий хато топдилар. Ўрни келганда айтиб қўйишлик: ўша маълум хатоларни топганларнинг ўзлари кейинчалик энг калтабин сиёсатчи сифатида эл олдида шарманда бўлдилар.

Исмоил ака эса амалнинг, ўткинчи амалдорники эмас, матбуотнинг оғайниси эканлигини яна исботлади. «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журнали таҳририятига ишга ўтиб хатлар, ишчи ва қишлоқ мухбирлари билан ишлади, шу билан бир қаторда қаламини қўлдан қўймади. Агар тасодиф бўлмаганида бахт ҳам бўлмасди, деганларидек, Исмоил ака шу йиллар



[illegible] публицист ва иқтидорли адиб сифатида ҳам танилди. Унинг қаламига мансуб «Шаҳзода ва канизак» қиссаси видеофильм қилиб ишланиб, телевизор орқали қайта-қайта намойиш этилди. У барчага манзур бўлди. Бир неча йил давомида И. Сулаймонов «Халқ сўзи» республика газетасининг хатлар, шикоятлар ва оммавий ишлар бўлимида ишлади. Шогирдларига йўл-йўриқ бериш билан бирга ўзи намуна кўрсатиб, оташнафас мақолалар битди. 1999 йили публицистик мақолалари учун нуфузли мукофотлардан бирига сазовор бўлди. Бой ҳаётий тажриба, катта қаламкаш истеъдоди Исмоил ака учун «Мен — журналистман» номли китобни ёзиш ҳуқуқини берди. Бу китоб мемуар эмас, уни журналист бўламан деган ҳар бир ёш тунлари ёстиғининг остига қўйиб ухласа ниятига етади, ҳар бир журналист шу китобни қўлдан қўймай кўтариб юрса кам бўлмайди. Чунки, унда ушбу касбнинг, матбуотнинг сон-саноқсиз қирралари маҳорат билан битилган, зарур ўринда маслаҳатлар ҳам берилган. Ундаги муҳим хулоса шуки, ўзи ёнмаган, [illegible] тошмаган бировни ҳам ёндиролмайди, тоши[illegible] [illegible]ролмайди.

«Мен — журналистман». Бу оддий иборани етмишдан ошган журналистгина эмас, том маънодаги оташнафас қаламкаш фахр билан ёзаяпти. Бунга Исмоил Сулаймоновнинг тўла ҳақ-ҳуқуқи бўлган.

*Марҳамат АЛИМОВА*

## БАРКАМОЛЛИК

Ҳаётининг қарийб ўттиз йилини Ўзбекистон хотин-қизларининг ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий журнали — «Саодат» жамоасида ўтказган, [illegible] йилдан адабий ходим, саркотиб, бўлим мудири,

1960 йиллан бошлаб қарийб 23 йил бош муҳаррир
ўринбосари сифатида фаолият кўрсатган, Ўзбекис-
тон халқ шоираси Зулфияга елкадош бўлган, «унинг
ажралмас қанотига, сафдошига, кўзига, қалбига ай-
ланиб кетган» журналист, публицист, таржимон,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими
Холида Аҳророванинг босиб ўтган ижодий йўли
ҳақида ҳар қанча гапирсак ҳам оздек туюлади. Унинг
умр зарварақларида матонат ҳам, масъудлик ҳам,
поклик ҳам, эзгулик ҳам мужассамдир.

... 1950 йил октябрь ойидан эътиборан, 9 йилу 1
ойлик танаффусдан сўнг ўзбек хотин-қизларининг
«Ёрқин ҳаёт» журнали «Ўзбекистон хотин-қизлари»
номи билан қайта нашр этила бошлади.

Зулфиянинг (Аллоҳ раҳматига олган бўлсин) ва-
сияси билан ёш, кўзлари ёниб турувчи, қунғир соч-
лари этагини ўпган, ироқи дўппининг кўрки бир қун-
нига ўн ҳусн қўшган, борлиғидан самимият ёғилиб
турувчи, оёқ-қўли чаққон Холидани Ойдин опа (раҳ-
матли) фирқа Марказқўмига суҳбатга чақирганда 22—
23 ёшда эди. У уруш туфайли ҳали ўрта мактабни ту-
гатишга ҳам улгурмай меҳнат фаолиятини 14 ёшда
бошлаган эди. Тошкентнинг Себзор даҳасидаги бо-
лалар шифохонасида ҳамшира, туман ижроқўми бўли-
мида (ишчи кучи етишмаганлиги сабабли) иш юри-
тувчи, ЗАГС бўлимида, нон карточкалари тақсимла-
надиган бюрода ходима бўлиб ишлаб, кези келганда
машинисткалик, тикувчилик ҳам қилган эди. Бир муд-
дат Олий Советда «йўриқнома бўлимининг таржимо-
ни» штатида ишлаб, турли хат, йўриқнома ва буйруқ-
ларни кучи етганча таржима қилди. Шу билан бирга
таниқли ёзувчиларнинг кичик-кичик ҳикояларини
таржима қилиб, матбуотда кўринди. 1949—50-йиллар-
да Ўзбекистон давлат нашриётида — проза бўлимида
ишлаган пайтида поэзия бўлимининг мудири Зулфия
билан танишди. Холида опа суҳбатдан ўтиб, «Ўзбе-

кистон хотин-қизлари» журналига 1950 йил ноябрь ойида адабий ходим сифатида келиб қўшилди. Бу вақтда Ойдин журнал муҳаррири, Зулфия, Кибриё Қаҳҳорова ва Саида Муҳамедовалар бўлим мудирлари, Комила Юмаева саркотиб, Зокиржон Раҳимов техник муҳаррир бўлиб ишлар эдилар. Журнал саркотиби бошқа ишга ўтгач, у 1951 йилнинг бошларида шу лавозимга тайинланди.

«Ўзбекистон хотин-қизлари» журналининг бош муҳаррири Ойдиннинг асосий иши фирқа Марказқўми аппаратида бўлгани учун ҳам барча иш Зулфия зиммасига тушарди: қоғоз ундириш керак, мақолаларга, хабарларга давр кўзи билан ишлов бериш керак. Журналнинг мазмун ва мундарижаси қандай бўлади! Дарвоқе, ўзбек журналист хотин-қизлари зиммасидаги иш ниҳоятда масъулиятли эди. Айнан шунинг учун ҳам ёзувчи Асқад Мухторнинг беминнат маслаҳатлари, оғаларча ёрдами журналнинг оёққа туришида ўзининг ижобий натижаларини берди.

30-йилларнинг бошлариданоқ «Янги йўл», «Ёрқин турмуш», кейинчалик «Ёрқин ҳаёт» саҳифаларида ўзининг илк шеърлари, ҳикоя ва достонлари билан қатнашган, кейинчалик унинг фаолиятида қизғин иштирок этган Зулфия журнал тарихини ҳам, ўзига хос обрўси, анъаналарини ҳам яхши биларди. 1954 йилдан «Ўзбекистон хотин-қизлари» журналига бош муҳаррир этиб тайинланган Зулфия нашрнинг жанговарлик, жўшқинлик руҳини сақлаб қолиш кераклигини тушуниб, энг яхши анъаналарни ҳаётга татбиқ эта борар, ходимларни ҳам шунга йўналтирар, журнал саҳифаларида кетаётган материалларни, шеърларини зукколик билан таҳрир этиб, ходимларни ҳам шунга ўргатар эди.

Журнал дастлаб 10 минг нусхада чоп этилган эди. 70-йилларда у Марказий Осиё давлатлари ўртасида энг яхши аёллар журнали, деб эътироф этилди. Зул-

фия 33 йил давомида журнал бош муҳаррири бўлиб ишлади. Журналнинг адади 900 минг нусхадан ошиб кетганини эслаш ҳам ўринлидир.

Муҳаррир ўринбосари Холида опа журнал саҳифаларидан ўрин олган қанчадан-қанча мақолаларни, лавҳа-ю очеркларни, кези келганда шеърларни ҳам таҳрир қилмади дейсиз. Журналхонлар мактубларига қулоқ тутиб, уларга маънавий кўмак кўрсатиб, ҳурмат-эъзозга сазовор бўлдилар. Кейинчалик ўринбосар сифатидагина эмас, балки устоз қаламкаш сифатида ёш ходимларга таҳрир санъатидан сабоқ бериб келдилар.

Сўз мавзуси хориж сафарларига кўчганида Холида опа Чехословакияга қилинган сафар таассуротини эсладилар. Бу сафар таҳририят ҳаётига ўзига хос янгилик келтирган эди. Негаки, у ерда чоп этиладиган «Власта» номли аёллар журналининг безатилиши Холида опанинг эътиборини тортган. Бир сўздан иборат ном йирик ҳарфларда муқовага чиройли қилиб ёзилган эди. Биз ҳам шундан журнал номини ўзгартиришни орзу қилардик. Негаки, муқова юзасида майда ҳарфлар билан ёзилган журнал номи кўзга унчалик ташланмасди. Ҳар қандай журнал ва газета номи йирик бўлгани маъқул. Шу маънода муштарийларимиз ва муаллифларимиз билан мусоҳаба ўтказдик. Журнал рамзини яратиш юзасидан танлов натижалари кутилгандек бўлиб, 19[illegible] йил май ойидан эътиборан «Ўзбекистон хотин-қизлари» журнали «Саодат» номини олди. Журнал ўз номини ўзгартирган йилларда унинг жамоаси кўпни кўрган, кенг мулоҳазали устоз журналист Салоҳ Ҳасан саркотиб, Зокиржон Раҳимов техник муҳаррир, Лайло Салимжонова журнал безатувчиси сифатида ишлар эдилар.

Ўзи ва ўзгалар ишига ниҳоятда талабчанлик билан ёндашув, идорага ҳаммадан олдин келиб, ҳам-



мадан кейин кетиш, керак бўлганда у ёки бу сонга [illegible]лланган матнлар қораламаси устида «мардикорчилик» қилиш Холида опа учун оддий бир ҳол эди.

Яратганга беадад шукрлар бўлсинки, ота-боболаримиз орзу қилган дориломон замонлар келди. Истиқлолга эришдик. Мустақиллик ўзининг биринчи қадамлариданоқ журналистлар, ижодкорлар, олимларимиз учун ўзликка қайтишдек маънавият эшикларини баралла очди. Шу кундан эътиборан жамиятимиз равнақи учун куч топа олган, ҳар қадамда, ҳар ишида инсонларга эзгулик улашиш, инсонларни «қизил мафкура»нинг қаттолликларидан огоҳ этишга шошилган, уларнинг тақдири ҳақида мақолалар ёзиб, чоп эттириш бахти Холида Аҳроровага ҳам насиб этди.

Ана қадамларини оҳиста босиб масрур қиёфада, Зулфия опа иборалари билан айтганда, «халқ тақдирининг бир жилваси мисол диёримиз жўшқин оқимига қўшилиб, унга мадад бўлиб» Холида опа Аҳророва [illegible]тилар. Ортларидан излаб «Саодат» саҳифаларида муҳрланган мақолалар, лавҳалар, таржималар... Ўз фарзанди Жамшидхон туғилганда 27 ёшида таржима қилиб, нашр эттирган Лев Толстойнинг «Тирилиш» романи, унинг изидан Н. Гоголь, А. Чехов, В. Короленко, Г. Николаева, В. Кочетков, Н. Погодин, А. Иванов, О. Гамсахурдиа, Бальзак ва бошқа ёзувчиларнинг қисса ва романлари... Матбуот саҳифаларида пешма-пеш босилиб келинаётган мусоҳабалар, публицистик мақолалар, мемуарлар... «Поклик имондандир» номли тўплами ва яқинда «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни бош таҳририятида «Истиқлол фидойилари» туркумида босмадан чиққан «Изларини излайман» номли публицистик таҳлилий китоби...

Назаримда Холида Аҳроровани жонли қомус дейиш мумкин. Фикрлар равон ва равшан. Улар билан

қайси мавзуда суҳбатлашманг, роҳатланасиз, [illegible] навий озиқ оласиз, «қаридим» деган сўзни [illegible] ганларини билмайман.

Холида опани қарийб 35 йилдан бери, ўша «Саодат» журналига амалиёт ўтагани борганимдан бери биламан. Кейинчалик илмий ишим «Саодат» журналининг тарихи бўлгани учун ҳам «Саодат» журнали ижодкорлари, хусусан Зулфия опа, Холида опа ва бошқалар билан кўп марта суҳбатлашганман.

Ёшлари 70 дан ошган журналист мустақил Ватанга яраш учун тер тўкиб чарчадим демаганлари, кишиларни эзгуликка чорлаб тунни кунга улаб ҳисобига юракларга тўлқин солувчи мақолалар ёзишлари мени ҳайратга солади. Ҳайратимга жавоб излайман. Мухтасар жавоб эса шундай: Холида опа ижодида тўрт йўналиш — муҳаррирлик, ижодкорлик, публицист-тадқиқотчилик ва таржимонлик йўналишлари мужассам. Халқимиз бундай фарзанди билан ҳар қанча фахрланса арзийди.

*Фарида УСМОНОВА*

## ЖУРНАЛИСТ ҚИЗЛАРГА ЎГИТЛАР

Гоҳ газета саҳифалари, гоҳ телекўрсатувлар, гоҳ радио эшиттиришлари орқали журналист қизларимнинг ижодларини ўқиб, кўриб, эшитиб ич-ичимдан қувонаман. Ўзбегимнинг нақадар қобилиятли, фаросат-дидли, фидойи, яратувчи инсон эканлигидан фахрланаман. Қаламкаш дўстларим кўнгилларига олишмасин-у қизларнинг юракдан ёзган турли жанрдаги ижоди ўзига хос нафислиги, ширин суханлиги билан ажралиб туради.

Албатта, ҳар томонлама баркамол, ўқувчини ҳайратлантирадиган даражада ёзиш ўз-ўзидан бўлмайди

...нинг учун журналистлик поғоналарини дадил қадам ...лаб босиб ўтиш, бу йўлда дуч келган машаққат...ларга бардошли бўлишга тўғри келади. Шу жиҳатдан ҳам фахрий қаламкаш сифатида сиз — журналист қизларимга ва шу касбга меҳр қўйган бўлажак ...соҳибларига қалбимда асраб юрган гапларимни айтиб беришга жазм этдим.

▲

Ёшим асрдан ошдики, матбуот фидойисиман, десам муболаға бўлмайди.

1930 йилнинг эрта кўклами. Илгари «Правда Востока» деб номланган кўчада икки қаватли бино бўларди. Шу мўъжазгина бинода «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») ҳамда «Правда Востока» республика газеталарининг редакциялари жойлашган эди. Кўпдан кўнглимда шу ерга ишга кириш орзуси туғилганди. Таҳририят биносига келиб, ичкарига кирдим. «Кимга учрашсам экан», деб турганимда, «Масъул котиб» деб ёзилган хонадан очиқ юзли бир киши чиқиб қолса бўладими?!

— Келинг, синглим, ким керак эди? — сўради у.

— Мен, ... мен ... шу ерга ишга кирмоқчи эдим, — дея ҳаяжонланиб жавоб бердим.

У синчковлик билан назар ташлади. Сўнгра қаерда ўқиганим, ишлаганимни суриштирди.

Низомий номидаги Тошкент педагогика институтининг тил-адабиёт факультетида таълим олганим, бироқ уруш туфайли ўқишни давом эттира олмаганим, насиб бўлса, энди сиртдан ўқиб тугаллаш ниятим борлигини айтдим. Редакцияда ишламаганим, бироқ жуда-жуда ишлаш иштиёқим борлигини тортинибгина айтдим. Суҳбатдошим — «Қизил Ўзбекистон» газетасининг масъул котиби Зиёд Исломович ...бoев бўлиб чиқдилар. Ҳозир шу сатрларни қоғозга туширяпману кейинчалик фаолиятини рес-

публикамиз матбуоти, матбааси, нашриёти ривожига бахшида этадиган. Журналистлар уюшмасининг ташкилотчиси, жон-жонкуяри бўладиган қалби дарё, меҳри булоқ инсон билан ҳамсуҳбат бўлган эканлигимни эслайман.

Кишининг кўнглида нималар кечаётганини кўзидан сезиб тургандай бу зийрак одам:

— Ариза ва таржимаи ҳолингизни ёзиб келинг, корректура бўлимига ишга оламиз, — деб қолса бўладими?! Қанот қоқиб учдим...

Мана, орадан роса ярим асрдан кўпроқ вақт ўтди. Ўша он, ўша кундан бошлаб бошқа бир оламга кириб қолгандай бўлдим. Ҳаётнинг икир-чикирларидан холи, ҳамиша юксакликка интилувчи, эзгу орзулар оғушида кезадиган бўлдим. Атрофимда таниқли журналистлар, беғубор, ижод кишилари, уларнинг бир-бирларига ички бир ҳурмат, юксак маданият билан муомалада бўлишлари мени ниҳоятда ром айлантирар, уларга ҳавас билан қарардим. Аслида ҳавас қилиш — олижаноб нарса... «Кошки эди, мен ҳам ижод қилсам, шуларга ўхшаб жойларга борсам, турли воқеалар, одамлар ҳаёти ҳақида ёзсам», деган ният корректура бўлимида ишлаб юрганимда, муҳарририят ижодий ходимларининг мақолалари корректурасини ўқиганимда қалбимда ўрнашиб қолганди. Ўша вақтда Тошкент Давлат университетининг журналистика факультети энди ташкил этилаётган йиллар эди. Менинг журналистик мактабим — муҳарририят бўлди.

▲

1953 йилнинг сахий куз кунлари. Ходимлар билан дам олиш куни пахтазорга ҳашарга чиқдик. Ўйин-кулги, наванда-да бу ижодкорлар, ёшу кекса ҳазил-мутойиба билан далага етиб қолганимизни сезмай қолдик. Очиқ ҳаво, кун бўйи дала гаштини суриб баҳоли қу-

ги пахта тердик. Шунда ёшгина теримчи қиз эътиборимни ўзига жалб этди. Унинг чаққон ҳаракатига қолиб, ҳавасланиб қарайман... Мен бир эгатнинг ярмига етгунимча у тўрт эгатдаги лўппи очилган пахтани териб улгурар, ортидан қарасам эгат ҳам, кўзак ҳам топ-тоза... «Вой қизи тушмагурей, бунча чевар экан, бу теримчи, тўхта, ўзи билан бир оғиз сўзлашай» деган ният туғилади. У шошар, ҳар дақиқа ғанимат унга. Исми-фамилиясини билиб олдим. Хош. Кунига 100—120 килограммдан пахта тераётган экан. Мана шу қизнинг ғайрати-шижоати ҳақида хабар ёзиш иштиёқи туғилади хаёлимда. Уйга қайтган қўлимга илк бор хабар ёзгани қалам олдим... Ёздим, ўқидим, яна ёздим. Бир неча варақ қоғозни йиртиб, бошқатдан ёзишга тўғри келди. Ниҳоят, хабар кўнглимда тайёр бўлгандай эди. «Саодатнинг зафари» деб сарлавҳа қўйдим. Чунки теримчи қизнинг исми Саодат эди. Эртаси куни хабаримни олиб, газетанинг қишлоқ хўжалик бўлимига кириб бордим.

— Ие, биз ҳам ҳашарда бирга эдик-ку! Чевар теримчиларнинг чаққонлигига эътибор ҳам бермапмиз. Сиз улар ҳақида ёзиб келибсиз. Баракалло, қани, ўқийлик-чи.

Тортинибгина хабарни узатиб, нима дейишларини кутиб қолдим. Таниқли журналист Ҳабиб Нуъмон ўша йиллари қишлоқ хўжалик бўлимида ходим эдилар. Ҳабиб ака хабарни ўқиб чиқдилар. «Қулоғим сизда» дегандай, юрак ютиб, уларга термулдим.

— Дурустсиз-ку, шунақа ёзиб туринг, — дедилар ва ёнларида ўтирган ёшроқ ходимга: — Мана, [illegible]латиб, теришга тушириб юборинг, эртага машинага таклиф этамиз, — дедилар.

Ҳамон қотиб турганимни кўриб, таажжубланган-дай бўлдилар ва сўнгра «Хабарингиз чиқади», дея елкаларимни тоғдек кўтардилар.

Иккинчи қаватдан биринчи қаватга зиналардан [illegible] шяпману, овзим қулоғимда, қувончимнинг чеки [illegible]

— Мунча, тилла топиб олгандек, ўзингда йўқ [illegible] сандсан, — деди мусаххиҳ дугонам Фарида Б[illegible]

— Тилла ҳам гапми, хабарим газетада босилиб [illegible] қади, — дея жавоб бердим.

Ҳамкасбларимга разм соламан... Қувончим [illegible] сиз. Ахир, улар менинг юрагимда нималар ке[illegible] нини қаёқдан билишсин?!

Мен бўлсам зориқа-зориқа кутган куним [illegible] нидан ўзимни қўярга жой тополмасдим... П[illegible] қиз Саодатнинг шарофати эдими бу! Шу-шу [illegible] да қаламни маҳкам тутиб, энди ёзишга [illegible] шу касбни эгаллаш, эл ардоғида бўлиш иштиёқи [illegible] ғилганди.

Орадан кўп ўтмай редакциямизда, балки [illegible] тимиз тарихида ўзгариш юз берди. Бир [illegible] «Шарқ ҳақиқати» деган номда нашр этилган [illegible] 1954 йили қайта тикланиб, «Тошкент ҳақиқати» [illegible] чиқа бошлади. Ўшанда «Қизил Ўзбекистон» таҳ[illegible] риятидан ўн икки ходим шу жамоага ўтказилди. [illegible] орасида мен ҳам бор эдим. Зиёд Есенбоев шу [illegible] тага бош муҳаррир этиб тайинланганди. 1954 йил [illegible] февраль куни газетанинг биринчи сони босилиб [illegible] ди. Йўқ жойдан янги газета ташкил этилди, [illegible] лар танланди. Журналистикада тажрибаси ҳам [illegible] ходимлар газетани қойилмақом этиб тайёр[illegible] эътибор бердилар. Зиёд аканинг меҳри, ўрни [illegible] да бўлди.

Бугун сарҳисоб қилсам, бу воқеага ҳам 47 йил[illegible] кўпроқ вақт бўлибди. Умримнинг 30 йилини «То[illegible] кент ҳақиқати» даргоҳида ўтказганлигимдан бах[illegible] ёрман. Таҳририятда мусаххиҳ, бош мусаххиҳ, [illegible] бий ходим, бўлим мудири, муҳаррир ўринбо[illegible] бўлиб ишладим. Муҳаррир ўринбосари лавозими[illegible] ўн беш йилга яқин ишлаган бўлсам, шу давр [illegible]

йилда республика журналистлар уюшмаси қошидаги ишчи-деҳқон мухбирлар университетига бошчилик қилган эканман. Ўшанда бу кичик дорилфунунда ўқиган ҳаваскор мухбирларнинг аксарияти бугун таниқли журналистлар. Кўплаб қалам соҳиблари учун у ҳақиқий ижод мактаби бўлди.

▲

Босиб ўтган сўқмоқли, қувончу ранжли ҳаёт йўлимга нигоҳ ташлаб, икки хил вазият, шароитни бир-бирига таққослайман. Менинг журналистлик фаолиятим асримизнинг 60—70-йилларига «қизил империя» даврига тўғри келган эди. 1950 йилдан қарийб 40 йил — 1990 йилгача сохта мафкура шароитида ижод қилиб келганман.

Журналист қизларимга айтадиган шукрона сўзимнинг мазмуни шундай: истиқлолга эришган республикамиз халқининг ҳаёти, меҳнати, орзу-истагини эркин-эркин мадҳ этишдек қутлуғ неъмат сизларга насиб бўлди. Сизлар биз, кекса авлод вакиллари орзулаган замонда ижод қилаяпсиз. Бизлар қалам тебратган замонда «ундай дейиш мумкин эмас, бундай дейиш тақиқланган» деган тўсиқлар бисёр эди. Гапимнинг исботи учун хотирамда ўчмас из қолдирган бир воқеани сўзлаб берай.

Қишлоқ хўжалиги соҳасининг фидойи инсонлари — пахтакор, пиллакор, чорвадорлар ҳаёти ҳақида очерк ва лавҳаларини кўп ёзганман. 1978 йили йўлим тушиб, Гулистон туманига бордим. Апрель ойи эди. Пиллакорлар ипак қурти боқишаётганди. Хўжаликдаги бир хонадонга кирдим. Уй соҳиблари ўзлари яшаб турган икки хона, даҳлизни қурт боқишга бўшатиб бериб, чайла қуриб, ҳовлида истиқомат қилишаётган экан. Ёши улуғроқ аёл, бир қария ва келин — уч киши бўлиб энди узилган барг билан қуртларни парваришлашаётган экан. Ҳовлидаги беланчакда

ёттан ёш болакайнинг йиғиси эшитилади. Аф[illegible] бемор. Врач чақиришган экан. У болани кўриб [illegible] лик билан шифохонага ётқизиш керак, деган [illegible] ҳатни берди. Шунда, қария ўз келинига: — Қ[illegible] болани қўйиб, қуртга қаранг... Қуртлар н[illegible] борми, аҳволимиз нима кечади? — деди.

Бу сўзларда маъмурий-буйруқбозлик ти[illegible] кишиларга таъсирини яққол ҳис этгандим [illegible] Бу воқеа ҳақида ёзиб кўринг-чи. Коммунистик [illegible] миятда ютуқлар бисёру камчиликлар йўқ, деб [illegible] га жар солинарди.

Шундай воқеалар ҳақида эслаганимда, [illegible] кунда матбуот ошкоралиги нақадар катта куч [illegible] лигини қалбимдан ўтказаман ва айни чоғда [illegible] дегим келади:

— Вақт этагини тутқазмай тез ўтади, кетади. [illegible] бир кунингиз ғанимат. Ёзинг, ёниб ёзинг! Қ[illegible] ларга, бағри кенг далаларга боринг, у ерларда [illegible] лок, суяги меҳнатда қотган фидойи, жўмард [illegible] лар яшайди. Биз, шаҳарликлар учун ризқ-рўз, [illegible] неъматлар яратишади, тўқлигимиз, маъмурчи[illegible] миз, бадавлатлигимиз яратувчилари улар, — [illegible] келади. Истардимки, сизлар меҳнат аҳли ҳузури[illegible] завқланинг, ижодингиз жўш урсин. Шаҳар [illegible] икир-чикир гаплар билан ўралашиб қолманг, [illegible] ниятли одамлар, улкан қурилишларнинг [illegible] ҳузурига боринг. Улар ҳақида жўшиб-тошиб [illegible] Бундай очеркларингиз абадий қолади, газета [illegible] бир кўриб, кейин ўчиб кетмайди. Очеркларингизни кейин тўплаб, китоб қилиб чиқарасиз.

«Меҳри дарёлар» номли очерклар тўпламими[illegible] рақлаб туриб, шу хулосага келдимки: азалдан [illegible] лоқ ҳаёти кўпроқ қизиқтирар экан, мени. Қаҳр[illegible] монларимнинг аксарияти пахтакор, чорвадор, [illegible] лачи... Шуниси мени қувонтирадики, улар ҳақида газетада очеркларим эълон қилингач, уларнинг [illegible]



[illegible] орасида янада шуҳрат топди. Содда, оққўнгил, [illegible] улуғ одамлар билан суҳбат қуришнинг ўзи [illegible] ўзгача мазмун кашф этади.

Келажагимиз — ёш авлод тарбияси шу куннинг [illegible] масъулиятли, ҳам долзарб мавзуи. Ахир, муста[illegible] лимизнинг равнақи ва қудрати ўсиб-улғаёт[illegible] авлоднинг шижоатига боғлиқ. Журналистлик [illegible] ҳавас қилган ҳар бир қалам соҳиби ана шу [illegible] мавзуни илғаб, юракка яқин мақолалар ёзса, [illegible] ҳаловатли ишдан ўзи ҳам завқланиши шубҳасиз, [illegible] ўйлайман.

Биламан, касбимиз айтарлик даромадли, моддий [illegible] орттириш имконини берадиган касб эмас. [illegible] маънавий бойлигимизни умрим бўйи устун [illegible] қўйиб келганман. Шунинг учун журналистнинг эл [illegible] орасида обрўйи ниҳоятда баланд, қаерга борса, иззат-[illegible] ҳурматда. Ҳа, бугунги бажарган ишингдан шод [illegible] ойланг, эртанги кунга иштиёқ билан қарайсан. Жур[illegible] налистлик фаолиятимда ана шу ақида мени тарк эт[illegible] маган. Шунданми, касбимни беҳад севаман, фахр[illegible] ланаман. Оз бўлса ҳам биз пешона тери тўкиб топ[illegible] ган тармоғимиз ҳалол, баракали.

Муҳтарам журналист қизларим, озми-кўпми, 40 [illegible] мобайнида матбуотга қўшган ҳиссам муносиб [illegible] тақдирланди. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ма[illegible] даният ходими» фахрий унвонига сазовор бўлдим, «Халқ маорифи аълочиси» нишонини олдим. Бироқ [illegible] учун энг азизи, қалбимга энг яқини журналист[illegible] лик касбимдир. Нимага эришган бўлсам шу касб ту[illegible] файли эришдим. Қўлимга қалам тутқазиб, ижод қилишга ўргатган қадрдоним: «Тошкент ҳақиқати» газетаси таҳририятидан бир умрга миннатдорман. Зиёд Есенбоев, Мақсуд Қориев, Аҳмад Исмоилов (марҳум), шу даргоҳда ёнма-ён ижод қилган қадр[illegible] донларим — Усмон Жонгитов (марҳум), Назармат, Худойберди Тўхтабоев, Маҳмуд Яҳёев (марҳум) ва

бошқа қатор ҳамкасб дўстларим билан тунларни бедор ўтказиб, газета чиқарган кунларим ҳаётимнинг энг жўшқин, ҳам машаққатли, ҳам ҳузур-ҳаловатли кунларим эди. Менинг ижод мактабим, журналистика кулллиётим газета таҳририяти бўлган, шу ерда қаламим чархланди. «Она бағри», «Синов» сингари пьесаларим саҳна юзини кўрди. Телефильм тайёрланиб кўрсатилди ва танловда биринчи ўринни эгаллади. Бир неча китобларим чоп этилди. Ҳамон қаламим қўлимда.

Атрофимда беш фарзанд, ўн етти нафар невара, ўн беш нафар эвара парвона. Беш фарзандни «Тошкент ҳақиқати» таҳририятида ҳам ишлаб, ҳам ўқиб, ҳам ёзиб катта қилганман. Бугун ўша кунларни тунларга улаб ишланган йилларнинг меваси ҳузурини кўряпман, дея баралла айтсам бўлади. Агар мендан «Ёш бўлиб қолсангиз, қайси касбни танлар эдингиз?» — деб сўрашса, ҳеч иккиланмай: «Журналистликни» деган бўлар эдим.

2001 йилнинг олтин куз фаслида муборак 80 ёшимни нишонладим. Бу сана арафасида «Дил фарёди» номли романим босилиб чиқди. Қўшалоқ шодиёнани ўтказиб, яратганга шукр қилдим. Зеро инсон фарзанди ҳамиша яхшилик йўлида тер тўкмоғи керак.

*Соат МУСАЕВ*

## МЕҲНАТ ИНСОННИ ҚАРИТМАЙДИ

— Табриклайман, ойиси. Олимжон талаба бўлибди!

Эшикдан мамнун кириб келган турмуш ўртоғининг қувончли чеҳрасини кўрган Муаттархон опа ҳам ёришиб кетди:



— Қизингиздан суюнчининг каттасини оладиган бўлибмиз. Орзуси ушалибди болагинанинг.

Олимжон — Эркин ака ва Муаттархон опаларнинг бош набираси. Тошкент Давлат шарқшунослик институтига кириб ўқиш ниятида эди. Демак, орзуси ушалиб, эзгу ниятига етибди. Кетма-кет Насибахон ҳам юридик коллеж талабаси бўлибди. Бу хабарлар бувини ширин ўйларга толдирди. Турмуш ўртоғи билан бирга кечирган 45 йиллик умри кўз ўнгидан ўта бошлади.

Улар 2 ўғил, 2 қиз кўришди. Ҳаммалари уйли-жойли, касб-ҳунарли бўлишди. Қизлар олий маълумотли фармацевт. Катта ўғил савдо техникумини, кичиги Тошкент политехника институтини тамомлади. «Мевасидан магзи ширин»лар 13 нафарга етди.

Эркин ака Тошкент шаҳрининг тарихий ҳудудларидан бири — «Аллон» мавзесида 1932 йил Абдусалом корвон оиласида таваллуд топган.

У бағри кенг ота-она паноҳида вояга етиб, уруш йиллари ва ундан кейинги оғир даврларда — 1941—41 йилларда 111-ўрта мактабни тамомлади. 1951—55 йиллари Тошкент Давлат юридик институтида ўқиб, ҳуқуқшунос мутахассислигига эришди.

Эркин Комиловнинг матбуот соҳасига кириб келиши замирида унинг болалик чоғлариданоқ газета-журналларга қизиқиши ётган бўлса-да, бунинг сабабчиси бирга институтда таҳсил олган дўсти Абдулҳафиз Ходжимирзаевнинг таклифи эди. Бу таклиф бўйича у 1957 йил, ўша пайтда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги матбуотда давлат сирларини сақлаш Бош бошқармаси деб аталадиган идорага оддий ходим бўлиб ишга кирди. Садоқатни қарангки, у ўшандан буён бу тизимда узлуксиз, соғсаломат, ўз касбининг билимдони ҳамда фидойиси бўлиб хизмат қилади.

Эркин Комилов ўзининг касбий маҳоратини ҳужжатларни чуқур ўрганиш, амалий фаолиятда тўғри татбиқ этиш, меҳнат интизомига қатъий риоя қилиш орқали мустаҳкамлаб борди.

Матбуотда давлат сирини сақлаш. Дунё ҳамжамиятидаги ҳар бир мустақил давлат ўз салоҳиятини мустаҳкамлаш йўлида ички ва ташқи сиёсат юритади. Ўз иқтисодий, мудофаа ҳамда илмий-техникавий тузилмаларини ривожлантиришга ҳаракат қилади, ички ва ташқи сирларини сақлашни йўлга қўяди.

Собиқ Иттифоқ даврида СССР деган давлат социалистик тузум раҳнамоси сифатида матбуотда давлат сирини сақлашга жиддий эътибор берди. Ўша даврда «капиталистик қуршов» жазавасига тушиб СССР Министрлар Совети ҳузурида матбуотда давлат сирини сақлаш Бош бошқармасини ташкил қилди (1922 йил). Бу тузилма собиқ Иттифоқнинг турли соҳаларда мавжуд бўлган давлат сирини белгиловчи маълумотларни очиқ матбуотда ошкор этмасликка даъват этилган идора эди. Ана шу тузум, коммунистик мафкура, СССРнинг «капиталистик» дунёга нисбатан душманлик назари билан муносабатда бўлиши Иттифоқ миқёсидаги Бош бошқарма ва унинг республикалардаги тизимларини мустаҳкамлашни тақозо этган эди. Вазифа — тоталитар тузумни эҳтиёт қилиш эди.

Маълумки, 1991 йил етмиш йилдан ортиқроқ яшаган, аммо умумбашарий тараққиётга қарама-қарши сиёсат юритган, дунё ҳукмронлиги учун курашган, ўз халқини азоб-уқубатларга мубтало қилган, ўз даврида «қудратли» ҳисобланган, «социалистик» лагер қўрғони бўлган СССРдек давлат инқирозга учради.

Собиқ Иттифоқ ҳудудида исканжа остида яшаган республикалар ўз эркини, мустақил ҳаёт тарзини ўрнатиш йўлига тушди. Бу тарихий ҳолат қандай кечгани кўз олдимизда турибди.



Эндиликда дунё ҳамжамиятида ўз ўрнини топган Ўзбекистон келажакда буюк давлатлар қаторида бўлиш орзусида олға томон одимламоқда. Мустақиллик бу ширин орзугина эмас, унинг машаққатли йўллари бор. Бу кунларимизни кўролмаган кимсалар, гуруҳлар, чет эллардаги ғаламислар йўлимизга ғов бўлишнинг турли усулларидан фойдаланишга интилиб келмоқдалар. Ўн йил мобайнида биз дуч келган салбий воқеалар бунинг исботидир. Терровчилик, диний экстремизм, ҳокимият учун кураш, халқ танлаган озодлик йўлига тўсқинлик қилиш каби ғаразли мақсадларнинг мавжудлиги бунга далил бўлади.

Ўзбекистон ўз қудратини мустаҳкамлаш учун барча чораларни кўрмоқда. Республика оммавий ахборот воситалари, нашриётлар, матбаа корхоналари тинимсиз фаолият кўрсатиб халқимизни Ватанни севишга, унга хизмат қилишга даъват этмоқда ва бу билан давлатимиз куч-қудратини оширишга катта ҳисса қўшмоқда. Ўзбекистон мустақил собиқ Иттифоқнинг республикада мавжуд турли идора услубларини йўқ қилди, янги, мутлақо бошқа турдаги бошқарув йўлларини излаб топди. Янги ташкил этилган идора сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йилдаги қарори билан Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси тизимида матбуотда давлат сирини сақлаш Инспекцияси иш бошлади. Инспекцияга кўп йиллик тажрибага эга, талабчан, ўз вазифасига садоқатли, давлат манфаатини ҳамма нарсадан юқори қўядиган киши лозим эди. Бу лавозимга Эркин Комилов тавсия этилди. У ушбу масъулиятли идорага ўн йилдан ортиқроқ муддат бошчилик қилди. Эркин ака бир тилимда ўзининг қарийб 45 йиллик фаолияти давомида Ҳамдам Алимтоевдек устозидан ўрганган касб маҳорати, билими, ишчанлиги туфайли масъул вазифани муваффақиятли уддалади. Давлат матбуот

қўмитаси раиси, етук журналист, тажрибали раҳбар Рустам Шоғуломов бошчилигида баҳамжиҳатлик билан, раисининг чуқур мулоҳазали маслаҳатларига таянган ҳолда иш юритди.

Эркин Комилов ўз вазифасидан келиб чиқиб, нашриёт, матбаа, таҳририят ходимлари, ноширлик ҳуқуқига эга бўлган идора ва ташкилотлар, радиотелевидениенинг масъул ходимларига тегишли ҳужжат талабларини тушунтириб, улар билан ҳамкорликда меҳнат қилди.

Эркин Комиловнинг узоқ йиллик ҳалол, бенуқсон меҳнатларини давлатимиз муносиб баҳолади. У «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвонига сазовор бўлди. Орден ва медаллар соҳиби. Республика Олий Кенгашининг «Фахрий ёрлиғи» билан мукофотланган. 1987 йилдан эътиборан «Меҳнат фахрийси».

Камтар, меҳнатсевар инсон, безовта қалб эгаси Эркин аканинг умр варвароқлари етмишинчи саҳифасини тўлдириш арафасида турганлигига кўпчилик ишонмайди. Жисмоний ва ақлий меҳнат билан тинимсиз шуғулланса-да, чарчаш нималигини билмайди, ҳамиша тетик ва ҳушёр. Хотирасидан ҳеч нарса кўтарилмайди. Меҳнат инсонни қаритмайди, деганлари шу бўлса керак-да...

*Карим НОРМАТОВ*

## БОШ МАВЗУ ВАТАН СИЙРАТИ

Владимир Тюриков Ўзбекистон журналистикаси ривожига ҳақиқий газетачи-солномачи сифатида ярим асрдан буён муносиб ҳисса қўшиб келаетир. Ва айни пайтда у қалами чархланган очеркшунос ва қиссанавис ёзувчи ҳамдир.

Владимир Тюриковни 35 йилдан буён биламан: ҳамкорликда ёшлар газетасида ишладик, ундан журналистика сирларини ўрганган жойларим кўп бўлган. Чунончи, 1960 йилларда Владимир Тюриков билан Рустам Шоғуломов республика ёшларининг газеталарини бошқаришарди. Владимир Иванович ёш муҳаррир Рустам ака билан ўша даврда рус тилидан ўзбек тилига мақолалар ўгиришни маслаҳатлашиб, ижодий ҳамкорлик қилишганининг гувоҳи бўлганман.

Владимир Тюриков билан Рустам Шоғуломов ноширлик соҳасида ҳамкору ҳамнафас. Улар қаламига мансуб асарлар талайгина. Ўндан ортади. Ҳар иккала таниқли журналистнинг Мустақиллик — янги тарихимиз солномачилари сифатидаги меҳнатларини ҳам алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Улар ҳамкорлигида «Мустақил Ўзбекистон Республикаси», «Унутилмас воқеалар ва саналар (1991—1998)», «Ўзбекистон Республикаси. Юз савол ва жавоб» (ўзбек ва рус тилларида), «Абадий ҳақиқат», «Шарқ мутафаккирларининг афоризмлари ва дурдона фикрлари», «Меҳнат — бахт-саодат белгиси» (рус тилида), «Аёл — муқаддассан» китоблари нашр қилинди. Шунингдек, улар томонидан ва Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида «Мустақиллик йўлидан: «Ўзбекистон Республикаси: Одамлар, воқеалар, ҳужжатлар. 1991—2000» (ўзбек ва рус тилларида) китоби чоп этилди. Бу нашриётнинг ғаладонида Владимир Тюриковнинг «Биринчи, биринчилар ва энг биринчилар» номли илмий-тарихий китоби ҳам бор.

Ҳамкасб устозимнинг бой тарихимиз сўнмас саҳифаларини акс эттирувчи яна қатор китоблари борлигини айтиб ўтмоқчиман. Улар орасида «Ўзбекистон маданий ҳаёти солномаси», «Хотира китоби» (иккинчи жаҳон уруши ҳақида, бу китобнинг тузувчиси ва асосий мақолаларининг муаллифи), «Буюк Амир

Темур. Ҳаёти саналари ва воқеалар» (таниқли тарихчи олим Турғун Файзиев билан ҳамкорликда), «Ўзбекистон Халқ демократик партияси тарихидан саҳифалар. 1991—1999 йиллар», «Бош йўл» (Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид Ғулом билан ҳамкорликда ёзилган) ва бошқа китобларни кўрсатиш мумкин.

Бағри кенг, қалби очиқ, меҳмоннавоз Владимир Тюриков хонадонида бўлганимизда, у рус тилидаги ёшлар газетасининг 1949 йил 29 июнь сонида босилган «Жонажон ўлкамиз тарихини ўрганамиз» деган биринчи мақоласини кўрсатди. Бу мақола Владимир Тюриковнинг тарихчи-журналист, ёзувчи бўлиб етишувида тамал тоши хизматини ўтаган. У бу мақолада Ўзбекистонни ниҳоятда севиб қолганлигини фахрланиб ёзган.

Журналист бу юртга бутун умри давомида сидқидилдан хизмат қилиб келаётганлигининг ўзи ибратли ҳолдир.

Уй соҳибининг иш столидаги китоблари ҳам бу фикрни тасдиқлаб турибди.

Уй бекаси, Антонина Ивановна (онахон яқинда оламдан ўтди) билан суҳбатимиз ҳамон ёдимда:

— Мен Володя билан ярим асрдан буён яшаб келаман, унинг оптимист эканлигига тан бераман. Унинг барча дўстлари, таниш-билишлари, шогирдлари ёнида, суҳбат давомида гоҳ ўта жиддий, гоҳ самимий туришларини бир кўз олдингизга келтиринг?! У киши нафақат мен ва оила аъзолари, балки улар билан ҳам гурунг қилганида чандон қаҳқаҳа отиб, бутун борлиғи билан кулади. Бунда унинг ҳаётга, бизу сизларга бўлган муҳаббат туйғуси кўриниб туради. Айни пайтда, майда-чуйда гапларга тоқати-тоқ бўлади, бирзумда ўзгариб ҳам қолади. Бир сўз билан айтганда, шоир табиат инсон, — деб айтган эди.

Онахонни саволга тутиб, Владимир Иванович ҳақида мухтасар маълумотларни сўраганман.

— Ҳозиргача 69 номда китоб нашр эттирди, — деди у. — Газета ва журналларда эълон қилинган турли мақола ва очеркларини озмунча дейсизми?

— Ҳозир-чи? — сўрайман.

— «Ўзбекистон овози» ва «Правда Востока» газеталарида у кишининг мамлакатимиз тарихига доир унутилмас саналар ҳақида лавҳалари чоп қилиб борилмоқда.

— Владимир Ивановични болаларнинг севимли ёзувчиси сифатида танийммиз.

— Менимча,— деганди Антонина Ивановна, — у яхши журналист ва яхши ёзувчи. Болалар учун кўп ёзади. Болаларга улар тилидан ёзиш осон эмас. Бунда нафақат содда услуб, балки, ҳар қандай воқеа-ҳодисани тушунарли қилиб ифодалаб бериш, ўқувчида келажакка ишонч руҳини мустаҳкамлаш катта аҳамиятга эга. Ёзувчининг маҳорати ҳам ана шунда кўринади.

Дарҳақиқат, В. Тюриковнинг бой ва сермазмун ҳаёт йўлига назар солсак, унинг сермаҳсул ва сержило ижодий фаолияти кўз олдимизга келади. Иккинчи жаҳон урушигача Удмуртияда яшади, ўрта мактабни битирди. Сўнгра урушга отланди. Дастлаб пулемётчилар ўқув юртининг курсанти бўлди. Уруш уруш-да. Володя Тюриков венгер қишлоғи Городишани фашист босқинчиларидан озод қилишда қаттиқ яраланди, даволанганидан кейин иккинчи гуруҳ ногирони бўлиб, урушдан қайтди. Владимир Иванович уруш даҳшатларини «Батальон комсорги», «Дунай бўйларида», «Ўлимга қарши тик туриб» ва бошқа қиссаларида атрофлича ифодалаб берган.

Биз Владимир Тюриков кабинетида яна бир ажойиб китобни кўриб ҳайратда қолдик. Бу китоб «Ўн аср» деб номланган қомусий луғат эди. Луғат 1995 йилда улкан ва узоқ изланишлар натижасида чоп қилинган. Китобнинг қисқача мазмуни қуйидагича: қадимги дав-

рдан бугунги кунгача ўзбек адабиёти тарихининг ажо иб воқеа-ҳодисалари ва хотира саналари акс эттири лади, икки мингдан ортиқ маълумотнома, мақола хабарларда X—XX асрларда Ўрта Осиё ҳудудида гап ва ижод қилган ёзувчи ва шоирларнинг ҳаёти ижодий фаолияти ифода қилинган.

В. Тюриков иккинчи жаҳон урушидан кейин лар газетасида узоқ йиллар ишлади. «Вечерний Т кент» газетаси таҳририятида муҳаррир муо «Литературная газета»нинг Ўзбекистондаги му ри бўлди. Мана шу таҳририятлардаги жўшқин ф лият унинг малака ва иқтидорини шакллантирди, б итди, таниқли журналист ва ёзувчи бўлиб етиш шига замин тайёрлади.

Биз сўз билан айтганда, устоз — Владимир Тюр ков тиниб-тинчимайдиган меҳнаткаш, изланувчан ҳамиша янгиликка ташна серқирра ижодкордир. У гоҳ нашриётларда, гоҳ телерадио ва газета таҳрир ятларида кўриб қоламиз. Ишонинг — адиб-журна лист бирор теша тегмаган янги ғоя — фикрли мақ ла, маълумотнома олиб боради у ерга! Ҳа, янгил яратувчи одам доимо изланишда бўлади.

*Исмоил СУЛАЙМОН*

## ҲАҚ СЎЗГА ТАЯНИБ

Шукрлар бўлсинким, муҳаррирлар орасида дўстларим кўп. Ҳар бирининг ўзига яраш феъл-атвори, дунёқараши, шу ҳаётда эгаллаган ўрни бор, салмоғи бор. Шулар орасидан бирини танлаб мавриди келгани учун кўнглимдагини айтсам, ўзга лар мени айбситмаслар деган ўйдаман.

Қизиқ, қачон қарасангиз худди ёш йигитлардек илдам юради, қаёққадир шошиб турган бўлади. Ҳо

ишида ҳам баъзи амалдорларга ўхшаб ийраб ўтирмайди, ҳали у бўлимга киради, ҳали бунисига, кечаги топшириқ қандай бажарилаётганлиги билан қизиқади, ходимнинг кўнглини кўтарувчи икки оғиз сўз айтгач, янги муаммони қўяди, бу ҳақда ўйлаб кўринг, сўнг фикрингизни айтарсиз, дейди. У «фикрингизни айтарсиз» деган сўзларга алоҳида урғу беради. Зеро, табиатан халқчил бўлган дўстим ўзгалар мулоҳазасини қадрлайди, айниқса фикр уйғотадиган гап айтилса яйраб, яшнаб кетади. Бир вақт қарасангиз оққа кўчирувчи аёлга мақоласини айтиб турган бўлади.

У ҳар нарсага чидайди, илло адолатсизликка дуч келса ўзини йўқотар даражада таъсирланади. «Қандай қилиб, нега, нима сабабдан» деган саволлар гирдобида қолади. Ҳалолликни ёқтиради, ғирромга тоқати йўқ.

Бошқалар бўлаверади, деса ҳам, ҳамма вақт виждони буюрган ишни қилади. Муҳаррир сифатида кенг маълумот ҳам, воқеа-ҳодисаларнинг боришини чуқур мушоҳада қилиш ҳам, улар орасидан ҳозирги кунда, шу бугун учун энг муҳимларини танлаб ола билиш хислати ҳам бор унда. Қаламкаш сифатида, бош муҳаррир сифатида мен айрича ардоқлайдиган хусусияти — мардлиги, жасорати, керак бўлганда зарур гапни айтишда иккиланмаслиги, чўчимаслиги. Буни қарангки, унда ҳамиша айтадиган гап бор. Ҳаётга фаол аралашади, оқим билан кетавермайди, виждони буюрса, баъзан оқимга ҳам қарши боришдан чўчимайди, масъулиятдан қочмайди, энг долзарб, чирсиллаб турган мавзуларда мақолалар битади, уларда кишиларни ўйлантираётган, улар дилидаги, тили учидаги гапларни айтади, ўзини панага олмайди, нуқсонларга нисбатан доимо ҳужумкор кайфиятда.

Ҳаётимизга рахна солаётган жами камчиликлар борки, улар дўстимнинг ғашини келтиради, ўзини қўйгани жой тополмайди, то қоғозга туширмагунча

уйқуси ҳам келмайди. Катта-кичикка бор гапни, ҳақ сўзни айтмоқликдан тоймайди. Табиийки, бундай ҳолат кимгадир маъқул келади, кимгадир эса...

Бир куни газетанинг раҳбари сифатида нашрнинг истиқболи, муаммолари ҳақида маслаҳат олгани бир раҳбарга телефон қилди. Билмадим, ўша мансабдор чап ёнбоши билан турган эканми, ҳар ҳолда, салом-аликни ҳам совуққина қабул қилди. Мулоҳазаларни эшитгач, нега менга бу гапларни айтяпсиз, ким бўлибсиз ўзи, сизларнинг ўз муассисларингиз бор, ўшалар билан ҳал қилаверинглар масалангизни, деган жавобни эшитди. Минг-минглаб ўқувчиси бўлган нашрнинг муаммолари уни қизиқтирмади. Муҳаррир ғалати ҳолатда қолганди.

— Ўша куни ишлай олмадим, — дейди у. — Бизнинг муаммо ҳал бўлмагани учунгина эмас, йўқ, асло бунинг учун эмас. Анча юқори мавқега эга бўлган бир мансабдорнинг ўзини тутишини ҳазм қила олмадим. Ўтиргани жой тополмасдим. Агар у журналист, газетанинг бош муҳаррири билан шу алфозда гаплашса, ўз ходимлари билан, у ёки бу масалада мурожаат билан келадиган оддий кишилар билан қай йўсинда сўзлашар экан, деган хаёл тинчлик бермасди менга. Бўлмади, юрагимдаги борини навбатдаги мақолага тўкиб солдим. Ахир умумий ишимизга халақит бераётган барча ҳолатларни кенг ёритиб бориш талаб қилиняпти биздан.

Дўстим ўз касби бўйича ҳам, шу юртнинг бир оддий фуқароси сифатида ҳам етилган муаммоларни ҳал этишга, камчилик ва нуқсонларни тугатишга жамоатчилик эътиборини қаратиш — журналистнинг энг муҳим вазифаси деб билади. Шу йўлда, шу мақсадда куйиб-ёниб яшади, меҳнат қилди.

Бир ўқувчи сифатида унинг газетасидаги «Муҳаррир минбари», «Муҳаррир сўзи» рукнлари остида берилаётган мақолаларни доим катта қизиқиш билан



мутолаа қилиб бораман. Уларда ҳодисаларнинг бориши шунчаки қайд қилиниб қолинмайди, балки шу ҳодисаларга нисбатан муаллифнинг тутган йўли, муносабати, ўй-хаёллари, интилиши, мақсад-ниятлари бутун бўй-басти билан кўзга яққол ташланиб туради. Муаммолар ярим-ёрти қилиб, силаб-сийпаб эмас, балки бутун борлиғи билан очиқ айтилади, тош босувчи таклиф ва мулоҳазалар илгари сурилади. Бундай мақолалар ўқувчини ўйлантиради, қандайдир куч беради, фикр уйғотади, ишонч пайдо қилади.

Шунча сўзлардан кейин гап ким ҳақида кетяпти, деб сўрарсиз. Айтаман, айтганда ҳам бор овозим билан, катта ифтихор билан айтаман: бу — «Ташкентская правда» газетасида узоқ йиллар бош муҳаррир бўлиб ишлаган Аълохон Хўжаевдир. Менинг дўстим ана шундай журналист. Ҳамкасбларим орасида шундай қаламкаш борлигидан фахрланаман. Баъзан ўйланиб қоламан, қани энди у каби куйди-пишдилар кўпроқ бўлса, тўралашиб кетган мансабдорларга тинчлик бермаса, деб. Шундай бўлса нуқсонларимиз камайарди, ҳаётимиз янада жозибали бўларди.

Кейинги йилларда Аълохон бир қатор чет эл мамлакатларида бўлди. Ўша ерда кўрган-билганлари ҳақида газетхонларга сўзлаб берди. Шу хилдаги очерклари, чамамда, икки жиҳатдан ажралиб туради. Биринчидан, муаллифнинг жаҳон маданияти тарихидан, дунё адабиёти тарихидан шунчаки эмас, балки чуқур ва ҳар тарафлама хабардор эканлиги шундоққина сезилиб туради. Иккинчи менга маъқул тушган жиҳати шундаки, у кўрганларини, дуч келган воқеаларни шунчаки бетараф киши сифатида ҳикоя қилмайди, ўша ҳодисаларга аралашиб кетади, биздаги шу каби ҳолатлар билан чоғиштиради, ҳаёт учун фойдали томонларини алоҳида таъкидлаб ўтади.

Яна шуниси борки, Аълохон етук журналист, публицистгина эмас, балки айни пайтда шоир ҳамдир.

Қалбининг нозиклиги, эҳтимол, шундан бўлса ажаб эмас. Мен уни энг сермаҳсул ижодкорлардан бири деб ҳисоблайман.

Аълохоннинг оиласини чин маънода зиёлилар оиласи, деб атаса бўлади. Умр йўлдоши Саодат Аъзамовнанинг асли касби санъатшунослик, фан номзоди. Айни пайтда «Тасвир» газетасининг ҳамда «Оптовик» журналининг бош муҳаррири. Бинобарин, у ҳам журналист.

Умрингиз узоқ бўлсин, ижодингиз булоқ бўлсин, дўстим!

*Ҳабиб САЪДУЛЛА*

## БИЗНИНГ ДИЛДОРА

Узоқ йиллар «Ўзбекистон матбуоти» журналига муҳаррирлик қилган журналистикамиз оқсоқолларидан бири, ижодкор сифатидагина эмас, моҳир ташкилотчи, устоз муҳаррир, жамоат арбоби сифатида ҳам довруқ таратиб, эл-юртда ҳурмат қозонган Зиёд ака Есенбоевнинг яхши одатлари бор: ўзлари билан ишлаган шогирдлару ёшларга ўз фарзандларидай илиқ муомала билан сенлаб гаплашадилар. Бундан биз, ёшлар қувониб самимий яқинлик туямиз.

Шу табаррук инсон бир неча йилдан буён Тошкентда кўришдек дегунча:

— Дилдорахон ҳақида бир очерк ёзиб бергин, журналдан жой олиб қўяман, — деб топшириқ берадилар. — Ахир, журналистикада бундай аёллар кам, уларни қадрлаш керак.

Менинг журналистикага илк қадамим «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози»)дан бошланган. У пайтда Зиёд ака бош муҳаррир эдилар.

Масъул котиб бўлиб ишлаган раҳматли Саъдулла ака Кароматов мени хат ташувчилик вазифасига қабул қилганлар. Салкам қирқ йилки, Зиёд ака мен билан ота-боладай муомалада бўладилар. Йиллар ўтаверади, топшириқ бажарилмайди. Кўришганда гинахонлик аралаштирмай яна ўша амирона оҳангда:

— Дилдорахон ҳақидаги очеркинг битдими, қайси сондан жой олиб қўяй? — дейдилар.

Аслини олганда оқсоқолнинг топшириғини бажариш учун шунча вақт керак эмас эди. Лекин Дилдора опа ҳақида шунчаки ёзиб бўлмаслигини билардим. Чунки бир қарашда битта маҳаллада бирга ўсиб улғайган, умр йўллари ва фаолияти билан таниш одам ҳақида ёзиш осондай... Аммо аёл сифатида алоҳида бир олам, инсон сифатида яна бир дунё, ишчан ходима, мунис она, садоқатли дўст, ишончли ҳамкор, керак пайтда тоғдай суянчиқ, зирҳдай қалқон, меҳрибон ва талабчан устоз, тажрибали раҳбар, эл эътироф этган инсон сифатида хислату фазилатлари билан олмос қиррали хилқат бўлган одамнинг таърифига, ҳар бир соҳадаги фаолияти тавсифига ташбеҳ топиб ёзиш осонми?

Дилдора Аҳмедова деган ном наманганликлар учун нодир қўшиқдай таниш. Унинг жарангдор овози бир неча йиллар давомида вилоят радиосида янграган... Нечинки қулоқларга, кўнгилларга сингиб кетган.

Бошдан бошлайдиган бўлсам Тошкентда таваллуд топган қиз тақдир тақозоси билан уруш қаҳрамони Набижон ака Мингбоевга ўз умр йўлларини боғлаган опаси Самияхон опа туфайли Наманганга келиб қолиб, ана шу хонадонда улғайди. Қаҳрамон поччасининг фазилатларини ўзига сингдирди. Ҳаёт уни Набижон акадан кўра қаттиқроқ синовларга дучор қилди, ана шу жараёнда унинг ўзи қаҳрамонга айланди. Қаҳрамонона яшади, ишлади, яшаб ишламоқда.

Баски, унинг ҳақида ёзиш керак экан, демак унинг яраларига тегиб ўтиш керак бўлади. Балки шу сабабли журъатим етмагандир.

Ҳа, ўша қизалоқ Наманган педагогика билим юртини тугатиб, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг биология факультетида таҳсил кўрди. Бу ерда бирга ўқиган Аббосхон Нодиров билан тақдири боғланди. Улар Намангана қайтиб пединститутда муаллимлик қилишди. Ўтли-шудли, ташаббускор ёш муаллима тезда кўзга ташланди. Шаҳар ижроқўми раиси Мелихон она Иброҳимованинг назарига тушиб ўша даргоҳга ишга таклиф этилди. Айни пайтда Наманган радиосида сухандонлик қилди. Бир неча муддатдан кейин шаҳар маданият бўлими мудирлигига ўтказилди.

Бу жараёнларда унинг ташкилотчилик қобилияти тобора намоён бўла борди. Ўзи эса радиожурналистиканинг сиру асрорини ўрганиб, ҳам сухандон, ҳам ташкилотчи сифатида камол касб этди.

Балки шундандир, 1970 йилда вилоят радиоэшиттириш қўмитаси раиси бошқа ишга ўтгач, Дилдора Йўлдошевна Аҳмедова ана шу вазифага лойиқ деб топилди.

Меҳнатнинг қадрланиши, истеъдодингни намоён этиш учун майдон очилиши, бир ўғил, уч қиз камолга етаётган тотув турмушдаги рўшнолик, сени тушунадиган умр йўлдошингнинг меҳрибонлиги, дўсту дугоналарингнинг самимияти беадад шукурга лойиқ комронлик эмасми?! Бир аёлга яна нима керак? Ҳа, у ўз бахтидан энтикиб хушнуд яшар, ўзини бутунича ишга бағишлаб вилоят радиожурналистикаси равнақи йўлида жон куйдирар, пастқамгина бир қаватли бинода жойлашган радио учун алоҳида замонавий бино қуриш ташвишида елиб-югурар эди.

Ана шу хушнуд кунларга кўз тегди. Гўё бемаврид довул келдию хонадон чинорини қулатди. Ногаҳо-

ҳамда дўсту ҳамкори, вафодор ёри, болаларининг отаси бўлмиш Аббосхон Нодировни олиб кетди. Ўшанда она ўттиз олти ёшда эди.

Бу машъум жудолик унинг ҳаётдан олган илк зарбаси бўлди. Аёл зотининг қалби гулдай нозик эсада, шундай зил юкларни кўтара оларкан. У ғамзада, аламзада бўлиб кўз ёшларини сел қилиб юрмади. Ўзини ишга урди, дўст-ёрлари билан, фарзандлари билан овунди. Бор меҳрини ўғли ва қизларига бағишлади. Бор қувватини ишга сарфлади.

Ҳошимжон Холхонов номли кўчага зеб бағишлаб турган вилоят радио уйи ана шу кунлардан эсдалик бўлди. У энди аёл бошига эркаклик юки ва масъулиятини ҳам олди.

Дил яралари ҳали битмай туриб отаси ўрнини босиб қолган, икки ўғилга ота бўлган Ойбекжон ҳалокатга учради. Бу фожиадан Дилдора онанинггина эмас, дўст-ёрларининг ҳам қалби ларзага келди...

Одам боласи чидар экан. Ўша кунларда назаримда онанинг кўзларидан ёш эмас, алам ва армон сел бўлиб оқди. Аммо чидади. Ахир, шу эмасми қаҳрамонлик? Ҳаёт комрон дамларда ҳаёту, бахтсиз дамларда жаҳаннам эмас... Лаззатини севган одам, азобига ҳам дош бериши керак...

Ҳа, икки суянган тоғи қулаб, икки қаноти синиб тушганда ҳаётни янада кучлироқ севиш шукроналик рамзидир. Оллоҳ севган бандасини шундай оғир машаққатлар билан синаб кўраркан. Она шукр қилди. Қизлари шукрини қилди, саломатлиги шукрини қилди... Йўқотганларини набираларидан қидирди, топмоқда.

Тўқсонинчи йилларда айрим нияти бузуқ кимсалар маҳаллий маъмурий идоралар, матбуот ва радиога таҳдид солганларида она мардона туриб ўз қарашларини ҳимоя қилди. Ўз муқаддас даргоҳига қалқон бўла билди. Бир неча ой муқаддам ўз саъй-ҳаракати билан иш бошлаган вилоят телевидение-

сини ҳақ йўлни тарғиб этувчи минбарга айлантириб бемаъни хатти-ҳаракатларни фош этди, элни ҳушёрликка, иғвогарликларга учмасликка чақирди.

Ўша кунларда вилоят ҳокимлиги ҳозирги биносини эгаллаб олган тўдалар кирдикоридан таъсирланиб, «Тазарру» сарлавҳали шеър ёзган эдим. Уни биринчи бўлиб Дилдора опага ўқиб бердим. Ҳатто баъзи қаламкаш биродарларим ҳам «қандоқ бўларкан?» деб ҳайрон бўлиб турганда опа, ҳозир радиода ўқиб беринг, кечқурун эса телевидениеда чиқсиз, деб қолдилар.

Бу жуда катта журъат эди. Шеърни қораламаданоқ магнит тасмасига ёздириб, ярим соатдан кейин эфирга узатиш тўла маънодаги жасорат эди. Албатта, шеър эл орқали ёйилиб, мамлакатга тарқалди. Ўз вазифасини ўтади.

Опа қарийб чорак аср давомида вилоят телерадиосини бошқардилар. Ўтган давр ичида бир неча одам ишлайдиган радиокомитет негизида йирик ижодий гуруҳ — вилоят телерадиокомпанияси вужудга келди. Унинг моддий-техник базаси замонавий ускуналар билан қайта жиҳозланди, аввал айтганимиз радиоуйи қад ростлади, телевизион марказ биносини қуриш бошлади. Бу ишлардаги ҳар бир янгилик қанчалик изланиш, югуриш-елиш, қанчалик асаб баҳосида туришини фақат соҳа одамларигина ҳис этадилар.

Бу давр ичида ўнлаб ёш қаламкашлар ана шу даргоҳда радио ва тележурналистика сирларини ўрганиб камол топдилар. Улар шубҳасиз опадан дадиллик, ўз қарашларини ҳимоя қила билиш каби хислатларни қабул қилдилар. Бир-бировини асраб-авайлай билиш, меҳрибонлик сабоғини олдилар ва умр йўлларидаги оқила устоз сифатида ҳамон у кишига меҳр ва садоқат сақлайдилар. Шу хизматлари учун ҳам опа «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист» унвонига сазовор бўлганлар.

Дилдора опа гоҳ ўзининг ширинсуханлиги билан, гоҳ принципиаллиги билан, гоҳ катта-кичик даргоҳларда мантиқий исботлари билан бошлаган ишини охирига етказганига гувоҳ бўлгани учун ҳам, бир аёл қалбида шунча олов, шунча шиддат борлигига қойил қолгани учун ҳам Зиёд ака мени у киши ҳақида ёзишга ундайверди.

Биргина Зиёд ака эмас, узоқ йиллар маълум соҳаларни бошқарган Убайдулла ака Иброҳимов ҳам, Мақсуд ака Қориев ҳам у кишига қойил қолишади. Нега биз қойил қолмаётганлигимизга ҳайрон бўлишади. Аслида биз ҳам опанинг жонкуярлигига, меҳрибонлигига ҳамиша қойил қоламиз. Бу аёл йигирма олти йил давомида вилоят хотин-қизлар қўмитасининг раиси сифатида аввал жамоатчилик асосида, сўнг лавозим сифатида фаолият кўрсатиб қилган ишлари алоҳида бир мавзу. Бир неча йилдан бўен Наманган шаҳар ижтимоий таъминот бўлими мудири сифатида олиб бораётган ишларининг ўзи бир китоб.

Бас, шундай экан, опа тўғрисида ёзиш осонми? Лекин бугун, Наманганда ана шундай зебо ва доно, мунис ва зукко аёл борлигидан ифтихор қилиб, унинг пойига баҳорнинг илк чечакларини сочиш, чеккан заҳмат ва машаққатлари олдида таъзим бажо этиш жоиз.

*Умида ФАЙЗИЕВА,*
*Ҳамид СУЛТОНОВ*

## КОМИЛА ОПА

Комила опа хонадонига қадам қўйганимизда онахонларга хос вазмин тавозе билан саломимизга алик олиб, сўзга тутиндилар:

— Хуш келибсизлар! Ҳаёт қизиқ-да, унинг ҳар сонияси — сабоқ. Яхшиларни эсласанг, яхшилар ҳам

сени йўқлашади, дейишгани рост экан. Бугун эрта тонгда боғ ҳовлимни айланиб, турфа очилган атир гулларга боқдим. Хаёлим учди... «Қизил Ўзбекистон»да кечган йилларимни эсладим. Устозлар номини ёдга олувдим... Кўрингки, сизлар келдингиз... Ҳа, айланайлар, гапга тушиб чой қўйишни ҳам унутибманку. Сизлар, мана бу, суратлар альбомини кўриб туринглар, мен ҳозир...

Ҳай-ҳайлаганимизга қарамай дастурхон ёзилди, уй соҳибаси бизни сийлаб бисотидаги ноз-неъматларни дастурхонга қўйди. Бир пиёла чой баҳона суҳбат бошланди. Комила опа гапларини бўлмай эшитишга изм бердик.

— Ёшинг ўтган сайин кечаги кунларингни хотирлайдиган, ёд оладиган бўлиб қоларкансиз. Бу ҳам кексаликнинг бир аломати бўлса керак-да, — дея ҳикоя қила бошлади Комила опа. — Одатда биз, фахрий журналистлар аввалари газета тайёрлашга қалб қўри, шижоатимизни, маҳоратимизни сарфлабгина қолмай, айни чоқда вақт билан ҳечам ҳисоблашмасдик, у пайтлар техника, машина, компьютер қаерда деб айтсак, ёшларга бироз эриш туюлиши, табиий. Бироқ, бу ҳақиқатда. Бугунги кунда журналистларга ҳамма нарса муҳайё, ижод учун шароитлар бисёр. Истаган соҳалари бўйича мақола ёзиш имкони бор. Булар, ахир, бир пайтлар бизнинг орзуимиз эди-ку!

Асли Тошкент вилояти. 2-Қорасув қишлоғиданман. Отамни элас-элас эслайман, болалигимда вафот этган эканлар. Бувимнинг қўлларида катта бўлдим. Тошкентдаги Зебуннисо номли мактабда ўқидим. Билимга чанқоқ эканлигимни сезган муаллимлар мени мактабгача тарбия техникумига ўқишга ўтказишди. Ўшанда 17 ёшда эдим. Тез орада республика Маориф вазирлиги буйруғи билан Чуст туманига бориб, боғча мудираларига хат-савод ўргатдим, янги боғчалар очилишига ёрдамлашдим.

Тақдирни кўринг: шу ерлик журналист ёрдамида «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасига ишга келганман. Ўша пайтлари Сулаймон Азимов газета муҳаррири эдилар. Бу даргоҳда Неъмат Абдуллаев, Ҳожиакбар Ғуломов, Тўхтасин Жалолов, Шайх Жўра, Баҳром Раҳмонов, Аҳмад Исмоилов сингари қалби дарё ажойиб журналистлар қалам тебратиб келишарди... 1941—1945 йиллар... Уруш даврининг энг азобли кунлари... Бу кунларни унутиб бўладими? Дам олиш қаёқда, уруш воқеаларига қарамай, ижод қиламиз. Ўзбекистонда юзага келаётган янги канал, ГЭС қурилишларига бориб, мақолалар ёзардик.

Тақдир тақозоси, дейишадими, билмадим яна, ўқишга тўғри келди. Москвада, газетачилар курсида олти ой таҳсил кўрдим, касб малакасини оширдим.

Тошкентга қайтгач, янги ишга йўллашди. «Ўзбекистон хотин-қизлари» журналининг масъул котиба бўлдим. Маълумки, бу журнал нашри уруш сабабли тўхтаб қолган эди. 1950 йилда журнал тикланиб, «Ўзбекистон хотин-қизлари» номи билан чиқди. Жўшқин ижоди, инсоний фазилатлари билан эл эъзозига сазовор бўлган адибу шоиралар, олималар — Ойдин Собирова, Зулфия, Шарифа Абдуллаева, Хосият Комилова билан ҳамкорликда ишладим. Раҳмат Файзий, Саида Зуннунова, Мирмуҳсин, Салоҳ Ҳасан сингари қаламкашлар эса журналимизнинг фаол мухбирлари эдилар. Гоҳи-гоҳида шу йиллардан эсдалик бўлиб қолган журналларни қўлга олиб варақлайман... Бор-йўғи уч-тўрт аёл ходим журнални бўйбасти ила нашр эта олганлигимизни эсласам, шунча куч-ғайратни қайдан олган эканмиз, деб ҳайратга тушаман. Инсоннинг иродаси кучли, меҳнатга иштиёқи бўлса, омад унинг томонида бўлади.

Эллигинчи йилларнинг иккинчи ярмида республика партия Марказқўми ҳузуридаги партия мак-

табининг таржимонлик гуруҳида ўқидим. Бу касб ка-кейинчалик меҳнат фаолиятим мобайнида жуда ас-қотди.

Қадрдон даргоҳга, «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетаси таҳририятига ишга қайтишим мен учун катта бахт бўлди. Дастлаб фи-рқа турмуши бўлимида адабий ходим бўлиб ишла-дим. Кейинчалик таҳририятнинг ахборот ва мух-бирлар билан ишлаш бўлимини бошқардим.

Очиғини айтай: газетанинг хатлар ва оммавий ишлар бўлими мисоли газетанинг юраги. Негаки бу бўлимга республиканинг турли бурчакларидан ҳар куни юзлаб хат-хабарлар келади. Уларнинг ҳар бирини вилоятлар бўйича тутилган дафтарларга қайд этиб, бўлимларга тарқатиш ва уларнинг тақдирини кузатиш учун қаламкашда сабот ва матонат туйғу-си бошқа ҳамкасбларга нисбатан кучли бўлиши дар-кор. Айни чоғда олинадиган меҳнаткашларнинг ари-за ва шикоятномаларини ўқиб-ўрганиш, шу хусус-да тегишли ташкилотларга қўнғироқ қилиш ёки таҳририят хатини юборишга вақтни аямаслик ке-раклигини доимо эсда тутардим. Бу бўлимда Маъ-руф Назаров, Ҳошим Абдусаматов, Талаббой На-зиров мудир бўлганлар. Улар билан ҳамкорликда ишлаб, бўлимнинг жанговарлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб борганман. «Совет Ўзбекис-тони»нинг жамоатчилик қабулхонаси ҳам ҳамиша гавжум бўларди. Ҳафтанинг уч кунида бу ерда меҳнаткашлар қабул қилиниб, уларнинг ариза ва ши-коятномалари кўриб чиқилган. Дарҳақиқат бизнинг газетамизда хатга муносабат борасида ҳар қанча ўрганса арзийдиган тажриба тўплангани сир эмас эди.

Газета муҳаррирлари Иброҳим Раҳим, Зиёд Есенбоев, Мақсуд Қориев летучкаларимиз якуни-

да хатлар билан қизиқиб, бу ҳақда бўлим мудири-дан ахборот сўраб боришар, ишнинг бу соҳасига эътиборни янада кучайтириш ҳақида ўз маслаҳатларини айтишар эдилар. Жамоатчи мухбирлар хатлари газетамиз саҳифаларида тез-тез кўринганлиги ва овозига баралла жавоб берилганлигининг натижаси деб биламан. «Материалларимиз изидан», «Шикоят босилмади, аммо чора кўрилди» сингари доимий рукнлар газета шуҳратини оширишга хизмат қилади.

Чиндан ҳам таҳририятимизда хатлар билан ишлашда, меҳнаткашларни таҳририятда қабул этиб, ариза ва шикоятномаларини кўриб чиқишда моҳият эътибори билан янги шиоримиз юзага келди. «Газетага келганларнинг кўнгли тўлмай, бу даргоҳдан чиқиб кетмасин!» деган даъват фаолиятимиз мезонига айланди. Зеро, хат — кўнгил ойнаси, газета у билан ҳаёт.

Суҳбатдошимиз ижодхонаси билан таништиради. Ижодхонадаги китоб жавонлари, турли йиллардаги нашрлар тахлами тартиб билан жойлаштирилганини кўриб, фахрий қаламкашга бўлган меҳримиз янада ортди. Олинган юксак мукофотлар ҳақида эса опа ҳеч нима демади. Бу ҳақда сўраганимизда эса, уч бор Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи олганлигини, газетанинг 50 йиллиги ҳамда матбуотни ривожлантиришдаги алоҳида хизмати учун «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвонига сазовор бўлганлигини айтди.

Фахрий қаламкаш Комила Юмаева бугунги кунда ҳам ҳамкасблари ҳузурига келиб туради. Яқинда «Ўзбекистон овози» газетасининг ёшлари билан суҳбатлашиб ўтирганининг шоҳиди бўлдик. Суҳбат сўз масъулияти ҳақида борар эди...

# АКА-УКА ҚАЛАМКАШЛАР

*Ҳайдар ИБРОҲИМОВ*

## 1. КАСБ ЭЪЗОЗИ

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни арафасида қадрдон иш жойим — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига бордим. Ҳамкасбларим билан учрашиб, дилдан гаплашдим. Улар орасида Ёқуб акани кўриб ниҳоятда қувондим. Негаки, етмиш икки баҳорни кутиб олган дўстим ёшлардек чаққон, дадил ўрнидан туриб саломлашди. У компьютерлар тизими орқали мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларига юборилаётган навбатдаги мақолаларни ўқиётган эди.

Нигоҳим Ёқуб акада... Сатрларни ўқиб, зарур жойларини таҳрир этаётир... Хаёлимдан эса шундай фикрлар ўтади: матбуотга меҳр қўйган инсоннинг қалбида ижод иштиёқи ҳеч қачон сўнмайди. У одамларга, юртига кўпроқ фойда етказиш орзуси билан қалам тебратади.

Чиндан Ёқуб ака орзусига етиб, уни таниган ва бирга ишлаётган қаламкаш дўстлари эъзозу ҳурматига сазовор инсон. Унинг журналистика касбини эъзозлаб келаётганига 42 йилдан ошди. Ва энг муҳими шундаки, у шу йиллар давомида бир даргоҳда — ЎзТАГда, ҳозирги Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигида фаолият кўрсатиб келади.

Ёқуб Иброҳимов билан ўн йилдан кўпроқ шу даргоҳда бирга ишладик. Тиғиз иш соатларидан сўнг бир пиёла чой баҳона мириқиб суҳбатлашганмиз. Шундай пайтда у ўз ҳаётидаги қувончли воқеаларни қисқа сўзлаб бергани эсимда. Ёшлигида адабиётга меҳр қўйиб, кўп китобларни ўқиган. 1954 йили Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтига ўқиш-



га кираётган кезларда «Русча-ўзбекча луғат» босмадан чиққан эди. Орадан 30 йил ўтгач, у икки жилдли ана шундай қомусий луғатнинг яратилишига луғатшунос олимлар қатори ҳисса қўшди.

1959 йилда Ёқуб Иброҳимов институтнинг рус тили ва адабиёти факультетини тугатганидан сўнг Ўзбекистон телеграф агентлигига ишга қабул қилинди. Дастлаб мусаҳҳиҳ, сўнгра муҳаррир бўлди. Тез орада ёш мутахассисга жамоа катта ишонч билдирди: маҳаллий матбуот бўлимига бош муҳаррир этиб тайинланди. Бу бўлим мамлакатимиз шаҳар ва туманларида нашр этилаётган газета таҳририятларига ранг-баранг материалларни етказиб беришга ихтисослашган эди. Айни чоғда Ёқуб ака таниқли таржимонларнинг кўмагида таржима санъатини ҳам эгаллаб борди.

Истиқлолимиздан сўнг диёримизда олиб борилган ижтимоий-маънавий ислоҳотлар жараёнида ЎзТАГ Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА номини олди. Унинг ижодий жамоаси зиммасига масъулиятли вазифалар юкланди. Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти ва ҳукуматининг ички ҳамда ташқи сиёсатининг моҳиятини халқимизга етказиш, мустақил мамлакатимиз ҳаётига оид ҳар бир куннинг энг муҳим воқеалари силсиласини жамлаб ёзиш ҳамда хорижий мамлакатларда юз бераётган воқеа-ҳодисаларни қисқа хабарларда ифодалаш, уларни оммавий ахборот воситалари таҳририятларига тарқатиш ЎзА ижодкорлари зиммасида. Барча қатори Ёқуб ака ҳам катта карвоннинг оғирини енгил этишга муносиб ҳисса қўшаётир.

Президентимиз фармонларини, ҳукумат қарорларини газеталар орқали халққа етказиш каби олижаноб ишга бош-қош бўлмоқда. ЎзА вилоят мухбирлари эса ўзлари юборган хабарлар Ёқуб Иброҳимов таҳриридан сўнг фикрлар янада тушунарли, соддароқ ва айни пайтда сержило бўлишини тан оладилар.

«Ёқуб Иброҳимов, ЎзА шарҳловчиси» — ана
имзо қўйилган мақолаларни «Халқ сўзи», «Нар
ное слово», «Ишонч», «Туркистон» ҳамда вилоят
нинг қатор газеталари саҳифаларида тез-тез ў
тасиз. У маънавият ва маърифатни инсон ди
йўлининг зиёси деб тушунади. Шу ҳақда тўлқин
ниб ёзади. Газетхонлар Ёқуб ака қаламига мен
миллатимизнинг ажойиб инсонлари фаолияти,
навиятимизни бойитувчи нодир китобларнинг
ҳиятига бағишланган қатор сержило, ихчам ва
мунли мақолаларини мароқ билан ўқиб келиша
Унинг «Абадият буржининг зиёси», «Алпомиш юр
га қайтади», «Бори элга яхшилик қилғил...» каби
лавҳалари ўқувчиларнинг эътиборига тушди.

Ҳалол меҳнат обрў келтирар, дейди халқим
Ёқуб Иброҳимовнинг матбуотимизни юксалтири
га қўшаётган ҳиссаси муносиб тақдирланган. Ун
«Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходим
фахрий унвони берилган.

Матбуотимиз фидойиси Ёқуб Иброҳимов нурон
ёшда бўлишига қарамай ҳамон сафда фаоллик би
қалам тебратаётир. Ибратли ҳаёт йўлини босиб ун
ҳамкасбимизга ҳар қанча ҳавас қилсак арзийди.

*Соат МУСА*

## 2. КИТОБЛАРДА УНИНГ НИГОҲИ

Бундан беш йил илгари «Ўзбекистон Милли
энциклопедияси» давлат илмий нашриётинин
фалсафа ва ҳуқуқ таҳририятида ишлаш учун Илҳо
Султоновни етакчи илмий муҳаррир этиб тавс
қилишганда, очиғи жуда мамнун бўлганман. Бои
уни узоқ вақтдан буён яқиндан танир эдим, меҳ
фаолиятимизни олдинма-кейин «Тошкент ҳақиқат

газетаси таҳририятида бошлагандик. Илҳомнинг таржима, таҳрир борасидаги тажрибаси, маҳоратини жамоадагилар қадрларди. У ўз устида тинимсиз ишлайдиган, илмга ташна йигит сифатида таассурот қолдирганди. Бундан 30 йиллар муқаддам устоз Назармат ака Эшонназаров «Илҳомнинг Шарқ ва Ғарб адабиёти, санъати, маданияти бобидаги билими унча-мунча олимникидан кам эмас», деб айтгани эсимда.

Шундай қилиб, қадрдон қаламкаш дўстимиз билан яна бирга ишлаш насиб этди. Илҳом билан турли мавзуларда қизғин суҳбат, мунозара олиб бориш марокли кечади. У билан хусусан тарих, адабиёт, дин оламидаги янгиликлар борасида гаплашсангиз, кўп нарсалардан хабар топасиз. Бу соҳада у яхши суҳбатдош бўла олади. Илҳомдаги бундай илмий салоҳият аввало, унинг ўқимишли, китобнинг қадрига етадиган оилада ўсиб, камол топгани натижасидир.

— Иброҳим отамиз, Холбуви онамиз яхшигина саводли эдилар, баъзан Қуръони Каримни ўқиб, айрим жойларини биз — фарзандларига изоҳлаб беришарди, — дея хотирлайди у. — Девор токчаси тўрида «Сияри шариф», «Мабдаи нур», «Армуғони Хислат» ва шунга ўхшаш қўлёзма ва босма китоблар турарди. Вақтида отамиз ўз яқин улфатлари билан йиғилишиб, биргаликда китобхонлик, қироатхонлик қилишгани ёдимда. Яҳё, Ёқуб акамлар ҳам бадиий, илмий асарларни сотиб олиб, ўқиб боришарди. Ибн Сино «Қонуни», Навоий «Хамса»си, «Бобурнома», «Ўзбек халқ мусиқаси», Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк», Аҳмад Донишнинг «Нодир воқеалар» жилдлари, ўзбек ва жаҳон адабиётининг янги нашр этилган намуналари оилада, айниқса, қадрланарди.

Китобларнинг тарбиявий таъсири ўз самарасини берган, албатта. Узоқ йиллар ҳалол меҳнати билан элнинг жамоатчилик орасида обрў-эътибор қозонган, ҳозирда маҳалла-кўй ва серфарзанд оиланинг нуро-

ний отахони Яхё Иброҳимовни ҳисобга олмаганда, қолган уч ака-ука ижодкор қаламкаш бўлиб етишди: Ёқуб Иброҳимов, Иаҳом Султонов ва Ҳамид Султонов имзоларини ўқувчилар даврий газета ва журналларда бот-бот учратади.

Буни қарангки, ҳамкасбимиз Иаҳомжон олтмишвойлар сафига ўтибди, меҳнат фаолиятига эса қарийб қирқ йил бўлибди. У дастлаб, юқорида эслаганимиздек, «Тошкент ҳақиқати»нинг мусаҳҳиҳлик бўлимида ишлади. Тунги навбатчиликларда таржимон сифатида ўзбекча матнни русча матнга солиштириб текширишларида ниҳоятда зийраклик қиларди. Сўнг газетанинг саноат-қурилиш, тарғибот бўлимларида ишлади, адабий котиб, бўлим мудири лавозимларида фаолият кўрсатди. Тўлаган Нажмиддинов, Темур Расулов, Мирсобир Мирҳамидов каби устозлардан журналист маҳорати сирларини ўрганди. Ўткир Ҳошимов, Жасур Носиров, Будир Пўлатов, марҳум журналистлар Шуҳрат Шораҳмедов, Яшин Салимов, Саидвали Ҳасанов каби тенгқурлари билан бир сафда жўшиб ижод қилди.

Тошкент давлат педагогика институти (ҳозирги педагогика университети) тарих-филология факультетини битирган эмасми, Иаҳомда тарих, бадиий адабиётга, таржимонликка ихлос кучли эканлиги сезилиб туради. Шу сабабдан бўлса керак, матбуотда Фирдавсий, Навоий, Бобур, Лев Толстой, Достоевский, Ойбек ва бошқа улуғ адиблар ижодлари ҳақидаги мақолалари билан чиқди, машҳур ёзувчилар ижодий меҳнатига оид лавҳаларни тўплаб, таржима этиб газета ва журналларда эълон қилди.

Иаҳомнинг «Ўзбекистон — Con!ac!» журнали ўзбекча нашрига муҳаррирлик қилган давридаги ижодий ишларига назар солган киши ҳам ундаги ана шу ихлосни ҳис этади. Шунингдек, у «Ватан» газетаси, «Шарқ юлдузи», «Ёшлик», «Иқтисод ва ҳаёт»,



«Шарқ машъали» журналлари таҳририятлари билан узвий ҳамкорлик қилди. Бу ҳамкорликнинг меваси сифатида рус тилидан у таржима қилган Г. Вамберининг «Ўрта Осиёга саёҳат», Ибн Холдуннинг «Ибратнома», Бедилнинг «Чор унсур», Миддендорфнинг «Бухорога саёҳат» каби асарларидан баъзи боблар, муаррих Мирзо Сомийнинг «Манғит султонлари тарихи» китоби ўзбек ўқувчиларининг диққатини ўзига тортди.

Иаҳом Султоновни моҳир муҳаррир ва таржимон дейишга ҳақлимиз. У кейинги йилларда журналхонларнинг севимли нашрига айланиб қолган «Жаҳон адабиёти» таҳририяти учун ҳам бир неча тарихий асарларни — Табарийнинг «Тарих ар-расул ва-л-мулук», Жавоҳарлаъл Нерунинг «Жаҳон тарихига бир назар», Адам Мецнинг «Исломий уйғониш» китобларидан парчаларни ўзбекчага ўгириб берди. Шарқ романчилигида катта мактаб яратган таниқли араб ёзувчиси Журжи Зайдоннинг «Ал-Амин ва ал-Маъмун» романи ушбу журналнинг 2000 йилги уч сонида босилиб чиққани мутаржимнинг катта ютуғи бўлди. Қўлида қалам ушлаб, таржима санъатига ихлос қўйган Иаҳом бундай оғир, мураккаб ижодий ишлардан қайтмайди, уларни ўзбек ўқувчиларининг маънавий мулкига айлантира олганидан ўзи катта қониқиш ва мамнуният ҳиссини туяди.

Мустақиллик шарофати билан республикамизда қатор иқтисодий газеталар нашр этила бошланганида тажрибали қаламкашлар қатори Иаҳом Султонов ҳам бу ижодий ишга жалб қилинди. У «Банк ахборотномаси», «Солиқлар ва божхона хабарлари» газеталарида муҳаррирлик қилди, «Менинг мулким» — «Частная собственность» газеталарида бош муҳаррир ўринбосари лавозимида ишлади.

Ижодкор дўстимиз «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» жилдлари учун ҳуқуқ ва сиёсатшунос-

ликка, халқаро муносабатларга доир мақолаларини тайёрлаб, жамоадошларининг эътиборига тушди. Шунингдек, унинг бошқа китоблар чоп этилишида ҳам ўз ҳиссасини қўшгани қувонарлидир. Кейинги пайтларда «Иш юритиш», «Ядро қуролидан холи зоналар ташкил қилишнинг халқаро-ҳуқуқий жиҳатлари» (рус тилида) ва бошқа китобларга муҳаррирлик қилди. Яқинда нашриётимизда «Ислом энциклопедик луғати» тайёрланиб, нашрга топширилди. Илҳомжон бу китобдаги тасаввуфга оид тушунчалар, мутасаввифлар ҳақидаги мақолалар устида сўнгги ҳида меҳр ва қунт билан ишлади. Тасаввуф аҳлининг ички дунёсини яхши тушунган Илҳомжоннинг ўзи ҳаётда қаноатчилик, сабр-бардош билан яшаш, камтарликни, ўзни кўп нарсадан тийишни кундалик турмуш тарзига айлантирган десак, янглишмаймиз. У ҳаётнинг завқи, мазмунини китобларда, илм йўлида заҳмат чекишда кўради.

Мен уни ғаввосга қиёслагим келади, илм уммонига шўнғиб, у ердан нималарнидир излаб, нималарнидир топади, топганларини одамлар — ўқувчилар, сизу биз билан баҳам кўриш мақсадида яшайди. Серғайрат Илҳом Султоновда бундай иштиёқ асло тарк этмасин, деймиз.

*Эркин ХЎЖАЕВ*

## 3. БИР УМРГА ТАНЛАНГАН ЙЎЛ

Тақдир тақозоси билан 1983 йил бошида «Совет Ўзбекистони» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасининг масъул котиблигига тайинландим. Бу ҳақдаги қарор таҳририят жамоаси йиғилишида маълум қилинди. Ҳамкасблар қутловидан сўнг, одатга кўра, сўз олиб, дедим:

— Ўринбосарларим Яҳё ака Тўхтаевнинг бой тажрибаси ва чуқур билими, Ҳамид Султоновнинг ёшлик ғайрати ва изланувчанлигига таяниб, ишончингизни оқлашга ҳаракат қиламан.

Янглишмаган эканман. Улар дастлабки кунлардаёқ менга энг яқин суянчиқ, ҳамкор ва ҳамфикр бўлишди.

...Шу ўринда озроқ чекиниш қилсак. Маълумки, газета, таъбир жоиз бўлса, бамисоли янги бир бино, котиб эса, ана шу қурилажак иншоотнинг меъмори. Биноининг кўрки, салобати ва гўзаллиги, аввало, лойиҳада акс этганидек, рўзнома туғилажак сонининг шакли-шамойили макетда — бўлажак саҳифа юзасида гавдаланади. Меъмор тинмай изланганидек, котиб ҳам ҳар куни янги газета макети устида завқ билан ишлайди, саҳифаларни безашнинг янги-янги қирраларини қидиради. Сабаби аён — у доим ўз газетаси бошқа рўзномалардан кўркамроқ, салобатлироқ бўлиши иштиёқи билан ёнади.

Котибиятда ишлаш — ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Унинг иши ҳам, вазифаси ҳам кўп. Деярли ҳар куни у тайёр мақолаларни бирма-бир кўздан кечириши, теришга бериши, макет қилиши лозим. Бўш қолди дегунча, ўзини қизиқтирувчи мавзуларда ёзгиси келади, албатта.

Қуйида сўз юритмоқчи бўлганимиз Ҳамид котиблик учун туғилгандай, гўё. Мана бу гапим айримларга эриш туюлиши мумкин. Аммо мен учун нурмаъноси эга. Ҳамид ишга келиши билан, столи устини ортиқча қоғозлардан тозалагач, қўлини совунлаб, яхшилаб ювиб келарди. Чунки, газета мазкур сонининг йўналиши, мазмун-моҳияти, кўриниши, маълум маънода, котибнинг ҳам қўлида. Шу боис унинг тақдирини тоза қўлли, оқ кўнгилли, пок ниятли киши қўлига топшириш лозим.

Биз Ҳамид билан «Совет Ўзбекистони»да ўн саккиз йилдан кўпроқ, котибиятда эса, ўн йилдан зиёд

ёнма-ён ишладик. Ундаги изланувчанлик, толиқиш билмаслик, оилапарварлик, муомала маданияти, шаъни, ҳар бир икир-чикирни ҳам хисобга олишини айтмай қўя қолай. Мен кўпинча унинг бир фазилатига қойил қолардим:

Ҳамид газетанинг навбатдаги сони андозаларини чизишга ҳеч эринмасди. Котиблик чизғичи билан қаламни моҳирлик билан, ортиқча уринишларсиз қоғоз узра юритардики, асти қўяверинг!..

Эсимда: бир куни бош муҳарриримиз газетанинг бўёқ ҳиди анқиб турган янги сонини кўздан кечирди-да, мийиғида жилмайиб, Султоновга юзланди:

— Ҳамидхон! Кўрга ҳасса қилибсизку!

Бу — бир томондан, унинг котиб маҳоратига тан берганидан далолат берса, иккинчи жиҳатдан, бир кун аввал, юқори идорадагилардан, фалон-фалон мавзуларни яхши ёритмаяпсиз, деб дакки эшитганлиги, уларга, газетани синчиклаб ўқиш керак, ана шунда ўша мавзуларга кўзингиз тушарди, маъносида эътироз билдирмоқчи бўлганлиги, аммо улар билан баҳслашгиси келмаганлигини истеҳзо билан, ўзига хос усулда ифодалаган эди.

Дарҳақиқат, рўзнома ушбу сонидаги махсус саҳифа янги тушган келиннинг уйига ўхшарди. Умумий сарлавҳа, рукнлар, кичик сарлавҳалар, танланган ҳарфлар, диаграмма ва суратлар, иқтибослар моҳир каштачи қўли билан тўқилгани мисол ярқ этиб кўзга ташланар, ўқувчилар эътиборини ўзига жалб этмасдан қолмасди.

Ҳамид Султонов котибликни юксак профессионализм даражасига кўтарганди. Шу боис унинг макети асосида чоп этилган газета сонлари кўпинча йиғилишларимизда мақталар, бундан руҳланган Ҳамид эса, республикамиз вилоятларида ўтказиладиган семинарларда ўз тажрибаларини бошқалар билан дилдан қувониб баҳам кўрарди.



Шундан ҳам Ҳамид Султоновда газетачилик касбига меҳр акалари туфайли уйғонган. У матбуот оламига кириб келган кезларида акалари — Ёқуб Иброҳимов Ўзбекистон Телеграф агентлиги (ҳозирги ЎзА)да бўлим бош муҳаррири, Илҳом Султонов «Тошкент ҳақиқати» газетасида катта мухбир бўлиб ишлардилар. Уларнинг ижод йўлларига ҳавас билан қараб, талабаликнинг иккинчи курсидан сўнг ишга жойлашишга қарор қилди.

Бундан 36 йил муқаддам, 1966 йилнинг 1 июлидан эътиборан «Тошкент бинокори» газетаси чиқа бошлаган эди. «Тошкент ҳақиқати» бағрида касбнинг илк сабоқларини олаётган Ҳамидни шу газетага ишга қабул қилишди. Аввал у мусаҳҳиҳ, сўнгра адабий ходим бўлиб ишлади. Тез орада у изланувчан, таҳририятнинг топшириқларини кўнгилдагидек бажарадиган ходим сифатида жамоанинг ҳурматига сазовор бўлди. Йигирма бир ёшида уни «Тошкент бинокори» газетасининг масъул котиби этиб тайинлашди. Олти йил мобайнида таҳририятнинг масъулиятли вазифасини сидқидилдан бажариб, ҳамкасбларининг эъзозини қозонди.

1974 йилнинг январида Ҳамид Султоновни «Совет Ўзбекистони» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетаси ижодкорлари мамнунлик билан ишга қабул этганликларининг шоҳидиман. Айтиш мумкинки, унинг истеъдод қирралари отахон газета бағрида очилди. Котибиятда ишлаш ҳадисини олган қаламкаш дўстимизнинг ҳар бир ютуғи летучкаларимизда эътироф этиб борилди.

Ҳамиднинг котиблик маҳоратига «Матбуотчилар уйи»да фаолият олиб борадиган қўшни таҳририятларнинг ижодкорлари ҳам тан берганликларини кўп марта эшитганман.

Ҳамиджон ўзига ва бошқаларга нисбатан талабчанлик, топширилган ишга масъулият билан ёндашиш

хислатларини 1993 йили «Ўзбекистон матбуоти» журнали таҳририятига ишга ўтгандан сўнг ҳам сақлаб қолди. У ойнома жонкуярларидан бири сифатида мамлакатимиздаги журналистик жамоаларнинг фаолияти, газетачилик иши амалиётини таҳлил этиш, шоирлар-у матбаачиларнинг изланишларини ёритишда фаоллик кўрсатмоқда. «Ўзбекистон матбуоти» йўлланмаси», «Таҳлил, танқид ва таклиф», «Журналистлар ёзган китоблар» сингари қатор рукнларида ёзаётган туркум мақолалари ҳамкасблару журналистларга қўл келмоқда. Бу алоҳида мавзу.

Маҳорат қирраларини эгаллашнинг чегараси бўлмайди. Ҳамидга бир пайтлар ўзи танлаган ва умр бўйи боғланиб қолган ишида омад ёр бўлаверсин!

*Тўлқин ЭШБЕК*

## МИЁНҚОЛ МАНЗАРАСИ

Чорак аср муқаддам илк машқларимни кўтариб Иштихон туман таҳририятига борганман. Озғиндан келган, хушбичим, жингалак сочи ўзига ярашган киши очиқ чеҳра билан кутиб олганди. Қўлёзмаларни эътибор билан ўқиб чиққач, ижод — машаққатли меҳнат эканини, эринмай ўқиб-ўрганиш эвазига муродга етиш мумкинлигини обдон тушунтирди.

Меҳрибарё инсон билан жуда қадрдон бўлиб қолдик. Туманимиз газетасида кетма-кет ёритилаётган машқларим мактабимда «муҳокама» бўларди. Ўшанда муаллимларимизнинг: «Зайниддин Баҳриддинов зўр журналист ва шоир-да! Ўзи муҳаррирлик қилаётган газетаси ҳам айрим катта нашрлардан қолишмайди! Оддий қишлоқ ўқувчисига шунчалик эътибор билан қараётгани-чи!..» деган гаплари маъносини кейин-

...ча тушуниб етдим. Мактабни битирар кезларим ...кутилмаган воқеа юз берган: туманимиз газета... «Оқ йўл, Тўлқин!» сарлавҳали мақола ёритил... Унда, каминага, ёш ҳаваскорга оқ йўл тилан...ганди.

Қалқонимни зўрға босганча ўн чақиримни кўрдим ...ай туман марказига елдек етиб бордим. Жуда қад...дон бўлиб қолган таҳририятда устоз ўзи кутиб олар... умид куртакларини янада барқ урдирадиган гап айтиб қолдилар:

— Тошкент давлат университетининг журналис...тика факультетига ўқишга борсангиз, ўзимиз йўллан...ма берамиз!..

Устознинг шу йўлланмаси ижодий йўлимнинг ҳақиқий дебочаси бўлган экан. Ўша йилиёқ журна...листика факультети талабаси бўлдим!.. Биринчи кур...сни тамомлагач, илк амалиётни қадрдон туман газе...тасида ўтказдим. Билим ва амалиётлар амалий ҳаёт...га уланиб кетди...

Йигирма йилдан ошди, пойтахт шаҳрида қайсики газета, журнал ё нашриётда фаолият кўрсатмайин, бир замонлар ҳаётга йўлланма берган Зайниддин ака Баҳриддинов бехабар қолмайдилар. Кўҳна Самарқанд шаҳридан наридаги Зарафшон дарёсининг икки ирмоғи — Оқдарё ва Қорадарё оралиғида жойлашган гўзал Миёнқол оролида яшаб-ижод қилаётган бўлса-да, республика оммавий ахборот воситаларини ҳамиша эътибор билан кузатиб боради.

— Ярим асрдан буён матбуот билан ошно бўлсам, қанчадан-қанча номлар юрагимга жо бўлиб кетган, — дейди кузатувчан ва изланувчан журналист. — Илк бор қўлимга газета-журнал олган давримдан буён номлари матбуот саҳифаларидан тушмай келаётган миллий журналистикамиз оқсоқоллари Зиёд Есенбоев, Мақсуд Қориев, Исмоил Сулаймонов, Ислом Шоғуломов сингари устозларга ҳавас қила-

ман. Умрини матбуот ишига бахшида этиш бахтини улар ҳаётида кўргандек бўламан. Йиллар, қолаверса, асрлар силсиласида ўша фидойи устозлар сафига қўшилаётган ўнлаб, юзлаб қаламкашларни, катта-ю кичик мухбир ва журналистларни улардан ибрат олишга чақираман. Яна бир гап: матбуотнинг онаси — матбаачиликдир. Таҳририят ходимлари тайёрлаган газета босмахоналарда ўз шаклу шамоилини олиб, кўпаяди. Узоқ йиллардан бери минг-минглаб нусхалардаги газетамизни сифатли чоп этаётган Иштихон туман босмахонаси неча ўн йиллардан буён фаолият кўрсатиб келаётир. Унинг ташкил топишида отахон журналист ва матбаачининг ҳақиқий жонкуяри Зиёд Исломовичнинг беназир меҳнати борлиги маълум. Бу гапларни айтишдан мақсад шуки, издошларимиз бағрикенгликда ва кенг муносабатда шу устозлардан ибрат олсалар, муроду мақсадга албатта етишадилар. Шу зайлда йиллар бо матбуот ҳам чинакам ҳаёт кўзгуси бўлиб қолаверишига ишонса бўлади.

Жонажон қишлоғим томон йўлим тушганида албатта туман таҳририятига ошиқаман. Ҳамон ўша «Иштихон овози» газетасида бош муҳаррир бўлиб ишлаётган устоз ҳузурида каттаю-кичик ижодкорлар гавжум бўладилар. Дарвоқе, бугун мамлакатимизда номлари ижод мухлисларига яхши таниш бўлган Йўлдош Эшбек, Бахтиёр Бобонов, Ойниса Пардаева, Олқор Дамин, Шаҳодат Исахонова, Ўткир Саидов, раҳматли Абдулла Турдиев, Рауф Субҳон, Нормурод Мусомов, Муҳаббат ҳамда Ориф Тўхташевлар, Феруза Тоғаева, Ибодхон Баҳодиров, Гулчеҳра Усмонова, Омоной Раббимова, Муқаддам Ҳайитова, Бахтиёр Бобоназаров, Тошпўлат Мавлонов, Шодиёр Муттаҳархон ўғли, Нуриддин Исмоилов, Нуриддин Яҳёев, Ҳосил Каримов каби кўплаб ижодкорларнинг қалами дастлаб шу даргоҳда чархланган.



Дунёки, бу заминда улғайиб, турли даврларда ҳаёт тўлқинида тетапоя бўлган қаламкашларга маслаҳатчи, маслаҳатгўй, устоз бўлган ҳокисор инсон билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Гоҳо, адабий суҳбатларда устоз фахр ила бир гапни такрорлашни хуш кўради: «Ўтмишда Самарқанд адабий муҳити, Қўқон адабий муҳити ва бошқа шундай ажойиб муҳитлар бўлган. Ҳар бир шаҳар ўз ижодкорларини дунёга етказган. Ҳозир ҳам Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг барча вилоятларда бўлимлари фаолият кўрсатмоқда. Демак, улуғ устозлар анъанасини давом эттирган ҳолда жойларда ўшандоқ «адабий муҳит»ларни вужудга келтирсак, нур устига аъло нур бўларди!..» Нафсиламрини айтганда, шоир ва журналист Зайниддин Баҳриддинов аллақачон ўзига хос ижод мактаби, таъбир жоиз бўлса — адабий муҳитини яратган. Бу — «Миёнқол адабий муҳити»дир. Унда бугун ҳам ўнлаб ёш ҳаваскорлар ижод бўстонида ўз йўлини топишаётир. Адабиётга ўз овозлари билан кириб келишаётир. «Эндиги ёш қаламкашларимиз Истиқлол таронасини тараннум этгувчи авлод бўладилар, — дейди ҳаяжонланиб Зайниддин ака. — Улар сафида ҳам қалам тебратиш насиб этганидан жуда бахтиёрман!»

Умрини ижодга, газета ишига бахшида этган фидойи инсон Зайниддин Баҳриддинов ҳаётининг олтмишинчи баҳорини қаршилади! Чиндан-да унинг ҳаёт йўли ибратли. «Мезон», «Тонгги қўшиқ», «Бунёдкорлар», «Довон ошган авлодлар» каби шеърлар, очерклар тўпламлари билан ном қозонган Зайниддин Баҳриддинов бир зум бўлса-да қалам тебратишдан тўхтамайди. Унинг юртимиз истиқлолига бағишланган туркум шеърлари, тарихий қисса ва очерклардан иборат «Миёнқол» деб номланган тўплами ҳам Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти томонидан яқинда нашр этилгани айни муддао бўлди.

Қарийб қирқ йил умрини битта туман газетасига бахшида этган фидойи журналист меҳнати муносиб тақдирланган. У Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси ва Ўзбекистон журналистлар [illegible] масининг Фахрий ёрлиқларини олган. «Мустақиллик-нинг бир йиллиги» кўкрак нишони билан мукофот-ланган. «Шарқ юлдузи» журналида чоп этилган [illegible] клари учун «Сурхон» мукофотига сазовор бўлган.

Қалбимда ҳамиша соғинч ҳисларини жўш ур[illegible] ган ажиб гўша Миёнқолни эсласам Зайниддин [illegible] риддиновдек устозлар сиймоси кўз ўнгимда гав-даланаверади. Зотан, улар юртим тароватига янада ра-роват, кўркига кўрк қўшаётгандек туюлаверади.

*Шерали СО…*

## ОВЧИНИНГ ЗЎРИ ШЕР ОТАДИ

Қаламкашлик нима? Бу саволга ҳар бир давр ўз жавобини бериб келишга интилиб кел-ди. Дарҳақиқат, у ҳунарми ё санъат? Ақлларни лол қолдирувчи сеҳрми? Эҳтимол, ҳеч ким ҳеч қачон тушунтириб беролмайдиган мўъжизадир? Замонлар бўлди — қалам аҳли муқаддас касб эгалари даража-сига кўтарилди, замонлар бўлди — уни эл-улусни йўлдан оздирувчи куфр деб эълон қилиб, ўтда куй-дирдилар, замонлар бўлди — қаламкашликни таш-виқотчилик, тарғиботчилик деб англадилар, партия-нинг дастёри деб атадилар, замонлар бўлди — уни инсон қалби, эрки, саодати учун курашмоқ, жанг қилмоқ деб тушундилар. Замонлар ўтди, дунёқараш-лар ўзгарди, ғоялар, маслаклар алмашди. Лекин қалам аҳли ҳамиша элнинг жигар-бағридан бунёд бўлган зурриёт, юрт хонадонининг чироғи, даврнинг хоти-роти бўлиб дунёга келгани ҳақиқат бўлиб қолаверди.

Танглайини «Муштум» журнали кўтарган, Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода, Миртемир каби замон алломалари муҳитида тарбияланган оқсоқол биродаримиз Мурод Парпихўжаев ижоди ҳақида гап кетаркан, юқоридаги фикрлар кўнглимга келди. Муроджон (шахсномаси бўйича — Латифхўжа) билан кўп йиллардан бери борди-келдимиз бор.

Алқисса, камина бу ерда Муроджоннинг Тошкент шаҳар Ҳасанбой қишлоғидаги 19-ўрта мактабни тамомлаб, 1956 йили Тошкентдаги 1-босмахонада ҳарф терувчи бўлиб икки йил ишлагач, Ўзбекистон Давлат бадиий нашриётида техник муҳаррир сифатида хизмат қилгани, ўнлаб ҳикоялари, очерклари билан элга танилиб, ахийри муштумчилар сафидан ўрин олгани ва бу даргоҳда фельетон — ранжнома устаси бўлиб етишгани ҳақида ёзиб, бошингизни оғритиб ўтирмайман. Тан олиш керакки, унинг бадиий таржимонлик (испан адиби Хосе Мариа Мендеоланинг «Ўлимга маҳкум», ҳинд адиби Упендранатх Акшнинг «Кўҳна девор» романларини, нигериялик адиб Жон Мунониннинг «Ота кулбаси» қиссасини, бенгал адибларининг «Олтин булут» ҳикоялар тўпламини, анголалик адибларнинг бир қатор повестларини «Қуёшга талпинаман» номи остида нашр эттирди), ёзувчилиги («Товламачи қуда» ҳажвия ва фельетонлар тўпламлари, халқимизнинг аса фарзандлари Искандар Дўсов ҳақидаги «Амудек жўшқин юрак», Ғуломмаҳмуд Абдуллаев ҳақидаги «Умрбоқийлик», Олимбой Пиримов ҳақидаги «Эл эъзозлаган ёшулли», берунийлик машҳур муаллим, Ўзбекистонда биринчи намунали, компьютерлаштирилган мактаб қурган Мадатбой Ғаниев ҳақидаги «Фидойилик мактаби» каби чўнг очерклари) салоҳияти адабий солномамизда ўзига хос ўринга эга. Бизга шуниси муҳим. Унинг ранжномалари, ҳажвиялари «Крокодил», «Хорпуш-

так», «Адабиёт ва санъат», «Пеккер», «Чаян», «Вечерний Москва» каби собиқ Иттифоқ ва хорижий даврий матбуот саҳифаларида эълон қилинган.

Муродбек Иброҳим Раҳим, Ҳаким Назир, Муҳсин, Шоислом Шомуҳамедов, Мирзиёд Мирзидов, Мамарасул Бобоев, Малик Раҳмон, Шукрулло, Султон Акбарий, Рустам Комилов каби қалби оқ устозлар билан бирга ишларкан, уларнинг сабоқларидан баҳраманд бўлиб, қаламкашлик малакасини ҳосил қилган. Тошкент Давлат кечки педагогика олий билимгоҳида Мақсуд Шайхзода қўли остида таълим кўриб, ундан оқ фотиҳа олган. Уйғун, Юнус Ражабий, Миркарим Осим, Тўхтасин Жалолов каби қомусий зотлар суҳбатидан баҳраманд бўлган пешонаси ярқироқ йигит.

Муштарийлар Мурод Паршихўжаевни ранжнома устаси сифатида яхши биладилар. Фельетончининг ўзи ростгўй, қалби пок, виждонли бўлиши керак. Бундай сифатлар Мурожоннинг сиймосида тўла мужассамлашган. Ҳа, у ҳамиша эзгулик томонида, нопок йўлларни ҳамиша рад этади.

Эҳ-ҳе, у неча-неча нафси ўпқон, порахўр, товламачи, текинхўрнинг жиғилдонини тамбалаб ташлаб мади, уларнинг додини бермади, аксинча, қанчадан қанча яхшининг бошини силамади, дейсиз? Қаҳрамонимиз фельетончи сифатида қонунбузарларга порахўрларга, амалпарастларга, халқ нонини «туя» қилаётганларга нисбатан шафқатсиз, ҳақиқий инсонларнинг эса жон дўсти, уларнинг пушти-паноҳи, улар билан бир жон, бир тан.

Ўз фаолиятини хайрли ишларга бағишлаган фельетончининг шундай ташвишлари, азоб-уқубатлари борки, буни фақат ранжнома ёзган одамгина яхши билади. Ранжнома чоп қилинганидан кейин баъзи «қаҳрамон»лар туҳмат тошлари, турфа ҳийла-найранглари, юқори ташкилотларга пайдар-пай



юборган шикоят аризалари билан муаллиф асабини қақшатишга уринадилар. Бироқ Мурод Паршихўжаевни бундай бўҳтонлар асло қўрқитолмайди. Чунки у келтирган фактлар, келтирилган мантиқий далиллар ҳаётга асосли, пишиқ, мукаммал ва ўжардир. Овчилар тўп тўри шер отади, деган ҳикматга амал қилади қаҳрамонимиз.

Суҳбатимиз охирида Муроджонга: «Ҳозир қайси ижодий ишлар билан бандсиз?» — деб савол берганимда, у жавоб бермади, янги ёзаётган ҳикоясининг ечимини топгандай болаларча жилмайиб қўйди, холос.

Ҳозирги мустақиллик замони фақат қаламкашлик қилишни, уйда ўтириб ёзишни кўтармайди. Ҳамиша қайноқ ҳаёт ичида бўлиш керак. Одамларга қаламкашнинг фақат мақолалари, очерк ва фельетонларию, эсселаригина эмас, сўзи, муносабати, курашиш керак. Буни Мурод Паршихўжаев яхши билади.

*Маҳфуза УСМОНОВА*

## «ЮРАГИМНИНГ ОҒРИҚЛАРИ... ШУ КАСБИМ»

Журналист аёллар кўп эмас. Чунки бу касбнинг машаққати, заҳматига унча-мунча метин иродали инсонлар ҳам дош беролмай, қоғозу қаламни токчага чиқариб қўйганларини кўрганмиз. Журналистнинг арзимас маоши, қалам ҳақи, тошнинг енгиллиги (биропта хато ўтказиб юбордингми, мисқоллаб топган обрў-эътибордан айрилдим деявер)га дош беролмаганлар тижоратга, фирмаю корхоналарга ўтиб кетди. Аммо ёзмаса «юраги оғриб қоладиган» Санъат опа Маҳмудова касбини ташлаб кетмади.

Камтарин, ҳалол, фидойи опани Ўзбекистонда танимаган одамнинг ўзи бормикан? Журналист С.

Маҳмудова меҳнати залворини билиш унча қийин иш эмас, бунинг учун «Саодат» журналининг ўтган йиллик тахламини варақлаб чиқиш кифоя. С[illegible] Маҳмудова имзоси билан турли йилларда босилган ҳар бир лавҳа, ҳар бир очерк, мақоланинг ўз тарихи бор. Улар билан танишар экансиз, С. Маҳмудованинг журналист касбига фидойилиги, камтар ва камсуқумлиги, садоқатига офаринлар айтасиз. Қуйидаги лавҳалар бунинг яққол исботи бўла олади:

«... 1982 йил эди. Зулфия опанинг топшириғи билан июль ойида Қашқадарёга кетаяпман. Республиканинг энг иссиқ вилояти саратон ўртасида қурғоқликка чиқиб қолган балиқ монанд бўлиб қолади. Аммо бундай майда нарсаларни ўйлашга вақт йўқ. Шаҳрисабз районидан Фаёза Ҳақназарова ҳақида ёзишим керак.

Саҳар туриб, болаларга ул-бул пишириб, дадасига тайинладим-да, аэропортга отландим. Биринчи рейсда учишим керак. Соат 11—12 ларда Шаҳрисабзга етиб бордим. Бир оз дам олиб, ўпкамни босволсам ҳам бўлардию, шу куниёқ Фаёза опа билан дала айланибман денг. Иссиқ уриб, эртасига чўзилиб қолдим. Икки-уч соат ўтгач, ўзимни мажбуран ердан узиб, опа билан фабрикага кетдим. Кейин мактаб, боғча. Кечқурун идорада суҳбатини олдим. Тун билан ёниб чиқдим. Ўзимни қўлга олай дейман, илжи йўқ. Қайнатилган гуруч сувини ичаман, холос. Фаёзанинг қайнонаси ҳолимга ичи оғрийди: «Вой арзон меҳмон-эй, гўш босиб берай десам, қатиқли суюқ ош ичади, холос-а».

Эртасига эрталаб одамлар билан Фаёза опа ҳақида суҳбатлашдим. Тушдан сўнг хайр-хўшлашиб, поездга ўтирдим. Ҳаво худди қизиб турган товага ўхшайди. На ётиб ором оласан, на туриб. Бошим тинмай оғриётган, лоҳас тортаётган бўлсамда, бир нарсадан

кетаяпман — устоз топшириғини бажариб, ён дафтарини тўлдириб кетаяпман.

Эртасига Тошкентга етиб келиб, вокзалдан тўғри идорага борибман, денг. Ўл дейдиган одам йўқ, уйга бориб дам олсам, биров бир нарса дермиди. Йўқ, устозим, журнални, ҳамкасбларни соғиниб қолардим-да!

Кечки пайт уйга келсам, юмуш қайнаб ётибди. Тўрт нафар бола, кир-чир, сипир-сидир. Ярим кечада қўлим уй ишидан бўшаб, ёзув столига ўтираман...»

Ҳа, фарзанд, оила, рўзғорнинг бека, рафиқага юклаган юмушлари Санъат опанинг қўлларини боғлаб қўёлмади. Бепоён ўзбек тупроғининг Самарқанд-у Бухороси, олис Хоразму Қорақалпоғи, Фарғона-ю Андижонида содда ва беғубор, камсуқум аёлларнинг излари қолди. Ва ана шу излар аро битилган тарихимиздан пахтакор, муаллима, чўпон, шифокор, пиллакор опа-сингиллар тақдири «Санъат Маҳмудова» имзоси ила бўй кўрсатиб турибди.

«Ўша даврларда ҳозирги имтиёзлар қаердайди, дейсиз. Чақалоғимиз икки ойлик бўлмай ишга чиқардик. Ҳануз эсласам, ўзимни кечиролмайман. Қишнинг чилласида Марғилонга отланибман. Азаматим ҳали эмизикли эди. Ипак комбинатининг илғор ишчиси ҳақида ёзишим керак. Шамоллаганман, иситма, бош оғриғи зўридан ўзимни ташқа ташлагим келади. Деворга суяниб ўтириб, дори ичволдим-да ён дафтарни очдим.

Эртаси саҳар поезддан тушиб, уйга келсам, болажоним хўл ўринда ярим белидан шалаббо ҳолда муздек бўлиб ётибди... Дадамиз бемалол ухлаяптилар. Шу ҳўнграгим келди, ўғлимни бағримга олиб, йиғлай-йиғлай кўкрак тутдим. Ўшандан кейин у қаттиқ шамоллаб қолди, касалхонага ётишга тўғри келди.

Эҳ-ҳе, мен юрган йўлларнинг саноғи бормикан. Ҳар ойда Зулфия опа: «Энди бу сонга нима ёзасиз,

Санъатхон?» дейишлари билан юрагимга чўғ тушарди, чўғ. Яна кетаверардим».

Мана, тақдир тақозоси ила Санъат Маҳмудова Фарғонанинг Қувасида яшамоқда. Ҳа, Тошкентнинг қизи Фарғонага келин эканлигини улуғ ёшга етганда тан олиб, чекка бир қишлоқда Бекмирза ака Маҳмудов билан умргузаронлик қиляпти. Устоз тинимлари йўқ, республика, вилоят матбуотида лавҳа очерклари босилиб турибди. Санъат опанинг касбига муҳаббати, эътиқоди боис, тунларни кунга, йўлларни йўлга улаётганларининг исботидай туюлади. Касбга бўлган муҳаббат эса қадоққўл, заҳматкаш элига аталган меҳри билан пайваста.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг тўққиз йиллиги муносабати билан фан, соғлиқни сақлаш, маданият, маърифат, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофатлаш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Маҳмудова Санъат Содировна «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотланди.

*Муроджон МАНСУРОВ*

## УСТОЗНИ АЙТСАМ...

Устозингни айт, мен сенинг кимлигингни, қанча узоққа бора олишингни айтиб бераман, деган гап тўғрироқ бўлса керак.

Мен газета-журналларда ишлаш давомида турфа одамларни — гўзал фазилат эгаларини ҳам, бундайроқларини ҳам кўрдим. Улар орасида худо иқтидордан зиғирча қисмаганлари ҳам, қалам билан туғилганлари ҳам, адолат туйғуси кучли, имони бутунлари ҳам, киройи устозинг шундай бўлса деб орзу

бошлаб юрадиганлари ҳам бор эди. Лекин яна бир одам ҳам бор эдики, унда шу тўрттала фазилат мужассам эди. Кўплар ҳалигача шунга тан берадилар.

У менинг устозим! Бугунги ҳикоям шу киши ҳақида.

Бандасининг ишини ўнгламоқчи бўлса, худо яхши одамга йўлиқтиради шекилли. Ҳарқалай мен билан шундай бўлди. Биласиз, инженер-қурувчиман. Институтни янги битирган кезларим. Тошкентдаги лойиҳа институтларидан бирига юборилганман. Бу ерда Ғайратий домланинг тўгаракларига қатнашиб юраман. Биринчи қиссамни Одил Ёқубов ўқиб, оқ йўл ёзиб берган пайтлари. Лойиҳа институтида эса Тошкентда қуриладиган панорама кинотеатри лойиҳаси ишланаётган эди. Бир куни Раҳмон деган инженер дўстим билан шу ҳақда бир нарса ёзиб, газета идорасига кўтариб бордик. Ўқиб кўриб қабул қилиб олишди ва хабар олиб туринг дейишди. Лекин уч кун ўтмай газетани олиб кўрсам, ҳалиги мақолани «Совет Ўзбекистони»дай газетанинг тўртинчи бетида энг чиройли ҳарфлар билан, яъни курсивда тердириб чиқибди. Хурсанд бўлиб юрсак, эртасига ўзимни чақиртириб:

— Ҳамкасбларингиздан биронтаси ҳақида бирор нарса ёзиб беролмайсизми? — деб сўрашди.

— Ўйлаб кўрайчи, — дедим. Институтга келиб дўстларимга айтдим бу гапни. Шунда улар:

— Зотовни ёз, Зотовни. Икки кўзи ожиз одам меъморчилик қилаётганини ёз, — деб қисташди. Институтимизда урушда икки кўзидан ажраган, ҳамиша дўсти ишга етаклаб келадиган бир етакчи мутахассис бор эди. Шуни очерк қилиб ёзиб, яна ўша идорага, ўша бўлим мудирига олиб бордим. Бунгача у кишининг на исмини, на фамилиясини биламан. Олиб қолишди ва уч кун ўтиб яна чиқаришди. Борсам, бўлим мудирининг айтган гапи шу бўлди:

— Келдингизми? Сизни муҳаррир кутяпти. Уз ишига кирамиз. Юринг.

Мен нима қилиб қўйибман, бериб бўлмайдиган нарсани ёзибманми, деб қўрқиб турибман... Шундай қилиб, мени бош муҳаррир Есенбоевнинг ҳузурига олиб киришди. Кўришиб ўтирдик.

— Мен айтган очерк муаллифи шу йигит, — деди бўлим мудири.

— Сиз — Мансуровмисиз? — дедилар у киши. — Очеркингизни ўқидим. Бизнинг журналистларимиз ҳам ёзса, шунчалик ёзади. Бизга ишга келасизми?

— Қандай бўларкин? — дедим мен.

— Бизга сиздек қалами бор мутахассислар керак, — дедилар у киши.

Ойликни сўрадилар, холос. Бошқа ҳеч нарса сўрамадилар ҳам, суриштирмадилар ҳам. Қаердансиз, кимлар кафолат бера олади, деган гаплар умуман бўлгани йўқ. Шундай қилиб, ўша одамнинг қўлига ишга бориб қолдим. Борганимдан кейин ҳалиги очерким чиқди. Летучкада мақтадди. Яна уч-тўртта нарса ёздим. Гувиллаб, тўхтамай кетяпти. Ҳатто мени бюрода «келинг-келинглаб» кутиб олишади. Олгина ҳаво пайдо қилганмиз шекилли, бир куни кечқурун ҳалиги мудиримиз:

— Муроджон, кетасизми? — деб қолдилар. Бирга-бирга анҳор ёқалаб кетдик. Ўша куни, ўша йўлда мен бир умр эсдан чиқармайдиган гап бўлди.

— Муроджон ука, мен сизга бўладиган гапни айтиб қўя қолай, — дедилар у киши, бетимга қараб. — Биласиз, биз бошқа соҳанинг одамларимиз. Мана ман деган газетачилар, қалам аҳллари орасида ишлаб юрибмиз. Агар улардан бир поғона баланд нарса ёзмас эканмиз, бу ерда ишламаганимиз яхши. Ўзимизнинг соҳада ҳам оч қолмаймиз... тўғрими?

Мен ер ёрилмади-ю, ерга кирмадим. Ва тушундим, бошқа қайтарилмайди, дедим. Шу гапга ўша ерда



[illegible] қўйдим. Бошқа қайтарилмади. Шу-шу ўз отам [illegible] айтмайдиган ўша гап — қулоғим остида. Бекорчи ёзғача, шунчаки, майда нарса ёзмасликка ҳаракат қиламан. Нари юраман. Устознинг бу наказини [illegible] уддаладим, баҳо бериш у кишидан, бошқалардан.

Лекин ўзим унга амал қилиб, кам бўлмадим, деб ўйлайман. Қаерларда ишламадим, нималар ёзмадим, [illegible] ўша кишининг насиҳатига амал қилишга уриниб келдим. Шунинг учун ҳам сиз билган энг яхши журналист ким деган саволга Абдулла Абдуқодиров деймин. У киши мен билган журналистлар ичида Абдукарим Набихўжаевга ўхшаб газетачиликка [illegible] эди, афсуски кейинги пайтда марказий матбуотдан нарироққа бориб қолдилар. Мен билган одамлар орасида бир газетани берса, чинакам гуллатадиган устозлардан эди, афсуски, муҳаррирлик ҳар кимга насиб этавермас экан. Маърифат аҳли [illegible] қадр топгай, дер эдилар у киши. Чархнинг кажрафторлигини қарангки, қанча шогирдлари унвонларга муяссар бўлганда, устоз унутилди...

Улар бизга устозлик қилган даврда хўб яхши анъаналар бор эди. Масалан, айтсам, республиканинг қайси чеккасида бир кучли қалам соҳиби чиқса, кимлигидан қатъи назар ишга чақиртириб олинар, қаламига қараб баҳо берилларди.

Қишлоқдан келиб, қалами, иши туфайли танилиб, [illegible] кунда бўлим мудири, саркотиб бўлиб кетган ҳамкасбларимизни яхши биламиз. Қаламига қараб тан олиш — ёзилмаган қонун эди. Мен «Совет Ўзбекистони»нинг саноат бўлимида Абдулла аканинг қўл остида ишлаган кезларимни олтин давр деб биламан. Ўшанда ҳар битта мақоламизни ўртада ўқиб, муҳокама этиб, фақат ўз даражамизга тўғри келсагина ўтказиб ишлаганимизни, ҳатто биргалашиб сарлавҳа топганларимизни энтикиб эслайман.

Редакцияда ички танловлар бўлар эди. Мен ҳам ҳикоялар ёзардик. Фақат зўрларини танлаб босишарди. Чинакам ижодий муҳит мавжуд эди. Ўткир Ҳошимов, Самар Нуров, Самад Қодиров, Маҳкам Маҳмудов, Миршароф Муҳсимов, Ўткир Абдуазимов, Ўктам Усмонов, Жўра Холқосимов, Михли Сафаров, Салоҳиддин Муҳиддиновлар ўша муҳитда униб ўсдилар, танилдилар. Биз ўшандай муҳит яратган устозларимиздан миннатдор бўлсак арзийди.

Устозим Абдулла аканинг ўзи ҳам ўшандан кейин кўп катта идораларда ҳалол ишладилар. «Социалистическая индустрия» — Москвада чиқадиган газетанинг Ўрта Осиё бўйича мухбири бўлиб турганларида ҳам, Ўзбекистон телевидениесида ижтимоий кўрсатувлар таҳририятини бошқарганларида ҳам, Ўзбекистон телеграф агентлигида ишлаганларида ҳам биз тез-тез учрашиб турардик. Мен ҳамма гаплардан хабарим бор. У киши қаерда бўлмасинлар, ўз қатъийликларидан чекинмадилар, адолат туйғусини баланд тутдилар, гина-хафачиликлардан устун турдилар.

Яна бир миннатдорчилигимни айтай. Абдулла аканинг геолог дўстлари ўша вақтлари ҳар экспедициядан кейин у кишини кўргани келишар, шунда хонамизда уларнинг ғаройиб саргузаштларини эшитишга муяссар бўлар эдик. Ва бир куни Мамажон ака Эгамбердиев Уст-юртдаги машҳур адашувни ҳикоя қилиб бериб қолди. Биз уни жон қулоғимизни бериб эшитдик. Кейинчалик ўша саргузашт асосида мен «Ҳамманинг ишагиси келади» деган қисса ёздим ва у кўпларнинг назарига тушди. Шу қиссанинг туғилишига туртки берганлари учун ҳам ва, умуман, мени қалам аҳли дунёсига олиб кириб устозлик қилганлари учун ҳам Абдулла ака Абдуқодировдан бир умр миннатдорман.

## УНИНГ УЧУН МАСЪУЛИЯТ БИРИНЧИ ЎРИНДА

Эсимда: «Қишлоқ ҳақиқати» — «Сельская правда» газеталарининг 70-йиллар ўрталаридаги сонларидан бирида «Эгизак китоблар ёки бир қуроқ диссертация ҳақида қисса» сарлавҳали фельетоннинг босилиб чиқиши кенг жамоатчиликда, айниқса илмий ходимлар ўртасида катта шов-шувга сабаб бўлди. Гап шундаки, мазкур эгизак китоблардан бирининг муаллифи ўз асарига бошқа манбалардан, жумладан, илмий раҳбарларининг бундан 8 йил муқаддам босилиб чиққан китобидан ҳамда бошқа бир олимнинг ёқлаган диссертациясидан тайёр рақамлар, статистик маълумотлар, жадваллар, қоида ва хулосаларни кўчириб олганлиги танқид қилинганди. Бу ҳам етишмагандек, диссертантнинг илмий раҳбари бўлмиш профессор буларнинг барчасидан хабардор бўла туриб, ўз шогирдининг «илмий» ишига мақтов сўзлардан иборат тақриз ёзиб берган ва уни китоб ҳолида нашр этишга тавсия этган. Хуллас, матбуотда шу пайтгача ёритилмаган мавзу — нопок йўл билан илмий даража олишга уриниш мавзуси дадил ўртага ташланиб, тегишли кафедрада муҳокама этилиб, тасдиқи олинган ва ёқлашга тавсия этилган диссертациянинг авра-астари ағдариб ташланганди.

Газеталарнинг танқидий чиқишларига расмий жавоб ҳам олинди. Тошкент Давлат университетининг ректори ва партком секретари имзо чеккан жавобда, фельетонда баён қилинган фактлар тан олиниб, айбдорларга нисбатан кескин чора кўрилгани, чунончи, кўчирмакаш партия сафидан ўчирилиб, аспирантурадан четлатилгани тўғрисида хабар қилинганди...

Мен моҳир журналист Тоҳир Мирқодиров ёзган лавҳа, очерк, салмоқли мақолалари орасидан биргина фельетони ҳақида ҳикоя қилиб бердим. Бу тафсилроқ тўхталганимнинг боиси шундаки, ушандан бери йигирма беш йилдан кўп вақт ўтди. Ҳали мазкур мавзудаги шу даражадаги мақолани учратганим йўқ.

Эсимда, чамаси эллигинчи йилларнинг охири эди ўшанда. Тошкент Давлат университети журналистика бўлимининг бир гуруҳ талабалари назарий билимларини амалий иш билан мустаҳкамлаш мақсадида «Тошкент ҳақиқати» редакциясига келдилар. Улар орасида кўзлари чақнаб турган тийрак йигит — Тоҳиржон ҳам бор эди. Мен у пайтда шу газетанинг саноат ва транспорт бўлимига мудирлик қилардим. Муҳаррир кимнинг қайси бўлимда ишлашини айтди. Бунда талабаларнинг хоҳиши инобатга олинди, албатта. Тақдирни қарангки, Тоҳиржон бизнинг чекимизга тушди.

Ундаги тиришқоқлик, интилувчанлик бизга маъқул тушди. Шундан сўнг ҳам топган-тутганини бизга илиниб турди. Ёш қаламкаш етилиб келаётганди. Уни (бир) кўз остига олиб қўйгандик. Навбатдаги учрашувлардан бирида ўқиш қачон тугашини сўрадим. «Шу йил ёзда» деган жавоб олдик. Бўлимда бўш ўрин бор эди, шуни ҳисобга олган ҳолда уни ишга таклиф этдик. Андишага борди, шекилли ҳозир диплом иши ёзаётганлигини айтди. Шунга келишдикки, иш ҳам бўлаверади, диплом ҳам ёқланади. Шундай қилиб Тоҳиржон жамоамизнинг тўлақонли аъзоси бўлиб қолди.

Ҳушёр йигит экан, тезда ўзини кўрсатди. Интилувчанлиги, топшириқларга ўта масъулият билан ёндашиши, энг муҳими, у ёки бу масалада ҳамиша ўз фикри, ўз қараши борлиги учун тезда жамоа ўртасида оғизга тушди. Кейинчалик мустақил равишда ижодий бўлимларнинг бирига бошчилик қилди.

1993 йилнинг бошида мени «Сирдарё ҳақиқати» вилоят газетасига муҳаррир этиб тасдиқлашди. Орадан тўққиз йил ўтгач, яна марказга қайтиб келдим: Шунда янги «Қишлоқ ҳақиқати» — «Сельская правда» республика газеталарини ташкил этиш топширилди. Бундай пайтда, табиийки, ҳар бир киши ўзига ишончли таянч ахтаради, кимга суянсам бўлади, ким оғиримни енгил қила олади, деган ниятда. Шундайлар қаторида Тоҳиржон ҳам бор эди. Адашмаган эканман: у газетанинг етакчи бўлимларидан бирига раҳбарлик қилди. Таҳрир ҳайъати аъзоси сифатида ташкилий даврнинг барча қийинчиликларини енгиб ўтишда жонкуярлик қилди. Унинг ўта меҳнаткашлиги, ҳалол ва поклиги ҳисобга олиниб, кейинчалик редакциянинг масъул котиблигига лозим кўрилади. Муҳаррир ўринбосари бўлиб ҳам ишлади.

Айни пайтда у ижодий ўсишда давом этарди. Муҳим мавзуларни, мураккаб муаммоларни кўтариб чиқарди. Юқорида унинг биргина мақоласи хусусида тўхталдик. Кенг жамоатчилик фикрини уйғотган ижодий маҳсуллари кам эмас. Тожикистонда яшаб, ўзбек тилида ижод қилган шоир ва журналист Аширпўлат Эгамназаров ҳақида «Қурол ва қалам» сарлавҳали бир саҳифали очерки ўша пайтда жамоатчилик томонидан юқори баҳоланди. Газета жуда кўплаб хатлар олди.

Т. Мирҳодиевнинг ижодига боғлиқ бундай мисолларни яна ва яна келтириш мумкин. «Тонгдан оқшомгача» очерки эълон қилинганига чамаси ўн беш йиллар бўлди. Унда ўша пайтдаги Юқори Чирчиқ туманининг раҳбари ҳақида сўз борарди. Очерк қаҳрамони Акром Алимов (кейингалик у меҳнат ва уруш фахрийлари Тошкент вилоят кенгашининг раиси) ҳали ҳам учрашганимизда очеркни ҳаяжон билан эслайди. Ижодкор учун бундан ортиқ бахт, бундан ортиқ мукофот бўладими?! У «Республикада хизмат кўрсат-

ган журналист» фахрий унвонига муносиб тер тўкяпти. Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг совринини ҳам бекорга олмаган.

15 йил бирга меҳнат қилдик. Шу йиллар мобайнида қолдирган таассуроти шундай: амал ва шуҳратга интилмади, тамагирликдан йироқда бўлди, ҳамиша унинг учун масъулият биринчи ўринда турди.

Қизиқ, кеча шогирд эди, бугун ўзининг ўнлаб шогирдлари бор. Ҳамкасблари етук ва жиддий ижодкор сифатида ҳурмат қилишади. Яна шуниси борки, яхши ташкилотчи, ёшларнинг маслаҳатгўйи. У фақат «Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг пойдеворига ғишт қўйганлар сафида бўлгани йўқ, айни пайтда «Халқ сўзи» газетасининг оёққа туришида ҳам хизмати катта. Мазкур редакцияда у бўлим мудири, масъул котиб бўлиб хизмат қилди. Эндиликда республикадаги ишбилармонлар ҳамда тижоратчилар ўртасида анча танилиб қолган газета — «Савдогар»нинг ҳам пойдеворини қўйганлардан бири бизнинг Тоҳиржон бўлади.

Ҳозирги пайтда Т. Мирҳодиев «Мулкдор» республика иқтисодий газетасида бош муҳаррир ўринбосари бўлиб, худди аввалгидек ғайрат ва ташаббус билан меҳнат қиляпти.

Ҳаёт сўқмоқлари қизиқ. Тоҳиржон узоқ йиллар қатор газеталар бош штаби — котибиятни бошқариб, кўпинча кўнглидаги эзгу ниятини қоғозга туширолмади — вақт танқислиги бунга имкон бермади. Унинг ижодий камолоти «Мулкдор»да яққол намоён бўляпти. Қисқа вақт ичида қатор очерк ва фельетонлар, таҳлилий мақолаларни ёзди, муштарийлар эътиборига тушди.

Тоҳиржонлар оиласини том маънода журналистлар оиласи дейиш мумкин. Умр йўлдоши Муяссар Саидхонова Ўзбекистон радиосида салкам 40 йил

ил бўйи ишлаб келмоқда. У радионинг халқаро бўлимининг мудири бўлди халқаро шарҳловчиларнинг устози. Тўнғич ўғли Хондамир мухбир, кенжа қизи Дилдора Ўзбекистон радиосида таржимон. Оиланинг яна бир фарзанди Ирода касби доришунос бўлсада, тез-тез радио ва телевидение эшиттириш-кўрсатувларида қатнашиб келади. Нодир эса хитой тили ва адабиёти бўйича мутахассис.

Фахрий қаламкаш дўстимиз Тоҳиржонга янги ижодий парвозлар тилаб, Оллоҳдан узоқ умр сўраймиз.

*Ҳамид СУЛТОНОВ*

## КЕКСАЛИККА ЁН БЕРМАЙ

Мирсобир Мирҳамидов 50-йилларнинг ўрталарида тенгқурлари қатори Тошкент Давлат университети журналистика факультетини тугатгач, билимини амалда синаш, қаламини чархлаш мақсадида Ангрен шаҳрига отланди. «Ўзбекистон шахтёри» газетасида маълум муддат ишлади.

1958 йилнинг июнь ойида «Тошкент ҳақиқати» жамоаси ёш журналистни ўз сафига қабул қилди. Мирсобир мухбир сифатида пойтахт вилоятининг турли ишлаб чиқариш корхоналаридан репортаж, лавҳа ёзишга киришди. Тез орада ҳамкасблари назарига тушди. Орадан беш йил ўтгач, уни саноат, транспорт ва капитал қурилиши бўлимига мудир этиб тайинлашди. Ҳозир ҳам шу вазифада ишлаяпти.

«Тошкент ҳақиқати» газетасининг тахламларини кўздан кечирар эканмиз, Мирсобир Мирҳамидов имзоси қўйилган кўплаб материалларни учратамиз. У хонада ўтириб ёзмайди, ҳаёт билан ҳамнафас бўлишни, ўз қаҳрамонлари билан учрашиб, уларнинг

дил сўзларини тинглашни маъқул кўради. Шу боис бўлса керак, уни Тошкент ва Чорвоқ бунёдкорлари, Чирчиқ кимёгарлари, Бекобод металлурглари, Ангрен шахтёрлари, Олмалиқ кончилари яхши танийди. Бир сўз билан айтганда, Мирсобир ака вилоятдаги зарбдор қурилишлару корхоналарни бирма-бир кезиб чиққан. Олинган таассуротлар оқ қоғозга ижодий исботи билан туширилиб, газета саҳифасига кўчган. Лавҳалари, очерклари, мақолалари жонли ўқишли бўлиб чиқишининг сабаби ҳам ана шунда.

Мирсобир акани чинакамига мураббий деб эътироф этсак бўлади. У билан турли йилларда бир бўлимда қалам тебратган, озми-кўпми унинг сабоғини олган журналистларнинг аксарияти республикамизнинг қатор идора ва ташкилотларида баракали ишлаб келмоқда. Жумладан, Жасур Носиров Ўзбекистон Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати масъул ходими, Миракмал Миралимов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати, Илҳом Султонов Ўзбекистон Миллий энциклопедияси давлат илмий нашриётининг етакчи муҳаррири, Мирвиёс Қаюмов «Ишонч» газетаси бош муҳаррири, Аброр Ғуломов «Жаҳон» ахборот агентлиги раҳбари... Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Улар орасида туман газеталарининг, телевидение ва радионинг етакчи ходимлари бор.

Устоз қаламкашнинг режалари билан қизиқиб, у билан суҳбатлашдик. Ҳамиша бўлганидек, Мирсобир ака вазминлик билан жавоб қайтарди.

— Жўшқин ўзгаришлар жараёни журналистлардан давр талабига мос фаолият кўрсатишни, турмушимизнинг барча соҳаларида кенг кўламда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнини қадам-бақадам изчил ёритиб боришни, дуч келинаётган муаммоларни бартараф этиш йўлларини кўрсатиб беришни талаб қилмоқда, — дейди у. — Шу боис «Тошкент ҳақиқати» газетаси саҳифаларида турли мавзудаги



мақолалар билан бирга иқтисодий шарҳларнинг ҳам мунтазам эълон қилинишига алоҳида эътибор беряпмиз. Қатор мақолаларимда, жумладан, «Ихтирочилик — уларнинг иккинчи касби», «Мақсад — биржага чиқиш» сарлавҳали шарҳларимда саноатчиларимиз фаолиятини бадастир таҳлил этишга ҳаракат қилдим. Бундай мақолалар, табиийки, ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотади. Таҳририятимиз улардан бу ҳақда кўплаб хат-хабарлар олиб турибди. Газетхоннинг бир оғиз самимий сўзи ижодкорни янада янги марраларга чорлайди...

Ҳалол меҳнат инсонга обрў келтиради, деб бежиз айтилмаган. Таниқли журналист Мирсобир Мирҳамидовнинг миллий матбуотимиз равнақи йўлидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди, унга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берилди.

Мирсобир акани ҳеч муболағасиз устоз инсонлар сафига қўшса бўлади. У ҳавас қилса арзигулик ҳаёт йўлини босиб ўтиб, бугунги кунда кексаликка ён бермай, қадрдон жамоасида ижод қилиб келмоқда.

*Ҳамид ИБРОҲИМ ўғли*

## ҲАЁТ САБОҒИ

Катта ҳаёт йўлини босиб ўтиб, айни кунларда кексалик гашти, завқини қадрдонлари даврасида сураётган Ислом Шафигин ҳақида лавҳа ёзиш учун қўлимга қалам олдим-у кўнглимдаги борини қай йўсинда айтишни кўп ўйладим. У билан бирга ишлаган ҳамкасблар ва ундан сабоқ олган таржимонлар билан суҳбатлашдим.

Инсон фарзандининг тақдири қизиқ: у бахтли кунларга ҳам, тасодифларга ҳам тўла. Лавҳамиз қаҳра-

мони Ўзбекистондан ўзга ерда туғилган бўлса ҳам шу заминни ўз она юрти ҳисоблайди. Тан олишимиз Ўзбекистон диёрининг муқаддас тупроғи кўзларига тўтиё, белига қувват бағишлайди. Чиндан ҳам у Ўзбекистонда ўз бахтини топди.

Тажрибали, ўз касбини жону дилдан севган қаламкаш билан суҳбатимиз «Ўзбекистон матбуоти» журнали таҳририятида бўлди. Бунинг рамзий маъноси ҳам бор эди.

— Каминага бу хоналар яхши таниш, — дейди у салом-аликдан сўнг. — Ҳаётимнинг қайноқ кунлари шу даргоҳда ўтди. Не-не фидойи, комил инсонлар билан ишламадим, дейсиз?!

Бир оз тин олгач, дуога қўл очди:

— Илоҳим, ўтганларнинг охиратлари обод бўлсин. Қолганларнинг умрлари зиёда бўлсин, фарзандлари роҳатини кўришаверсин!..

Бир пиёла чой узатиб, ундан ҳаёт йўли ҳақида сўзлаб беришни сўрайман. Кексаларга хос вазминлик билан оҳиста сўз бошлади:

— Ҳаёт йўлим оддий. Оренбург вилоятининг Бузулук шаҳрида 1923 йилда туғилганман. Меҳрибон отам ва онам ҳаётдан эрта ўтишди. Тақдир тақозоси билан Сурхондарёга келиб қолганман. Яхши, қалбиюок кишилар кўчада қолдирмадилар. Саховатли заминда, бағри кенг, танти одамлар қўлида тарбия олдим, илм эгалладим. Ўша кунларнинг турмуш лаҳзалари: устозларнинг меҳрибонлиги, оқ ювиб, оқ тарашлари ҳамиша кўз ўнгимда... Термиз шаҳридаги болалар уйида, сўнгра интернатда тарбияландим.

Ўқишга, ёзиш-чизишга чанқоқ бола эдим. Айниқса, мактабимиз деворий газетасини тайёрлайдиган ўқувчилар ёнидан кетмасдим. Уларга ҳавасим келарди. Қалам олиб машқ қила бошладим. Ёзганларимни тенгқурларимга ўқиб бериб, улардан рағбат эшитганимда қувончим ичимга сиғмасди. «Илғор Сурхон»



газетаси эса ҳақиқий ижод мактаби бўлди. Шу газета саҳифаларида босилган илк хат-хабарлар, мақолаларимни ҳозиргача авайлаб асрайман.

Илмга интилиш мени Бухоро шаҳрига етаклади. Бу ерда ишчилар факультетини тугатдим, янги танишлар орттирдим. Сўнгра Бухоро педагогика институти ўзбек тили ва адабиёти куллиётининг талабаси бўлдим. Орзуимга орзу қўшилди. Ўқишни тугатиб, ихлос қўйган касбда, газетачилар даврасида ишласам, дейман ўзимга-ўзим.

Билим даргоҳининг имтиёзли дипломини 1941 йилда олгач, армия сафига чақирилдим. Тошкент пулемёт-миномёт билим юртида ўқидим. Тез орада бизни ёш офицерлар сафида Киев ҳарбий округи ихтиёрига юбордилар. Захирадаги полкда бўлинма командири сифатида ёшларга сабоқ бердим.

Урушнинг ҳар лаҳзаси осон кечмагани маълум. 1418 кун давом этган оловли жанглар ортда қолди. Эркин нафас ола бошладик. Ҳарбий хизматдан бўшаб Қарши шаҳрига келдим. Шаҳар педагогика билим юртида ўқитувчи бўлиб ишласам ҳам қалам сеҳри ҳечам тинч қўймасди. Ёзган хат-хабарлар, мақолаларимни «Қашқадарё ҳақиқати» газетаси таҳририятига олиб борардим. Бахтми ё омадми, кейинчалик шу газетага ишга таклиф этишди. Партия турмуши бўлимида ва муҳаррир ўринбосари бўлиб ишладим, газетачиликнинг ўзига хос сирларини эринмай, устозларимдан сўраб ўргандим. Газета муҳаррири марҳум Йўлдош Умаров ва масъул котиб марҳум Салоҳ Йўлдошев ўз маслаҳатларини аямасдилар. Шу даргоҳда қаламим чархланди. Ҳаёт сабоғи деб аталмиш тушунчанинг дастлабки куртаклари шу газетада қулоч ёзди.

Элликинчи йилларда Тошкентга кўчиб келдим. 1941 йилдан олдин республикамизда чоп этилган ва уруш туфайли ёпиб қўйилган нашрларни тиклаш борасида ҳукумат махсус қарорлар қабул қилганлиги тари-

химиз саҳифаларидан маълум. Жумладан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ташвиқот бўлимининг «В помощь работникам местной печати» («Маҳаллий матбуот ходимларига ёрдам») бюллетени чиқа бошлади. Шу нашр масъул котиби бўлдим. Истеъдодли қаламкаш, ажойиб инсон Ризо Сахибоев (охиратлари обод бўлсин) нашр муҳаррири эдилар. Уларнинг асосий иш жойлари Ўзбекистон КП Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институти бўлгани учун ҳам нашрни босмага тайёрлашни менга ишониб топширардилар. Муҳарриримиз кези келганда мақолаларни қойилмақом қилиб таҳрир этардилар, корректурани бажону дил кўздан кечирардилар. Бюллетенимиз саҳифаларида асосан матбуот ходимларига ёрдам тариқасидаги мақолалар ва маслаҳатларга кенг ўрин берилган.

У ўзбек ва рус тилларида чоп этилган.

1965 йил январь ойидан эътиборан бюллетень асосида «Ўзбекистон матбуоти» — «Печать Узбекистана» журнали чиқа бошлаганлигини ҳамкасбларимиз яхши билишади. 1969 йилнинг январида журнал номи ўзгарди. У «Мухбир» — «Корреспондент» деб аталди. Мазкур журнал таҳририятида бўлим мудири сифатида фаолият кўрсатдим.

Суҳбатдошимнинг сўзларини мароқ билан тинглаб ўтирибман-у қачон Ўзбекистон Телеграф агентлигида ишлаган вақтларини ҳикоя қилиб берарканлар, деб ҳаяжонланаман. Ислом ака буни пайқадилар шекилли сўзни шу даргоҳ томонга бурдилар.

— Табаррук даргоҳда ишлаган кунларни ҳафтага, ҳафталарни ойларга, ойларни эса йилларга ўтказсак, қандай рақам келиб чиқади? — ҳазил аралаш сўрайди у биздан.

— Билишимча, ўттиз йилдан кўпроқ ишлагансиз.

— Тўғри. ЎзТАГ нинг иттифоқ ва хорижий ахборот бош таҳририятининг таржима бўлимида 1957

йилдан 1988 йилгача ишлаганман. Бўлимда ўз соҳасининг пири устозлари меҳнат қилишган. Бирга ишлаган ҳамкасбларимнинг айримлари ҳаётдан кўз юмганлар. Айримлари билан тез-тез учрашиб тураман. Кези келганда елкадош бўлган таржимон ва таҳрирчи дўстларим номини ҳурмат билан тилга олмоқчиман: Насибулла Ҳабибуллаев, Шербек Алиев, Яҳё Йўлдошев, Темур Расулов, Ёқубжон Иброҳимов, Собит Тоиров, Шарафиддин Туробов, Турсунали Саъдиев, Иқбол Эгамбердиева, Ҳайдарали Иброҳимов, Абдулла Абдуқодиров, Абдукарим Набихўжаев... Бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин.

Ҳар сафар Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги кошонасига қадам қўйсам, бугунги авлод ишимизни ардоқлаб давом эттираётганлигини кўриб қувониб кетаман.

Камтарона меҳнатимга халқимиз берган баҳо билан ҳамиша ғурурланаман. Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Президиумининг Фахрий Ёрлиғи, ТАСС ва ЎзТАГ ёрлиқлари ва ташаккурномаларини кўз қорачиғидек сақлаяпман. Уларни ҳар гал қўлга олиб кўрганимда, биринчи навбатда, ҳамкасбларим кўз ўнгимда намоён бўладилар, иккинчи навбатда, ўз касбим номини ҳалол, виждонан оқлаганим эсга тушади. Ҳақиқатан ҳам, ўз касбингизни ардоқласангиз халқ назарига тушасиз, унинг раҳматини эшитасиз. Менинг ҳаётдан олган сабоқларимнинг мағзи шу!

Ислом ака суҳбатимиз асносида қатор ижтимоий-сиёсий журналларда масъул котиб бўлиб ишлаган йиллари, кўплаб китоб ва рисолаларни таржима этганликлари ҳамда таҳрирдан чиқариб, ноширлик борасида ҳам тажрибага эга эканликлари ҳақида гап айтмадилар. Бу далилларни ҳамкасблари билан мулоқотлар вақтида ён дафтарчага ёзиб олган эдим.

## ФИДОЙИ

Сир эмаски, ҳамкасбларимизнинг иккинчи истеъдоди билан чуқур танишишни одат қилмаганмиз. Бунга баҳонаю сабаб ҳам топ-тайёр: «ишимиз кўп, вақтимиз зиқ» ва ҳоказо... дея ўзимизни юпатамиз. Шу тариқа кундалик ишлар билан машғул бўлиб, бир-биримизни яхши таниб олишга вақт қидирмаймиз.

Ҳайдаржонни билганлар турфа сабзавотдан гулдаста тайёрловчи қўли гул уста дейди. Билмаганлар бир ижодкор дейди. Билганлар миллий таомларимизни, айниқса шўрвани шакар қилиб юборадиган ошпаз дея оғзидан бол томади. Билмаганлар «ўзимизнинг журналист ҳамкасбимиз-да» деб қўя қолади.

Нима бўлганда ҳам, Ҳайдар Носиров сермулоҳаза ижодкор. У жойлардан олинган ахборотларни таҳрир қилганда ҳам, спорт беллашувлари тафсилотларини газетада ёки ойнаи жаҳон орқали шарҳлаганда ҳам, миллий таомларни «кобили» қилиб пиширганда ва ҳаттоки фотоаппарат ёрдамида сурат олганда ҳам ишга ижодий ёндашиши билан ажралиб туради. Шу фазилатлари билан обрў олди, эътибор қозонди, муқаддас даргоҳда улғайди.

Ҳайдаржон учун мақоланинг ҳажми — нисбий тушунча. У асосан газетхон талабини ҳисобга олади. Масалани ёритганда у ўқимишли, ўқувчини толиқтирмайдиган, воқеанинг энг муҳим жиҳатларига эътиборни жалб этишини назарда тутади. Тўпланган далиллардан зарурини танлаб олади. Ён-дафтардаги далил-рақамларни ҳуда-беҳуда ишлатавермайди. Танлаган мавзуни равон ёзишни у ўқувчига ҳурмат деб ҳисоблайди. Шунинг учун бўлса керак, газетхон Ҳ. Носиров имзоси қўйилган мақолаларни мароқ

[illegible] ўқиб чиқади. Бундай ҳурмат ҳар кимга ҳам насиб этавермаслигини қаламкашлар яхши қадрлайдилар.

Ҳар кимнинг ўз мавзуси бўлади. Ҳайдаржонга қалам ҳақи жамғариб берадиган асосий мавзу — спорт мавзуси. Қолаверса, газетхонларнинг кенг қатламига яқин этган, обрўсини оширган ҳам. Ўқувчилар газетанинг ҳар сони қўлга текканда куттирадиган ҳам касбдошимизнинг ўз мавусидаги мақолаларидир. Шу мавзуда у тез ёзиши, равон фикрлаши, қиёсий далиллар келтира олиш имкониятларини баралла намоён эта олиши билан эътибор қозонгани сир эмас.

Тошкент Давлат университети дипломини олгач, «Ўзбекистон овози» газетасида чорак аср муттасил қалам тебратиш ҳамкасбимизни масъулият билан ишлашга ўргатди. Шу вақт мобайнида устоз журналистлар маҳоратидан баҳраманд бўлди. Нима ёзса, қанча ёзса ўзини газетхон назоратида деб билди. Ижодий ютуқларидан ҳаволаниб кетмади. Айнан назоратда деганимизда, шунингдек унга бўлим мудири бўлган мураббийлар, касбдошларнинг кундалик назар-эътибори, таҳрирларини ҳам кўзда тутганмиз. Дарҳақиқат, газетада ёш журналистга бўлим мудири ғамхўр бўлса, маслаҳатини аямаса, ижоди гуллайди. Яхши сафдошларнинг бир-бирига кўмаги эса истеъдодни чархлайди. Ҳайдаржон дастлаб Восиқ Маҳкамовдек тезкор журналист тарбиясини олди. Ахборот ёзиш сирларини эгаллади. Тажрибали журналистлар Тожибой Унабоев, Миршароф Муҳсимов, Яҳё Тўхтаев маҳорати сарчашмаларидан баҳраманд бўлди. Улар мадади билан қалами равонлашди. Мақола, репортаж, очерклар туркуми билан эл назарига тушди.

Газета спортнинг нисбатан кам ривожланган тури — спортча юриш-югуриш (марафон) тури бўйича

вилоятларда мусобақалар ташкил этишда бош-қош бўлди. Унинг кўчма совринини таъсис этилди. Республика шаҳарларида ўтказилган анъанавий мусобақалар якунларини Ҳ. Носиров ўзига хос услубда ёзиб маҳоратини кўрсатди.

Газетанинг 70 йиллиги тўйи арафасида уюштирилган шахмат танлови мухлисларнинг ҳақиқий байрамига айланди. Таҳририятнинг энг масъулиятли вазифаси лавҳамиз қаҳрамони зиммасига юклатилди. Олтмиш тўрт катак узра баҳсларнинг тартиби, ғолибларга топшириладиган совринлар аниқланди. У ўшанда газетанинг кўп йиллик қадрдони, Ўзбекистонда биринчи шахмат устаси, халқаро тоифадаги ҳакам Мамажон Мухиддиновни ҳамкорликка чақирди. Фидойи инсон, қаламкашлардан ўз мададини аямайдиган Мамажон ака «лаббай» деб ёрдамга келди. Танлов бўйича шахмат масалалари тузилиб, газета саҳифаларида мунтазам эълон қилиб борилди. Танловда республикамизнинг етти ёшидан етмиш ёшгача бўлган шахмат мухлислари қатнашди десак, муболаға бўлмайди. Редакцияга танлов бўйича ўн беш минг газетхон фикр билдирди, таҳририятнинг хатлар ва оммавий ишлар бўлими ходимлари «Шахмат конкурсига» деб ёзилган хатлардан ҳар куни ўнлаб олишарди.

XXII ёзги Олимпиада ўйинларининг тафсилотлари ёзилган мисралар ҳам газетамизнинг бир умрлик мулкига айланди. Келинг, бу ҳақда ҳаяжонли сўзларни Ҳайдаржоннинг ўзидан эшитайлик:

— 1980 йил мен учун бахтли йил бўлди, — дейди у ўзига хос вазминлик билан. — Муҳарриримиз Мақсуд Қориев ҳузурларига чақириб, Москва Олимпиадаси мусобақаларини ёритиш йўлланмаси менга берилганлигини айтдилар. Шу кезда бахтиёрлигимни сўз билан ифодалаш қийин эди. Миннатдорчилик билдириб ўз хонамга бораяпману, хаёлимни бир фикр

тулайди: газетанинг масъулиятли вазифасини бажара оламанми? Ҳаяжонимни босишга интилиб, ўшитча режалар тузиб олдим. Қадрдон газетамга ёзаётган ҳисоботлар бошқаларникига ўхшамасин!

Куни билан спорт беллашувларининг гувоҳи бўламан. Оқшомда қўлимга қалам олиб, ҳисоботни тайёрлайман. Эрталаб рақамларни яна бир бор синчиклаб кўздан кечираман. Сўнгра ишхонага қўнғироқ қилишим биланоқ «лаббай, редакция» деган қадрдон сўзларни эшитаман. Солиҳа Раҳимова ёки Нажиба Турсунова (раҳматли) телефон гўшагини олишади. Зудлик билан мақолани оқ қоғозга туширишади. Сўнгра масъул котибимиз Абдукарим Набихўжаев (раҳматли) ҳамда унинг ўринбосари Ҳамид Султонов ҳисоботларни ўқиб, босмага тайёрлашар, Ўзбекистон спортчиларининг суратлари билан мақолани тўлдириб ўқувчилар эътиборига ҳавола этишарди. Бундай ҳамкорлик мени янада дадил бўлишга, беллашувларнинг ҳаяжонли натижаларини янада ёрқин ёзишга чорларди. Азиз ва меҳрибон уйингдан, муътабар ишхонангдан узоқда туриб, газетада ўз имзоингни кўрсанг, қувончинг ўн эмас, юз карра ошишига ўшанда шоҳид бўлганман.

Айни кунларда Ҳайдар Носиров бош бўлган бўлим ходимларининг зиммасида масъулиятли мавзулар етарлидир. Уларни ёритишда эса газетхонлар қалбига қулоқ тутиш, хат-хабарлардан унумли фойдаланиш талаб этилади. «Халқ айтгани — ҳақ чиқар», «Ўзбекистон халқига хизмат қиламан» номли махсус саҳифаларнинг тайёрланишида, ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилишида бўлим ижодкорларининг ҳиссаси катта. Бамаслаҳат иш тутаётган ижодкорлар янги-янги рукнларни ҳам газета саҳифасига олиб чиқишмоқда.

Ҳа, ижодкор ҳамкасбимизнинг фидойилигига ҳавас қиламиз. Ҳайдаржон Носиров журналистикада кўз очиб кўрган даргоҳи — «Ўзбекистон овози»-

да ўсиб-улғайди. Илҳом билан ижод қиляпти. Тез-
қурларига тутқич бермасликка интиляпти. Унинг
ўзига хос ёзиш услуби ёшларимизга ибрат бўла-
лиқдир.

*Жасур НОСИРОВ*

## НУРЛИ ДОВОНЛАР

Ҳар гал Соат Ғиёсовични кўрганимда беихтиёр ёшлик йилларим ёдимга тушади. ТошДУнинг журналистика факультети учинчи курс талабаларини амалий машғулотлар ўтиш учун оммавий ахборот воситаларига ишлаб чиқариш амалиётини ўтказиш учун тақсимлашаётганда менинг чекимга «Тошкент ҳақиқати» газетаси тушган эди. Ўшанда тақдирим узоқ вақт шу газета билан боғланиб қолишини хаёлимга ҳам келтирмаган эдим. Таҳририятдаги меҳрибон инсонлар, кўнгли очиқ, истеъдодли ижодкорлар даврасига кирганимдан кейингина бу даргоҳ иккинчи уйим бўлиб қолди. Ҳар йили амалий машғулотларни ҳам, ўқишдан бўш соатларимни ҳам шу газетада ўтказадиган бўлдим. Кейинчалик университетни тамомлагач, кўз очиб кўрган иноқ жамоада ишлаш учун йўлланма олдим.

Ўша кезлардаёқ Соат Мусаев билан оға-ини тутинган эдик. Соат ака таниқли журналистлар Тўлаган Нажмиддинов ва Зариф Муҳаммаджонов билан бирга гезетанинг ахборот ва спорт бўлимини «тебратиб» турардилар. Дастлабки хабар ва мақолаларим у кишининг таҳрири остида газета юзини кўрган эди.

Соат ака одатларига кўра ҳар куни ишга барвақт келардилар ва:

— Янгиликдан хабарингиз борми? — деб сўрашни канда қилмасдилар.



Биз дарҳол у кишининг қўлларидаги бир даста янги газета ва журналларни олиб танишиб чиқардик. Гап-[illegible] ўланиб, қаерда қандай янгиликлар борлигидан бир зумда хабардор бўлардик, газета учун янги мавзулар топардик.

Соат ака ҳар доим теша тегмаган мавзуларни газета саҳифаларига олиб чиқишга интилардилар. «Ҳар бир материалдан шу кун нафаси уфуриб туриши керак. Ижтимоий аҳамиятга молик янгилик бўлдими, дарҳол уни кенг оммага етказиш лозим. Тез ва сифатли ишлаш журналист олдига қўйиладиган биринчи талаб, тезкор бўлмаган ходим бу даргоҳдан кетаверсин», деб қўярдилар гап орасида.

Шу талабга энг олдин ўзлари амал қилардилар. Мамлакатимизда кеча содир бўлган воқеалар Соат аканинг тезкорлиги билан эртасигаёқ газета саҳифасида кўринарди, эфир орқали тараларди.

Очиғини айтганда унинг ташаббуси билан саҳифаларга катта спорт, ҳарбий-ватанпарварлик, табиатни муҳофаза этишга оид долзарб мавзулар турли кўринишларда кириб келди. Муаллифлар билан ҳамкорлик борасидаги иш тажрибаларини ҳам кузатиб борардим. Генерал-лейтенант Собиржон Охунжонов, машҳур футболчи Эркин Абдураимов, шахмат усталаридан Мамажон Муҳиддинов, табиат ошиғи Ғафур Жўраев Соат ака бошқараётган ахборот, ҳарбий-ватанпарварлик ва спорт бўлимининг доимий муаллифлари эди.

Бир умр спортни, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиб келаётган моҳир шарҳловчи Шароф Умрзоқов ўша кезларда Соат ака билан ёнма-ён меҳнат қилардилар. Мудир ва ходим шинавандаларни спорт оламидаги энг сўнгги янгиликлар билан таништиришда эфирдан моҳирона фойдаланишарди. Футболчиларга ўхшаб улар ҳам бу соҳада ўзига хос «тандем» яратишган эди. 10—15 минутлик теле ва радиошарҳларни барча фут-

бол шинавандалари жон қулоқлари билан тинглашарди. Устоз журналистлар бошқа мавзуларни ёритишда ҳам яқин ҳамкорликни йўлга қўйган эдилар.

Эсимда, ҳар йили, қиш оёқлаб баҳорнинг илк нафаси димоққа урилаётган кунларда, табиат шайдоси Ғафур ака эриб битмаган қорлар остида янги униб чиққан бойчечаклардан даста ясаб, Соат аканинг ҳужрига кириб келарди.

— Мана, баҳор элчисини олиб келдим. Майдатолдан тортиб Бахмалгача бўлган кенгликлар баҳорга мунтазир, — дерди у завқ билан.

Шу бўйи табиат қўйнига янги сафарлар бошланарди. Сафар давомида гўзал лавҳалар ва очерклар туғиларди.

Шундай муаллифлар билан бамаслаҳат тайёрланган мақола ва махсус саҳифалар ўша кезларда кенг жамоатчилик эътиборини қозонди. Нуфузли газета ва журналларда «Тошкент ҳақиқати» газетаси фаолиятига бағишлаб махсус мақолалар эълон қилинарди. Ҳарбий-ватанпарварлик мавзусини ёритиш бўйича тўпланган тажриба эса алоҳида рисола бўлиб чиқди. Улар Соат аканинг ташаббускорлиги ва замонавий мавзуларга ошиқлигининг эътирофи эди.

Ўша даврдаги жанговар мавзулар бугунги кун матбуоти саҳифаларидан ҳам муносиб ўрин олишини истар эдик. Мустақил Ватан посбонларининг ҳаёти ҳар бир оила аъзосини қизиқтириши табиий. Йигитлик бурчини адо этаётган ўғлонларимиз телевидение экранларида, газета саҳифаларида тез-тез кўриниб турса, овозлари радиокарнайлар орқали янграб турса кўнглимиз яна ҳам хотиржам бўларди-да.

Биз Соат ака билан журналистларнинг ўзига хос фазилатлари ҳақида кўп фикрлашардик. Ўшанда тезкорлик, меҳрибонлик, холислик, поклик каби фа-



зилатлар ёнига яна қандай фазилатларни қўйиш мумкин, деб сўрардим.

— Журналист ҳамма соҳани яхши билиши керак, — дер эди Соат ака. — Чунки мухбир сифатида турли касб вакиллари, турли ёшдаги кишилар билан учрашишга тўғри келади. Агар дунёқарашимиз тор, билимимиз саёз бўлса гап гапга қовушмайди, суҳбатдошимизни тез зериктириб қўямиз. Бундай бўлмаслиги учун суҳбатдошингиз кимлигини, унинг ишини олдиндан билиб бўлажак мулоқотга ҳозирлик кўришингиз, ҳосилот билан ҳосилотдек, муҳандис билан муҳандисдек, шифокор билан шифокордек гаплаша олишингиз керак бўлади.

Шу боисдан ҳам Соат ака кўп ўқирди. Ҳамма соҳадан хабардор бўлишга интиларди. Экология, тарих, тиббиёт бўйича билимлари унча-мунча мутахассисникидан кам эмасди. Спорт, ҳарбий мавзуларни-ку энг нозик нуқталаригача пухта биларди.

Марҳум шифокор, ўз қалами билан журналистлар меҳрини қозонган Зикрилла Эгамбердиев билан Соат ака кўп суҳбатлашганлар. Кейинчалик Зикрилла аканинг тиббиётга оид кўпгина мақолалари Соат аканинг ҳомийлигида газета юзини кўрди, рисола бўлиб чиқди. Шу бўйи кекса шифокор умрининг охиригача «Тошкент ҳақиқати»нинг садоқатли муаллифларидан бири бўлиб қолди.

Соат ака зиёлилар оиласида камол топганлиги учунми табиатан ҳақиқатгўй, меҳрибон, ҳалол инсон бўлиб етишган эдилар. Оталари Ғиёс Мусаев Тошкентнинг машҳур ўқитувчиларидан бири бўлганлар. Уларнинг қўлида тарбия олган ўғил-қизлар ҳозир мустақил диёримизнинг таниқли фарзандлари бўлиб етишишган. Улардан бири бугунги кунда Тошкент автомобиль ва йўллар институти ректори бўлиб ишлаётган С. Қодировдир. У киши бўлажак мутахассисларнинг меҳрибон устози бўлишдек фазилатни

Ғиёс отадан олган бўлсалар ажаб эмас. Шу боис С. Қодиров «Халқ сўзи» газетасининг 1997 йил 1 октябрь сонида «Энг бахтли инсон» сарлавҳаси остида эълон қилинган мақоласини «Мен ҳозиргача ўз устозим — биринчи муаллимим Ғиёс ака Мусаевни чуқур ҳурмат билан ёдга оламан, руҳларини шод қилишга ҳар доим ҳаракат қиламан, — деб бошлайди. — У киши ҳарф танитиб, китоб, билим оламига йўлимизни очган илк устоз эдилар».

Соат Ғиёсовичнинг ҳаёт йўли оддий. Олти ёшда мактабга бориб ўқишни олтин медаль билан тамомлаганлар. Кейинчалик Тошкент Давлат университети журналистика факультетининг энг ёш талабаси, имтиёзли диплом олгач эса, «Тошкент ҳақиқати» газетасининг энг навқирон адабий ходими бўлганлар.

Шу жамоада ўсдилар, камол топдилар, эл-юртга танилдилар. Оддий ходимдан муҳаррир ўринбосаригача бўлган йўлни босиб ўтдилар. Биринчилар қаторида «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист» фахрий унвонига сазовор бўлдилар. Бугунги кунда Соат Мусаев имзоси билан чиқаётган мақолалар, эфир бўйлаб тарқалаётган эшиттиришлар, чоп этилаётган таржима асарлар ҳамкасбимиз ва устозимиз фаоллигидан нишона.

Истеъдодли журналист, моҳир таржимон Соат Мусаев ўз ҳаёти йўлининг олтмишинчи довонидан ошиб ўтди. Шу қутлуғ кун арафасида уни «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриётининг «Фалсафа ва ҳуқуқ» таҳририяти мудирлигига ишга таклиф этишди. Мустақил республика энциклопедиясини яратиш бўйича катта ҳажмли ишлар бошлангач, энг тажрибали ва энг билимдон журналистлар шу даргоҳга тўпланаётган эди. Уларнинг саъй-ҳаракатлари ва ҳукумат мадади билан янги мазмун, янги шаклдаги ўз миллий энциклопедиямиз яратилмоқда. Бугун шу хайрли иш бошида Соат акага ўхшаш фидокор журналистлар ва матбаачилар туришибди.

Соат Ғиёсович, ҳали олдинда янги нурли довонлар турибди. Улардан соғ-саломат, бағрибутлик билан ошиб ўтиш Сизга насиб этсин, дилга тугиб қўйган барча орзу-ниятларингиз бекаму кўст ушалаверсин. Илиқ туйғулар ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин.

*Акбарали СУЛТОНОВ*

## КЎНГИЛ МАНЗИЛИ

Шундай одамлар бўладики, улар бошқалар учун яшайдилар. Мен шундай инсонлардан бирини ғойибона билардим. У билан иш юзасидан учрашгач, эшитганларим ножўя эмаслигига ишонч ҳосил қилдим. Бойси Жўра Саъдуллаев ҳамиша бирон бир хайрли иш ташвишида юради. Турли сафарлари чоғида ҳам ижодкорнинг шундай ҳолатини кузатганман. У кўпроқ ташкилотларда бўлишга, жойлардаги амалий иш тажрибасини ўрганишга интилади. Сафардан кейин уч-тўрт кун ўтмасдан «Мулкдор» газетасида «Мўъжиза яратувчилар» рукни билан мақолалар чоп этилади.

У шундай тиниб-тинчимаслардан. Қибрай ва Зангиота туман газеталарида бош муҳаррир, «Туркистон»да бўлим мудири, «Ўзбекистон овози»да бош муҳаррир ўринбосари, «Муштум» журналида бош муҳаррир бўлиб ишлаганларида ҳам сермаҳсул ижод қилган. Унинг «Сўнгги топшириқ», «Тик парвоз», «Камолот йўллари», «Ҳар биримиз масъулмиз» каби очерк ва публицистик асарлар тўпламлари чоп этилган. «Ўзбекистон юлдузлари» очерклар китобининг муаллифи. «Ўзбекистон қўриқлари» китоби ҳам эътибор қозонди. Меҳнатлари муносиб тақдирланган. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист» фахрий унвонига лойиқ кўрилган.

Мустақиллик йиллари таржимонлик фаолияти янги йўналиш касб этди. Асосий эътиборни аҳолининг

молиявий-иқтисодий ва ҳуқуқий билимини оширишга хизмат қилувчи асарларни ўзбек тилига таржима қилишга қаратди. «Акциядорлик жамиятида молия ҳисоби», «Ўзбекистон Республикасида молия назорати», «Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунлари: саволлар ва жавоблар», «Халқаро гуманитар ҳуқуқ» китобларини ўзбек тилига ўгирди.

Журналистнинг сўнгги йиллардаги ижодий фаолияти мустақил Ўзбекистонда касаба ҳаракати амалиёти ва муаммолари билан боғлиқ бўлди. Унинг ташаббуси билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши касаба фаолиятига бағишланган энг яхши журналистик асарлар учун йиллик кўрик-танлов эълон қилинди.

Жўра Саъдуллаев устозлари, ҳамкасблари, шогирдларининг ижодий фаолиятлари хусусида кўп гапиради. Устоз қалам соҳиблари Зиёд Есенбоев, Мақсуд Қориев, Исмоилжон Сулаймоновлар билан бўлган мулоқотларини, Тоҳир Пидаев, Муроджон Мансуров, Абдуллажон Абдуқодировлар билан ижодий фикрлашувларни алоҳида бир орзиқиш билан эслайди. Унинг шогирдлари мустақил давлатимиз иқтисодиёти ва маънавиятини, шавкатини юксалтиришга хизмат қилмоқдалар.

*Соат МУСАЕВ*

## ЖУРНАЛИСТЛАР АВЛОДИ ВАКИЛИ

Жасур Носировни ҳар гал кўрганимда беихтиёр ёшлик йилларим ёдимга тушаверади.

Жасур журналистика соҳасига 60-йилларда кириб келган эди. Тошкент Давлат университети филология факультети журналистика бўлимининг учинчи босқичида ўқиб юрган кезларида «Тошкент

ҳақиқати» газетасига амалий машғулотлар ўтгани келиб қолди.

Суриштириб кўрсак, Тошкентнинг Янгиариқ маҳалласида истиқомат қилар экан. Тоғалари Абдуфаттоҳ Ҳожи Набихўжаевни, у кишининг фарзандлари Абдукарим Набихўжаевни, яқин қариндошлари Абдуфорис Абдумажидов, Эркин Носировларни яхши танирдик, ҳаммалари журналист эди. Республика газеталарида ижод қилишарди.

— Журналистлар авлоди яна бир кишига кўпаяр экан-да, — дея ҳазиллашдик.

Жасур жилмайиб қўйди. Унинг яхши оилада тарбия топгани, андишали, камтар-камсуқумлиги очиқ чеҳрасидан шундоқ сезилиб турарди. Шу боисдан ҳам у барчамизга туғишган укадек бўлиб кетди. Амалий машғулотлар сабаб бўлиб, бир-биримизни яна ҳам яқиндан танидик, университетни тамомлаши билан уни ишга таклиф этдик. Шу бўйи «Тошкент ҳақиқати» газетасида узоқ йиллар бирга ижод қилдик.

Пойдеворни Зиёд Есенбоев мустаҳкам қилиб бунёд этган, кейин муҳаррирлик масъулияти Мақсуд Қориев, Аҳмад Исмоиловларга насиб этган бу жамоада ўша кезлар таниқли қаламкаш устозлар: Назармат Эгамназаров, Аъзам Мирбобоев, Исмоил Сулаймонов, Шобарот Кузанбоев, Темур Расулов, Салим Маҳкамов, Босит Ҳалилов, Усмон Жонгитов, Маҳмуд Яҳёев, Худойберди Тўхтабоев, Нўъмон Насимов, Шуҳрат Қосимовлар йиғилган эди.

Жасур билан тенгқур дўстлар Шарофиддин Умурзоқов, Шуҳрат Шораҳмедов, Яшин Салимов, Будир Пўлатов, Илҳом Султонов олдинма-кейин улар сафига қўшилдилар. Устозлар ҳар қайсинисининг ҳавас қилгудек истеъдоди, ижодий йўли, ўзиш услуби бор эди. Ёшлар учун чинакам дорилфунун шу ерда эди. Айтайлик, Тўлаган Нажмиддиновдан масъулиятни, аниқлик ва пухталикни ҳамда материалларни вақ-

тида топширишни, Усмон Жонгитовдан публицистик жўшқинлик ва тезкорликни, Мирсобир Мирҳамидовдан соҳанинг ич-ичига шўнғиб, муҳандис-техникалардек фикрлаш, мавзудан четлаб кетмасликни, Шуҳрат Қосимовдан муаммоларни мутасадди раҳбарлар олдига кескин қўя билишни ва ниҳоят ҳаммасининг маслаҳатгўйи, қадрдони Зарифжон Муҳаммаджоновдан одамийликни, оила ва дўст-ёрларга чин садоқатни ўрганиш мумкин эди...

Пойтахт вилоятининг иқтисодий ҳаётидаги ўзгаришлар газета жамоасидан янги мавзуларни саҳифага олиб чиқишни тақозо этарди. Чорвоқ ГЭСи, Тошкент ГРЭСи, Ангрен кўмир разрези, Чирчиқ капролактам заводи каби зарбдор объектлар қурилишидан материаллар ёзилди. Кейинроқ бутун куч янги Тошкент қурилишига қаратилди. Шундай қизғин ҳаётни тўлақонли ёритиб бориш таҳририятнинг саноат, қурилиш ва транспорт бўлими зиммасига юкланган эди. Бўлим ходимлари Тоҳир Мирҳодиев ҳам, Жасур Носиров ҳам тиним билмасди. Ҳар иккалови воқеалардан бир қадам бўлса-да, олдинда боришга, буюк бунёдкорлик ишларини тезкорлик билан малакали ёритишга ҳаракат қилишарди.

Баъзан газета тахламларини варақлаб таҳририятда кечган бедор йилларимизни эслайман. Ўша йилларда «ҳақиқатчи»лар нақадар катта ҳажмли ишларнинг уддасидан чиққан эканмиз. Ёзилган ҳар бир мақола, олинган ҳар бир интервью ўша тинимсиз кунлар руҳини бериб турарди.

Жасур Фозилович таҳририятда чорак асрдан кўпроқ вақт ишлади. Мухбир, махсус мухбир, бўлим мудири сифатида Тошкент вилоятининг барча гўшаларини кезиб чиқди. Қанчадан-қанча ҳаваскор мухбирларга устозлик қилиб, уларни катта матбуот майдонига етаклади. Кўпдан-кўп туман, шаҳар газеталарига ҳомийлик қилди. Эски қадрдон ҳамкасблар буни доимо эслаб гапиришади.

Фаолиятини Тошкентдаги каравот заводида оддий ишчиликдан бошлаган Эгамназар Қодиров ҳавасқор мухбир сифатида эл-юртга танилди. Унинг илк ёзганлари Жасур Носиров таҳриридан чиқиб газета саҳифаларини кўрган. Ҳабибулла Олимжонов, Саъдулла Матёқубов, Абдураҳим Абдуллаев, Акмал Акромов, Абдукарим Раҳимбердиев ва бошқалар Жасур Фозиловичнинг ўгит ва маслаҳатлари билан кам бўлмаган шогирдлардир.

Жасур Носиров халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгаши раисининг ёрдамчиси, вилоят ҳокимлиги ташкилий ва кадрлар бўлими етакчи мутахассиси, кейинчалик умумий бўлим мудири лавозимларида ишлаган кезларида ҳам матбуот билан доимо ҳамнафас бўлди. У ёзган мақолалар ва тайёрлаган ҳужжатларда вилоятда ислоҳотларнинг бориши ойнадек акс этиб турарди.

«Ишонч» газетасини ташкил этиш ва оёққа турғазишда ҳам Жасур Носировнинг ҳиссаси катта бўлди. У бош муҳаррир ўринбосари сифатида газета мундарижасини бойитди, янги-янги мавзуларга мурожаат этди.

Газетхонлар ҳамкасбимиз Жасур Носировни барча мавзуларда бирдек қалам тебрата оладиган журналист сифатида танийдилар. Бундай салоҳият барчага ҳам насиб этавермайди. Жасур Фозилович Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Матбуот хизматига раҳбар этиб тайинлангач (ҳозир қўмитанинг бош мутахассиси), шу тизим ходимлари ҳаётини, улар бажараётган ишлар кўламини марказий матбуот, телевидение ва радио орқали кенг оммага етказиш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, солиқ қонунчилигини мустаҳкамлаш сари йўл тутди. Жойларда солиқчилар билан аҳолининг юзма-юз учрашувларини ташкил этди. Ўтказилаётган тезкор тадбирларга марказий газеталар, телевидение ва

радио мухбирларини жалб этди. Шу тариқа солиқ тизими энг долзарб мавзулардан бирига айланди.

Янги мавзуни қизиқарли тарзда ёритишда ҳам касбимизнинг ўзи намуна бўляпти. У ёзган материалларни қарийб барча газеталарда ўқиб борамиз. «Солиқ ва назорат», «Бурч ва масъулият», «Солиқ ҳақида сабоқлар» каби таҳлилий публицистик теле-кўрсатувлар, «Хазинанинг жуфт илдизи» радиоэшиттириши, «Ахборот» ва «Давр» теледастурларида эълон қилинаётган рейд материалларини ҳамма қизиқиб кўряпти ва тингляпти. Уларни тайёрлашда ва эфирга узатишда фидойи қаламкашнинг ҳиссаси алоҳида. Бундай меҳнаткаш ижодкорлар мустақиллик йилларида қадр топмоқдалар. Улар қаторида Жасур Носиров ҳам «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист» унвонига сазовор бўлганлиги бизни юракдан қувонтиради.

Серғайрат журналист бугун ўз ҳаёт йўлининг олтмишинчи довонидан ошиб ўтяпти. Бир қарашда бунга ишонгинг ҳам келмайди. Чунки ҳеч ким уни олтмиш ёшдан ошган демайди. Демак, соғлом турмуш тарзини кечирган меҳнаткаш ва ҳалол инсонларгина шу ёшда ҳам бардам ва соғлом бўлишар экан. Бунга ҳам касб дўстимизнинг ҳаёт йўли бир мисолдир. Унга юз ёшга кирганида ҳам шундай шижоат ва бардамлик йўлдош бўлсин, деймиз!

*Суръат АБДУКАРИМОВ*

## ИСТИҚЛОЛНИ ШАРАФЛОВЧИ САТРЛАР

Олтмишинчи йиллар боши. Ўша вақтда «Гулхан» журналининг бир неча сонида «Меҳрибонлар» деган қисса босилиб чиқади. Қиссанинг муаллифи эндигина врачлик дипломини олган Искандар Раҳ-

мон бўлиб, асарни ёзувчи Ҳабиб Нуъмон таҳрир этиб, ёш шифокор-ижодкорга «Оқ йўл» тилаган эди.

Мана, ўша вақтдан буён бир йигит умри ўтди. Бу йиллар давомида қанчадан-қанча воқеалар кечмади унинг ҳаётида...

У ҳарбий врач сифатида мамлакатимизнинг жуда кўп жойларида, чет давлатларда бўлди. Ўзининг йигирма олти йиллик армия хизмати давомида бир ҳарбий офицер кечириши мумкин бўлган қанчадан-қанча воқеа-ҳодисаларни бошидан кечирди, минглаб беморларнинг ҳаётини сақлаб қолишда, уларнинг умрларини узайтиришда баракали шифокорлик бурчини чин диддан ўтади. У Қуролли Кучлар Фахрийси, тиббий хизмат подполковниги, Соғлиқни сақлаш аълочиси бўлди, икки марта Ўзбекистон Республикасининг «Фахрий Ёрлиғи» билан тақдирланди.

Искандар Раҳмонов қаерда бўлмасин ўзининг ижод қаламини бир лаҳза ҳам қўлидан қўймади. Ҳарбий ватанпарварлик руҳи билан йўғрилган асарлари орқали ёшларда мардлик, жасорат туйғуларини камолга етказишни мақсад қилиб қўйди. Ижодкорнинг «Дардинг билан яшайман, дунё!» қиссаси «Ўзбекистонлик шифокорлар уруш йилларида», «Оқ либосли ҳалоскорлар», «Оловли гулдаста», «Уруш кўрган докторлар», «Ҳарбий шифокор хазинаси», «Йўллардаги гуллар», «Ўзбекистон аскарларимиз» номли очерк ва шеърий тўпламлари чоп этилган. Бундан ташқари, республикамиз газета ва журналлари саҳифаларида тез-тез босилиб чиқаётган асарларида у уруш жабҳаларида мардлик, қаҳрамонлик ва жасорат намуналарини кўрсатган юртдошларимизнинг, ўз қасамларига содиқ аскарларимизнинг, она-Ватанимизнинг истиқлолини шараф билан ҳимоя қилишга бел боғлаган посбон йигитларнинг садоқатларини ёрқин образлар орқали чизишга ҳаракат қилади.

Маълумки, бастакор ва хонандалар қўшиқ қилиб айтиладиган шеърга ўта масъулият билан ёндошадилар. Шу жиҳатдан ҳамма шеърлар ҳам қўшиқ оҳангига туша олмайди. Бироқ, Искандар Раҳмоннинг бу борада ҳам омади чопган. Унинг қаламига мансуб кўпгина шеърлар таниқли хонанда-ю бастакорлар, ижодий-бадиий ва ҳарбий жамоалар эътиборига тушган. Ўзбекистонимизнинг миллий истиқлолини тараннум этувчи бу асарлар катта байрам тантаналарида, телекўрсатув ва радио тўлқинларида янграмоқда.

Искандар Раҳмон ҳарбий ватанпарварлик мавзусидаги туркум асарлари учун 1995 йилда Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг лауреати. 1995—1997 йилларда эса икки марта «Аскар қўшиқлари» танлов кўрикларининг голиби бўлди.

Искандар ака бугун олтмиш ёшдан сал ошдилар. Донишмандларнинг айтишича, инсоннинг умри ёруғ дунёда қанча вақт яшаганлиги билан эмас, балки одамларга, жамиятга қанча наф келтиргани билан ўлчанаркан. Шу важдан Искандар Раҳмоннинг ҳам босиб ўтган ҳаёт йўли баракалидир. У ўзининг умр зарварақларига бугунги ва келажак авлод учун азизлик, қадр-қиммат, иззат ва поклик сатрларини битмоқда. Шаҳидлар руҳини беҳад шод айлаб, тирикларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатмоқда.

Ижодкор бугунда Ўзбекистонимизнинг истиқлолини шарафлайдиган янгидан-янги асарлар яратиш иштиёқида қизғин фаолият кўрсатмоқда. Турли мавзулар устида изланмоқда. Унинг ёшларни ҳарбий ватанпарварлик, бурчга садоқат руҳида тарбиялашга, одоб-ахлоқ, маънавият-маърифатга оид бугунги кун учун долзарб бўлган мақолалари, очерк ва ҳикоялари, шеър ва лавҳалари республикамизнинг газета-журналларида тез-тез босилиб турибди.

Биз Искандар акага мустаҳкам саломатлик, хотиржамлик ва ижодий ишларига катта муваффақиятлар тилаймиз.

*Солиҳ ЁҚУБОВ*

## КЎП ТИНГЛАБ, КЎП ИШЛАЙДИ

Бундан бир неча йил муқаддам содир бўлган бу воқеа ҳамон ёдимда.

«Тошкент оқшоми» таҳририятига шаҳдам одимлар билан кириб келган Зиёд Есенбоев салом-аликдан сўнг дарров муддаога ўтдилар:

— Илтимосимга йўқ демайсизлар. Абдуғанига «совчи» бўлиб келдим. Гап тамом — вассалом.

Зиёд аканинг бу илтимосига рад жавоби беришнинг асло иложи ҳам йўқ эди. Чунки отахон журналистнинг, кўпдан-кўп қалам соҳиблари устозининг «Оқшом» таҳририятига ташрифининг бош мақсади, газетамизнинг ўша вақтдаги масъул котиби Абдуғани Абдуллаевга «совчи» — ишқибоз бўлиб келганлигининг тагида катта маъно ётарди. Бинобарин, олтмиш йилдан зиёд бой журналистлик тажрибасига эга бўлган Зиёд Есенбоевдек инсоннинг Абдуғани Абдуллаевга хос бўлган ўта меҳнатсеварлик ва газета ишига чин фидойиликдек хислатларни заргарона илғаб олганлигининг ўзида ҳам катта мазмун бор эдида! Ана шу гапларим қуруқ бўлмаслиги учун бирккита далилларни келтиришнинг фурсати келди, деб ўйлайман.

«Оқшом» газеталарининг навбатдаги махсус сонини чиқаришга қизғин ҳозирлик кетарди. Ана шу жараён қандай кечаётганлигини билиш мақсадида ижодий ходимларни ўз хонасига тўплаган газетамизнинг биринчи бош муҳаррири, устозимиз, раҳматли

Саъдулла Кароматов кўнглида қониқиш ҳосил қилгач, мажлис охирида шундай деди:

— Ушбу сонимиз жуда гўзал ва сермазмун бўлиши керак. Газета саҳифаларидаги мақолалар, шеърлар, ҳикоялар ва суратлар узукка кўз қўйгандек бўлиши керак. Шундай экан, ана шу масъулиятли топшириқни Абдуғанининг зиммасига юкласак нима дейсизлар?

Таҳририят ходимлари бош муҳарриримизнинг зукколигига яна бир бор тан бериб, унинг айтган фикрини бир овоздан маъқуллашди.

Орадан уч кун ўтгач, газетанинг ўша сони босмадан чиқди. Газета саҳифаларига бош муҳарриримиз айтганидек мақолаларни, шеър ва ҳикояларни, суратларни заргарона, юксак дид билан жойлаштириб чиққан масъул котибимиз Абдуғани Абдуллаевнинг маҳорати билан дунё юзини кўрган «Оқшом»нинг ана шу сони қўлма-қўл бўлиб кетди.

... Одатдаги иш кунларидан бири эди. Котибият хонаси бу ерда чекилган сигаретларнинг тутунига тўлиб кетган, шу тутунлар ичида иш столига мукка сидан берилиб ишлаб ўтирган Абдуғани Абдуллаев «Тошкент оқшоми»нинг навбатдаги янги сони макетини чизиш билан машғул эди. Уни анча вақт зимдан кузатиб турдим. Нимадандир кўнгли тўлмас, газета саҳифаларининг макетини ўзига дам яқинлаштириб, дам ўзидан узоқлаштириб, кўзойнагини артиб кўздан кечирарди. Кейин менга юзланар экан:

— Иккинчи ва учинчи саҳифаларга қўйилган мақола ва суратларнинг посангиси бир-бирига тўғри келмаётган эди, мана унинг йўли топилди. Учинчи саҳифага яхши бир сурат қўйиш керак, иккинчи саҳифадаги мақоланинг ўрнини ўзгартириш лозим, — деди.

Дарҳақиқат, Абдуғани айтганини қилди — газетанинг қўш саҳифаси энди бутунлай бошқача кўринишга эга бўлганди.

Устозимиз Саъдулла Кароматов мақолаларни жуда маҳорат билан таҳрир қиладиган, газета саҳифаларидаги мақолаларнинг узукка кўз қўйгандек жойлаштирилишини доимо талаб қиладиган бош муҳаррир сифатида таниган эди. Шу ўринда мен бугун исмини ва қилган заҳматли меҳнатларини бажонидил оқ қоғозга тушираётган Абдуғани Абдуллаевни устозимиз йўлидан кетган ҳақиқий шогирд, истеъдодли журналист сифатида таъкидлаш айни муддао эканлигини айтмоқчиман. Ана энди сиз нима учун Абдуғанига «совчи»ликка «Ўзбекистон матбуоти» журналининг бош муҳаррири Зиёд Есенбоевнинг келганлиги сирини билиб олгандирсиз. Ана энди сиз нима учун ажойиб ҳамкасб дўстимиз Абдуғани Абдуллаев ҳақида огзимиздан бол томиб гапираётганимиз ва у ҳақда энг самимий дил сўзларини изҳор этаётганлигимиз боисини билиб олгандирсиз.

Биз, унинг дўстлари қувончдан энтиккан Абдуғани Абдуллаевнинг ҳаётидаги бахтли кунларининг кўп бор шоҳиди бўлганмиз, ташвишли онларида юпанч сўзлари билан унинг кўнглига далда берганмиз. Зеро шундай бўлиши ҳам керак-да. Бинобарин, Абдуғанининг ўзи ҳам дўстларининг яхши кунларини улар билан баҳам кўришни севади, ташвишли дамларда уларга таскин беришни инсоний бурчи деб билади.

Абдуғани Абдуллаевнинг меҳнат дафтарчасида саноқли ёзувлар бор. «Дарахт бир жойда кўкаради», деган нақл ҳам худди Абдуғанига ўхшаш инсонлар тўғрисида айтилган бўлса не ажаб. Унинг «Тошкент оқшоми» газетаси таҳририятида узоқ йиллар самарали ишлагани, сўнг «Ўзбекистон матбуоти» журналида бир неча йиллардан бери журнал бош муҳаррирининг ўринбосари вазифасида сидқидилдан фаолият кўрсатиб келаётганлиги ибрат намунасидир.

Абдуғани Абдуллаев «Ўзбекистон Республикаси Фахрий ёрлиғи ва «Шуҳрат» медалига сазовор бўлган.

Абдуғани Абдуллаев ғоят камтар инсон. У кам гапириб, кўп ишлайди, кам сўзлаб кўпроқ тинглайди. Мана шундай хислатларга эга бўлишни қайси бир инсон орзу қилмайди дейсиз. Биз, ҳамкасблар, меҳнатсевар, танлаган касбига фидойи, хокисор, ҳожатбарор дўстимиз Абдуғани Абдуллаевнинг ана шундай инсоний фазилатлари, оилапарварлиги ва бошқаларда бўлмаган яна қатор хислатлари билан доим фахрланиб юрамиз. Бинобарин, журналист бўлишдек машаққатли касбни эгаллаб, қирқ йилдан ортиқ шу касбни ардоқлаб келаётган Абдуғани Абдуллаев чиндан ҳам яхши сифатларга, мазмунли умр йўлига эга бўлган истеъдодли қалам соҳибидир.

*Озод ШАРАФИДДИНОВ*

## БАЛОҒАТ

Иброҳимжоннинг босиб ўтган йўллари ҳақида ўйлар эканман, бир нарса мени ҳайратга солади ва ҳаваслантиради — у шу пайтга қадар жуда ҳалол ва жуда покиза ҳаёт кечирди.

Аллоҳ «бераман» деган одамга қўш қўллаб берар экан. Иброҳимжонга Аллоҳ ўз неъматларини қўш қўллаб тутган. Мен бу ўринда унинг кўп қиррали истеъдод эгаси эканини назарда тутяпман — мунаққид, таржимон, шоир, публицист, журналист, зўр ташкилотчи, депутат... Қизиғи шундаки, бу соҳаларнинг бирортасида Иброҳимжон зиммасидаги ишларни чала бажармайди, ҳар бир соҳада шундай салмоқли ва мазмундор ишлар қилдики, улар умуммаданиятимизнинг ривожига катта ҳисса бўлиб қўшилади. Масалан, у кўп йиллар мобайнида нашриётда иш-

лади, ўнлаб китобларнинг туғилишига доялик қилди, анча вақт адабиёт газетасига раҳнамолик қилганлардан бири бўлди. Ҳозир эса «Миллий тикланиш» газетасига бош муҳаррир. Бизнинг пулга тақсил, шаблашлар анқонинг уруғи бўлган замонимизда, ҳар бир тийинни онзи билан қисиб оладиган Минфинимизнинг паноҳлигида янги газета чиқаришнинг ўзи бўлмайди. Бу ишнинг нақадар машаққат эканини, кичикроқ бир тоғни ўрнидан силжитишдек гап эканини фақат бош муҳаррир бўлган одам билади. Иброҳимжон бу ишнинг уддасидан чиқди — қисқа вақт ичида бу газета ўзбек зиёлиларининг севимли газеталаридан бирига айланди. Унда босиладиган мақолаларнинг кўпи ҳам назарий жиҳатдан, ҳам маърифий жиҳатдан юқори савияда. Газетада тез-тез бош муҳаррир қаламига мансуб шарҳлар, қайдлар, мақолалар ҳам босилиб туради. Улар ҳамиша кичкина бўлса-да, ҳар бирида бир янгилик, бир янги фикр, ўткир мулоҳаза бўлади. Улар эса бугунги ўзбек жамиятининг фикрий улғайишига, «жаҳон стандарти» даражасига кўтарилишига ёрдам беради.

Иброҳимжоннинг шоирлиги-чи? Мансуралари-чи? Китоб бўлиб босилганидан бери қўлма-қўл юрган «Илгижо»си-чи? Иброҳимжон мумтоз адабиётимиз анъаналарини яхши билади — у унутилиб кетаётган мансура жанрини меросимиз сандиқларидан кавлаб топди ва уларга янгидан жон ато қилди. Иброҳимжоннинг мансуралари ҳам чинакам шеърий дурдоналар каби юракнинг энг теран пучмоқларидан чиқиб келган ғоятда самимий гапларгина эмас, ғоятда мукаммал шаклга эга бўлган, ихчам, мухтасар, гапнинг пўст калласини ифодалайдиган ажойиб ҳикматлар ҳамдир. Бундай юксак асарлар фақат зукко ва фикрлайдиган одамнинг қаламидангина тўкилмоғи мумкин. Бу мансуралар қанчадан-қанча ёшла-

римиз маънавиятини бойитяпти, ҳатто уларга ижодда илҳом ҳам бермоқда.

Иброҳимжоннинг таржималари-чи? Билмадим, ҳозир мендан унинг таржималарини бирма-бир санаб бериш талаб қилинса, эҳтимол, бунинг уддасидан чиқолмасман. Лекин гап таржималарнинг сонида эмас, сифатида. Иброҳимжон бу ишни ҳам шу даражада юксак савияда бажардики, унинг хизматлари туфайли ўзга адабиётларнинг анча-мунча намуналари ўзбек китобхонининг кўнгил мулкига айланиб қолди. Таржимонлик фаолиятида ҳам Иброҳимжоннинг олижаноб инсоний фазилатлари ярқ этиб кўриниб туради. Аввалambор, у жуда танлаб таржима қилади, китобхонга керакли асарларни, унга маънавий ва эстетик жиҳатдан бой озуқа берадиганларини ўзбек тилига ағдаради. Хемингуэй, Мопассан, Фолкнер... Шунда ҳам таржимаси осон асарларни эмас, услуби мураккаб, чуқур фалсафий мазмунга эга, мавҳумлик соҳасини кенгроқ қамраб олган асарларни танлайди. Достоевский, Айтматов романларини эсланг. Уларни таржима қилиш таржимонга ҳузур бағишлашидан ташқари кони машаққат ҳамдир. Бу романларда шундай жумлалар, шундай иборалар борки, улар баъзан ярим саҳифани ташкил қилади. Жумла эмас, яхлит бир гранит тош! Аввало унинг маъносини ўзингиз чақиб олмоғингиз керак. Кейин эса шу гранит — жумлани ўзбек китобхони тушунадиган қилибгина эмас, унинг жилоларидан ҳузурланадиган ҳам қилиб ағдариш лозим. Бунинг ўзи бўлмайди. Шу ўринда яна бир мулоҳазани айтиб ўтай. Баркамол таржимон бўлмоқ учун оригинал тилини билишнинг ўзи кифоя қилмайди, балки ўзининг она тилини чуқур билмоқ ҳам зарурдир. Бу оддий ҳақиқатни таъкидлаётганимнинг боиси бор, албатта. Афсуски, йиллар ўтган сайин, ҳатто ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганидан кейин ҳам зиёлиларимиз ўртасида ўзбек тили-



ни биладиганлари, она тилида фикрини бемалол ифодалаб беришга қурби етадиганлар борган сари камайиб кетяпти. Телевидениени кўриб ўтириб, турли-туман врачлар, олимлар, давлат арбоблари, муҳандислар, молиячилар, солиқ идораларининг ходимлари, ҳоказоларгина эмас, ҳатто сухандонлар, муҳаррирлар ва бошқаларнинг ҳам пойинтар-сойинтар жумлаларини эшитиб, эга-кесимни мувофиқлаштира олмаётгани, жумланинг боши билан охирини қовуштира олмаётганига гувоҳ бўлиб, сочинг тикка бўлиб кетади. Буларнинг бари элу юртнинг кўз ўнгида она тилимизни таҳқирлашдан ўзга нарса эмас-ку! Тилни менсимаслик — миллатни менсимаслик, Ватанни менсимасликни кўрсатадиган ўта нохуш бир ҳолдир. Бундай шароитда асар тили устида заргардек кунт билан ишлайдиган, шу билан тилимизнинг имкониятлари нақадар чексиз эканини намоён қиладиган ҳар бир ижодкорнинг фаолияти таҳсинга сазовордир. Шу маънода Иброҳимжоннинг таржимонлик фаолияти жуда ибратли ва самарали эканини кўрсатадиган битта мисол келтираман. Бир неча йил аввал у «Тафаккур» журналида буюк файласуф Фридрих Ницшенинг асаридан парча эълон қилди. Асар рус тилида «Так говорил Заратустра» деб аталади. Хўш, қани, буни ўзбекчага нима деб ағдарар эдингиз! Мен бўлсам «Зардушт шундай дейди» деб қўя қолардим. Бунда, албатта, қай бир даражада маъно ифодаланган, лекин жумла тўмтоқ, ўзбекча эмас, нафосатдан маҳрум! Иброҳимжон эса бошқача йўл тутган — у «Зардуштнинг таваллоси» деб ўгирибтики, бу ҳам маънодор, ҳам тагдор, ҳам рангдор. Билмадим, буни топгунча Иброҳимжон неча кун эмас, неча ойлар изланадийкин? Ехуд ўша китобда «Сверхчеловек» деган атама бор. Хўш, буни нима дейсиз? Умуман, ўзбекчада бундай ибора борми? Наҳотки, Навоийлар тили, Абдулла Қодирийлар, Абдулла Қаҳҳорлар тили шу иборани муносиб

ифодалашга ожиз бўлса? Иброҳимжон уни «Аъло Инсон» деб ўгирипти. Бу ибора бировга ёқиши, бировга ёқмаслиги мумкин. Лекин нима бўлганда ҳам «Сверхчеловек» мафҳумини тўла ифодалаб берган-ку! Иброҳимжоннинг таржимонлик фаолияти ана шундай кашфиётларга бой — у таржима жараёнида ўзининг хаёлот оламига ҳам тўла эрк бериб қўяди ва бу фақат яхши самаралар беради.

Албатта, Иброҳимжоннинг шоирлиги, таржимонлиги, журналистлиги жуда муҳим, аммо у адабиётимизга мунаққид сифатида кириб келган эди ва мунаққид сифатида унинг адабий ҳаётда ўйнаган роли беқиёсдир. У 60-йиллар ўртасидан ижод қила бошлади. Ўшандан бери ўнлаб китоблар, юзлаб мақолалар ёзди. Албатта, бизнинг адабиётимизда танқидчи кўп. Айниқса, 60—70 йилларда танқидчилик ҳаракатига бош-қош бўладиган куч қолмаганди, шекилли, унинг ланг очиб қўйилган дарвозасидан танқидчиликни даъво қилган одамлар тўда-тўда бўлиб кириб келишаверган эдилар. Албатта, Иброҳимжон улардан ажралиб туради — у туғма танқидчи, танқидни адабиётнинг тўла ҳуқуқли бир бўлагига айлантиришдагина эмас, унинг иззат-эътиборини, қадрини юксак сақлаб қолишда, социалистик реализм хуружи авж олган йилларда танқиддаги профессионал юксакликни таъминлашда жонбозлик қилганлардан бири. Бу ўринда, албатта, Иброҳимжоннинг танқидчи сифатидаги ҳамма хислатларига батафсил тўхташ имкони йўқ. Шунинг учун айримлари ҳақидагина гапираман. Авваламбор, у адабиётни чуқур билади гина эмас, жуда яхши ҳис этади ҳам. У проза ҳақида гапирадими, поэзия ёхуд драма тўғрисида фикр юритадими, ҳар гал адабиётнинг санъат эканига, унда гўзаллик ва нафосат мужассам эканига алоҳида урғу беради. Мақолаларида асарлардаги ана шу гўзаллик нуқталарини қидиради, топади ва ўз кашфиётлари-

ни китобхонга тақдим этади. Китобхон ҳам, ўз ақлини иш қилмай, панароқда туриб, адабиёт гўзаллигидан баҳра олишга ундаётган мунаққиддан миннатдор бўлиб, унинг кашфиёти билан мароқланиб танишади.

Иброҳимжоннинг танқидий асарларида ҳамиша янги фикрлар бўлади. Маълумки, зиёлилар ўртасида дунёни идрок этишда, «олам ҳақиқатлари» деб аталган нарсани қабул қилишда икки хил йўл бор. Биринчи йўл шуки, ҳаёт қандай бўлса шундайлигича қабул қилинади, ҳаёт ҳақиқати қандай тушунтирилса, айнан шунинг ўзи қабул қилинади. Иккинчи йўл эса бошқачароқ — айтилган нарсаларнинг ҳаммаси ақл тарозусига солиб кўрилади, таҳлил чиғириғидан ўтказилади, турли-туман синовларга солиб кўрилиб, кейин хулоса чиқарилади. Бундай хулосалар илмийроқ, бинобарин, тўғрироқ бўлади ва кўпинча илмий муомалада ўрнашиб қолган хатоларни тузатишга йўл очади. Биргина мисол. Кўп йиллар мобайнида Ойбек ҳақида гапирганда, унинг илк ижоди ғоявий чекланган, миллатчилик руҳидаги ижод, анчадан кейингина у «ўроқ-болғалар сафида» боришга жазм қилган деган қараш мақолалардан — мақолаларга, китоблардан — китобларга кўчиб юрарди. Иброҳимжон биринчи бўлиб «Юрак-аланга» деган китобида бу фикрнинг нотўғрилигини исбот қилди ва Ойбекнинг 20-йиллардаги шеърияти нижа лириканинг ёркин намуналари эканини исбот қилди.

Афсуски, қайта қуришлар замони бўлиб, кўп нарсалар алғов-далғов бўлиб кетди. Бу жараёнда баъзан биз кўп қийинчиликлар, машаққатлар эвазига эришган бойликларимиздан ҳам кечиб юбора бошладик. Жумладан, танқидчиликка муносабатимизда ҳам шу ҳол бот-бот кўриниб келмоқда. Бунда баъзан шундай бир мантиқ асосида фикр юритилади: бадиий ижод учун истеъдод керак. Истеъдод эса туғма бўлади. Ҳеч қандай мунаққид йўқ истеъдодни бор қилиб

беролмайди. Бинобарин, мунаққиднинг кераги йўқ, у — ортиқча нарса. Бу гап умуман олганда тўғрига ўхшайди. Ҳақиқатан, танқидчи йўқ истеъдодни яратиб беролмайди, аммо у бор истеъдоддан фойдаланиш йўлларини, истеъдодни парваришлаш имконларини, уни жувонмарг қилиб қўймаслик чораларини ўргатади. Иброҳим Ғафуровнинг китоблари ва мақолалари шу жиҳати билан ҳам ардоқли.

Иброҳим Ғафуров ижодидан чиқиб келадиган яна бир ибратли сабоқ бор — ижодкор ҳамиша жуда бақувват ички ғурурга эга бўлмоғи лозим. Ялтоқлик билан, ҳар қадамда таъзим бажо келтириш билан ижодда бирон маррани эгаллаб бўлмайди. Фақат қаддини ғоз тутадиган, бошини тик тута билган ижодкоргина олис-олисларга назар ташлаши, уфқларни кўра олиши мумкин. Шундагина у сўз орқали инсон маънавиятининг чароғон соҳилларини кашф қилмоғи мумкин. Шундагина унинг сўзи бошқалар қалбида садо бериб, уларни олға чорлаши мумкин.

Азиз дўстим, муҳтарам ҳамкасбим, Иброҳимжон! Олтмишбойлар даврасига хуш келибсиз! Сизга даврамизнинг тўридан жой олиб қўйганмиз. Яна кўп йиллар қатордан хато бўлмай, халқимиз учун, Ватанимизнинг фаровонлиги учун енг шимариб ишлашда давом этайлик.

*Мели НОРМАТОВ*

## ШИРИН СУХАН, ОЧИҚ КЎНГИЛ

Тўлқинни ёшлигидан биламан. Унинг журналистикага ҳаваси жуда эрта бошланган. Мактабда ўқиб юрган пайтидаёқ қўлидан қалам тушмас, тинимсиз ва астойдил машқ қилар, битикларини болалар газета ва журналларига юборишдан чар-

ламасди. Мактаб ва ўқувчилар ҳаётидан олиб битилган хабар ва лавҳалари чоп этилганда бениҳоя севиниб, янада катта қизиқиш ва иштиёқ билан ёзишга киришарди. Унинг бирдан-бир орзуси кирройи адиб ва яхши журналист бўлиш эди. Меҳнат фаолиятини, тақдир тақозоси билан, Тошкент вилоятга қишлоқ қурилиши трестига қарашли ёғоч ишлаш комбинатида оддий ишчиликдан бошлади. Ўта тиришқоқ ва ишлаб чарчамасди. Ўзининг ташкилотчилик ва масъулиятни чин дилдан ҳис этиш истеъдоди билан тез орада кўзга кўриниб, катта-кичикнинг назарига тушди. Кўп ўтмай комбинатда ёшлар ташкилотига етакчилик қилди. У қаерда ишламасин ва ким билан мулоқотда бўлмасин, суҳбат мавзуси албатта, адабиёт, матбуотга тақалар, ижод сирлари устида борарди.

Тўлқин Муҳиддин қаламкашликни раҳбарлик ишлари билан бирга қўшиб олиб борди. Республика ёшлар қўмитасига ишга таклиф этилганда ҳам ўзининг эзгу ниятини эътибордан қочирмади. Кейинчалик фирқа органларида турли масъул лавозимларда ишлади. Олий ўқув юртларида талабаларга дарс берди. «Гулхан» журналига, «Ёш ленинчи» (ҳозирги «Туркистон»), «Тошкент оқшоми» — «Вечерний Ташкент» газеталарига бош муҳаррирлик қилди. «Ишонч» — «Доверие», «Дўст, Друг, Дос» газеталарини ташкил этиб, уларга бош муҳаррир бўлди. «Кўзгу» газетасига раҳбарликка тайин этилди.

Тўлқин Муҳиддин қандай масъул вазифада хизмат қилмасин, одамийликни биринчи ўринга қўйиб иш юритди. Камтарлик-камсуқумликни кундалик одатий шиори қилиб олди. Ҳар қандай шароитда ҳам оғир-вазмин, босиқликни қўлдан бой бермай, тилидан бол томиб муносабатда бўлар, бирон юмуш билан ҳузурига кирсангиз, оғирингизни енгил қилмагунча асло тиниб-тинчимасди. У билан бир бор

суҳбат қурсангиз, умрбод эсингизда қолади. Калондимоғлик, қош-ковоқ уюш, қўпол муомала қилиш, бир нарсани пайсалга солиш унинг учун бегона!

Камина Тўлқинжон билан бирга ишлаш бахтига муяссар бўлганман. Айниқса, ёшлар қўмитасида фаолият кўрсатаётган пайтида тез-тез учрашиб турардик. У муҳарририятимизга келиб (ўша вақтда республика телевидениесида «Болалар, ўсмирлар ва ёшлар» муҳарририятини бошқарардим) болалар ва ёшлар тарбияси хусусида суҳбатлар уюштирар, тегишли кўрсатмалар беришга ҳаракат қиларди. Ўрни келганда эслатиб қўйиш фойдадан холи бўлмас: ўша пайтда текшир-текширлар жуда авжига чиққан, асосий вазифани бажаришга имкон тополмасдик. Комиссия устига комиссия келгани келган эди. Шу соҳа бўйича ёшлар етакчиси Тўлқин Муҳиддин эса бундан ҳижолат бўлар ва имкон қадар навбатдаги комиссияни қайтаришга ҳаракат қилар эди.

Истеъдодли қалам соҳиби Тўлқин ҳақиқий ҳаёт мактабини ўтган ижодкорлардан.

У ўз устида тинмай ишлади, изланди. Юқорида айтганимиздек, қайси лавозимда хизмат қилмасин, ижодга алоҳида эътибор берди. Журналистика сиру асрорларини пухта эгаллаб, қалами обдон қайралгач, аста-секин бадиий асарлар машқ қилишга киришди. Ҳақиқатни яхши англаган ва унинг нозик жиҳатларини тийрак ҳис эта олган ижодкор жуда синчковлик, ўзига ўта талабчанлик билан иш кўрди. Қайси жанрда қалам тебратмасин, ҳаёт фалсафасига алоҳида урғу берди. Саҳна асарларини оласизми, қўплаб ҳикоялари, қатралари, ибратлари, ҳажвия ва публицистикасини ўқийсизми, барча-барчасида ана шу нарса ўзини кўрсатиб туради.

Адиб таржимонлик соҳасида ҳам ўзини синаб кўрди ва муайян ютуқларни қўлга киритди. Ўз навбатида талайгина асарлари ҳам рус, қозоқ, тожик тилларига ўгирилди ва китоб ҳолида чоп этилди. Яна

шуниси ҳам алоҳида диққатга сазоворки, ҳамма асарлари сиқиқ ва лўнда, ҳажм жиҳатидан жуда ихчам. Бироқ, олдинга қўйилган мақсад катта ва ишонарли, қатъий. Гўё китобхон муаллиф билан бир қозонда қайнагандек, бир воқеанинг иштирокчиси бўлгандек. Адиб шахсларга баҳо берганда ёхуд асарларига киритилган персонажларни тасвирга олганда ҳам ниҳоятда зийраклик билан ёндашади. Ҳар бир сўзни моҳир заргар янгли ўрнига қўйиб ишлатади. Шу боисдан олдинга қўйилган мақсад аниқ нишонга тегади ва ўқувчини бефарқ қолдирмайди.

Баъзи бировлар, Тўлқин Муҳиддин бадиий ижодга жуда кеч қўл урди, — дея танқид қиладилар. Бу ўринсиз, албатта. Негаки эзгуликнинг кечи йўқ, оз бўлсин-у, соз бўлсин. Муҳими, ундан китобхон баҳра олсин.

Бадиий асарлар ёзишга бошқаларга нисбатан жуда кеч киришган адиб, қаранг, шу давр ичида йигирмадан ортиқ саҳна асарлари, бир неча ўнлаб ҳикоя, қатра, ҳажвия, публицистик мақолалар ёзишга улгурибди. Беш юзга яқин ибратлари матбуотда эълон қилинибди...

Тўлқин Муҳиддин кўп йиллар матбуот соҳасида фаолият кўрсатиб, катта ҳаётий тажриба орттирган таниқли журналист. Шу боисдан унинг асарларида майда-чуйда тафсилотлардан тортиб, катта ижтимоий-сиёсий ва фалсафий муаммолар ҳам ўрин олган. Бир нечта публицистик асарлари тўпламларга киритилганидан ҳам англаса бўлади.

Ҳозир севикли адибимизнинг айни қалами чархланган пайт. Шу кунларда у катта долзарб мавзулар устида ҳормай-толмай ишламоқда. Иним, Тўлқинжон, бу эзгу йўлда асло чарчаманг. Аввало волидаи муҳтарамангиз, қобил фарзандларингиз, шириндан-ширин невараларингиз, қолаверса, дўсту ёрларингиз ва ўқувчиларингиз бахтига ҳамиша соғ-саломат бўлинг!

# ОЛИМЛАР ҲАМ ТАН БЕРГАН

Йигирманчи асрнинг етмишинчи йиллар бошида «Совет Ўзбекистони» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») таҳририятига янги ходим ишга келди. Газета таомилига кўра йиғилишларда янги ходим билан «танишув» ўтказилмасди. Боиси, у маълум вақт «синов-кузатув»да бўларди. Жамоа билан ҳамнафас бўлиб, «турмуш»га сингишига имкон берилларди. Айниқса, ходимнинг маҳорати қатори инсонийлик жиҳатлари-ю, эътиқодига эътибор қилинган.

Бу ҳаммаси катта мактаб эканини вақт диллари туярди. Ёшлар газетасида ўқувчиларини топиб олган ўша йигит ҳам «отахон»лар наздида ўзига хос шаклланди. Кўп ўтмай қишлоқ хўжалик бўлимида таниқли қаламкаш Ҳабиб Нўъмон билан бир хонада иш бошлаган мухбир Миршароф Муҳсимов экани ҳаммага аён бўлди. Маълум вақт у ўз «қолипи»га тушмай юрди. Хатлар бўлимида ҳам ишлаб кўрди. Шу кезларда фан ва маданият бўлими мудири Расул Раҳмоновнинг масъулиятли лавозимга кўтарилиши, ўринларига Ўктам Усмонов тайинланишини асосида камгап, камсуқум бу йигитни шу бўлимнинг адабий ходимлиги вазифасига қўйиш лозим деб топилди.

Ҳа, у шу бўлимда қўним топди. Икки йилдан кейин Ўктам ака ҳам Расул акадек масъулиятли ишга ўтди. Миршароф Ўткир Абдуазимов (жойи жаннатда бўлсин) билан бўлимда қолди. Дилкашлиги, инсонни тинглай билиши, қолаверса, мақола ва очерк навислиги ўз йўлигаю у киши ижодкор учун зарур ҳужжат, турфа фикр, мулоҳаза, мушоҳада, матал, ҳикматларни йиғиш ҳадисини олганди.

Бу «ҳунар» ижодкорнинг газетачиликда янгилик — илмий очерклар туркумини яратишда айниқса

йўқотди. Бундай ибрат мартабасини улуғлади. Хатлар ва оммавий ишлар бўлимини узоқ йиллар бошқарди, газета бош муҳаррири ўринбосари бўлди. У йиған, учрашганларининг тафсилотлари эса бир китоб дейиш мумкин.

Дарвоқе, китоблари ҳақида. «Ёш гвардия» нашриётида унинг «Авлодлар қиссаси», «Ҳаёт баҳори», «Алломалар» номли очерклар тўпламлари чоп этилган. Таниқли муаллифлар билан ҳамкорликда яратилган ва Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти томонидан босиб чиқарилган «Ўзбекистон юлдузлари» ва «Ўзбекистон қўриқлари» китобларидан унинг очерклари жой олган. Шунингдек «Зиёлилар», «Эл эъзозлаган аёллар», «Жасорат» номли тўпламларда, «Шарқ юлдузи», «Гулистон», «Саодат», «Фан ва турмуш» ва бошқа журналларда қатор очерклари чоп этилади.

Миршароф аканинг айни ижоди гуллаган кезларида ҳақиқатан биз уни илмий очерклар ижодкорлари қаторига қўшиб, у билан фахрланардик. Журналист ва тадқиқотчи бўлиш осон иш эмас. Бунинг учун жуда кўп тер тўкиб ишлашга, қунт ва чидам кўрсатишга, энг муҳими эса ўзи севган мавзуга «қаттиқ ёпишиб» ишлашга тўғри келганига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. 1976 йили «Совет Ўзбекистони»да унинг «Минг бир дард давоси» очерки босилиб чиқди. Ҳамкасбимиз М. Муҳсимов билан суҳбатлашамиз:

— Очерк асалнинг шифобахшлигига бағишланган эди, — дейди у. — Профессор Саломат Йўлдошева қўлёзмани ўқиб ҳаяжонини яширолмади. Очеркни олишга борсам:

— Касбингиз нима? — деб сўради.

— Журналистман, — дедим ҳайрон бўлиб.

— Йўғ-е, — деди профессор мулойим жилмайиб. — Ахир сиз ёзганларининг баъзилари мен учун янги-

лик бўлиб туюлгани рост. Кўп манбаларни ўрганга нингиз кўриниб турибди.

— Ярим йилдан бери шу мавзуни ўрганаман, — дедим ростига кўчиб.

— Мақолангиз чиқадиган кун тайин бўлса, менга бир кун олдин қўнғироқ қилиб қўйсангиз яхши бўларди. ТошМИ талабаларига айтиб қўярдим, олиб ўқиб, фойдаланишарди, — деди Саломат опа мақсадга кўчиб.

Газетанинг 1976 йил 30 сентябрь сони ТошМИ талабалари орасида қўлма-қўл бўлиб кетди. Ўшанда олима мақолани ўқиб чиқиб, унинг тагига шундай деб ёзиб қўйганди: «Ўртоқ Муҳсимовнинг мақоласи илм-фан нуқтаи назаридан замон талабларига тўла жавоб беради. Республикамизда асаларичиликни ривожлантиришнинг мажмуи-муаммолари тўғрисидаги мулоҳазалари ғоят қимматлидир. Профессор С. Йўлдошева».

— Аммо, ҳамма нарса силлиқ кетавермаган, — дейди суҳбатдошимиз сўзини давом эттириб. — «Ан-401»нинг парвози» очеркининг тақдири қизиқ бўлган. Очерк чиққан куни баъзи танишлар, қўшни редакция ходимлари: «Биз янги самолёт яратилибдими, деб ўйлабмиз» деб мени табриклашарди. Хонада ўтирсам, бош муҳарриримиз Мақсуд ака Қориев чақириб қолдилар ва:

— Нимани ёзиб қўйдинг, ҳаммаси ёлғон нарсалар экан-ку! Вазирликдан қўнғироқ қилишди, шундай деб таъкидлашяпти, — дедилар.

Мен эса хотиржам:

— Рухсат берсангиз, хонамга бориб келсам.

— Хонангда нима қиласан,— жавоб бер... (Мақсуд аканинг ходимларни ўзларига яқин олиб, баъзан сансираш одатлари бор эди).

— Кейин жавоб бераман, — дедим ҳаяжонда.

— Ҳа, далилларинг борми? Майли, олиб кела қол.

Хонага бориб, папкани кўтариб келдим. Унинг ичидан ЎзТАГ нинг 1972 йил 21 ноябрда босилган «Янги пахта навлари ва пахта териш техникаси кўздан кечирилди» деган хабарини бош муҳарриримизга узатдим. Мақсуд ака унга тез-тез кўз югуртириб чиқдилар-да, телефонга қўл узатиб, номерларни тергач, хабарни ўқиб бердилар.

— Хўш, энди нима дейсиз? Ваҳоланки, ўша ерда ўзингиз ҳам қатнашгансиз-ку! Нимаси ёлғон?! Бизнинг йигитлар ҳеч қачон ёлғон нарсани ёзмайдилар. Раҳмат сизга, — деб трубкани қўйиб қўйдилар.

Чиндан ҳам М. Муҳсимов шу воқеадан кейин анча ишшиқ бўлиб қолди. Нимаики ёзмасин, алоҳида ҳужжатлар папкаси тайёрлаш одати кейинчалик хатлар бўлимида мудир бўлган кезларида, айниқса қўл келди. Тўғрисини айтганда, бундай ҳужжатлар папкаси одатда фельетончиларда бўлгувчи эди.

«Ўзбекистон овози»нинг бош муҳаррирларидан бири Лазиз Қаюмов билан учрашиб қолганимизда у киши ҳамкасбларимиз қатори Миршароф акани сўрадилар.

— Миршарофни «папкали йигит» деб атардик, — деди кулимсираб Лазиз ака. — Мен ишлаган пайтда у хатлар бўлимининг мудири эди. Ўзингиздан қолар гап йўқ. Газетада босиладиган танқидий мақолаларнинг масъулияти ҳам, жавобгарлиги ҳам бор эди. Шунинг учун танқидий мақолалар чоп этилишидан олдин Миршарофдан «Ҳужжатлар жойидами?» деб, албатта сўрардим. У тегишли папкани олиб келиб кўрсатарди. Миршароф шу яхши одати билан мана неча йиллар ўтдики, жуда интизомли ижодкор сифатида эсимда қолган.

Топширилган ишни қиёмига етказиб бажариш Миршароф акага хос фазилат. Унинг «Кафтдаги юрак», «Жавоҳирлар сандиғи» сингари очерклари айниқса тиббиёт сирларини чуқур эгаллашга интилганидан яққол далолатдир.

Аслида М. Муҳсимовнинг давр талабига жавоб бера оладиган, газетхонни тўлқинлантирувчи мавзуларини излаш қобилияти, тонқирлиги унинг республика ёшлар газетасида ишлаб юрган кезлариданоқ бўй кўрсатган эди. Ушбу газетада Адҳам Раҳмат, Барот Бойқобилов ва Миршароф Муҳсимов қаламига мансуб «Уч авлод — уч жасорат» сарлавҳали саҳифа чоп этилди. Кейинчалик бу туркумдаги мақолалар ёшлар газетасининг етакчи мавзуига айланиб, қатор туркум очерклар пайдо бўлди. М. Муҳсимов бу мавзуни Ўткир Зокиров, Абдуворис Абдумажидов, Ғожибой Ўринбоевлар билан ҳамкорликда давом эттирди. У газета таҳририятининг мудофаа ишлари ва спорт бўлими мудири сифатида қалам тебратиб, ҳамкасбларининг ҳурматини қозонди.

Чиндан ҳам Миршароф аканинг меҳнати ҳаққоний эътироф этилганлигини кўрамиз. Унга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналисти» фахрий унвони берилган.

Миршароф ака отахон газета бағрида ўттиз йилдан кўп вақт ишлади. Меҳр-оқибати, ширин сўзи билан ҳамкасбларининг ҳурматини қозонди. Бундай бахт ижодкорларнинг ҳар бирига насиб этсин!

*Шукур ДАДАШ*

## СОЛИҲЛИК УНИНГ НАСЛИДА БОР

Кўзларидан доимо самимийлик порлаб турадиган бу инсон ҳақида сўз борганда беихтиёр нафақат пойтахтимиз, балки юртимиз фуқароларининг севимли «Тошкент оқшоми» газетаси ва ўз навбатида газета тилга олинганда Солиҳ ака намоён бўлади. Шу сабабдан қалам аҳли уларни «Эгизаклар» деб номлаши бежиз бўлмаса керак.

Мақоламиз қаҳрамони газета таваллудининг илк кунидан бошлаб ҳозиргача бир сафда яккадам бўлиб келаётир. Газета билан ҳамкорликда 35 йил умр кўрилди. Бу йиллар мобайнида жамоага юзлаб ходимлар келиб кетдилар. Аммо Солиҳ ака кўз очиб кўрган қадрдон газетасидан айрилгиси келмас, ўткинчи мансаб, катта иқтисодий қизиқтиришлар ҳам уни қатъий фикридан чалғита олмасди...

Қаламкашнинг меҳнати — она сутидек ҳалол, игна билан қудуқ қазигандек. Шу заҳматкаш қалам орқали оила бунёд бўлди. Тўрт фарзанд оёққа турди, дўстлар кўпайди. Шу қалам камтарин ижодкорни элга танитди, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвонига, бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари вазифасига сазовор этди. Бундан кўп йиллар муқаддам ана шу лавозимга тайинланган Солиҳ ака касб маҳорати, кенг тафаккур ва қобилият, одамлар билан муомала қилиш борасида табиат ато этган ширинсуханлик хислати билан раҳбар, ташкилотчи ва тарбиячи сифатида катта ҳурмат ва эътиборга мушарраф бўлди. Шу қалам минглаб диллар қулфини очди, савоб олиб келди, ҳожат чиқарди.

... Қўлимда турли йиллардаги газета саҳифалари. Солиҳ ака қаламига мансуб «Вафо ва жафо», «Куй авжида узилмасин тор», «Умидига етганда юлдузи сўнган Умида», «Она ноласи», «Музлаган юрак» каби сарлавҳасининг ўзиёқ бир зумда сизни маҳлиё этадиган, турмуш чорраҳаларида учрайдиган ўнлаб воқеий ҳикояларни мутолаа қилганингда қайсидир қаҳрамонга қаҳринг, айримларига эса меҳринг жўшади. Солиҳ аканинг қаламига мансуб бўлган бундай мақолалар шунчалик бисёрки, уларни эринмай тўпласангиз бир неча жилд бўлади.

«Инсон одоби билан», «Оила даврасида суҳбатлар», «Бўстон», «Назокат», «Диллашув», «Сиз кутган учрашув», «Ҳаёт боғининг гуллари», «Икки дил дос-

тони», «Бир ғазал шарҳи», «Бир асар тарихи», «Турмуш чорраҳаларида», «Бу ҳаёт бўстонида», «Махсус «Оқшом учун», «Сиз бунга нима дейсиз?», «Даво садоси», «Бу — қизиқ», «Сўнгги соатда», «Сўраган эдингиз...», «Нима? Қачон? Қаерда?», «XX аср садоси» каби рукнлар Солиҳ аканинг аҳил ва иноқ ҳамоадошлари билан биргаликдаги бетиним изланишлари маҳсулидир.

Солиҳ акада журналист касбига муҳаббат мактаб ёшидан уйғонган. Ҳали дорилфунун талабаси бўлиб улгурмаган 17 ёшли йигитча бундан 42 йил муқаддам илк меҳнат фаолиятини ЎзТАГда хат ташувчи — дастёрликдан бошлади. Бу даргоҳда Рихси Саҳибоев, Усмон Яниев, Яҳё Йўлдошев, Шербек Алиев, Насибулло Ҳабибуллаев, Турғун Пўлат, Собит Тоиров, Илҳом Фозилов, Ёқуб Иброҳимов, Абдусамад Обидхўжаев каби оқсоқол журналистларнинг этагидан тутди.

Умр оқар дарё каби ўткинчи экан. Мана, унинг журналист деган шарафли номни шарафлаб келаётганига ҳам 42 йил.

— Бугун ҳаёти ва ижоди хотира саҳифаларида баён этилаётган мавлоно Ғафур Ғулом, буюк Ойбек, бетакрор Абдулла Қаҳҳор, файласуф Мақсуд Шайхзода, бағри кенг Миртемир, юксак эътиқод соҳиби Шуҳрат каби забардаст адибларга замондош бўлганимдан, уларни кўрганимдан ва суҳбатидан баҳраманд бўлганимдан бахтиёрман, — дейдилар Солиҳ ака. — Айниқса, 1965 йилнинг сентябрь ойи — айни пишиқчилик пайтида менким, бир ёш содда йигит, ҳали қалами чарх кўрмаган журналистнинг Ғафур Ғуломдек буюк алломанинг Арпапоя кўчасидаги серфайз ва қутлуғ хонадонларидаги чорпояда у кишига мирзолик қилиш шарафига муяссар бўлганим хаёл кўзгусидан сира ўчмайди, уни ширин туш каби эслайман.

«Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар», дейди доноллар. Зўр истеъдод эгаси бўлсангиз-да, аммо касб борасида сиздан лоақал битта кўйлак ортиқ кийган инсонлар сабоғини олмасангиз кўзлаган манзилга ета олмайсиз. Зеро, той ҳам то мустақил йўлга қадам қўйгунча даставвал от босган издан юради. Солиҳ аканинг журналист деган фахрли номга сазовор бўлиши ва шу даражага етишишида таниқли адиб ва беназир журналист Саъдулла Кароматовнинг хизматлари беқиёсдир. Солиҳ ака отадек улуғ бўлган бу инсонни ҳар нафас чуқур ҳурмат билан ёд этадилар.

Солиҳ акадаги гўзал фазилатлардан бири — ҳамкасбларининг қобилиятига тан бериш, раҳбарлиги остидаги ходимларни рағбатлантира билиш, эҳтиёж бўлганда қўллаб-қувватлаш ва нозик касбига меҳр уйғота олишдир.

«Қуш уясида кўрганини қилади», «Қазисан, қартасан, асли наслингга тортасан» каби мақолларда ниҳоятда чуқур ҳаёт фалсафаси бор. Бу ҳақиқатдан асло кўз юмиб бўлмайди. Зеро, ниҳоятда нозик дид, покиза эътиқод ва иймонда маҳкам, сабрли, мулойим сўзли, ҳаммага бирдек ҳалим каби гўзал инсоний фазилатлар Солиҳ акага аждодлар қонидан ўтган бўлса ажаб эмас.

Азим Тошкентнинг Кесаккўрғон даҳасида таваллуд топган Ёқубжон қори Пўлат ўғли ўзининг ўта ширали қироати ва ислом илми билан инсон эди. Эл орасида «Булбул қори» номи таништлиган эдилар... Улар умр йўлдошлари Нури отин билан тўнғич фарзандлари Боқижоннинг зиёли инсон бўлиб етишиши учун кўп саъй-ҳаракат қиладилар. Меҳнат зое кетмади. Ўғил Боқижон қори, диний ва дунёвий билимга эга бўлди. Бедил, Фузулий, Навоий, Машраб ғазалларининг мағзини чақа билди.

Ташқари ва ичкари ҳовлидан иборат бўлган хонадондан зиёли—маърифатли одамларнинг қадами узил-

мас, тонготар ғазалхонлик бўлар, бу анжуманларнинг барчасида ёш Боқижон иштирок этарди. Солиҳ аканинг етук журналист, истеъдодли зиёкор — ижодкор бўлишида ушбу хонадондаги ана шундай маърифий муҳитнинг таъсири катта бўлгани шак-шубҳасиз.

Солиҳ ака мумтоз куй-қўшиқларининг шайдоси. Раҳматли Боқижон қори аканинг дуторни моҳирлик билан чалиши, оналари — раҳматли Моҳияхон аянинг қўлга дутор олиб, ширали овоз билан ашула айтиб, ҳаммани сел қилиши Солиҳ ака қалбига мусиқа ва қўшиқ сеҳрини жо қилган бўлса не ажаб...

Садоқатли инсон — Солиҳ аканинг Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов билан 42 йиллик қадрдон дўст бўлиши, Ўзбекистон халқ ёзувчилари — Мирмуҳсин, Ҳаким Назир, Муҳаммад Али, Ўзбекистон халқ шоири Пўлат Мўмин, Ўзбекистон халқ рассоми Алишер Мирзаев, Ўзбекистон халқ устаси Асрол Мухторов, ҳарбий шифокор ва истеъдодли шоир Искандар Раҳмон, элшунос олим Билол Аминов, халқимизнинг ардоқли хонандалари — Фахриддин Умаров, Неъматжон Қулабдуллаев, Хайрулла Лутфуллаев, Ҳожиакбар Ҳамидов ва бошқа кўплаб санъат, адабиёт ва маданият арбоблари билан ака-ука ва биродарликлари ҳам ушбу хонадондаги муҳитнинг самараси бўлса не ажаб...

Отин бувилари, ота-оналари томонидан башорат билан қўйилган исм ҳаётда ўзини оқлади. Акахонимиз эл орасида, ҳаётда ва ижодда солиҳ инсон деган улуғ номга сазовор бўлдилар.

Солиҳ ака расман 60 ёшни қаршилаган бўлсалар-да очиқ чеҳралари, қуюқ қора соч ва қошлари, самимий табассумлари, камтар ва камсуқумликлари туфайли ўз «эгизаклари — қадрдон «Тошкент оқшоми» газетаси билан ҳам тенгдошдек, ҳам «Оқшом» фарзанди янглиғ ҳали ҳам навқирон, ғайрат-шижоатлидирлар.

Илоҳим, доимо шундай бўлсин!





## ЖАҲОНГАШТА ҚАЛАМКАШ

Журналистларнинг, умуман қалам аҳлининг одатлари бошқа касбдагиларникига қараганда ўзгача... Улар ишлаётган жамоада биринчи раҳбар ўзгаргудек бўлса, тинчи «бузилади». «Ким келаркин, ишқилиб иш кўзини биладиган одам келсин-да...» деган гапни улар тез-тез такрорлашади бундай пайтларда.

«Оқшом»нинг бош муҳаррири бошқа ишга тайинланган кезлар эди ўшанда. Ҳамкасбларнинг гўё бошқа гаплари йўқдек... Одатдагидек «Энди ким келаркин» деган саволни бир-бирларига беришар, миялорида туғилган турли тугунларга ҳеч ечим тополмасди.

Газетанинг байрам сони саҳифаланаётган пайт эди. Телефон қилишиб, жамоани бир жойга тўплашни айтишди. Кейин биз билган, «Оқшом» жамоасига бир неча йиллардан буён қадрдон бўлган Эркин Эрназаровни таништиришди.

— Менимча, — деди янги муҳаррирга ҳамроҳ бўлиб келган масъул ходим, — Эркин Маднёровични Сизларга батафсил таништириб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Бу кишини яхши биласизлар.

— Жуда яхши биламиз, — дейишди оқшомчилар.

— Шундай аҳил жамоа билан ишлаш мен учун ҳам бахт, ҳам шараф, — деди Эркин Эрназаров шу таништирув чоғида.

Шу кундан, яъни 1989 йилнинг 6 мартидан бошлаб Эркин Эрназаров «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг бош муҳаррири вазифасини бажаришга киришди.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлагим келади. Янги бош муҳаррирни таништирув пайтида

оқшомчилар Эркин Мадиёровични «Жуда яхши биламиз» дейишларида катта маъно, жон бор эди. Дарҳақиқат, биз Эркин Эрназаровни республика оммавий ахборот воситаларида тез-тез эълон қилиб турган бири-биридан ажойиб ва долзарб мавзудаги, жасорат билан ёзилган публицистик мақолалари орқали яхши билардик, ушбу мақолалардаги масалаларни дадиллик билан кўтариб чиққан муаллиф ҳақида илиқ ва самимий гапларни кўп эшитган эдик. «Жуда яхши биламиз» дейишларида оқшомчилар Эркин Мадиёровични ўткир қалам соҳиби, истеъдодли журналист, кўплаб акс садо уйғотган, шов-шувларга сабаб бўлган публицистик мақолалар муаллифи, камтар ва камсуқум ижодкор ва инсон сифатида яхши билар эдилар. Чиндан ҳам, ўша 1980 йилларда, яъни собиқ Иттифоқ тизими чок-чокидан кетмаган, ҳали мустаҳкам пайтида пахта якка ҳокимлиги асоратлари ҳақида, Россия рублининг қадрсизланиб бораётгани хусусида ва бошқа шунга ўхшаш мавзуларга қўл уриш журналистдан том маънода жасорат талаб этарди. Бинобарин, Эркин Эрназаровнинг шу пайтда «Қишлоқ ҳақиқати» (ҳозирги «Қишлоқ ҳаёти») газетасида эълон қилинган қатор мақолалари фикримизга яққол далил бўла олади. Унинг «Бозор» мақоласи долзарб мавзуда эди. Ҳамкасбимиз бу мақолада деҳқон бозорларининг тўри деҳқонники бўлиши лозимлиги, у олиб келган молини бемалол сотиши учун ҳамма имкониятлар яратилиши кераклиги ғоясини дадил илгари сурди. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафтаномасидаги «Сўм якка ҳокимми?» мақоласида эса муаллиф ўша пайтдаги Россия рубли эътиқодга болта ураётгани, ҳаё пардасини кўтариб ташлаётгани, у ҳамма нарсанинг ўзига хос очқичи бўлиб қолаётгани кўпчиликка сир эмаслигини ҳаётий мисоллар билан таърифлаган эди.



Оқшомчилар уни шунга ўхшаш равон тил, аниқ далиллар, фалсафий хулосалар чиқарилган кўплаб мақолалар муаллифи сифатида, истеъдодли журналист ва публицист сифатида яқиндан билар эдилар...

Маълумки, республикамизда икки нашрга бош муҳаррирлик қилишдек юки оғир ва масъулиятли вазифани бажараётган муҳаррирлар бармоқ билан санарли даражада. «Оқшом» газеталарини ҳам ўзбекча, ҳам русча мустақил равишда чиқаришдек яхши анъанага содиқ қолиш бу ерга келган муҳаррирлар учун ҳам одат бўлиб қолганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Хўш, «Оқшом»нинг бу анъаналари нималардан иборат?

Энг аввало, газетанинг оқшом пайтида, яъни ҳамма ишдан чарчаб келган вақтида ўқиб, мириқиб ҳордиқ чиқаришига кўмаклашадиган, кайфиятини кўтарадиган мақолалар билан чиқариш унинг асл қиёфасини белгилайдиган жиҳатлардир. Ахир бир кунда азим пойтахтимизда не-не воқеалар бўлмайди, дейсиз. Ана шу янгиликларни биринчи бўлиб, зудлик билан газета ихлосмандларига етказишдек хайрли анъанага Эркин Эрназаров бош муҳаррирлигини бошлаган дастлабки пайтдан қатъий амал қилиш кераклигини газетанинг ҳар бир навбатдаги сони режалаштирилаётганда алоҳида таъкидлаб боргани кечагидек эсимда.

Журналист халқи сўзамол. Эркин Эрназаров кам гапириб, кўп ишлашдек, билимдонлик билан қўл остидаги ходимларига яхши, теша тегмаган ғоялар айтишдек, газета мавзулари доирасини кенгайтиришга йўналтиришдек ажойиб хислатларга эга бўлган қаламкашдир.

Биз элга танилган ва ардоқли бўлган машҳур шоир ва адибларнинг ижод қилиш билан бирга таржима билан ҳам шуғулланганликларини жуда яхши биламиз. Очиғини айтганда бу иш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Шу ўринда Эркин Эрназаров

фаолиятининг яна бир қирраси — таржима қилиш санъатини ҳам мукаммал эгаллаганлигини таъкидламоқчимиз. Бинобарин, журналистлар орасида рус матнини ўзбекчага ағдарадиганлар топилади, лекин ўзбекчадан русчага маҳорат билан таржима қиладиганлар бармоқ билан санарли даражада. Ҳали айтиб ўтганимиздек, Эркин Эрназаровда ўзбекча ва русчада бош мақола ёки публицистик мақолами, бирор мусоҳабами, хуллас газетанинг қандай жанрида бўлмасин бемалол, маҳорат билан ёзишдек ва матнларни ҳам худди шу алфозда, яъни ўзбекчадан русчага ва русчадан ўзбекчага бирдек таржима қила олишдек истеъдоди намоён.

▲

Юрак ёнмаса, киши куюнчак бўлмаса бирор нарсанинг кўнгилдагидек бажарилиши амри маҳол. Бинобарин, у журналистик фаолиятини «Янгийўл» туман газетасида оддий ходимликдан бошлади. Кейин «Тошкент ҳақиқати» вилоят газетасининг бўлим мудири бўлди. Тошкент вилоят фирқа комитетида матбуот шўъбасига мудирлик қилган кезларида матбуот ишининг масъулиятини юрагидан ўтказди. Кейинчалик Эркин Эрназаров «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарига бош муҳаррир этиб тайинланди.

Эркин Эрназаров — дунё кезган журналист ва муҳаррир. У икки марта Америка Қўшма Штатларига бориб келди. У ерда ҳам газета чиқариш сирлари билан танишди, «Оқшом» газеталари ҳақида америкаликларга гапириб берди. «Оқшом» муштарийлари унинг Америка ва америкаликлар ҳаёти тўғрисида ёзган туркум публицистик мақолаларини мароқ билан ўқишган. Расмий делегация таркибида Миср Араб Республикаси, Ҳиндистон Республикаси, Россия Федерациясига ташрифи чоғида ёзган публицистик мақолалари ҳам кенг газетхонлар ом-

насига мanзур бўлди. Исроил, Таиланд, Хитой ва бошқа хорижий элларда бўлган пайтларида олган таассуротлари бир олам...

Умр — оқар дарё, дейдилар. Инсон ҳаётининг бир жабҳасига келганида бошдан дўппини олиб, қилган ишларини хаёлидан ўтказади, умр саҳифаларини бирма-бир варақлайди. Эркин Эрназаров учун умрининг бундай зарварақли саҳифалари анчагина. Унинг республикамиз матбуотини ривожлантиришдаги муносиб хизматлари бор. «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист» фахрий унвонига, бир неча мукофотлар ва фахрий нишонларга сазовор бўлганлигининг ўзи ярим асрлик умри давомида жонфидолик кўрсатиб, журналистикамиз равнақига муносиб ҳисса қўшганлигига берилган муносиб баҳодир. У шунингдек республика қаламкашлари ижодий танлови ғолиби сифатида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси совриндори бўлди.

Узоқ йиллар мобайнида «Тошкент оқшоми» — «Вечерний Ташкент» газеталари бош муҳаррири бўлиб ишлаган Эркин Эрназаров айни вақтда Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирининг ўринбосари вазифасини бажармоқда.

*Солиҳ ЁҚУБОВ*

## ЮРАКДАГИ СЎЗЛАРИМ

Умрининг салкам қирқ беш йилини матбуотга, ижодга бахшида этган Маҳмуджон Комилжоновнинг умр саҳифаларини варақласангиз, унинг дилкаш суҳбатларига ошно бўлсангиз ажабтовур воқеаларнинг жонли гувоҳига айланасиз-қоласиз.

— Ўшанда қизиқ бўлган, — дея сўз бошлади талабалик пайтида амалий машғулотларни ўташга борган

дамларини эслаб Маҳмуджон. — Тошкент Давлат университети филология факультети журналистика бўлимининг 4-курсида таҳсил олардим. Ўқишдан ажралмаган ҳолда ярим йиллик амалий машғулотларни ўташ учун Ўзбекистон телевидениесининг «Ёшлик» студияси таҳририятига келдим. Бахтимни, омадимни қарангки, эл орасида жуда танилган Аал Жамол, Элбек Мусаев, Эргаш Каримов, Ҳасан Йўлдошев, Саидир Зиёвиддинов, Маҳкам Маҳамедов сингари адибу санъаткорлар даврасига тушдим. Ёшгина бир талаба сифатида уларнинг суҳбатларини синчковлик ва ма-роқ билан тинглардим, ижод қилиш жараёнлари билан яқиндан танишиб, «ойнаи жаҳон»га узатиладиган кўрсатувлардан атрофлича хабардор бўлардим...

Суҳбатдошим бироз ўйланиб қолди. Чамаси хаёлини ҳали талабалик пайтидаёқ экран юзини кўрган телевизион миниатюраси эгаллаган эди.

— Бир куни, — деб эслайди Маҳмуджон, — ёзган миниатюрам Элбек Мусаевга ёқиб қолибди. Аал Жамолга кўрсатган эди, раҳматли адибимиз ҳам уни ўқиб қотиб-қотиб кулдилар... Сўнг Эргаш Каримов билан Ҳасан Йўлдошевлар ижросида у экран юзини кўрди. Ўшандаги қувонганларимни айтсангиз...

Маҳмуджон Комилжонов ҳали университетни тугалламай туриб ана шундай ижод севинчларини кўп марта татиб кўришга улгурган эди. Шу-шу унинг журналистик, ёзувчилик фаолияти қанот қоқиб кетди. Маҳмуджондаги ана шу истеъдодни пайқаган Ўзбекистон телевидениесининг «Ёшлик» студияси бош муҳаррири Элбек Мусаев 4-курс талабасини ишга қабул қилиб олишларига бош-қош бўлди. Университетни тугаллаганида унинг ушбу даргоҳдаги иш тажрибаси салкам икки йилга етган эди...

Шундан сўнг Маҳмуджон тақдир тақозоси билан Қирғизистоннинг Ўш шаҳрида чиқадиган вилоят газетасида ишлади. Университетда бирга ўқиган курс-

ишни Турсунойга юлдузи юлдузига тўғри келгани боис у билан ҳаётини бир умрга боғлади.

— Бир куни Тошкентдан Уйга хат келди, — деб эслайди Маҳмуджон. — Хатни «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг муҳаррири, ёзувчи Саъдулла Кароматов ёзган эди. Унда қуйидагиларни ўқидим: «Менинг «Бир томчи қон» қиссамга ёзган тақризингизни ўқидим, раҳмат. Ижодкор кўринасиз, ижоддан намуналар бўлса бизга юборинг». Хатдан илҳомланиб иккита ҳангомамни «Оқшом»га юбордим. У газетада босилгач, яна Саъдулла акадан хат олдим. Хатда «Оқшом»нинг сиздек ижодкорлар учун эшиги ҳар доим очиқ», деб ёзилган эди. Ана шу бир оғиз илиқ ва самимий сўз мени яна қадрдон шаҳрим Тошкентга чорлади...

Ўшанда 1970 йил эди. Маҳмуджон «Тошкент оқшоми»нинг шаҳар хўжалиги бўлимига ишга келди. Кейин бошқа бўлимларда, таҳририят «юраги» — котибиятда ишлади. Бири-биридан ранг-баранг мавзуларда қалам тебратди. Шаҳар ҳаётининг турли қирраларини қамраб олувчи мақолалар ёзди. Унинг имзоси билан чиққан одоб-ахлоқ мавзуидаги мақолалар, иқтисодиёт ва қурилиш мавзуидаги муаммоли чиқишлар, суд очерклари муштарийларда қизиқиш уйғотар, таҳририят мажлисларида мақталарди. Бинобарин, Маҳмуджоннинг «Оқшом» таҳририятидаги ўттиз йилдан ошган фаолияти давомида ёзган ва муштарийларга манзур бўлган ижод намуналари жуда кўп.

Ҳали биз юқорида Маҳмуджоннинг ёзувчилик фаолияти ҳақида ҳам гапирган эдик. Дарҳақиқат, унинг ҳикоялари, пьесалари, ҳажвиялари, интермедиялари ва ўгирган таржималари завқ-шавқ билан ўқилар ва саҳналарда қўйиларди...

Камина Маҳмуджон Комилжоновни Тошкент Давлат университетида ўқиган 60-йиллардан биламан. У

билан беш йил мобайнида талабалик йилларида пахта теримига чиққан кезларимиз ҳамон эсимда. Ёш томошабинлар театрида қўйилган «Ёшлик ғурури» саҳна асарининг муаллифи ҳам Маҳмуджон эди. Пахта терими пайтида «ўғирлатиб» қўйилган бир қозон қовурма паловни ҳам Маҳмуджон дамлаган эди. Телевидениедагиларнинг қистови билан асосий иш жойидан бўшамай туриб, у ерга ишга кирган ҳам Маҳмуджон эди...

Маҳмуджоннинг ҳаётидаги бундай ажабтовур ҳикояларни унинг ўзи санъаткорларга хос маҳорат билан (бу фазилат Маҳмуджонга акалари, таниқли режиссёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, раҳматли Рихсивой Орифжоновдан ўтган) айтиб берганини эшитганингизда кўнглингиз ёришиб ажиб туйғуларга тўлади. Олтмиш йиллик умри давомида нафақат ўзига, балки бошқаларга ҳам завқ берадиган бундай ажойиб дамларга Маҳмуджоннинг ўзи шоҳид. У ўтирган давралар, олиб борган дилкаш суҳбатларни бир кўрган, бир эшитган одам яна уни қўмсайди. Унинг қаламига мансуб пьесалар, ҳикоя ва ҳажвиялар, мақолаларни бир ўқиган одам яна ўқисам дейди. Ахир, ижодкор учун бундан ортиқ бахт борми! «Тошкент оқшоми» газетаси масъул котиби вазифасида сидқидилдан ишлаб келаётган Маҳмуджон Комилжонов ана шундай бахтга муяссар бўлган истеъдодли қалам соҳибидир.

Азиз дўстим ҳаётига оид дилимнинг тўрида сақлаб юрган, ўзим гувоҳ бўлган баъзи воқеаларнигина қаламга олдим.

1999 йили Маҳмуджон Комилжоновга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист» фахрий унвони берилди. Ватанимизнинг олий мукофотларига сазовор бўлган фидойи инсонлар қаторида юксак нишонни Президентимиз топширди. Меҳнат қилган элда азиз, деб шуни айтадилар-да!





## ГАЗЕТХОНЛАР МЕҲРИНИ ҚОЗОНИБ

Табиатан кўнгиллари очиқ, дилкаш, олижаноб инсонлар ҳамиша ҳамкасблари, қўни-қўшнилари, таниш-билишлари қувончига ҳам, ташвишига ҳам шерик бўлишади. Уларга қараб ҳавасингиз келади: оила бошлиғи ҳам, уй соҳибаси ҳам журналист. Қалам тебратиб, фарзандларини вояга етказишди, фарзандлари эса ота ва она, қолаверса эл дуосини олиб, кам бўлишмаяпти. Келинларини айтмайсизми, одобли, меҳнатсевар. Набиралари ҳам бир-биридан шўх, қувноқки, асти қўяверасиз.

Танишинг: Абдуқодировлар оиласи. Улар Тошкент шаҳрининг Қашқар маҳалласида яшайдилар.

▲

Инсон умр дафтари. Унинг саҳифалари вақт ўтиши билан бойиб боравериди. Беш, ўн, ўн беш йил олдинги воқеалар бугунги шиддаткор давримиз учун мўъжаз манзарадек туюлиши мумкин. Бугунги воқеалар эса эртанги умидбахш манзиллар учун дебоча бўлиб қолиши, табиий.

Абдуқодировлар хонадонига қадам қўярканмиз, хаёлимизда кечган фикрлар шундай бўлди.

Бизни Марфуа она кутиб олди.

— Ассалому алайкум!

— Ваалайкум ассалом! Хуш келибсиз! Марҳамат!

Уй соҳибаси шинамгина хонага таклиф этди. Дастурхон ёзди. Чой олиб келди. Бир пиёла чой баҳона суҳбатимиз бошланди.

— Она, таҳририят остонасига илк қадам қўйган кунингиз ниҳоятда тўлқинланган бўлсангиз керак?

— Кечагидек эсимда. 1957 йилнинг куз фасли эди. Навоий театри рўпарасидаги қошонага — редакци-

лар уйига бир олам қувонч билан кириб келди. Ниятим — «Қизил Ўзбекистон» идорасида ишлаш эди. Олдинига ҳаяжонландим. Рости, яқиндагина мактабни битирган бўлсам, менга лойиқ иш топилармикан? Бахтимни қарангки, редакцияда дастлаб учрашган инсон — газетанинг масъул котиби Йўлдош Шамшаров эканлар. Мақсадимни айтдим. У киши бош муҳаррир хонасига етаклади.

Бош муҳаррир синчковлик билан сўзимни тинглади. Бир-икки кундан кейин хабар олинг, деди. Икки кун эса бир йилдек чўзилиб кетгандек бўлди назаримда. Яна ҳаяжон билан таҳририятга бордим. Ишга қабул қилинганимни айтишди. Мусаҳҳиҳлар бўлимида ишлай бошладим. Дастлаб дастёр бўлдим. Кейин мусаҳҳиҳ ёрдамчиси.

Журналистикада осон ишнинг ўзи йўқ. Мусаҳҳиҳлик касби ҳам ўзгача экан. Ишга барвақт келиб, кеч кетишни қўяверинг. Зийраклик, саводхонлик ва бу касб эгасининг доимий мулки саналаркан. Мақоланинг асл нусхасию, унинг газета саҳифаларидаги шакли-шамойиличи?

Касб сирларини эринмай миридан-сиригача ўргана бордим. Орадан икки йил ўтгач, таҳририятнинг хатлар ва оммавий ишлар бўлимига ишга ўтдим. Шу орада Тошкент давлат педагогика институтининг кечки бўлимига ўқишга кирдим. Кундузи ишлайман, кечқурун ўқишга бораман.

Таҳририятнинг ушбу бўлимида ҳаёт қайнайди. Ҳар куни даста-даста хатлар келади. Бўлими мудири Матлаб Турғунов (жойлари жаннатда бўлсин) билан уларни бирма-бир рўйхатдан ўтказамиз, бўлимларга тарқатамиз. Газетхонлардан келган хатлар билан танишиб, ўзим ҳам кичик-кичик ахборотлар ёза бошладим.

Бахтимни қарангки, муқаддас даргоҳда иш бошлаган Абуллажон Абдуқодировга кўнгил қўйдим. Онам

курдик. У кишининг ҳам ҳаёт йўллари оддий. Тошкент политехника институтининг геология факультетини тугатиб, Ўзбекистон геология министрлигининг геология-разведка партиясида ишладилар. 1961 йили «Қизил Ўзбекистон» газетасига ишга келдилар. Олдин саноат бўлимида ишлаб тажриба орттирдилар. Редакцияда саноат, партия турмуши бўлимларини бошқариб, ҳамкасблари ҳурматига сазовор бўлдилар. Кейинчалик «Социалистическая индустрия» газетасида мухбир, Республика телевидениесида, ҳозирги Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигида, Ўзбекистон Республикаси энергетика ва электрлаштириш вазирлигида ишладилар.

▲

Ҳар бир касб соҳиби учун, айниқса журналист учун халқ дуосидан зиёд мукофот бўлмаса керак. У редакцияга нажот истаб келган инсонларга меҳрини дариғ тутмайди. Чеҳраси доимо очиқ.

— Инсонга меҳрибонлик менга ёшлигимданоқ ота-онамдан юққан, — дея ҳикоя қилади Марфуа она. — Улар ҳамиша насиҳат қилишарди: эл ҳурматини қозонаман десанг, одамлар қалбига қулоқ тутгин, дардига камарбаста бўлгин. Бу гаплар бугун ҳам қулоғимда жаранглайди. Таҳририятимизга ҳар куни ўнлаб одамлар келишади. Дардлари ҳар хил. Суҳбатдошларимнинг сўзини бўлмай тинглайман. Маслаҳатлар бериб кўнглини кўтаришга ҳаракат қиламан. Ахир, инсон ташаккурини олишнинг ўзи бўлмайди. Бу — ҳақиқий бахт. Дунё яратилибдики, инсонга ҳамиша яхши сўз керак. Эл ҳурматига сазовор бўлишимда устозларимнинг ҳам хизмати катта. Улар билан ёнма-ён меҳнат қилиб тажриба орттирдим.

Газетага турли йилларда муҳаррир бўлган Иброҳим Раҳим, Зиёд Есенбоев ва Мақсуд Қориев хатлар

ва оммавий ишлар бўлими фаолиятига доимо эътибор беришган.

Бўлимга Маъруф Назаров, Ҳошим Абдусаматов (охиратлари обод бўлсин), Талаббой Назиров (у кейинчалик «Наманган ҳақиқати» газетасига узоқ йиллар муҳаррир бўлди) бошчилик қилишди. Улар ҳар бир хатнинг ортида инсон борлигини доимо ҳис этишарди. Моҳир қаламкаш Миршароф Муҳсинов билан ҳам бирга ишладик. Ҳозир эса таниқли журналист Ҳайдар Носиров билан бўлимни тебратмоқдамиз.

▲

Марфуа Абдуқодирова бир даргоҳда қарийб 40 йилдан бери ишламоқда. У эл хизматига камарбаста. Унинг қиёфасида оддий, камтарин, оилапарвар ўзбек аёли тимсолини кўрамиз. У ўз бахтини меҳнатдан топганлардан.

*Ҳамид СУЛТОНОВ*

## ҚАРДОШЛИККА ТАЪЗИМ

35 йилдан ошдики, Қалдибек Сейданов Марказий Осиё халқлари, шу жумладан ўзбек-қозоқ халқлари дўстлиги, адабий-маданий алоқалари ҳақида қалам тебратиб, уларнинг биродарлигини, иноқлигини мустаҳкамлаш йўлида астойдил хизмат қилиб келмоқда.

Унинг шу кунга қадар ўндан ортиқ китоб ва рисолалари чоп этилди, газета ва журналлар саҳифаларида 500 га яқин мақолалари, ўн беш номдаги тўпламларда илмий-назарий мақолалари эълон қилинди. Шу ўринда «Адабий қардошлик», «Дўстлик куйлари», «Мухтор Авезов ва қардош халқлар адабиёти», «Адабий ҳамкорлик», «Ўзбек-қозоқ ўзаро



адабий алоқалари тарихидан», «Дўстлик оҳанглари», «Абай абадияти», «Чингиз Айтматов ва ўзбек адабиёти» китобларини айтиб ўтишга ҳақлимиз.

Мазкур асарларда қозоқ, ўзбек, қирғиз ва қорақалпоқ халқларининг азалий дўстлиги, адабий-маданий алоқаларининг тарихий илдизлари ва манбалари далиллар асосида ўрганиб чиқилган. Навоий билан Абай, Мухтор Авезов билан Ойбек, Ғафур Ғулом билан Собит Муқонов, Абдулла Тожибоев билан Миртемир, Зулфия билан Турсунхон Абдураҳмонов, Муҳаммаджон Қоратоев билан Иззат Султонов каби сўз усталарининг ижодкорлиги куйланган.

Қалдибек оға Ўзбекистон халқ ёзувчилари — Одил Ёқубов, Ўткир Ҳошимов ва Тоҳир Малик, Ўзбекистон Қаҳрамонлари — Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов асарларини қозоқ тилига таржима этиб, «Нурлы жол» газетасида чоп эттирганлиги қувонарлидир.

— Шу нарсани алоҳида қайд этиш лозимки, — дейди биз билан суҳбатда «Нурлы жол» газетаси бош муҳаррири Қалдибек оға, — гарчи мен қозоқ миллатининг фарзанди бўлсам ҳам, ўзимни туғишган ўзбек халқининг асл фарзанди деб ҳис қиламан. Чунки, Ўзбекистонда туғилиб, шу диёрда ўсиб, улғайиб, вояга етдим. Мен учун бу ўлка, серқуёш файзли диёр — Ўзбекистон ниҳоятда азиз ва мўътабар. Шунинг учун ҳам бу саховатли, жаннатмакон диёрни ўз она диёрим, ўз она-Ватаним деб ҳисоблайман, ардоқлайман. Шу диёрнинг гуллаб-яшнашига, ривожланишига бир умр ўз ҳиссамни қўшишга интиламан. Бугунги Ўзбекистоннинг қўлга киритган ва киритаётган ютуқларидан жамоадошларим қатори ниҳоятда қувонаман.

Қалдибек Сейданов адабиётшунос олим сифатида ҳам яхши танилган. Ўзбек халқининг истеъдодига таъзим этиб, ёзувчи ва тадқиқотчиларининг асарларини севиб ўқиб боради. Ажойиб қалам соҳиблари Иззат Султонов, Юсуф Султонов, Ҳомил Ёқубов,

Матёқуб Қўшжонов, Азиз Қаюмов, Эркин Юсупов ва бошқа олимларнинг номларини адабий суҳбатларда, турли йиғинларда алоҳида ҳурмат билан тилга олиб ўтиши бежиз эмас. Шунингдек, Ҳафиз Абдусаматов, Салоҳиддин Мамажонов, Бахтиёр Назаров, Тўра Мирзаев каби фан фидойилари билан Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтида 18 йил бирга ишлаб, улардан кўп нарса ўрганганлигини ҳам алоҳида таъкидлайди.

Ўзбек ёзувчиларидан Саид Аҳмад, Одил Ёқубов, Шукрулло, Мирмуҳсин, Эркин Воҳидов, Абдулла Оринов, Нормурод Нарзуллаев ва бошқалар билан мулоқотлар пайтида у ўзбек-қозоқ адабий алоқалари ҳақида ўзаро фикр алмашиб боради.

Биз ҳам олим, ҳам журналист Қалдибек Сейдановга ўзбек ва қозоқ халқлари дўстлигини мустаҳкамлаш йўлидаги ижодий ишларида янгидан-янги омадлар тилаймиз.

*Муртазо ҚАРШИБОЕВ*

## ҲАҚИҚИЙ БОЙСУН

Адашмасам, Эркин аканинг илк ҳикоялари «Гулистон» журналида чоп этилган эди. Биз унда мактаб ўқувчиси — ёш болалармиз. Адабиётнинг маъниси, сир-асрорига унча тушунмаймиз. Билганимиз — шундай журналда номингиз чиқиб турса, одамлар қўлма-қўл қилиб ўқиса, бундан зиёд бахт борми? Газеталар сиз ҳақингизда ёзса, радио-телевидение сиз тўғрингизда гапирса, қизлар ўзингизни қўйиб, сиз яратган қаҳрамонларга ошиқ бўлиб юрса, бир йигитга буюргани шу-да!

Тасодифни қарангки, университетни тамомлаб, Эркин ака ишлаб кетган жамоа — «Ёшлик» журна-



лига келиб қолдим. Яна денг, у кишининг таълимини олган ёзувчиларнинг қўлига тушдим, устозининг шогирдларига шогирд тутиндим. Бири — Набижон Боқий эди, тўғри сўзлик, чўрткесарликда Эркин Аъзамовдан ҳам ўтар эди. Бири — Нурилло Отахон эди, сўзни ҳис этиш ва танлаш борасида ўта «инжиқ» — нақд Эркин Аъзамовнинг ўзгинаси эди.

Хуллас, икки йилда анча нарса ўргандим. Бошим айланиб яна Эркин ака ишлайдиган идора — Ўзбекистон Миллий Ахборот агентлигига бориб қолдим. Бу орада у киши «Тафаккур» журналига бош муҳаррир этиб тайинланди. Эртасигаёқ ҳузурига чорлади: сездим — пешонамга қаттиққўл таҳрирчилар билан ишлашдан ўзга толе битмаган экан. Тақдирга тан бериб, мардларча рози бўлдим. Эркин ака ҳам мардларча тан олиб, деди: «Муртазобой, талаб қаттиқ бўлади, лекин қўрқманг, менинг қаҳримга яраша меҳрим ҳам бор».

Эркин ака анча муболаға қилдилар, билдим. Тўрт йил бирга ишладим, лекин заррача қаҳр кўрмадим, фақат меҳр кўрдим. Инсофу диёнатни ўртага қўйиб айтганда, Эркин Аъзамовдек чин зиёли, оқибатли инсонда қаҳр нима қилсин?

Ўрни келди, устозга хос фазилатлар баёнига ўтайлик.

Биринчиси — ҳалоллик. Меҳнатни ҳалол қилади. Иш устида тортишиши, талабчанлик қилишлари шундан.

Азалдан ижодкор халқига бир нарсани уқтириш, тушунтириш осон эмас. Нозиктаъб бу қавмнинг арзимаган бир сўздан кўнгли озор топиши, дили оғриши мумкин. Лекин Эркин ака муомалани жойига қўяди. Хатоингизни кўрсатишдан олдин ютуқларингизни айтиб роса хурсанд қилади. Ана ундан кейин раъйига юрмай кўринг-чи.

Иши батартиб. Эътибор берганман, эрталаб ишга келиши билан столини обдон артиб чиқади (гарчи

фаррош артиб-тозалаб қўйган бўлса ҳам), эгни бошини қоқиб тозалаган бўлади (гарчи уйдан чиқиб, машинага ўтирган бўлса ҳам), кейин қўлини чайиб артиб, «Ҳа, шуйтиб ишни бошладик бўмасам» деб ишга киришади.

Чой узатса, қоюзча қўшиб узатади — стол доғ бўлмасин.

Журнални ҳам ана шундай ҳалол чиқарсам дейди, асарини ҳам ана шундай покиза қилиб ёзсам дейди. Шунинг учун ёзганлари ичида чоп этилганидан чоп этилмагани кўп.

Эркин Аъзамов асарларидаги ўзига хослик ижодини у кишидан олдинроқ бошлаган, унга тенгдош бўлган, у билан бир пайтда адабиёт эшигини қоққан ижодкорлар асарлари билан бир бутун ҳолда олиб қаралганда яққолроқ намоён бўлади. Бу авлодга мансуб ижодкорлар асарларида миллий руҳ, миллий ўзига хослик етакчи ўринга чиқа бошлаган эди. Улар шеъриятда Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидов бошлаб берган анъана — адабиётда миллат руҳини қайта уйғотиш ишини насрда амалга оширишга киришган эди. Бошқача айтганда, бу даврда, худди 20-йиллардаги каби, насрда миллат муаммосининг ҳаққоний тасвири бошланди — бу халқ нега бундай муте ҳолга тушиб қолди, унинг фожиаси сабаблари нимада, деган саволларга бадиий йўллар билан ҳаққоний жавоб изланди.

Бу асарлар қаҳрамонлари ясама, тайёр андозага солинган қаҳрамонлар эмас эди. Улар социалистик реализм услуби талаб этадиган курашчиларга ҳам ўхшамасди.

«Жавоб» қиссасида адиб аслида, одам озгина журъатли, ўз йўлида собит бўлмоғи лозим, муте одам — икки дунё овораси, деган ғояни ифодаламоқчи бўлган. Лекин уни бугунги назар билан ўқисангиз, бошқача хулосага келасиз: фаол курашчанликни тар-

иб этадиган коммунистик мафкурага аслида бўшбаев одамлар керак эди. Шунинг учун у жамият озгина журъатга ҳам тоқат қилолмас эди.

Эркин Аъзамов қаҳрамонлари — ўз дарди дунёси билан қоришиб, саркашу қайсар туйғулари билан мамнун бўлиб яшайдиган одамлар. Ёзувчи, атайлаб уларни «тийиб» қўймайди. Баъзан «тийиб» қўйишга «кучи» ҳам етмайди.

Гўзал тил, теран тафаккур, зийрак нигоҳга эга бўлган адиб ҳаммабоп, «ютиш»га осон асар ёзишдан қочади. Кўнглидаги дард ҳикматга айланиб, қиёмига етмагунича қўлига қалам олмайди. Шунинг учун унинг далли-ғулли, тўпори, қайсар қаҳрамонлари ҳам кутилмаганда бир ҳикмат ифодасига айланади.

Ёзувчига хос самимият унинг қаҳрамонлари мисолида яққол кўриниб туради. Шоир Хуршид Даврон бир пайт «Эркиннинг ҳикояларини ўқисам, унинг ўзи билан суҳбатлашгандек бўламан» деган эди. Бу — ана шу самимият эътирофи, десак муболаға бўлмас.

Адиб ижоди янада салмоқлироқ бўлиши мумкин эди. Лекин у ижодий кучининг аксариятини савобга, муҳаррирликка, бошқаларнинг ёзганларини (ёзганларини эмас, қораламаларини) тилимиз оҳангига тушириш, «хом ашё»дан маҳсулот ясашга бағишлаган.

«Тафаккур»га ўхшаш журналларга келадиган материалларнинг қарийб 70—80 фоизи таҳрирталаб, сурobи тўғриланмаган нарсалар бўлади. Тайёр, «қош кўзи» жойида бўлган мақола — нақд анқонинг уруғи. Олимлар кўп, илмга даъвогарлар кўп, аммо бирор масаланинг кифтини келтириб ёзадиганлар кам. Бундай пайтда журнал чиқариш, уни жамият учун маънавий озиқ бўладиган фикрлар билан бойитиб бориш осон эмас. Унинг ҳар бир сони лойиҳасини тузишу амалга оширишнинг ўзи диссертация ёзиш, илмий тадқиқот қилишдан ҳам мураккаб жараён.

Илм соҳасидаги одам бир-икки мақола чоп эттирса, эвазига илмий даража, илмий унвон талаб этади. Ўз эли, ўз тилининг фидойиси бўлган ёзувчи бундай мақолаларнинг нечтасига сайқал бериб, «бош оёғи»ини тўғрилаб, қаерига қандай чизиқ тортиш, қандай ранглар билан безашгача бош қотириб, журнални ўқувчи дастурхонига тайёр таом қилиб узатади.

Мен устознинг сўзга, ижодга ўта талабчанлигига неча бор гувоҳ бўлганман. Бундан икки йилча муқаддам «Пиёда» ҳикояси асосида фильм суратга олинди. Фильм муаллифи ва ижрочилари ҳикоянинг руҳи ва фалсафасини мутлақо тушунмагани шундоқ кўриниб турарди. Эркин ака дастлабки муҳокамадаёқ фикрини дангал айтиб қўя қолди: «Бу — мен истаган фильм эмас. Шунинг учун номимни муаллифлар рўйхатидан олиб қўйинглар».

Кейинги йилларда муҳаррирлик, ижодкорлик устига яна бир юмуш — депутатлик ҳам қўшилди. Ўртада уй-рўзғор, турмуш ташвишлари ҳам бор. Устоз ҳаммасига улгуради. Чунки кўнглида ишлаш, яшаш иштиёқи зўр.

Мен Бойсунда бўлмаганман. Лекин Эркин Аъзамов билан гаплашсам, бу қадим юртга боргандек, унинг мард ва танти одамларини кўргандек бўламан. Унинг қалбидаги меҳр, самимият, дилкашлик ҳақиқий Бойсун бўлиб туюлади менга.

*Ҳайдар НОСИРОВ*

## ЛУТФ АЙЛАГАН ИЖОДКОР

Шоир айтмоқчи, «кимдаки иқтидор йўқдур олтину кумуш зое».

Зеро, инсон боласи руҳиятида иқтидор ва қобилият нимарсалари тангри томонидан инъом этилган бўлади, десак муболаға бўлмас. Фақат тақдирул азал деганларидек, келажакда ким бўлишимиз, касб-ҳунаримиз билан эл-юрт хизматига камарбасталикка эришишимиз кўпроқ ўзимизга боғлиқ. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган қаламкаш Эркин Хўжаев ҳам аслида ана шундай инсонлар сирасидан. У меҳнат фаолиятини «Тонг юлдузи» газетаси таҳририятида бошлаган. Болажонлар учун нашр қилинадиган газета бағрида ажойиб қалам соҳиблари билан мулоқотда бўлди, улар ижодига ҳавас билан қараб, улар нафасидан баҳра олди. Хусусан, у ўзидан ўчмас ном ва из қолдирган Ўктам Усмонов, таниқли шоирлар Ҳабиб Саъдулла ва Муҳаммад Али, эл севган қаламкашлар сафидан ўрин олган Усмон Юсупов билан Дилбар Маҳмудова, қолаверса, етук ёзувчи Тоҳир Малик каби ижодкорлар билан бир жамоада меҳнат қилиш бахтига муяссар бўлган. Ана шу болалар газетасида ижодини шакллантириб, қаламини чархлашга улгурди.

Топқир, дид ва фаросатли, ижодга масъулият билан қарайдиган Эркиннинг чиқишлари йиғинларда ҳамкасбларига намуна қилиб кўрсатилади. Ундаги жамоага, меҳнатга, ёр-дўстларга бўлган муносабат, тўғрилик эътиқодини кузатган мураббийлар унга газетада масъул котиблик вазифасини адо этишини муносиб кўришди.

Эркин Хўжаев журналист сифатида ана шундай қийин, айни пайтда фахрли йўллардан ўтди.

Ижодкорлар даврасида бир гап юради: «Ўзингни кўрсатсанг, «илиб» кетишади». Шундай бўлди. Эркинни ҳам ижобий маънода «илиб» кетишди. Ўзбекистон болалари учун мўлжалланган газетага узоқ йиллар муҳаррирлик қилган Суҳроб Йўлдошев ўзининг ишонган «тоғларидан бирига» оқ йўл тилашга мажбур бўлди. Эркин Хўжаев республика газетаси «Совет Ўзбекистони»га (ҳозирги «Ўзбекистон овози»га) ишга таклиф қилинди.

1975 йилнинг январь ойи бошида рўй берган бу воқеа ижодкорнинг ҳаётида унутилмас саҳифалардан бирига айланди. Бу ердаги унинг дастлабки устози Жўра Холқосимовнинг таъбири билан айтганда, газетанинг «Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими» ходимига ёлчиди. Катта газета, ўз даврининг журналистика мактаби, деб ардоқланган бу ижодхонада Эркинга янада кенг қамровли меҳнат қилиш учун уфқлар очилди. У ўзининг аниқ-тиниқ тили, ҳозиржавоблиги, долзарб мавзуларга қўл уриши билан ижодий жамоа эътиборини қозонди.

Унда имкониятлар бисёрлигини сезган бош муҳаррир Мақсуд Қориев газета масъул котиби вазифасини адо этишини лозим кўрди ва жамоа буни бир овоздан маъқуллади. Ҳамкасбимиз меҳнат йўлидаги ушбу қувончли кун 1983 йилнинг бошларида бўлган эди. Ҳаётининг асосий қисмини газетада котиблик қилиб ўтказган Яҳё Тўхтаев, саҳифалаш устаси номини олган Ҳамид Султоновлар билан биргаликда ишлаш, устозлар ишончини қозониш йўлида сайъ-ҳаракатлар қилган Эркиннинг бу борадаги муддаолари ҳам мустажоб бўла бошлади. Боиси, у мураббий ва дўстларга суянди. Уларга ишонди. Ҳамкор ва ҳамнафас бўлишга ҳаракат қилди.

Эркин Хўжаев қарийб ўн йил мобайнида масъул котиблик вазифасини муносиб адо этди. Эсимда, бир куни янги газетани варақлаб туриб: «Эркинжон, саҳифалар очилиб кетибдику, таъбир жоиз бўлса худди баҳорий гулзор бўлибди-да», дегандилар Мақсуд Қориев.

Эркин Хўжаев нафақат газета техникаси ва безаги ҳақида қайғурди. У ўз устида ишлаш, ижод қилиб ўз мухлисини топиш йўлида ҳам ўйлади. Эсимда, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинган кун — 1991 йилнинг 31 августида «Совет



Ўзбекистони» газетаси «Ўзбекистон овози» номини олди. Газетанинг минг-минглаб ўқувчиларига шу унутилмас воқеа муносабати билан таҳрир ҳайъати хати эртаси куни босилиб чиқди. Ифодаси ёрқин ва сермазмун ушбу мақолани Эркин Хўжаев ёзди. Ёзганида ҳам қисқа муддатда, икки соат мобайнида қоғозга туширди. Бу ҳамкасбимизнинг ғайратли қаламкаш эканлиги далолати.

Айтишларича, журналистлар ёзадиган, сўзлайдиган ёки бир йўла хаёлотида жамланган мақсадни машинистка ёнида ифода қилишга одатланган бўларкан. Кузатишимча, ўз даврининг ёрқин қаламкашлари бўлган Холбек Ёдгоров, Муҳиддин Жалолов, Ҳайдарали Иброҳимов, Болтабой Юсупов, Маъруф Назаров, Ўткир Абдуазимов, Миршароф Мухсимов каби ижодкорлар билан мулоқотда бўлгани Эркин Хўжаевнинг ижодида ўзига хос из қолдирган кўринади. Мен билган Восиқ Маҳкамов, Ҳамид Нурий, Самад Қодиров, Абдуллажон Абдуқодиров, Абдукарим Набихўжаевлар ёзмоқчи бўлган баёнларини ҳеч вақт қоғозга қоралашганини кўрмаганман. Худди улар бўлажак мақола ёки лавҳани хаёлларида шакллантириб, бир йўла «диктовка» қилардилар. Эркин Хўжаев ҳам ҳамиша ана шундай ижод намуналарини намойиш этди. Таржимон бўлиб танилди. Ўша даврда расм бўлган «Унутилмас саналар тақвими»га оид чиқишларни шунчалик уддабуронлик билан бажарар эдики, эртасига газета саҳифаларида ҳузур қилиб ўқиладиган мақола юзага келарди. Бу ҳаммаси унинг «Сўз ва ҳиссиёт», «Суръат ва сийрат» нималигини қалбдан ҳис этганидан бўлса керак. Ёзиладиган янги мақолани бир йўла оқлаш учун ижодкорда етарли қувваи ҳофиза бўлмоғи даркор. Эркин Хўжаев ана шундай лутф ижодкорларидан.

## БАРЧАГА БИРДЕК

Тушлик вақтидан ўн-ўн беш дақиқани «тежаб» ҳамкасблар билан гурунглашишнинг гашти ўзгача. Табиийки, бундай кезларда ўзимиз билган, таниган, бирга ишлаган журналистлар ҳақидаги хаётий лавҳаларни эслашга кучли эҳтиёж туғилади. Аслида бу воқеалар тафсилоти кўпчиликка маълум бўлмаса-да, номлари зикр этилган ҳамкасбларимиз умр дафтарининг сержило саҳифалари ҳисобланади.

Яқинда шундай бўлди: дўстлар даврасида сўз «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририятида узоқ йиллар ҳамкорликда ишлаган меҳнат фахрийлари ҳақида борди. Чин таърифлар қатори ярми «ҳазил», «қулоқни қизитадиган» гаплар ҳам айтиб ўтилди.

«Дўстлари бисёр ва энг бой журналист» — Юнус Зиёдовни шундай таърифладик. Зеро, бу таърифда унинг қутлуғ даргоҳда 45 йилдан зиёд меҳнат қилиб ўтгани билан бирга газета таҳририяти қошидаги ўзига хос музейнинг хазинабони эканлиги ҳам инобатга олинди.

Қизғин суҳбатимиз вақти тугади. Шундан сўнг юқорида таърифлаган ҳамкасбимиз ҳақида озми-кўпми ёзишга уриндим.

Юнус Зиёдов Тошкент шаҳридаги Улуғбек номидаги ўрта мактабни битириб, болалар газетасига ҳаваскорлар қатори хат-хабарлар ёзиб юрди. Шу кезларда уни «Қизил Ўзбекистон» — ҳозирги «Ўзбекистон овози» газетасига дастёрликка ишга қабул қилишди. Иш жараёнида ёш йигит мусаҳҳиҳлик касбини танлади. Айни вақтда бўш вақт топди дегунча, кичик хабар ёки мақола ёзиб, қаламини чархлаб борди. Ишдан ажралмаган ҳолда ТошДУнинг журналистика факультетини сиртдан ўқиб тугатди. Шоаҳмад Шораҳмедов, Ҳабиб Нўъмон, Бобош Маҳмудов каби устозлар қанотида камол топди. Улар панд-насиҳатларини меҳр билан тинглаб, дилга жо қилди. Нияти газета мухбири бўлиш эди. Зеро, мамлакатнинг энг нуфузли, энг обрўли нашрининг мухбири бўлишниҳоятда шарафли, айни чоғда масъулият эканлигини қалбдан ҳис этди. Ҳа, мухбирликка йўл — осон эмасди. 20 йил кутишга тўғри келди.

Газета бош муҳаррири Мақсуд Қориев Юнус Зиёдовнинг ишчанлигини, тиришқоқлигини, топшириқларни тез ва сидқидилдан бажаришини кўриб, газетанинг қишлоқ хўжалиги бўлимига мухбирлик вазифасига ўтказди. Таҳририятнинг бу етакчи бўлимига таниқли журналист, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Маъруф Назаров бошчилик қиларди. Қишлоқ хўжалиги республика иқтисодиётининг энг залворли бўғини бўлиб, газетанинг ҳар бир сонида ушбу мавзуга бағишланган мақолалар босилиши анъана тусини олганди. Бўлим ходимлари белгилаб олинган ижодий режаларни бажаришда жонбозлик кўрсатишган. Айниқса, пахта очилиб, теримга киришилгач, уларнинг «куни туғарди». Вилоятлар бўйича пахта тайёрлаш маълумотларини, хўжаликлар иш тажрибасини кунда ёритиб бориш шарт эди. Айни шу кезларда пахта темасидаги уч-тўрт фотосуратлар газета саҳифаларидан ўрин олардики, уларга тагсўз ёзишда Юнус аканинг маҳорати намоён бўларди. Унинг қовун сайилларидан қоғозга туширилган репортажлари ҳам газетхонлар эътиборига тушган эди.

1985—1990 йилларда Юнус Зиёдов газетанинг техник муҳаррири бўлиб ишлади. Техник муҳаррирлик — бир қарашда осон вазифа: саҳифаловчилар билан газета майдонини тайёр мақола ва суратлар билан

тўлдирилса, бас. Аслида-чи?! Бу иш мураккаб ва масъулиятли вазифа. Таъриф жоиз бўлса, техник муҳаррир — газета масъул котибининг ўнг қўли. Саҳифаларнинг андозасига қараб, мақолаларни жой-жойига қўйиш, уларнинг мазмунига қараб, сарлавҳа ва рукиларни тердириш, энг муҳими, газетанинг мазмун ва шакл уйғунлигига эришиш техник муҳаррирнинг маҳоратига боғлиқ. Очиғини айтганда, Юнус ака бу вазифани сидқидилдан бажара олди. Газетанинг мусаҳҳиҳлик бўлимида ишлаган кезларида саҳифалаш цехида тез-тез бўлиб кўзи пишганди-да. «Узукка ёқут кўз қуювчи» техник муҳаррир Бек ака — Мирлатиф Миртемиров, саҳифаловчилар — Фахриддин Йўлдошев, Орифжон Иброҳимов, Мирзоҳид Миршаропов, Рифқат Гарипов, Анвар Носирхонов, Азиз Обидов билан бирга тер тўккан эди-да.

Ҳавас қиламиз: Юнус Зиёдов номи минг-минглаб газетхонларга яхши таниш, эл эъзозига сазовор ўнлаб журналистлар билан ҳамнафас бўлиб ишлади. Дилдан шу ҳақда суҳбатлашиб қолсангиз, у аввало, Холбек Ёдгоров билан Абдукарим Набихўжаев (охиратлари обод бўлсин) номларини ёдга олади. Бу икки ажойиб инсон билан боғлиқ бир воқеани мароқ билан сўзлаб бергани эсимда.

Газета масъул котиби Абдукарим Набихўжаев билан суҳбатлашиб ўтирганларида хонага бош муҳаррир ўринбосари Холбек Ёдгоров қўлларида бир шингил узум билан кириб келган. Ва «Мана бу узумнинг нави қандай? Нимрангми, ёки тоифими?» деб савол бериб, суҳбатдошлардан Юнус аканинг жавобини эшитиш ниятида эканлигини айтган.

Юнус ака узум нимранг нави эканини айтиб, тоифининг ғужуми йирикроқ ҳамда кўкимтир бўлади, деб таърифлабди. Устоз журналист «Балли, отангга раҳмат! Сени қишлоқ хўжалиги бўлими ходими

сифатида бир синай дегандим» дея меҳр билан бағрига босган экан. Суҳбат давомида Холбек ака «Инсон умри азиз, журналистика хатони кечирмайди. Журналист ўзгалар ташвиши билан, халқ манфаати ва ўйи билан доимо банд инсон. Бу касб ўта фидойилик ва ҳалолликни талаб қилади. Шундай бўлса камлик кўрмайсизлар. Тилларинг узун, қаламларинг ўткир бўлади» деб насиҳат қилганлар.

...Юқорида Юнус Зиёдовни «бой» журналист дея таърифлаганимиз бежиз эмас, албатта. Бундай дейишимизнинг боиси бор.

1990 йилнинг бошлари эди. Летучкаларнинг бирида бош муҳарриримиз Расул Раҳмонов таҳририят музейини тиклаш ва янги кўргазмалар билан тўлдириш масаласини ўртага қўйди (камина 1974 — 1993 йилларда газета масъул котибининг ўринбосари бўлиб ишлаганман). Таклиф ва мулоҳазалардан сўнг бу хайрли ишга бош-қош бўлиш масъул котиб Эркин Хўжаев зиммасига юклатилди. Юнус Зиёдов эса ҳамкасбларининг таърифига кўра «музей директори» бўлди. Тез орада газета таҳририятининг чинакам кўзгуси юзага келди. Бугун музей хонасига кирсангиз, тарихга муҳрланган турли тарихий ҳужжатлару суратларни кўрасиз. Улар «Ўзбекистон овози» қаламкашларининг давр нафасига ҳамоҳанг ижод этиб борганлигидан ҳикоя қилади. Музей соҳибининг иши давом этмоқда: уни ҳам мазмунан, ҳам шаклан бойитиб бораётир.

Ўн йилдан ошдики, Юнус Зиёдов «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририятининг иш юритувчиси бўлиб меҳнат қилаётир. Ишга барчадан олдин келиб, кейин уйга қайтади. Кун давомида таҳририятга келувчи турли ёшдаги инсонлар билан самимий муносабатда бўлиб, оғирини енгил қилишга, шу муқаддас даргоҳдан хурсанд ҳолда чиқиб кетишига интилади.

Очиқ чеҳрали, самимий, дилкаш инсон Юнус Зиёдов тиғиз иш вақтига қарамай, барчанинг кўнглини бирдек ола билади. Шу боис уни барча эъзозлайди, ҳурматлайди. Ёшлари улуғ бўлса-да, кексаликка ён бермаяпти. Энг муҳими, ижод билан машғул. Фахрий журналистлар, диёримизнинг таниқли инсонларининг ҳаёт йўли ҳақида ёзаётган сержило лавҳалари «Ўзбекистон овози» газетаси саҳифаларида тез-тез чоп этиб бориламоқда.

*Эркин ХЎЖАЕВ*

## У... БОЙҚЎНҒИРГА ҲАМ БОРГАН

Етмишинчи йилларнинг бошларида «Совет Ўзбекистони» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетаси таҳририятига бир гуруҳ иқтидорли ёшлар ишга таклиф қилинди. Уларнинг айримлари республика ёшлар ва болалар матбуотида, вилоят газеталарида хизмат қилиб, муайян тажриба орттирган бўлишса, бошқалари тўппа-тўғри талабалик курсисидан келишган эди. Аммо ҳаммани ягона мақсад — журналистика сир-асрорларини пухта эгаллаш, қалам кучи, тафаккур қудрати, истеъдод нури билан халққа хизмат қилиш орзу-мақсадларини куйлаш, шодлигу хурсандчилигидан қувониш, унинг дарду аламларига шерик бўлиш туйғуси бирлаштириб турарди. Бу даврда таҳририятда Мақсуд Қориев, Холбек Ёдгоров, Маъруф Назаров, Жуманиёз Жабборов, Эътибор Охунова, Самад Қодиров, Абдулла Абдуқодиров, Абдукарим Набихўжаев, Усмон Юсупов, Жўра Холқосимов, Муҳиддин Жалолов, Ҳайдарали Иброҳимов, Мурожон Мансуров, Ўткир Абдуазимов, Яҳё Тўхтаев сингари ажойиб қаламкашлар, покиза қалбли мураббийлар, ўз соҳасининг ўткир билимдонлари тер

тукишарди. Улар ёшларни меҳрибон падар, мунис волида каби ардоқлаб, билганларини аямай ўргатдилар, ҳаётнинг чақир тошли сўқмоқларида адашмаслик, чархи кажрафторнинг беўхшов «ҳазиллари»га дош бериш дарсидан эринмай сабоқ бердилар. Ҳаёт ҳаёт-да! Устозларнинг айримлари ҳозир орамизда йўқ. Ишоним комилки, улар ҳаёт бўлганларида эди, шогирдлари камолотини кўриб, еру кўкка сиғмаган бўлардилар.

Устозлар ишончини оқлаган ёшлардан бири, шубҳасиз, Намоз Саъдуллаевдир.

Намоз асли Самарқанд вилоятининг ҳозирги Қўшработ туманидан. Унга қўшни Нурота тумани ҳам асосан чорвадорлар, ғаллакорлар маскани ҳисобланади. Намознинг болалиги шу ерларда ўтгани учунми, чўпон ўтовларидаги бир пиёла чой, чорвадорларнинг тонготар суҳбатлари, ғаллакорларнинг ташвишу қувончлари ҳам унга яхши таниш. Шу сабабли бу мавзуларда ҳам бир қанча очерк ва мақолалар ёзди. Ҳозир кимгадир янгилик бўлиб туюлар. Намоз 1978 йили «Нон қўшиғи» сарлавҳали мақола ёзиб, кўпчиликни ҳушёр торттириб қўйди. Мақола Нурота туманида ғаллачиликни ривожлантириш муаммоларига бағишланган эди. Гўёки бу мақола шу кунларда, юртимиз ғалла мустақиллигини таъминлаш учун кураш олиб бораётган даврда ёзилгандай.

Эсимда. «Совет Ўзбекистони» газетасида Н. Саъдуллаев имзоси билан «Асл ва насл» номли мақола босилиб чиқди. Унда чорвачиликнинг энг долзарб муаммоларидан бири — қўйлар зотининг аслини сақлаб қолишга бағишланган эди. Мақола жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинди. Тегишли ташкилотлар дарҳол мақолани муҳокама қилишга киришдилар. Фақат айрим шухратпараст раҳбарлар, юлдуз таққан чўпонлар сукут сақлашди. Бунинг сабаби аён эди...

Вақт Н. Саъдуллаев кўтарган муаммонинг тўғрилигини, уни пайсалга солмай ҳал этиш кераклигини кўрсатди. 1985 йили собиқ Иттифоқ Қишлоқ хўжалиги вазирлиги СЖК препаратини қўллашни қатъиян манъ этиш тўғрисида махсус буйруқ чиқарди. Бу, шу ишга алоқадор барча кишиларнинг, жумладан, журналистнинг ҳам чин маънодаги ғалабаси эди.

Йиллар ўтди. Намоз Саъдуллаевнинг қалами тобора чарxланиб, маҳорат қирралари оша борди. Энди уни газета саҳифаларида, телевидение кўрсатувлари ва радио эшиттиришларида чиқишлари кўпайса кўпайдики, асло камаймади. Дилидаги ўйлари ва армонларини, эзгу орзу-умидлари ва ишончини китобларга кўчира бошлади. «Эл эъзозлаган элдошларим», «Тошкент чиннниси», «Дилкаш дўстлар давраси», «Яйлов гурунглари» китоблари унинг ижоди барқ ураётганлигидан далолат берарди.

Таҳририятимиз раҳбарияти Н. Саъдуллаевдаги истеъдод ва ташкилотчилик қобилиятини, агросаноат мажмуи масалаларини ўрганишга мойиллигини ҳисобга олиб, уни қишлоқ хўжалиги бўлими мудирлигига тавсия қилди. У бўлим ишини қайта ташкил этиш, газета саҳифаларига соҳанинг етилган, долзарб муаммоларини, унинг ечимларини излашга оид тажрибаларини олиб чиқишга, янги рукнларни очишга интилди.

Ҳар соҳада биринчи бўлиш қийин. Намозни журналистиканинг баъзи йўналишларида ўз ҳамкасбларидан ўзиб кетган қаламкаш деб ҳисоблаш мумкин. Бойқўнғирдаги машҳур космодромга қадами теккан биринчи ўзбек журналисти ҳам Намоз бўлади. У қаҳрамон фазогирлар билан юзма-юз туриб суҳбатлашиш, қудратли ракеталар ва ҳаво кемаларининг парвозини кузатиш шарафига муяссар бўлди. Улар-

нинг шижоати ҳақидаги хис-туйғуларини, Ўзбекистонлик фазогирларнинг ҳам бир кунмас-бир кун келиб шуҳрат қозонишларини орзу қилиб, умид тўла сатрларини қоғозга туширди.

Радио Арманистонда даҳшатли зилзила бўлганлиги, Ленинакан ва Спитак шаҳарлари кунпая-кун бўлганлиги ҳақидаги ташвишли хабарни тарқатган замоно, Намоз бош муҳаррир олдига кириб:

— Мени Ереванга юборсангиз, — деб туриб олди.

Ўша қаҳратон қиш кунларида бутун жаҳон афкор оммасининг диққат-эътибори Арманистонга қаратилган бўлиб, алоқа воситалари зўриқиб ишларди. Шунга қарамай Намоз Саъдуллаев ҳар куни эрталаб телефон орқали Ереванден хабарларни айтиб ёздирар, ўқувчиларни зилзила ўчоғидаги энг сўнгги янгиликлар билан таништирар эди.

Намоз бош муҳаррир ўринбосари лавозимида ишлаб юрган кунларидан бирида хонасига кирсам, қўлида телеграмма, ўйчан ўтирарди.

— Ҳа, дўстим, ўйчансиз, тинчликми?! — сўрадим ундан.

— Қишлоқдагилар мендан Ўзбекистон Олий Кенгаши депутатлигига номзодликка овозга қўйилишга розилигимни сўрашяпти. Нима деб жавоб беришга ҳайронман.

— Нега ҳайрон бўласиз?

— Мабодо, сайлангудек бўлсам, халқ ишончини оқлашнинг ўзи бўладими?! Қўлимдан келса, яхшия... Олдинги илтимосларига йўқ, деб жавоб берган эдим. Мана, энди қатъий талаб қилишяпти.

— Намоз, — дедим, — сизнинг илдизларингиз ўша тарафларда. Ҳамқишлоқлар ҳурматига ҳурмат билан жавоб берсангиз, яхши бўларди...

Шу гапдан кейинми ёки бошқалар ҳам шу фикрни айтишганми, ҳайтовур Намоз розилик берди. У

кўпчилик овозини олиб ноибликка сайланди. Ўз округида қатор хайрли ишлар амалга оширилган бўлса, Намоз депутатлик ваколати доирасида уларга салмоқли хисса қўшди. Олий Кенгашда эса, аввал Халқаро ишлар ва ошкоралик масалалари қўмитасининг раиси ўринбосари, кейин Халқаро ишлар қўмитасининг масъул ташкилотчиси лавозимларида ишлади. У чет эллардаги ватандошларни Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш парламент комиссияси котиби бўлди. Ўзбекистон ХДП аъзоси сифатида шу партия Тошкент шаҳар Юнусобод туман кенгашининг Олий Кенгашдаги ташкилотчиси бўлди.

Гап кимнинг қандай лавозимда ишлаганида эмас. Намоз, энг аввало, қаламкаш. Менимча, ижодкорга бериладиган асосий баҳо — унинг ёзган мақолалари, кўтарган муаммолари, жамиятга етказган нафи билан белгиланади. Яқинда навоийлик ҳамкасбларимиз Намоз ҳақида «Қалам қадрини оширган инсон» деб ёзишибди. Юз фоиз қўшиламан бу фикрга.

Дўстимиз Намоз Саъдуллаев ҳозир «Ўзбекистон овози» газетасида ишламоқда. У маҳорат билан сўз саралаб, уларни сатрларга маржондек тизиб келмоқда. Қаламкаш ижодда давом этаётган экан, унинг учун бундан ортиқ бахт йўқ.

*Ҳамид СУЛТОНОВ*

## ЁНИБ ЁЗАДИ

Истиқлолнинг ўн йиллиги арафасида Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси билан Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувват-



лаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси ҳамкорликда ўтказиб келаётган «Энг улуғ, энг азиз» анъанавий танловининг ғолиблари маълум бўлди. Улар орасида таниқли журналист Юсуф Бердиев ҳам бор эди. Ижодий мукофот унга мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий қудратини юксалтириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш ва миллий истиқлол ғояларини амалга оширишда ибратли фаолият кўрсатаётган замондошларимиз — «Ўзбекистон Қаҳрамони» юксак унвонига сазовор фидойи инсонлар ҳақида ёзган бадиий-публицистик очерклари учун берилди.

Ҳар бир ижодкорнинг бадиий адабиёт ва журналистиканинг етакчи жанрларида илҳом билан ёзиб, китобхону газетхонларнинг эътиборига тушишини осон тутиб бўлмайди. Бунинг учун маҳорат ва билим, ғайрат ва изланиш ва энг муҳими, ижодкорда қоғозга ёзилаётган ҳар бир сўз ва жумланинг залворини қалбдан тўла идрок эта олиш қобилияти бўлиши керак. Зеро, ҳақиқий иқтидорлик замирида тинимсиз ижодий меҳнат туради.

Истеъдодли қалам соҳиби Юсуф Бердиевни ҳам ана шундай хислатлар эвазига ўз ўқувчиларини топиб, улар меҳрини қозона олган ижодкорлар сафига сўзсиз қўшиш мумкин. Ижодий фаолиятни 1974 йилнинг январида «Совет Ўзбекистони» — ҳозирги «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририятида адабиёт ва санъат бўлимининг адабий ходимлигидан бошлади. Ана шу йили мен ҳам катта-кичик ёшдаги журналистлар ҳавас билан қараб, ишлашга орзуманд муқаддас даргоҳнинг аъзоси бўлган эдим. Бош муҳаррир Мақсуд Қориев, номлари таниқли Холбек Ёдгоров, Жуманиёз Жабборов, Абдукарим Набихўжаев, Самад Қодиров, Жўра Холқосимов,

Эътибор Охунова, Мурoджон Мансуров, Яхё Тўхтаев сингари журналистларнинг устозлик меҳридан тез орада жамоага қўшилиб, жўшқин ижодга киришганмиз.

Котибиятни таҳририятнинг юрагига, адабиёт ва санъат бўлимини эса маънавий қадриятлар, шеърий, насрий, санъат сарчашмалари келиб бирлашадиган булоққа қиёс этса бўлади. Юсуф билан иккимиз таҳририятнинг икки ирмоғида ишлаб, кам бўлмадик. Ҳамкасбимнинг қатор ажойиб очерк ва лавҳалари, публицистик мақолалари дорулфунун газета саҳифаларини безаб борди. Ўзбекистон адиблари ва санъаткорларининг нуфузли анжуманларидан ёки Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари кинофестивалларидан тайёрлаб ёзган мақолалари летучкаларда мақталиб, муаллифининг «Ижодий папка»сига қайд этиб борилганининг шоҳидиман.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши аппаратига ишга ўтганида Юсуф «Ўзбекистон овози» газетаси адабиёт ва санъат бўлимининг мудири эди. Табиийки, у устозлар таълимига амал қилиб, катта-ю кичик материалларни бўлимда обдон пиширитиб олар, сўнгра газетхонлар эътиборига ҳавола этарди. Таниқли ўзбек адиблару шоирларининг ҳали сиёҳи қуримаган асарларидан намуналар олиб келишда таҳририятнинг «совчиси» эди. Унутилмас саналарга бағишлаб махсус саҳифаларни тайёрлашга ўзгача меҳр билан ёндашганини кузатганман. «Ўзбек адиблари «Ўзбекистон овози» учун», «Дил изҳори», «Сиз кутган учрашув» сингари рукнларида унинг иштирокида тайёрланган бадиий-публицистик руҳдаги материаллар газетанинг маънавий мулкига айландики, бу билан у ҳамиша фахрланишга ҳақли.

«Голос Узбекистана» газетасининг ижодий жамоасида ишлаш вақтида Юсуф Бердиевнинг тиниб-тинчимас журналист эканлиги очиқ-равшан кўринди. Унинг саъй-ҳаракати натижасида русийзабон газетхонлар нашр саҳифалари орқали ўзбек маданияти, адабиёти ва санъати янгиликлари билан мунтазам танишиб бордилар. Кекса авлод ўзбек адиблари қатори умидли қаламкашларнинг ижодий намуналарини рус тилига таржима қилишдек хайрли ишга бош-қош бўлди.

Тақдирни қаранг: Юсуф билан 1997 йилдан «Кўзгу» газетаси (кейинчалик у «Кўзгу XXI» деб номланди)да бирга ишлай бошладик. У мақолаларни таҳрир этиш, жарангдор сарлавҳалар топиш, ҳаттоки, фотосуратларга жозибали, шеърий сатрларда тагсўзлар ёзишда ҳам ибрат бўлиб, жамоанинг ижодий йиғилишларида одатига кўра, фикр-мулоҳазаларини дадил айтиб борди. Бу вақтда у «Санъатимиз саркорлари» ва «Қашқадарё қаҳрамонлари» номли бадиий очерклар тўпламлари, «Жаҳонгир қўшиғи» — «Монолог Сахибкирана» шеърий китобининг муаллифи сифатида яхши танилган эди. Ҳа, ғайратли, ўзишдан чарчамайдиган дўстимиз журналистикадан бадиий адабиёт бўстонига илдам қадам қўйиб, тенгқур ижодкорлардан ўзиб кетди.

«Санъатимиз саркорлари» китобида миллий маданиятимиз равнақига беназир ҳисса қўшган машҳур намояндаларнинг фаолияти, «Қашқадарё қаҳрамонлари» саҳифаларида эса, аҳдига вафодор меҳнат илғорларининг умр лавҳалари ҳақида мароқ билан сўз юритилади. «Жаҳонгир қўшиғи» — «Монолог Сахибкирана» шеърий гулдастаси миллатимиз ифтихори, буюк инсон Амир Темур ва унинг ёрқин хотирасига бағишланганлиги билан эътиборлидир. Бу китоблар Юсуф Бердиевнинг қалами сайқал топиб, ўз

овози ва ўз услубига эга ижодкор эканлигидан далолат беради.

«Ўзбекистон Қаҳрамони» юксак унвонига мушарраф бўлган давримизнинг фидойилари ҳақида бадиий-публицистик очерклар ёзишга Юсуф Бердиев биринчилар қаторида қўл урганини яхши биламан. Шу боис мамлакатимизнинг турли гўшаларида, Истиқлол қаҳрамонлари яшаётган шаҳар ва қишлоқларда ижодий сафарларда бўлди. Унинг «Ёниб яшаётган одамлар» китоби эзгу ният йўлида юзага келган ижодий меҳнат маҳсулидир. Китоб саҳифаларидан ўрин олган йигирмата очеркда «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини олиб, кўксиларига «Олтин Юлдуз» тақиб қўйилган инсонларнинг ҳаёти, иш тажрибаси, бугунги ўй-нияти ва келгусидаги режалари тўғрисида мароқ билан ҳикоя қилинади. Зўр эҳтирос ила ёзилган китоб ҳақида республика матбуотида, жумладан, «Ўзбекистон матбуоти» журнали, «Ҳуррият», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Ишонч» газеталари саҳифаларида самимий фикрлар билдирилдики, бундай эътироф билан муаллифни чин қалбдан қутласак арзийди.

Юсуф Бердиев айни вақтда «Соғлом авлод» газетасида ишлаб келмоқда. У ҳамишагидек куюнчак, газетанинг мундарижасини бойитиб боришга интилади. Ҳамкасблари ундан миннатдор. Ахир, ўзига талабчан ижодкор шундай бўлиши керакда!

Кўрганда қувониб, кўрмаганда соғиниб, суҳбатлашишга ошиқадиган дўстимиз яқинда элликвойлар сафига қўшилди. Биз Яратгандан унга узоқ умр, эсон-омонлик тилаб, эзгу орзу-ҳавасингиз рўёбга чиқаверсин, деймиз.





## УМИДА РАҲМАТ ҚИЗИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси «Халқ сўзи»нинг катта мухбири Умида Файзиева билан бирга ишлай бошлаганимизга эндигина икки йил бўлса-да, биз кўп йиллик қадрдонга ўхшаймиз гўё. Севимли иборамизга кўра, умумий жиҳатларимиз кўп. Аввало, ҳамкасбмиз, аёлмиз. Қолаверса, феъл-атворимиз, кайфиятимиз, мушоҳада-мулоҳазаларимиз деярли бир. Шунинг учун бизни таҳририятдагилар «Опа-сингиллар» деб чақиришилар. Яхши-ёмон кунларда ҳам бир-биримизни авайлаб, суяшга ҳаракат қиламиз.

Умида ижодий жамоамизда барчага бирдек ардоқли. Ҳамкасбларининг ҳурматини жойига қўя олгани боис уни ҳам ҳамма эъзозлайди. Камтар, зарур бўлиб қолганида маслаҳатини аямайди. Ёзаётган мақолаларида эса ҳалол ва покиза табиати сўз ила жилваланиб туради. Баъзан унга ҳавас билан қараб туриб, «танглайини меҳнат билан кўтаришгани рост», деб қўяман.

Халқимиз «асли тортар наслига», дейди. Бу нақлнинг нақадар топиб айтилганлигини Умида тимсолида кўраман. Умида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Раҳмат Файзийнинг кенжа фарзанди. Унинг юриш-туриши, хатти-ҳаракати, гап-сўзи, муомала маданиятида Раҳмат Файзийдек улуғ ёзувчининг, у бош бўлган зиёли оиланинг нафаси уфуриб туради. Гапларни топиб-топиб, жой-жойига қўйиб сўзлаши ҳойнаҳой адажонисидан ўтган бўлса керак, деб хаёл қиламан. Ундай десам, онаси — Манзура аянинг ширин лутфларини, «айланиб кетай, сиздан» дея юз-кўзингизга майин боқишларини пайқаган одам ўзбек аёлининг

кенг бағрилигига, тантилилигига, меҳрлилигига тан бермай иложи қолмайди. Ҳа, ўзбекона энг яхши фазилату хислатлар Умидага меҳрибон ота ва онасидан ўтган. Бирор марта фалончи ёзувчининг қизиман, деб айтганини эшитмаганман. Аксинча, эл эъзозига сазовор, қалби пок ижодкорнинг қизи бўлиш — бахт, отаси ҳақида фақат яхши сўзлар эшитиш янада бахт.

Ҳа дарвоқе, Умида Файзиева отаси ишлаган, саҳифаларига қалб қўри бағишланган муборак даргоҳда журналистик фаолиятини бошлаганини айтиб қўяй.

— Ҳаммаси оддийгина бошланганди, — дея ҳикоя қилади Умида. — 1975 йили Тошкент Давлат университетининг филология факультети битирувчиларини ишга тақсимлаш гуруҳи қарорига кўра имтиёзли диплом билан ўқишни тугатаётган талабаларга қаерга бориб ишлашни танлаш ҳуқуқи берилди. Ўшанда биринчи марта дилимда ўйлаб юрган хаёлий ўйларим бирдан тилимга қандай кўчганини сезмай қолгандим... Шу тариқа «Совет Ўзбекистони» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетаси таҳририятининг мусаҳҳиҳлик бўлимида илк иш бошлаган куним — йигирманчи май кечагидек эсимда. Корректура сабоғини эринмай пухта эгалладим. Устозларим маслаҳати билан озми-кўпми хабарлар ёзиб турдим. Кейинчалик таҳририятнинг фан, маданият ва олий ўқув юртлари бўлимида ходим, катта мухбир бўлдим. «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвонига мушарраф бўлиш бахти мен учун азиз шу даргоҳда насиб этди. Саховатпеша, иқтидорингга яраша меҳнатни қадрлай оладиган журналист ва ёзувчи Мақсуд Қориевнинг тавсиясига биноан у бошқарган «Меҳригиё» газетасида ҳам ишлаб, кам бўлмадим. Ҳа, халқ дилидагини топиб ёзадиган қаламкаш ҳурмат топаверади, деб ўйлайман. «Халқ сўзи» газетасида ишлаш наҳадар

масъулиятли. «Ҳаётий нарса ёзиш учун кўп нарса билмоқ керак, кўп нарсани ҳис қилиш, фақат мия билангина эмас, қўл билан ҳам, қалб билан ҳам ишлашга ўрганиш керак» — ҳассос ва ардоқли шоира Зулфия опанинг ушбу холис ва доно сўзларини ҳар гал қўлга қалам олиб, катта-кичик мақола ёзаётганда дилимдан ўтказиб оламан...

Умиданинг сўзларини тинглаб, меҳнаткаш ижодкор сифатида қайта кашф этгандек бўлдим. Ҳа, уни таҳририятда турли ҳолатда кўраман: гоҳ мақола ёзаётган бўлади, гоҳ муаллифларнинг мақоласини таҳрир этиб, хаёлга чўмган бўлади. Шундай кезларда, Умида, яхши мақолаларни кўп ёзмоқдасиз, вақтни бой бермай, адангиз ҳақида хотиралар ёзинг, деб қистовга оламан. У оҳиста жилмайиб, Гулчеҳра опа, вақти келар, деб жавоб беради. Йўқ, шоир айтганидек, фурсат ғаниматдур, сингилжон...

2002 йилнинг баҳорида «Сен етим эмассан» фильми яратилганининг 40 йиллигига бағишлаб «Халқ сўзи» газетасида мақола чоп этиладиган бўлди. Умида бўлса, «одамлар қизи шу газетада ишлагани учун мақола чиқди», дейишмайдими, дея сўради биздан хижолат билан.

— Қизиқмисиз, фильм халқимизнинг маънавий мулки ҳисобланади, борди-ю сиз шу ерда ишлаётган ёки ишламаётган бўлсангиз ҳам мақоланинг чоп этилиши аниқ, деб унга тасалли бердим.

Пойтахтимиздаги «Киночилар уйи»да шу воқеа муносабати билан кеча ўтказилди. Кўпдан-кўп санъат мухлислари ҳузурида сўз олганларнинг бари Раҳмат Файзийнинг номини ёдга олди, фильм ўзбекнинг саховатини оламга кўз-кўз қилиб туради, дея таъкидлади.

Эртаси куни Умидадан кеча таассуротини сўраганимда, у ҳамишагидек соддадиллик билан «Хўп, савоб иш бўлди, адажонимнинг руҳи шод бўлди» деганини биламан. Чеҳрасига қарайман, кўзларида

севинч ёшлари... Ҳа, оқил фарзанд падари бузруквори изидан бориб, бор меҳрини, қалб қўрини ижодга бағишламоқда. Бундан зиёда бахт борми, ахир?!

Ҳамкасбим Умида оиласида ҳам ардоқли. Турмуш ўртоғи Ғайрат Раҳматуллаев ҳам ижодкор. «Ўзбектелефильм» студиясида режиссёр бўлиб ишлайди. Қатор ҳикоялар муаллифи. Яқинда «Адолат» нашриётида унинг «Нафс сиртмоғида» номли саргузашт қиссаси босмадан чиқди. Оилада уч қиз — Асалхон, Адибахон ва Адолатхон вояга етмоқда.

Донишмандлардан бири «Ўзингга ёққан одам билан доимий мулоқотда бўлиш умрингни узайтириб, руҳингни зиёда қилади», деган экан. Умида мен учун ана шундай муътабар инсон.

Ҳар куни эрталаб қадрдон хонамизга кириб борарканман, Умидахоннинг атиргулдай ним пушти юзлари, беғубор кўнглини эслатиб турувчи кўзларига тикиламан. Ҳа, унинг чеҳрасида ҳаётга, одамларга бўлган меҳр товланиб туради. Шу топда Умида менинг ҳаётимнинг ажралмас бир бўлагига айланиб қолганини янада чуқур англайман.

*Асрор МЎМИНОВ*

## СПОРТ — МИЛЛАТ ОБРЎСИ

Сафар Остонов мақолаларининг қаҳрамонлари жаҳон чемпиони Руфат Рисқиев ё спорт фидойиси Жўра Хоназаров... Улардан бири спортимиз юлдузи, яна бири соғлом турмуш тарзи жонкуяри. Эътиборга молик жиҳати, журналист уларни яхши танийди, эришган натижаларининг баридан хабардор. Шу боис мусоҳабаларда уларнинг дарду армонлари, халқимизга айтадиган эзгу ниятлари муштарак янграйди: «Энг бахтли куним ҳали олдинда деб



ўйлайман. Халқаро мусобақаларнинг шоҳсупасида лоақал битта ўзбек қизини кўрсам, ўша кун энг бахтли куним бўлади».

Шу ўринда спортчининг оғир меҳнатини, шарафли вазифасини очиб беришда журналист дўстимиз мақолаларининг ўрни алоҳида эканини таъкидлашни истардим. У мақолаларида спортчиларнинг натижаларидан кўра, уларнинг ғалабагача босиб ўтган машаққатли йўлларига эътиборимизни қаратади. Бу қиличбоз Собир Рўзиев, сузувчи Лариса Белоконь, гимнастикачи Оловиддин Отахонов каби спортимиз юлдузларига бағишланган мақолаларида яққол кўзга ташланади.

Қишлоқ спортини ривожлантириш, қадриятларни тиклаш, истеъдодларни излаб топиш ва уларни тарбиялаш ҳақида гап очилганда С. Остонов бийрон бўлиб кетади: «Қанчалаб табиий кучга эга полвонларимиз бор экан. Буни кейинги йилларда миллий кураш бўйича ўтказилган мусобақалар кўрсатди. Шу чоққача уларнинг номлари ўз қишлоқларидан, вилоятларидан нарига чиқмаган», «Ҳамма ҳам чемпион бўлавермаслиги мумкин. Бироқ ҳар бир киши ўз саломатлиги ҳақида ўйламоғи, болалигидан жисмоний тарбия билан шуғулланмоғи лозим. Жисмонан соғлом кишининг иши ҳам, ўқиши ҳам юришади».

Мусобақалар гултожи — Олимпиада! Спорт журналистининг маҳорати ҳам Олимпия ўйинларига бағишланган мақолаларида билинади. С. Остонов Олимпиада олтин медалига сазовор бўлиш спортчи ҳаётининг мазмуни, бундай ғалаба Ватан учун тарихий воқеа эканини ўқувчига тушунарли лавҳаларда баён этади. Бир мақоласида Монреал олимпиадасида кумуш медаль олган Р. Рисқиевга сўз беради: «Агар биров менга Олимпиадада чемпион бўласан-у, ўша заҳоти умринг тугайди деса рози эдим». Бошқа ма-

қоласида Москва олимпиадасида кумуш медаль олган С. Рўзиев ҳолатини шундай тасвирлайди: «Собирга нима дейишга ҳам ҳайрон эдик. Шунчаки гапларни айтиб тасалли бериш ўринсиз деб ўйлардик. Ҳеч қандай гап унинг кўнглини кўтара олмасди, олтин медаль ўрнини боса олмасди. Олимпия олтин медали унга яна орзу бўлиб қолди, армонли орзу». Лос-Анжелес олимпиадасига бора олмаган А. Белоконнинг ҳам армонлари бир дунё: «Ахир, биз ўз Олимпиадамизни йиллаб кутган эдик...» Халқимиз ҳам ўз Олимпиадасини йиллаб кутди.

Минг шукурки, Истиқлол туфайли биз ўз Олимпиадамизда қатнашдик! С. Остоновнинг Атланта олимпиадасини эслаганда, шодлиги ичига сиғмайди: «Бахтли кунларда биз беихтиёр Атлантани эслаймиз. Чунки биринчи бор шу ерда бутун дунё спортчилари гувоҳлигида Ўзбекистон номи тилга олинди. Ҳамюртларимиз дунё спортчилари сафида мағрур туришди».

Марказий Осиё ўйинлари шукуҳидан кайфияти чоғ С. Остонов Олимпия ўйинларини ҳам юртимизда кўришни истайди: «Мана бугун Олимп машъали Тошкентга етиб келди. Худо хоҳласа, Олимпия ўйинларининг ўзи ҳам келади. Бунинг учун аҳиллигимиз, бирлигимиз, тинчлигимиз, эрклилигимиз кафолат бўла олади».

Мен кўплаб спорт журналистларининг сафар таассуротларини ўқиганман. Уларда спортчиларнинг мусобақаларда неча сонияда масофани босиб ўтгани, неча метр баландликка сакрагани, неча килограмм тош кўтаргани етакчи ўринни эгаллайди. Наҳотки спорт журналистикасининг миқёси сония, метр, килограмм каби математик ўлчовлар билан белгиланади, дея ташвишга тушаман. Шунда С. Остоновнинг сафар таассуротлари спорт журналистикаси сўқмоқларидан бепоён манзиллар сари етаклайди. Эсимда, у 1991 йил апрель ойида Хитой сафарига жўнаб кетди. Хотирасида сафар давомида миллий курашимизни халқаро майдонга чиқариш ҳақида ўйлаганини ёзади. Маржондай териб чиқилган фикрлар шундай ниҳоясига етади: «Хаёлан Паҳлавон Маҳмуд қабри қошида тиз чўкаман. Ундан нажот сўрайман... Кўнглимда миллий курашимизни халқаро миқёсга олиб чиқиш мумкин экан деган умид пайдо бўлади». Некбин журналистнинг орзулари саккиз йил ўтгандан кейин рўёбга чиқди: «Шундай кунлар бўладики, буюк бир юртни, халқни ларзага солади, бутун бир мамлакатнинг бошини кўкларга етказади, унга битмас-туганмас фахр-ифтихор, ғурур инъом этади. Мамлакат тарихидан, миллат хотирасидан ўчмас жой олади. 1999 йилнинг 1—2 май кунлари юртимиз, халқимиз учун ана шундай муборак кунларга айланди. Минг-минг йиллик тарихга эга ўзбек курашини дунё тан олди!»

У яна бир сафар таассуротида Озодлик ҳақида ўйлайди... Муаллиф Озодлик, Ватан, миллат ҳақида ёзганда юрак қўрини қўшади. Бу муқаддас туйғуларни 80-йилларда нафис гимнастикачи Венера Зарипова билан қурган суҳбатида қаҳрамони тилидан чиройли тарзда беради: «Бетховеннинг машҳур классик асари «Апассионата»да лента билан машқ бажараман. Бу мусиқада озодлик, эркинлик учун кураш ифода этилади. Одамлар тинчликни, ғалабани интизорлик билан кутишади. Ниҳоят, ўша кун келади. Мусиқа Озодлик гимни бўлиб ниҳоясига етади». Истиқлолни соғиниб кутган С. Остонов севинчини яшира олмайди: «Биз энди миллат бўлиб, Ўзбекистон бўлиб майдонга тушамиз. Юртимизни, спортимизни ўзимиз дунёга танитамиз», «Тенглар орасида тенгмиз, мустақиллар орасида мустақилмиз», «Энг чиройли мадҳия бизники, энг чиройли байроқ бизники, энг чиройли Ватан бизники!...»

Кечагина С. Остонов спортга озгина кайишади-
ган хўжалик раҳбарини ҳам кўрса қувониб кетар-
ди, у ҳақда мақола ёзмагунча тиниб-тинчимасди.
Бу кун эса... Республикамиз Президенти Ислом Ка-
римов спортни ривожлантиришдаги хизматлари ва
Олимпия ғояларига садоқати учун Олимпия Олтин
ордени билан тақдирланди. Халқаро Олимпия қўми-
тасининг Лозаннадаги бош қароргоҳида мукофот-
ни топшириш маросими бўлди. Унда иштирок эт-
ган С. Остоновнинг севинчидан еттинчи осмонда
учиб юрганини тушуниш мумкин. Маросим сўнгги-
да теннис жонкуяри Сассон Какшури билан суҳбат
қуради ва ундан хулоса чиқаради. «Улуғ иш бўлди,
— деди у. — Каримов мукофотга муносиб раҳбар.
Президентингиз кўп доно одам. Умри узоқ бўлсин.
Оллоҳ паноҳида асрасин. Ўзбекистон буюк давлат
бўлади.

Ўзбекистонга кўп бор келган, ишларимизни, им-
кониятларимизни, тинч-тотувлигимизни ўз кўзи би-
лан кўрган холис кишининг фикри бу. Фақат у эмас,
балки юртимизни билган чет эллик ишбилармонлар-
дан тортиб, давлат раҳбарларигача кўпчилик бу бо-
рада ҳамфикр: Ўзбекистон — келажаги буюк мам-
лакат!» Ҳа, фуқаролари саломатлиги ҳақида қайғу-
радиган Йўлбошчиси бор юрт буюк бўлади.

Бир мақолада С. Остоновнинг спорт журналис-
тикасидаги фаолиятини тўлиқ қамраб олиш мумкин
эмас. Унинг бу борадаги ижодини батафсил билиш
учун «Совриндорлар», «Шоҳсупага йўл», «Оловид-
дин ва унинг сеҳрли дўсти», «Беш ҳалқа қиссаси»,
«Венеранинг кўз ёшлари» деб номланган бешта ки-
тобини, «Ўзбекистон ифтихорлари» тўпламини ҳамда
газета-журналларда чоп этилган қатор мақолалари-
ни ўқиш лозим. Ишончим комилки, бу ҳар бир ўқувчи
учун завқ-шавқ бағишлайди, маънавий дунёсини
бойитади.

## ҚУВОНЧИ ҚУШ КАБИ ПАРВОЗ ЭТИБ...

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Фармонига кўра мустақилликнинг олти йиллиги арафасида мамлакатимизнинг фан, маданият, оммавий ахборот воситалари ва ижодий ташкилотлари ходимларидан бир гуруҳи орден ва медаллар билан тақдирландилар ҳамда фахрий унвонларга сазовор бўлдилар. Тақдирланганлар орасида «Халқ сўзи» газетасининг катта мухбири, шоира Гулчеҳра Йўлдошева ҳам бор эди. Унга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист» фахрий унвони берилди. Биз уларни табриклаб, суҳбатлашиш мақсадида Тошкентдаги Матбуотчилар уйининг еттинчи қаватига кўтарилдик.

— Гулчеҳра опа, сиз учун биз ҳам қувондик. Кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Фахрий унвонингиз муборак бўлсин!

— Раҳмат! Очиғи, камтарона меҳнатим шу қадар тақдирланади, деб сира ўйламагандим. Бир куни кечки овқатдан сўнг қизларимга «Сизларга бир гапим бор: айтмасам, айтгим келяпти, айтсам, натижаси қандай тугашидан бехабарман» дедим. «Натижасини сизга эрталаб айтаман» деди учинчи қизим Нозимахон (биз уни оилада Давлатхон деб атаймиз). Унинг бу гапидан сўнг руҳимга бир ёруғлик тушгандек бўлди. Чунки қизимнинг аксарият айтган гапи тўғри чиқади. Эрталаб эса у ўрнидан тура солиб: «Табриклайман, ойижон, албатта мукофот оласиз! »деса бўладими?! Ўша куни 26 август эди. Тушдан сўнг қизим негадир уйга бирга кетамиз, деб ишхонамга келди. Иш куни тугай деб қолган бир пайтда таҳририятимиз телетайпи орқали мукофотланганлар рўйхати берила бошлади. «Она, табриклайман!» —

дея ҳамкасбим Жалолиддин Сафоев шошиб кирди хонамга.

Тонг қандай отганини билмайман. Ишга ҳаяжон ила келдим. Шундоқ хонамга кирсам, иш столим устига анвойи гул қўйилган. Бирга ишлайдиган дугонам Арофат эрта келиб, гулни қўйиб кетган экан. Ундан нафис бўй таралди, кайфиятим янада кўтарилди. Кечгача давом этган табрикларга шўнғиб, ўша куни ишламадим ҳисоб. Хонамдан одам аримади. Телефон орқали табрик сўзларини эшитдим.

Келаси куни саҳарда Фарғонадан синглим Нафиса қўнғироқ қилди: «Она, мукофотланган сиз у ёқда-ю, ғалвайси биз томонда», деди у ҳазил аралаш. Сўнг онамнинг табрик сўзларини тинглаб кўзимдан севинч ёшлари томганини сезмай қолибман...

— Сиз бир неча йил «Тошкент ҳақиқати» газетаси таҳририятида ишлагансиз. Ҳозирда «Халқ сўзи»да ижод қилиб келяпсиз. Гўзал ва дилбар шеърлар ёзасиз. Сиз учун журналистик ижод устунми ёки шоирликми?

— Иккаловини ҳам жондан ортиқ севаман. Табиатан шоирaман. Ҳаётимни шеър билан қутқариб қолдим. Ҳозир ҳам бирон нарсадан ҳаяжонлансам шеър ёзаман ёки шеър ўқийман. Дилимнинг ғуборларини шу йўл билан тарқатаман. Лекин ижодкор журналист бўлмаса газетада ишлай олмайди.

— Йигирма беш йиллик фаолиятингиз давомида энг сермаҳсул ва кўнглингиз тўлиб ишлаган вақтларингиз бўлганми?

— Назаримда инсон ёши улғайган сари ақли тўлиб, меҳр-оқибат тушунчаларини қадрлай борадими ёки бир ўлимдан қолган одам ҳаётнинг лаҳзалик эканлигини бошқалардан кўра теранроқ англай бошлайдими, ҳар қалай, уч йиллик танаффусдан кейинги ижодимдан кўнглим тўлгандек...

— Тўғриси, журналистикани чидаганга чиқарган дейишадику. Бу соҳада биз хотин-қиз ижодкорларга бирмунча қийин. Уй, бола тарбияси.

— Сиз оилада ҳамма нарсага улгуролганмисиз?

— Аёл журналистнинг, аввало иқтидори бўлмаса, қолаверса, уни турмуш ўртоғи тушунмаса у ҳеч нарсага эриша олмайди. Менинг турмуш ўртоғим ҳамма вақт ёнимда суянчиқ. У кишининг сўзлари бизнинг уйда қонун. Шахсан ўзим болалар ёшлигида қийналган вақтларим бўлган. Эрталаб уйдан боғчага, боғчадан ишхонага югурардим. Кечқурун шу маршрутнинг айнан тескариси. Ўшанда шундай шеър ёзгандим:

*Куни бўйи кайфиятим расволигин кўрсангиз,*
*Сиз туфайли ишхонага борганимда кечикиб...*

Кетма-кет қизлик бўлганимда эса қандайдир тушкунликка тушиб, энди ўғил кўриш насиб қилмас экан-да, деб ўйга толганман:

*Бир кун келиб лочинларга айлангинки, токи сиз*
*Ўғилмас деб йиғлаганим чиқиб кетсин эсимдан...*

Яхшиям қизларимнинг борлиги. Онам бошчилигида уч йил уйни эплаб ўтиришди. Ҳеч кимга зориктиришмасдан мени парваришлашди. Улар ўқишга, ишга кетишганда тилаб-тилаб олган тўққиз ёшли ўғлим ёнимда ўтирарди. Кейин билсам, у онамнинг ороми бузилади, деб ўртоқларига эшик қўнғироғини чалишни ҳам маън қилиб қўйган экан. Кўчага чиқиб айланиб кел, деб ёлворсам ҳам кўзларини мўлтиратиб ҳеч қаёққа жилмасди. Соғайиб кетгач, унга шеър ёздим:

*Қувончларинг кун бўлиб учсин,*
*Орзуларинг оламни қучсин,*
*Қизил ранглар юзингга кўчсин,*
*Мен ўлмасдан қолдим, болажон.*

— Кўпинча дўст бошга мушкул иш тушганда синалади, деган гап бор. Сиз шунга қандай қарайсиз?

— Жуда тўғри, топиб айтилган. Ҳаёт синовларидан ўтган гап. Қадрдонлар турмуш ўртоғим иккимиз

бахтсиз ҳодиса туфайли йиллаб ётиб қолганимизда ҳол сўраб келишди. Баъзилари эса... Мен уларни яхши кўрганим учунми, кўргим келган, соғинган пайтларим бўлган-у начора кўз ёшларимни ичимга ютиб қўя қолганман. Ўшанда инсонга меҳр зарурлигини янада чуқурроқ ҳис қилгандим.

— Ҳозир ўзингиз бошқаларга меҳр кўрсата оляпсизми?

— Ҳар бир қадрдонимнинг кўнглини иложи борича сўрагим келади. Жуда бўлмаганда телефон орқали.

— Сиз турли касб эгалари, турли ёшдаги инсонлар билан чиройли суҳбатлар эълон қилгансиз. Умуман, ижодий фаолиятингиз қандай кечади, қийналасизми ё...

— Шундай пайтлар бўладики, касбидан қатъи назар, суҳбатдошим билан жуда тез «тил топишиб», кўнглимдагидек мақола тайёрлайман. Суҳбатларим ён дафтаримда қолиб кетиб, газета юзини кўрмаган пайтлар ҳам йўқ эмас.

— Шеър ёзишда-чи?

— Шеърларимни аввал хаёлимда ёзиб оламан, ҳатто ёд бўлиб кетади, сўнг қоғозга тушираман.

— Гулчеҳра она, сизга берадиган саволларим жуда кўп. Лекин ўзингиз нима ҳақида сўрашимни, қандай савол беришимни истардингиз?

— Онам ҳақида сўзлашни яхши кўраман. Шу ёшда кичкина боладай гапиришим балки эриш туюлар. Лекин менинг онам — дунёда энг гўзал, меҳрибон, меҳнаткаш аёл. Отамнинг вафотидан сўнг кўчага чиқса эркак, уйга кирса аёл бўлган. Бирдан-бир истагим отамнинг қолган умрини ҳам онамга берган бўлсин. Онам ҳақида жуда кўп шеърлар ёзганман ва бундан кейин ҳам ёзаман. Лекин энг гўзал шеърни ҳали ёзолганим йўқ. Онам менинг ёзилмаган энг гўзал шеърим.





## ЭЛ МИННАТДОР БЎЛСА...

Ўтган асрнинг 70-йиллари адоғида тақдир мени «Тошкент ҳақиқати» газетаси таҳририятига олиб келди. Ўша пайтда мактабда ўқир эдим. Шу боис болалар ва ўсмирлар газетаси «Ленинг учқуни», ҳозирги «Тонг юлдузи»дан кейин бу редакция жуда жиддий ва салобатли кўринди.

— Ҳабибуллахон, бу укамиз хат-хабарлар билан бизнинг бўлимга қатнашиб юрибди, университетингиз тингловчилари сафига қўшсангиз, журналистиканинг сир-синоатидан воқиф бўлиб юрса, — дея газетанинг маданият бўлими мудири Саидвали Ҳасанов мени у кишига «топшириб» кетдилар.

Ўша пайтлари «Тошкент ҳақиқати» газетаси ҳузурида ишчи-деҳқон университети фаолият кўрсатар, республикага танилган машҳур, тажрибали, забардаст журналистларнинг тингловчилар билан қаламкашлик назарияси, у ёки бу мавзуларнинг ёритилиши тўғрисида мазмунли суҳбатлари бўлар эди. Булар бошловчи қаламкашларда катта таассурот қолдирар, кейинги сабоққача ўтилган мавзу бўйича «қоралама»лар ёзиб келиш вазифаси буюрилларди. Айтиш керакки, ўзига хос бу дорилфунун машғулотлари тўлақонли ўтар эди. Бу ишларнинг бошида «университет ректори» Ҳабибулла Олимжонов турарди.

Ўрта мактабни битириб, ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетнинг журналистика факультетида ўқиб юрган чоғларимда ҳам «Тошкент ҳақиқати» газетасига қатнаб юрдим. Ёз ойларини ўша Матбуот уйининг 14-қаватида ўтказардим. Журналист дипломини олгандан сўнг яна ўша таҳририятга ишга келдим. Устоз Мирсобир Мирҳамидовдан кейин Ҳабибулла ака бошчилигида ишлаш насиб этди.

Таҳририятда турғунлик йиллари фельетонлар бўлими кейинчалик «ошкоралик» йилларида ижтимоий масалалар бўлимига айлантирилди. Адолат истаб энг сўнгги бекат — газета деб битилган арзномалар оқими 80-йиллар охирида кучайгандан кучайди. Хатларни мазмунига қараб вилоят прокуратураси, суди, ички ишлар идораларига юборилларди. «Пичоққа илинадиганлари», яъни шикоят хатдан аризачининг бузилган ҳуқуқини тиклашга имкони бўлганлари журналист текшируви учун олиб қолинарди. Таҳририят почтасига Ҳабибулла Олимжонов имзоси билан босилган талай мақолалардан таскин топиб, ҳақ қарор топгани тўғрисидаги миннатдорлик хатлари тез-тез келиб турарди.

Ҳабибулла ака ҳар бир хатни ниҳоятда диққат ва синчковлик билан, зарур пайтда қайта-қайта ўқиб чиқар эди. Ва ҳар сафар хат бекорга ёзилмаган, унинг орқасида «инсон тақдири» турибди, дейишдан чарчамасди, адолат йўлида вақт-соати билан ҳисоблашмасди, бўлим ходимларидан ҳам шуни талаб қиларди у.

...Ҳабибулла аканинг ярим кечагача ишда ўтириши одатий ҳолга айланган эди. Баъзан газеталар кечикиб, тунда соат икки-учларда босиларди. Навбатчиликдан сўнг газеталарнинг янги сонларини редакцияга олиб кирганимда, у киши ижод билан банд бўларди. Кўп ҳолларда шанба-якшанба кунлари ҳам Ҳабибулла акани иш жойида учратиш мумкин эди. Журналист Ҳ. Олимжонов ёки Ҳ. Алимов, ёзувчи Ҳабибулла Олимжонов ижоди маҳсуллари асосан иш вақтидан кейин ёзиларди.

Ҳабибулла аканинг ишдан кейин қолиб ишлаши, эрталаб ишга кечикиб келиш одатлари муҳарриримизга ҳам аён эди. Шунинг учун у кишини эрта саҳарлаб қидириш бефойдалигини ҳамма билиб қолган эди. Мабодо муҳарриримиз беҳосдан сўраб қол-



ган тақдирда ҳам, э ҳали, бўлим мудирининг келадиган вақти бўлмаганку, деб қўярди.

Эрталаб эса у «Тинчликми, ҳеч ким мани сўрамадими», деб эшикдан кириб келарди. Шошилмай газеталарни ўқиб чиққач, «Ху-ўш, ишни бошлаймизми», дерди. Менда иш йўқлигини айтсам, кўчага чиқ, мавзу «тиқилиб» ётибди-ку, дерди.

— Кўчада юрганингда дуч келадиган барча муаммонинг ҳар бири алоҳида мавзу. Одамлар бу камчиликларга кўникиб кетишган, ғижиниб ўтиб кетаверадилар, биз журналистлар эса камчиликларга муросасиз бўлишимиз керак, — дерди у. Ва ҳар бир муаммо борасида, «Нега шундай, нега бошқача бўлиши мумкин эмас, кимнинг айби билан бундай бўляпти» деган саволларга жавоб топишимиз, одамларнинг дардини олишимиз зарур. Қолаверса, бунинг савоби ҳар кимга ҳам насиб этавермайди.

Мавзулар жуда майдалашиб кетмаяптими, десам, «ҳамма нарса мана шунақа майда-чуйдадан катта бўлади, уни майдалигидаёқ тўғрилаш керак» деб маслаҳат берарди.

Ҳабибулла аканинг ҳаётдан олиб ёзган ўткир танқидий мақолалари, мулоҳазали чиқишлари газета саҳифаларида тез-тез кўриниб туради. Ижодкор ҳамкасб-устознинг қаламига мансуб журналист текширувининг салоғи-ю залвори ўзгача. Уларнинг натижаси ўлароқ ноҳақ адолатсизликка учраганлар оқланди, малакаси етишмаган ҳуқуқ идоралари ходимлари тегишли жазосини олди. «Оқ халатдаги қора доғлар» мавзуидаги чиқишлари, «Рақамлар ўжар бўлади», деб турли қинғирликларни фош қилиб ёзган мақолалари у кишини элга танитди.

Ҳуқуқ мавзуида ихтисослашиб бораётган журналист Ҳабибулла Олимжонов, кейинчалик ҳуқуқшунослик касбини ҳам эгаллади. 40 ёш нари-берисида Тошкент давлат университетининг ҳуқуқшунослик

факультетини битиради. Бу эса ҳуқуқ идоралари ва- киллари билан тенг гаплашиш, баҳслашиш имкони- ятини яратади.

Ўзбекистон телевидениесида «Шаҳар бедарвоза эмас» кўрсатуви томошабинларни ўзига жалб қила олди. «Ойнаи жаҳон»нинг журналист шижоатини элга кўрсатиб бериши Ҳабибулла ака мисолида ҳам намоён бўлди. Газетада ишлаган пайтлари мен «редакция топшириғи билан келганман, исму шарифим Ҳабибулла Олимжонов» дейиши билан суҳбатдоши сергак тортарди. «Шаҳар бедарвоза эмас»дан кейин эса у кишини танимаган кексаю ёш қолмади, десак муболаға бўлмайди. Унинг «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист» фахрий унвонига сазовор бўлиши қаламкаш меҳнатининг эътирофидир.

Шогирди сифатида Ҳабибулла Олимжоновни республикамизнинг қалами ўткир, топиб ёзадиган журналистларидан бири дегим келади.

*Тўлқин ЭШБЕК*

## «АДОЛАТ» ЁҒДУСИ

Умрининг саксонинчи баҳорини кутиб олган ҳурматли устозларимиздан бири, журналистикамиз оқсоқоли Зиёд Исломович Есенбоев ҳар бир газета ва журнални эътибор билан кузатиб боради. У киши бош муҳаррирлик қилган «Ўзбекистон матбуоти» журналини варақласангиз, газета ва журналлар, радио ва телевидение фаолиятига оид ранг-баранг материаллар билан танишасиз. Отахон журналист турли ёшдаги ҳамкасбларининг ижодий фаолиятига ҳам бефарқ қарамайди. Ўз иборалари билан айтганда, у «униб-ўсаётган шогирдларини суяб, йиқилганини аяб» юради, «ёмонини яшириб, яхшисини ошириб» тўғри йўл кўрсатишга ҳаракат қилади. У киши бир гурунгда шундай деган эди:

— Мустақиллик шарофати билан пайдо бўлган янги газеталар орасида «Адолат»нинг алоҳида ўрни бор. Унинг бош муҳаррири Тўхтамурод Тошев ижодини кўпдан бери кузатаман. Ишончни оқлайдиган, ишни боплайдиган, обрўни сақлайдиган, устозу шогирдларни вақтида йўқлайдиган журналист! Йўқни йўндирадиган, борни ундирадиган, мухбирларни суядиган, яхшиликка эш бўлган, ижодини «беш» қилган бош муҳаррир, дегим келади уни. Умрим бўйи шу соҳада фаолият кўрсатиб келяпман. Янги таҳририят ташкил этиш, сўнг газета чиқаришнинг машаққатини биламан. «Адолат» газетасини йўқ жойдан бор қилиб, ўқишли, оммабоп нашрга айлантиришнинг ўзи бўлмайди.

Устоз журналист ҳақ гапни айтдилар.

Газета учун журналист ақл қаймоғини, кўз нурини, қалб қўрини, фикр дурини, бор маҳоратини аямайди. Шоир Сирожиддин Саййиднинг бир ажойиб журналист ҳақида ёзган «Ахборот қироли» сарлавҳали шеърини ҳаяжон билан ўқигандим. Журналистлар ҳақида сўз кетгудек бўлса, шу шеър ёдимга тушаверади. Наздимда, у барча заҳматкаш журналистлар ҳақида ёзилгандек туюлаверади. Бу соҳанинг машаққатларини ҳис қилган кишигина шу фикримга қўшилиши мумкин. Шеърдаги ушбу сатрларга эътибор беринг, беихтиёр кўз ўнгингизда яна бир заҳматкаш журналист — Тўхтамурод Тошев қиёфаси гавдалангандек бўлади:

*Менинг тушларимга киради унинг,*
*Кўзлари доим кўп кассета бўлиб.*
*Бу одам умрини тарқатиб борар*
*Ҳар куни, ҳар куни газета бўлиб.*
*... Ахборот қиролини ҳеч кўрганмисиз?*
*Кўксини чангаллаб, тезариб лаби*
*Уйига боради қоронғу тунда*
*Гўё ғижимланган газета каби...*

Эҳтимол, ушбу сатрларни ўқиётган айрим ҳамкасбларим мийиғида кулиб: «ўзининг мақолалари «Адолат»да «безотказ» чиққани учун тилидан бол томиб мақтаётгандир-да!..» деб қуйишар. Эҳтимол, улар маълум жиҳатдан ҳақдир. Худога шукур, ёзганларим бирор газета-журналда чиқмасдан қолмаса-да, мақолаларим кўпроқ «Адолат»да ёритилишини истайман. Нега дейсизми? Наздимда, бу таҳририят ходимлари «чет муаллифлар»га бағрини кенгроқ очади. «Адолат»нинг сўнгги саҳифасига эътибор беринг, айнан муаллифга қарата ҳеч қанака «бигизона» гап йўқ!

Ҳар бир газетанинг ўз йўналиши, доимий мавзулари бўлади. Жамиятимизда қонунлар устуворлиги, ҳақиқат, адолат тантанаси учун кураш «Адолат» газетасининг бош мавзуларидан биридир. Юртга, шу азиз Ватанимизга меҳр-муҳаббат туйғуларини янада жўш урдирадиган мушоҳадали мақолалар талайгина. Муштарийлар газета саҳифаларида ёритилаётган ҳар бир мақолани эътибор билан кузатишининг боиси шунда бўлса ажабмас.

Қатор йиллар мобайнида «Тошкент оқшоми», «Ўзбекистон овози», «Осиё бозори» газеталарида орттирган тажрибасидан самарали фойдаланиб, «Адолат» газетасини ташкил этишда жонбозлик кўрсатган ва шу кунга қадар бу нашрни халқимиз маънавий кўзгусига айлантираётган, жонкуяр ҳамкасбимиз Тўхтамурод Тошевга тасанно айтмай бўладими?

Ўнлаб суд очерклари, фельетонлари, муаммоли мақолалари ҳамда «Меҳнат — инсонни улуғлайди», «Эл ўғлони», «Ўзбекистон олтини», «Зимистонда қолган излар», «Адолат», сингари китоблари билан маънавий хазинамизга муносиб улуш қўшаётган истеъдодли қалам соҳибини эъзозламай бўладими?

Юртни эъзозласанг — эъзозлайди юрт, деганларидек. Т. Тошев меҳнатдан бахт топмоқда. У Ўзбе-

кистон Республикасининг Фахрий Ёрлиғи билан тақдирланган, «Шуҳрат» медали нишондори.

Келажаги буюк Ватанимиз боши узра адолат куёшини нур сочган ҳар лаҳзада «Адолат» ёдуси ҳам унга пайваста бўлавершини тилаб қоламиз.

*Жасур НОСИРОВ*

## ДАВРГА МОС ОВОЗИ

Кўпгина қаламкашлар қатори Мирғиёснинг ҳам суяги журналистика бешигида қотган. У 70-йилларда ўрта мактабни тамомлаб «Тошкент ҳақиқати» газетасида мусаҳҳиҳ бўлиб иш бошлаган кезлари ёдимда. Серҳаракат, тийрак ва ёқимли йигитча эди. Босмахонада териліб саҳифаларга қўйилган материалларни муҳаррирга ўқитишдан олдин ўзи бир сидра кўздан кечириб, хатоларни тўғрилагач, сўнг навбатчи муҳаррирга тақдим этарди. Шунда саҳифа кўп ишланмас ва босишга барвақт тайёр бўларди.

Мирғиёс саҳифаларни босишга эрта топшириб, кўнгли бироз таскин топиши билан дарров дарсликларни қўлга оларди. Ўшанда у газетада ишлаш билан бирга Тошкент давлат университетининг журналистика факультетининг кечки бўлимида ўқирди ҳам. Охирги босқични тамомлаш арафасида ижодий бўлимга кичик адабий ходим бўлиб ўтди. Шундан кейин қизғин мухбирлик фаолияти бошланди. Хонада кам ўтирарди. Ҳаётни ўрганиб, одамлар билан топишиш мақсадида гоҳ у туманга, гоҳ бу туманга хизмат сафари билан йўл оларди. Жўшқин репортажлари, дилбар лавҳалари билан эътиборга тушди.

Пахтакорлар, ғаллакорлар ва чорвадорлар турмуш тарзини яхши билганлиги учун ҳам уни кўп этмай 1974 йили янги ташкил этилган «Қишлоқ ҳаёти»

газетасига ишга чақиришди. «Тошкент ҳақиқати» газетасида тўплаган тажрибалари унга республика газетасида кенг қулоч ёзиб ишлаш учун қанот бағишлади.

Эсимизда, ўша йилларда «Қишлоқ ҳаёти» газетасида Бекобод туманидаги қурилиш ташкилотларидан бирининг раҳбари ҳақида ўткир танқидий мақола чиққан эди. Мақола катта шов-шувга сабаб бўлди. Ўзига бино қўйган бошлиқ турли хил йўллар билан газетани ва мақола муаллифини бадном қилиш пайига тушади. Шунда оқни оққа, қорани қорага ажратиш, мақолада келтирилган ҳолатларга холисона баҳо бериш ёш журналист Мирғиёс Қаюмовга топширилади.

Вазифа масъулиятли: Бекободга йўл олиш керак. Қаҳратон қишнинг шамоли кўз очиргани қўймасди. Шундай шароитда Мирғиёс олис йўл босиб журналистик текширув ўтказади ва гуруҳбозликнинг илдизига етиб, мақола тайёрлайди. Унда маънавий етук бўлмаган, одамлар ташвишидан йироқ, ман-ман раҳбарнинг кирдикорлари холисона очиб берилган эди. Мақола кенг доирада муҳокама этилгач, бошлиқ ўз айбига иқрор бўлди ва газета орқали узр сўради.

«Қишлоқ ҳаёти» газетаси Мирғиёснинг янада камол топишида ўзига хос мактаб бўлди. Бу ерда етакчи бўлимларни бошқаради, кейинчалик бош муҳаррир ўринбосари сифатида жамоа ижодкорлари кучғайратини аниқ вазифалар сари йўналтира олди. Кенг кўламли ташкилий ишларни олиб бориш билан бирга мустақил республикамиз ҳаётининг турли қирраларини тўлақонли ёритишда шахсий намуна кўрсатди. Унинг меҳнатлари муносиб баҳоланмоқда. Мамлакатмиз ички ва ташқи сиёсатини матбуотда изчил ва ҳозиржавоблик билан ёритиб келганлиги учун Президент фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.



Беш йилдирки, Мирғиёс Қаюмов Ўзбекистон Республикаси касаба уюшмалари нашри — «Ишонч» ва «Ишонч — Доверие» газеталари бош муҳаррири сифатида қизғин фаолият кўрсатиб келмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, бозор иқтисодиёти шароитига тез мослашиш туфайли нашрларнинг иқтисодий аҳволи яна ҳам яхшиланди. Таҳририятлар малакали, масъулиятни ҳис этувчи изланувчан кадрлар билан мустаҳкамланди. Энди «Ишонч» газетаси илгаригидек ҳафтада икки марта эмас, тўрт марта чоп этиладиган бўлди. Адади қисқа вақт мобайнида 12 минг нусхага кўпайди. Демак, газетхонлар даврасии яна ҳам кенгайди, хатлар оқими кучайди.

Газетхонлар таклифи билан саҳифаларда «Президент фармонлари ва Ҳукумат қарорлари ижросини текширамиз», «Ислоҳотлар инсон учун», «Ҳуқуқий маслаҳатхона», «Ишонч» фош этади» каби долзарб рукнлар пайдо бўлди. Шу тариқа газета инсон манфаатларини ҳимоя қилувчи жанговор нашрга айлана борди, даврга мос ўз овозига эга бўлди.

Таҳририятда бўлганимизда бош муҳаррир Мирғиёс Қаюмовни ҳамиша иш қизғин, ижодий иш устида кўрамиз. Гоҳ саҳифаларни синчиклаб ўқиётган, гоҳ жўшқин сатрларни қоғозга тушираётган, гоҳ таҳририятга келган инсонлар билан суҳбатлашаётган бўлади. Бош муҳаррир учун ҳар бир дақиқа қадрли бўлишига қарамай оддий одамлар кўнглини овлашга, меҳрибонлик кўрсатишга вақт топаётганлигига қойил қоласан киши.

— Газета — муқаддас даргоҳ. Бу ерга келган кишининг кўнгли доимо тўқ бўлиб чиқиб кетиши керак, — дейди у ҳамкасбларига ва бунга ўзи қатъий амал қилади. Бундай даъват ҳамиша ижодий ютуқларни таъминлайди.

## МАВЗУЛАРИ КЎП УНИНГ

Халқимизнинг суюкли «Ўзбекистон овози» газетаси бағрида не-не қаламкашлар камол топган. Шулардан бири — Шоҳайдар Мирҳабибовнинг ҳам ўзига хос ўрни ва йўли бор. У мактабни тугатгач, дастёр бўлиб ишга келди. Қорачадан келган, чаққонгина, гавдаси миқти йигит бу ерда эътибор топди. Хабар ёки мақолалар ёзишда кун-бакун малакаси юксалиб борди. Чархланган пайтда аскарликка чақирилди.

Армиядан қайтгач, ҳарбий кийимини ечмаёқ таҳририятга кириб келди. Касбдошлари даврага олишди. Уни бош муҳаррир ўринбосари, севимли устоз Холбек Ёдгоров бағрига босаркан, «аввалги жойингда иш бошлайвер, шахмат ўйнашни унутмадингми?» деб ҳазиллашдилар. Оталарча меҳрибонлик аскар йигитни яна таҳририятга чорлади. Ўз касбининг устаси бўлган Моҳира Тухфатуллина, Абдуллажон Раҳимов, Алижон Маъзумов, Раҳима Муҳсимова, Мария Зиёдова, Мактуба Алимова, Абдунаби Маннопов сингари устозлари унга мусаҳҳиҳлик сир-асрорларини эринмай ўргатишди.

Устоз қаламкашларнинг ёзганларини газета оқлангунча ўқийвериб, кўзи пишган йигит бўш қолди дегунча ишлаб чиқариш соҳасида Тошкент атрофидаги илғор хўжаликларга бориб, қоғоз қоралаб келаверарди.

Илк иш бошлаган кезлари устозлар ўгити қўл келди. Бир гал Ўзбекистон халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасидаги республика полизчиларининг анъанавий «Ширинак» мусобақасидан репортаж ёзиб келди. Ўшанда устоз Абдукарим Набихўжаев уни эринмай таҳрир қилгач: «Мана энди репортаж бўлди.

бу жанрга ихчамлик маъқул, супрадай қилиб юборибсан. Ҳамма нарсани газета кўтармайди, пишиқ, лонли ёзишга ўрган. Сўзни тежа. Шундагина яхши бўлади», — деганди.

Устоз кўрган шогирд мана 30 йилдирки, етакчи қаламкашлар қаторида. Энди ўзи ёшларга сўз қўллаш мавридини ўргатмоқда. Унинг «Тилими тилни ёради», «Суворийлар от сурганда», «Пахтазор чорлайди», «Далалар уйюқ» сарлавҳали репортажлари эсда қолган. Айниқса, иқтисодий-таҳлилий мавзуларда ёзаётган мақолалари матбуот саҳифасида тез-тез кўринмоқда.

Шоҳайдар Мирҳабибовнинг ўз услуби бор. Фикри-ёди буюк келажак сари собит турган мустақил республикамиз иқтисодий ҳаётидаги жўшқин ўзгаришларни бўй-басти билан матбуот саҳифаларига кўчириш.

*Муҳаббат* ҲАМИДОВА

## БОЛАЖОНЛАР ХИЗМАТИДА

Журнал таҳририятининг котибият деган бўлими бор. Айтиш мумкинки, у таҳририятнинг тиним билмасдан уриб турадиган юраги.

Мирвосил Одилов «Гулхан» журналининг ана шу қайноқ жабҳаси сардори , яъни масъул котиби. Таҳририятнинг босмахона билан боғловчи элчиси. Бир қарашда оғир вазмли бўлиб кўринган масъул котиб аслида жуда оёқ-қўлли, чаққон. Бирор сонни бирор марта ҳам графикдан кечикиб топширмайди. Ҳеч қачон чарчадим, улгурмадим деб шикоят қилмайди.

Эҳтимол, бу ўз касбини яхши кўрганлигидан, эҳтимол, бу унга ота касблигидандир. Ана шу меҳр боис Мирвосил ака бугунги кунда журналнинг кўзга кўринган жонкуярига айланган.

Ҳамкасбимиз ўнлаб китобларнинг бадиий муҳаррири. «Қонун номи билан», «Ёш куч», «Халқ таълими», «Сиҳат-саломатлик» каби журналларнинг жонкуяр маслаҳатчиси.

Юқорида айтдик, матбаачилик Мирвосил аканинг қонида бор. Дадаси Воҳид ака Одилов истеъдодли хаттот рассом бўлганлар. Мирвосил акани 17 ёшида қўлидан тутиб «Гулхан» редакциясига олиб келган амакиси — мусаввир Қобил Одиловнинг дадаси Ёдгор ака Одилов узоқ йиллар республика газета-журналларида техник муҳаррир, бадиий муҳаррирлик қилган, таниқли матбаачи.

Мана, 30 йилдан ошиқроқ вақтдан буён Мирвосил ака ўзбек болаларининг ойлик адабий-бадиий безакли журнали «Гулхан» хизматида. Халқда «пешонаси ярақлаган», деган гап бор. Бу гап ҳам гўё Мирвосил ака ҳақида айтилгандай. Йўқса ўша пайтда журналда бадиий муҳаррир бўлган машҳур рассом, ажойиб инсон, меҳрибон устоз Анатолий Николаевич Цигликцев қўлига шогирд бўлиб тушармиди? Анатолий Николаевич мўмин, қобил, ҳар бир маслаҳатга диққат билан қулоқ соладиган бу ёқимтой йигитчага ўз касби сирларини ўргатди. Олийгоҳга кириб ўқишида кўмаклашди.

— Бадиий муҳаррир меҳнатисиз журнал журнал бўлмайди. Бошқа ҳамкасбларининг меҳнатини юзага чиқарадиган — бу бадиий муҳаррир ва масъул котиб, — дея таъкидларди устози. — Бунинг учун кўп ўқишинг ва изланишинг керак.

Мирвосил ака бутун иш фаолиятида ана шу ўгитга содиқ. У бор маҳорат ва тажрибасини ишга солиб журнал безади. Журнални Ўрта Осиё республикаларида чиқадиган болалар журналлари орасида энг олдинга олиб чиқди.

Энди эса масъул котиб сифатида унинг ишлари янаям кўпайган. Журналда чоп этиладиган ҳар бир



мақола, лавҳа, бадиий асарнинг болаларбоп, содда, равон тилда ёзилиши, ҳар бир асар болалар оламини, бадиий дидини ўстиришга, ўзбекона ахлоқли, мустақил диёрнинг мустақил фикрловчи кишилари бўлиб камол топишига хизмат қилиши керак деган ақидага амал қилади, амал қиладигина эмас, бошқалардан ҳам, шогирдларидан ҳам шуни талаб қилади.

Одатда болалар матбуотида болаларни севган, болалардай содда, самимий, касбига садоқатли кишилар меҳнат қилади. Ўзбекистон халқ таълими аълочиси Мирвосил Одилов ана шундай фидойи инсонлардан.

*Санджон САТИШЕВ*

## ЧОРАК АСР БИР ДАРГОҲДА

Ўзбекистоннинг собиқ Телевидение ва радио эшиттириш давлат қўмитаси раисининг хорижий мамлакатларга радио эшиттиришлар бўйича муовини, устоз журналист Ҳелам Раҳим ўғли Худойбердиев 80 ёшга тўлган кунларида у кишининг хонадонига ташриф буюрдим. Эшикни Ҳелам аканинг умр йўлдоши Адолатхон она очиб, мени уйга бошлади. Боғли ҳовли, кўп хонали уйлар жимжит.

Чорак аср бир даргоҳда бирга ишлаган устоз билан узоқ суҳбатлашиб ўтирдим. У илгаригидек аниқ, мантиқли, равон фикрлар, хотираси ҳам равшан эди.

Ҳелам Худойбердиев 1918 йили Қозоғистоннинг Олмати вилояти Уйғур туманига қарашли Шунқор қишлоғида камбағал деҳқон оиласида таваллуд топган. Отаси Раҳимқул ака вафотидан кейин у ёш бўлишига қарамай, онаси Оминахонга деҳқончилик ишларида ёрдамлаша бошлади. У пайтлар яқин орада янгича ўқитадиган мактаб йўқ эди. Қишлоқда мактаб қурилиб, ўқиш бошланганида Ҳелам ўн ёшга

кириб қолган эди. У қишлоқда учинчи синфни битирганидан сўнг Ёркент шаҳрига бориб, етти йиллик мактабда ўқийди. 1935 йили шу мактабни тамомлаб, Олмати шаҳридаги кон-металлургия институтининг тайёрлов факультетида ўқишни бошлайди. У вақтлар Олмати шаҳрига уйғур зиёлилари тўпланган бўлиб, Исмоил Тоиров муҳаррирлигида уйғур тилида «Қизил туғ» газетаси ҳам чиқиб турарди. Ҳелам ўқишни тўхтатмаган ҳолда шу газета таҳририятига мусаҳҳиҳ бўлиб ишга кирди.

Таҳририятда ишлаб, уйғур зиёлилари билан яқиндан мулоқотда бўлиш Ҳелам Худойбердиевда журналистикага қизиқишни кучайтиради. У 1937 йили Тошкент шаҳрига келиб, Ўрта Осиё Давлат университетининг ишчилар факультетига ўқишга киради. Лекин ўқишни битиришга улгурмайди. Кунларнинг бирида уни Ўзбекистон ёшлари ташкилотига чақиришади:

— Сиз Олматида газета редакциясида ишлаган экансиз. Энди ўқув нашриётига бориб, уйғурча дарсликларни нашр қилишга ёрдамлашинг! — дейишади.

Нашриётда ёлғиз ўзи ишлаётган Абубакр Худойқулов ёш Ҳеламни хурсанд бўлиб кутиб олди. Унга ғамхўрлик қилиб, ноширлик илмини ўргата бошлайди. Орадан кўп ўтмай Ҳелам Худойбердиев дарсликлар тайёрлаш ва нашр қилиш сирларини эгаллаб олади. Дарсликларнинг муаллифлари қаторида унинг номи ҳам кўрина бошлаган бир пайтда уни армия сафига хизматга чақиришади. Ўшанда 1940 йилнинг бошлари эди.

Иккинчи жаҳон йилларида у фронтда бўлиб, Руминия ва Венгрияни душмандан озод қилиш учун жангларда қатнашди. Сўнгра Австрия пойтахти — Вена шаҳри учун жангларда иштирок этди.

1947 йилда ҳарбий хизматдан қайтган Ҳелам Худойбердиевни Ўзбекистон радиоқўмитасининг раиси Абдулла Ўразаев ишга таклиф қилди. Худди шу



йили Ўзбекистон радиоси орқали уйғур, форс ва инглиз тилларида чет мамлакатларга эшиттиришлар бериш бошланган эди. Уйғур таҳририятида Ҳелам икки-уч ой ишлаб улгурмасиданоқ уни Шарқий Туркистонга хизмат сафарига юборишади. Сафардан қайтгач, тўғри Ўзбекистон радиосига келиб, ўз ишини давом эттиради. Айни вақтда Тошкентда фаол иш олиб бораётган «Шарқ ҳақиқати» нашриёти билан ҳамкорлик қилади, рус тилидаги китобларнинг уйғур тилига таржима қилинишига маълум даражада ўз ҳиссасини қўшади.

Ҳелам Худойбердиевнинг таржимонлик соҳасидаги тажрибаси унинг 1953—1954 йилларда иккинчи марта Шарқий Туркистонга бориб, «Шинжонг халқ нашриёти»да бош маслаҳатчи бўлиб ишлаган пайтида катта ёрдам берди.

Ҳелам ака шундан кейинги бутун фаолиятини Ўзбекистон радиоси билан боғлади. У шу даргоҳда ишни кичик муҳаррирликдан бошлаб, муҳаррир, катта муҳаррир, бўлим мудири, бош муҳаррир бўлиб ишлади, Ўзбекистон телевидение ва радио эшиттириш давлат қўмитасининг раис муовини лавозимигача кўтарилди. У раис муовини бўлиб чорак асрга яқин ишлади.

Маълумки, Ҳелам ака 1947 йили шу даргоҳда иш бошлаганида хорижга бор-йўғи уч тилда эшиттиришлар берилар эди. Уларнинг эфирдаги жами вақти икки соатга ҳам етмасди. Ҳелам Худойбердиев раҳбарлик қилган даврда хорижий мамлакатларга бериладиган ана шу эшиттиришларга ўзбекча («Ватандош» учун), араб, ҳинд, урду ва дари тилларидаги эшиттиришлар ҳам қўшилди, уларнинг умумий вақти ўн соатдан ошиб кетди.

Ҳелам Худойбердиевнинг ўзи айтганидек, у Ўзбекистон радиосининг фарзанди эди. Шу билан бирга у Ўзбекистонда яшаётган уйғур халқининг маданиятини кўтариш йўлида муайян ишларни амалга ошир-

ди. 1967 йили Ҳелам аканинг ташаббуси билан Ўзбекистон телевидение ва радиоэшиттириш давлат қўмитаси қошида уйғур ашула ва рақс ансамбли ташкил этилди. Бу ансамбль Қозоғистон ва Ўрта Осиё республикаларида уйғур санъатини тарғиб қилишда катта хизмат қилди.

Ҳелам Раҳим ўғли Худойбердиев 1985 йили ҳурмат билан дам олишга кузатилди. Одатда ёши улғайиб дам олишга кетган кишиларнинг номи, илгари қандай юқори лавозимда ишлаганидан қатъи назар, вақт ўтиши билан аста-секин унутилади. Лекин Ҳелам ака дам олишга чиққан бўлса ҳам ижтимоий фаолиятини тўхтатмади.

1991 йили Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги эълон қилингандан кейин, шу диёрда яшаётган турли миллатларнинг миллий маданиятини юқори кўтариш мақсадида республика байналмилал маркази ташкил қилинган эди. Бундан хабар топган Ҳелам Худойбердиев уйғур маданият марказини ташкил этишга киришиб кетди. Орадан кўп вақт ўтмай, қурултой чақирилиб,шундай марказ ташкил қилинди. Ҳелам Худойбердиев шу жамиятнинг раиси этиб сайланди. Эътироф этиш керак, мазкур марказ кўпгина ибратли тадбирларни ташкил этмоқда. Қадрдонлари даврасида эзгу ишларни амалга ошираётган тиниб-тинчимас оқсоқолга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз.

*Зулфия ОБИДОВА*

## ДИЛГА ЯҚИН

Умр — ҳар бир инсонга Аллоҳ берган буюк неъмат, уни хазиналардан топиб бўлмайди. Умрни эъзозлаб, қадрлаб яшаш ақлли кишининг фазилатидир.



Сўфия Бухараева ибратли ҳаёт йўлини босиб ўтган, умрининг ҳар бир они, ҳар бир куни, ҳар бир йилини мазмунли ўтказган, меҳнат фаолиятини фидойилик билан радиога бахшида қилган ана шундай инсонлардан биридир.

Шу ўринда Ўзбекистон халқ шоири Туроб Тўланинг Сўфия опага бағишлаб ёзган, у кишига ноёб эсдалик бўлиб қолган дастхатини келтирмоқчимиз:

«Сўфия Шокировна — радионинг жонфидо қизи, опаси, онаси ва бўлғуси момосига байрам муборак!»

Ҳақиқатан ҳам Сўфия опа радионинг қизи, опаси ва Туроб Тўла каромат қилиб айтганларидек, бугунги кунда унинг ардоқли момосидир. У киши ҳавас қилса арзигулик ҳаёт кечирдилар. 16 ёшида, 1931 йили ана шу кутлуғ даргоҳга оддий техник ходима сифатида кириб келган Сўфия Бухараева кейинчалик бир неча йил радио қўмитаси раисининг ўринбосари лавозимида ҳам ишладилар, узоқ вақт мусиқий эшиттиришлар таҳририятида хизмат қилдилар, қанча-қанча шогирдларга мураббий бўлдилар.

Сўфия опа билан бирга меҳнат қилган ҳамкасблари, тенгдошлари, дўстлари, ўгитларидан баҳраманд бўлган шогирдлари у кишининг олижаноб фазилатларини мамнунлик билан таърифлайдилар.

Сўфия Бухараеванинг тенгдоши, оғир уруш йиллари у билан ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб меҳнат қилган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳаким Назир шундай ҳикоя қилади:

«Сўфия Шокировна республикамиз радиосининг тўнғич ходималаридан. Радиога унинг жуда кўп меҳнати сингган. Жамоадагиларнинг каттаю кичиги у кишини— «опа», «опажон» деб ҳурматлаши бежиз эмас. Сўфия опани нафақат радионинг билимдони, самимий маслаҳатгўй, энг яқин ёрдамчи сифатида ўзларига жуда яқин кўришади.

Мен 1942 йилнинг бошларида радиога ишга келганман. Сиёсий ахборотлар таҳририятига мени йўллаганлардан бири Суфия Шокировна бўлган.

Ушоққина ёш қиз ўша вақтдаёқ республика радиоси раисига ўринбосар бўлган экан. Мен радиода 11 йил ишлаган бўлсам, муттасил Суфия Шокировна билан мулоқотда бўлдим. Турли шаҳар, қишлоқ ва вилоятларга ижодий сафарга чиқиб, илғор замондошларимиз, машҳур кишилар ҳақида эшиттиришлар тайёрлаганимиз ҳамон ёдимда».

Маълумки, иккинчи жаҳон уруши йиллари душман босиб олган шаҳарлардаги бир қанча ёзувчилар Тошкентда паноҳ топишган. Улар шу ерда яшаб, шу ерда ижод қилишган. Жумладан, рус ёзувчилари Алексей Толстой, Сергей Бородин, Владимир Луговской, Украина ва Белоруссия ёзувчилари Якуб Колас, Янка Купала, Петрусь Бровка, Эди Огнецвет билан ўзбек ёзувчилари ўртасида яқин алоқа юзага келган. Бу алоқаларни мустаҳкамлаш ва юзага чиқаришда Суфия Шокировнанинг ҳиссаси катта бўлган.

Ўша даҳшатли уруш йиллари эшиттиришлар дастури тубдан ўзгартирилиб, радио зиммасига катта масъулият юкланди. Радио — фронт орқасининг энг жанговар, ҳозиржавоб оммавий ахборот воситасига айланди. Жуда оғир шароитда ишлашга тўғри келди. Магнитофонлар йўқ эди. ТАСС ва Совинформбюро материаллари Москвадан трансляция вақтида «Шоринафон»га ёзиб олиниб, зудлик билан ўзбек тилига таржима қилинарди. Шу ишларни ташкил қилишда Суфия Шокировна ҳам жонбозлик кўрсатарди.

Суфия опа радиода ярим асрдан кўпроқ хизмат қилдилар. Бу ишга бор меҳр-муҳаббатларини бахшида этдилар. Кам бўлмадилар, шунга яраша ҳурмат-эътиборга сазовор бўлдилар. У кишининг



радио тарихи билан боғлиқ хотиралари кўпгина воқеаларни худди кечагидек кўз олдимизда жонлантиради. Катта Фарғона канали, Фарҳод ГЭСи қурилиши, уруш йилларидаги воқеалар ҳамон у кишининг ёдида. Жангчи йигитлар, адиб ва санъаткорларнинг мактубларини Суфия опа кўз қорачиғидек асраб келади.

Суфия Бухараеванинг фаолияти кўп қиррали. У киши бир неча йиллар мусиқий эшиттиришлар таҳририятида ишладилар. Қанчадан-қанча буюк ҳофизлар, созандалар ижросидаги куй ва қўшиқларнинг магнит тасмасига туширилишида у кишининг хизматлари беқиёс. Ўзбекистон радиоси фонотекасидаги мусиқа ёзувлари жойланган қутичаларни кўздан кечирсангиз, кўпчилигининг устига «Муҳаррир Бухараева» деб ёзиб қўйилганини кўрасиз.

У киши ўзбек радиосида ёзувлар биринчи бор магнит плёнкасига туширилган пайтларни ҳам яхши эслайдилар.

— Радиода магнит плёнкасига ёзувлар тушириш дастлаб 1946 йилда бошланган, унгача «Шоринафон» деган аппарат ишлатиларди, — деб ҳикоя қилади Суфия опа. У пайтда фақат кичик-кичик асарлар ёзиларди. Москва радиоси республикамизга овоз ёзувчи бригадаларни юбориб турарди. Эсимда, биринчи марта бригада 1949 йилда Тошкентга келганида бу воқеа бир байрамдек бўлиб кетганди. Бригада давомийлиги 20 соатга яқин ҳар хил жанрдаги асарларни ва бадиий жамоалар ижодини магнит тасмасига туширди. Раҳбарият томонидан бригаданинг ташкилий ишлари менга топширилган эди. Келгусида Москва радиосига бориб, бадиий кенгашда қатнашишга тўғри келди. Мен жуда ҳаяжонландим. Кетишим олдидан Юнус Ражабий билан асарлар рўйхатини кўздан кечирдик. У киши менинг ҳаяжонланаётганимни сезиб:

— Сўфияхон, у ерда ҳам бизга ўхшаган одамлар ишлашади, бўш келманг, болам, — дедилар.

Бадиий кенгаш тортишувлар, баҳслар билан ўтди. Асарнинг ҳажмига ҳам кўп эътибор берилди. Биз сурнайчи Ашурали Юсупов иштирокидаги карнай-сурнай, ноғора ансамбли ижросида 30 дақиқали халқ куйларини олиб борган эдик. Карнай овози янграши билан бадиий кенгаш қатнашчиларидан бири «Ўҳу, бунинг садосини қаранг», — деб ҳайрон қолди. Шунда мен карнай қандай маросимларда чалинишини ҳақида сўзлаб бердим. Ўша ёзувлар ҳамон Ўзбекистон радиоси орқали ҳаво мавжларида янграб туради.

Сўфия Бухараева республикамиз композиторлари ва бастакорлари яратган мусиқаларни ёзиб олиш, уларни олтин фондда авайлаб асрашга бош-қош бўлган фаол ходимлардан бири эди. Радиодаги бадиий кенгашнинг ташкил этилишида, композиторлар, қўшиқ ёзувчи шоирларнинг ана шу кенгашга жалб қилинишида ҳам унинг катта хизмати бор. Ана шу бадиий кенгашда республикамизнинг машҳур ижодкорлари Юнус Ражабий, Мухтор Ашрафийдан тортиб, Левиев, Юдаков, Акбаров ва бошқалар қатнашар эди. Ҳар бир композитор ўзининг янги асарини шу бадиий кенгашга олиб келар ва бу асар биринчи маротаба радио орқали янграрди.

Сўфия опанинг кейинги йиллардаги фаолияти ҳам диққатга сазовор. У киши Ўзбекистон телевидениеси қошида радио-телевидение музейи ташкил қилинишига бош бўлдилар.

Республикамизда радиочилик бешигини тебратган Сўфия опани радионинг ҳар бир ходими, мухлиси: «Ҳамиша қадрдонсиз ва дилга яқинсиз», деб эъзозлайди.

## ЯХШИЛАРГА ЭРГАШИБ

Таниқли радиожурналист Зулфия Обидова билан суҳбатлашиб, унинг дил сўзларини тинглаш мароқлидир. Суҳбатдошимдан унинг радиога ишга келган кунларини сўрайман.

— Табиийки, ҳар бир соҳа вакили ўз иш фаолиятини бошланган дамларни ҳечам унута олмайди, уни доимо хотирлаб юради дедилар. — 1957 йилнинг 22 март куни Ўзбекистон радио уйига қадам қўйдим. Ўша кунги илк манзара ҳамон кўз ўнгимда. Радиожурналистларнинг устозлари деб эътироф этилган Суфия Бухараева ва Маъруф Қориев ишлаб ўтирган хонага кириб келдим. Улар мени самимийлик, меҳрибонлик билан кутиб олиб, иш столимни кўрсатдилар...

Ҳа, холисона айтганда Сўфия опа билан шоир Маъруф Қориев Зулфия опанинг энг биринчи устозлари эдилар. Сўфия опа касбни чин кўнгилдан севиш, интизомли бўлиш, ҳар бир ишни аниқ ва пухта бажариш каби хислатларни ўргатди. Маъруф аканинг камтаринлик, барчага баробар самимий муносабатда бўлиш, ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларга ишониш, ёрдам бериш каби фазилатлари унинг қалбига ёқилган бир чироқ бўлди. Тингловчи қалбида бир умр муҳрланиб қолувчи эшиттиришлар тайёрлашга даъват этиб турувчи адиб Ўлмас Умарбековнинг сиймосини ҳеч қачон унутмайдилар.

Радио уйи — маданият аҳли тез-тез келиб, учрашувлар ўтказиладиган маскан эди. Миллий мусиқамиз билимдони, академик Юнус Ражабий, машҳур бастакор, мусиқали драма санъатининг дарғаси Тўхтасин Жалилов, таниқли санъаткорлар — Лутфихоним Саримсоқова, Мукаррама Турғунбоева, Тамарахоним,

Назира Аҳмедова, Карим Зокиров, Мавлуда Аъзамова, ака-ука ҳофизлар Бобохон ва Акмалхон Сўфизо-новлар, Ўзбекистон халқ ҳофизи Шоқосим ҳамда у кишининг укалари Шоолим акалар билан Зулфия опа кўп марта учрашган эди. Уларнинг ҳар бирини ўзи бир олам, ўзгача алоҳида фазилатли инсонлар сифатида таърифлаб, улар ҳақида алоҳида-алоҳида эшиттиришлар тайёрлаб, эфирга узатганлар.

... 1965 йилнинг кузи эди, — дея ҳикоя қилади Зулфия опа. — Бастакор Тўхтасин Жалилов ижоди ҳақида радиоҳикоя тайёрлаш мақсадида у кишининг хонадонига борганман. Тўхтасин аканинг рафиқалари Малоҳатхон ая мени худди ўз қизларидек очиқ чеҳра билан кутиб олдилар. Тўхтасин аканинг ижодхонасидан эса танбур садоси эшитилиб турарди. Устоз куй тугаши билан ёнларидан жой кўрсатдилар. Салом-аликдан сўнг суҳбатимиз бошланди.

— Ҳозир чалган куйингиз жуда ёқимли бўлди. Янги куй бўлса керак-а, деб сўрадим, ўшанда.

— Баракалла қизим, тўғри айтаяпсиз, бу куй янги. Уни ҳали ҳеч ким эшитганича йўқ. Ўзбекистон ҳақидаги янги қўшиқнинг куйи, — дедилар.

Бастакорнинг ижодхонаси гўё мусиқанинг сирли олами ҳақида ҳикоя қилаётгандек эди. Деворда Нурхон ролининг ижрочиси Эътиборхон Жалилованинг сурати осиғлиқ турарди. Дарвоқе, минг-минглаб театр мухлислари қалбидан жой олган «Нурхон» спектаклининг мусиқасини устоз яратган эдилар.

Стол устида турган патефон ва пластинкалар ҳам диққатимни тортди.

— Бу пластинкалар яқинда чиққанми, — сўрадим қизиқиб.

— Йўқ, қизим, булар эски пластинкалар... Патефон эса 1935 йилда жаҳон рақс фестивалига борганимизда Лондонда бизга тақдим этилган. Эшитасизми, қўйиб берайми? — деб сўрадилар.

— Яхши бўларди, эшитаман, дедим. Ашуласини эшитиб, уни ким ижро этганини билолмадим. Шунда Тўхтасин ака жилмайиб:

— Ҳа, қизим, бир вақтлар мен ҳам ашула айтганман, — дедилар.

Ўша воқеадан сўнг радиога келиб, ашулани пластинкадан кўчириб фонотекамиз хазинасига тақдим этганимдан доимо фахрланиб юраман. Ҳар гал «Ёлғиз» ашуласи деб номланган қутичага кўзим тушганда Тўхтасин аканинг сиймоси, салобат билан мулойим боқишлари жонлангандек бўлади.

Яна бир учрашув ҳақида суҳбатдошим тўлқинланиб сўзлади: — Ўзбек саҳнасининг аяси — Лутфихоним Саримсоқова 95 ёшга тўлган кунларида у кишининг хонадонида бўлганман, ая билан мириқиб суҳбатлашганман. Начора, бу суҳбатимиз ўзаро сўнгги суҳбатимиз бўлди. Ая умрининг сўнгги кунларида ҳам одамлардан меҳрини, яхши сўзларини дариғ тутмаган эди. Бағри кенг бу олижаноб ажойиб санъаткор хайрлаша туриб: «Менга ўхшаб узоқ умр кўринг, соғ-саломат бўлинг, яхши ниятларингизга етинг, — деб дуо қилдилар. Яхши ниятлар ҳақида ўйласам, ушбу сўзлар ёдимга тушаверади. Демак, яхши инсонларнинг руҳлари ҳамиша тирик.

Ҳа, Зулфия опа «Барҳаёт сиймолар», «Ўзбекистон композиторлари ижодидан», «Санъат даргалари» сингари туркум эшиттиришларнинг муаллифи бўлди.

Радиожурналист учун ўз эшиттириши билан одамлар юрагига кириб боришидек катта бахт бўлмаса керак. Муаллиф ўз эшиттиришлари ҳақида тингловчилардан мактублар олган кезларда қоятда тўлқинланиб кетади. Тингловчининг сўзи маънавий қувват, ижодий жўшқинлик ато этаётгандек бўлади. Зулфия ҳаётида бундай қувончли онлар кўп бўлган.

Биргина мисол. Устозимиз Суфия Бухараеванинг 80 йиллигига бағишланган эшиттириш учун Зулфия

опа номига Хоразмдан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Ойбиби опа Худойбергановадан мактуб келган. Унда қуйидаги сатрларни ўқиймиз: «1931 йилдан бошлаб радиода фаолият кўрсатган фидойи ижодкор Суфия опа ҳақидаги эшиттиришни завқ билан эшитдим. 1946 йилдан то 1957 йилга қадар Хоразм вилояти радиосида диктор бўлиб ишлаганман. Суфия опани кўрмаган бўлсам ҳам, у киши ҳақида кўп эшитгандим. Республика радиоси орқали у ҳақдаги эшиттиришни завқ билан эшитдим. Радионинг фидойи ижодкорлари ҳақидаги юрак сўзларингиз жуда чиройли ифодаланди».

— Инсон ўз меҳнатидан кўнгли тўлса, у чинакам бахтлидир. Зулфия опа, айтингчи Сиз ҳам меҳнатингиздан қувонасизми? Кўнгил тўлмаган, армон бўлиб қолаётган нарсалар ҳақида нима дея оласиз?

— Сўзни мухтасар ҳолда айтадиган бўлсам, ҳамиша устозларимиз таъкидлаганидек, касбимга сидқидилдан ёндашдим. Юзлаб, минглаб мухлислар билан тил топиша олдим. Ҳа, армонсиз кўнгил бўлмайди. Радио эшиттиришларининг хусусияти шундаки, уни ҳамма эшитади. Бироқ эшиттиришларимиз ҳавода янграб, ўша соатда тингловчиларга маънавий озиқ беради-ю, лекин ҳеч китобда, қоғозда муҳрланмайди. Ойлар, йиллар ўтади, ёзув ленталари эскириши мумкин, улар қайта такрорланмаслиги мумкин. Шу боис газета ва журналларда ишлаётган ҳамкасбларимиз билан ҳамкорликда ажойиб эшиттиришларимиз матнларини жамлаб, ўзига хос рисола яратсак деган умиддаман.

Зулфия опа билан хайрлашиб, унинг хонадонидан қайтар эканман, фарзандларингиз омон бўлишсин, уларнинг, илоҳим, омадларини, роҳатларини кўриб юринг. Шогирдлар ташаккури сизга бўлсин, деган сўзлар қалбимдан ўтди. Ва энг муҳими, «Ўзтелерадио» компанияси Бадиий-мусиқий эшиттиришлар бош муҳаррияти муҳаррири Зулфия Обидованинг «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотланганн ҳақидаги хушхабар кўнглимни тоғдек кўтариб юборгани рост. Ҳа, шундай устоз билан фахрлансак арзийди.



*Гулчеҳра МУҲАММАДЖОН*

## ЗЕҲНЛИЛАР ҚАДРДОНИ

Талабалик пайтидаёқ Ўзбекистон телевидениесига ҳаваскор мухбир сифатида қатнаша бошлаган Тоҳир Муллабоев болалар учун кўрсатувлар тайёрлашга алоҳида меҳр қўйди. 1963 йилда, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти (ҳозир университет)ни тугатганида, уни ҳеч иккиланмай телевидениенинг Болалар кўрсатувлари Бош муҳарририятига ишга қабул қилишди. Бу касбнинг анчайин мураккаблиги, юятда масъулиятлилиги, машаққатлари ёш кадрни мутлақо чўчитмади. У илк устозлари — Шукрулло Шодиев, Ғани Жаҳонгиров, Али Жамол, Мели Норматовлардан телеижодкорликнинг ўзига хос сир-асрорларини ўрганди. Улардан айни вақтда ташкилотчилик, дадиллик, ташаббускорлик каби сифатларни «юқтирди».

Болалар иштирокидаги туркум кўрсатувлар кўп ўтмай журналистни элга танитди, ёш томошабинларнинг меҳрини қозонишга сабаб бўлди. Масалан, 70-йилларда кўпчилик эътиборини тортган «Зеҳн» телемусобақаси иштирокчилари ҳозиргача Тоҳир акани «устоз» деб эъзозлайдилар.

Яқинда уй албомидаги суратлар орасидан «Зеҳн» кўрсатуви тайёрланаётган жараён тасвирга олинган бир фотога кўзим тушиб қолди. Унда бир гуруҳ болалар ва ўсмирлар орасида жилмайиб ўтирган ус-

тозни кўрдим. Орадан қарийб ўттиз йил ўтса ҳамки, у киши ўзгармабди. Юз кўзларидан ҳамон ўша самимият, камтаринлик ва меҳрибонлик уфуриб турибди. Сабабини яна бир бор дилдан ҳис қилдим: беғуборлик рамзи бўлган болалар билан ишлаганлар одатда шундай яшайдилар!

Тўқсонинчи йиллар аввалидан эътиборан Тоҳир Муллабоев муҳаррирлигида «Болалигим — пошшолигим» рукнида янги туркум кўрсатувлар тайёрлана бошлади. Устознинг «Яшил чироқ», «Қувноқ стартлар», «Инсон болаликдан бошланади», «Табиат алифбоси», «Мактабимиз — фахримиз», «Шоирлар — болаларга» деган дастурлари ҳам жажжи томошабинлар ва улар ота-оналарининг севимли кўрсатувларига айланди.

Тоҳир Муллабоев ўзига хос болалар шоири сифатида ҳам қалам тебратиб келмоқда. Унинг ўнгта яқин қўшиғи санъат мухлисларига яхши таниш. Композитор Дилором Омонуллаева билан биргаликда ёзган «Туркистон фарзандимиз» қўшиғи «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танловининг энг яхши асари деб топилиб, 1998 йилги Наврўз шодиёналарида янгради. Миллий телевидениемизнинг «Булбулча» болалар ансамбли учун махсус ёзиб берган қўшиғи эса, гуруҳнинг ўзига хос гимнига айланди. Мазкур даста жаҳоннинг қайси бурчагида концерт намойиш этмасин, томошанинг аввалида худди шу қўшиқ биринчи бўлиб ижро этилади.

Ижодкорнинг топишмоқ-қўшиқларини кичкинтой болажонларимиз хиргойи қилиб юришади. «Бойчагадўмбоқчага» рукни остида «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни томонидан чоп этилган «Ғаройиб топишмоқлар» китобчасини ҳам улар илиқ кутиб олишди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг аъзоси, Республика халқ таълими аълочиси Тоҳир Муллабоев Алишер Навоий таваллудининг 525 йиллиги ку-

ларда ЮНЕСКОнинг биринчи даражали дипломи ва бронза медали билан тақдирланган эди. Бу олқиш моҳир тележурналист ва шоир меҳнати юртдошларимиз орасидагина эмас, балки ундан кенгроқ давраларда ҳам эътироф этилганининг ёрқин исботидир.

Ўзининг камтарин меҳнати билан келажагимиз ворислари — фарзандларимизни истиқлол руҳида тарбиялашга улуш қўшаётган ижодкорга «Умрингизга, ижодингизга барака, доимо соғ ва омон бўлинг, устоз!» деймиз.

*Мунира ҒАНИХЎЖА қизи*

## «МАШЪАЛ» ОВОЗИДА ЖЎШҚИНЛИК

Динкаш ҳамкасб — бу оддийгина сўз. Лекин бор хусусиятларимиз — нуқсону тўлиқлик, камчилигу ютуқларимиздан биринчи хабардор ҳам ана шу яқин одамимиз бўлади. Лекин кўпда ҳам бундай яқинликка эътибор бермаймиз. Кундалик турмуш, хизмат вазифаси билан елиб-югурамизу вақт, йиллар ўтганини сезмай қоламиз. Бу ўтган давр ортимизда қолади. Улар бизни улғайтириб, камолга етказаётганидан гўё бехабармиз. Қора сочларга оқ оралайди, чеҳраларга улуғворлик беради.

Камолот даври — бу босқичга етиб келгунча инсон ҳаёт деган мактабнинг комиллик билимларини, инсонийлик илмининг мукаммал жиҳатларини ўрганиб боради ва ўрганишда давом этади.

Ана шу йўлга ўрганиб, ўргатиб келаётган устозимиз, кўп йиллик қадрдон ҳамкасбимиз — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Шавкат Амиров ҳаёти ва фаолиятига бир назар ташласак...

Журналистлик касби Шавкат аканинг қалбига ёшлигиданоқ чўғ солган. Бу иссиқ тафт аввало ўз юрти жамоли, кўнгилдек виқорли тоғларининг сўлим ҳавосини, бетакрор қиёфасини қаламга олиш, одамларнинг меҳнатини рўёбга чиқариш бўлди. Ана шу орзу уни катта ҳаёт йўлига чорлади. Одамлар ҳақида ёзар экансан, улар орасида кўпроқ бўлмоқ, қилаётган меҳнати, заҳматию роҳатини бирга тотмоқ керак — бу журналист учун ёзилмаган қонун.

— Менинг кўз ўнгимдан, хаёлимдан бир манзара ҳеч қачон кетмайди, — деб ҳикоя қилади Шавкат ака Амировнинг қадрдон дўсти, ҳамкасбларидан бири, таниқли журналист ва шоир Тўлаган Тўхтаев. — Менинг Шавкатжон дўстим билан илк бор учрашувим 1960 йилларга тўғри келади. Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводига ишга кирган йилим. Корхонанинг улкан цехида жиккаккина ёш йигитнинг станок олдида парвона бўлиб астойдил меҳнат қилаётганлиги кўз олдимда қолган. Шунда дўстим ҳақида: меҳнаткаш, ишига фидойи, садоқат билан ёндашар экан, деган таассурот қолган.

Беш йил олий ўқув юртида олган билимларини ҳаёт билан уйғунлаштириб, одамлар орасига кирди. Улар билан тез тил топиша оларди. Чунки меҳнатда қўли қотган ёш журналист ўз қаҳрамонларининг меҳнатини қадрлай билар, улар қўлга киритган ютуқлар ҳақида мақолалар ёзишга ошиқарди. Шавкат Амиров ижоди серқирра: республика, вилоят, шаҳар газеталари саҳифаларида чоп этилган турли лавҳа, публицистик мақолалар, фотолавҳалар унинг қаламига мансубдир.

Меҳнаткашлик унинг қонида бор, дейишади дўстлари. Унинг ана шу фазилати Ўзбекистон радиосига ишга келганида, радиожурналистиканинг барча соҳаларида ижод қилганида ўзининг тўлиқ исботини топди. У ижодкорлик касбининг янги-янги

қирраларини намоён қилиш учун тинмай изланди. Бу жиҳатлар ҳам Шавкат Амиров ижодий фаолиятида изчил акс эта бошлади — республика радиосининг сиёсий-ижтимоий муҳарририятида етакчи журналистлардан бирига айланди. Унинг талқинидаги «Ўзбекистон ишчиси», «Ишчинома» публицистик-мусиқий эшиттиришлари кўплаб тингловчилар эътиборини қозонди. Журналист Шавкат Амиров томонидан тайёрланиб, эфирга узатилган «Оталар ибрати — ёшлар мактаби» кўп қисмли радиофильмлари ҳам тингловчиларда катта қизиқиш уйғотди, муаллиф мухлислари сонини янада кўпайтирди.

Қарангки, худди шу даврлар шўролар салтанатининг «хукм»лари яшнаган даври эди. Ўзбекистонда ўзбек халқи қалбининг энг чуқур жойларида яшириниб, илдиз отаётган орзу-умид ниш уриб қолди. 1978 йилнинг биринчи январидан бошлаб ўзбекистонликлар худди Москванинг «Маяк» радиостанцияси каби узлуксиз эшиттиришлар олиб борадиган ўзбек тилидаги «Машъал» радиостанциясига эга бўлдилар. Дастлаб бу радиостанция тўрт соатгина эшиттириш олиб борар эди. Бу хайрли ишнинг тепасида ўзбек халқининг ардоқли фарзанди Шароф Рашидов тургани учун ҳам ўша йиллардаёқ «Машъал» қамровини янада кенгайтиришга дадил киришилди. Бу — ўзбек тилидаги махсус радиостанциянинг очилишигина бўлиб қолмасдан, балки шўролар даврида ўз мавқеи ва қудратидан анча чекинган ўзбек тилини қайта тиклаш сари ташланган дастлабки мустақил қадам ҳам эди.

Ўша даврда «Сўнгги ахборот» бош муҳарририяти қошида ташкил топган «Машъал» радиостанциясининг ижодий гуруҳи ўн икки кишидан иборат эди. Шуҳрат Қосимов, Мираҳмад Раҳимов, Зайниддин Тожиев, Наримон Ирисов (охиратлари обод бўлсин) каби моҳир, ўз касбининг фидойиси бўлган журна-

листлар унинг дастлабки дастурларини яратганлар. Ана шундай кичик бир гуруҳ билан иш бошлаган Шавкат Амиров ўша пайтдаёқ «Машъал» истиқболини кўра билди. Эшиттиришлар вақти кўпая борган сари «Машъал»нинг эл орасидаги обрў-эътибори, мавқеи ҳам ортди.

Йиллар ўтган сари «Машъал»нинг ижодий жамоаси кенгайиб, оддий бўлимдан ўсиб чиқиб, бош муҳарририят сифатида таркиб топди. Бу ишларнинг бошида турган ва ташаббускори бўлган етук, маҳоратли журналист олдида энди янги-янги вазифалар, ижодий изланишлар турарди. Шавкат Амиров бош муҳаррир сифатида, аввало, кадрларни танлай билди, жамоада дўстлик, ўзаро ҳурмат ва самимият уфуриб турган ижодий муҳитни яратди. Бу эса ўз навбатида ўзининг ижобий самарасини кўрсатди, ижодкорларнинг янги-янги қирраларини очиб берди. «Машъал» тўлқинида эндиликда ахборот дастурлари қатори иқтисодий-ижтимоий, тарихий-публицистик, маънавий-маърифий туркум эшиттиришлар: «Тадбиркор», «Тарихингдир бир жаҳон», «Адолат овози», «Иймон-эътиқод, ҳидоят сари», «Одам — олам сарвари», «Саховат» рукнидаги эшиттиришлар эфирга узатилиб, ўзининг кўп сонли мухлисларига эга бўлди.

«Машъал» овози кейинги даврда нафақат республикамизда, балки дунё бўйлаб тарала бошлади. Айни пайтда уни Болтиқбўйи мамлакатлари, Яқин Шарқ ҳудуди давлатлари, Марказий Осиё, Ҳиндистон, Хитой, Эрон, Афғонистон ва Туркия каби қатор хорижий мамлакатларда истиқомат қилаётган ватандошларимиз ҳам тингламоқдалар.

2000 йил «Машъал» ижодий ходимлари учун қутлуғ келди. Бош муҳарририят мустақил янги канал тарзида фаолиятини бошлади. Эндиликда «Машъал» канали дирекциясининг директори Шавкат Амиров

ва унинг ижодий жамоасининг кўп миллионли тинг-ловчилари олдидаги масъулияти янада ортди. «Машъ-ал»нинг овози жаҳон бўйлаб баралла янграйверсин!

*Ориф УСМОНОВ,*
*Мавжуда РАЗЗОҚОВА*

## ТИНГЛОВЧИЛАР МЕҲРИ

Таниқли радиожурналист Сайид Мурод Тиллахўжаев умрининг 40 йилидан кўпрогини радиога бағишлаб, эл-юрт, ҳамкасблари орасида эъзозга сазовор бўлиб келмоқда. Радионинг жўшқин қозонида қайнаб, обдон пишди, бой тажрибалар орттирди.

Сайид Мурод Жанубий Қозоғистоннинг Сайрам қишлоғида туғилган. 1954 йилда Сайрамдаги ўрта мактабни тугатиб, Тошкентга келган. Ўрта Осиё Давлат университетининг (ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети) журналистика бўлимига ўқишга кирди. Ўқишни тугаллагач, Тошкент радиосига ишга жойлашди. Аввал кичик муҳаррир, мухбир муҳаррир, катта муҳаррир, кейинчалик бўлим мудири бўлиб ишлади. Радио бош директорининг ўринбосари бўлиб фаолият кўрсатди. 1991 йилдан буён «Ижтимоий ҳаёт» бош муҳарририятининг бош муҳаррири.

Ҳар бир касбда катта ҳаёт йўлига олиб чиқувчи устозлар бўлади. Унинг устозлари ҳақида бир-икки оғиз сўз. Катта муҳаррир Тожибой Алимов, радиокомитет раисининг собиқ ўринбосари Исҳоқ Ўктамов, катта муҳаррир Абдураҳим Алимов, машинкада матн ёзишни ўргатган Хадича Панни меҳрибон устозлар деб билади. Ўзбекистон телевидение ва радиоэшиттириш давлат қўмитасининг раиси бўлган Убайдулла Иброҳимовдан ҳам кўп нарса ўрганган.

Эшиттириш мавзусини қаламга олишда далилларни аниқ ва пухта билиб олиш, қаҳрамон билан дилдан суҳбатлашиш, тингловчига эшиттиришнинг асл моҳиятини қисқа ва лўнда етказа олиш сингари касб қирраларини Сайид Мурод Убайдулла акадан ўрганди.

Табиийки радиожурналист йиллар оша тўплаган тажрибаси орқали мавзулар доирасини кенгайтиришга доимо интилади. С. Тиллахўжаев ҳам радио даргоҳида ишлаб «Ўзбекистон: одамлар, ишлар ва режалар», «Инсон ва қонун» «Ички ишлар вазирлигида ўн уч дақиқа», «Сиҳат-саломатлик», «Илм — ақл чироғи», «Иқтисодимиз алифбоси», «Маънавиятимиз чинорлари»каби қизиқарли ва долзарб рукнлар асосида эшиттиришлар ташкил этди. 60-йилларда «Ота-оналар, сизлар учун» номли ҳафталик эшиттириш юзага келди. Ушбу эшиттиришни мунтазам олиб борди. Шундан сўнг «Мактаб ва ҳаёт», «Катталарга — болалар ҳақида» деган туркум эшиттиришлар эфирга чиқди. Табиийки, бу эшиттиришларда ёш авлод тарбиясига алоҳида урғу берилди. Шу туркумдаги эшиттиришлар учун республика Маориф вазирлигининг «Халқ маорифи аълочиси» нишони билан мукофотланди. «Катталарга — болалар ҳақида» туркум эшиттиришлари эса Ички ишлар вазирлиги томонидан ўтказилган кўрик-танловда муносиб баҳоланди. Юқоридаги туркум эшиттиришлар шу кунларда «Одобнома» ва «Илм-ақл чироғи» номлари билан бериб борилаётир.

— Истиқлолимиз мамлакатимиз ижодкорлари учун кенг истиқбол очди. Сиз бошқараётган «Ижтимоий ҳаёт» бош муҳарририяти эшиттиришларда Истиқлол берган улуғ неъматлар қай йўсинда ўз аксини топмоқда — дея сўраймиз С. Тиллахўжаевдан.



— Радиожурналистларимиз истиқлолимиз шарофати ва файзу неъмати билан ҳаётимизда юз бераётган улкан ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ўзгаришларга ҳамоҳанг бўлиб, турмушимизда зўр шиддат билан бўлиб ўтаётган том маънодаги инқилобий ўзгаришларга мос ва хос равишда фаолият кўрсатмоқдалар, — дейди у. — Юқорида санаб ўтилган йўналишлар ва рукнларнинг айримлари ҳозир ҳам сақланган ҳолда янгича мазмунда бойитиб борилмоқда. Табиийки, янги рукнлар пайдо бўлди: «Эътиқод», «Маънавиятимиз чинорлари», «Мерос», «Миллий маънавият ҳақида сўз», «Мустақиллик ва дунёқараш», «Истиқлолнинг ойдин йўли», «Буюк келажак йўли», «Ўзбекистоним — маним», «Иқтисодий билимлар радио машғулоти», «Иқтисодимиз алифбоси», «Инсон ва қонун», «Ҳуқуқий билимлар радио машғулоти» сингарилар шулар жумласидандир. Буюк аждодларимиз қолдирган бой меросни тараннум этувчи эшиттиришларимиз ҳам тингловчиларни бефарқ қолдирмаяпти, деб ўйлайман. Буюк соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660, Шарқнинг шуҳратли шаҳарлари Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллигига бағишланган эшиттиришлар ҳам радиотингловчиларимизда катта таассурот қолдирди.

— Радио дастурларда «Сиҳат-саломатлик» радиожурнали ҳам бор. Шу эшиттиришнинг ҳам ташаббускори экансиз...

— Чиндан ҳам саломатлик — улуғ неъмат. Унинг қадрига етиш ҳақида тиббиёт олимлари доно сўзлар айтишган. Мамлакат радиосида дастлаб «Саломатлик ҳақида суҳбатлар», «Саломатлик — туман бойлик» рукнлари пайдо бўлди. Бора-бора бу рукнлар асосида «Сиҳат-саломатлик» радиожурнали юзага келди. Не бахтки, ушбу радиожурнални ташкил этиш ва эшиттиришларни олиб бориш каминага насиб этди. Бу борадаги изланишларимиз республика

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан муносиб тақдирланди. Тиббиётимизнинг фидойи вакиллари қатори «Соғлиқни сақлаш аълочиси» нишони билан мукофотланганлигимдан фахрланаман. Фикримча, саломатлик мавзуси эшиттиришлар дастуридан тушиб қолмайди, — дея жавоб қайтаради у.

«Маънавиятимиз чинорлари» рукни билан берилаётган эшиттиришлар учун Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси мукофотининг соҳиби бўлдингиз...

— Бундай мукофотга сазовор бўлишимда сиз, азиз суҳбатдошларимизнинг ҳам ҳиссаларингиз бор. Ўрта Осиёнинг машҳур кишилари — Аҳмад Яссавийнинг 900 ва Баҳоуддин Нақшбанд таваллуд топган кунларининг 675 йиллик юбилейи муносабати билан 1992 йилда Сайрамга сафар қилганингиз эсингиздами. Ўшандан буён сиз, ҳурматли домла Ориф ака билан ижодий ҳамкормиз. «Маънавиятимиз чинорлари» радио рукнини биргаликда олиб бормоқдамиз. Буюк мутафаккирлар Шайх Юсуф Ҳамадоний, Абдулхолиқ Ғиждувоний, Шайх Нажмиддин Кубро сингари ўнлаб аждодларимиз ҳақида ярим соатлик қатор суҳбатлар ўтказиб келмоқдамиз. Бу савобли ва хайрли силсилани бундан кейин ҳам давом эттирамиз, деган умидимиз бор.

Меҳнат қилган элда азиз. С. Тиллахўжаевнинг радиожурналист сифатидаги меҳнати муносиб баҳоланди. 1996 йилда унга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берилди.

Суҳбатдошимиз билан узоқ суҳбатлашдик. Ўзбек радиоси эшиттиришларининг мазмунидан тортиб, ёзилаётган сценарийларнинг мундарижаси, муаллифлар доираси, тингловчиларнинг эшиттиришларга муносабати масаласи ҳам эътиборимиздан четда қолмади.

## ЗАР ҚАДРИНИ ЗАРГАР БИЛАДИ

Оддий, камтар инсон, авваламбор, ниҳоятда самимий ва ширинсухан, хушфеъл ва гўзал хулқ-атворли, ростгўй ва бир сўзли, ўз гапининг устидан чиқадиган мард ва танти бўлади. Унинг учун тилёгламалик, хушомад ва лаганбардорлик мутлақо бегона. Доим дилидаги фикрини очиқ ва рўй-рост айтади, бесабаб ҳеч кимнинг кўнглига озор етказмайди. Шу боисдан элу юрт ўртасида обрў-эътибори баланд. Истеъдодли адабиётшунос олим, моҳир журналист Ўрол Ўтаев ҳам ана шундайлардан биридир.

Кечагидек эсимда. 1973 йил. Қаранг, ана-мана дегунча шунча йиллар ўтиб кетибди. Вақт — учқур от, умр эса оқар сув, деганлари шу бўлса керакда. Ўша вақтда республика телевидениесида Адабий-драматик кўрсатувлар таҳририятини бошқарардим. Доим иш қизғин ва тиғиз, қўл-қўлга тегмасди. Тезкор бўлмасангиз ишингизнинг унуми бўлмайди. Ҳа, телевидениенинг табиати шунақа. Навбатдаги вазифани бажариш устида бош қотириб ўтирган эдим. Хона эшиги секин очилди ва чайир, қотмадан келган, чавандоз келбат, баланд бўйли бир йигит кўринди. У ийманиб турарди.

— Келинг, марҳамат.

— Ассалому алайкум.

— Саломатмисиз, Ўролжон, ўтиринг.

Бу йигитни дастлаб Ёзувчилар уюшмасидаги бир йиғинда кўрган эдим. Жуда мазмунли чиқиш қилиб, барчада яхши таассурот қолдирган эди...

— Бизга бирон нарса олиб келдингизми?

У папкасидан материални олиб, узатди:

— Имкони бўлганда, кўриб берарсиз. «Ёзувчи ва замон» кўрсатувига мўлжаллаб ёзган эдим.

— Жуда соз. Тўғрисини айтсам, вақтида келдингиз. Бу йил университетни тамомладингиз-а?

— Ҳа.

— Қаерга йўлланма берилди?

— Бир журналга (номини айтмади) юборишган эди, лекин у ерда ишлагим йўқ. Журналда ишлаш ҳали қочмас, тўғрими?

— Ёш қаламкаш газета ёки телерадио таҳририятларида ишлагани маъқул. Телевидениега хоҳишингиз қандай?

— Жуда қизиқаман. Имконияти бўлса...

— Яхши. Сизни таҳририятга ишга оламиз. Ҳужжатларни тўғриланг. Лекин ишни ҳозирдан бошлайсиз.

— Майли.

Шу-шу Ўрол Ўтаев муҳаррирлик вазифасига қабул қилинди ва катта масъулият, зўр ихлос, қизиқиш билан ишга киришиб кетди. У, бу ерда чинакамига самарали меҳнат қилди. 1973 йили оддий муҳаррирликдан иш бошлаган ёш қаламкаш аввал катта муҳаррир, сўнгра адабий-драматик кўрсатувлар таҳририятининг бош муҳаррири, кейинроқ бадиий кўрсатувлар ижодий бирлашмасига директор, орадан кўп вақт ўтмай Ўзбекистон телевидениесининг бош директори бўлиб фаолият кўрсатди. 1995—1996 йилларда «Мулоқот» журналида бўлим мудири, масъул котиб, бош муҳаррир ўринбосари лавозимида хизмат қилди. Ҳозирда Ўзтелерадиокомпания маҳаллий кўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар бошқармасига раҳбарлик қилмоқда.

Ўрол Ўтаев телевидениедаги чорак асрлик фаолияти давомида ўзини адабиётимиз ва санъатимизнинг чинакам билимдони, жонкуяри сифатида тўла намоён этди. Унинг саъй-ҳаракатлари туфайли «Навоий», «Юлдузли тунлар», «Лайли ва Мажнун», «Кундуз ва кеча», «Гирдоб», «Диёнат», «Қадимда бўлган эди» каби ўнлаб кўп қисмли видеофильмлар ятатил-

ди. Шахсан унинг сценарийси асосида ўзбек адабиёти ва санъатининг етук намояндалари, бой фольклор меросимиз фидойилари ҳақида ўттиздан зиёд видеофильмлар вужудга келиб, телевидение олтин фондидан ўрин олди.

Ўролбек ижодий фаолиятини катта ташкилотчилик ишлари билан бирга қўшиб олиб бормоқда. У 1990—1995 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига депутат этиб сайланди. Шу йилларда Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат мукофотлари қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ошкоралик қўмитаси аъзоси, Ёзувчилар уюшмаси телерадио ва кино кенгашининг раиси сифатида ҳам фаолият кўрсатди. У Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси (1991) ҳамда «Энг улуғ, энг азиз» танловининг 1998 йилги ғолибидир.

Ўрол Ўтаев республика матбуотида 1970 йилдан буён ўзининг тақриз, мақола ва адабий эсселари билан фаол қатнашиб келмоқда. Илк мақолалари биланоқ билимдон, дадил ва одил танқидчи эканлигини намоён этди. Ўзбек танқидчилигидаги янги йўл, янги бўлганда ҳам ниҳоятда мураккаб ва машаққатли йўл — танқидчиларимизнинг услубий изланишларини ўрганишга киришди. Шу тариқа «Танқид ва услуб» китоби майдонга келди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, телевидениеда чорак асрлик хизмати давомида нафақат адабиётчи мутахассис, балки назариётчи олим эканлигини ҳам тўла кўрсата олди. Унинг қаламига мансуб «Теледраматургия уфқлари», «Телевидение ва тарбия» китоблари ҳозирги кунда бўлажак журналистлар учун ўзбек тилидаги ягона қўлланмалар вазифасини ўтамоқда.

Ўролбек ҳозир айни камолот ёшида. Севикли фарзандлар, жажжи неваралар қуршовида, яхши дўстлар даврасида ҳамиша ардоқда. Кайфияти баланд. Жиддий илмий тадқиқотлар, ранг-баранг бадиий кашфиётлар устида тинимсиз тер тўкмоқда.

## САДОҚАТ

Дўстим Анвар Юсупов ҳақида ёзиш менга бир олам қувонч бағишлайди. Сабаби — Ўзбекистоннинг машҳур журналистлари Иброҳим Раҳим, Зиёд Есенбоев, Мақсуд Қориев раҳбарлик қилган «Совет Ўзбекистони» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетаси таҳририятида Анваржон билан бирга ишлаган давримиз — «энг гуллаган ёшлик чоғимиз» эди. Устоз Мақсуд Қориев шу қадар дарёдил, инсонпарвар, ёш истеъдодларга меҳрибон бошлиқ эдики, унинг қўл остида ишлаш биз учун роҳат эди. Кейин билсак, Мақсуд ака бу бағридарёликни устози Зиёд Есенбоевдан, у киши эса, Шароф Рашидовдан мерос қилиб олган экан.

Анвар Юсупов билан қандай дўстлашганим ҳамон эсимда. Тошкент Давлат университетининг журналистика бўлимини битказиб, «Андижанская правда» газетасида ишлаётган эдим. Биздан бир курс юқорида ўқиган, тез орада таниқли журналист бўлиб кетган Неъмат Улуғжонов мени Тошкентга «Ўздавнашр»га ишга чақиртирди. Қувониб, ғайрат биан ишни бошладим. Ва табиийки, таржима ва таҳрир бўйича моҳир устозлар Рустам Абдураҳмонов, Мели Жўра, Наби Юсупов, Зайнаб Тинчеровадан китобатчилик сирларини ўргана бордим. Худди шу пайтлари «Совет Ўзбекистони» газетасида мақолаларим чиқиб, оғизга тушди. Газетанинг обрўли журналистларидан бири — Расул Раҳмонов мени ўз бўлимига ишга таклиф қилди, ўйлашга вақт зиқ эди... Газетада завқ билан ишлашимга янги дўстим Анвар Юсуповнинг самимий ёрдами, Расулжон ака билан Мақсуд аканинг руҳлантириши бўлди. Биз ёшлар учун моҳир ва чаққон журналист Анвар Юсупов сирли одам бўлиб

кўринар эди. У мени устозлари — Холбек Едгоров, Ҳабиб Нуъмон, Маъруф Назаров, Муҳиддин Жалолов, Жуманиёз Жабборов билан, адабиёт ва санъат бўлими бошлиғи шоира Эътибор Охунова билан таништирди. Ўша вақтда газета таҳририятида Неъмат Улуғжонов, Неъмат Ёқубов, Муроджон Мансуров, Абдуллажон Абдуқодиров, Охунжон Ҳакимов, Анвар Эшонов, Жўра Холқосимов, Миршароф Муҳсимов каби қалами чархланган журналистлар ишлар эдилар. Кейинроқ сафимизга Ўктам Усмонов, Миҳли Сафаров, Ортиқбой Абдуллаев, Файзи Шоҳисмоил ва бошқалар келиб қўшилди. Улар орасида аввал айтганимдек, Анвар Юсупов бошқалардан сирлироқ кўринарди. У ўзбек санъати юлдузлари — Олим Хўжаев, Шукур Бурхонов, Наби Раҳимов, Галия Измайлова, Сора Эшонтўраева, Обид Жалилов, Мукаррама Турғунбоева, Бернора Қориева, Раззоқ Ҳамроев, Ҳалима Носирова, Саодат Қобулова, Лутфихоним Саримсоқова билан учрашганида эски қадрдонларидек, гаплаша олишига қойил қолардим.

Биз ишлаётган газетада ажойиб анъана бор эди. Ҳар йили апрел — май ойларида табиат қучоғида, боғлар қўйнида таҳририятнинг катта-кичик барча ходимларига тўкин-сочин дастурхон ёзиб, байрам (маёвка) ўтказар эдик. Ана шунда ашула, мусиқа базми, шеърхонлик авжига чиқарди. Санъаткорлар ҳам байрамда доимий меҳмонимиз бўлиб, даврани гуллатар эдилар. Анвар Юсупов улар ҳақида қатор лавҳалар, бадиалар ёзиб, уларнинг ҳурматини қозонган эди. Гоҳо у мени ҳам катта санъаткорларларнинг ҳузурига олиб бориб, суҳбатга чорлар эди.

Анвар Юсупов туфайли мусиқа ва театр санъати оламига яқинлашдим. Филармония концертларига бориш, Навоий театри саҳнасида қўйиладиган янги опера ва балет асарларини кўриш ҳаётий эҳтиёжимга айланди.

Тўғри, камина бўлғуси ижодкор сифатида жаҳон мумтоз адабиёти дурдоналарини кўпроқ ўқир эдим. Дўстим эса мени ҳаётнинг ранг-баранг уммонига шўнғитар, дуч келинадиган қийинчиликни қувноқлик билан енгишни ўргатар эди.

Баъзи мақола ва очеркларни Анваржон билан биргаликда ёзардик. Қаҳрамонларимизни у топарди. Мақсуд аканинг топшириғи билан Анваржон иккаламиз шоир Шайхзоданинг уйига кўп бор қатнаб, «Ғазал мулкининг султони» мақоласини ёздирганмиз.

Кейинчалик Анваржон бошқа дўстлари — Ҳайриддин Салоҳ, Эркин Воҳидов, Сайёр, Юсуф Шомансур билан таништирди. Анваржон бу тенгдошлари билан Ғайратий тўгарагида бирга таълим олган эди.

Анвар Юсупов 20 йил мобайнида «Тошкент ҳақиқати», «Совет Ўзбекистони», «Қишлоқ ҳақиқати» газетаси редакцияларида дастлаб адабий ходим, кейин бўлим мудири лавозимларида ишлади.

1978 йилдан эътиборан Анвар Юсупов Ўзбекистон телевидениесида ижодий фаолиятини давом эттириб, бўлим мудири лавозимида ишлаб келди. У кўпроқ адабиёт, санъат, маданият, маориф мавзуларида қалам юритадиган журналист. Телевидениеда ҳам шу мавзуларга эътиборни қаратиб, кам бўлмади. «Санъатимиз юлдузлари», «Нодир ёзувлар», «Бизга мактуб йўллабсиз», «Ёшлар куйлаганда», «Халқ талантлари», «Раққоса хиром этганда», «Халқ ижодиёти жилоси», «Марҳабо талантлар», «Ассалом, Ўзбекистон», «Қадриятлар, урф-одатлар...», «Ассалом, Наврўз» дастурларини тайёрлашда жонбозлик кўрсатди.

Айни чоғда «Бу бўстон аро...» номли туркум кўрсатувларининг муаллифи ва ташкилотчиси бўлди.

Анвар Юсупов «Замин саховати», «Шифокор билан мулоқот», «Кўзмунчоқ», «Учқун», «Ҳамшаҳарлар», «Менинг маҳаллам», «Йўлингиз бехатар бўлсин», «02 тўлқинида», «5 + 1», «Болалар» каби кўрса-

тувларнинг бадиий раҳбари ва муҳаррири бўлганлигини яхши биламиз. У узоқ йиллар давомида шеър машқ қилиб келади. Унинг ўқувчи қалбига тезда етиб борадиган жўшқин, эҳтиросли шеърлари матбуот саҳифаларида, турли альманах ва тўпламларда тез-тез чоп этилиб келинмоқда.

Ўзбекистон телевидениеси хазинасида «Марҳабо, талантлар» телетанлови алоҳида ўрин тутади. Бу кўрсатувни тайёрлашда Анвар Юсуповнинг хизмати катта бўлди. Ўлмас Саиджонов, Ҳуррият Исроилова, Султонпошша Ўдаева, Ҳожиакбар Ҳамидов, Олимжон Орифжонов, Ўткир Сиддиқов, Сайёра Назирова каби ўнлаб хонанда ва созандаларнинг ижоди бу кўрсатувлар орқали элга танитилди.

Анвар Юсупов устоз журналист, меҳрибон мураббий, дилкаш маслаҳатчи сифатида ҳурмат қозонган. У газета редакцияларида ишлаган чоғлари кўплаб шогирдлар тайёрлади. «Қишлоқ ҳақиқати» газетасида адабиёт ва санъат бўлими мудири бўлган йиллари «Чашма» рукнини очиб, 200 дан ортиқ истеъдодли ижодкор ёшларга газета саҳифасида «оқ йўл» тилаб, ҳаётга йўлланма берди.

Анвар Юсуповни ҳам дўст, ҳам устоз деб биламан. Ҳозир у Ўзбекистон телевидениеси Бош дирекцияси қошидаги «Хатлар, ижтимоий тадқиқот ва таҳлил» бўлими муҳаррири бўлиб ишламоқда.

*Очил ТОҲИРОВ*

## УСТА АКАНИНГ ФАЛСАФАСИ

Навбатдаги кўрсатув бошланди. Мирсодиқ ака ўтирган курсисини телевизорга яқинроқ сурди. Кўзларини экрандан узмай, қўлини ўнг қулоғи орқасига елпана қилиб, кўрсатувни кўра бош-

лади. Унинг чеҳраси гоҳ эришар, гоҳ қош-қовоғи уйиларди. Шу зайлда ўтираверди. Дастур ниҳоясига етди. У ўрнидан турар экан: «Тажриба кам кўринади. Ҳали хом жойи кўп. Матн билан тасвир уйғунмас...» — дея хаёлидан ўтказди.

— Уста ака, нимаси ёмон? Яхши-ку. Ўзи сизнинг бирон дастурдан кўнглингиз тўлган жойи борми? — оғриниб шериги унга гап қотди.

— Нима қиласан тушунмасанг, дея жавоб берди у.

Хонага жимлик чўкди. Хаёлга толаман. Матбуот ҳақида ўйлай бошлайман. Қизиқ, газетада бутун мўъжизавий қудрат ўз ифодасини сўзда топади, сўзда акс этади. Радиода эса қудратли сўз ёнига мусиқа қўшилади. Эшиттириш мусиқа оғушида сайқал топади. Телевидение эса бутунлай бошқа дунё. Бу ерда уч қудратли восита: илоҳий сўз, афсунгар наво ҳамда жозибали тасвир бир мақсад йўлида уйғунлашади...

— Очилбой Устабобоев менинг курсдошим бўлади. Институтда бирга ўқиганмиз, — дея гап бошлади Римма опа орадаги жимликни бузиб. — Унинг асли исми-шарифи Мирсидиқ Устабобоев. Телевиденеда бу кишини ҳамма «Уста ака» дейди. Кўпчилик ёшлар, ҳатто, бу кишининг исмини билмайди ҳам. Аслида, Мирсидиқ ўз касбининг мажнуни, устаси. Ёшларга беғараз устоз.

— Ўрни келганда шуни айтиб қўяй, — дейди Римма опа гапида давом этиб. — Мирсидиқ Устабобоев телевиденеда режиссёрлик соҳасида ҳақиқий мактаб яратган инсон...

— Уста ака, агар сир бўлмаса, режиссёрлик касбини танлашингизга туртки бўлган нарса нима?

— Асли чинозликман, — дея гап бошлайди у киши. — Шу касбнинг этагидан тутиб, «бисмилло» деб иш бошлаганимга ҳам мана 40 йил тўлибди. Бу касбга фидойилик холос. Эшитган қулоққа эриш туюлар балки?! Начора, бу ҳақиқат! Асли суратчи бўлмоқчи

эдим. Ўн уч, ўн тўрт ёшимдан сурат ола бошлаган ман. Журналистикага ихлосим баланд эди. 1952 йилда Чиноз туман газетасида суратларим, кичик-кичик хабарларим тез-тез чиқиб турарди. Орадан икки йил ўтиб, Тошкент вилоят газетаси ташкил этилди. Жамоатчи мухбир сифатида шу газетада суратларим билан фаол қатнаша бошладим. Кейинчалик республика газеталари билан ҳамкорликка ўтдим. Шу орада театр ва рассомчилик санъати институтига ўқишга кирдим. Ўқишни тамомлаб Янгийўл шаҳридаги Маннон Уйғур номли мусиқали драма театрида режиссёрлик қила бошладим. Суратчилик ишқи мени яна пойтахтга етаклади. Кунларнинг бирида ёзувчи Худойберди Тўхтабоевни учратиб қолдим. У билан эски таниш эдик. Менинг сурат олишга ишқибозлигимдан хабардор эди. Телевидение очилганини, суратчи-тасвирчи кераклигини айтиб қолди. Телевидениега келдим. Мен жойлашмоқчи бўлган ўрин банд экан. Ҳозирча режиссёр ассистенти бўлиб ишлаб туринг, деб таклиф этишди. Рози бўлдим. Ижтимоий-сиёсий редакцияда иш бошладим, кейинчалик режиссёрликка ўтказишди. Шу тариқа телевидение билан тақдирим боғланди. Кейинчалик кўнгил узиб кета олмадим...

— Телевидение билан боғлиқ эсда қолган хотиралардан...

— Фикрингизни тушундим, — дейди Уста ака гапимни бўлиб. — 1956 йил 20 ноябрь куни илк бор менинг суратларим эфирга узатилди. Унда Тошкент [ҳозирги Сирдарё] вилояти Сирдарё туманидаги Охунбобоев номли хўжалик раҳбари Назира Йўлдошеванинг ҳаётидан лавҳалар акс этганди. Аста-секин, телевидение такомиллашган сари, кадрлар ҳам шакллана борди. Ҳамон ёдимда. 1962 йилнинг бошлари эди. Телевидениеда «Олтин водий» кўрсатувини ташкил этдик. Бу кўрсатув 3,5—4 соат давомида

тўғридан-тўғри эфирга узатиларди. Шу кўрсатувнинг режиссёри бўлганман.

1973 йилда телевидение тарихида ҳали қилиб кўрилмаган яна бир ишга қўл урдик. Режиссёр Аҳмаджон Иброҳимов билан ҳамкорликда илк бор «Тошкент—Урганч» телекўпригини тайёрлаб эфирга бердик...

Уста акани республика телевидениесининг тирик қомуси дейиш мумкин. У тортмасидан муқоваси титилиб кетган журнални олиб узатади. Варақлай бошлайман. Бўёқлари хира тортган сатрлар: «1960 йил, куз, пахтазор», «1963 йил. Қиш манзараси. Эсимни таниб, бундай қиш бўлганини эслаёлмайман...». Кунлар ойлар, фасллар ва мамлакат ҳаёти билан боғлиқ воқеалар. Тинимсиз изланиш ва меҳнат самараси бўлмиш у киши режиссёрлик қилган «Олтин водий», «Ўзбекистон чорвадори», «Сомон йўли», «Келажак уфқлари», «Бир келиб кетинг қишлоғимизга», «Ватанни севмоқ иймондандир», «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» сингари ўнлаб кўрсатувлар телетомошабинлар кўнглидан жой олди. Ишни оддий режиссёр ассистентлигидан бошлаган Уста ака ҳалол меҳнати билан мансаб пиллапояларидан кўтарила борди. Узоқ йиллар ижтимоият ва сиёсат таҳририятида бош режиссёрлик қилди. Ишни боплаб бажарса-да, мансаб курсисига ёпишмади. Ҳолини билган — ҳоримас, экан. У киши ўз ҳолини билди. Аҳволини раҳбарларга тушунтирди, ариза берди. Ҳозирги кунларда олий тоифали режиссёр Уста ака «Маърифат» бош муҳарририятида меҳнат қиляпти. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг етти йиллиги муносабати билан у кўп йиллик самарали меҳнати учун «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвонига сазовор бўлди.

Ҳа, ижод ва яратиш завқидан ҳузурланадиган бу инсон «юрган дарё, ўтирган бўйра» мақолини хуш

юради. Чунки ҳаракатда баракат бўлади. Баракатдан кўнгил куч-қувват олади. Бу эса эртанги кунга, келажак тонглари сари етаклайверади. Тонглар эса ҳамиша оппоқ бўлади. Оқлик бу — йўл, оқлик бу — ишонч, оқлик бу — келажак. Келажакни кўзлаганга эса чарчаш ҳамиша бегона. Уста аканинг жайдари фалсафаси шундай. У эртанги кунга умид билан яшаяпти. Умид эса бамисоли қуёшга ўхшайди. Қуёш эса мангулик тимсолидир.

*Пардабой ЭРГАШЕВ*

## ИШОНЧНИ ОҚЛАБ

Абдусамад Исоқов меҳнат фаолиятини 1965 йили Ўзбекистон радиосининг собиқ «Сўнгги ахборот», ҳозирги «Ахборот» бош таҳририятида кичик муҳаррирликдан бошлади. Сўнг шу таҳририятда муҳаррир ва катта муҳаррир бўлиб ишлади.

Ўзтелерадио раҳбарияти унинг ишчанлиги ва ташкилотчилигини инобатга олиб, янгидан ташкил қилинаётган ўша даврдаги Тошкент шаҳар ва вилоят меҳнаткашлари учун эшиттиришлар, ҳозирги «Тошкент» бош таҳририятига масъул муҳаррир этиб тайинлади. У ёш бўлишига қарамасдан таҳририятга ходимлар танлаш ва жой-жойига қўйиш, эшиттиришларни эфирга узатиш жадвали, хоналар ажратиш ишларига бош-қош бўлди. Тез орада бош таҳририят Ўзбекистон радиосининг энг яхши таҳририятларидан бирига айланди, эшиттиришларнинг қизиқарли ва мазмунли бўлишига эришилади.

Ишнинг ҳадисини олган А. Исоқов 1978 йили Ўзбекистон радиосининг дастурлар дирекциясига ишга ўтказилди. У дастурлар директорининг биринчи ўринбосари лавозимида 1993 йилгача фаолият кўрсат-

ди. Бу йиллар давомида Ўзбекистон радиосининг эшиттиришлари мазмунли, рояси ва савияси юқори бўлишига муносиб улуш қўшди.

«Ёшлик» радиостанцияси «Жасорат» дастурининг ташкил этилишида ҳам биз ҳикоя қилаётган радиожурналистнинг ҳиссаси катта. Ёзувчи Ҳамид Тожибоев (охиратлари обод бўлсин) бу борада катта ёрдам кўрсатди.

Абдусамад ака радионинг дастурлар дирекцияси ва «Саноат» бош таҳририятида ишлаган йиллари Андижон, Жиззах, Пачкамар, Қумқўрғон, Туямўйин сув омборлари, Қарши, Аму-Занг, Аму-Бухоро машина каналлари, Сирдарё, Янги Ангрен ГРЭСлари, Россиянинг Байкал — Амур магистрали (БАМ) қурилишлари, Ўзбекистон ирригаторларининг Нокоратупроқ зонада ерлар очиш, уй-жойлар қуриш, деҳқончилик қилиш борасидаги ишлари ҳақида ранг-баранг эшиттиришлар тайёрлади. У замондошлари ҳақида лавҳалар, очерклар, репортажлар ёзишдан чарчамади, улар билан ёнма-ён яшаб, мавжуд ютуқ ва муаммоларни очиқ кўрсатишга ҳаракат қилди.

А. Исоқов 1983 йилнинг 1 апрелидан «Сўнгги ахборот» таҳририятига бош муҳаррир этиб ишга ўтказилди.

Барчамизга маълумки, ўтган асрнинг 80-йилларнинг ўрталарида Ўзбекистонда «қизил империя» ташаббуси билан миллатимиз шаънига «Пахта иши», «Ўзбеклар иши» сингари тамғалар қўйила бошланди. Ана шундай пайтда таҳририят қошида тўғридан-тўғри эфирга чиқувчи бир соатлик «Оқшом тўлқинларида» ахборот-мусиқий эшиттиришини тайёрлаш йўлга қўйилди. Бу эшиттиришда энг долзарб масалаларга эътибор берилди. Айни чоқда ўзбек тилига давлат мақоми берилиши ҳақида масала ҳам шу эшиттириш орқали кўтарилди.

1990 йили Ўзтелерадиоқўмитасининг ҳайъат йиғилиши қарори билан телевидение ва радиога хизмат кўрсатувчи «Сиёсий шарҳловчилар» гуруҳи ташкил этилди. Натижада телерадиода ҳозиржавоб мустақил кўрсатувлар ҳамда эшиттиришлар олиб бориш йўлга қўйилди.

Гуруҳ аъзолари телерадио орқали «Сиёсий шарҳловчилар даврасида», «Мувозанат», «Хат ва ҳаёт» рукнлари остида жонли кўрсатувлар бериб боришди. Радио эшиттиришларда куннинг энг долзарб масалалари зукколик билан ёритиб борилди. Абдусамад аканинг саъй-ҳаракатлари билан бу гуруҳга Шуҳрат Қосимов, Собир Қурбонов, Турсун Қоратоев, Қобилбек Каримбеков, Уйғун Шокиров, Талъат Солиев каби сиёсий шарҳловчилар таклиф этилди ва кўпларнинг тажрибаси шу гуруҳда ошди, қалами чархланди.

1992 йили А. Исоқов Ўзтелерадиоқўмитанинг маҳаллий телерадиоэшиттиришлар бўлимига бошлиқ қилиб ўтказилди.

Қорақалпоғистон Республикаси ва ўн бир вилоятда радио, 4 вилоятда телевидение ишлаб турганлиги, қолган вилоятларда ҳам телевидение ташкил этиш зарурлиги ҳамда иш кўламининг кўплигини ҳисобга олиб, бўлимни бошқармага айлантириш, унинг обрў-эътиборини кучайтириш лозимлиги тўғрисида таклиф билан раҳбариятга мурожаат қилинди. Таклиф асосли деб топилиб, бу бўлим бошқармага айлантирилди. А. Исоқов бошқармага раҳбарлик қилиш даврида вилоят телерадиоларининг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш, кўрсатув ва эшиттиришлар савиясини оширишга камтарона улушини қўшди, янги телестудиялар ташкил этиш, телерадиокомпанияларни ёш журналист кадрлар билан тўлдириш, уларнинг малакаси, касб маҳоратини оширишда ҳам жонбозлик кўрсатди.

Ҳамкасблари А. Исоқовни мураббий сифатида яхши билишади. У Муҳаммад Ҳайруллаев, Расул Раҳмонов ва Абдукарим Абдуазимовдан нималарни ўрганган бўлса, уларни шогирдларига улашди. Аҳрорjон Аҳмедов, Фурқат Зокиров, Анваржон Абдувалиев, Мухторжон Муродов, Муҳаммаджон Мақсудов, Ҳусан Темиров ва Салоҳиддин Сапаров унинг тарбиясини олиб кам бўлишмаяпти.

Бир касбда ўттиз беш йил ишлаш осон эмас, албатта. Бугунги кунда у Ўзбекистон телерадиоси махаллий телерадио эшиттиришлар бошқармасида бошлиқ муовини вазифасида сидқидилдан меҳнат қилиб келмоқда.

*Шаҳноза СУЛТОНОВА*

## ОПЕРАТОР ЭРКИН МУҲАМЕДОВ

Навбатдаги кўрсатув тугади. Анъанага кўра, уни тайёрлаб, эфирга узатишда қатнашган оператор Эркин Муҳамедовнинг исми-шарифи титрда ёзилди. У эркин нафас олиб, ҳамкасбларига миннатдорчилик билдирди. Сўнгра кўрсатувдан илгари берилган саволларимизга жавоб қайтара бошлади:

— Ўзбекистон телевидениеси атак-чечак қилиб, эндигина парвозга отланаётган кезларда ишга келганман, — дейди у. — Операторликни аввал осон касб деб ҳисоблардим: камерани қўлга оласан-у тайинланган жойга бориб, воқеани тасвирга тушираверасан. Билдимки, бу касб ўқиб ўрганмасанг, устозлардан таълим олмасанг бўлмайдиган касб экан. Биринчи устозим Карим Азизхўжаевдан камера билан ишлаш сирларини ўрганиб олдим. Кейинроқ Жалил Ваҳобовдан кадр танлаш, тасвирга олишнинг бадиий-композицияси бўёқлари ҳақида сабоқ тингладим.

Тез орада моҳир телетасвирчилар қаторидан ўрин олиб, мустақил ишлашга ўтдим. Умр оқар дарё экан: телевидениеда меҳнат қила бошлаганимга 43 йилдан ошди.

Бир касбда 43 йил! Айтишга осон: шу йиллар давомидаги елиб-югуришнинг енгил-оғирини инобатга олсак, Эркин акага «Балли!» десак арзийди.

Қўлда камера билан Эркин Муҳамедов Ўзбекистон ҳаёти билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий-иқтисодий янгиликларни лентапарга муҳрлаб борди. Ва айни чоғда у диёримизнинг машҳур адиблари ва таниқли телережиссёрлари билан ишлаб, обрў топди. Оператор сифатида Ўзбекистон телевидениеси хазинасидан жой олган қатор телепостановка ва видеофильмларнинг яратилишида баҳоли қудрат ҳисса қўшди. Саид Аҳмаднинг «Уфқ», Ўктам Усмоновнинг «Гирдоб», Ўткир Ҳошимовнинг «Баҳор қайтмайди» ва «Дунёнинг ишлари» асарларини телеэкранга олиб чиқишда қатнашди. Шунингдек, «Ассалом Ўзбекистон!», «Иқтисод университети», «Баҳс», «Азизим» сингари эл севиб томоша қиладиган дастурларнинг юзага келишида фаоллик кўрсатганини томошабинлар яхши билишади. Келажагимиз ворислари — фарзандларимизга мўлжалланган «Доно бобо даврасида» ва «Қувноқ стартлар» дастурларини суратга олишда ҳам Эркин аканинг маҳорати юқори баҳолаб келинган.

Газетхонлар Эркин акани суратчи мухбир сифатида танийдилар. Унинг бир-биридан ажойиб фотосуратлари «Тошкент ҳақиқати», «Тошкент оқшоми» ва «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газеталарининг саҳифаларига чирой бахш этиб келади.

Донолар «Қўлингдан келганича яхшилик қил!» деб бежиз ёзиб қолдирмаганлар. Эркин ака умр бўйи шу нақлга кўра ҳамиша инсонларга яхшилик қилишга интилади. Айниқса, ўзига муносиб шогирдлар тар-

биялашга эътибори кучли. Устоз оператор таълимини олган Р. Камолов, Ғ. Зиёмуҳамедов, С. Расулов ҳозирда мустақил ишлаб, Ўзбекистон телевидениеси солномасида янги саҳифалар очиб бормоқдалар. Тасвирлардаги лавҳаларни мароқ билан томоша қилар эканмиз, устознинг операторлик санъатига тасанно деймиз.

*Саидмурод ТИЛЛАХЎЖАЕВ*

## РАДИОИМИЗНИНГ БОШ ДИРЕКТОРИ

Бир куни таниқли журналист Анвар Эшонов «Барно Хатирчидан Тошкентга келиб, кам бўлгани йўқ — деган эди. Университетга кирди, шу ерда уйланди, уйли-жойли бўлди. Радиожурналист бўлиб элга танилди».

Барно ким, деб сўрарсиз. У, республика радиосининг бош директори. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Барно Ражабов бўлади.

У ҳақда ҳикоя қилиш ниятида эканмиз, ўзи севган, радиожурналистларга хос мусобаҳа жанридан фойдаланиб, ҳамкасблардан фикр сўраб қўя қоламиз.

— Барно аканинг характери анча мураккаб. Бир пайт қарасангиз ўта мулойим, ҳамма дардларингизга шерик, қўлидан келган ёрдамини аямайди. Ҳатто радиога янги келган ходимларнинг ёзувларини ўзи монтаж қилиб, ўзи эфирга узатади... Бир пайт қарасанг — қовоғидан қор ёғади, — дейди «Машъал» дирекциясининг директори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Шавкат Амиров. — Албатта, бунга хом-хатала тайёрланган эшиттириш ёки эфирга техник жиҳатдан носоз магнит тасмасининг қўйиб юборилгани сабаб бўлади.



...Ана шундай пайтларда Барно акани тушуниш керак. У ҳам инсон-да: ундаям меҳр, мурувват бор, шу билан бирга талабчанлик кучли...

Б. Ражабов тарғибот бош муҳарририятида катта муҳаррир бўлиб ишлаетганида вилоятдаги мухбирларга топшириқлар берарди. Кунлардан бир куни мухбирлардан бири: «Бизларга узоқ-яқинга бориш учун транспорт, шаҳарлараро телефонда сўзлашишлар имкони берилса...» деб шикоят қилиб қолди...

Ҳозиргина биз Барно аканинг талабчанлиги кучли дегандик. Шу боис у Тошкентдан Самарқанд вилоятига радиомухбир бўлиб ишга кетди. Оиласи, фарзандлари Тошкентда қолди. Ўша пайтда ўғил-қизлари мактабда ўқир эди. Рафиқаси эса техникумда дарс берарди.

Самарқандда ишлаган кезлари у мухбир айтган сўзларнинг ҳаммасини бошидан ўтказди. Вилоят радиосининг ҳовлисидаги ёрдамчи бинода яшаб, республика радиосидан берилган топшириқларга қўшимча ўз ташаббуси билан долзарб мавзуларда қалам тебратди. Учраётган ютуқ ва камчиликларни радиода ўз овози билан бериб борди.

Икки йил ичида Барно Самарқандда анча пишиди, тажриба орттирди. Тошкентга қайтиб келгач, республика радиоси Саноат, қурилиш, транспорт ва хизмат соҳаси бош муҳарририятини бошқарди.

— Мустақиллик, бозор муносабатлари эшиттиришларга ўз таъсирини ўтказаётган, замон билан ҳамқадам бўлиб бориш катта куч ва ғайрат талаб қилаётган вақт эди, — дея хотирлайди шу муҳарририятда ишлаган журналист Ғайбулла Асадуллаев. — Бозор иқтисодиёти туфайли юзага келган «Маркетинг мактаби» эшиттиришини давом эттириш, одамларда янгича шароитда ишлашга кўникма ҳосил қилиш катта масъулият талаб қиларди. Барно «мен бош муҳаррирман», — деб ўтирмас, ташкилий иш-

лар билан бир қаторда ўзи ҳам замон талаби асосида эшиттиришлар тайёрлар, баъзи кунлари монтажхонадан чиқмас эди. Ижодий ходимлардан ишни талаб қиларди. Лекин бирор камчиликка йўл қўйса, шахсиятига тегмас, кўпчиликнинг олдида танбеҳ бериб уялтириб ўтирмасди. Уни четга олиб, беғараз беғидир дилдан гаплашиб олиш одати бор эди.

Ҳазилкаш дўстларидан бири Муҳаммадсолиҳ Болтабоев баъзида жиғига тегиш учун «жондан азиз бир укамиз бор, у журналистларнинг Барноси» деб сўз ўйини қиларди. Барно унга жавобан «ширинсўз акамдан айланиб кетай» дерди. Икки ўртада дилларни ёзадиган кулги кўтариларди.

Ижодий сафарлар... Бу сафарларда олинган таассуротлар оқ қоғоз бетига кўчганда, албатта, кимгадир бир кўрсатиб олиш одати ҳам бор эди...

— Қачонгача бу одатингни қўймайсан, — дерди ҳазиллашиб Муҳаммадсолиҳ Болтабоев.

— Гап бошда эмас, ақлда, — кулиб жавоб қиларди Барно. — Бир бош бир бошда, кўп бошдан кўп фикр, мулоҳаза чиқади. Тайёрлаган материалимни сизларга кўрсатиб фикр-мулоҳазаларингизни олмасам бўлмайди.

— Эсимда. Барно ака вилоят мухбири бўлиб ишлаган кезлар биз ушбу вилоятдан пишиқ-пухта, ҳатто республика даражасида воқеа бўладиган материалларни ола бошладик, — дея Ғайбулла аканинг гапини давом эттиради Иқтисодиёт ва ислоҳот бош муҳаррирятининг бош муҳаррири Мухторбек Муродов. — «Қишлоқ ва саноат муаммолари», «Одамлар тақдири», «Ижтимоий адолат» каби таҳлилий мақолалар шулар жумласидандир.

Саноат, қурилиш, транспорт ва хизмат соҳаси бош муҳарририятида ҳам Барно ака самарали ишлади. Кўп йиллардан бери мақолалар рус тилида тайёрланар, ўзбекча эшиттиришлар сояда эди. Бундай аҳволни ўзгарти-

риш зарур эди. Барно ака шунга эриша олди. «Ингичнола», «Якшанбада 50 дақиқа», «Бунёдкор» эшиттиришлари мухлислар қалбидан чуқур жой олди. Халқ истеъмол молларини кўпайтириш, сифатини яхшилашга қаратилган долзарб радиорейдлар бошида ҳам шу киши бўлди. Махсус мавзули эшиттиришлар шанба ва якшанбада ишлаш эвазига бўлса ҳам икки-уч кун олдин тайёрланиб, пишиқ-пухта эфирга узатиладиган бўлди.

Республика мустақилликка эришган кунлар Барно Ражабов бош муҳаррир эди. Кўп ўтмай, эркин фикрлаш радио эшигидан ҳам кириб келди ва, менимча, Барно ака республика радиоси бош директорлигига ходимлар тавсияси билан тайинланган биринчи директор бўлди.

Ҳа, касбга меҳр қўйиб, уни умр бўйи ардоқлаб келаётган Барно аканинг сўзи ўткир ва ҳаққоний. Бундай фазилати учун унга ҳавас қилса арзийди. Шундай инсонлар билан ҳамнафас бўлиб ишлаш ёқимлидир. Барно акага фахрийларга хос вазминлик, ёшларга хос жўшқинлик тилаймиз.

*Ҳамид СУЛТОНОВ*

## ТВ — УНИНГ ҲАЁТ МАЗМУНИ

Умр дафтари... Вақт ўтиши билан унинг саҳифалари бойиб бораверади. Табиийки, ўн, ўн беш йил олдинги воқеалар бугунги жўшқин давримиз мезони билан ўлчаганда мўъжаз манзарадек туюлади. Ва айни чоғда эртанги умидбахш манзиллар учун янгича оҳорда, янгича руҳда қадам қўйиб боришга чорлайди, улар.

Таниқли тележурналист Гулнора Маҳкамова билан суҳбатимиз айнан шу мавзудан бошлангани ҳам бежиз эмасди.

... Қалбни тўлқинлантирувчи мусиқа янграмоқда. Экранда ўлкамизнинг гўзал табиати фусункорлигини кўрсатувчи лавҳалар бирин-кетин ўтади. Ям-яшил дарахтлар, гўёки само билан туташиб кетган юксак тоғлар... Унинг бағридан ўзига йўл очиб, инсонга обиҳаёт улашиб оқаётган ирмоқларнинг шўх овози... Ҳа, она табиатнинг «сеҳрли сўзи» инсонни меҳнатга чорлаяпти... Меҳнат — бугуннинг ҳосили, келажакнинг меваси... Титрда «Репортажни Гулнора Маҳкамова тайёрлади» деган ёзув пайдо бўлади. Уч-беш дақиқали телелавҳа давомида муаллиф билан бирга ўйга толасиз, хулоса чиқаришга ошиқасиз. Қалбингиздан ажиб туйғу кечади. Бу туйғуда сиз у биз яшаб, меҳнат қилаётган, рўзғор тебратаётган табаррук диёрдан фахрланиш ҳисси намоён бўлади. Муаллиф ўз бисотидаги эҳтиросли сўзларни маржондек териб қалбингизга етказдики, бунинг учун унинг маҳоратига тасанно айтмай иложингиз қолмайди.

— 1974 йилдан бери Ўзбекистон телевидениесида ишлаб келмоқдаман, — дейди суҳбатдошимиз. — Тасаввуримча, газета-журналлар таҳририятларида, радиода ишлашдан кўра «ойнаи жаҳон»да ишлаш мураккаб, деб эътироф этсам, янгилик эмас, дерсиз. Дарвоқе, Ўзбекистон телевидениесининг «Ахборот» дирекциясида ишлашнинг ўз масъулияти бор. Тележурналист жуда кўп ўқиб-ўрганиши керак. Кўрсатувимиз дастури вақтининг ўндан бир қисмини олади, яъни уч-беш дақиқали репортаж учун баъзида кун бўйи сценарий ёзишга тўғри келади. Меҳнат фаолиятим давомида жуда кўп воқеаларнинг шоҳиди бўлганман. Шундай даврлар ҳам бўладики, журналист ўз кўрсатуви ёки репортажини ўзи экранга олиб чиқа олмаган, кўрсатма кутган. Шу боис саёз лавҳалар эфирга кетган пайтлар ҳам бўлган.

Бу билан ҳамкасбларим меҳнатига соя ташламоқчи эмасман. Бугун телевидениеда катта ўзгаришлар рўй



бермоқда. Маҳоратингиз, қалб қўрингиз билан халқимизни истиқлол шарофати манзараларини бўй-басти ила кўрсатишингизга йўл очилган. Репортажларимизда журналистнинг воқеа-янгиликларга муносабати намоён бўлиши, мавзуга таҳлилий ёндашуви талаб этилмоқда. Бунда ҳар бир қалам соҳиби ўз маҳоратини ошира бориши сув билан ҳаводек зарур, деб ўйлайман.

— Чиндан ҳам бугун эл-юрт, унинг фидойи инсонлари ҳақида жўшиб ёзиш учун имкониятлар катта. Шу ўринда Сиз тайёрлаб, олиб борадиган кўрсатувларнинг мавзулари ҳақида фикрлашсак.

— Бажонидил. Ҳар куни ишга бораётиб, бугун экранда намойиш этиладиган кўрсатувнинг моҳиятини қалбимдан яна бир бор ўтказиб оламан. Меҳнат даргоҳида эса ҳамкасбларим билан ҳамкорликда янги мавзуларни ўйлайман. Аввалари маънавият ва маданият соҳаларига оид лавҳалар тайёрлар эдим. Айниқса, Ватан, уни севиб ардоқлаш, юрт қадри, ўлкамизнинг ошуфта табиатини мадҳ этувчи лавҳалар тайёрлашни жуда ёқтираман. Сўнгги пайтда мустақил диёримизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй бераётган жаҳоний ўзгаришлар ҳақида «Ахборот» дастури учун кўрсатувлар тайёрлаяпман. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов иштирокидаги анжуманларни, хорижий давлат раҳбарларининг мамлакатимизга расмий ташрифига оид учрашувларни ёритишдек масъулиятли вазифа топширилмоқда. Бу — катта бахт. Албатта, юқори нуфуздаги учрашувлар ҳисоботини тайёрлаш учун тележурналист кўп ўқиши, хорижий оммавий ахборот воситаларининг фаолиятидан хабардор бўлиши керак, энг муҳими, савол-жавобларда қатнашиш учун маҳорат ва билим, иқтидор ва тажриба зарур. Бу борада қандай ютуқларга эришганим ҳақида хулоса чиқаришни телетомошабинларимиз ҳукмига ҳавола этишни жуда-жуда истар эдим. Кўнглимдаги яна бир эзгу гапни айтай: мамлакатимизда биз, журналистларга жўшқин қалам тебратиш

учун барча шароитлар муҳайё. Барча ҳамкасбларим қатори Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг ҳақиқатан ҳам «тўртинчи ҳокимият» мақомини эгаллаши учун мамлакат раҳбарияти, шахсан Президентимиз кўрсатаётган ғамхўрликни алоҳида айтиб ўтишни виждоний бурчим деб биламан.

— Гулнорахон, чорак асрдан ошдики, бир даргоҳда ишлаб келмоқдасиз. Ишингиздан кўнглингиз тўқми?

— Ўзбекистон телевидениесининг ҳафталик дастурларидан «Ахборот» кўрсатуви муқим, мустаҳкам ўрин олганлигидан фахрланаман, — дейди у. — Зеро, «Ахборот» дастури — юртимиз кўзгуси, янгиликлар жарчиси. Шундай экан, телевидениеда ишлаб, элнинг дуосини олиш ҳар бир ижодкорга катта мукофот. Ҳозир кўрсатувларимизни эфирга узатиш бўйича масъулман. Очиғини айтганда, баъзан иш соатимиз чўзилиб ҳам кетади. Ёки эрталаб барвақт бошланиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Ана шундай кезларда касбингизнинг масъулиятию нонининг ширинлигини эсласангиз, енгил тортасиз.

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист», фахрий унвони соҳибаси Гулнора Мадкамова билан суҳбатимиз ҳаяжонли кечди. Унинг сўзларини тинглаб, моҳир тележурналистнинг элга, касбига ҳурмат-ихлосининг баланд эканлигига ишонч ҳосил қилдим.

*Эркин ХЎЖАЕВ*

## ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

Қалбимга яқин ака-ука қаламкашлар Ёқуб Иброҳимов, Илҳом ва Ҳамид Султонов қаторида бу оиланинг яна икки фарзанди Омилахон билан Восиқжон журналист бўлиб камолга етгани,



айни вақтда Ўзбекистон Телерадиокомпаниясида ишлаб келаётганидан хабардорман. Улар ҳақида ҳам ёзишни ният қилиб қўйгандим. Лекин, ҳаёт — ҳаёт-да... «Солиқ тўловчининг журнали» таҳририятидаги кундалик ишлар ёки ижодий сафарлар сабаб бўлиб-ми, дил сўзларимни анча вақт қоғозга тушира олмай юрдим.

Эзгу ишнинг эрта-кечи йўқ, дейишади.

Устоз журналист Зиёд Есенбоев «Матбуотимиз фидойилари» тўпламининг учинчи китобини нашрга тайёрлаётганларини эшитиб ниятимни айтдим. «Яхши ўйлабсиз. Бир оиладан чиққан, қаламни ардоқлаб, касбига чин ихлос қўйган бундай инсонларни мақтасак, мақтагудек. Муҳими, улар камтар, дилкаш, қалби нок инсонлар» деб тасалли бердилар.

Чин ҳам шундай. Бахт-иқболи баланд, дили билан сўзи бир бундай фидойи қаламкаш дўстларимиз билан фахрланиб, ҳавас қилсак арзийди. Улар интилиш ва меҳнат, ўқиш ва изланиш туфайли обрў топганлар. Ёқуб ака қарийб 45, Илҳом 40, Ҳамид 36 йилдан буён ижод билан ошно. Омилахоннинг Ўзбекистон телевидениесида ишлаётганига 30 йилдан ошди, Восиқжоннинг меҳнат стажи 23 йилга етиб қолди.

Омилахон Иброҳимова 1970 йили Тошкент Давлат университети журналистика факультетини имтиёзли диплом билан битириб, Ўзбекистон Телеграф агентлигига йўлланма олди. Кузатиб борди: ижодий жамоа аъзоларининг қўли-қўлига тегмайди. Республиканинг кундалик ҳаёти энг муҳим воқеалари тафсилотини қисқа, мазмунли сатрларда ёзиб, ўша куннинг ўзида газета таҳририятларига, телерадиога телетайп орқали тарқатиш журналистларнинг долзарб вазифаси экан. Устоз қаламкашлар маслаҳати билан хат-хабарлар ёзди. Лекин кўнглида телевидениеда

ишлаш орзуси баланд эди. Шу боис рухсат олиб, 19[illegible] йили ўзбек телевидениесига ишга келди.

Телевидениенинг «Болалар ва ўсмирлар» бош муҳарририятида Омилахонни илиқ кутиб олдилар. Тажрибали, кўпни кўрган, кўпни билган тележурналистлар Турсунбой Йўлдошев, Ҳалима Самадова, Махсума Саъдуллаева ва Ўғилой Юсуфжонова билан дилдан суҳбат ҳаяжонли кечгани кечагидек ёдида.

«Биз ҳаммамиз бола бўлганмиз. Унинг завқи-шавқи, ҳис-ҳаяжони бир умр ёдда қолиши табиий. Шу боис болаларга атаб тайёрланадиган кўрсатувларнинг ҳар бири жонли чиқишга эътибор беринг. Биз ҳам ўқитувчимиз. Ўқитувчи синфда 25 — 30 ўқувчига дарс ўтса, биз мамлакатимизнинг барча фарзандларига экран орқали сабоқ берамиз» — Махсума опанинг бу сўзлари Омилахон учун «очилмаган қўриқ»дек туюлди. У ҳам илк кўрсатувларни тайёрлашда устозларга эргашди, қалб қўрини сарфлашга интилди.

Вақт ўтган сайин Омилахоннинг тележурналистлик маҳорати ошди. Қатор кўрсатувларни тайёрлаш унга ишониб топшириладиган. Уни катта муҳаррирликка, сўнгра бўлим мудири вазифасига тайинлашди. Ҳа, у меҳнати билан ўрнини топа олди. Айтиш керакки, «Санъат ғунчалари», «Умид учқунлари», «Юлдузча», «Қўнғироқча» сингари болаларбоп кўрсатувларнинг экран юзини кўришида Омилахоннинг меҳнати кўп сингди.

Омилахон Иброҳимова олти йил мобайнида «Болалар ва ўсмирлар» Бош муҳарририятининг бош муҳаррири, кейинчалик «Умид» Бош муҳаррияти бош муҳаррири ўринбосари вазифасини сидқидилдан бажарди. Айни вақтда республика хотин-қизлари учун мўлжалланган «Нафосат» тележурналини тайёрлаб борди.

Фарзандларга аталган ўн-ўн беш, узоғи билан ўттиз дақиқали кўрсатув тайёрлаб эфирга узатиш

нсон иш эмас. Унда сценарий муаллифи, режиссёр, оператор, овоз ёзиб олувчи ходимлару бошловчи журналистнинг меҳнати мужассам. Омилахон Иброҳимова қатор кўрсатувларнинг ҳам муаллифи, ҳам бошловчиси бўлганини кўпчилик яхши билади.

Ижодий сафарлар чоғида у ҳамкасбларини кўрсатувни бор бўйи-басти ила тасвирга туширишга, иложи борича монтажга ўрин қолдирмасликка ундарди. Иқтидорли ўғил ва қизларни Тошкентга, телевидение студиясининг ўзига таклиф этиб боргани ҳам ибратлидир. Бу эса ҳар бир кўрсатувнинг таъсирчан чиқишини, эфир вақтининг ҳаяжонли ўтишини таъминлаб олди. «Ўйла, изла топ!», «Қувноқ стартлар» каби қатор кўрсатувларининг ўз вақтида шуҳрат топишининг сири ҳам ана шунда.

Омилахон Иброҳимова ҳозир «Болалар» студияси Бош муҳаррири ўринбосари. Давр талабига мос тузилган ушбу студия ижодкорларининг режаси бисёр. Янги жамият, янги ҳаёт қуриш йўлидаги интилишларимизни, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги, юрт тинчлиги каби эзгу ғояларимизни келажагимиз ворислари онгига сингдириш, ёш авлодни маънан ва жисмонан баркамол инсон этиб тарбиялаш мавзуси кўрсатувларнинг мундарижасини ташкил этмоқда. Табиийки, бундай мазмундаги кўрсатувнинг ҳар бири телевидениемиз учун янги ойдин саҳифалардир. Азиз болажонларга туҳфа этиб борилаётган моҳиятан янги кўрсатувлар титрларида Омилахон Иброҳимованинг исми-шарифи ҳам ёзиб қўйилмоқда.

▲

Суҳбатимиз аввалида Восиқжондан «Нима учун журналист касбини танлагансиз?» деб сўрадик.

— Халқимизда «Ота касби — олтин касб» деган машҳур нақл бор. Зеро, фарзанд ота изидан бориб, унинг касбига меҳр қўйса ва уни эгалласа,

асло ютқазмаслигини ҳаётимда кўриб турибман. Отам — Ёқуб Иброҳимов 1959 йилдан бери Ўзбекистон Телеграф агентлиги — ҳозирги Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигида ишлаб келадилар. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими. Қолаверса, амакиларим Илҳом ва Ҳамид Султонов, катта амаким Яҳё Иброҳимовнинг қизлари Омилахон Иброҳимова ҳам журналистлар. Ижодий муҳит Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти ўзбек тили ва адабиёти факультетини 1980 йилда тугатганимда радиога ишга чорлади, — дея жавоб берди.

Восиқжон радионинг «Ахборот» бош муҳарририятида кичик муҳаррирликдан иш бошлади. Устозлари Шуҳрат Қосимов, Ҳайдар Исроилов, Наримон Ирисов, Зайниддин Тожиев унга «Ҳамма нарса хабар ёзишдан бошланади» деб маслаҳат бердилар. Шу боис у ишдан сўнг уйда телефон орқали ёки ташкилот ва корхоналарда бўлиб ён дафтарига ёзиб олган маълумотлардан «Ахборот» тайёрлаб боришни тинмай машқ қилди. Бора-бора уларни эфирга узатишда бевосита иштирок этганида қувончини яшира олмасди.

«Ахборот» бош муҳарририяти таркибида 1970 йилнинг 1 январидан эътиборан «Машъал» бўлими тузилди. Восиқжон «Машъал»га ўтди. Йилма-йил «Машъал» эшиттиришларининг мазмун мундарижаси бойиб, эфир вақти кўпайди. Аввалига муҳаррир, кейинчалик шарҳловчи, сиёсий шарҳловчи бўлиб ишлади. Тажрибали радиожурналистлар Шавкат Амиров, Тўлаган Тўхтаев, Мунирахон Ғаниева билан эшиттиришларнинг юқори савияда олиб борилишига ҳисса қўшди. «Оқшом тўлқинларида» мусиқали ахборот эшиттириши «Машъал» тўлқинидан мустаҳкам жой олишида Юсуф Зиёев билан Восиқжон Иброҳимовнинг хизмати катта бўлди.

Восиқжонни омади бор (кўз тегмасин, илоҳим) дейишади. Нега дейсизми?! У радиожурналист бўлиш билан бирга яхши сухандон. Эшиттиришни ёқимли ва майин овозда, энг муҳими, тингловчи қалбига етиб борадиган тарзда эфирга узатиш маҳоратини эгаллаган.

«Машъал» 2002 йилнинг 1 январидан мустақил дирекцияга айланди. 90 нафар ижодий ходим эшиттиришлар савиясини яхшилаш, таъсирчанлигини ошириш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилмоқда. «Давр садоси», «Нафосат бўстони», «Миллат келажаги оналар қўлида», «Истиқлол умидлари» сингари рукнларида муаллифлик эшиттиришлари олиб борилмоқда. Шубҳасиз, уларни тайёрлаб, эфирга узатишда Восиқжоннинг тажрибаси қўл келаётир.

Сўз устозлар маҳорати ва шогирдлар тарбияси масаласига етиб келганида Восиқжоннинг чеҳраси ёришиб кетди.

— Устозларнинг исми шарифларини юқорида санаб ўтдим, — дейди у. — Ахир, устоз отангдек улуғ. Уларнинг маслаҳатини ҳамиша ёдда тутаман. Ўтган йиллар давомида қўлимдан келганича ишга эндигина келган ҳамкасбларимдан ёрдамимни аямадим. Шогирдларим орасида Дилдора Матёқубова, Умида Сафоева, Олимжон Сафоев, Дилдора Салимова, Бахтиёр Аҳмедовнинг номини айтсам бўлади. Улар ҳозир мустақил равишда иш олиб бораётганини кўриб қувонаман.

Дарҳақиқат, Восиқжон ота касби этагидан тутиб ижодкор бўлди, элга танилди. Бугунги кунда у «Машъал» дирекцияси директор ўринбосари.

Умрини сермашаққат ва завқли меҳнатга бағишлаб келаётган қадрдон ҳамкасбларим асло толиқмасинлар, деб ният қиламан.

*Саидакром САИДВАЛИЕВ,*
*Файзи ШОҲИСМОИЛ*

## ШАРҲЛОВЧИ БЎЛИШ ОСОНМАС...

Журналист меҳнатини шахтёр меҳнатига қиёслашади. Газетанинг ҳар бир сонини чоп этиш — игна билан қудуқ қазишнинг ўзгинаси дегувчилар даъвосини ҳам асло муболаға деб бўлмайди. Буларнинг бари — ҳақ гап. Аммо журналистиканинг шундай қирралари борки, улар кишидан яна ўн чандон кўпроқ меҳнат ва масъулиятни, машаққат чекишни, «қилни қирқ ёриш»ни талаб қилади. Халқаро ҳаёт ва сиёсат соҳасида қалам тебратувчилар, шубҳасиз, шулар жумласига киради.

Халқаро шарҳловчилар бизда кўп эмас. Ишчи-деҳқонни, олиму фузалони, кекса-ю ёш — ҳамма-ҳаммани қизиқтирувчи бу мавзуга ихтисослашувчилар камлигининг сабаби, энг аввало, унинг кишидан катта масъулият, ҳушёрлик, ғоят сезгирлик, ҳар бир сўз, жумлани ишлатишда етти ўлчаб бир кесишни талаб этишидадир.

Кўпчиликка маълум юқоридаги мулоҳазаларни келтиришдан мақсад шуки, биз ҳикоя қилмоқчи бўлган ва қирқ йилдан бери халқаро мавзулар бўйича сиёсий шарҳловчи мақомини оқлаб келаётган ҳамкасбимиз — Ўзбекистон радиоси сиёсий шарҳловчилар гуруҳи раҳбари Талъат Солиев осон касбни танламаганини яна бир бор таъкидлаш, бу соҳанинг «нонини ейиш» нақадар машаққатли эканини эслатишдан иборат. Ҳамиша кулиб турувчи, мулойим, ҳазил-мутойибаларга мойил, самимий ва камтар бу журналистнинг иродаси, меҳнатдан чарчамаслиги, ишига бўлган садоқатига тан бермаслик мумкин эмас.

Талъат Солиевни халқаро журналист сифатида «Совет Ўзбекистони» (ҳозирги «Ўзбекистон овози»)

газетаси танитди дейиш мумкин. Унинг қалами шу ерда чархланди, маҳорат ва иқтидори шу ижодий жамоада шаклланди.

Газета муҳаррири Мақсуд Қориев уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлар, унинг шарҳларини газетанинг ютуғи, деб ҳисоблар эди. Ҳамкасбимиз таҳририятга келиши биланоқ, дарҳол савол-жавоблар бошланиб кетарди. У ҳамиша хушчақчақлик билан: «Сизлар учун, газета учун» деб жаҳон сиёсати ва халқаро алоқанинг энг кескин муаммолари ҳақида суҳбатлар ўтказарди. Газетанинг етакчи журналистлари Холбек Едгоров, Муҳиддин Жалолов, Абдукарим Набихўжаев, Жўра Холқосимов, Абдулла Абдуқодировлар Талъат Солиевни матбуот жонкуяри деб эъзозлашарди.

Талъат Солиевнинг «Совет Ўзбекистони»да фаол иштироки газетага маҳаллий шарҳловчиларни кенг жалб қилди. Газетага Собир Қурбонов, Эркин Ҳайитбоев, Шавкат Яҳёев, Юсуп Юсупалиев, Шуҳрат Қосимов, Турсун Қоратоев сингари сиёсий ва халқаро шарҳловчилар фаол қатнаша бошладилар. Лекин шарҳловчилар ичида энг жонкуяри Талъат Солиев эди. У газетага келган хатларни ўқиб, шарҳ тайёрлаш учун кўпинча кечалари қолиб кетарди. Баъзан кечқурун юз берган воқеанинг шарҳи эртанги газетада босиларди.

Дунё воқеаларини вазминлик билан шарҳлашда холисликка интилиш, адолатли бўлиш Талъат Солиев ижодининг мезонидир. Унинг газета ва журналларда эълон қилинган кўплаб мақолаларида, шу жумладан, «Америка ва ҳозирги дунё», «Яқин Шарқ тинчлиги — олам тинчлиги», «Тинч кунларни кутиб» сингари шарҳларида ана шу мезонга амал қилинганининг гувоҳимиз.

Сиёсий шарҳловчининг масъулияти жуда катта. Ҳормай-толмай ишлашни, фидойилик кўрсатишни тақозо этади. Эсимизда: истиқлолдан сўнг Ўзбекис-

тон телевидениеси телетомошабинларнинг сиёсий шарҳловчилар билан юзма-юз учрашувларини ўтказди. Талъат Солиев ҳам ана шу учрашувларда фаол иштирок этди, ҳамкасблари жавобларини тўлдиришга, телетомошабинларни жаҳон сиёсати, халқаро муносабатлар ҳамда дунё муаммолари билан яқиндан таништиришга ҳаракат қилди.

Мана бир неча йилдирки, республикамиз аҳолиси радио тўлқинларида Талъат Солиев номини тез-тез эшитади. Ўзбекистон радиосидаги кўп йиллик меҳнати, унинг ҳозиржавоблиги, ҳушёрлиги, «коса тагидаги нимкоса»ларни ҳам бир лаҳзада англаб олиш фазилатларини янада тоблади. «Мустақиллик одимлари: муаммо ва ечимлар», «Душанбадан душанбагача: Дунё ва халқаро ҳаёт», «Етти кун нафаси» ва у ташкил этган бошқа эшиттиришлар, шунингдек, унинг «Сўнгги ахборот», «Оқшом тўлқинлари»даги чиқишлари, турли мавзулардаги шарҳлари тингловчилар олқишига сазовор бўлганлигининг шоҳидимиз. Талъатжоннинг мамлакатимиз давлат, сиёсат ва жамоат арбоблари билан ўтказган давра суҳбатларини ҳали-ҳануз эслаб турилади.

Ҳамкасбимизнинг халқаро фаолияти ҳам ибратлидир. Зеро, у узоқ йиллар Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг халқаро алоқалар комиссиясига раҳбарлик қилди. Тошкентда (1989 йил, май) ўтган Биродарлашган шаҳарлар халқаро конференцияси матбуот марказини бошқарди. Ўзбекистондан (1991 йил) Афғонистонга борган биринчи журналистлар делегациясига бошчилик қилди. Газета муҳаррирлари билан Америка жамияти АСНЕ делегациясига ҳамроҳлик қилди. Германия, Марокаш, Чехословакия журналистлари делегацияларининг Ўзбекистон сафарида ҳамроҳлик қилди. Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида сафарда бўлди. Туркия, Италия, Мальта, Болгария, Жазоир, Марокаш, Канар ороллари,

Сенегал, Сьерра-Леоне, Жануби-Шарқий Осиё давлатлари, шунингдек, Ҳиндистон, Покистон ва бошқа мамлакатлардан бой таассуротлар билан қайтди. Бу мавзуни истаганча давом эттириш мумкин. Муҳими шундаки, Талъат Солиев ана шу фаолияти жараёнида ўзини етук журналист, сиёсий шарҳловчи сифатида намоён қилди.

— Инсоният бисотидаги энг нодир бойлик — тинчликдир — дейди Талъатжон.

— Сизнинг бисотингиздаги энг қимматли бойлик нима? — деган саволга эса:

— Менинг энг нодир бойлигим — умр йўлларимда орттирган дўстларимдир, — деб жавоб беради.

Талъатжон бугунги кунда ижодий куч-ғайратга тўлган, жонажон мамлакатимизнинг мустақил тараққиётидан илҳомланган ҳолда жўшқин ижод қилаётганидан биз — ҳамкасблари мамнунмиз.

*Маҳмуд САТТОРОВ*

## ТАЯНЧ НУҚТАСИ

У Хатирчида туғилди, Шаҳрисабзда ақлини таниди, Самарқандда таҳсил олди, Тошкентда элга танилди. Онгли — фойдали ҳаётининг қарийб 50 йилини битта соҳага —ноширлик-муҳаррирликка бағишлади, ҳозир ҳам у шу йўлда...

Мусаҳҳиҳ — корректорликдан иш бошлаган Наримон Ҳотамов узоқ йиллар «Ўқитувчи» нашриётига раҳбарлик қилди. Умумий ҳисобда бу одам ушбу нашриётда сурункали 20 йил нашриёт бош муҳаррири ва директори лавозимида ишлади.

Жамоа бошқаришда Ҳотамов ҳеч кимга ўхшамаган ўзига хос услуб яратди. У, аввало ҳаммани бир кўз билан тенг кўради. Шахсий ташаббусга кенг йўл

берди. Илмий ижодий ишга шароит, муҳит яратиб, унга шахсан ўзи бош-қош бўлди. Шундан бўлса керак, машаққатли меҳнатлари оқланиб, оғир ақлий меҳнат маскани ҳисобланган бу нашриётда директорнинг ўзидан тортиб, ўттиз йил ичида ўттиздан ортиқ номзодлик илмий иши ҳимоя қилинди. Ўттиз адабиётчи, педагог, кимёгар, табиатшунос, математик нашриётдан ташқари Ўзбекистоннинг турли олий ўқув юртларида «Ўқитувчи» фарзандлари сифатида яхши ном билан хизмат қилмоқдалар.

Илмий даражадан ташқари ўнлаб ёш, истеъдодли, бироқ кимсасиз, мададга муҳтож йигит-қизлар бу бош маърифатчи раҳбарлигида уйли-жойли, малакали касб-корли, обрў-эътиборли бўлиб кетишганига юзлаб одамлар гувоҳ. Бундай шахслар орасида ёзувчи ва шоирлар, олимлару фозиллар, зўр мутахассислар кўпчиликни ташкил этади.

Ҳотамовнинг ҳотамтойлигию идора усули ҳақида ҳар хил мутойибалар юради. Эътироф қилишларича, бу раҳбарнинг идорасидан ҳали ҳеч бир муаллиф шаштги қайтиб, хафа бўлиб чиқмаган экан. Иши битса ҳам хурсанд, битмаса ҳам кўнгли ёздагидай эмиш. Чунки битса — нур устига нур, битмаса — унга йўл-йўриқ кўрсатилади. Мадад қўли чўзилади. Тўғри йўлланма берилади. Бу хусусда Н. Ҳотамовнинг ўзи ҳамкасбларига: биров сенинг ёрдамингга муҳтож бўлса, иложи борича, ёрдам бер, беғараз бўл, ахир, буғдой нонинг бўлмаса, буғдой сўзингни аяма, деб ўгит беради.

Наримон Ҳотамовнинг таниш-билиш, дўст-ўртоқлари, шогирдлари кўпчиликни ташкил этади. Уларнинг ёши, билими, савияси, касб-кори, дунёга қараши турли хил.

Наримон ака уч алломани устозим деб ардоқлайди. *Биринчиси,* талабалик сабоғи берган машҳур академик Воҳид Абдуллаев. *Иккинчиси,* ноширлик ил-

нининг устози, «Ўқитувчи» нашриётининг 60-йиллардаги оққўнгил ва мард раҳбари Жалолхон Азизхонов. *Учинчиси*, улкан маданиятшунос олим Натан Маллаев бўлиб, бу машҳур адабиётшунос Ҳотамовнинг номзодлик илмий ишига бевосита раҳбарлик қилган.

Булардан ташқари, у мактабда адабиёт сирларидан сабоқ берган муаллими Шарофжон Орифий, дорилфунундаги билимдон домлалари Худойберди Дониёров, Нуриддин Шукуров, Ҳамдам Бердиёров ва отахонидай бўлиб қолган устози Зиёд Есенбоевни ҳамиша кўнглига яқин олиб юришини таъкидлаб ўтмоқ жоиз.

Албатта, худонинг барча бандалари каби Н. Ҳотамовнинг «Ўқитувчи»даги 30 йиллик ижодий фаолияти, умри ҳамиша бирдай чароғон, нурли ўтмади. Баъзан булутли, изғиринли кунлар ҳам бўлиб, кўнглини хижил қилиб турди. Ўзбекистонда 1984 йилда фирқа марказқўмининг бўлиб ўтган XVI пленумидан кейин жисмоний ва маънавий қатағон талотўпи бу юртнинг энг асл фарзандлари сингари Ҳотамовни ҳам четлаб ўтмади.

Ҳотамовни ишдан олиш учун «Ўқитувчи»ни ҳар томонлама элак-элак қилишди. Комиссия кетидан комиссия боса бошлади. Ишбилармон раҳбарнинг хатоси, суиистеъмолини чироқ ёқиб ҳам топа олишмагач, «саломатлиги ёмонлашгани муносабати билан ўз аризасига мувофиқ» вазифасидан озод қилиниб, бошқа ишга ўтказилди...

Одамнинг бошига бир ташвиш тушса, кетма-кет келиши рост экан. Қисқа муддатда содиқ сафдоши Зокир Мирзо, ёшликдан қадрдони Холиқ Абдураҳмон, онаизори Комила аялар кетма-кет оламдан кўз юмишди. Оғир кунингда турмуш ҳамроҳинг, болаларингнинг меҳрибон онаси кунингга ярар экан. Эр-хотин қўш ҳўкиз деб бекорга айтишмас экан.

Мана шундай руҳий азобли, оғир кунларда кунда кўриниб-кўринмай юрадиган дўсти Нормурод Нарзуллаев «урилган» жўрасининг қўлтиғига кирди. Деярли бирор кун дўстининг ўксик кўнглига қараб, уни беэътибор қолдирмади. Худди ўша ишдан озод қилинган куни 1986 йил 3 мартда шундай тўртлик ёзиб дўстига далда берди:

*Дўстим уй сўради, ишда хаёли*
*Меҳнат билан келди ҳаёт камоли.*
*Инсонлик боқийдир, мансаб ўткинчи,*
*Азал бевафодир амал столи...*

Мана шу сабабдан 15 йилдан буён бир-биридан ажралмайдиган икки дўстни кўрганлар «бу икки оғайни эгизакларми» деб ҳайратланишади. Яхши одамлар уларнинг бир-бирларига муносиб дўст, ҳамфикр, сафдошликларига ҳавас билан қарашади.

Ёлғоннинг умри қисқа, дейди халқ. Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ. Ҳақ жойига туша ва қарор топа бошлади. Бу воқеаларга икки-уч йил тўлар-тўлмас, устоз ноширлар қайта қидирилиб, муносиб ўринларга таклиф қилина бошладилар. Республика Фанлар академияси «Фан» нашриёти директорлигига танлов эълон қилганида тажрибали ношир Наримон Ҳотамов ҳам конкурсга ҳужжат топширди ва тўққиз номзод қатнашган курашда ғолиб чиқиб, ҳалоллик билан янги директорлик лавозимига сайланди. Матбаа фидойилари Наримон Ҳотамовни «академик-ношир» дейишади. Ростданам бу соҳада академиклик даражаси жорий қилинса, қаҳрамонимиз биринчилардан бўлиб бу мартабани эгаллаши табиий эди.

Янги, тажрибали, ишбилармон, одамохун раҳбарнинг ишга келишидан «Фан» нашриётидаги нотинчликка ҳам чек қўйилди. Жамоа қайтадан туғилгандек бўлди. «Фан ва турмуш» ойномаси билан ҳамкор-

ликда янги директор илмий-амалий, маънавий-маърифий, миллий мафкуравий соҳаларга бутун эътиборини қаратди. Миллий истиқлол илм-фан олдига қўйилган долзарб муаммоларни ҳал қилиш йўлида бутун ижод, илҳом, тажрибасини ишга солди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ ғарийб «ўтириб» қолган жамоани қайта жонлантирди. Ноширларни иш билан таъминлаш, ойлик маошларини барқарор ушлаб туриш йўлида тадбиркорликнинг замона имконият туғдирган барча воситаларидан фойдаланди. Шу сабаб «Фан» ўтиш даврининг оғир синовларидан эсон-омон ўтиб олди. Республика нашриётлари орасида олдинги сафга чиқиб олди...

Наримон Ҳотамовнинг бу кенг, серқирра касби коридан ташқари тағин бир фазилати бор. Халқ тили билан айтганда, у ҳақиқий сўз устаси, шоиртабиат инсон. Ношир, инсоншунос сифатида ҳақиқатан ҳам у муомала, мулоқот санъатини олий даражада эгаллаган. Сўз замиридаги маънони теран англайдиган мутахассис, катта-кичик давраларга жўрабоши, гўйбоши сифатида ташкилотчилик ҳам қилади.

Қаҳрамонимизнинг даврабошилигини кўрганлар нотиқлиги, шоирлиги, файласуфлиги, инсон қалбини нозик билишидан ҳайратга тушадилар. Бу раис даврасида яна бир бор бўлишни орзу қилиб қолишади. Чунки бундай давралар одамлар умрига умр қўшади, кайфиятини хушхандон қилади.

Йирик ношир, маърифатпарвар, ажойиб дўст Наримон Ҳотамов ноширлик соҳасида Ўзбекистонда мактаб яратган бўлса, айни пайтда у назариётчи тилшунос, адабиётшунос олим, педагог ва кайвони устоз сифатида ҳам халқимиз орасида кенг шуҳрат топди. Олим-ноширнинг ўнлаб китоблари Ўзбекистоннинг, қадим Туркистоннинг ҳар бир хонадонидан муносиб ўрин эгаллади. Бу фидойи маърифатпарварни танимаган одам камдан-кам топилади. Би-

роқ уни кўрмаганлар, суҳбатида бўлмаганлар ҳам Наримон Ҳотамовни яқиндан танишади. Бу элчилар — унинг қарийб ярим асрдан буён чоп этиб келаётган маърифат кабутарлари — китоблардир. Ҳотамовнинг ҳаётда орттирган таянч нуқтаси — ўлмас йитмас маърифат манбаи китоб — нур ва зиёдир!

*Мурођжон АМИНОВ,*
*Эркин ЗОКИРОВ*

## КОМИЛЛИК

Комиллик — инсон зоти учун олий мақом ва улуғ неъматдир. Кимгаки бу неъмат насиб этибди — демак, у бахтли, омадли, йўли равон ва манзили нурлидир.

Комилликка эришишнинг ўзига хос сўқмоғи — заҳмат ва машаққати, шарт-шароит ва мезони бор. Бу мақомни эгаллаш учун кишида аниқ мақсад, интилиш, эътиқод, ирода, сабр-қаноат, иқтидор, салоҳият бўлмоғи лозим. Бунга оилавий муҳитнинг қўшимча таъсири қўшилса нур устига аъло нур. Даврон Шораҳмедов мактабни тугатиб, мустақил ҳаёт йўлини танлаётганида худди мана шу асослар унга қанот бағишлаб, рағбат бергани рост.

Озми-кўпми хабаримиз бор. У азим Тошкент шаҳрининг маърифатли зиёкор хонадонида вояга етди. Оила бошлиғи Шоаҳмад ака таниқли журналист ва ёзувчи сифатида элга танилган эди (Шоаҳмад ака ўзбек халқининг биринчи оқсоқоли Йўлдош Охунбобоевга котиб бўлган, «Қизил Ўзбекистон» газетаси таҳририятида беминнат, самарали ишлаган, ёзувчи Ҳабиб Нуъмон билан ҳамкорликда «Ота» романини ёзган дилкаш инсон эдилар). Бу серфайз хонадонга таниқли шоиру адиблар, журналистлар тез-тез келиб туришар, ижодий гурунглар, мусоҳабалар олиб боришарди. Табиийки, бундай муҳитда тарбия топган фарзанд учун касб танлашда иккиланиш бўлмайди.



Даврон ота касбига меҳр қўйди — ТошДУ журналистика факультетида таҳсил олди. Сўнг «Ўзбекистон» давлат нашриётида иш бошлади. Ёш бўлишига қарамай, пишиқ-пухта таҳрири билан устозлар назарига тушди. Қатор ижтимоий, иқтисодий, сиёсий адабиёт нашрларига муҳаррирлик қилди. Лекин комиллик сари талпинган қалб ва руҳият заковатга чанқоқ, уйғоқ эди. Тафаккур дурдоналари хазинаси, буюк аждодларимиз ижоди уни ўзига чорлади. Шу чорлов боис у Ўзбекистон Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг аспирантурасида ўқиди. Халқимизнинг маънавий ва маданий мероси, қадриятларга оид илмий тадқиқотлар олиб борди. Таниқли файласуф олим Музаффар Хайруллаев раҳбарлигида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Тез орада унинг умр дафтарида янги саҳифа очилди: Ўзбек универсал энциклопедиясидек фундаментал нашрни яратиш ишлари билан шуғулланувчи илмий даргоҳга, фалсафа ва ҳуқуқ таҳририяти мудири лавозимига ишга таклиф этишди. Ёш олимнинг қобилияти ва иқтидори жамоа аъзоларининг эътиборини тортди. Кўп ўтмай у бош муҳаррир ўринбосари этиб тайинланди.

Ўша вақтда, 1974 йилда Қомуснинг дастлабки 4 жилди ўқувчиларга ҳавола этилган эди. Қомусчилар олдида яна унинг 10 жилдлик китобини тайёрлаш ва нашрдан чиқаришдек масъулиятли, катта ва мураккаб вазифа турарди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Иброҳим Мўминов асос солган энциклопедия нашрини давом эттириш, уни охирига етказишдек катта масъулият вақти-вақти билан ўзгариб турган Бош таҳририят раҳбарлари қатори

кўпроқ бош муҳаррир ўринбосари Даврон Шораҳмедовнинг зиммасига тушган эди десак, муболаға бўлмайди. Энциклопедия яратилишига республика илмий жамоатчилигининг етук вакиллари — мутахассисларни жалб этиш, фаннинг турли соҳалари бўйича илмий секциялар тузиш ва улар фаолиятини бирлаштириш, мақолалар таҳрири, тақризи, тасдиғига оид ташкилий ва амалий ишларни йўлга қўйиш, уларнинг ғоявий, илмий савияси ва сифатини таъминлаш, таҳририятнинг молиявий ва ноширлик фаолиятини синчиклаб кузатиб бориш, кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш, қўйингчи, тўла асос билан айтиш мумкинки, у бу эзгу ишни рўёбга чиқариш йўлида катта куч-ғайрат сарфлади. Бу қомус, гарчанд шўролар вақтида нашр этилган бўлса-да, ўз даврининг тарихий кўзгуси эди.

80-йилларнинг бошида Қомуслар бош таҳририяти жамоасининг келажагини ҳал этиш масаласи юзага келди. Бунинг устига бош таҳририят янги тизимга — ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш, хўжалик ҳисобидаги иш тартибига ўтган, жамоани иш билан таъминлаш, шаклланган кадрлар тарқаб кетмаслиги учун чоралар кўриш каби муаммоларга жавоб топиш зарур эди. Кимдир бу масъулиятли вазифани бажаришни зиммасига олиши, муаммо ечимини топиши керак эди, муҳими — Қомус бош таҳририят сифатида қоладими ёки тарқаб кетадими, деган масала кўндаланг турарди. Шунда жамоанинг ҳар бир аъзоси қатори Даврон Шораҳмедовнинг фидойилик хислати намоён бўлди. У жаҳон қомусчилари тажрибаси асосида Бош таҳририятнинг узоқ йилларга мўлжалланган истиқболли режасини тузиб чиқишга бош-қош бўлди. Айтиш мумкинки, шу тариқа Ўзбекистонда собиқ СССР, Марказий Осиё республикалари орасида биринчилардан бўлиб, соҳа энциклопедиялари ва луғатларини нашр этиш ишлари йўлга қўйилди. Сўнгги 15—20 йил

ичида маънавий хазинамизни бойитган адабиётлар — «Меҳнат ҳуқуқи», «Уй-рўзғор», «Саломатлик», «У ким, бу нима?» (болалар учун), «Тошкент» энциклопедиялари, «Энциклопедик луғат» (2 жилд), «Русча-ўзбекча луғат» (2 жилд), «Ўзбекча-русча луғат», «Политехника луғати», «Ёш техник», «Ёш математик», «Ёш химик» энциклопедиялари, «Ҳадис» (4 жилд), «Хотира» китоби, қатор номдаги луғатлар, сўзлашгичларни қўлга олиб, бирма-бир варақласангиз, ўша вақтда қомусий нашрлар чоп этишда тўғри йўл танланганлигига тўла ишонч ҳосил қиласиз.

Даврон Шораҳмедов ўзининг ҳаёт йўли ҳақида гапирар экан, илк бор муҳаррирлик сир-асрорини ўргатган устози, таниқли ношир Вали Раҳим, Мели Жўра, Хайриддин Назиров, уни фан оламига етаклаган ва олимлар даврасига қўшган файласуф-академик Музаффар Хайруллаев, тиббиёт академиги Комилжон Зуфаров, соҳалар бўйича қомуслар ва луғатларни нашр этиш ишларида раҳнамолик қилган журналистлар ва матбуотчилар отахони Зиёд Есенбоев, ҳозирги вақтда у билан бирга ёнма-ён ишлаб келаётган қомусчилар — «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриётининг бош директори, иқтисодчи олим, профессор Нурислом Тўхлиев етакчилигидаги кўплаб ҳамкасб қадрдонлари номини ардоқлаб, ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олади.

Қуръони каримда солиҳ кишилар учун Аллоҳ таолонинг ажри-савоби бор эканлиги ҳақида оят бор. Даврон Шораҳмедов ҳалол, фидойи меҳнати, солиҳ амаллари билан бу дунё саодатини топмоқда. У «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти бош директорининг ўринбосари. Давлатимиз унинг қомусчиликни ривожлантириш соҳасидаги хизматларини муносиб тақдирлаган. У — «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими»,

Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотининг лауреати, Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг фахрий ёрлиқлари соҳибидир.

1999 йили истиқлолимизнинг саккиз йиллиги муносабати билан ҳамда жамоатчилик олдидаги хизматлари учун Даврон Шораҳмедов «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотланди.

Даврон Шораҳмедов ишлаётган ижодий жамоа XXI асрни Ўзбекистон Миллий энциклопедиясининг биринчи жилдини босмадан чиқариш билан кутиб олди. Бу — алоҳида мавзу. Шундай бўлса-да, бир нарсани таъкидламоқчимиз, мазкур қомус истиқлол тақдим этган неъматлар — миллатимиз тарихи, маънавий қадриятларимиз, бой меросимиз, ўтган авлод-аждодларимиз ва олиму уламою фозилларимиз яратган барча нодир илм-фан тафаккури ҳамда хазиналари, маданий тараққиётимизнинг ўзига хос янги кўзгуси бўлди. Унинг сарварлигида, китобни нашрга тайёрлаганлар рўйхатида Даврон Шораҳмедовнинг ҳам номи битилди.

*Ибодулла ШОЙМАРДОНОВ*

## ЖАНГЧИ НОШИР

Ҳар бир инсоннинг жамиятда тутган ўз ўрни бор, дейишади. Унинг заминида чуқур маъно ётади. Бу борада Ғани Ашурович Алиевнинг ҳаёт йўли жамиятда ўз ўрнини топа олган ва бошқаларга ҳам ўрнак инсон тимсолида намоён бўлади.

Ғани Ашур ўғли 1923 йилда Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур маҳалласида туғилди. 1941 йилда 115-сонли ўрта мактабнинг 10-синфини тугатди. Орадан бироз вақт ўтгач, у ўз тенгқурлари қатори урушга кетди.



Ғани ака Ғарбий фронтнинг 5-армиясига қарашли 29-гвардиячи дивизия сафидаги 93-полк жангчилари билан биринчи жангга кирди. У хизмат қилаётган полк Можайск, Уваровка, Гжатск (ҳозирги Гагарин) шаҳарларини душмандан озод этишда фаол қатнашди.

1943 йил август ойида Ельня шаҳрини душмандан озод қилиш вақтида жангчи Ғани ўнг оёғидан яраланиб, аввал Москва, сўнгра Горький шаҳарларидаги ҳарбий касалхоналарда даволанди. Соғлиғини тиклаб олганидан кейин у яна жанггоҳ йўлларига қайтди. Болтиқбўйи республикалари ва Шарқий Пруссияни босқинчилардан тозалаш жангларида иштирок этди. Уруш тугагани ҳақидаги хабарни Кенигсбергда кутиб олди. Ғани ака 1946 йилнинг 19 февралида она шаҳри — Тошкентга соғ-саломат қайтиб келди.

Ғани ака 1950 йилда Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институтига ўқишга кирди. Ўқишни муваффақиятли тугатиб, инглиз тили бўйича мутахассис дипломини олди. Дастлаб шаҳардаги 90-, кейинроқ 115-ўрта мактабларда дарс берди.

Ғ. Алиевнинг ноширлик фаолияти 60-йилларда бошланди. Маълумки, 50-йилларда ЎзССР Ўқув-педагогика Давлат нашриётида умумий таълим мактаблари ва педагогика билим юртлари учун адабиётлар нашр этишда бир қатор муваффақиятлар қўлга киритилган бўлишса-да, ҳали кўп тармоқли олий ўқув юртлари учун адабиётлар жуда кам чиқарилар, ўрта махсус ва профессионал-техника билим юртлари учун дарсликлар ва ўқув қўлланмалари эса деярли йўқ даражада эди. 1960 йилда «Ўқувпеддавнашр» базасида ихтисослаштирилган ЎзССР «Ўрта ва олий мактаб» давлат нашриёти (ҳозирги «Ўқитувчи» нашриёти) ташкил этилиши шу жиддий масалани ижобий ҳал қилишга замин яратди. Шу муносабат билан республика ўрта мактаб ва олий ўқув юртларида чет

тиллар ўқитилишини янада яхшилаш, ўқувчи ва ўқитувчиларни чет тиллардан дарслик, қўлланмалар ва услубий адабиётлар билан таъминлаш мақсадида шу йилнёқ нашриётда чет тиллар таҳририяти ҳам тузилди. Ғани ака шу вақтда Маориф вазирлиги мактаблар бошқармасида инглиз тилидан методист-инспектор лавозимида ишлаётган эди. Уни янги ташкил этилган таҳририятнинг мудирлигига таклиф этишади. Ғани ака бу ниҳоятда масъулиятли вазифани виждонан бажариб, илм ўчоқларини чет тиллардан дарсликлар ва ўқув қўлланмалари билан тўла таъминлашга салмоқли улуш қўшди. Шуниси диққатга сазоворки, бир қанча ўқув адабиётлари Ғанижон ака томонидан яратилди. Мактабларнинг 8, 9, 10-синф инглиз тили дарсликлари ҳозирга қадар қайта нашр қилинмоқда (В. А. Фёдоров билан ҳамкорликда тузилган «Ўзбек-рус-инглиз-немис тиллари бошқарувига доир луғат-справочник» шулар жумласидандир).

Ғани ака ўқув-методик қўлланмалари таржимони сифатида ҳам «Ўрта мактабда чет тили ўқитиш методикаси», «Мактабда ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш», «Мактабда француз тили ўқитиш методикаси» каби 20 дан ортиқ ўқув адабиётларини ўзбек тилига ўгирган. Қўлланмалар таржимаси тили равонлиги, пишиқ-пухталиги билан ажралиб туради.

Ғани Алиев моҳир педагог, тажрибали ношир, ўткир таржимон, таниқли журналистгина эмас, балки ажойиб жамоатчи ҳамдир. У бир неча йил давомида нашриёт маҳаллий касаба уюшмасига раҳбарлик қилди. Ўзи туғилиб ўсган маҳалла қўмитаси раисининг муовини сифатида аҳоли ва ёшлар ўртасида тарбиявий ишларни олиб борди.

Жангчи, ношир ва таржимон Ғ. Алиевнинг элюрт олдидаги хизматлари муносиб тақдирланган. Унинг кўксини жанговар орден ва медаллар қатори «Халқ маорифи аълочиси», «Матбуот аълочиси» ни-

шонлари безаб турибди. Мустақил республикамизда Ғани ака биринчилар сафида «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист» фахрий унвонига сазовор бўлди.

Ғани ака катта оилага бош. Аҳил ва иноқ оилада 6 ўғил ва 2 қиз вояга етиб, камол топди.

Ғани ака Алиев ҳамон сафда. У ҳамиша одамлар орасида. Айниқса, байрам кунлари у кишини сира топиб бўлмайди. Мактабларда, маҳаллаларда одамлар билан «дард»лашиб юради.

— Ёшлар билан учрашишни жуда-жуда ёқтираман, — дейди у. — Ёшларга жанггоҳларда қуролдош дўстларим қаторида кўрган воқеаларни ҳикоя қилгим келади. Бугунги ёшларимиз урушнинг нималигини, унинг қандай оқибатларга олиб келишини, оловли йилларда ота-оналарининг не-не оғир кунларни бошдан кечирганликларини яхши билсинки, зеро, уларга бу сабоқлар ҳозирги давр қийинчиликларини енгиб ўтишда, республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлашда, Ватан учун содиқ фарзандлар бўлиб етишишда маънавий кўмак берса...

Республика миқёсидаги пенсионер, уруш фахрийси Ғани ака Алиевнинг умр сўқмоқлари нурга тўлиб, мазмунан бойиб бормоқда. Чиндан ҳам Ғани аканинг ҳаёти ибрат олса арзийдиган сермазмун, гўзал ҳаётдир.

*Машраб БОБОЕВ*

## «ШОИРЛИГИНГНИ БИЛАМАН, ИСМИНГНИ АЙТ»

Самарқанд вилоятининг чекка қишлоқларидан бирида омоч тортиб, тракторга сув қуйиб юрган бола эдим, тақдир тақозоси билан Тошкентга келиб қолдим. Бировга яхши, бировга ёмон деган-

дай, ёлғон-яшиқдан ҳам тап тортмай, олдин кутубхоначилик, кейин актёрлик касбини эгалладим. Шунга ҳам қирқ йилдан ошибди. Бу даврда кўп дўст орттирдим. Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов, Шукур Бурхон, бошқа шоир, ёзувчи дўстлар, устозлар...

Бугун ана шундай кишилардан бири — таваллудига олтмиш йил тўлган Шоир Усмонхўжаев ҳақида икки оғиз гапирмоқчиман. У зиёли оилада тарбия топиб, олдин маъмурий идораларда ишлаган. Кейин матбаачиликни касб қилиб олган. Бу ишнинг машаққатини тортган кишигина билади. Шоир Зокирович, мана, салкам қирқ йил шу машаққатдан қочмай ноширлик нонини ҳурматлаб келди. Фаолиятини соҳанинг остонасидан бошлаб, бу касбнинг сир-асрорини сув қилиб симирди. Ҳарф териш, босмахона ходими билан ишлаш, корректура ўқиш, муҳаррирлик, директорлик... Ҳар бирининг «калит»и бор. Шоир Усмонхўжаев шу калитни топган. Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидовдан сўнг анча йиллар Ғафур Ғулом номидаги нашриётни бошқарди. Кейин «Ёзувчи» нашриёти ташкил этилиб, тажрибали мутахассис у ерга раҳбар этиб юборилди.

Бу ерда ҳам ўзбек адабиётининг, маданиятининг гули йиғилар эди. Абдулла Орипов, Саид Аҳмад, Наби Раҳимов... Нашриёт ходимлари хушмуомала, яхши хизмат қилиб турарди. «Меҳмон»лар орасида Низом Комилов билан каминаи камтарин ҳам бўлар эди, албатта.

Икки қават юқорида «Ойдин» газетаси жойлашган, унинг раҳбари Миад Ҳакимов атрофида ҳам кўпчилик тўпланарди. Учқун Назаров, Наим Каримов, Эркин Жўраев... Хуллас, аҳилликда, тадбиркорликда гап кўп экан. «Ойдин» ҳам, «Ёзувчи» ҳам ўқувчи эътиборини тортиб турди.

Шоир Зокирович Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида узоқ ишлади. Остонадан «тахт»гача етган жойи шу ер. Бу ерда Одил Ёқубов,

Ҳасан Тўрабеков, Носир Фозилов, Мирзиёд Мирзоидов сингари ўз ишининг усталари ишлаган. Бошқа касб эгаларини-ку, билмайман, аммо нашриётда ишлаганман, биламан — ёзувчи, шоир деганингиз билан муомала қилиш ниҳоятда оғир. Чунки ҳамма китобим чиқсин, дейди, ҳамма «биринчи». Аммо бунинг иложи йўқ. Қўлидан келган ҳам ёзади, қўлидан келмаган ҳам. «Нега дўхтирнинг китоби чиқади-ю, бизники чиқмайди?» деб жанжал қилганлар ҳам кўп эди. Чунки, тиббиёт фанлари номзоди, ниҳоятда зукко инсон Зикрилла Эгамбердиев қизи Зарифанинг номини ҳам қўшиб, ажойиб ибратомуз китоблар ёзарди... Шоир Зокирович ҳамма билан тил топиш санъатини мукаммал эгаллаган эди.

Боя айтдим, истеъдодсиз муаллиф жанжалкаш келади. Бир куни шундай муаллифлардан бири келиб, кулоғини қоқиб қўлига берган, ўтираверган. Шоир Зокирович ҳам ҳамма қатори банда, зериккан, чарчаган. Нимадир бўлиб ташқарига чиққан. Эшигим очиқ эди, кирди. Чой узатдим. У ёқ-бу ёқдан гаплашиб қолдик. Бир пайт котиба кирди. «Шоир ака, меҳмонингиз хонангизда, ўзингиз Машраб аканинг олдида ўтирибсиз, деди» жилмайиб. Роса мириқиб кулдик.

Шоир Зокировични оддий инсон, дўст сифатида ҳамма яхши кўради. У бир вақтлар ишлаб чиқариш бўлимида хизмат қилиб юрган пайтда нашриётга ўша пайтдаги анча машҳур шоир кириб келади. Нимадир бўлиб, дуч келишади. «Отинг нима?» — дейди шоир. «Шоир». «Айтдимку, шоирлигингни биламан, китобларингни ўқиганман, отингни сўраяпман!» Китобларини ўқиган шоирнинг исмини билмаслик ҳам... фаромушликка кирадими? Бу гап ўшанда анча пайтгача тилдан-тилга кўчиб, суҳбатларнинг мавзусига айланган эди.

Муҳим гаплардан бири эсдан чиқибди! Шоир Зокирович ижодий фаолият давомида жуда кўп китоб,

кинофильмлар таржима қилган. Демак, ўзбек маданиятига ўз улушини қўшган.

Дўстларингиз, рафиқангиз, фарзандларингиз, набираларингиз, мухлисларингиз ардоғида узоқ умр кўринг, азизим, Шоир Зокирович! Оллоҳдан сўраганим шу.

*Рустам МУСУРМОН*

## КЎНГИЛЛАРДАН БОШЛАНАР ВАТАН

Ватанимиз мустақиллигининг 9 йиллиги байрами арафасида таниқли шоир ва ношир, дилкаш дўст Нормурод Нарзуллаев «Ўзбекистон халқ шоири» унвонига сазовор бўлди.

У билан суҳбатимиз ижодкор масъулияти ҳақида борди. Шоир сўзларига қулоқ тутинг:

— Мени юксак унвонга лозим кўришганини ва ушбу муборак унвоннинг менга насиб этишини, аввало, камтарона ижодимга берилган баҳо деб биламан. Ўзи тарбиялаб, ижод оламига олиб кирган адабиётимизнинг, санъатимизнинг менга кўрсатган марҳаматидир — бу.

Инсон ҳалол меҳнат қиласа, сидқидилдан эл хизматида бўлса, унинг меҳнати бир куни албатта қадрланишига ишонаман. Мен иккита сўзни — «қадр» ва «меҳр» сўзларини ҳамиша такрорлаб юраман. Назаримда, инсон ҳаётининг мезони мана шу икки сўз ифодалаган мазмундадир. Тарозининг бир палласида меҳр турса, иккинчи палласида қадр туради. Виждон эса ўша адолат тарозусининг посангисидир.

Биласизми, дорбоз нима учун йиқилмайди? Ҳа, у лангар билан мувозанатни сақлайди. Хўш, инсон-чи? Инсон ҳаётда ўз мувозанатини қандай сақлайди?

Инсон ҳар бир бостан қадамида виждонни лангардек тутса, у ҳеч қачон йўлдан қоқилмайди. Ҳалоллик, покликк ҳар бир инсоннинг умр мезони бўлиб қолса қанийди. Дастурхонда нон синдирмоққа, давранинг тўрида ўтирмоққа, минбарга чиқиб сўз айтмоққа ҳар кишининг маънавий ҳаққи бўлиши керак. Мен ана шундай маънавий ҳақ-ҳуқуқи бўлган одамларни чин юракдан севаман ва уларни кўзим қароғида, қалбим ардоғида асрайман. Мен ана шу туйғуларимни, ўйларимни шеърларимда, қўшиқларимда имкон қадар куйлаш бахтига муяссар бўлганимдан хушбахтман.

«Халқ шоири» фахрий унвони орқали менга ишонч билдирилди. Бу ишончни халққа манзур бўладиган асарлар битиш билан оқлаш лозимлиги масъулияти зиммамда эканини бир зум ҳам унутмайман. Айни пайтда ўзимнинг халқдан ҳамиша қарздорлигимни, бурчдорлигимни янада чуқур ҳис этмоқдаман...

— Нормурод ака, сизнинг «Оқ саманим» деган китобингиз чоп этилган. Ўша оқ саманингизнинг тарихи ҳақида гапириб берсангиз.

— Отам 40 йил отдан тушмай улоқ чопиб ўтганлар. Бешкент, Косон, Касби, Нишон, Муборак, Баҳористон атрофидаги одамлар отамни Нарзулло бобо деб эҳтиром қилишарди. Гарчи отам вафот этган бўлса ҳам, ҳовлимиздан ҳозирга қадар отнинг туёғи узилган эмас.

Отамнинг ўгитлари эса ҳамон қулоғимда. Кимки отга яқин бўлса, у фариштага яқин бўлади. Чунки отнинг қанотида девлар бор, фаришталар бор.

Отам вафот этганларида мен ҳовлида фотиҳа қабул қилар эдим. Бошимни эгиб, мунғайиб ўтирганимда отимизнинг оқ тойчоғи келиб, менинг кийимларимни искаб, бошини елкаларимга, кўкракларимга суйкаганида кўзларимга иссиқ ёш қуйилди. Шу воқеа сабаб бўлиб «Оқ саманим» деган шеър ёзганман. «Оқ

саманим» номли китобимни отамга бағишлаганман. Ўшандан буён ўша оқ саман менинг ёнимдан кетган эмас. У менинг ҳаётимга шеър бўлиб кириб келди...

— Ижодингизнинг салмоқли қисмини қўшиқчилик санъатига бағишлагансиз. Бунинг сабаби нимада?

— Мен ўзимни қўшиқсиз тасаввур эта олмайман. Куй-қўшиқсиз жонсизга ўхшаб қоламан-да, қўшиқ бу — ҳаёт...

Эҳтимол, халқ ичида кўп бўлганимданми, халқ оғзаки ижоди намуналарини бирмунча ўзлаштирганимданми, қўшиқларим ўйноқи, халқчил ва ҳаётий. Мен шу ўринда устозларим — Миртемирни, Туроб Тўлани, Шуҳратни чуқур эҳтиром билан эслайман. Чунки бу устозлардан кўп нарсани ўрганганман. Илк қўшиқларим шу устозларнинг назаридан ўтган. Агар мен шу давр ичида бирмунча тилга тушган бўлсам, бунинг учун устозларим қатори машҳур ва таниқли хонандалардан, ёш ижрочилардан миннатдорман.

Президентимиз айтганларидек, вақт ўтаверади, даврлар келиб-кетаверади, Ватан абадийдир. Шу Ватанни, шу юртни севиш, уни жўшиб куйлаш буюк бахтдир. Ана шундай саодат бир қаламкаш сифатида менга ҳам насиб этганидан мамнунман. Сизга яхши маълум, ҳадиси шарифда: «Сўзда сеҳр бор, шеърда ҳикмат», — дейилган. Сўз, калом, қалам, соз, овоз — булар бир-бирини туғдирувчи илоҳий ҳодисалардир.

— Сизни бугун нималар ўйлатади? Кўнглингизда қандай армонларингиз бор?

— Қўшиқ ёзадиган, қўшиқнавис шоирларга баъзилар ўта сўлларча муносабатда бўладилар. Айниқса, зиёлиларнинг ичида ҳам шундай кимсалар борлигини ҳеч ҳазм қила олмайман. Улар ўзи қўшиқ эшитади, маза қилиб завқланади. Лекин қўшиқнавис ижодкорларга шоир сифатида қарамайди. Бу нотўғри-да, ахир. Битта яхши қанотли қўшиқ катта достоннинг кучига эга бўлади. Яхши қўшиқни ҳамма

тинглайди, ҳатто жўр бўлади. Тўйда ҳам, азада ҳам қўшиқ айтилади. У инсоннинг ички туйғуларини ифода қилади.

Минг шукурки, халқимиз жўр бўладиган, қўшилиб айтадиган қўшиқлар анчагина. «Мен нечун севаман Ўзбекистонни», «Юрт ишқида ёнаман», «Ўзингдан қўймасин, халқим...», «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон», «Дунё»... Миллий ғурур ва ифтихор туйғусини уйғотадиган бу қўшиқларни ҳамма севади. Мен уларни шоир, бастакор ва хонанда ижодий ҳамкорлигининг энг яхши намуналари сифатида юксак қадрлайман..

Энг муҳими, кўнгилни йўқотмайлик, кўнгилни топайлик. Зотан:

*Кўнгиллардан бошланар Ватан,*
*Севиб, қучгил, яйрагил, кулгил.*
*Бағишласа ўзин жону тан,*
*Ватан бўлиб қолади кўнгил!*

— Нормурод ака, сизнинг бир оқсоқол шоир сифатида ёшлар ижодига муносабатингиз қандай? Уларга қандай тилакларингиз бор?

— Адабиётимизга янги ирмоқлар келиб қўшиляпти. Уларнинг ўз овози, сўзи ва дастхатига эгалиги мени хурсанд қилади. Ёшларимизнинг насрий ва шеърий асарларига хос хусусият шуки, улар умуминсоний туйғуларни ифодалашга, қандайдир мавҳум мавзуларни эмас, халқнинг дарду ташвишларини ранг-баранг оҳанглар ва ранглар воситасида тасвирлашга ҳаракат қилмоқдалар. Айни пайтда адабиётимизнинг азалий анъаналарига содиқ қолишга интилмоқдалар.

Хизмат бурчим тақозоси билан кўп йиллардан буён ёш истеъдодларнинг асарларини чоп этиш билан шуғулланаман. Шу иш жараёнида мен уларнинг китобларини қайта-қайталаб ўқиганман, танишган-

ман, таҳрир қилганман. Айтмоқчиманки, мен уларнинг нозик туйғуларига яқинман.

Устозимиз Иззат Султон билан учрашганимда у киши ёшлар ижоди ҳақида бир гапни айтган эдилар: «Ёшларимизда шеърий тафаккур етишмайди...». Мен ҳам у кишининг фикрларини маъқуллаадим. Устознинг бу гаплари шуни кўрсатадики, ёшларимиз ижодини оқсоқол адибларимиз ҳам кузатиб туради. Демак, улар ёш дўстларимизнинг ижодий камолотига умид билан қарамоқдалар. Буни ёшларимиз ҳеч қачон унутмасликларини истардим...

*Ҳамид СУЛТОНОВ*

## ОТА ИЗИДАН БОРИБ

Ҳар бир ҳамкасбимизнинг ижобий қобилияти, юриш-туриши, хулқи-одоби, ўзгалар қувончу ташвишига муносабати ҳақида ишхонадагилардалик холис баҳо берадиганлар бўлмаса керак. Шу боис Суръат Абдукаримов ҳақида лавҳа ёзишдан олдин унинг ҳамкасблари билан суҳбатда бўлдим.

— Суръат ака касбини ардоқлаб, муродига етган ношир дўстларимиздан бири, — дейди бўлим мудири Мангуберди Саъдуллаев. — Ўн йилдан ошдики, ҳамхонамиз. Танти, хушмуомала. Энг муҳими, ишлаб чарчамайди. Бир китоб изидан иккинчисини пешма-пеш нашрга тайёрлаб улгуришига ҳамиша қойил қоламан. Бундай инсон билан ёнма-ён ишлаш — бахт.

— Суръат акадан на фақат меҳнат бағрида, балки турмуш чорраҳаларида ҳам кўп нарсани ўрганасиз, — дейди етакчи муҳаррир Каримжон Бўронов. — У киши ёшларга ака, улуғларга ука...

— Суръат ака нашриёт касаба уюшмаси қўмитаси раиси бўлган вақтларида (1988 — 1995 йиллар), —



дейди мусаҳҳиҳлар бўлими бошлиғи Шоира Мақсудова, — ўзларининг ишбилармонликлари, одамларга нисбатан нақадар меҳрибонликларини амалда яққол кўрсатган эдилар. Ўша йилларда нашриётимиз касаба уюшмаси қўмитаси ғоят фаол эди. Унга қўшни нашриётларнинг ҳам ҳаваси келарди. Бу, шубҳасиз, Суръат аканинг одамохунликлари, ишбилармонликлари ва катта саъй-ҳаракатлари самараси эди.

Чиндан ҳам Суръат Абдукаримов ҳақида сўз борганида «Ўзбекистон» нашриётидагилар уни ажойиб дилкаш инсон, энг моҳир ва энг тажрибали ношир, деб таърифлайдилар.

Унинг бу даргоҳга қадам қўйганига 32 йилдан ошди. Фақат шу давр мобайнида у билан бирга ишлаган ва ишлаётган ноширлар, учрашган ва учрашаётган муаллифлар рўйхатини тузадиган, унинг кўз нури ва қалб қўрини, маҳорати ва тажрибасини сарфлаган ва сарфлаётган нашрлар салмоғини, илм-маърифатидан, маънавиятидан баҳра олганлар ададини аниқлайдиган бўлсак, борми?! Эҳ-ҳа, қалин муқовали дафтарларнинг саҳифалари тўлиши, ажойиб ва унутилмас тафсилотлар ёзилиши, шубҳасиз.

Ҳа, дарвоқе, «Ўзбекистон» нашриёти Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси тизимидаги энг йирик ноширлик маскани саналади. Нашриёт таҳририятларида ижтимоий-сиёсий, бадиий, ўқув-услубий адабиётлар босмага тайёрланади. Сўнгги ўн йиллик мобайнида «Ўзбекистон» ноширлари республикамиз олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллеж ва лицейлари, ўрта мактаблар учун қатор дарсликларнинг яратилишига ҳам баракали улуш қўшиб келаётганликларини таъкидлаш ўринли.

Табиийки, элимизга довруқли ижодий жамоа бағрида қалам тебратмоқликнинг ўзи бир омад. Иккинчидан, ноширликнинг ўзига хос қийинчилиги ю масъулияти ҳам борки, буни унинг нони таъми-

ни татиган инсонгина яхши билади, энг асосийси муаллифлар билан ишлаш, китобларни ўз муддатида ва сифатли ҳолда ўқувчилар қўлига етказиш йўлида ҳамиша маҳоратли бўлиш ва вақтни қадрлаш керак.

Сурьат Абдукаримов ака шундай ижодий талабларга тўла жавоб бера оладиган ношир сифатида танилган. Меҳнатига муносиб баҳо олганлигини айтиш ҳам қувонарли. Президентимиз Ислом Каримовнинг Фармонига кўра у 1995 йилда «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист» фахрий унвонига сазовор бўлди.

Халқимизда «Ота касби — олтин касб» деган ҳикматли ибора бор. Зеро, ҳамкасбимиз ота изидан бориб, олтин касб соҳиби бўлди.

— Зиёли хизматчи оиласида туғилдим, — деб ҳикоя қилади Сурьат ака ўз болалиги ҳақида гапирар экан. — Отам матбуот соҳасида ишлар, онам ҳам маърифатдан узоқ эмас эдилар. Тоғам таниқли журналист ёзувчи Ҳабиб Нуъмон (бу киши узоқ йиллар мобайнида «Қизил Ўзбекистон» — ҳозирги «Ўзбекистон овози» таҳририятида хизмат қилиб, шу ердан пенсияга чиққан эдилар. Аллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин — *муаллиф изоҳи*), матбуот соҳасининг ўша вақтдаги дарғалари Усмон ака Муҳаммедов, Мели Жўра, Илёс Муслим, Жалолхон Азизхоновлар отамнинг дўсти ва маслакдошлари эдилар. Улар ёз ойларида дала-ҳовлимизда (ха, дарвоқе, ўша пайтларда Кўкча даҳасининг Шофойзи мавзесидаги жойлар дала-ҳовли ҳисобланарди — *муаллиф*) тўпланишиб узоқ вақт суҳбатлар қуришарди. Янги босмадан чиққан газета-журналлар энг аввал бизникига келарди.

Отам 1942 йил 23 июлда «Қизил Ўзбекистон» газетасида ишлаб турган вақтларида урушга чақирилиб, Жалолхон Азизхонов, Мирзакалон Исмоилий, Мели Жўра, Илёс Муслим, Умурзоқов билан бирга «Қизил Армия» номли фронт газетасини чиқарганлар. Урушдан қайтиб келгач, 1945 йилнинг декабрь ойидан бошлаб, умрларининг охиригача (1955 йил 22 декабрь) Ўзбекистон ССР Адабиёт ва нашриёт ишлари бош бошқармасида ишлаганлар. Янги китобларни уйимизга олиб келганларида биз учун ҳақиқий байрам бошланиб кетарди. Тансиқ нондек уларни эъзозлаб, саҳифаларни ҳаяжон билан кўрардик. Ўшанда улғайсам, ношир бўламан, деб кўнглимга туккан бўлсам керак, мана, Яратганга шукрлар бўлсинки, касбимнинг нони ширинлигини ҳаётимда кўряпман...

Шундан сўнг суҳбатдошим ҳаётидаги унутилмас саналарни ён дафтаримга ёзиб бораман:

1960 йилнинг 1 апрелида (Тошкент Давлат педагогика институтининг Ўзбек тили ва адабиёти факультетининг кечки бўлими 1-курсида ўқиётган пайтида) «Ёш гвардия» нашриётига ишга келиб, дастёр вазифасини бажарган. Таниқли журналист Сотиболди Йўлдошев ўшанда нашриёт директори, шоир ва ношир Шукур Саъдулла бош муҳаррири эдилар.

1960 йилнинг август ойидан бошлаб 1965 йилнинг апрелига қадар у Ўзбекистон Фанлар академияси нашриётида мусаҳҳиҳ, катта мусаҳҳиҳ, муҳаррир, катта муҳаррир бўлиб ишлади.

1965 йилнинг апрелида Ўзбекистон Фанлар академиясининг Пушкин номли Тил ва адабиёт институтида кичик илмий ходим, сўнг катта илмий ходим вазифасини бажарувчи лавозимида ишлаб, «Ўзбек тили ва адабиёти» журналига муҳаррирлик қилди.

1967 йилнинг июнь ойида Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасининг Бош редакциясига катта муҳаррир-маслаҳатчи вазифасига ишга чақирилади. «Медицина» ва «Фан» нашриётларининг ижодий

фаолиятини кузатиб бориш, матбуот саҳифаларида босмадан чиққан китоблар ҳақида ахборотлар ёритиш, ишлаб чиқариш режаларининг бажарилишини аниқлаш сингари вазифалар унга юклатилган эди.

1969 — 1970 йиллар мобайнида Ўзбек Совет Энциклопедияси (ҳозирги Ўзбекистон Миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти)нинг Бош муҳарририятида илмий муҳаррир бўлиб меҳнат қилди.

«Ўзбекистон» нашриётида 1970 йилнинг март ойидан бошлаб (муҳаррир, катта муҳаррир, бўлим мудири айни вақтда бош муҳаррир ўринбосари) ишлаб келмоқда. Ҳозирда ўзбек тилидаги адабиётлар таҳририятининг етакчи муҳаррири.

Муҳаррир аслида дунёга келадиган китобнинг иккинчи муаллифи эмасмикан? — деб ўйлаб қоласан. Негаки, у таҳрир санъатида билимдон, фикри тиниқ, нозик дид ва фаросатли, етти ўлчаб, бир кесадиган ижодкор. Унинг меҳнатини игна билан қудуқ қазишдек қийин ишга қиёс этса бўлади. Муҳаррир қўлёзмани қабул қилиб олгач, уни ўқиб чиқади, таҳрир қилиб, теришга топширади. Тайёр гранкаларни асл нусхага қараб яна ўқийди, мусаҳҳиҳлардан сўнг тайёр саҳифаларни назорат этиб, китобни босмага топшириш учун бош муҳаррирга тавсия қилади. Чиндан ҳам ижодий жараёнлар ҳалқаси бир-бирига узвий, мантиқан боғлиқ. Сурьат ака ана шундай заҳматкаш, меҳнатдан толиқмайдиган ношир. Қирқ йилдан ортиқ вақтдан буён у шу йўсинда меҳнат қилиб келмоқда. Агар муҳаррирнинг бир ойлик ишлаб чиқариш нормаси ўртача 8 — 10 нашр табоқ бўлса, Сурьат ака муҳаррирлик фаолияти давомида 4500 — 5000 нашр табоқ ҳажмда турли мавзулардаги қўлёзмаларни таҳрир этганлиги аён бўлади.

Сурьат Абдукаримов иқтидорли муҳарриргина эмас, айни чоғда моҳир таржимон ҳамдир. Унинг



русчадан таржима қилган биринчи китоби Д. Осокининг «Океан планетасининг бойликлари» бўлиб, 1963 йилда ўқувчилар эътиборига ҳавола этилган эди. Ҳозиргача йигирмадан ортиқ номдаги турли китобларни, хорижий адибларнинг асарларидан намуналарни рус тилидан ўзбек тилига таржима қилган.

Ўзбек миллий ва жаҳон адабиёти, санъати, дин тарихи ҳақида Сурьат ака билан суҳбатлашиб қолгудек бўлсангиз, унинг яна бир истеъдод қирраси кўзга ташланади. У эски ўзбек ёзувини яхши билади. Жумладан, оналари Саодатхон Нўъмон қизларининг (Аллоҳ улардан рози бўлсин) маслаҳатлари ва ёрдамлари билан илму ҳикмат, инсоний фазилатлар ҳақида сўз юритувчи «Манбаъ ул-маориф» китобини араб имлосидан кирилл ёзувига ўгирдилар. Аяхон тошбосма китобларини бемалол ўқиб, фарзандларини булоқ сувидек мусаффо маънавият билан ошно этиб борганлар. «Манбаъ ул-маориф» асари 30 минг нусхада босмадан чиққанлиги ва тезда тарқалиб кетганлигиноширнинг катта ютуғи, десак бўлади. Ҳозир бу китобнинг тўлдирилган, қайта нашри устида иш олиб бормоқда.

Сурьат ака оилапарвар инсон. Келинойимиз Шарофатхон ая билан олти фарзандни тарбиялаб, уйли жойли этишди. Саккиз неваранинг бувожонини ҳар қачон қувноқ ҳолда кўриб, дилингиз қувнайди. Унга ҳавас билан қараб, қиройи инсон шундай бўлса-да, дегингиз келади.

Умрни оқар дарё, дейишади. У олдинга қараб боради, ортга қайтмайди. Сурьат Абдукаримов бугун олтмишвойлар сафида. Камтарин ижодкор ҳаёти мазмунли ўтгани билан фахрланади. У қалб қўрини эзгу ишга бахш этиб, эъзоз топди.

## ЖОНКУЯРЛАР

Ҳар бир жамоанинг ўз фидойилари бўлади. Улар учун вақт тушунчаси нисбий бўлиб, иш манфаати асосий ўринда туради.

«Ўзбекистон» нашриётида шундай жонфидолар кўп. Шулардан бири — ноширлик ишини отамерос қилиб олган Мангуберди Саъдуллаев. Ноширлик унга отамерослигининг боиси шуки, у кишининг оталари — раҳматли Шукур ака Саъдуллаев ҳам ношир бўлганлар ва айни «Ўзбекистон» нашриёти — ўша даврдаги Ўздавнашрда муҳаррирлик қилганлар.

Мангуберди Шукурович «Ўзбекистон» нашриётига ишга 1992 йилда келган. Лекин меҳнат фаолиятини «Ўқитувчи» нашриётида бошлаган. Мусаҳҳиҳ, кичик муҳаррир, муҳаррир бўлиб ишлаган. Томирида жўш уриб турган ноширлик қони уни тинмай ишлашга, изланишга ундаган. Олий мактабда олган билими қўл келиб, математика, физика ва бошқа аниқ фанлар бўйича етук муҳаррир бўлиб шаклланди. Ўрта мактаб, олий мактаб физика-математика дарсликларини нашрга тайёрлаш сирларини пухта эгаллади. Меҳнати жараёнида кўплаб услубиятчи олимлар, дарслик ёзиш бўйича мутахассислар билан мулоқотда бўлиб, бу ишнинг ҳам сирини ўрганди. Ўтган асрнинг 70—80-йилларида мактабда ва олий ўқув юртининг физика-математика фанлари ўқитиладиган факультетларида таълим олганлар ўзлари ўқиган дарсликларнинг сўнгги саҳифаларидан бирида «муҳаррир Мангуберди Саъдуллаев» деган сатрларга албатта эътибор беришган.

Кейинчалик, иқтидорини ҳисобга олиб, уни математика фанлари бўйича ўқув адабиётлари таҳририяти мудири этиб тайинлашди. Шундан сўнг Ман-

губерди Шукуровичнинг ҳам ташкилотчилик, ҳам педагогик истеъдоди юз оча бошлади: тегишли фанлар бўйича дарсликлар сифатини яхшилаш, уларнинг ўқув дастурларига мувофиқлигини ошириш, педагог олимлар — муаллифлар ишини такомиллаштириш, уларни дарсликлардан ташқари, фан ўқитувчилари учун методик ёрдам сифатида қўлланмалар яратишга ундаш борасида қизғин иш олиб борди. Натижада, ўша даврда республика мактаблари ва олий ўқув юртлари учун физика-математика фанлари бўйича дарсликлар анча такомиллашди-ки, бунда Мангуберди Саъдуллаевнинг ҳам улуши бор, албатта.

Ташкилотчилиги туфайли М. Саъдуллаевни 1990 йилда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўқув-услубият марказига ишга таклиф қилишди. Бу ерда у дарсликлар муаллифлари билан дарслик чоп этадиган нашриёт ўртасида боғловчи бўғин сифатида иш олиб борди.

1992 йилда олий ва ўрта махсус ўқув юртлари учун дарслик чоп этиш вазифаси «Ўзбекистон» нашриётига юкланди. Шунда ишни биладиган мутахассисни топиш масаласи кўндаланг бўлди-ю нашриёт раҳбариятининг фикри бир нуқтадан чиқди — бу ишни бошқаришга Мангуберди Саъдуллаев таклиф этилди. Бу ерда у ўқув адабиётлари таҳририяти мудири — бош муҳаррир ўринбосари вазифасида хизмат қила бошлади.

Ташкилий иш, муаллифлар билан ишлашга қўшимча равишда вазирликнинг ўзи аввал хизмат қилган ўқув-услубият маркази билан ҳамкорлик қилишга тўғри келди. Аввал фақат нашр иши билан машғул бўлган бўлса, энди молия масаласи билан ҳам бевосита шуғулланишга тўғри келди. Бундан ташқари аввал ўқув адабиётлар билан ишламаган муҳаррирларга бу ишнинг сирини ўргатиш ҳам қўшилди. Сабр-тоқатли мутахассис бўлган Мангуберди Шу-

курович бу ишнинг ҳам уддасидан чиқди. 1994 йилда у нашриёт бош муҳаррири этиб тайинланди. Унинг ташкилий иш кўлами кенгайиб, нашриёт ижодий фаолияти бутунлай зиммасига тушди.

Лекин дарсликлар билан ишлаш жон-дили бўлган Мангуберди Саъдуллаев 1995 йил кузида яна ўзи ташкил қилган ўқув адабиётлари таҳририятига мудир бўлиб ўтди.

М. Саъдуллаевнинг ҳамкасбларига ўрнак бўладиган фазилатлари кўп. Интизомни ҳар нарсадан юқори қўяди ва уни ишдаги муваффақият гарови деб билади. Топшириқни муддатида бажаришга интилади ва бошқалардан ҳам шуни талаб қилади. Ўқиб-ўрганишдан толмайди ва бошқалардан билим, тажрибасини аямайди. Жамоадаги обрў-эътибори шундан бўлса керак.

Нашриёт жонкуярларидан яна бири яқин кунларгача бош муҳаррир бўлиб ишлаган Турғун Назаровдир. Бу ерда у 1998 йил бошидан иш бошлади. Аввал таҳририят мудири бўлди, орадан кўп вақт ўтмай бош муҳаррир этиб тайинланди.

Унинг нашриётга ишга ўтиши билан бу ерга янги оқим кириб келди, дейиш мумкин. Чунки, Т. Назаров аввал турли вақтли матбуот органларида, хусусан «Туркистон», «Халқ сўзи», «Меҳнат», «Соҳибқирон юлдузи» газеталарида ишлаган, тезкор иш услубини ўзлаштирганди. Гарчи «Ўзбекистон» нашриёти ишидаги тезкорликда матбуот органларидан қолишмаса-да, янги оқимнинг кириб келиши бу ердаги иш тарзини бир мунча ўзгартирди.

Т. Назаров бош муҳаррир сифатида истиқбол нашр режаларини тузиш, республика ижтимоий-сиёсий ҳаёти билан боғлиқ воқеалар муносабати билан тезкор нашрлар чоп этиш, нашриётнинг турли давлат дастурларининг бажарилишида иштирок этишини таъминлаш ишига ҳисса қўшиб келди.

Маълумки, мамлакатимизда мустақилликнинг ҳар бир йили бир шиор остида ўтмоқда: Инсон манфаатлари йили, Оила йили, Аёллар йили, Соғлом авлод йили, Оналар ва болалар йили... Нашриёт бу буюк тадбирлардан асло четда турмайди, уларга бағишлаб ўнлаб босма маҳсулот тайёрлаб, чоп этади. Бунда бош муҳаррирнинг ҳиссаси салмоқли бўлади, албатта. Ушбу тадбирларнинг бажарилишида нашриёт иштирокини таъминлаш бош муҳаррирдан катта ташкилотчилик ва ижодий маҳорат талаб қилади. Моҳир журналист бўлган Т. Назаровда ушбу фазилатлар жамланган. Шунинг учун нашриёт соҳасига ишга келганига кўп бўлмаганига қарамай бу соҳада ўз ўрнига эга бўлди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Ўткир Зокиров «Ўзбекистон» нашриётига бошчилик қилмоқда. У узоқ йиллар мобайнида матбуотда ишлаб катта ҳаёт йўлини босиб ўтган инсон. Ишнинг пировард натижаси учун ғайрат кўрсатиш — унинг бош шиори.

Шундай жонкуяр инсонлар бор экан, «Ўзбекистон» нашриётининг шуҳрати ортиб бораверади.

*Рустам БОЙТЎРА,*
*Саид МУРОД*

## УСТОЗЛАРДАН МЕҲР ОЛИБ...

Инсон деган улуғ номни мавҳум тушуниш қийин. Уни маълум бир фаолиятда, аниқ шароитда, амалий ишларда, шахсий ва оилавий муносабатларда чуқурроқ англаш, бир сўз билан айтганда яхлит қиёфада таниш мумкин.

Дунёда инсонларга хос фазилатлар кам эмас. Бироқ уларнинг бири кимдадир камроқ, кимдадир кўпроқ акс этади. Шу маънода Комил Солиҳ ўғли

Холмуҳамедовда камтарлик, очиқ кўнгиллик ва меҳнатсеварликни дарров илғаб олиш мумкин. Унинг бутун ҳаёти, ижоди, қолаверса юриш-туришида ҳам аввало шу хислатлар акс этган.

Камтарона ҳаёт йўлига бир назар:

Комил Холмуҳамедов 1939 йилнинг 2 февралида Тошкент шаҳридаги Ўқчи маҳалласида хизматчи оиласида туғилган. Болаликка хос беғубор дамларини ҳам, тенгдошлари қатори ўз даврининг қийинчиликларини ҳам бошдан кечирди. Ўрта мактабни 1956 йили, 1962 йили эса ТошДУнинг журналистика бўлимини тугатди. Сўнг... сўнг, биласизми унинг келажакдаги меҳнат фаолиятига илк тамал тоши қўйилди ва айнан шу қадам кейинги ижодий йўналишини ҳам белгилаб берди.

Аввало «Медицина» (ҳозирги Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти) нашриётида мусаҳҳих, кейинчалик кичик муҳаррир, муҳаррир вазифаларида ишлади. 1964 йили ўша даврда ҳам энг обрўли, республикада ягона илмий-оммабоп нашр бўлган «Фан ва турмуш» журналига, энг мураккаб соҳалардан саналмиш — биология ва тиббиёт бўлимига ишга таклиф қилинади.

«Фан ва турмуш»га ишга таклиф қилинадиганлар билан бош муҳаррир Тошмуҳаммад Қори Ниёзийнинг шахсан ўзлари суҳбат қилардилар. Қори ака имтиҳонидан «эсон-омон» ўтган ходимгина ишга олинарди.

Меҳнатсеварлик — ҳар қандай ишхонадаги энг биринчи талаб ва кўзга ташланувчи хусусият саналади. Айнан шу қобилияти боис ва «Фан ва турмуш»да ўзини кўрсатгани учун Комил ака Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Фан» нашриётига бош муҳаррир ўринбосари этиб тайинланди. Орадан икки йил ўтар-ўтмас «Фан ва турмуш» журнали масъул котиби (ўша кезлари журнал раҳбарияти ўртасида



келишмовчилик юзага келган, бир неча юз минглаб нусхада чоп этилаётган ойнома чиқмай қолиши хавфи туғилган эди) бўлди. 1978 йилдан ҳозирга қадар бош муҳаррир ўринбосари лавозимида ишлаб келмоқда. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими». Лекин унинг ўзи ижодни ва инсонларга яхшилик қилишни энг катта мукофот деб билади.

Очиғи ҳеч бир соҳа журналистларини камситмаган ҳолда эътироф этиш керакки, илм соҳаларида қалам тебратиш ўта оғир, мураккаб вазифа. Айтайлик, ҳар бир журналист воқеа-ҳодисалар, кечинмалар хусусида ўз қобилияти, тушунчаси даражасида қалам тебратади, аммо илмий йўналишда бу бироз ўзгача кечади. Масалан, ижтимоий соҳада ижод қилаётган муҳаррирдан бир пайтнинг ўзида ҳам биология, ҳам кимё, ҳам астрономия, ҳам география, ҳам техника ва ҳоказо соҳаларда ёзилган мақолаларни таҳрир этиш ёки ёзиш талаб этилади. Шу маънода Комил Холмуҳамедов ана шундай, номи мундарижада унчалик кўзга ташланмасада, бироқ ўта залворли ишларни бажаришга ўз илмини, қобилиятини бахшида этиб келмоқда.

Комил аканинг яна бир мақтанса, фахрланса, айтса арзигулик томони бор. Аниқроғи, у кишi узоқ йиллар давомида республикамизнинг аллома академиклари, атоқли олимлари билан бирга ишлади, уларнинг кўплаб суҳбатларида бўлиб, кўп нарсаларни ўрганди. Айниқса, ҳозирги ёшлар фақат номларини эшитган, асарларини ўқиган атоқли олимлар, хусусан Ўзбекистон Фанлар академиясининг биринчи президенти Қори Ниёзий, атоқли олимлар — академиклар Обид Содиқов, Теша Зоҳидов, Музаффар Хомидхонов, Обид Акромхўжаев, Ҳамдам Усмонов, Раҳим Бекжонов, Муҳаммад Урозбоевлар билан ва ҳозирда барҳаёт Ёлқин Тўрақулов, Восил Қобулов, Комилжон Зуфаровлар билан ёнма-ён,

устоз-шогирд бўлиб хизмат қилиш шарафига муяссар бўлди.

Умуман олганда, Комил Холмуҳамедов муаллиф, муҳаррир, нашрга тайёрловчи сифатида иштирок этган асарлар талайгина. Унга хос бўлган камтарлик нуқтаи назаридан айримларини қайд этиб ўтиш жоиз кўринди.

«Етти иқлимдаги еттилар» номли оммабоп, ўта қизиқарли рисола кўпчилик ўқувчилар китоб жавонидан ўрин олган. К. Холмуҳамедов бу асарнинг ҳам муаллифи (М. Жўраев билан бирга) саналади.

«У ким, бу нима» болалар учун мўлжалланган кўп жилдли қомус кўп йиллик меҳнат самараси бўлиб, узоқ йиллар натижасида нашр этилган. Жамоа ҳамкорлигида чоп этилган мазкур асар, шунингдек «Ўзбекистон қўриқхоналари» деб номланган рисола ҳаммуаллифларидан бири ҳам К. Холмуҳамедовдир.

Журналистлар, умуман ижод аҳли бу соҳанинг фақат обрў, шон-шуҳрат, лавозим, мақтовлардан иборат эмаслигини яхши билади. Комил ака ҳам ўз фаолияти давомида яхшигина «калтаклардан» бенасиб қолган эмас. Бу, айниқса, 80-йиллар охири — 90-йиллар бошида кўп бор такрорланди. Ана шунда камтар, камсуқум журналистга бирдан «юқори»дан туриб танбеҳ беришди. Турли дўқ-пўписалар, дашномларга гўё эътибор бермай журнал жамоаси билан бирга Ватанимиз тарихи, ўзбек тили, халқи, истиқлол мавзуида бир қатор ҳур фикрли мақолалар чоп эттирди. Ҳеч бир муболағасиз айтиш жоизки, ўша йиллар «Фан ва турмуш» республика матбуот воситалари орасида энг мард, энг кучли нашрлардан бирига айланди.

...Ўзи катта оилада ўсиб улғайгани учунми Комил ака табиатан болапарвар, кўпчиликни, жамоани яхши



кўради. Ўз жамоасидаги ҳар бир ходимга имкон қадар яхшилик қилишга ҳаракат қилади. Шу сабабли дўстлари ҳам, ёру жўралари ҳам, шогирдлари ҳам бисёр.

Шу ўринда шогирдлари ҳақида. Комил ака журналдаги бутун фаолияти мобайнида ўнлаб ёш қаламкашларнинг эмин-эркин ижод қилиши, ўз малакасини ошириши учун, айтиш мумкинки, рисоладагидек шароит яратиб бериб келган меҳрибон устоз. Қанчадан-қанча шогирдлари у киши туфайли уйли-жойли, оилали бўлиб кетганига кўпчилик гувоҳ.

«Таҳририят — ягона мақсад йўлида бир тан, бир жон бўлиб ишлайдиган ягона «команда» «бўлмоғи зарур» деган шиор унинг асосий тамойили. «Фан ва турмуш» мактабида сабоқ олган Хуршид Дўстмуҳаммад, Тоғай Мурод, Рустам Обидов каби таниқли адиб ва журналистлар Комил акани ҳурматли ва севимли устоз деб билишлари ҳам бежиз эмас, албатта.

Комил акани танийдиган кўпчилик — хоҳ у журналист, хоҳ олим ёки оддий киши бўлсин, баъзан жайдаричасига, оддийгина қилиб «зўр одам» дея таъриф беради. Бизнингча, у кишининг «зўрлиги» одамийлигида. Зеро, Комил ака шоирнинг «Одам бўлиб келдик, одам бўлайлик» — деган сатрини такрорлашни хуш кўради. Яна устознинг иш столида бир парча қоғозга хафсала билан битилган шу сатрлар узоқ вақтлардан буён кўзга ташланади:

*Шу Ватанга бордир менинг керагим,*
*Юрт ишқида ёнар, ёнар юрагим.*

Устознинг шу Ватанга, халқига, оиласига, дўстларига ҳали кераклигини ҳис этиб яшамоғининг ўзи ҳавас қилса арзийдиган бахт.

# ҚОМУСЛАРДА ҚАЙРАЛГАН ҚАЛАМ

Ҳар бир жамоанинг ўз таянчлари, заҳматкашлари, ҳамма мурожаат қиладиган ўзига хос кайвонилари бўлади. Бирон бир муаммо чиқиб қолса, баҳсли фикр туғилса, «Фалончи нима дейди?» деб уларнинг оғзига қаралади.

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти қомусчилари учун ана шундай одам, шубҳасиз, нашриётнинг илмий-методик ва сўзлик бўлими бошлиғи Мурoджон Аминовдир. У ҳақда гап борганда, «Билмадим»ни билмайди, деб бежиз айтишмайди.

Муроджоннинг бу фазилати кўп йиллик иш тажрибаси, тинимсиз, фидойилик билан қилган меҳнати натижасидир. 1965 йилдан буён у севимли касби — ноширлик, муҳаррирлик билан фаол шуғулланиб, эл-юртга танилиб келмоқда.

У дастлаб «Ўзбекистон» нашриётига келиб, Мели Жўра, Азиз Каебаеев, Вали Раҳим, Комил Абдуллаев, Тўлқин Рустамов каби устозлардан иш ўрганган. 1969 йилдан буён эса, Қомуслар бош таҳририяти (ҳозирги «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти) нашриётида фаолият кўрсатмоқда. 14 жилдлик Ўзбек энциклопедиясини тайёрлашда муҳаррир сифатида иштирок этган, кўплаб мақолалар ёзган. Ҳар хил соҳага оид илмий-оммабоп китобларнинг муаллифи, тузувчи-тўпловчиси қаторида унинг исм-фамилиясини ҳам ўқийсиз.

Сўнгги йилларда нашриёт чоп эттирган «Ўзбекистон Республикаси», «Хотин-қизлар энциклопедияси», «Сурхондарё», «Имом ал-Бухорий мажмуаси», «Мусулмонномa», «Иш юритиш» каби ўнлаб китоб, маълумотнома ва альбомларнинг малакали, ҳар

жиҳатдан талабга жавоб берадиган тарзда тайёрланишида жонкуяр ҳамкасбимизнинг ҳиссаси катта.

Айни кунларда қомусчилар ЎзМЭ нинг 12 жилдли катта нашри устида иш олиб бормоқдалар. Бу иш узлуксиз «конвейер»ни эслатади. Муаллиф-мутахассислар буюртма асосида тайёрлаган, сўнг илмий таҳририятлар (улар 9 та)да қиёмига етган мақолаларнинг ҳаммаси Муроджонга боради. Муроджон мақолани ким ёзгани, ким таҳрир қилганидан қатъи назар ҳар бир факт, ҳар бир рақам, ҳар бир жумлани «шубҳа» остига олади ва қайта-қайта текширади. Бунинг учун мавзуга оид ҳамма адабиётларни эринмай қайта кўздан кечириб чиқади. Хотирасига эмас (гарчи ундаги эсда сақлаш кучи унча-мунча ношнрларда йўқ бўлса ҳам), картотекаси (ёзиб борганлари)га асосланиб иш кўради. Мақолани кўздан кечиради-ю нимадир етишмаётганини ҳис қилади, нимадир эскиргани, нимадир ўзгаргани ва «бошқачароқ» ифода этилганини пайқайди. Муҳаррир ва таҳририят мудири билан биргалашиб ўтириб, ана шу «нимадир»ни топмагунча қўймайди. Оқибатда мақола мукаммаллашади, қомусий тўкис шакл-шамойил олади.

Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тузилган 22 кишидан иборат ЎзМЭ Бош таҳрир ҳайъатининг бир аъзоси сифатида у ҳар бир мақола, сўз, атаманинг тўғри бўлиши, «сўнгги ҳақиқат» даражасига етиши учун бутун билими, истеъдодини аямай сарфламоқда.

Муроджон Неъматович «ЎзМЭ» илмий концепцияси, сўзлигини тайёрлаш, мезон ишлаб чиқиш — энциклопедияга киритиладиган шахсларни ёзиш схема-андозаларини яратиш, нашрнинг ўзига хос, йиллар давомида қатъий амал қилиниши керак бўлган ички қонун-қоидаларини тузишда бевосита иштирок этди.

Кўплар ўзбек қомусининг бу нашри нима сабабдан «Миллий энциклопедия» деб аталяпти, нима унда фақат Ўзбекистон ҳақида материаллар бўладими, деб сўрашади. Шу савол баҳонаси Муроджон Аминов маданиятимиз тарихида муҳим воқеа бўлиб қолувчи ЎзМЭ жилдлари ҳақида кенгроқ изоҳ бериб, бундай дейди:

— «Миллий» сўзи энциклопедиядаги ҳамма мақола Ўзбекистонга бағишланади, деганни билдирмайди. «Миллий» деганда миллий мафкура назарда тутиляпти, демак, ундаги ҳамма тушунча миллат, давлат нуқтаи назаридан қаралади. Аниқроқ қилиб айтганда, мазкур энциклопедия Ўзбекистон давлатининг универсал энциклопедияси бўлади. ЎзМЭ фан, техника ва маданиятнинг барча соҳалари бўйича маълумотларни ўзида мужассам этиб, инсоният цивилизациясининг муҳим ютуқлари ҳақидаги билимларни жамулжам қилади. Унда табиий-аниқ фанлар тахминан 51 фоизни, ижтимоий-гуманитар фанлар 49 фоизни ташкил этади. Шахсларга бағишланган барча мақолалар сони нашрда бериладиган умумий мақолалар сонининг 20 фоизига тенг бўлади.

Бу нашрда Ўзбекистон Республикасига кенг ўрин ажратилади. Ушбу мавзудаги материаллар умумий ҳажмнинг тахминан учдан бир қисмини ташкил этади. Ўн биринчи жилд тўлалигича Ўзбекистонга бағишланади. Жами 12 китобда 60 мингга яқин мақола, 12 мингдан зиёд сурат ва безаклар, 1000 га яқин харита, 150 рангли харита бериш мўлжалланмоқда.

Ғоят масъулиятли ва фахрли иш бошида турганлардан бири, ҳамкасбимиз «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими», матбуот аълочиси Муроджон Аминовга янгидан-янги ижодий, илмий муваффақиятлар тилаймиз.





## КАМТАРГА КАМОЛ

Одатда бирон-бир ношир ҳақида сўз борганида унинг нашриётчилик соҳасига қўшган ҳиссаси, тарбиялаган шогирдлари-ю, таҳрир этган китоблари, таржима адабиётлари ҳақида тўлиб-тошиб гапирилади. Бундай фазилатларнинг, айниқса, ҳозирги ёшлар учун нақадар ибратли эканини ҳис қилиш қийин эмас.

Агар ҳамкасблари ва шогирдлари назарига тушган ўша ношир барча хислатлари билан ҳалол, иймон-эътиқодли бўлса, бу нур устига аъло нур, албатта.

Акмал Камолов ҳақида дил сўзларини ёзар эканмиз, хаёлимиздан юқоридаги фикрлар ўтди. Гарчи у ажойиб, қалби дарё инсон билан бир даргоҳда ишламасак-да, анчадан буён ака-укамиз. Тез-тез дийдорлашиб, газетачилик ва ноширлик илми ҳақида суҳбатлашиб турамиз.

Акмал ака 44 йилдан ошдики, Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриётида ишлаб келадилар.

Камсуқум, касбига чин ихлос қўйган инсонлар суҳбат асносида, одатда, ўзларининг ҳаёт йўли ҳақида керакли маълумотни келтириб ўтиш билан кифояланадилар. Ва айни чоғда сафдошлари ҳақида дилдан, мароқ билан сўзлашни ёқтирадилар.

Суҳбатларимизнинг бирида Акмал ака 1958 йилда «Ўзмеддавнашр»га ишга келганини, аввал муҳаррир, кейинчалик катта муҳаррир, ўқув адабиётлари таҳририятида бўлим мудири, сўнгра бош муҳаррир ўринбосари бўлиб ишлаганликларини билиб олган эдим.

Бош муҳаррирлик лавозимига қачон ўтгансиз деган саволимга эса, ўзига хос вазминлик билан «1991 йилнинг январида» деб жавоб айтгани кечагидек эсимда...

Нашриётнинг ижодий жамоаси А. Камоловга масъулиятли нашрларни ишониб топширади. Негаки, тажрибали ношир нигоҳидан ўтган китоб ёки рисола илмий савияси билан бир қаторда матбаа ижроси билан ҳам ажралиб туради. У 200 дан зиёд номдаги дарслик, қўлланмалар ва рисолаларни нашр этишда муҳаррир бўлган, ундан кўп китобни ўзбекчага ўгирган.

Акмал ака билимдон муҳаррир ва моҳир таржимон. Ва айни чоғда шогирдпарвар устоз. Ҳосил Зокиров, Марҳамат Муслимов, Комил Холмуҳамедов, Тинчивой Пўлатов, Ботир Мансуров, Азим Қосимов, Насиба Рустамова, Маъфират Орифжонова, Маҳбуба Қодирова Акмал аканинг қўлида тарбия топиб, кам бўлишмади. 1990—1998 йилларда нашриётнинг директори бўлиб ишлаган Ринат Рисқиев (охирати обод бўлсин) ҳам уни мураббий ношир, нашриёт илмининг ажойиб жонкуяри сифатида таърифлаганининг шоҳидиман.

XXI аср арафасида нашриётда нашрларнинг мазмун мундарижасини бойитиш мақсадида истиқболли режа тузиб олинди. Шунга кўра тиббий ўқув дарсликлари ва қўлланмалари қатори «Оила кутубхонаси» ва «Машҳур шифокорлар ҳаётидан» номли туркум китоблар ва рисолалар босмадан чиқармоқда. Оммабоп тилда ёзилаётган бундай нашрлар кенг китобхонлар ўртасида катта қизиқиш уйғотаётгани тасодиф эмас. Зеро, бундай китобларнинг юзага келишида бош муҳаррир Акмал Камоловнинг ҳам қалб қўри, кўз нури ва билим-тажрибаси қўшилаяпти.

Ҳалол меҳнат — обрў калити, эъзоз нишони. Истиқлолимизнинг саккиз йиллиги арафасида Президентимизнинг Фармонига кўра бир гуруҳ ижодкорлар қатори Акмал Камолов «Меҳнат шуҳрати» орденни билан мукофотланди. У, шунингдек, «Меҳнатда ўрнак кўрсатгани учун» медали, «Матбуот аълочиси» ҳамда «Соғлиқни сақлаш аълочиси» нишони соҳиби, Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Фахрий ёрлиқларини олган.

Камтарга камол дейишгани шу бўлса керак.

*Илҳом ЗОЙИРОВ*

## ОПА

Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти директори Дилбар Икромованинг зеҳни ақлидан, қалб қўри — меҳридан тўкилаган меҳнат нишоналари нашриётда чоп этилаётган китобларда кўринади. У китобат ишининг нозик, серманнаққат томонларини яхши англайди. Раҳбар сифатида нашриёт тандиридан узилган ҳар бир китобнинг тақдири билан қизиқади, китобнинг сифати, ўқимишлилиги, муқовада ишланган суратнинг асар мазмунига ва руҳига мос келган ёки келмаганлигини синчковлик билан кўнглидан ўтказади. У буйруқ бериш, назорат қилиш билан чегараланиб қолмай, аксинча, ҳар бир иш жараёнига бевосита аралашади, ўз фикр-мулоҳазаларини жамоа билан баҳам кўради. Опа юмшоқ муомалали, очиқ кўнгил бўлса ҳам, иш манфаатлари нуқтаи назаридан қаттиққўл, қатъиятли ва талабчан раҳбар. Бугунги кунда раҳбарда шундай сифатлар бўлиши табиий.

У Ўзбекистон халқ рассоми, китобат санъатида ўзига хос мактаб яратган устоз Искандар Икромов хонадонида таваллуд топган. Адабиётга, санъатга ошно хонадонда ҳар куни халқимизнинг севимли,

ардоқли шоир ва ёзувчилари, олиму бастакорлари ташриф буюришган, қизиқарли ижодий гурунглар ва санъат ҳақидаги баҳслар бўлиб турган. Шубҳасизки, бу гурунгу баҳсларни у ҳам жон қулоғи билан эшитган. Шу нарса унда китобга бўлган меҳрни уйғотган бўлса ажаб эмас. У ўрта мактабни тамомлагач, Москвадаги Торез номидаги педагогика институтининг француз тили факультетига ўқишга кириб, француз тилини мукаммал эгаллади. Ўқишни тугатгач, илмий ишга киришди. Табиатан тиришқоқ Дилбар Икромова илмий изланишлари эвазига, тарих фанлари номзоди деган даражага эришди. Шундан кейин у бир неча вақт элчихоналарда ишлади, чет элда бўлди, «Дўстлик» жамиятида, ҳукуматнинг масъул вазифаларида хизмат қилди.

1984 йил Опа учун катта синов йили бўлди. Шу йили Бутуниттифоқ «Внешторгиздат»нинг Ўрта Осиё бўлимига директор этиб тайинланди. У бу ерда халқимизнинг бой меросини чет элларга тарғиб этиш ва сара асарларимизни жаҳон халқлари эътиборига ҳавола этишдек юмушларни амалга оширди.

1992 йилнинг апрелида собиқ «Внешторгиздат»нинг Ўрта Осиё бўлими ва «Мерос» нашриёти базасида Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти ташкил этилди. Дилбар Икромова шу нашриётга директор этиб қайта тайинланди. Опанинг масъулияти янада ошди. Ноширликдек оғир, масъулиятли ишда чиниққан опа саъй-ҳаракати билан халқимизнинг бой тарихий мероси бўлмиш нодир қўлёзма асарлардан айримлари китоб ҳолида ёруғлик юзини кўрди ва бу китоблар халқимизнинг маънавий мулкига айланди.

Дилбар Икромованинг яна бир фазилати — у бор гапни очиқ-ойдин, лўнда қилиб айтиб қўя қолади. У темирни қизиғида босадиган, изчил, ҳозиржавоб, ўзига ҳам, бошқаларга ҳам талабчан инсон. Опада

— суюкли ёр, фарзандларига меҳрибон она, набираларига парвона буви.

*Ҳамид СУЛТОНОВ*

## КАМОЛОТ САРИ

Шомуҳиддин Мансуровнинг «Кино» журналида масъул котиблик вазифасидан «Ўзбекистон» нашриётининг ижтимоий-иқтисодий адабиётлар таҳририятига ўтиб, муҳаррирлик касбини бошлаганига ҳам деярли ўттиз йил бўлибди.

У пайтларда муҳаррирлар ихтисослашув асосида иш олиб боришарди.

Шомуҳиддин Мансуров ижтимоий-сиёсий адабиётлар таҳририга ихтисослашди. Соҳани яхши билгани ҳолда нашриёт ишининг «икир-чикир»ларини қунт билан ўрганди. Фалсафа, тарих, иқтисодиёт бўйича катта-кичик қўлёзмаларни таҳрир қилди. Таҳрир қилган ҳар бир қўлёзмаси таҳририят кенгашида мажлисида муҳокама қилинар ва бу ҳол унинг учун катта тажриба мактабини ўтарди. Чунки қўлёзмалар муҳокамасида ўша пайтда номи чиққан ноширлар — бош муҳаррир ўринбосари Восиқ Абдувалиев, таҳририят мудири Туйғун Исамуҳамедов, катта муҳаррирлар Умида Муҳамедова, Мели Жўра ва бошқалар қатнашиб, қўлёзмани таҳрир қилишда муҳаррир ютуқ ва камчиликларини дўстона, ҳамкасблларча очиқ кўнгиллик билан ошкора кўрсатишарди. Шуни ҳам айтиш керакки, ўша таҳририят кенгашлари чинакам ижодий кўзгу эди.

Шундай муҳокамаларда муҳаррир сифатида чиниққан Шомуҳиддин 1975 йил апрелида, илмий-оммабоп адабиётлар таҳририяти мудири этиб тайинланди.

Таҳририят ҳар йили уч туркумда 154 номда рисола чоп этар, шундан 64 номдагиси нашриётнинг ўз туркумларига кирувчи рисола бўлса, 90 номдагиси ўша пайтдаги «Билим» жамиятининг рисолалари эди. Четдан қараганда китоб чиқиши осонга ўхшагани билан ўзига хос мураккабликлари ҳам бор. Шомуҳиддин тинмай ишлади, республика Фанлар академияси институтлари, олий ўқув юртлари кафедралари билан алоқалар ўрнатди. Бу муассасаларнинг ҳар бирида биттадан вакил белгиланишига эришиб, қўлёзмаларни ташкил қилиш, муҳокама этиш ва илмий экспертизадан ўтказишда улар ёрдамида иш олиб борди.

1985 йилда Шомуҳиддин Мансуров нашриёт бош муҳаррирининг ўринбосари этиб тайинланди. Иш кўлами кенгайди. Энди биргина таҳририятнинг эмас, балки барча таҳририятларнинг ўзбек тилидаги ишини бошқара бошлади. Бош таҳририятга топширилган қўлёзмаларни ўқиш, уларнинг муҳокамасини уюштириш, таҳририят кенгашлари ишини, ижодий жамоанинг касбий ўқувини ташкил қилиш унинг зиммасида эди. Бу юмушларни бажаришда унга ўша пайтдаги бош муҳаррир Восиқ Абдувалиев, таҳририят мудирлари Одилжон Абдураҳмонов, Раимжон Абдураҳмонов, Комилжон Абдуллаев (барчаларини Аллоҳ раҳмат қилсин) ва бошқалар яқиндан ёрдам беришар, билмаганини ўргатишарди.

Республика мустақиллигини эълон қилгач, нашриётлар ишининг мазмуни ҳам ўзгарди. Энди чоп этилажак адабиётлар ёппасига режалаштирилмайди. Балки китоб бозор иқтисодиёти қонуниятларига бўйсунган ҳолда, бозор талабига кўра чоп этилади. Нашриётлардаги ижодий иш ҳам бозор муносабатлари талабидан келиб чиқиб ташкил этила бошланди.

Шу орада Шомуҳиддин Мансуров «Ўзбекистон» нашриёти бош муҳаррири этиб тайинланди. Яна қизғ-

ни иш, қизғин ижод... Тезкор буюртмалар, ҳукумат топшириқлари, республика Олий Мажлиси сессиялари материаллари, янги қонун ҳужжатлари... Булар нашриётнинг барча ходимларидан, шу жумладан бош муҳаррирдан ҳам катта куч-ғайрат, салоҳият талаб қиларди. Нашриёт жамоаси бу ишларнинг барчасини муддатида, сифатли бажариб уддаларди.

Ш. Мансуров қисқа муддат «Ёзувчи» нашриётида директор бўлиб ишлагач, 1995 йил кузида яна жонажон «Ўзбекистон» нашриётига, энди директор сифатида ишга қайтди. Аввалги ижодий меҳнатга катта ташкилотчилик ишни ҳам қўшилди.

Шомуҳиддин Мансуров нашриётга раҳбарлик қилар экан, ижодий ишни, таҳрир билан шуғулланишни тўхтатмади. У «Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли», «Ўзбекистон бозор муносабатларини чуқурлаштириш йўлида», «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» сингари мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиши, бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш йўлидан боришини ёритувчи, оламшумул аҳамият касб этган, жаҳондаги кўплаб халқлар тилларига таржима қилинган асарларни нашрга тайёрлашда иштирок этди. Бир қанча рисолалар муаллифи Мели Жўра, Восиқ Абдувалиев сингари ноширлар анъаналарини давом эттириб, «Ўзбекистон нашриёти: мозийда ва бугун» китобини чоп эттирди.

Республикада ноширлик ишини ривожлантириш, меҳнаткашларни маънавий тарбиялашга хизмат қилувчи адабиётлар нашр этишдаги хизматлари учун Республика Президенти Фармони билан 1995 йилда унга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист» фахрий унвони берилган.

ўзига хос янгилик бўлди. Ҳозирга қадар 2 марта нашр этилган мазкур китоб дарсликларнинг ўтказилган республика танловида учинчи ўринга муносиб кўрилди. Абдувоҳид Раҳимовнинг қадрдон даргоҳи 60 йиллиги муносабати билан ёзган рисоласи ўзига хос «Ўқитувчинома»дир.

Ҳамкасбимиз оилада меҳрибон ота, ноширчи ёшлар даврасида талабчан устоз, маҳаллдошлари ва тенгқурлари сафида оқибатли елкадош, садоқатли дўст.

«Матбуот аълочиси», «Халқ таълими аълочиси» деган эъзозларга сазовор бўлган Абдувоҳид ака айни кунларда фахрийлар сафида.

*Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ*

## ҲАВАС ҚИЛСА АРЗИЙДИ

«Ўқитувчи» нашриётининг бош муҳаррири Абдулла Ҳасанов билан 1998 йилнинг охирларида танишган эдим. Ўшанда у мени нашриётга ишга таклиф қилиб, нашриётнинг йўналиши, ўзига хослиги, иш ҳажми ҳақида қисқача гапириб бергач, тўғридан-тўғри мақсадга кўчиб қўя қолган эди:

— Биз ишга ташқаридан камдан-кам одам оламиз. Асосан ўзимизда ишлаб чиниққан, ноширликда суяги қотган ходимларга суянамиз. Сиз ҳақингизда сўраб-суриштирдик. Бирга ишласак, деган умиддаман.

Рози бўлдим. Шу кезларда «Жаҳон адабиёти» журналида ишлардим. Устозимиз Озод Шарафиддинов касалхонада даволанаётган эди. Домла ишга чиққандан кейингина бу ҳақда гаплашамиз, унгача менга ноқулай бўлади, деб узримни айтдим.

Хуллас, ана шу суҳбатдан икки ой ўтгандан кейин нашриётда иш бошладим. Биринчи учрашувдаёқ

Абдулла аканинг етти ўлчаб бир кесадиган, ўз ишига ниҳоятда пишиқ-пухта, шошилмайдиган, ховлиқиб кетмайдиган киши эканини сездим.

Нашриётда юзлаб кишилар меҳнат қилади. Улар билан самимий муомала қилиш, нафсониятга тегмай иш юритишнинг ўзи бўлмайди. Одамнинг дили шишадек нозик, салгина дағаллик, эҳтиётсизлик билан у чил-чил синиб кетиши мумкин. Абдулла ака айнан мана шу нозик нуқтани юракдан чуқур ҳис қилади. У барча ходимлар, касбдошларга ўта меҳрибонлик билан муомалада бўлади. Ҳамма вақт талабчанлик билан самимийликни қўшиб олиб боришга интилади.

Шу жиҳатдан бир «кичик эпизод» сира эсимдан чиқмайди. 5-синфнинг «Адабиёт» дарслиги янгидан нашр этилаётган эди. Матн кўнгилдагидек тайёрланди, бир қанча чиройли суратлар ишланди, саҳифалар яхшилаб ўқилди. Ҳаммаси силлиқ кетаётган эди. Охирги «чиқиш белгилари» терилганда «қовун тушириб» қўйсак бўладими! Арзимайдиган кўринадиган хато — китобнинг энг охирида — менинг тасаввуримда ҳеч ким ўқимайдиган жойда, муаллифлардан бирининг исми шарифи келтирилади ва махсус рақамлар қўйилади. Абдулла ака хизмат сафарига кетиш арафасида эди. Тезроқ кўриб берсин деб сал жадаллик билан ишладик. Муҳаррир Покиза Аъзамова ана шу «чиқиш маълумоти»да муаллиф фамилияси нотўғри ёзилганини охирги дақиқада кўриб қолди. Хато зудлик билан тузатилди... аммо бошқа бир ходим билмасдан, нашр муҳарриридан сўрамасдан тузатилмаган варақни Абдулла акага киритиб юборибди. Тайёр дарслик. Қўл қўйилса бас, бутун босмахона шунга маҳтал бўлиб турибди. Ҳаммамиз хотиржам ўтирибмиз. Бир маҳал бош муҳаррир мени чақириб, саҳифани кўрсатди:

— Мана буни кўрмадингизми? Хато ўтиб кетибди-ку! — деди у ранжиганини билдирмасликка ҳаракат қилиб.

Не кўз билан кўрайинки, муаллиф фамилиясида бир ҳарф алмашиб, Наим ўрнига Раим бўлиб қолибди. Нима дейишга ҳайронман. Ҳозиргина тузатдим-ку, бу варақ қаердан келиб қолди?.. Сал ўзимга келиб, хато тузатилганини айтиб, чалкашлик юз берганини тушунтирдим.

— Яхшилаб қаранглар-да! — деди Абдулла ака. Унинг бор-йўқ қаттиқ гапиргани шу бўлди.

— Ҳозир қўл қўйиб кетмоқчи эдим. Энди иккиланиб қолдим. Ички саҳифаларда ҳам хато йўқлигига ким кафолат беради? Яна бир яхшилаб кўриб чиқинг...

Абдулла ака таваккал қилиб қўл қўйиб бермади. Иш бир-икки кун орқага сурилди-ю, лекин яхши китоб чиқди. Менга эса бу воқеа яхшигина сабоқ бўлди. Тайёр бўлган иш, қанчалик шошилинч бўлмасин, муҳаррирлар уни қайта-қайта ўқиганидан қатъи назар, яна бир кўздан кечириш, барча нуқталарини кўриб чиқиш одат бўлиб қолди. Бош муҳаррир мени «яхшигина тузласа керак» деб хавотирланган эдим. Йўқ. Бу ҳақда бошқа ҳеч қандай гап бўлмади. У киши берган танбеҳи изсиз кетмаслигига қаттиқ ишонганидан ортиқча гап-сўзга ўрин қолдирмади. Бу руҳий таъсир эса ҳар қандай панд-насиҳатдан кучли эди.

...Очиғини айтганда, Абдулла ака «Ўқитувчи» нашриётида ўз бахтини топган киши. У ўнинчи синфни тугатиши билан бу даргоҳга келиб, оддий мусаҳҳиҳ сифатида иш бошлаган эди. «Дарахт бир жойда кўкаради» деганларидек, у узоқ йиллардан бери мана шу нашриётда самарали меҳнат қилиб келмоқда. Шу ерда ишлаб юриб, ҳозирги Миллий университетимизнинг журналистика факультетида ўқиди. Олий маълумотли

бўлгач, ижтимоий-иқтисодий адабиётлар таҳририятида муҳаррир, сўнг катта муҳаррир бўлиб ишлади. Ўз соҳасининг талабчан, етук мутахассиси ва яхши таржимон сифатида танилди. Бир неча марта Москвада ноширлар малакасини ошириш курсида билим ва тажрибасини такомиллаштириб келди. Кўплаб дарсликлар ва қўлланмаларни таҳрир қилиш билан бир қаторда ижодий ишлар билан ҳам машғул бўлди.

Абдулла Ҳасанов ўқувчи-ёшлар учун «Сиёсий иқтисоддан қисқача изоҳли луғат», «Оилада тежамкорлик сирлари» ҳамда «Эртаклар оламига саёҳат» номли китобларнинг муаллифи ҳамдир. Ҳозирги кунда нашриётда болалар учун нашрга тайёрланаётган «Она-Ватан фидойилари» номли китоб Абдулла аканинг ҳаммуаллифлигида яратилган.

Абдулланинг ҳалол ва камтарин меҳнати ҳар доим муносиб тақдирланди. У бир неча бор Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларининг фахрий ёрлиқлари, «Халқ маорифи аълочиси» кўкрак нишони билан мукофотланган.

Абдулла Ҳасанов нашриётнинг жамоат ишларида ҳам фаол қатнашган, бир неча бор нашриёт касаба уюшмаси қўмитаси раиси бўлиб ишлаган. Ишга нисбатан талабчанлик, ўз ишига масъулият, доимо янгиликка интилишни кўрган нашриёт маъмурияти Абдулла акани таҳририят мудири, бош муҳаррир ўринбосари, бош муҳаррир этиб тайинлади. У нашриётнинг қайси бўғинида ишламасин, талабчанлиги, ҳар қандай ишни ўз вақтида пишиқ-пухта, бекаму-кўст бажариши туфайли кўпчиликка, айниқса ёшларга ибрат бўлиб келмоқда.

Ноширлик касбига доир нозик сир-саноатларни Файзулла Эрғозиев, Абдураҳмон Тўрахонов, Абдулла Ўразаев, Мадамин Иброҳимов, Зокир Мирзаев ва Наримон Хатамов каби устозлардан ўрганган Абдулла

Ҳасанов ўз тажрибаларини ёшларга, муносиб шогирдларга ўргатишдан, уларга одамийлик тарбиясини беришдан эринмайди. Шогирдлар бор экан, устозлар анъанаси, авлодлар силсиласи давом этаверади. Олдинда эса қилинадиган олижаноб ишлар кўп. Бу хайрли ишларда омад ҳамиша ёр бўлаверсин Сизга, Абдулла ака!

*Фарида БЎТАЕВА*

## НАЗМИМИЗНИНГ НАЗМИСИ

Ўзбек ижодкори борки, энди адабиёт оламига кираётган ҳаваскорлардан тортиб, халқ шоирларигача ҳамма-ҳаммаси Назми опамни танийди, таниганда ҳам доим қувноқ, серҳаракат, чопиб-чопиб, кулиб-кулиб хизмат қилиб юрадиган, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётининг у бошидан бу бошига жавлон уриб юрадиган серғайрат, ғамхўр аёл — шоирларнинг онаси деб билишади.

Назми опам эсланганда, «Ҳа ўзимизнинг Назмими, ёки бизнинг Назмижонми, менинг Назми опамми?» деган ибора, албатта суҳбатнинг муқаддимаси бўлади.

«Шоирлик Худодан —, дейдилар, — Назми опа. Агар шеърни яхши кўрадиган, шеърий саводи бўлган, ижодий-адабий муҳитдаги ҳар бир инсон шеър ёзаверганида эди, энг аввало мен шоир бўлардим!!!

Эҳ-ҳе, ўттиз йилдан буён қўлимдан не-не китоблар ўтмади, дейсиз».

«Дарҳақиқат, шунча йиллардан буён нечта китоб чиқарган эканлар», деб ўйлаб қоламан: неча мингга экан, э, йўқ, ундан ҳам кўп бўлса керак. Агар ҳар бир тўплам дунёга келгунча беш-олти марта қайтиб-қайтиб ўқилишини ҳисобга олсак, эҳ-ҳе!..»

▲

Онанинг «ажойиб» ён дафтари бор. Унга жамики ижодкорнинг телефони, уй манзилгоҳи жам бўлган. Бу дафтарчада энди қўлига қалам тутган ижодкордан тортиб ошини ошаб, ёшини яшаб ўтиб кетган шоирларнинг ҳамма маълумотлари бор. Ҳар куни 10—15 қўнғироқнинг ярмиси ана шундай маълумотлар бериш билан сарфланади.

▲

Бундан ўн йиллар аввал нашриёт қўлёзмаларни қаттиқ режа асосида қабул қилган. Нашриётнинг бу ички қоидаларидан бехабар ижодкорларимиз узоқлардан қўлёзма кўтариб келаверишган. Уларни хафа қилиб қўймаслик ниятида муҳаррирлар ҳаммаси Назми онага рўпара қилиб: «Назми опа, ўзингиз бир нарса қиласиз-да, энди», деб қутулишган. Назми опа эса уларга иложи борича нашриёт имкониятларини босиқлик билан тушунтириб берган. Мана бир мисол.

Бир куни Фарғонадан Охунжон Ҳакимов китоб чиқармоқчи бўлиб келибдилар. Назми опа шунчалар яхши гаплашибдиларки, Охунжон ака худди китоби чиққандай хурсанд бўлиб қайтиб кетибдилар. Уйга бориб дўпписини ерга қўйиб, бир пиёла чой ичиб, бундай қарасалар, қўлёзма қўлларида турганмиш-да. Шундан буён Охунжон ака ҳар сафар қўнғироқ қилганларида: «Назмихон, қани эзгу ёлғонларингиздан сўйланг», дер эканлар кулиб-кулиб.

▲

1980 йиллар эди. Мен илк тўпламимни бағримга босиб, минг ҳаяжон, минг хижолат, минг хаёл билан секин нашриёт эшигини очдим. Менга Назми опа ўтирган хонани кўрсатдилар. Шундай киришим билан опа менга ялт этиб қарадилар-да, «Ие, келинг

сингим, киринг, кираверинг», — дедилар ҳол-аҳволимни, уй рўзғоримни, болалариму турмуш ўртоғимни сўраб бирпасда дардимни билиб олдилар. Ҳалиги ҳаяжон қаёққа учиб кетганини билмай қолдим. Ўзимни Назмихоннинг уйида ўтиргандай ҳис қила бошладим. Ҳали ҳам шундай. Назми опа ҳам ўзгарганлари йўқ. Узоқ йиллар ўзбек назмининг ҳақиқий Назмихоними бўлиб юрсинлару, асло дард кўрмасинлар деймиз. Барча ўзбек шоирларининг ҳам тилаги шу.

▲

Президентимиз Фармонига кўра истиқлолимизнинг 9 йиллиги арафасида мамлакатимиз ижодкорларидан бир гуруҳи Ватанимизнинг орден ва медаллари билан тақдирландилар, фахрий унвонларга сазовор бўлдилар. Назми Фозиловага «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берилди. Бу дилкаш аёл, ўз касби фидойисининг меҳнатига берилган муносиб мукофотдир.

*Миҳли САФАРОВ*

## КИТОБХОНЛАР ҚАЛБИГА ЙЎЛ

Назира Жўраева, мана ўттиз йилдан ошдики, китоб нашрлигидай оғир ва эзгу жабҳада куч-ғайрат кўрсатиб, шу соҳага ўзини бағишлаб, меҳнат қилиб келяпти.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида аввал оддий мусаҳҳиҳ, кейин кичик муҳаррир, муҳаррирлик вазифаларида ишлади. Миркарим Осим, Пиримқул Қодиров, Одил Ёқубов, Ўткир Ҳошимов, Хайриддин Султон, Тоҳир Малик, Ўлмас Умарбеков каби адабиёт намояндаларининг халқи-



миз учун севимли кўпгина китоблари Назира Жўраева муҳаррирлигида дунё юзини кўрди. Бугун нашриётининг бош муҳаррири. Шу даргоҳдаги хайрли ноширлик меҳнатини бошқараётган жонкуярлардан биридир.

Назира Жўраева фақат ноширлардангина эмас. У теран бадиий дидли, анча тажрибали, таниқли бадиий таржимон ҳамдир. Китобхонларимиз машҳур болгар ёзувчиси И. Вазовнинг «Олтин тоғ», ҳинд адиби А. Сатхенинг «Варана водийсида», мисрлик атоқли адиб Юсуф ас-Сибоийнинг «Мешкобчининг ўлими», япон адиби М. Ибусининг «Қора ёмғир», қрим-татар ёзувчиси Черкез Алининг «Тонг оғушида» номли қизиқарли асарларини она тилимизда Назира Жўраеванинг нозик бадиий дидли, пухта маҳоратли таржималари орқали ўқиганлар.

Назирахонни китоб меҳнатига фидойижон инсон, дедик. Бунинг яна бир далили шуки, у кўп йиллардан буён республика нашриётларида чоп этилаётган янги-янги китобларни турли шаклларда, энг муҳими, ўз вақтида эл ўртасида тарғиб этиб келмоқда. Китоблар тарғиботчиси Назира Жўраеванинг овози ҳали телеэкран, ҳали ҳаво мавжлари орқали, ҳали китобхонлар билан учрашув залларида жаранглаб туради. Назирахон ҳар бир китоб ҳақида энг зарур, энг муҳим гапларни топиб, чиройли бир оҳангда ҳикоя қилади. Шундай ҳикоя қиладики, Назира Жўраева тақдимотидан кейин ўша китобларни кўнглингиз тусаб, беихтиёр дўконларга йўл олганлигингизни билмай қоласиз.

Назира Жўраевнинг ҳаётидан яна бир далил: масалан, халқимиз севган адиблар ва шоирларнинг ёки эл эътиборидаги бирор олимнинг китоби чиқди, дейлик. Назирахон бу китобни, албатта топиб ўқиб чиқади. Ўзига ёққач, бошқалар ҳам ушбу китобни ўқиши керак, деган бир хулоса кўнглида пайдо бўла-

ди. Сўнг у ўша ёзувчи, шоир ёки олимнинг китобхонлар билан бир ёки бир неча марта учрашувларини ташкил этади. Бундай маърифий суҳбатлар баъзида, вақти зиқ китоб муаллифига ҳам, ташкилотларига ҳам бироз малол келса-да, охири Назирахонга чексиз миннатдорлик сўзларини айтиш билан тугайди. Чунки бундай суҳбатлар муаллиф учун ҳам, китобхонлар учун ҳам аҳамиятли эканлиги аён бўлади.

Бундай тадбирларни ўтказишга Назира Жўраевани шу пайтгача бошқа биров ундамаган. Йўқ! Уларни ўз кўнгил хоҳиши ва дунёдаги энг ноёб мўъжиза — китобларга муҳаббат ҳақи уюштиради. У китобхонлик — китобсеварликка айланса, деб орзу қилади, холос. Бу фидойилик аломати ва унинг бундай саъй-ҳаракати кишига завқ бағишлайди. Назира Жўраевадай ўз ишининг фидойилари кўпайса, ҳаёт шу қадар гўзал ва мазмунли бўлиб бораверади.

*Маъсуда ЙЎЛДОШЕВА*

## ҲАМ МУҲАРРИР, ҲАМ ТАРЖИМОН

Ижодкор одам ҳаётининг муайян палласида умр дафтари саҳифаларини варақлайди: ортда қолган йўлга бир қараб олади, бажарган ишларини сарҳисоб қилади. Турган гапки, умр дафтари турли мазмунга эга. Унинг ҳар бир саҳифаси ўз касбига садоқатли ва ихлос рамзи билан тўлдирилган бўлса, бундан зиёд бахт борми?! Ҳикоят Маҳмудова ҳам муҳаррир, ҳам таржимон сифатида ана шундай бахтга сазовор бўлганлардан бири.

Бундан 38 йил муқаддам Тошкент Давлат университети журналистика факультетини тугатган Ҳикоят Маҳмудовани Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётига ишга қабул қилишди. Катта ижо-



дий мактаб бўлган бу даргоҳда у олинган билимларни амалиёт билан таққослаб кўргач, ноширлик ишининг масъулияти нақадар мураккаблигини қалбидан ўтказди. Устозлари — Миркарим Осим, Жўрахон Насриддинова, Мавлон Икром, Ҳасан Тўрабеков, Мирзиёд Мирзоидовлардан адабий таҳрир сирларини, услуб тасвирларига эътибор беришни, энг муҳими, муаллифлар билан ишлашни ўрганди.

Ҳикоят Маҳмудова муҳаррирлигида нашр этилган ва халқимиз севиб ўқийдиган асарлар озмунча дейсизми?! Улар орасида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмаднинг «Уфқ», Ҳамид Ғуломнинг «Мангулик», Мирмуҳсиннинг «Темур Малик», Пиримқул Қодировнинг «Авлодлар довони», Ўлмас Умарбековнинг «Ёз ёмғири», Муҳаммад Алининг «Сарбардорлар» романлари, Турғун Пўлатнинг «Ичкуёв» қиссаси, Хайриддин Султоновнинг «Онамнинг юрти», Тоҳир Маликнинг «Шайтанат» асарлари бор.

Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасининг ташаббуси ила «Истеъдод» туркуми билан мамлакатимиз иқтидорли ёш шоир ва ёзувчиларининг китоблари ўқувчилар қўлига етиб борди. Ҳикоят опа бу борада ҳам ўзининг ҳам устозлик, ҳам муҳаррирлик фазилатини намойиш этиб, Дилфуза Қўзиеванинг «Чумчуқбола», Абдусаттор Содиқовнинг «Орият», Муҳаббат Тўрабоеванинг «Дунёдаги дунёлар» китобларини нашрга тайёрлади.

Ўзбек китобхонлари Ҳикоят Маҳмудова таржимасида чет эл адиблари — Ауралиу Бусуйскнинг «Парижлик тоғам», М. Дайонинг «Минахаса қаҳрамони», Н. Халфиннинг «Музаффар карнайлар» (М. Турсунов ва бошқа таржимонлар ҳамкорлигида), А. Мадина Родригаснинг «Қил устидаги ҳаёт» қиссаларини, Такэо Арисиманинг «Аёл» романини она тилида ўқишга муяссар бўлишган. Шунингдек, «Турк ҳикоялари», «Дурдона», «Чақалай», «Кура соҳилла-

нинг дарғалари бўлмиш Р. Абдураҳмонов, В. Абдувалиев, Р. Шоғуломов, Ш. Усмонхўжаев каби устозлар ҳамда тажрибали ва билимдон ҳамкасбларим, заҳматкаш ноширлар С. Абдукаримов, Ў. Юсупов, А. Алимов, Ш. Мансуров, М. Саъдуллаев, З. Жўраев, М. Омон, М. Сафаровлар билан елкама-елка туриб ишлаб, улардан кўп нарсаларни ўргандим.

Ношир-журналист Карим Бўронов ўз устида мунтасил ишлайди, ўқийди, изланади. Мустақил Ўзбекистон иқтисодий-сиёсий, маърифий ҳаётидаги воқеаларни доимо кузатиб боради ва ўрни келганда холис баҳолайди. Унинг матбуот саҳифаларидаги кўплаб мақолалари ҳам муштарийларда қизиқиш уйғотмай қолмайди.

У компьютердаги саҳифаларни ҳар гал синчковлик билан кўздан кечириб, ишни босишга рухсат бераркан, кўнгли таскин топади: «Асосий ишлар тугади ҳисоб. Эрта-индин босмахонадан китобнинг нишона нусхасини келтиришади». Бу ҳол кўп йиллардан бери давом этмоқда.

Эндиликда Карим Бўронов 55 ёшга тўлди. «Шуҳрат» медали соҳиби, ношир-журналист дўстимизга узоқ умр ва ижодий муваффақиятлар тилаймиз. Халқимизнинг маънавий хазинасини бойитиш йўлидаги меҳнатларингиз янада самарали бўлаверсин, деймиз.

*Суръат АБДУКАРИМОВ,*
*Мангуберди САЪДУЛЛАЕВ*

## УЛАР «ЎЗБЕКИСТОН» ДА ИШЛАЙДИЛАР

Зиедахоннинг адабиётга меҳри ёшлигидан бошланди. У ҳикоялар, шеърлар, мақолаларни ўқир, ўзи ҳам шундай шеър, ҳикоялар ёзишни, мақолаларни газеталарга жўнатишни хоҳларди. Лекин

бурини ёзиш осон эмасди. Шунинг учун у мактабдалик пайтидаёқ адабиётни кўпроқ ўқиди. Кейин Тошкент Давлат университетининг филология факультетига ўқишга кирди.

1971 йилда ўқишни битиргач, мактабда ишлади. Мактабда ишлаб юрган пайтларида қўлига қалам олди. Мақолалари газеталарда чиқа бошлади. Ижодий жараёнга яқин бўлиш мақсадида у «Туркистон» (собиқ «Ёш ленинчи») газетасига ишга кирди. Бу ерда унинг қалами чархланди. Адабиёт, бадиият олами, журналистлик ҳаёти билан танишди. Ижод яратиш осон эмаслигини, бунинг учун шу соҳада фаолият кўрсатадиган одам доимо изланиши кераклигини чуқурроқ англади.

У 1976 йилда «Ўзбекистон» нашриётига ишга ўтди. Республика Давлат матбуот қўмитасида, «Меҳнат» нашриётида ишлади. Лекин фаолиятининг асосий қисми «Ўзбекистон» нашриётида кечди. Нашриётда кичик муҳаррирликдан катта муҳаррирликкача бўлган ишларни амалга оширди. Унинг таҳрири остида кўплаб китоблар нашр этилди. «Ҳайвонлар биокимёси», «Кимёвий толалар ишлаб чиқариш технологияси», «Ўзбек комедиялари», «Тўқишни ўрганамиз», «Адабиётшунослик асослари» каби ўнлаб китобларга унинг кўз нури синган. Китобларнинг номиданоқ маълумки, нашриёт маълум соҳа билангина боғланиб қолмаган. Турли соҳалардаги китобларни таҳлил қилмоқ, нашрга тайёрламоқ ноширдан кўпроқ билимни талаб қилади. Зиёда Каримовада эса етук ноширлик қобилияти бор.

Дарвоқе, Зиёдахоннинг ноширлик илмини чуқур эгаллашида умр йўлдоши «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими», етук таржимон Зоҳид Нормуҳамедовнинг ҳам катта ҳиссаси бор. Зоҳид ака узоқ вақт давомида нашриётларда, турли даврий матбуотларда таржимон, муҳаррир ва адабий ходим ва-

зифаларида ишлади. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Президиумнинг ахборот ва таржималар бўлимини бошқарди. Унинг қалами остидан чиққан нашрлар пишиқ-пухталиги билан талабчан ўқувчиларга ҳар доим манзур бўлиб келди. Бу ҳол Зиёдахоннинг ҳам *етук ношир бўлиб шаклланишига сўзсиз* таъсир этмай қолмади, албатта.

Айни кунларда Зиёдахон камолот ёшига қадам қўйди. У бу ёшни уч фарзанди, кўплаб невараларн бир неча ўнлаб китобларга муҳаррирлик, мақолалари билан кутиб олди. Ниятимиз, Зиёда Каримованинг бундан кейинги ҳаёти ва фаолияти ҳам одамларга зиё улашиш билан кечаверсин.

▲

Шарқий толеъномада зикр қилинишича, мезон (тарозу) буржида таваллуд топган аёллар *ниҳоятда* чиройли ва жозибали, кўп нарсага ақллари етадиган, маслаҳат тинглашни ёқтирадиган, мақсад сари интилиб яшайдиган, оилапарвар, меҳрибон, кучли хотира эгаси, ҳатто ўзгаларнинг эътиборидан четда қолган нарсаларга ҳам диққат-эътиборли инсонлар бўлар эканлар. Мана шу фазилатлар мезон буржида туғилган, ўзининг бутун ҳаётини одамларга маънавият улашишга бағишлаётган Адолатхон Ҳакимжонова учун ҳам бевосита хос, деб айтсак, муболаға бўлмас.

*Адолатхон Тошкент шаҳрида туғилди.* Мактабни муваффақиятли тугатиб, Тошкент Давлат университетининг филология факультети сиртқи бўлимига ўқишга кирди. Ўз меҳнат фаолиятини мактабда котибаликдан бошлаган Адолатхон болаларнинг севимли журнали «Гулхан»га ишга ўтди. У журналда мусаҳҳиҳ бўлиб меҳнат қилди, кейинчалик «Ўзбекистон» нашриётида кичик муҳаррир, сўнг муҳаррир лавозимига тайинланди. Бунда кичик муҳаррир



бўлганда орттирган *тажрибаси, интилувчанлиги,* ҳаракатчанлиги қўл келди. Муҳаррирлик фаолияти давомида ижтимоий-сиёсий мавзудаги бир қанча қўлёзмаларни таҳрирдан чиқарди. Нашриётда ўқув адабиётлари таҳририяти ташкил этилгандан бери шу ерда муҳаррир бўлиб ишлаб келмоқда. Шу давр мобайнида А. Ҳакимжонова олий ўқув юртлари талабалари учун бир қатор дарслик ва қўлланмаларни таҳрир қилиб, ўқувчилар ҳукмига ҳавола этди.

А. Ҳакимжонова тўрт фарзанднинг онаси, уч неваранинг севимли бувижонисидир. У умр йўлдоши Аҳмаджон ака билан бахтиёр яшаб, ҳаётда ўз изини қолдириб келмоқда.

▲

Ўринбой Юсупов. Бу ном мана қарийб қирқ йилдан бери «Ўзбекистон» нашриёти йўқламасида қайд этиб келинади. Тошкент давлат педагогика институтини 1963 йилда битириб, шу китоб масканига ишга келганида у ёш, ҳали турмуш тажрибаларига эга бўлмаган дўлвори йигит эди. У шу даргоҳда ўсди, улғайди. Паст-баланд довонлардан муваффақиятли ўтди. Дастлаб мусаҳҳиҳ ёрдамчиси вазифасидан иш бошлаган ёш ходим кейинчалик мусаҳҳиҳ, кичик муҳаррир ва муҳаррир бўлди. Унинг таҳрири остида чиққан ўнлаб китоблар маънавиятимизни бойитишда ўз ўрнига эга бўлди.

Кейинчалик Ўринбой Юсупов нашриётнинг деярли юраги ҳисобланган ишлаб чиқариш бўлимига ўтиб, бу ерда етук мутахассис сифатида меҳнат фаолиятини давом эттирди. Бўлимда ҳар вақт иш қизғин. Бу ерда нашриёт билан босмахона манфаати гўё тўқнашади. Босишга рухсат этилган қўлёзмаларни босмахоналарга йўллаш, чоп этилаётган китоб ва бошқа маҳсулотларни қоғоз ва зарурий ашёлар билан таъминлаш, тайёр буюртмаларни жойларга ет-

казиб бериш ва ҳоказо вазифалар шу бўлим зиммасидадир. Бу ишлар бўлим ходимларидан алоҳида куч-ғайрат, бардамлик талаб қилади. Шу боис бўлимда меҳнат қилувчиларнинг аксарияти ёшлардир.

Ана шу ёшларга ўз тажрибаларини, билимларини ҳормай-толмай ўргатиб, устозлик қилиб келаётган Ўринбой Юсупов ҳаётда кам бўлмади. Камтарин меҳнати билан иззат-ҳурмат, обрў-эътибор топди. 2001 йили Ўринбой Юсупов Президентимиз фармонига кўра, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллиги муносабати билан «Меҳнат шуҳрати» орденига мушарраф бўлди.

▲

Нашриётда ҳар бир ходимнинг ўзига хос ўрни бор. Муҳаррирu мусаҳҳиҳлар, мусаввирлару техник муҳаррирлар, ишлаб чиқариш мутахассисларию матн кўчирувчилар, шунингдек, режалаштириш ва иқтисодиёт бўғинининг мутахассислари — қўйингки, барча-барча ходимлар доимо бир-бири билан ҳамкору ҳамнафас бўлиб, бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилишга одатланишган.

Ушбу ижодий жамоанинг заҳматкашлари ҳақида гап кетганда, билимдон муҳаррирлар Г. Каримова, С. Мирзааҳмедова, Р. Тоирова, И. Богодарова, Н. Шетинина, Т. Аю, А. Юнусалиева, Ю. Шопен, Ш. Сойибназарова, етук мусаҳҳиҳлар Ш. Мақсудова, М. Раҳимбекова, Ш. Орипова, Н. Умарова, С. Абдувалиева, катта тажрибали матн босувчи М. Акромова, техник муҳаррирлар Т. Харитонова, У. Ким, бадиий муҳаррирлар Т. Қаноатов, У. Солиҳов, Ҳ. Меҳмонов, Ж. Гурова, О. Возняк, компьютерчилар М. Раҳмонова, М. Рихсиева, Н. Аҳмедова, А. Абкеримова, Г. Отаскевич ва бошқаларнинг нашриёт нуфузини, обрў-эътиборини янада юксалтириш, унинг ибратли анъаналарини давом эттириш борасидаги сама-

рали меҳнатлари таҳсинга сазовордир. Бу заҳматкаш ноширлар меҳнатининг тўла-тўкис рўёбга чиқишини таъминлашда ишлаб чиқаришни замонавий технология асосида ташкил этиш, режалаштириш ва иқтисодиёт, ҳуқуқ соҳасининг етук мутахассислари У. Жўраев, Р. Конеева, Ф. Сафаралиева, Б. Бозорбоев, Н. Телегина, О. Акбарова, О. Қундузов, Э. Ашурова, М. Ким, Р. Ниязматова, Т. Павлова, Ш. Каримов, А. Йўлдошева ва бошқа кўплаб ходимларнинг хизмати катта бўлмоқда. Улар ҳам ўз самарали меҳнатлари билан нашриёт эришаётган муваффақиятларга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

*Ислом ШОҒУЛОМОВ*

## МАТБААМИЗ БЕШИГИНИ ТЕБРАТГАНЛАР

Одатда матбуот ва матбаа сўзи бирга қўшиб айтилади. Зеро, улар амалда бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Ишни ижодкор бошлаб берса, матбаачи уни амалга ошириб, босма нашр маҳсулотини тайёрлайди.

Умрининг салкам олтмиш йилини матбуот-матбаага бағишлаган мутахассис, ижодкор сифатида бaралла айтишим мумкинки, матбуот ва матбаа бир умр ёнма-ён турадиган, бири иккинчисини тўлдирадиган, бирисиз иккинчисининг иши юзага чиқолмайдиган соҳа дегим келади. Шу сабабли биз матбуотчи-матбаачимиз.

Иккинчи жаҳон урушининг энг оғир 1943—1945 йиллари Тошкент шаҳридаги матбаачи мутахассислар тайёрловчи 2-ҳунар-техника билим юртида ўқиб юриб, биз — ўндан ортиқ ёш ўспиринларни ҳозирги «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасига ҳарф териш ҳунарини эгаллаш, ама-

лий иш ва тажриба орттириш ниятида ишга юборишди. Нашриёт ва босмахона ҳозирги Бухоро ва Буюк Турон кўчалари кесишган бурчакда, икки қаватли эски иморатга жойлашган эди. Биринчи қаватида нашриёт-босмахона, иккинчи қаватида эса газеталар таҳририятлари жойлашган бўлиб, матбуотчилар билан матбаачилар бирдамликда дўстона ҳамкорлик қилишарди. Ана шу мўъжаз матбуот-матбаа бирлашмасида «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») ва «Правда Востока» газеталарининг уруш сабабли юз берган ночорлик даврида икки саҳифалик миёнагина сонлари босилиб чиқарди. Биз устозларимиз бошчилигида шу газеталарнинг кундалик саҳифаларининг ҳарфини линотип машиналарида териб тайёрлардик.

Билим юртини тамомлагач, 1945 йили шу босмахонага ишга йўлландим. Бу ерда тенгдошларим билан бирга ва биздан бир-икки кўйлакни ортиқ йиртган Асқар Абдураҳмонов, Зикрилла Умурзоқов, Мирлатиф Миртемиров, Шукрулло Тўлаганов, Вали Зоҳидов, Билол Мўминов, Тўра Содиқов, Анастасия Герасимова, Нуъмон Ваҳобов, Клара Малиновская, Таскира Умурзоқова, Надежда Осина каби босмахонанинг етакчи мутахассислари бизга ҳунар сирларини ўргатиш борасида раҳнамолик қилиб, мутахассисликни тезроқ ўзлаштиришимизга ёрдамлашишарди.

Инсон ҳаётида бир умр унутилмайдиган тарихий воқеалар ҳам юз бераркан. Эсимда, 17—18 ёшдаги йигитлик давримда Шароф Рашидович Рашидовнинг «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасига бош муҳаррир этиб тайинланишларига бағишланган маросимда қатнашганман. Янги бош муҳарриримизнинг таҳририят ходимлари билан танишиб, суҳбатлашганларидан сўнг, биринчи қилган ишлари нашриёт босмахонасининг ишлаб чиқариш устахонасига тушиб, биз ҳарф терувчилар ва саҳи-



фаловчилар билан бирма-бир суҳбатлашиб, босмахона ускуналари, линотип, саҳифалаш машиналарининг иш жараёни билан танишдилар. Ўз фаолиятларини Самарқанддаги босмахонада мусаҳҳиҳликдан бошлаганликлари, сўнг муҳаррир бўлган даврлари тўғрисида, матбаа технологиясини ич-ичидан билишларини бизга тушунтириб, бундан буён газетани баҳамжиҳатлик билан биргаликда чиқаришимиз зарурлигини айтдилар. «Агар сиз ҳарф терувчилар таҳририятдан тушган мақолаларни эътибор билан ўқиб, сўнг ҳарфини терсангиз газета нашр этиш вақтидан кеч қолмай чоп этилиб, ўқувчиларимизга ўз вақтида етиб боришига ёрдамлашган бўласизлар. Бундан буён сизлар ҳам мақолалар ёзиб таҳририятимиз ишида фаол қатнашиб туринглар. Матбуот ва матбаа, бу бирдамлик билан тер тўкиб, босма нашрларни ўз вақтида сифатли этиб юзага чиқаришдир», деганлари доимо ёдимда туради. Шароф Рашидов газетанинг мазмуни, иш тарзи ва босма сифатига алоҳида эътибор қаратардилар. Журналистлар билан матбаачиларнинг биргаликда ўтказиладиган йиғинларида мавжуд муаммолар қаторида Шароф ака нашриётимиз биносининг кичиклиги, босмахонанинг ўта торлиги ҳақида куйиниб гапирардилар, нашриёт биноларини кенгайтиришнинг бош режаси ва қурилиш лойиҳаларини тузиш ва уни амалга ошириш лозимлигини доим таъкидлаб ўтардилар.

Ўзбекистонимиз матбаа соҳасининг етакчиларидан бири Василий Федорович Архангельский 1951 йили нашриётга директор этиб тайинлангандан сўнг, унинг таклифига асосан газеталар нашриёти билан 2-босмахона бирлаштирилди. Бирлашган нашриёт ва босмахона етакчилари В. Ф. Архангельский, А. Б. Мазор, Ф. М. Леонтьев, А. Р. Саидов, А. С. Карташов, В. И. Ненашев, М. С. Бутелькин, Х. Т. Юнусов, А. Ф. Варламов, И. М. Рубин, Б. Қамбаров, Б. Мўми-

нов, В. Зоҳидов, Р. Раҳмонов, Қ. Раҳимов, А. Абдураҳмоновлар каби кўпгина муҳандислар ва кичик хизматчилар ўзларининг билим ва тажрибаларига таянган ҳолда эски биноларда реконструкция ўтказишда жонбозлик кўрсатишган. Босмахонани кенгайтиришда айниқса бош муҳаррир Ш. Р. Рашидов нашриёт раҳбариятига доим амалий ёрдам берган. Бундай беғараз, дўстона ёрдамнинг аҳамияти ҳақида нашриётимиз раҳбари Василий Фёдорович Архангельский доим ифтихор ва ҳурмат билан гапирар эди.

Уруш даврида нашри тўхтатиб қўйилган газета-журналларни янгидан тиклаш, кўп рангли янги босма машиналарини ўрнатиш учун албатта катта ҳажмдаги бинолар қуриб, иш жойларини кенгайтиришни талаб этилишини ҳаммамиз хам сезиб турардик. Шунинг учун ҳам «Правда Востока» кўчасидаги икки қаватли бинонинг ёнига тўрт қаватли янги бино қурилди. Бинонинг биринчи қавати босмахонага, қолган учта қавати эса газета таҳририятларига бўлиб берилди. Эски бинонинг томи олиб ташланиб, унинг устига яна икки қават қўшимча бино қад кўтарди. Қарабсизки, кичкинагина нашриётнинг техника базаси бинойидек босмахонаникидан кам бўлмай қолди. Нашр этиладиган газеталарнинг сони ва тиражи йилдан-йилга ошиб борди. Шу тарзда аста-секин нашриёт атрофидаги эски иморатларни бузиб, янги бинолар қурилиши ҳисобига, таҳририятлар, нашриёт ва босмахона майдонлари кенгая борди. Василий Фёдорович, 1951 йилдан то 1964 йилга қадар директор бўлиб ишлаган даврларида нашриёт ва босмахонанинг ўнга яқин кўп қаватли ишлаб чиқариш ва редакциялар мажмуаси кўтарилди. Бизлар, яъни харф терувчилар юқорида номлари қайд этиб ўтилган устозлар билан биргаликда, замонавий цехларнинг техника билан таъминланиб, янада тараққий этишига ўзимизнинг оз бўлса ҳам ҳиссамизни қўшардик.

1964 йили В. Ф. Архангельский Ўзбекистон матбуот Давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари этиб тайинлангач, унинг муовини оқил инсон Аким Борисович Мазор нашриёт директорлиги лавозимига ўтди. Каминаи камтарин у кишига муовин бўлиб, биргаликда иш бошладик. Устозлар раҳнамолигида ўтган йилларда бир қанча янги бинолар қурилди. Улар замонавий техника билан бойитилиб, янги газета-журналларни сифатли чоп этиш учун зарур шароит яратилди. Аким Борисович 4 йил давомида нашриёт ва босмахонага раҳбарлик қилди, 1968 йили нафақага чиқиб, ишни менга топширди. Ўшандан буёнига устозларимдан ўрганганимни ишлаб чиқаришга татбиқ этиб, нашриёт ва босмахонани кенгайтириш борасида анчагина ишларни йўлга қўйдик. 1968—1984 йилларда газета редакциялари етти қаватли биноси ва ўн олти қаватли журналлар редакциялари қурилиб фойдаланишга топширилди. Давр зайли билан келаётган замонавий техникаларни технология талабига асосан жойлаштириш учун кенг, ёруғ биноларни қуришни талаб этилганлиги сабабли, босмахона ҳудуди янада кенгайтирилиб, газеталар комплекси учун янги босмахона, ботиқ босма комплекси учун оғир саноатга мўлжалланган бинолар қурилиб фойдаланишга топширилди.

Аллоҳга шукроналар бўлсинки, менинг оқил устозларим, иш кўзини билган нашриёт ходимлари босмахона ишчи-хизматчилари талабини тўғри тушуна олувчи, корхонанинг тараққиётига бор ақлидрокини, қобилиятини, билимини сарфлаб, ёш мутахассисларни келажакда етук раҳбар мутахассислар бўлиб етишиши борасида бор куч-қудратларини ишлатиб доим бизга ишончли таянч бўлиб, қимматли ёрдамларини ва панд-насиҳатларини аямадилар. Бундай ҳамкорлик ҳарф терувчилик ҳунарини мустаҳкам эгаллашда бизларга катта куч-қувват бахш

этарди. Бинобарин, биз ҳам устозларни доим ардоқлаб, зарур ёрдам ва эътиборимизни аямай, уларнинг ҳаётий орзу-истакларини адо этиб турардик.

Эндиликда замонавий техника ўрнатилган янги босмахонага ёш мутахассислар етиштириш зарур эди. Бу борада Тошкентдаги матбаачилар ҳунар-техника билим юртининг билимдон устоз ва муаллимлари Маҳмуд Иброҳимов, Хошим Олимов, Турон Ҳикматов, Маҳамаджон Самиьов, Салоҳиддин Зайнуддинов, Азизахон Муҳиддинова, Ҳайбат Убайдуллаев, Назоратхон Нурмуҳамедовалар ўз билимларини ўқувчи ёшларга маҳорат билан ўргатиб, ёшлар онгига маҳорат билан сингдирдилар. Ҳозирги кунда ҳам ёш мутахассисларни тарбиялаб етказишда республикада ягона бўлган матбаа билим юртида тажрибали муаллимлар ёшларга маҳорат билан билим бериб, уларга матбаачилик ҳунарини ўргатмоқдалар. Иқтидорли тарбиячи, ўқитувчи-мутахассислардан баъзиларини кўрсатиб ўтмоқчиман. Билим юрти директори Назар Оллобергенов, ўқитувчи-устозлар — Ирина Макарова, Воҳид Усмонов, Замирахон Сафаралиева, Қутбихон Йўлдошева, Дилбархон Исроилова, Гулнорахон Музаффарова, Дилфузахон Толипова, Светлана Носирова, Ҳамид Нўъмоновлар ҳозирги кунда ҳам бўлажак матбаачиларни маҳорат билан касб-ҳунарга ўргатишмоқда.

Истиқлол йилларида давлатимиз, Юртбошимиз раҳнамолигида матбуотимиз техника базасига эътибор кучайтирилиб, янги машиналар ўрнатилиб, уларни маҳорат билан бошқарадиган иқтидорли кадрлар қатори кенгайиб, газета-журналларнинг сони ҳам адади ҳам кўпайиб, ижро сифати ошиб бораяпти.

Устоз ва шогирдларнинг ижодий изланишлари муттасил қилаётган меҳнатлари натижасида нашриёт ва босмахона фаолияти кун сайин ўсиб бориб, цехлар, бўлимлар, таҳририятлар сони ошиб бораёт-



ганлиги оқибатида «Шарқ»нинг китоб, журналлар ва газета комплекси бинолари ўз технологиясига эга бўлган алоҳида-алоҳида мустақил тизимга айланди.

Авваллари газета-журналларнинг фото саҳифалари ва уларнинг босма формаларини турли жараёнларини эскирган технология ёрдамида тайёрлаш учун талай вақт, хом ашё, қўл меҳнати сарфланарди. Газета саҳифаларини тайёрлаш борасида эрталаб соат саккиз-тўққизларда бошланган меҳнат жараёнлари кечаси бир-иккиларгача чўзиларди. Ҳозир эса газета-журналлар саҳифаларини сифатли ва жозибали тарзда тайёрлашга катта эътибор қаратилади. Агарда технология жараёнида талаб этилганидек эътибор берилмаса, иш тўхтаб қолиб, газеталарни юқори сифат даражасида чоп этилиш вақти чўзилиб, газеталар жойларга юборилмай қоларди. Зеро обуначи ва ўқувчиларга газета-журнални мазмунли ва рангбаранг қилиб чоп этилган ҳолда ўз вақтида етказилмаса, нашр ўқувчиларини ўзига жалб этолмай, газетанинг тиражи тушиб кетиши мумкин эди. Ҳозирги кунда техника воситалари ривожланиб, машиналарни босмахонага чет элдаги фирмалардан келтириб ўрнатилган. Қисқа вақт ичида юзлаб газета-журналлар замонавий, тезюрар машиналарда юқори сифат билан чоп этилмоқда. Нашриёт ва таҳририятларнинг ходимлари нашрлар матнлари ҳарфини компьютерларда ўзлари терадилар, уларни саҳифалаб босмахонага сўнгги жараёнларни ўтказиб, сўнг чоп этишга юборадилар. Айниқса, шу кунларда таҳририятлар ўз компьютерларида ҳарф териб, саҳифалаб, уни дискетга ёзиб босмахонага узатадиган даражада такомилга етиб олдилар. Нашриёт босмахонаси тайёр фотосаҳифаларни таҳририятдан қабул қилиб олиб, ақлли ускуналарда формалар тайёрлаб, босма цехига узатадилар. Суратларни жойлаштириш жараёнлари ҳам анча осонлашган.

Республикамизнинг ҳақиқий матбуот-матбаа усталари ва фидойилари деб Ўзбекистоннинг биринчи босма устаси Юсуп Мусамуҳамедов, у зотнинг ўғиллари Юнус Юсупов, бу устознинг сафдошлари Йўлдош Қосимов, Каримхон Мажитхўжаев, Харлампий Маркоч, Насриддин Сайдалиев, Дмитрий Анекков, Арон Саидов, Филипп Идесис, Василий Архангельский, Аким Мазор, Тожибой Исҳоқов, Соломон Могилевский, Асқар Абдураҳмонов, Борий Қамбаров, Владимир Ненашев, Ғани Нажимов, Мажид Арслонов, Тўлаш Музаффаров, Товфиқ Абдураҳмонов, Ҳамидулла Юнусов, кейинги даврда кўп йиллар давомида «Ўзбекистон овози» газетасига муҳаррирлик қилиб келган ижодкорлар Сиддиқ Ражабов, Шароф Рашидов, Ҳожиакбар Ғуломов, Иброҳим Раҳим, Зиёд Есенбоев, Мақсуд Қориев, «Правда Востока»нинг муҳаррирлари Абрам Александровский, Владимир Непомнин, Степан Черник, Александр Ивахненко, Валентин Архангельскийлар каби маърифат ва маънавият фидойиларини айтиб ўтиш жоиздир. Бу инсонлар ўзларининг ярим асрдан кўпроқ умрларини матбуот ва матбаа тараққиётига бахшида этганлар. Албатта, шу мазкур мақоламда азиз номларини келтиролмаган яна кўпдан-кўп ижодкор аждодларимиз борки, уларнинг ижод ва меҳнат маҳсулларидан юртимизнинг зиё боғлари ҳозирда ҳам яшнаб гуллайди, халқимиз ундан маънавий ва маданий озуқа олади, халқимизнинг маънавий ва ҳаётий дунёси бойийди. Албатта, бунинг савоби ўтган аждодларимизга тегиб, уларнинг руҳларини шод этади. Тарихдан аёнки, матбуот ва матбаага бутун умрларини бахшида этган мутахассислар ва эл севган ижодкорлар ҳамиша мустақиллик ва истиқлол сари умид билан яшаб келганлар. Шу сабабли уларнинг буюк хотиралари ҳақли равишда авлоддан-авлодга ўтиб улғайиб бораверади.

Ҳозирги кундаги «Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси устозлар тарбиясини олган ишончли қўлларда деган умиддамиз. Чунки нашриётнинг етакчи раҳбарларининг деярли ҳаммаси айни даргоҳда ишлаб, ўқиб етук мутахассис даражасига кўтарилиб, ўз тажрибаларини борган сари оргтириб, секин-аста юқори поғоналарга кўтарилиб боришмоқда. Бу борада кўпларни мисол келтиришимиз мумкин. Шу кундаги «Шарқ» раҳбари Бобур Алимов (марҳум шоир, ёзувчи Шуҳратнинг фарзанди), муовинлари Тўхтасин Бобожонов, Одил Раҳимов, Омонулла Юнусов (марҳум Ҳамидулла Юнусовнинг фарзанди), Адҳам Зоҳидов, Ҳаким Юсупов, Қосим Аҳмедов, Жўрақул Азизов, Маҳмуд Мунаваров, Жасур Абдуллаев, Бозорбой Эшонов, Азиз Бобохонов, Отабек Ғуломов, Равшан Жумабоев, Саид Муҳамедов, Малик Маҳмудовлар каби матбаачиларни, журналист-ёзувчилардан нашриётнинг бош муҳаррири Аҳрор Аҳмедов, Эркин Маликов, Ибодулла Шоймардонов, Барнобек Эшпўлатовларни нашриёт жамоаси тарбиялаб етук мутахассис даражасига етказган, десак муболаға бўлмайди.

Булар ортидан изма-из етишиб келаётган ёш мутахассислар ҳам кўп. Масалан, Нарзулла Ҳамраев полиграфия ўқув юртини тамомлаб нашриётга ишга келган, шу даргоҳда ишлаб туриб тўқимачилик ва енгил саноат инженерлари институтининг полиграфия факультетини сиртдан тамомлади, ҳозирда газета ҳарф териш компьютер цехининг бошлиғи бўлиб ишлаяпти. Ёш мутахассис Жамшид Ҳасанов эса шу институтни тамомлаб, ҳозирда газета ротацияси цехида уста бўлиб ишламоқда. Кўпгина цехлар ва бўлимлар бошлиқлари маҳорат билан меҳнат қилмоқдалар. Улардан Баҳодир Тўламетов, Зайниддин Зиёмов, Ҳабибулла Турсунов, Зилара Асадулина, Сардор Исломов, Муллажон Абдураҳмонов, Галия

Гимазутдинова, Абдурайим Раҳмонов, Евгений Горшенин, Максим Бацевлар матбуот-матбаа ишларини чуқур ўзлаштирганликлари сабабли ишнинг моҳиятини мукаммал биладилар, бинобарин, дўстларига меҳнатда ўрнак бўла оладилар. Зеро, улар «Шарқ» нашриёти етиштирган фидокор фарзандлардир.

Нашриёт ўзининг 80 йиллигини Ўзбекистонимиз мустақиллик тўйининг 10 йиллиги арафасида ўтказди.

Ҳозирда ҳам нашриёт тараққиёт йўлида илдам бормоқда. Ҳаёт ҳам бетўхтов давом этади, бунёдкорлик ишлари ҳали олдинда. Амалга ошириладиган юмушлар етарли. Ёш авлодларимизга юқорида номлари қайд этилган отахон фидойиларимиз ҳамиша устоз бўлиб қоладилар, деган умид бизни тарк этмайди. Устозларимизнинг кўплари бу дунёни тарк этган бўлсаларда, истиқлолимиз йўлида қилган фидокорона ишлари-ю, амалга оширилмай қоғозда қолган режаларини рўёбга чиқариш келажак авлодларимизга ҳам қарз, ҳам фарздир. Улар матбаа-матбуотимиз бешигини тебратишган. Бу муқаддас бешикда тарбия олган авлодлар «Шарқ»нинг қутлуғ анъаналарини, ижодий меҳнат, матонат билан бунёд этилган қадриятларини изчиллик билан давом эттириш, керак бўлса ундан буюкроқ ишларни ниҳоясига етказиб, маърифат, маданият ва маънавиятимиз ривожига етарли ҳиссаларини қўшишга интилиб яшашларига шубҳам йўқ.

*Марат ҒОЙИБОВ*

## МЕҲР — КЎЗДА, АҚЛ — СЎЗДА

Ҳаётда эл дарди, юрт ташвиши билан яшайдиган, ўзидан кўра ўзгалар ҳақида кўпроқ ўйлайдиган ва кўпроқ қайғурадиган инсонларни кўрганингда, улар билан ёнма-ён яшаб, бирга ишлаётганингдан фахрланасан. Қалбинг завқ-шавққа тўлади. Рихситилла Ҳакимов худди ана шундай инсонлар сирасидан. Қарийб қирқ беш йиллирки, матбаачилик соҳасида ҳормай-толмай меҳнат қилиб келаётир.



... Ҳарф терувчилик — нозик касблардан бири. Рихситилла буни 1958 йилда, туғилиб вояга етган Янгийўл шаҳридаги 2-босмахонада иш бошлаган кезлаҳидаёқ ҳис эта олди. Касбини яхшигина эгаллаб олганига қарамай, ўқишдан, тажриба орттиришдан эринмади. Украинанинг Львов шаҳридаги полиграфия институтига бориб таҳсил олди. Олий маълумотли инженер-технолог бўлгач, қадрдон иш жойига қайтиб келди. Ишлаб чиқариш устаси вазифасини бажариб, жамоанинг ҳурматини қозонди. Сўнгра у Янгийўл шаҳри ва республика ёшлари ташкилотларида масъул ходим бўлиб ишлади.

Рихситилла Ҳакимовнинг Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасига ишга таклиф этилиши унинг учун кутилмаган бахт бўлди. У қўмитада дастлаб матбаа ишлари бош бошқармаси вазифасини бажарувчи, сўнгра шу бошқарма бошлиғи бўлиб ишлади. 1971 йилда Давлат матбуот қўмитаси раисининг ўринбосари лавозимига кўтарилди.

Ҳа, ишга масъулият билан ёндашадиган, топширилган вазифаларни сидқидилдан уддалай оладиган Рихситилла Ҳакимов устозлар эътиборига тушган эди.

— Мамлакатнинг энг нуфузли қўмитасида ишлаб, устозлар сабоғи ҳақиқий ҳаёт дарсхонаси эканини билиб олдим, — деган эди у суҳбатларимизнинг бирида. — Қўмита раиси Зиёд Есенбоевнинг иш услуби, меҳнат фаолияти у билан бирга ишлаётганлар қатори мен учун ҳам ҳақиқий мактаб бўлди. У жамоадаги ҳар бир ходим билан самимий, бафуржа суҳбатлашишга вақт топарди, оиламизу фарзандларимиз ҳақида сўраб-суриштирарди. Маънавият соҳасида ишлаш чинакам фидойиликни талаб этиши-

ни, ўқиш-ўрганиш ва изланиш билангина ҳақиқий инсон бўлиб камолотга етиш мумкинлигини такрор-такрор уқтирарди. Зиёд аканинг маслаҳатини олиб, кам бўлмадим. Яна бир гап: унинг ғамхўрлиги, талабчанлиги, амалий ёрдами туфайли кўплаб шогирдлар камолга етдилар. Улар бугунги кунда республика газета-журналлар таҳририятларида, радио ва телевидениеда, нашриётлар ва матбаа корхоналарида самарали ишлаб келмоқдалар.

Дўстимиз ҳақ гапни айтди. Камина ҳам матбаа корхонасида, Давлат матбуот қўмитасида масъул лавозимларда ишлаш давомида устознинг ажойиб ташкилотчи раҳбарлик фазилатларини юқтиришга ҳаракат қилганман.

Р. Ҳакимов 1974 йили Львов шаҳридаги полиграфия институтининг иқтисод факультетини сиртдан битирди. Инженер-иқтисодчи дипломини олди. Бир институтнинг икки дипломини олиш катта бахт. Кейинчалик Рихситилла Нишоналиевич Москвада, Ижтимоий фанлар академиясининг аспирантурасида ўқиди. Диссертацияни муваффақиятли ёқлаб, иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олди.

Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитаси Р. Ҳакимов учун азиз ва қадрдон ишхона бўлди. У 1981—1988 ҳамда 1990—1994 йиллари мобайнида қўмита раисининг ўринбосари, 1994 йилдан 2001 йилнинг сентябрига қадар раисининг биринчи ўринбосари лавозимида меҳнат қилди.

Рихситилла акани серғайрат, бошлаган ишини охирига етказа оладиган ташаббускор ҳамкасб сифатида яхши биламиз ва қадрлаймиз. У республикада матбаа соҳасини ривожлантиришга, босмахоналарда замон талабларига жавоб бера оладиган унумли технология тизимларини жорий этишга муносиб ҳисса қўшганлардан бири. У Тошкентдаги

матбаа комбинати ва Рангли офсет фабрикасини қайта жиҳозлашда, Тошкент китоб-журнал фабрикаси, ижарадаги Янгийўл китоб фабрикасини барпо этишда жонбозлик кўрсатди. Жиззах, Навоий, Сурхондарё вилоятларида, Марғилон, Олмалиқ ва Янгиер шаҳарларида янги босмахоналарнинг қурилиб, фойдаланишга топширилишида қатнашди. Нукус матбаа комбинати меҳнатчилари билан суҳбатлашсангиз, бу корхонанинг равнақида ҳам унинг ҳиссаси қўшилганини алоҳида таъкидлашганини билиб оласиз.

Ташаббускор ва жонкуяр Рихситилла Ҳакимов пенсияга чиққач, Тошкент рангли офсет фабрикасига директор этиб тайинланди. Матбаачилар уни самимий кутиб олдилар. Боиси, у республика Давлат матбуот қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари лавозимида ишлаб турган вақтида қўмита тавсиясига кўра ўриндошлик йўли билан корхона директорлиги вазифасини бажарувчи бўлиб келди.

Рихситилла Ҳакимовнинг инсоний фазилатлари ҳақида ҳам жўшиб гапириш мумкин. У тўғри ва ҳалол яшашни ҳаётнинг асл мазмуни деб билади. Бошқаларни ҳам шунга даъват этади. Касбидан қатъий назар ўзи билган ва таниган инсонларнинг қувончу ташвишига шерик бўлади. Ўрни келганда маслаҳатини аямайди. Овозини баланд кўтариб суҳбатлашганини бирор марта ҳам кўрмаганман. Аслида вазминлик билан сўзлай олиб, суҳбатдоши қалбига чўғ соладиган инсон сифатида эъзозлайман.

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими» Рихситилла Ҳакимовнинг ҳаёт йўлига ҳавас қилса арзийди. Олтмиш ёшдан ошган бўлсада, ҳамон сафда. Зеро, ишга садоқати кучли, одамларга меҳр-оқибатли, иродаси мустаҳкам инсон қаримайди.

## ДАРҒА

Мен Давлат матбуот қўмитасига 1963 йилда раис бўлиб ишга келганимда, бу йигит бизнинг тизимимиздаги корхонада ишлар эди. Уни 35 йилдан бери яхши таниганим, меҳнат фаолиятидаги ишларидан хабардор бўлиб турганим учун қўлимга қалам олиб, ушбу сатрларни ёзиб, китобхонларга етказишни ўзимнинг журналистлик бурчим деб билдим.

Ёшлигиданоқ ота касбини ўрганишга ҳавас қилган Маратжон ўрта мактабни битиргандан сўнг, 1958 йилда отаси Абдуқаҳҳор ака цех бошлиғи бўлиб ишлаётган Тошкентнинг Эскижўвасидаги Биринчи босмахонага чилангар шогирди бўлиб ишга кирди. Матбаачи оиласида туғилиб вояга етган ва тарбия топган Марат матбаачиликнинг сир-асрорларини ўрганишга ҳаракат қилди. Тиришқоқ, ҳаракатчан ва изланувчан йигит тез орада яхши ишчи бўлиб етишиб, жамоада кўзга кўринди. Ўша йилиёқ Украинанинг Львов шаҳридаги матбаачилик институтига ўқишга юборилди. Илмга ташналиги, идроки ва иродаси билан талабалар ўртасида танилган Марат Ғойибов 23 ёшида — 1963 йили институтни муваффақиятли тамомлаб, йўлланма билан яна ўзига қадрдон бўлиб қолган Биринчи босмахонага қайтиб келди.

Умрни асов дарёга ўхшатиш мумкин, уни жиловлаб бўлмайди. Мана, 40 йилдан ошибдики, Марат Абдуқаҳҳор ўғли ота касбини давом эттириб, матбаачилик майдонида жавлон уриб меҳнат қилиб келяпти. Тарихи бир асрга тенгдош бўлган Биринчи босмахонада у даставвал слесарь, сўнг инженер-механик, цех бошлиғи, бош механик, бош инженер бўлиб ишлади. 1969 йилда Тошкентда матбаачилик

комбинати ташкил этилганидан кейин у мазкур комбинатнинг бош инженери, комбинат директори бўлиб фаолият кўрсатди. Билимдон инженер-механик бўлган Марат Абдуқаҳҳорович ишлаб чиқаришни юксак унумли, замонавий машина-ускуналар билан қайта жиҳозлашга жиддий эътибор берди. 1978 йил бошидан комбинат базасида тўрт босма ва битта офсет фабрикасини ўз ичига олган Тошкент «Матбаа» ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилганидан сўнг шу бирлашманинг бош директори этиб тайинланди. 1991 йилдан бошлаб бирлашманинг номи ва иш тартиби ўзгартирилиб, ижарадаги Тошкент «Матбуот» матбаачилик комбинатига айлантирилди. Шу орада тўрт йилча Давлат матбуот қўмитаси раисининг ўринбосари ва бир йилдан ортиқ раис вазифасини адо этиб турди. Бу масъулиятли вазифаларда ишлаб, республика матбаачилик тизимини ривожлантиришга баҳоли қудрат ўз ҳиссасини қўшди.

1969 йилдан бери — 30 йилдан ортиқ вақт мобайнида мамлакатимизнинг энг йирик матбаа корхоналаридан бири бўлган комбинатда узлуксиз самарали меҳнат қилиб келаётган, матбаачилар ва ноширлар ҳурмат-иззатига сазовор бўлган Марат Ғойибов жуда кўп шогирдлар тайёрлади. Собиқ «Матбуот» бирлашмаси таркибидаги босмахоналарнинг деярли барча раҳбар ходимлари уни ўзларининг устозлари деб билишади. Матбаа комбинати Давлат матбуот қўмитаси тизимидаги энг бақувват ва энг йирик корхона эканлигини, замонавий технология воситаларини ишлаб чиқаришга жорий этишда, маънан эскирган ускуналардан воз кечиб, маҳсулотларнинг барчасини юқори сифат билан тайёрлашда, нашриётлар билан шартнома асосида бадиий китобларни, ўқув қўлланмалари ва дарсликларни чоп этишда ибратли тажриба тўплаганини тан олишади.

Марат Абдуқаххоровичнинг матбаачилик соҳасидаги кўп йиллик меҳнат фаолияти муносиб баҳоланган. У «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвонига эга. «Шуҳрат» медали соҳиби.

Ҳар бир матбаачи ўз вазифасига катта масъулият ҳисси билан қарайдиган, тажамкорликка, бозор иқтисодиёти шароитида ишчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларига катта эътибор берадиган, меҳнатсевар фидойи аъзолари бўлган комбинат мавжуд қийинчиликларни енгиб, XX асрни муваффақиятли якунлади. Буларнинг ҳаммаси Мустақиллик баҳш этган эркинлик самарасидир. Катта режалар ва орзу умидлар билан фидокорона меҳнат қилаётган, эртанги кунига завқ-шавқ ва тўла ишонч билан боқаётган матбаачилар янги — XXI асрга янги ғайрат ва шижоат билан қадам қўйдилар. Бу хайрли ишда уларнинг сардори, 60 ёшга тўлган Марат Ғойибовга мустаҳкам соғлиқ ва омад тилаймиз. Бахт-иқбол ва зафар доим унинг ҳамроҳи бўлсин! 1965 йили Москвадаги матбаачилик институтини тамомлаб, бизнинг соҳамизда узоқ йиллар меҳнат қилган умр йўлдоши, иқтисодчи-матбаачи Мадина Ислом қизи билан қўша қариб, пок қалблари ҳар доим қувончларга тўлсин!

*Абдуғани* ***АБДУЛЛАЕВ***

## ИШЧАНЛИК УНИНГ ФАЗИЛАТИ

Ҳаёт қизиқ. Баъзи ёшлар жамиятдаги ўз ўрнини жуда осон топишади. Ёки ота касбини танлашади ёки ўзларига маъқул касбга бир уринишдиёқ дуч келишади. Баъзилар эса ўзига хос, Аллоҳ берган қобилиятга, истеъдодга мос касбни топиш учун қайси кўчаларга кириб чиқишмайди, дейсиз.



Ўрта мактабни тугатган Алижон Шарипов билан ҳам худди шундай бўлди. Задарё туманидаги «Гигант» жамоа хўжалигида колхозчи, Чуст туманидаги конструкторлик-технология бюросида дурадгор, Тошкент тўқимачилик комбинатида жилд тўқувчи, «Шоён — Боймоқ» давлат хўжалигида дурадгор, Чуст туманидаги 14-ўрта мактабда ўқувчилар етакчиси, ниҳоят Чуст туман техник инвентарлаш бюросида техник бўлиб ишлади. Аммо бирор жойда ҳам қўним топмади. Бу касбларнинг бирортаси ҳам унга маъқул бўлмади.

Ана шундай аросатда юрган кунларининг бирида Алижон Чуст туман газетасининг масъул котиби Арслон Ҳошимов билан учрашиб қолди. Ўқувчилик кезлари газетага кичик-кичик мақола-ахборотлар ёзиб юрган йигитчани яхши билган собиқ фронтчи, кекса журналист Арслон Ҳошимов унга туман босмахонасига ишга киришни маслаҳат берди.

— Ҳозир таҳририятда бўш ўрин йўқ. Қобилиятинг бор. Ўрин бўшаши билан сени газетага ишга қабул қиламиз, — деди у.

Тажрибали журналистнинг биргина шу маслаҳати билан у Чуст туман босмахонасига ҳарф терувчига шогирд бўлиб ишга кирди. Ишга кирдию кўпдан бери излаб юрган нарсасини топгандек бўлди. Матбаачилик орзу қилган соҳаси эканлигига ишонч ҳосил қилди. Касбига ихлос қўйди, унинг сир-синоатларини сидқидилдан, қунт ва сабот билан ўргана бошлади. Москва матбаачилик институтининг сиртқи бўлимига ўқишга кирди. Алижон Шариповнинг чинакам матбаачи бўлиб етишишида унинг илк устозлари — «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» Исоқжон Шодиев, тажрибали чоп этувчилар Ҳамид Раззоқов, Қаҳҳоржон Зоировларнинг хизмати катта бўлди. Буни қарангки, Алижон ўз бахтини ҳам шу ердан топди. У босмахонада линотипчи бўлиб ишлайдиган Людмила исмли қиз билан танишиб, турмуш қурди.

Институтнинг 3-курсига ўтган изланувчан ёш мутахассисни 1968 йилда Наманган вилоят босмахонасига ишга таклиф қилишди. Бу ерда у аввал техник, сўнгра бош муҳандис бўлиб ишлади. Кейинчалик катта ишонч билдириб директор этиб тайинлашди. Алижон Ғаниевич ана шу лавозимда корхонанинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турини кенгайтириш учун кўп куч-ғайрат сарфлади. Жумладан, республикада биринчи бўлиб полихлорвинил плёнка билан қопланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу масалани ҳал этишда Давлат матбуот қўмитаси раиси Зиёд Есенбоев ва республика китоб савдоси идорасининг бошлиғи Баҳри Ғуломова катта ёрдам беришди.

Алижон Ғаниевич матбуот қўмитаси қаерга йўлласа, ўша ерда сидқидилдан, ҳалол меҳнат қилди. Жумладан, у 1973—1974 йилларда Сурхондарё вилоят босмахонасида аввал бош муҳандис, кейин директор бўлиб ишлади. 1974—1978 йилларда Жиззах вилоят босмахонасига, 1978—1982 йилларда Термиз босмахонасига раҳбарлик қилди. Ана шу матбаа корхоналарининг барчасида у ўзидан яхши эсдалик қолдирди. Масалан, Жиззах туман босмахонаси базасида вилоят босмахонасининг ташкил этилиши унинг номи билан боғлиқ. Алижон Ғаниевич Жиззахга келганида босмахонада линотип машинаси ва юқори босма дастгоҳидан бошқа техника йўқ эди. Унинг раҳбарлигида цинкография ва ротация цехлари қурилди. Самарқанд ва Тошкент ҳунар-техника билим юртларидан, Тошкент матбаа техникумидан ёш мутахассислар ишга таклиф этилди. Босмахонада илгари 18 нафар матбаачи меҳнат қилган бўлса, кейинчалик уларнинг сони 100 кишига етди. Самарқандда чоп этиб келинган «Жиззах ҳақиқати» ва «Джизакская правда» газеталари 1975 йилдан бошлаб Жиззахнинг ўзида чиқадиган бўлди.

Маълум вақт Бўка туман босмахонасига раҳбарлик қилганини ҳисобга олмаса, Алижон ака мана 18 йилдан бери собиқ «Союзучетиздат» Бутуниттифоқ давлат бирлашмаси, ҳозирги «Ўзбланкнашр» нашриётида фаолият кўрсатиб келмоқда. Аввал директор муовини бўлиб ишлади, 1992 йилдан бери шу нашриётнинг директори. Нашриёт корхона ва ташкилотлар, қишлоқ хўжалик жамоалари учун ҳар хил статистик ҳисобот бланклари, ҳисобот дафтарлари, бухгалтерлар учун бош дафтарлар ва бошқа махсулотларни ишлаб чиқаради. Катта бўлмаган аҳил жамоанинг ютуқлари қувонтиради. Нашриётнинг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари йилдан-йилга яхшиланиб, соф фойда кўпайиб бормоқда.

Алижон аканинг оиласи ҳақида икки оғиз сўз. Алижон ака умр йўлдоши Людмила Максимовна билан тўрт фарзандни тарбиялади. Икки қизларини чиқариб, ўғилларини уйлантиришган.

Алижон аканинг 60 йиллик таваллуди кунида унинг дўстлари қатори иштирок этганман. Турли вилоятлардан келган ҳамкасб дўстлари унинг хизматларини, инсоний фазилатларини таъкидлаб, эзгу тилаклар билдиришди. Алижон Ғаниевичнинг қалбида ҳали ниятлари бисёр. Бизнинг тилагимиз: ана шу ниятлари ҳам амалга ошсин.

*Абдуғани АБДУЛЛАЕВ*

## КОМБИНАТ ЖОНКУЯРИ

Илжарадаги Тошкент матбаа комбинати бош директорининг ўринбосари, ишлаб чиқариш бўлимининг бошлиғи Рихсибой Ҳожиакбарович Мусаевнинг ўз хонасида ёлғиз, хотиржам ўтирганини бирор марта ҳам кўрган эмасман. Ҳамиша у буюрт-

мачилар билан нималарнидир муҳокама қилаётган, иш жараёни қандай кетаётганини бевосита кузатиш учун корхона цех ва участкаларини айланиб юрган ёки телефон орқали ким биландир гаплашаётган бўлади. Унинг хонасидаги учта телефон аппарати уззукун тиним билмайди, бири қўйса иккинчиси жиринглайди. Бу — Рихсибой Ҳожиакбаровичнинг иш кунлари нақадар тиғизлигидан, республика пойтахтидаги энг йирик матбаа корхоналаридан бирининг фаолият кўламидан далолат берувчи бир чизги холос. Комбинат Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси тизимидаги «Ўзбекистон», «Ўқитувчи», Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат, «Ёзувчи», «Чўлпон», «Меҳнат», Ибн Сино номидаги, тиббиёт, Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриётларининг буюртмалари билан бирга ҳар куни юзлаб корхона ва ташкилотларнинг, алоҳида шахсларнинг буюртмаларини бажаради, қатор газеталар шунингдек «Ўзбекистон матбуоти» журнали ҳам шу ерда чоп этилади. Ҳа, юқори малакали ишчилар, мутахассислар ана шу буюртмаларни ўз вақтида, юқори сифатда адо этиш билан банд бўладилар.

Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллиги арафасида бош директор ўринбосарининг кундалик ташвишлари қаторига яна бир ташвиш, айтиш мумкинки, қувончли ташвиш қўшилади. Рихсибой Ҳожиакбарович Мусаев бир гуруҳ фан, маданият, халқ таълими ва бошқа ижтимоий соҳа ходимлари билан бирга кўп йиллик самарали меҳнати, республика иқтисодиётининг юксалишига, халқ фаровонлигининг ошишига, тинчлик ва барқарорликнинг сақланишига қўшган улкан хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига мувофиқ «Шуҳрат» медали билан мукофотланди. Хушхабарнинг қаноти бор, деб бежиз айтишмайди. Қувончли



хабардан воқиф бўлган таниш-билишлар, қариндош-уруғлар бирин-кетин қўнғироқ қилиб, уни юксак мукофот билан муборакбод этишди. Орадан кўп ўтмай корхона ҳовлисидаги табриклар тахтасида «Ҳамкасбимизни ҳукуматнинг юксак мукофоти билан табриклаймиз» деб ёзилган қутлов сўзлари пайдо бўлди. Матбуот ходимлари, матбаачилар мукофотни худди ўзлари олгандек унинг учун қувонишди. Бу Рихсибой Ҳожиакбаровичнинг ҳамкасблари, таниш-билишлари ўртасида қозонган ҳурмат-обрўйидан далолатдир. Кўпчиликнинг иззат-ҳурматига сазовор бўлиш эса осон эмас.

Шуни айтиш керакки, Р. Мусаев шу кунга қадар нимага эришган бўлса, ўзининг тиришқоқлиги, меҳнатсеварлиги туфайли эришди. Рихсибой ўрта мактабни битирадиган йили падари бузруквори Ҳожиакбар ака оламдан ўтди. У тезроқ бирор касбнинг бошини ушлаш оила рўзғорини тебратишда волидаи муҳтарамаси Ҳамида онага ва акаларига ёрдам бериш ниятида эди. Аммо онаизор зеҳни ўткир фарзанди олий маълумотли бўлишини истарди. Шунинг учун ҳам у Украина матбаачилик институтига ўқишга кирди. Талабалик йиллари кўз очиб юмгунча ўтиб кетди. 1975 йили у муҳандис-технолог дипломи билан жонажон шаҳрига қайтиб келди. Меҳнат фаолиятини шу йилиёқ Тошкент матбаа комбинатида муҳандис-технолог вазифасидан бошлади. Аммо кўп ишлаёлмади — ҳарбий хизматга чақириб қолишди. Ўша вақтлар олий маълумотли йигитлар бир йил армия хизматини ўташи лозим эди.

Йигитлик бурчини ўтаб қайтган Р. Мусаев яна матбаа комбинатида муҳандис-технолог бўлиб ишлай бошлади. Сўнгра ишлаб чиқариш бўлимининг катта диспетчери бўлди. Ёш мутахассис изланувчанлиги, ташаббускорлиги билан корхона раҳбарлари

нинг назарига тушди. 1979 йили уни муқова цехининг бошлиғи лавозимига тайинлашди. Яна уч йил ўтгач, 29 ёшда Рихсибой Мусаев комбинат ишлаб чиқариш бўлимини бошқара бошлади. Шу ёшда фаолиятининг кўлами жиҳатидан республикамизда «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясидан сўнг иккинчи ўринда турадиган корхонанинг ишлаб чиқариш бўлимига раҳбарлик қилиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Рихсибой Ҳожиакбарович масъулиятли вазифани шараф билан адо этиб келмоқда, корхона жамоаси эришаётган муваффақиятларга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

*Тухфатулла ОБИДОВ,*
*Абдуғани АБДУЛЛАЕВ*

## «ҒАЙРАТИНГГА БАЛЛИ!»

Ҳаёт йўли... Бу йўллар бир-бирига асло ўхшамайди. Уни ҳар ким ҳар хил: биров уриниб-туртиниб, машаққатлар билан, биров гўё сайр қилгандек енгил босиб ўтади. Виталий Бонгировичнинг ҳаёт йўли ҳам ўзига хос. У Приморье ўлкасидан мажбурлаб кўчирилган совет корейсларига мансуб деҳқон оиласида туғилди. Ёшлиги Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманида кечди. Шу тумандаги 15-ўн бир йиллик мактабни тугатди.

Шуни айтиш керакки, у матбаачилик соҳасини қатъий танлагунга қадар турли касбларда ишлаб кўрди.

Ниҳоят, барча тилсимотларнинг калити билим эканлигини, олий маълумотсиз бирор мақсадга эришиш мушкуллигини тушунган Виталий Москва матбаачилик институтининг кундузги бўлимига ўқишга кирди. 1973 йили институтни муваффақиятли тугаллаб, матбаа ишлаб чиқаришининг муҳандис-иқти-

содчиси дипломини қўлга киритди. Унинг ташкилотчилик қобилияти ўша талабалик йилларидаёқ кўзга ташланган эди. У факультет ёшларига етакчилик қилди. Ёш мутахассисни Ўзбекистон Республикаси Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат қўмитаси ихтиёрига йўллашди. Орадан кўп ўтмай у «ГипроНИИполиграф»нинг Тошкент филиали тармоқ институтида иш бошлади. Даставвал у матбаа саноати иқтисодиёти ва уни ривожлантириш истиқболларини режалаштириш илмий-тадқиқот лабораториясида иқтисодчи-муҳандис вазифасида ишлади. Сўнгра уни лойиҳалаштириш ва илмий-тадқиқот ишлари бўйича техника бўлимига катта муҳандис қилиб ўтказишди. Кейинчалик шу бўлимнинг етакчи мутахассиси, диспетчери бўлди.

Мазкур институтдаги саккиз йиллик меҳнат фаолияти давомида Виталий Бонгирович ўз назарий билимларини бойитиб, янада чуқурлаштирди, республикамиз матбаачилик тармоғининг аҳволи ва уни ривожлантириш истиқболларини ўрганди. Тўғрисини айтсак, ҳозир ишлаб турган қатор вилоят ва туман босмахоналари, таҳририят-нашриёт мажмуаларининг лойиҳалари дастлаб мана шу институтда лойиҳалаштирилган. Бунда Виталий Бонгировичнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

1982 йили Виталий Бонгировични Тошкентдаги «Матбуот» матбаачилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг 3-босмахонасига бош муҳандис вазифасига таклиф қилишди. У ерда улкан бунёдкорлик ишлари режалаштирилаётган эди. Замонавий янги матбаачилик корхонасини бунёд этиш, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари учун ўн бир тилдаги чет эл адабиётлари чоп этилишини йўлга қўйиш режалаштирилган эди. «Прогресс» нашриётининг раҳнамолигида барпо этилаётган босмахонани қисқа муддатда тиклаш вазифаси қўйилганди.

Қурилиш ишлари аниқ маромда, тез суръатда олиб борилди. Муҳим объект белгиланган муддатда фойдаланишга топширилди, республика матбаачилик тизимида янги босмахона пайдо бўлди.

Тақдирни қаранг, босмахонанинг энг сўнгги жиҳозлари ўрнатилаётган охирги кунларда Виталий Бонгирович қайтадан шаклланаётган 4-босмахонага директор этиб тайинланди. Собиқ «Медгиз» босмахонаси базасида ташкил топган янги босмахона олдига эскирган «юқори босма» технологияси ўрнига янги офсет ишлаб чиқаришини йўлга қўйиш вазифаси қўйилганди. Босмахона янги технологияни жорий этишга мосланмаган, муҳандислик иншоотлари билан таъминланмаган эди. Ҳатто бир ой узлуксиз ишлаш учун қоғоз ғамлаб қўйгани омборхоналар ҳам йўқ эди.

Виталий Бонгировичнинг ғайрати билан янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш авж олиб кетди. Эски ускуналар ўрнига янгилари монтаж қилинди. Корхона жамоаси аста-секин оёққа тура бошлади. Бунн қарангки, айни шу даврда Матбуот давлат қўмитаси тизимида таркибий қайта қуриш бошланди. «Матбуот» матбаачилик ишлаб чиқариш бирлашмаси тарқатилиб, 4-босмахона бирлашма таркибидан чиқарилди. Айни вақтда «Китоб» нашриёт-матбаачилик бирлашмаси ташкил этилиб, босмахона унинг таркибига киритилди. Орадан икки йил ўтгач, мазкур босмахона Ибн Сино номидаги нашриёт-матбаачилик бирлашмаси таркибига ўтди. Ниҳоят, 1995 йил февраль ойига келиб босмахона хўжалик ҳисобидаги мустақил корхона мақомига эришди. Корхона Тошкент тезкор босмахонаси деб номланди. Бу ерда юмшоқ муқовали рисолалар, журналлар, турли этикеткалар, акциялар, расмий ҳужжатлар, афишалар чоп этиш йўлга қўйилди. Корхона директори Виталий Бонгирович Кимнинг ғайрат-шижоати, ташкилотчилик қобилияти туфайли босмахона меҳнат жамоасининг ютуқлари кўпайиб борди.

— Ҳаётимдан нолимайман, — дейди Виталий Бонгирович Ким. — Матбаачилик касбига меҳр қўйиб ҳам бўлганим йўқ. Ҳозир Биринчи Тошкент босмахонасида ишлаяпман. Мустақил республикамиз матбаачилигини ривожлантиришга қўшган ҳиссам билан фахрланаман.

*Ҳамид СУЛТОНОВ*
*Муҳиддин ОМОН*

## МЕҲНАТ ГАШТИ

Ижарадаги Тошкент матбаа комбинати бош директорининг биринчи ўринбосари, бош муҳандис Муҳаммаджон Зайтаев билан корхона касаба уюшмаси раиси Шавкат Усмоновни нафақат комбинатда, қолаверса, пойтахтдаги нашриётлару босмахоналарда ишлаётган кўпдан-кўп инсонлар яхши билишади, ҳурмат қилишади. Бунинг боиси, тиниб-тинчимас матбаачилар меҳнатсеварлик, камтарлик, ҳаётга муҳаббат каби фазилатларини ўзида мужассам этган саҳий қалб эгаларидир.

Муҳаммаджон Зайтаев ижарадаги Тошкент матбаа комбинати бағрида камолга етган матбаачи мутахассис. Унинг меҳнат фаолияти 1970 йилда «Матбуот» матбаа комбинатида чоп этувчи устанинг шогирдлигидан бошланган. Сўнгра ҳарбий хизматни ўтаб, 1979 йилда қадрдон корхона қучоғига қайтди. Босма цехида саккиз йил ишлади. Устозлари тажрибасини ўрганди, кўзи пишди: матбаа маҳсулотларининг чоп этилиш жараёнларини астойдил билиб олди. Шу боисдан ҳам уни босма цехига бошлиқ этиб тайинлашганида ҳеч қийналмади. У бу цехни беш йил мобайнида бошқариб келди.

1990 йилга келиб корхона ижарадаги Тошкент матбаа комбинатига айлантирилди. Бу ерда янгича иш юритишнинг жорий этилиши туфайли ишлаб чиқаришнинг етакчи бўғинларига раҳбарлик қилиш вазифаси шу ернинг ўзида тарбия топган иқтидорли мутахассислар қўлига топширилди. Жумладан, Муҳаммаджон Зайтаев комбинат бош муҳандислигига ўтди. Ёш бўлишига қарамай, унинг вазифалари кўпайди: корхона моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, маҳсулотлар сифати ва самарадорлигини таъминлаш, иш суръатини бир маромда тутиб туришга эришиш, янги технологияларни жорий этиш масалаларини ҳамкасблари билан ҳамкорликда бажаришга бел боғлади. Билимини оширди, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Москва полиграфия институтида билим олди. Кўзлаган мақсадига эришиб, жамоадошларининг ҳурматини қозонди.

Беш йилдан ошдики, М. Зайтаев корхона бош муҳандиси бўлиш билан бирга комбинат бош директорининг биринчи ўринбосари вазифасини бажариб келмоқда.

М. Зайтаев корхона ҳаётидаги кўплаб қувончли воқеаларнинг шоҳиди. У 2001 йилнинг баҳорида бўлиб ўтган шодиёнани ғурурланиб эслайди. Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасининг кўмаги ҳамда Германиянинг «Хейдельберг» фирмаси билан ҳамкорликда комбинатда «Рақамли технологиялар маркази» очилди. Муҳаммаджон хорижлик мутахассисларнинг тажрибасини ўрганиш мақсадида хизмат сафарида бўлди, янги технологик асбоб-ускуналарни олиб келиш ва ўрнатиш, ёш кадрларни замонавий дастгоҳларни бошқаришга ўргатишдек масъулиятли вазифани сидқидилдан бажарди. Кўзлаган мақсадига эришганида қувончи чексиз эди.

— Биласизми, — дейди Муҳаммаджон Зайтаев биз билан суҳбатда, — «Рақамли технологиялар маркази» ёрдамида ишлашни ташкил этиш матбаачиларимизга ҳам маънан, ҳам моддий рағбат олиб келди. Матбаа маҳсулотлари андозаларини тезда тайёрлаб, уларни чоп этиш суръати ошди. Китобларни саҳифалаш ва муқовалаш жараёни тезлашди. Давлат матбуот қўмитасининг нашриётлари билан ўзаро маълумотларни айирбошлаш имконияти кучайди. «Рақамли технологиялар маркази»нинг ишга туширилиши туфайли мактаб дарсликларини босмадан чиқариш сифати яхшиланди.

Суҳбатдан сўнг М. Зайтаев билан бирга «Рақамли технологиялар маркази»га кириб, иш жараёнини ҳаяжон билан кузатдик. Замонавий дастгоҳларни бемалол бошқараётган ишчилар мамнунлигини айтмайсизми?! Меҳнатдан кўнгил чоғ бўлишининг ўзига яраша гашти бор. Муҳаммаджон ҳамкасбларининг ишини зийраклик билан кузатиб турди. Чеҳрасидаги табассумни яшира олмай, уларнинг ҳар бири билан самимий қўл олишиб қўйди...

▲

Ғайрат аканинг ҳамкасблари билан суҳбатлашиб қолгудек бўлсангиз, унинг ажойиб хислатларини бирма-бир санаб беришади: ташкилотчи, янгиликка интилувчи, бошлаган ишини охирига етказмагунча тиниб-тинчимас ғайратли инсон. Зеро ёнма-ён ишлаётганларнинг эҳтиромига сазовор бўлишнинг ўзи катта бахт.

Умрининг сал кам 40 йилини Ғайрат Обидов ношерлигимиз ва матбаамиз равнақига сарфлаб келаётир. У меҳнат фаолиятини ҳозирги «Ўқитувчи» нашриётида 1964 йилда кичик муҳаррирликдан бошлаган. Нашриёт ўша вақтда «Ўрта ва олий мактаб»

давлат нашриёти номида бўлиб, 1964 йилда «Ўқитувчи» нашриёти деб қайта номланди. Нашриётнинг янги мақоми унинг жамоаси зиммасига янада масъулиятли вазифаларни юклади. Дарслик ва ўқув қўлланмалари билан бирга услубий адабиётлар, лұғатлар, синфдан ташқари ўқиш учун мўлжалланган сайланма бадиий китоблар чоп этиш йўлга қўйилди, нашрлар салмоғи ошди. Табиийки, ноширликнинг ўзига хос қирраларини эгаллаб олиш Ғайрат Обидовга осон бўлмади. Ҳамкасблари билан изланди, муаллифларнинг қўлёзмаларини кўриш, дарсликларни сифатли ҳолда ўқувчиларга етказиш йўлларини ўрганди. Бу унинг нашриёт бош муҳаррири ўринбосари бўлиб ишлаган йилларида жуда ҳам қўл келди.

Ғайрат Обидов 1981—1985 йилларда «Матбуот» ишлаб чиқариш бирлашмасида, 1985—1988 йилларда Усмон Носир номли Тошкент матбаа техникумида ишлади. Бу икки жамоада у масъул лавозимларни бажариб, танлаган касбига меҳрининг нақадар кучли эканлигини исботлай олди.

Ўн икки йилдирки, Ғайрат ака ижарадаги Тошкент матбаа комбинатида ишлаб келмоқда. Бош директорнинг моддий-техник таъминот ва ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари. Халқимиз маънавиятини юксалтиришдек улуғвор ишда ушбу матбаа корхонаси меҳнатчиларининг ҳиссаси бор, албатта. Биз ҳикоя қилаётган ажойиб инсон ҳам унинг аъзоси. Шу билан фахрланади. Бундай фахрланишга арзигулик ишларни ҳам бажараяпти: комбинат моддий-техника базасини давр талаби асосида мустаҳкамлаб бориш, маҳсулот сифатини яхшилаш, самарадорликка эришиш, матбаачилик маҳсулотлари билан ишлаб чиқариш бўғинларини таъминлашга камтарона ҳисса қўшиб келмоқда.

▲

1962 йилнинг кузида Шавкат Усмонов ҳарбий хизматдан бўшаб, она шаҳри Тошкентга қайтиб келди. Ҳужжатларини тўғрилаб, ишга жойлашиш ниятида юрган вақтида 3-босмахона директори Абдусамад Мажидов билан суҳбатлашиб қолди. Ўшанда Абдусамад ака китоб ҳақида, уни чоп этувчи устазода ишчилар ҳақида мароқ билан сўзлади. Шавкатни ишга таклиф этди.

Кўпни кўрган, кўпни билган корхона раҳбари эртаси кун серғайрат йигитни самимий, очиқ чеҳра билан кутиб олгач, чоп этувчи моҳир уста Тўхтахўжа Муҳаммадхўжаевга шогирдликка тайинлади. Шогирднинг зеҳни баланд, фаросати ўткир экан: устозининг ҳар бир сўзини илғаб, ўзининг қобилиятини кўрсата бошлади. Тез орада у мустақил ишлашга ўтди, сўнгра чоп этувчи уста бўлди.

Йилни йиллар қувиб ўтиб бораверди. 70-йилларга келиб ижарадаги Тошкент полиграфия комбинати тузилди. Шавкат аканинг ҳаёт йўли кейинчалик шу матбаа корхонаси билан боғланди. 1972 йилда уни босма цехининг бошлиғи этиб тайинлашади. Бу ҳаётда ўз ўрнини топиб олган Шавкатнинг ташаббускорлик, ишчанлик фазилатига берилган муносиб баҳо эди. Дарвоқе, босма цехи — корхона юраги ҳисобланади. Каттами кичик — ҳар бир матбаа маҳсулоти шу ерда босилиб, буюртмачилар қўлига етиб боради. Демак, пировард натижа сен билан ёнма-ён ишлаётган ҳамкасбинглар меҳнати, маҳоратига ҳар жиҳатдан боғлиқ. Шу боисдан Шавкат ака ишлаб чиқариш йиғинларида ишчи масъулияти, мавжуд технология жараёнларини замонавий негизга кўчириш муаммолари ҳақида таклиф-мулоҳазаларини дадил айтиб, унинг ижросини таъминлашга ҳисса қўшди. 13 йил давомида шу цехни бошқарди. 1989—1992 йиллар мобайнида Шавкат Усмонов комбинатнинг

босма қолиплар тайёрлаш цехи бошлиғи бўлди. Сўнгра у қадрдон босма цехига қайтиб, беш йил мобайнида шу ерда бошлиқ бўлиб ишлади.

— Бахтим шулки, — дейди Шавкат ака, — бир умр касбимга меҳр қўйиб, кам бўлмадим. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони соҳибиман. Шогирдларим кўп. Айниқса, фарзандларимда ҳам матбаачилик касбига меҳр уйғота олганимдан фахрланаман.

Қирқ йилдан бери матбаачи номини ардоқлаб келаётган инсон ҳақ гапни айтди. Цех бошлиқларидан Рустам Имомов, Абдуғаффор Султонов, комбинатнинг иссиқлик техникаси тармоғи бошлиғи Зокир Сайфуллин каби ўнлаб матбаачилар Шавкат акани ўзларининг устози деб биладилар. Бугунги кунда Шавкат Усмоновнинг икки фарзанди комбинатда ишлаяпти. Беҳзод Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг матбаачилик технологияси факультетини сиртдан ўқиб тугатди. У муҳандис-технолог вазифасини бажарса, Бобур босма қолиплар тайёрлаш цехида суратказ.

Беш йилдан ошдики, Шавкат Усмонов ижарадаги Тошкент полиграфия комбинати касаба уюшмасининг раиси. Зиммасида улкан корхона жамоат ташкилотининг масъулиятли вазифаси юклатилган бўлса ҳамки, унинг хатти-ҳаракатида ҳамон ёшларга хос ғайрат-шижоат сезилади. Бундай бахт саодатли меҳнат туфайлидир.

*Нормўмин ОЧИЛОВ*

## ГАЗЕТАГА КЎРК БАҒИШЛАБ

Ориф ака нафақага чиққач, анча вақт уй шароитига кўниколмай юрди. Эрта тонгдан ишга жўнаб ўрганган экан, тонг саҳар-мардондан уйғониб кетади. Бир-икки бор ул-булни баҳона қилиб

қадрдон «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясига бориб ҳам келди, барибир кўнгли жойига тушмади, унга нимадир етишмаётгандек бўлиб туюлаверади...

У бугун ҳам одатдагидек эрта уйғонди, нонуштани ҳам нари-бери қилди-да, рафиқаси ёнига чақирди:

— Бугун якшанба, ҳали замон болалар ҳам неваралар ни эргаштириб келиб қолишади, ул-булга бирров «Эски Жўва» бозорига тушиб чиқсам деганди м.

Хайрияхон ая билан гапни бир жойга қўйгач, Ориф ака қадрдон «молтонар» сумкасини кўтариб кўчага чиқди. Бекатда узоқ кутиб қолмади, автобус ҳам тез кела қолди, лекин жуда тирбанд экан, бир амаллаб чиқиб олди. «Эски Жўва» уйига унчалик узоқ бўлмаса ҳам Ориф ака иссиқда автобусда бирмунча эзилди. Автобусдан тушди-ю, кўксига майин шабада тегди, у ёқ-бу ёғини тузатиб, бозор ёнидаги хиёбон четидаги ўриндиқда нафасини ростлади. Теварак-атрофдаги манзаранинг ҳаммаси таниш — бинолар, дарахтлар, бекат, ана у илк бора меҳнат фаолиятини бошлаган қадрдон Биринчи Тошкент босмахонаси. У беихтиёр хаёллар оғушида ушбу босмахонага илк бор ишга келган суронли уруш йилларини, ўспиринлик даврини эслади...

— Ўғлим, — деганди урушдан ярадор бўлиб қайтган отаси, — мен тузалиб оёққа туриб кетгунча бирон-бир ишнинг этагидан тутсанг яхши бўлармиди, оилага ҳарна ёрдам бўларди...

Ўшанда отаси бошқа гапирмаган. Лекин ана шу залворли вазиятда айтилган сўзлар оилада тўнғич фарзанд бўлган Орифга қаттиқ таъсир қилди, секин ўрнидан турдида, кўчага чиқди. У отасининг урушдан тирик қайтганига дастлаб қувонган бўлса, ноги-

рон бўлиб қайтгани эндиликда руҳини эзарди, хаёллар оғушида юриб, Биринчи Тошкент босмахона ёнида турибди. Ўн тўрт ёшли ўсмирин минг истиҳола билан босмахона эшигини очиб, ичкарига қадам босди. Ходимлар бўлимига учраб, дардини айтди, уни шогирдликка ишга олишди.

Оёқ-қўли енгил Ориф босмахонанинг оғир-енгил ишига чидади, бора-бора дастгоҳларнинг шовқинига ҳам кўникиб кетди. Ҳаммасидан ҳам оппоқ қоғозда бир зум ўтгач, суратлар, чиройли ёзувлар, нақшларнинг пайдо бўлиши уни ўзига маҳлиё этарди. Шу-шу у ўзининг бутун ҳаётини матбаачиликка бағишлашга аҳд қилди.

Ориф ака 45 йил севган касбида фидокорона меҳнат қилди. Айниқса, унинг қобилияти газета саҳифалашда яққол намоён бўлди. Шунинг учун ҳам унга «Совет Ўзбекистони» (ҳозирги «Ўзбекистон овози»), «Тошкент ҳақиқати» каби республиканинг етакчи газеталарини ишониб топширишди. У бу ишончни шараф билан оқлаб келди. Газета саҳифаловчисида энг аввало, касб топқирлиги, зукколик, ижодий фантазия, ишнинг натижасини олдиндан кўра олиш қобилияти бўлиши керак. Ориф ака қўлидаги ускуна-бигизи билан ана шу газета саҳифаларига «жон» бағишларди, нақшларни, сурат ва линейкаларни шундоқ ўз ўрнига туширардики, бирон киши эътироз билдиролмасди.

Ориф Иброҳимов ўз тенгдошлари, сафдошлари Фахриддин Йўлдошев, Мирлатиф Миртемиров, Ислом Шоғуломов, Тўлаш Музаффаров, Товфиқ Абдураҳмонов, Исмат Мансуров, Анвар Носирхонов каби матбаачилар, Зиёд Есенбоев, Мақсуд Қориев, Холбек Ёдгоров, Саъдулла Кароматов, Абдукарим Набихўжаев каби ижодкорлар билан ҳамнафас бўлди, бир мақсад йўлида меҳнат қилди.



Ориф аканинг фидойи меҳнатлари икки бор республика Олий Кенгашининг Фахрий ёрлиғи билан, 1978 йилда эса «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони билан тақдирланди.

Ориф ака Хайриёхон ая билан тўрт ўғил, икки қизни халққа, Ватанга муносиб фарзандлар қилиб тарбиялашди, ҳозирги кунда уларнинг ўттиздан ортиқ неваралари бор.

Ориф ака дилкаш, ҳамкасблари қувонч-у ранжларига шерик бўла оладиган инсон. Шу боис у котибият илмининг билимдонлари Яхё Тўхтаев, Тожибой Унабоев (охирати обод бўлсин), Эркин Хўжаев, Ҳамид Султоновлар оилалари билан шу вақтгача борди-келдини узмай келаётир.

*Ҳамид СУЛТОНОВ*

## ЭЗГУЛИК ҚАЛБДА БЎЛАДИ

Тошкентдаги Матбуотчилар уйида марказий газеталаримиздан бирининг бош муҳарририни тасодифан учратиб қолдим. Ҳол-аҳвол сўрашдик. Қисқа фурсат ичида газеталарнинг бугунги мундарижаси, матбаа ижроси, иқтисодий ва молиявий фаолияти ҳақида мухтасар сўз юритдик.

— Ўзингизга маълум, — дейди ҳамкасбимиз, — бугун иқтисодни билмасангиз бўлмайди. Газетани чоп этишда ҳар бир сўмнинг ўрни бор. Шу масалада ўзимни қизиқтираётган саволлар билан Эркин акага мурожаат этувдим, аниқ жавоблар олдим. Иқтисодчи дегани шундай билимдон бўлсада... Кўз тегмасин, олтмиш ёшдан ошган инсонга ҳечам ўхшамайдилар. Ишга садоқат, одамларга меҳр-муҳаббат туйғуси инсонни ёшартирар экан-да.

Дарҳақиқат, Эркин Зокировни республика газета-журналлари таҳририятлари, нашриётлар ва матбаа корхоналарининг меҳнат жамоаларида яхши танийдилар. Яқин вақтгача у Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг иқтисод ва ижтимоий масалалар бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаб келди. Пенсияга чиққач, «Ўзматбааташминот» республика корхонасига бош иқтисодчи бўлиб ишга ўтди.

Табиатан вазмин, суҳбатдоши кўнглига йўл топиб, меҳрини қозона оладиган ажойиб инсоннинг ҳаёт йўли ибратли.

— Меҳнат фаолиятимни Тошкент асбобсозлик корхонасида бошлаганман, — ҳикоя қилади Эркин ака. — Иқтисодчи бўлиш орзусида ишлаб туриб Тошкент молия-иқтисод институтининг кечки бўлимида ўқидим. 1962 йили ўқишни битирдим, биринчи Тошкент босмахонасига ишга юборишди. Пойтахтимиздаги энг кекса матбаа корхонасининг жўшқин нафаси иқтисодчи нонини илк қадамлардан бошлаб ҳалоллик билан топиб ейишга ундади. Орадан тўрт йил ўтгач, Тошкент матбаа комбинатига ишга чақиришди. Корхона ишлаб чиқариш участкаларини йириклаштириш, цехларда замонавий матбаа дастгоҳларини ўрнатиш, китоб ва бошқа маҳсулотларнинг чоп этиш сифатини яхшилаш бўйича режаларнинг амалга оширилишида қўлимдан келган ёрдамимни аямадим.

Ҳаётимдаги энг унутилмас воқеалардан бири 1971 йилда рўй берган. Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасининг ўша вақтдаги раиси Зиёд Есенбоев каминани қўмитанинг иқтисод ва режалаш бошқармаси бошлиғи муовини лавозимига ишга таклиф этдилар. Матбуот қўмитасининг республикада маънавиятни юксалтиришдаги хизмати катта эди. Бу ерда бош-

қарма бошлиғи М. Хўжаева, етакчи мутахассислар И. Берденикова, Т. Ёқубовалар билан ҳамкорликда ишладим. 1976 йилда эса мазкур бошқарма бошлиғи этиб тайинландим. Ўша ҳаяжонли дамларда Зиёд ака: «Эркинжон, республика матбуоти ва матбааси ривожланиб бораётир, режа ишларини такомиллаштиришдек масъулиятли вазифа сизнинг зиммангизда. Зийрак бўлинг! Ҳеч қачон масъулиятни унутманг» деб насиҳат бердилар. Бу насиҳат, оталона маслаҳат мени ишни дадиллик билан бажаришга, ҳар бир вазифани ўз вақтида адо этишга ундагани рост. Йигирма йилдан кўп вақт мобайнида мазкур бошқарма бошлиғи бўлдим. Ҳаётнинг ўзи чинакамига муаллим. Хулоса шуки, ҳалол меҳнат қилсангиз, эл-юрт ўртасида обрў-иззат топаверасиз...

Эркин ака ўз тақдирини ўз қўли билан яратганлардан бири. У республика Давлат матбуот қўмитаси жамоаси бағрида ўсиб, камол топди. Ўзига муносиб шогирдлар тайёрлади. Иқтидорли мутахассислар Назрулла Турсунов, Тамара Кива, Мактуба Қорабоева айни кунларда устозлари фаолият кўрсатган бошқарманинг жонкуяр аъзоларидир. Ангар Садибеков эса қатор йиллар мобайнида Давлат матбуот қўмитасида матбаа, китоб савдоси ва моддий ресурслар бошқармаси бошлиғи бўлди, ҳозир Тошкентдаги «Ўзбланкнашр» нашриёти директорининг ўринбосари бўлиб ишламоқда.

Халқимиз меҳр қалбда бўлади, дейди. Ишга меҳр эса инсоннинг билими ва шижоатига боғлиқ. Эркин ака бахтини ана шу фазилатлар орқали топган инсонлардан биридир.

## ҲУРМАТИНГ — САВЛАТИНГ. . .

Олимжон ака хонадонига бораётиб хаёлимни бир фикр чулғаб олди: «Ишқилиб, уйда бўлсинлар-да, таниш-билишлариникига, тўй-ҳашамга кетмаган бўлсинлар-да... Ёки ишхонада...»

Бахтни қаранг: уй соҳиби уйда экан.

— Ассалому алайкум.

— Ваалайкум ассалом.

Чеҳрасида табассум, қўли кўксида, меҳмоннавозлик билан бизни хонага бошларкан, ҳазиллашади:

— Қайси шамоллар учирди?! Ҳойнаҳой, тўйга таклифми, борамиз, албатта... Бугун ишхонадан таҳририят юмушларидан баъзиларини уйга олиб келдим. Бугун-эрта номерни топширишимиз керак. Ҳа, майли, айтганлар-ку, меҳмон азиз деб.

Бир дақиқадан сўнг:

— Ойиси, меҳмон келди, дарҳол дастурхон олиб чиқинг, — дедилар. Бир пиёла чой баҳона мақсадимизни айтдик.

Олимжон ака саволимизга жавобан:

— Ҳамкасбларимиз қатори ишлаб турибмиз. Каминаню қўяверинг, қизларимизни ёзинг, мақтанг, шулар орқали журналимиз эл-юрт эътирофига сазовор бўляпти.

— Тўғри, — дейман у кишига жавобан.— «Саодат» элимизнинг севимли журнали. Қизларнинг меҳнати алоҳидаю, сизнинг ҳиссангиз ҳам алоҳида. Саҳифа мазмунига ҳусн бағишлашда тегишингиз оз эмас. Нуфузли журналимизнинг техник муҳаррири бўлиб, касбни ардоқлаб келдингиз. Ана шу ҳақда суҳбатлашсак.

Бу кўҳна дунёда ҳар ким ўз насибасини қидирар, бу турфа оламга ҳар ким ўз нигоҳи билан боқиб



яшайди. Ижодкор кўзига бутун жаҳони борлиқ ижодкор бўлиб кўринса, не ажиб.

Олим ака оҳиста сўз бошлайди:

— Мактабда ўқиб юрган кезларимда Тошкентнинг Чорсусига тушиб отамлар берган пулга газета-журналлар харид қилардим. Саҳифаларга кўз югуртирардиму, ҳайрон қолардим: асалари уяларига ўхшаш, бир-бирига монанд устунлар қаердан юзага келади, уларни ким яратади? Шу савол билан отамга мурожаат қилсам, кўпни билган, кўпни ўқиган зиёли бўлганликлари сабаб вазмин жавоб олардим: газетани газетачилар яратишади, у босмахонада чоп этилади.

Шу-шу бўлдию, газетачиликка меҳрим тушди... Мана, шу касбдан ишлаб, кам бўлмаяпмиз...

Олимжон Ҳакимовнинг Тошкентдаги 1-босмахонага илк қадам қўйганига 40 йилдан ошди. Илк сабоқни шу ерда олди. Ҳарф териш сир-асрорларини эринмай ўрганди, эл қўлига бориб тушадиган китобларни саҳифалади. Тажрибаси ошди. Энди эса билим зарур эди. Шу боис у Тошкент Давлат университетининг журналистика факультети сиртқи бўлимига ҳужжатларини топширди. Кўз очиб юмгунча ўқиш йиллари ортда қолди. 1964 йили дорилфунунни тугатди.

1965—1970 йиллари у «Совет Ўзбекистони» газетаси таҳририятида ишлади. Ижодкорларнинг энг сараси тўпланган жамоа бағрида камол топди. Устозлари — газета саҳифаловчилардан Мирлатиф Бектемиров, Анвархон Носирхонов, Орифжон Иброҳимовдан кўп нарса ўрганди. Газетанинг техник муҳаррири сифатида цех ишчиларию, газета қаламкашларининг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлди.

Гап Олимжон аканинг «Саодат» журналига ишга келишларига бориб тақалди.

— Эсимда, 1970 йил,— ҳикоя қила бошлайди О. Ҳакимов.— Ёнимга «Саодат» журналининг техник муҳаррири Зокир Раҳимов келдилар. Анчадан буён ишимни кузатиб юрганликларини айтиб, «Саодат»га таклиф қилдилар. Бу таклиф аввалига мени қадрдон даргоҳимдан бошқа ерга ишга ўтиш қандай бўларкин уй-хаёлига олиб борди. Ҳамкасбларим билан маслаҳатлашдим. Улар менга оқ йўл тилашди. Очиғини айтай: номлари жаҳонга кетган шоира онамиз, журнал бош муҳаррири Зулфиянинг талабларини бажариш осон эмасди. Опа журнал саҳифаларини синчиклаб кўрар, керакли маслаҳатларини ҳеч кимдан аямасдилар. Масъул котибимиз Салоҳ Ҳасанов, бош рассомимиз Лайло Салимжонова, журналнинг бошқа ижодкорлари билан тезда тил топишиб олдим. Кўриб турганингиздек, «Саодат» ижодкорлари билан ўттиз йилдан кўпроқ вақт бирга меҳнат қилиб келганман. Катта ёшдагиларини опа деб, кичик ёшдагиларини сингил деб ардоқладим. Қўлимдан келганича улардан ёрдамимни аямадим.

Олимжонни билган, таниган инсонларнинг қайси биридан сўраманг, улар «Бизнинг Олим ака — фахримиз, меҳри дарё, ажойиб инсон» дея айтишади. Маҳаллада фаол. Тўй-маъракаларда камарбаста.

Ҳа, Олимжон Ҳакимовни журналистлар ношир ва матбаачилар яхши танишади.

О. Ҳакимов бугунги кунда «Муштум» журнали ва унинг иловаси «Афанди» газетаси таҳририятида ишламоқда.

Мустақиллигимизнинг беш йиллиги арафасида Олимжон Ҳакимов, «Шуҳрат» медали билан тақдирланди. Шуҳратингиз ошаверсин, ҳамкасб дўст!





## УЙИДА БАХТИ БОРНИНГ...

Ватанимиз мустақиллигининг 8 йиллик байрами арафасида Абдуғаффор ака қутловлар қуршовида қолди. Хонадонига келиб кетаётганларнинг кети узилмайди ҳисоб. Қариндош-уруғлар, ёр-биродарлар, қўни-қўшнилар бирров бўлса-да киришиб, уни ҳукуматимизнинг юксак мукофоти — «Меҳнат шуҳрати» ордени билан муборакбод этишди.

Ишхонасидагиларнинг қувончини айтмайсизми?

— Меҳнати ҳалол, қандини урсин! — дейди Абдуғаффор аканинг қувончига шерик бўлиб бир касбдоши.

— Узукка кўз қўйгандай иш бўлди-да, — қўшимча қилади иккинчиси тажрибали ишчининг кўп йиллик меҳнати муносиб тақдирланганини эътироф этиб.

— Абдуғаффор аканинг «ювадиган» нарсалари кўпайиб қолди, — дейди яна бири ярим ҳазил, ярим чин қилиб. Куни кеча набиралик ҳам бўлдилар.

Асосий гапни лўнда қилиб «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни (ҳозир «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси) касаба уюшмаси раиси Захро Деҳқонбоева айтди, назаримда.

— Абдуғаффор ака меҳнатидан бахт топган инсон...

Бундай қараганда бу таъриф оддийдай туюлса-да, аслида ҳаётий, фалсафий гап бўлиб, унинг замирида олам-олам маъно ва мазмун мужассам. Зеро, меҳнат ҳаёт чироғининг манбаидир.

...1967 йил эди ўшанда. Мўйлови эндигина сабза ура бошлаган ўтли-шудли, вужудидан ғайрат ёғилиб турган Абдуғаффор босмахонанинг офсет цехида шогирдликдан иш бошлади. Хушмуомали йигитча эмасми, жамоа уни илиқ кутиб олди. Иш ўргатишди, устозлик қилишди. Бу борада, айниқса, тажрибали

матбаачи Андерй Добикнинг хизматлари катта бўлди. У Абдуғаффорга ўзидаги бой тажрибани, матбаачилик сир-асрорларини эринмасдан ўргатди. Шогирд уқувли бўлгани учун ҳам тез орада мустақил ишлай бошлади. Беш ойдаёқ унга 5-разряд беришди.

Турли-туман китоб ва журналларнинг сифатли чоп этилиши кўп жиҳатдан Абдуғаффор ака бошқараётган қудратли машинанинг қандай ишлатилишига боғлиқ. Буни яхши тушунган ишчи ҳамиша сергаклик ва зийраклик билан фаолият кўрсатади. Маҳсулотларнинг сифати эса корхона кўзгусидир. Шу боис Абдуғаффор аканинг навбатчилигида доимо сифатли маҳсулот тайёрланади.

Ҳалол, сидқидилдан қилинган меҳнат кишига бахт келтиради. Бу Абдуғаффор Азизов фаолияти мисолида ҳам яққол кўриниб турибди. Ўзбекистон мустақиллигининг 8 йиллиги муносабати билан мамлакатимиз истиқлолини мустаҳкамлашга қўшган муносиб ҳиссаси юқори баҳоланиб, унга Президентимиз Фармони билан «Меҳнат шуҳрати» ордени берилди.

Юқорида Абдуғаффор аканинг шогирдликдан иш бошлаганлигини таъкидлаб ўтган эдик. Эндиликда унинг ўзи кўплаб ёшларга устозлик қилмоқда. Убайдулла Турсунов, Абдумажид Худойберганов, Толиб Ишбоевлар Абдуғаффор акани фахр билан «устозимиз» дейишади. Ўғли Абдужабборнинг ота касби этагидан маҳкам тутиб, ёнида меҳнат қилаётганлиги ҳам диққатга сазовордир.

Халқимизда «Уйида бахти борлар ҳар ерда бахтиёрдир», деган гап бор. Абдуғаффор ака ҳам бахтли оила соҳиби. Файзли хонадони маҳалладагиларга ибрат. Рафиқаси Фотима опа билан 4 қиз, бир ўғилни рисоладагидай тарбиялаб, уларни уйли-жойли қилишди. Ҳаммаси ўзидан тинган.



Лавҳамизни ниҳоялар эканмиз, Абдуғаффор акага яхши тилагимизни изҳор этдик:

— Меҳнатдан топаётган бахтингиз сермазмун ўтаётган умрингизни безайверсин!

*Маҳфузахон* ***РАҲИМОВА***

## АЁЛ БОШИ БИЛАН

Манзурахон Ҳакимовани ўқувчилик йилларимдан биламан. Инглиз тилидан дарс берарди. Биз уларнинг дарсларини сабрсизлик билан, орзиқиб кутардик. Чунки муаллимамиз дарсларини кўргазмали плакатлар, техника воситалари ёрдамида, ниҳоятда тушунарли қилиб ўтарди. Талаффузлари равон, инглизча матнларни қийналмай дарҳол ўзбекчага ўгириб берарди. «Муаллимамиз инглиз тилида худди инглизларга ўхшаб, чиройли гапиралилар-а», деб мақтардик уни бир-биримизга.

Кейин билсак, Манзура опа Қўқон Давлат педагогика институтида аъло баҳоларга ўқиб, уни имтиёзли диплом билан тамомлаб, шу ерда ўқитувчи бўлиб ишлаган эканлар. Кейинчалик у тақдир тақозоси билан ҳаёт йўлини яйпанлик йигит Асроржон Ҳакимов билан боғлади ва шу шаҳардаги Ал-Бухорий номли 1-ўрта мактабга ишга келди. Сўнгра Йўлдош Охунбобоев номли 21-ўрта мактабда инглиз тили ўқитувчиси сифатида фаолият кўрсатди. 1983 йилдан эътиборан Ўзбекистон туманида масъулиятли лавозимларда ишлади. Ўзбекистон ХДП туман кенгаши биринчи котиби, туман ҳокимининг ўринбосари бўлди.

Манзурахон опанинг Ўзбекистон тумани босмахонасига директор бўлиб ўтганига 5 йилдан ошди. Эсида: ўша кезлари қоғоз танқислиги туфайли бос-

махонада режалар уддаланмай келишар, ишчиларнинг ойлик маоши дуруст эмас эди.

Раҳбарлик лавозимларида ишлаб, ўзига яраша тажриба орттирган М. Ҳакимова дарҳол қоғоз захирасини кўпайтириш ҳаракатига тушди. Қўшни туман босмахоналарига бориб, иш ўрганиб қайтди. Матбаачиликни ривожлантириш, буюртмаларнинг сифатли ҳолда чоп этиб эгаларига топширилишини таъминлаш, корхона нуфузини ошириш учун астойдил жон куйдирди. Натижада буюртмачилар сони кўпайди. Тез орада босмахонанинг моддий базаси мустаҳкамланди. Ишчи ходимларнинг маошлари йил сайин ортиб борди. Ҳа, аёл раҳбар сўзи ва иши билан ишчилар қалбига йўл топа олди. Босмахонада йиллик режалар мунтазам равишда бажарилмоқда.

Раҳбарнинг талабчанлиги, ишчанлиги ва ташаббускорлиги туфайли йил сайин меҳнатда катта муваффақиятлар қўлга киритилаётир. Бугунги кунда Манзурахон Ҳакимова учун босмахона унинг иккинчи уйи бўлиб қолган. У фарзандлари, рўзғори учун қандай қайғурса, қадрдон корхонаси, бу ерда ишлаётган ишчилар учун ҳам шундай қайғуради. Жамоанинг ҳар бир аъзоси камтар, заҳматкаш инсонлардир. Матбаа корхонасида Оминахон Сотимова, Озодахон Қодирова, Фотимахон Ғаниева ва Маликахон Сулаймонова сингари ишчиларнинг номлари алоҳида ҳурмат билан тилга олинади.

Манзурахон опа китоб шайдоси. Матбаачиликка оид адабиётларни ўқиб, билим ва тажрибасини бойитиб боради. Жамоат ишларида фаол иштирок этади. Бир неча чақириқ халқ депутатлари Яйпан шаҳар ва Ўзбекистон туман Кенгашларига депутат қилиб сайланган.

Биз элда қадр топган, меҳнати билан бахтини яратаётган, эзгуликка йўғрилган умр соҳибаси Манзу-

рахон Ҳакимова ҳақида оз бўлса-да ҳикоя қилдик. Унга Яратгандан узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, дунёда неки эзгу тилаклар бўлса барча-барчасини тилаймиз.

*Абдуғани* АБДУЛЛАЕВ

## ҚОҒОЗ ҚИРҚИШ ҲАМ САНЪАТ

Бу воқеага кўп йиллар бўлиб кетди. «Тошкент оқшоми» газетасида ишлар эдик. Ишхонамиз шаҳарнинг қоқ марказида. Бир куни гапдан-гап чиқиб, ҳамкасбларимиздан бири ҳар куни ишга Қуйлиқдан келишини айтиб қолди. Ўшанда ўйламай-нетмай: «Шунча йўл босиб ишга келгандан кўра, ўша ернинг ўзида кетмон чопган афзалроқ эмасми?» деб писанда қилган эдим. Ўзим редакцияга жуда яқин яшаганим учунми, Қуйлиқ назаримда жуда олис туюлгани учунми, эҳтимол шундай дегандирман. Аммо ҳар сафар шу воқеа ёдимга тушса ёки ўша ҳамкасбим билан учрашиб қолсам, ҳижолат тортаман. Ёш эканмиз. Инсон танлаган касбини яхши кўрса, унга ихлос қўйса, «керакли тошнинг оғирлиги сезилмайди» деганларидек, унинг қийинчиликларини писанд қилмас экан. Буни ёш улғайиб, ақл киргандан кейингина тушундим. Ўша ҳамкасбим эса ҳозир ҳаёт, республикамизнинг таниқли журналистларидан бири. Ҳамон Қуйлиқдан қатнаб ишлайди.

Шу воқеанинг яна хотирамга келганининг сабаби, яқинда «Ўзбекистон матбуоти» журнали таҳририятида 1-Тошкент босмахонасининг илғор ишчиси — қоғоз қирқувчи Комилжон Тошмуҳамедов билан суҳбатлашиб ўтириб, худди шундай ҳолга дуч келдим. Истараси иссиқ, тим қора мўйлови ўзига ярашган йигитнинг хатти-ҳаракатидан, муомаласидан

унинг камтаринлиги, мўмин-қобиллиги шундай сезилиб турарди. Суҳбат асносида унинг оддийгина таржимаи ҳоли, оилавий шароити, турмуш-турмуши билан танишиб олдим.

— 1958 йили Тошкент туманининг Ғиёс Умаров номли жамоа хўжалигида туғилганман, — дея ҳикоясини бошлади у. — 1975 йили ўрта мактабни тугатиб, тўғри 1-Тошкент босмахонасига ишга келдим. Бу ерга ишга келишимнинг сабаби, биринчидан, китоб ўқишни яхши кўрардим, шундай ажойиб китоблар қандай пайдо бўлар экан, деб қизиқардим. Иккинчидан, маҳалламизда истиқомат қиладиган Насриддин ака ҳам шу босмахонада чоп этувчи бўлиб ишлар эдилар. Ўша вақтда босмахонага Ҳотам ака Солиҳов директорлик қиларди. Мени қоғоз қирқувчига шогирд қилиб ишга олишди.

1977 йили ҳарбий хизматга чақирилдим. Икки йилдан сўнг, йигитлик бурчимни адо этиб, яна қадрдон бўлиб қолган жамоага қайтиб келдим. Биринчи устозларим — Абдувойид ака Ёқубовдан, Замира опа Солиевадан ниҳоятда миннатдорман. Ҳозир улар кексалик гаштини суришяпти. Улар менга касб сирларини ўргатибгина қолмай, одоб-ахлоқдан сабоқ беришди, менда матбаачилик касбига меҳр уйғотишди. Мана, 25 йилдирки, Наима опа Солиҳова бошчилигидаги муқовалаш цехида ишлаб келаяпман...

— Энди ўзингизнинг ҳам шогирдларингиз бордир? — сўрайман ундан.

— Ҳа, шогирдларимдан бири — Шерзод Ҳошимов ҳозир дафтар ишлаб чиқариладиган цехда мустақил ишлаяпти. Яна бир шогирдим Дониёр Ахмедов ўзим билан бирга ишлайди. Танлаган касбим билан фахрланаман, — деб давом этади у. — Чунки, биз ҳам ўзига хос зиё тарқатувчилармиз. Фарзандларимиз биз чоп этган китобларни ўқиб,

билим олишади. Вақти келиб, эҳтимол, уларнинг орасидан ажойиб ёзувчилар, катта олимлар етишиб чиқар.

Тақдирни қаранг. Комилжоннинг пешонасига битилган умр йўлдоши ҳам у билан бир цехда муқоваловчи бўлиб ишлар экан. 1981 йилда у Матлуба номли шу қиз билан турмуш қурибди.

Ҳар касбники сингари қоғоз қирқувчилик касбининг ҳам ўз сир-синоатлари, қийинчиликлари бор. Комилжон Тошмуҳамедов бир йўла икки дастгоҳда ишлайди. Бир пичоқли дастгоҳда қоғоз қирқса, уч пичоқли дастгоҳда китобларнинг четини текислайди. Қоғоз қирқувчи учун қоғозларни текис тахлаш, катта-кичиклигини тўғри белгилаш жуда муҳим. Акс ҳолда қанчадан-қанча қоғоз исроф бўлади. Айрим кунларда унга оғирлиги бир тоннагача бўлган қоғозларни қирқишга тўғри келади. Ана шунча қоғозни кўтариб дастгоҳга қўйиш, текислаш, қирқиш ва яна дастгоҳдан тушириб тахлаш осон эмас. Шунга қарамай Комилжон топшириқларни мунтазам сифатли ва ўз вақтида адо этади.

Унинг фидокорона, ҳалол меҳнати муносиб эътироф этилди. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг етти йиллиги арафасида Комилжон Тошмуҳамедов «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирланди.

Суҳбатимиз охирида мен ҳозир қаерда яшаши билан қизиқдим.

— Ҳали ҳам ўша жамоа хўжалигида яшайман, — деди у. — Уйимиз билан босмахона оралиғидаги масофа тахминан 12—13 километр. Ҳар куни соат 8 га ишга етиб келишим керак. Бирор марта ҳам кечга қолганим йўқ. Келесдан қатнайдиган автобусларнинг ҳайдовчилари ҳам таниш бўлиб қолган. Бир-икки дақиқага ушланиб қолсам, Бахтиёр, Неъмат номли ҳайдовчилар мени кутиб туришади. Уларга ҳам раҳмат.

Мен Комилжонга сиҳат-саломатлик, ишларига муваффақият тилайману «Келесдан қатнаб ишлагандан кўра...» деб айтганим йўқ, сабабини тушунган бўлсангиз керак.

*Шомуҳиддин МАНСУРОВ*

## ЖИЛОЛАР УСТАСИ

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими» Обиджон Соибназаровга рассомлик — ота касб. Оталари Абдуқодир ака республика нашриётлари ва газета-журналларида ҳамкорлик қилган, фариштасифат, нуроний отахонлар. Обиджон оталаридан китобат рассомлигининг кўп сирларини ўрганган.

«Ўзбекистон» нашриётида О. Соибназаров ижтимоий-иқтисодий, оммавий-сиёсий адабиётни безашга ихтисослашди. Айни маҳалда адабиёт ва санъат, ишлаб чиқариш, тиббий адабиётларни безаш ишларида ҳам фаол қатнашди.

Обиджон зукко, янгиликни тез илғаб ва ўзлаштириб оладиган мутахассис. Республикамизга компьютер техникаси кириб келиши билан, уни ўзлаштиришга киришди. Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) шаҳрида махсус курсларда таълим олиб келди. Нашриёт компьютер билан жиҳозлангач, ўзи уни ишлатибгина қолмай, бошқа рассомларга ҳам иш ўргата бошлади. Обиджон республикада компьютер техникасини ўзлаштириб, унинг воситасида дизайн ишларини бажаришни ўрганган биринчи рассом, десак муболаға бўлмайди. Чиндан ҳам шундай. Дастлаб китоб ва рисолалар муқовасини компьютерда «чиза бошлаган» бу рассом тез орада бутун-бутун китобларнинг андозаси (макети)ни компьютерда тайёрлай бошлади.

Обиджон «Ўзбекистон» нашриётида меҳнат қилиб, бадиий муҳаррирдан бош рассомгача, сўнг директорнинг ишлаб чиқариш бўйича муовинигача бўлган йўлни босиб ўтди. Бу — унинг сермашаққат ва серунум меҳнати учун берилган баҳо эди. Нашриёт ва матбаа ишига янги техника ва технологияни жорий этиш ишқибози бўлган Обиджон республикага янги — ранг ажрим техникаси ҳамда технологияси ва матбаа машиналари янги авлодининг олиб келинишида ташаббускорлардан бири бўлди. Ҳар қандай меҳнатнинг маҳсули бўлганидек, Обиджон ўша янги техника ва технология асосида иш олиб бораётган «RASTR» Ўзбек-Британия қўшма корхонасининг жонкуяр аъзоси бўлди. Бу ерда у дастлаб бош директор ўринбосари, бош директор лавозимларида хизмат қилди. Лекин у маъмурий иш билан ўралашиб қолмаяпти. Кўпгина масъулиятли нашрларни безашда, альбомларни чоп этишда ижодий ҳиссасини қўшмоқда.

Қўшма корхона рангли матбаа маҳсулотларини чоп этади. Бу ерда экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ҳам чиқарилади. Корхона босма маҳсулотларни жаҳон андозаларига мос келадиган сифатда чоп этгани учун буюртма ҳам кўп. Ўрта Осиёдаги бошқа давлатлардан келиб бу ерда турли босма маҳсулотларни тайёрлатиб, олиб кетишади. Бу билан корхона республикага валюта оқими кўпайишига ҳисса қўшмоқда. Айни маҳалда, хорижда матбаа маҳсулотларини босиб чиқариш учун сарфланадиган валюта ҳам республикада олиб қолинишида кўмаклашмоқда. Корхонанинг барча ходимлари бундай масъулиятли буюртмаларни муддатида тайёрлаб беришга ҳаракат қилишади. Шу боис ҳам корхона кундан-кун ривожланмоқда.

Юқорида Обиджон ота касбини эгаллаганини эслаб ўтган эдик. Обиджоннинг фарзандлари ҳам ота

касбини эгаллашмоқда. Бу, энди, бобо касбига қараганда анча такомиллашган, компьютер техникасига таянган касб бўлиб, унинг номи дизайнчи рассом, дейилади.

Ўзбек матбааси Обиджон сингари фидойилар туфайли равнақ топмоқда, деб шак-шубҳасиз айтиш мумкин.

*Ҳамид ИБРОҲИМ ўғли*

## «RASTR» ШУНҚОРИ

Танишинг: Қурбонгали Мадиёров. Ўзбек-Британия «RASTR» қўшма корхонасининг ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи. У билан илгарилари ҳам хизмат юзасидан учрашиб, суҳбатлашганмиз. Табиати вазмин, оддий, самимий. Ишнинг кўзини биладиган мутахассис.

— «RASTR» қўшма корхонасига ишга ўтишим ҳаяжонли бўлди, — дейди бу сафарги суҳбатимизда Қурбонгали. — Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитаси раҳбариятининг тавсиясига кўра корхона маъмурияти бўйича раҳбарлар тайинлашга алоҳида эътибор қаратилди. Ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи вазифасига ўтиш учун танлов ўтказилди. Номзодларнинг фаолияти синчиклаб ўрганилди. Не бахтки, каминанинг лаёқати муносиб баҳоланди. Мана, беш йилдан ошдики, «RASTR» қўшма корхонасининг аъзосиман.

Суҳбатимиз мавзуи «Растр»нинг ишлаб чиқариш бўлими фаолиятига кўчди. Эндигина маълумотларни ён дафтаримга ёза бошлаган эдим ҳамки, телефон қўнғироғи жиринглади. Қурбонгали кўз қири билан узр сўраб, телефон гўшагини олди:

— «RASTR» эшитади. Ассалому алайкум... Ҳа, тушундим... Ҳисоб-китоб дафтаримизга пулни ҳам



ўтказибсиз. Ташаккур. Буюртмангиз тайёр. Белгиланган вақтда келиб, уни олинг.

Шундан сўнг у «Буюртмалар дафтари»ни олиб, саҳифасига керакли маълумотларни қайд этиб қўйди.

Шу орада ўтган тўрт-беш дақиқа вақт мобайнида Тошкент китоб-журнал фабрикасида Қурбонгали билан бўлган суҳбатлар жараёни кўз ўнгимдан ўтди.

1994 йили «Ўзкитоб» улгуржи-савдо республика бирлашмасининг топшириғига кўра Тошкент китоб-журнал фабрикасида бўлганман. Вазифа маълум эди: республикамиз нашриётлари томонидан чоп этилаётган китобларнинг рўйхатини тузиб, сўнгра уларни матбуот саҳифаларида ёритиб боришдан иборат. Китоб савдоси ташкилотлари учун алоҳида ахборотномалар нашр этилиши йўлга қўйилди. Шу ишларнинг айримлари номи юқорида келтирилган корхонада бажарилди. Ана ўшанда Қурбонгали билан тез-тез учрашиб, устозлар ҳақида ҳам суҳбатлашиб олганмиз.

Қурбонгалининг жамоадошлари, устозлари ва уларнинг иш услуби ҳақида фахрланиб сўзлагани ҳам эсимда. Корхона директорлари Туҳфатулла Обидов билан Вагим Жўраевдан матбаа ишини юритиш ва режалаштириш, буюртмачилар билан муносабат муомаласи бўйича олган сабоғи ҳақида қувончини яширолмай ҳикоя қилиб берганди.

Дарвоқе, Қурбонгали бугун ўз ҳамкасблари билан мамлакатимиз матбаачилик саноатида илк бор ташкил этилган қўшма корхонада, «RASTR»да ишлаб келмоқда. Бўлим ходимларининг маълумотига кўра корхона очилган йили 160 та буюртма бажарилган бўлса, кейинчалик уларнинг сони ошиб борди.

— Табиийки, юксалиш бор. Бунда сиз етакчи бўлган бўлимнинг хизмати қандай? — дея сўраймиз Қурбонгалидан.

— Пировард натижа устида барча бирдек ўйлайди, — дейди у. — Ҳамжиҳатлик ютуқлар келтир

моқда. Бугунги кунда биз Марказий Осиё мамлакатларинингина эмас, айни чоғда дунёга номи ёйилган фирма ҳамда ташкилотларнинг буюртмаларини ҳам бажаряпмиз. Бўлимда матбаачилик бўйича билимга эга бўлган мутахассислар ишламоқда.

Қурбонгали Мадиёровни ҳаётда катта ютуқларга эришаяпман, деб асло ғурурланиб кетмайдиган инсонлар тоифасига киритса бўлади. У билими ва малакасини ошириш мақсадида Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти матбаа технологияси факультетини сиртдан ўқиб битирди. Корхона касаба уюшмаси раиси сифатида жамоатчилик ишларини ҳам сидқидилдан бажараётир. Камтарлиги билан обрў оширмоқда. Камтарга камол, деб шуни айтсалар керак.

# ЖУРНАЛИСТИКАМИЗ ЭМАКДОШЛАРИ

ЎҚИТУВЧИ МУРАББИЙЛАР, СУРАТКАШ МУХБИРЛАР, КИТОБ БЕЗАКЧИЛАРИ ВА КИТОБ САВДОСИ ХОДИМЛАРИ ҲАҚИДА



*Агар ёлғиз эрсанг ҳамдам китобдир.*
*Билим субҳидаги нур ҳам китобдир.*

(*ЖОМИЙ*)

*Инсон табиатининг икки асосий*
*бисоти унинг ақли ва фикридир.*

(*ПЛУТАРХ*)

*Мирза Анвар КАРИМОВ*

## КИШИКИМ ҚИЛДИ УСТОДИГА ХИЗМАТ...

Устоз отангдек улуғ,— дейди кўпни кўрган, кўпни билган халқимиз. Яна айтадики, устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар.

Етти иқлим ҳукмдори Искандар Зулқарнайн тахтга чиққанида ўнг томонига устозини, чап томонига отасини ўтқазар экан. Аркони давлат бунинг сабабини сўраса, отам менга ҳаёт берган бўлса, устозим мени арши аълога олиб чиқди, деб жавоб бераркан.

Устоз, муаллим замонларни бир-бирига боғловчи бўғиннинг бир ҳалқасидир. Билимдон, катта ҳаёт тажрибасини орттирган фидокор устозлар билан фахрланамиз. Анвар Шотурсунович Шомақсудов ана шундай эъзозлашга лойиқ мураббийлардан биридир. Анвар ака ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетига салкам чорак аср раҳбарлик қилиб, юқори малакали журналист мутахассислар тайёрлашга салмоқли ҳисса қўшди. Ўтган асрнинг 70-80-йилларида бу даргоҳда таълим-тарбия олган ёшлар ҳозир миллий журналистикамизнинг пешқадамларидир.

Журналистлар устози А. Шомақсудов ибратли ҳаёт йўлини босиб ўтди. У 1925 йилда Тошкентда зиёли оиласида таваллуд топган. 1942 йилда пойтахтимиздаги 1-мактабни имтиёзли шаҳодатнома билан битирди. Иккинчи жаҳон урушининг қора булутлари турли мамлакатлар осмонини қоплаган оғир дамлар эди. Мўйлаби ҳали сабза урмаган йигитчани ҳарбий хизматга чақиришди. Кўплаб тенгдошлари қато-

рида иккинчи жаҳон урушининг шиддатли жангоҳларида бўлди. Неча бор ажалга рўбарў бўлиб, қаттол душман билан оғир жангларда кўрсатган жасорати, мардликлари учун орден ва медаллар билан тақдирланди. Уруш тугагач, бирмунча муддат даволаниб, Тошкентга қайтди. 1947—1952 йилларда Ўрта Осиё Давлат университетининг филология факультетида ўқиб, уни имтиёзли диплом билан тугатди.

Устознинг ярим асрлик умри қадрдон университети бағрида кечди. Билим масканининг аспиранти бўлди, номзодлик диссертациясини ёқлади. Кейинчалик катта ўқитувчи, доцент, кафедра мудири, факультет декани лавозимларида ҳалол ва самарали меҳнат қилди.

Анвар ака талабаларни ўқитиш, уларга тарбия бериш, илмий, услубий ишларни йўлга қўйиш, жамоани жипслаштиришда раҳбарлик салоҳиятини кўрсатди. Меҳнатсеварлиги, камтарлиги, адолатли иш тутиши билан ҳамкасб профессор-ўқитувчилар ва талабалар ўртасида катта обрў-эътибор қозонди. Устоз талабалар қалби, шуурини билим нури билан чароғон этар, журналистлик касбига меҳр-муҳаббат уйғотар эди. Унинг қизиқарли ўтадиган машғулотлари ҳаёт сабоқларига айланиб кетар эди.

Устоз холис ниятли, ҳамиша елкадош ҳамкасб дўстлари — олим ва мударрислар Тўғон Эрназаров, Фатҳиддин Насриддинов, Тоҳир Пидаев, Воҳид Абдуллаев, Абдулла Сайфутдинов ва бошқалар билан бамаслаҳат иш тутди. Анвар ака мударрис бўлиш билан бирга ҳамкасбларининг шаъни учун жон куйдирадиган, нопоклик йўлига қатъий тўсиқ қўя оладиган ажойиб инсон эканлигини яхши биламиз.

А. Шомақсудов журналистика факультетига раҳбарлик қилган йилларида унинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Республика оммавий ахборот воситалари, турдош факультет, кафедралар билан мустаҳкам алоқалар ўрнатилди. Осиё, Африка, Лотин Америкаси мамлакатлари учун юқори малакали



журналистлар тайёрлаш борасида диққатга сазовор ишлар қилинди. Давр талабига жавоб берадиган бир қатор қўлланмалар, дарсликлар, монографиялар яратилди. Ўқув газетасини нашр этиш йўлга қўйилди. Ўқув радиоэшиттиришлари ва телекўрсатувлари тайёрланди. Университетнинг таниқли, илмий мактаб яратган йигирмага яқин академик, профессорлари ҳақида ҳужжатли фильмлар яратилди.

Мураббийликда донг таратган Анвар ака ўзбек тили услубиётининг дастлабки тадқиқотчиларидан бири ҳисобланади. У томонидан ёзилган «Ўзбек тили стилистикаси» намунавий ўқув дастури бир неча марта қайта нашр этилган. Икки қисмдан иборат «Ўзбек тили стилистикаси» ўқув қўлланмаси бир неча йил муқаддам талабалар қўлига бориб теккан. А. Шомақсудов 1983 йилда босмадан чиққан «Ўзбек тили стилистикаси» дарслигининг ҳам муаллифларидан биридир. Олим ва мударриснинг «Муқимий сатирасининг тили» монографиси, бадиий адабиёт тили, хусусан, Ҳамза, Фурқат, Муқимий асарлари тили масаласига бағишланган ҳамда адабий таҳририга оид бир қатор илмий мақолалари мутахассислар томонидан эътироф этилган ва ижобий баҳо олган.

Талабалар қалби ва идрокида бир умр муҳрланиб қолган сабоқлари учун шогирдлар устоздан ҳамиша миннатдорлар.

*Мақсуд ҚОРИЕВ*

## ЖУРНАЛИСТДАН ЧИҚҚАН ОЛИМ

Инсонларни қадрлаш, эъзозлаш, кексаларга ҳурмат ва эҳтиром халқимизнинг қадимий миллий анъанасидир. Истиқлолимиз туфайли элда ҳурмат-эътибор қозонган фахрийларимиз иззат-икромда. Қўлимда Беруний номидаги техника универси-

тети жамоаси томонидан юборилган таклифнома турибди. Ўқийман: профессор, фалсафа фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Абдураҳмон Ортиқовнинг муборак таваллуд ёши муносабати билан ўтказиладиган анжуманга таклиф.

Таклифномани ўқиб жуда ҳам машаққатли ҳаёт мактабини ўтаган журналист ва атоқли олим, бундан қарийб эллик йил аввал «Ўзбекистон овози» газетаси даргоҳида қалам тебратган азиз касбдошим ва устозим кўз олдимга келди.

Абдураҳмон Ортиқовнинг газетага ишга келиши тарихи ҳам бир қизиқ ҳикоя деса бўлади. Унинг айтишича, 1946 йилда бир мақола ёзиб, газетага олиб келганда: «Сиз газетада ишлашингиз керак» деб уни «ушлаб» қолишган. Ўша вақтда газетанинг бош муҳаррири атоқли адиб Шароф Рашидов бўлган. Абдураҳмон ака ТошДУда катта ўқитувчи, шу билан бирга «Ўзбекистон» нашриётида ишлаган. «Мен илмий иш қилишим, номзодлик диссертацияси ёқлашим керак», — деб газетада ишлашга рози бўлмаган. Бунинг устига отам 1931 йилда Украинага муддатсиз сургун қилинган, мен ҳам ўша ерда етти йил яшаганман, деб очиқ сўзлаган. Шунда муҳаррир: «Ота учун ўғил жавоб бермайди», деб уни қатъийлик билан газетага адабий ходим этиб ишга олган.

Абдураҳмон ака газетада жуда кўп ишламади. Мен газетага адабий ходим бўлиб ишга келганимда Абдураҳмон Ортиқов тарғибот бўлими мудири этиб тайинланган эди.

Маълумки, уруш тамом бўлгандан кейин 1946—1947-йилларда юз берган ҳодисалар бизларнинг хотирамизда худди кечагидек муҳрланиб қолган. Уруш йилларида таназзулга учраб, ҳатто қадрдон газетамиз бор-йўғи бир тутам варақадек ҳажмга тушиб қолган йиллар ҳам бўлган. Ёзишга журналист, кўчиришга қоғоз, босиб чиқаришга ношир, тарқатишга транспорт, обуна бўлишга маблағ етишмасди. Уруш-



дан сўнг матбуот учун бундай қора кунлар тугаб, тикланиш даври бошланган эди.

Хуллас, биз ўша йиллари Абдураҳмон ака билан битта бўлимда ижодий ҳамкорлик қилдик. Ўша кезлари Абдураҳмон Ортиқов ажойиб публицист сифатида кўпгина ҳаётий илмий мақолалари билан элга танилди. Ниҳоят даражада ўзига ҳам, ходимларга ҳам талабчан эди. Унинг ёзган мақолалари ҳеч бир таҳрирсиз газетада чиқиб кетарди. Мен бўлимнинг адабий ходими сифатида ёзган нарсаларимни ҳеч эринмасдан синчковлик билан таҳрир этар, баъзида «жиззакилик» қилиб қолсам, жаҳли чиқмай босиқлик ва чидам билан ҳаммасини бирма-бир тушунтирарди. Аммо таржима бобида энг машҳур таржимонлар ҳам Абдураҳмон акага тан беришарди. Ижодий мунозаралар чоғида, газетада босилиб чиққан мақола, очеркларни таҳлил этишда ўзининг чуқур мулоҳазалари, фикрлари билан ёшларга ўрнак кўрсатарди. Битта хонада ўтириб ишлаган чоғимизда Абдураҳмон ака кўпинча: «Мен илм қилишим керак, диссертациям қолиб кетаяпти, газета иши қийин экан, кўп вақтимни олаяпти», деб шикоят қиларди. Охири муҳарриримиз Ҳожиакбар Ғуломов ҳузурига ариза кўтариб кириб: «Сиз ҳам олим одамсиз, газетада ишлаб илмий ишларим қолиб кетаяпти», деб бўлим мудирлигидан озод этишни сўраган.

Шундай қилиб газета даргоҳида ўз фаолиятини бошлаган, зукко ва меҳнаткаш журналист илмга қаттиқ ружу қўйиб, оддий илмий ходимдан катта фан арбоби даражасига кўтарилди. Энди Абдураҳмон акани республикада билмаган, танимаган, унинг мароқли маърузаларини эшитмаган одам камдан-кам. Қанчадан-қанча шогирдлар етиштирган. Юзлаб мақолалар, йигирмага яқин китоб, дарсликлар, ўқув қўлланмаларининг муаллифи, тиниб-тинчимас журналист ва олим Абдураҳмон аканинг ҳаёт йўли ёшларга ўрнак бўлаярдидир.

## ТИЛИ БИЛАН ДИЛИ БИР

...1973 йилнинг айни ёз палласи. Диплом ҳимоясидан сўнг иш масаласи юзасидан маслаҳатлашиш ниятида домлам, адабиётимиз жонкуяри Матёқуб Қўшжоновнинг ҳузурига бордим. Табиатан камгап Матёқуб ака дарров асл муддаога кўчди. Яқинда нашрдан чиққан «Ижод сабоқлари» китобига дастхат битиб қўлимга тутқазди. «Мана бу китобни телевидение раҳбарларидан бири, шогирдим Эркин Самандарга олиб бориб бер. Телевидение — ҳаётнинг қайноқ нуқтаси. У ерда ишласанг кам бўлмайсан», деб қўшиб қўйди. Ярим соатда ўша пайтдаги «Ойнаи жаҳон» бош директори Эркин Самандаров ҳузурига етиб бордим. Эркин ака қора сочлари силлиқ таралган, бўйдор, қарашлари жиддий, вазмин киши экан. Мендан китобни қабул қилиб олгач, тезда телефон гўшагини кўтариб, кимнидир ҳузурига чорлади.

Хонага ўрта бўй, серҳаракат, юз-кўзларидан самимият балқиб турган инсон кириб келди. У киши адабий-драматик кўрсатувлар таҳририятининг ўша йиллардаги бош муҳаррири, таниқли таржимон ва адабиётшунос Мели Норматов экан. Бош директор Мели акага мени таништириб: — Бу йигитни обдон синаб кўрасиз, маъқул келса ишга олиш масаласини ўйлаб кўрамиз, — дедилар. Мели ака очиқ кўнгил, масалани тезда ҳал қиладиган чаққон раҳбарлардан экан, дарров гапнинг индаллосини айтиб қўя қолди:

— Мен Ўролжонни яхши танийман. Мақолаларини ўқиб бораман. Рухсат берсангиз, эртагаёқ буйруқ тайёрлаймиз.

Эркин ака ўзига хос вазминлик билан яхши, яхши, дея бош силкиб қўя қолди...

Одатда ижодкор зиёлилар билан ишлаш, улар орасида иззат, обрў топиш, тилга тушиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Айтиш керак, Мели Норматов самарали ижоди, юксак ташкилотчилик салоҳияти, дўстларга садоқати, шогирдларига меҳрибонлиги туфайли Ўзтелерадио тарихида ёрқин из қолдирди.

Шу даргоҳдаги қарийб ўттиз йиллик фаолияти давомида у ажойиб шогирдлар етиштириш билан бирга, «Улуғбек хазинаси», «Медия», «Қиролнинг дилхуши», «Оқ кема», «Ҳазрати инсон» сингари ўнлаб кўп қисмли телеспектаклларнинг, «Бўстон», «Ёзувчи ва замон», «Ижод саҳифалари», «Илҳом» телевизион клуби каби халқимиз дилидан чуқур жой олган қатор кўрсатув ва радио эшиттиришларнинг яратилишига бош-қош бўлди.

— 1928 йили айни баҳор фаслида Жиззах шаҳрининг Жиззахлик маҳалласида таваллуд топдим, — деб ҳикоя қилади Мели ака. — Ота-бобом аслида ариқ оқсоқоли — мироб ўтишган ва асосан деҳқончилик билан шуғулланишган. 1944 йили Самарқанд Давлат университетининг филология факультетига ўқишга кирдим...

Мели Норматов 1949 йили университетни муваффақиятли тамомлагач, бир неча йил талабаларга ўзбек тилидан дарс бериб юрди. 1952 йили Тошкентга ишга келиб, Ўздавнашрда муҳаррирлик фаолиятини бошлади. Ўша йиллари республикамизнинг деярли барча газеталарида унинг мақола ва тақризлари эълон қилиниб турди. Айни вақтда бадиий таржима билан қизғин шуғулланиб, Николай Тихонов, Николай Носов асарлари ва бир неча ҳинд муаллифларининг ҳикоя ва эртакларини ўзбек тилига ўгирди. Латиш халқининг классик ёзувчиси Вилис Лацисннинг «Балиқчи ўғли», «Ватанни қўмсаб» романлари унинг таржимасида босилиб чиқди. Айниқса таниқли рус ёзувчиси Валентин Овечкиннинг беш қисмдан иборат «Районнинг иш кунлари» номли машҳур асари «Сер-

ташвиш баҳор» номи билан икки марта чоп этилди. Инглиз классик адиби Г. Гриннинг «Ювош америкалик», рус болалар ёзувчиси Киселевнинг «Қизча ва қушқанот» романлари, Алексей Гагариннинг «Менинг укам Юрий» ҳужжатли қиссаси ҳам Мели Норматов таржимасида босилиб чиқди.

Москвадаги олий журналистика факультетида икки йил таҳсил кўриш Мели ака ҳаётида сезиларли из қолдирди. У ерда дунёга машҳур давлат ва жамоат арбоблари, етук адиб ва олимларнинг лекция, суҳбатларини тинглади.

Мели Норматов нафақат моҳир таржимон, балки етук адабиётшунос олим ҳамдир. Унинг юздан ортиқ мақола ва тақризлари, Ўзбекистон халқ ёзувчилари Ҳаким Назир ва Назир Сафаров ҳақидаги монографиялари чоп этилган.

Сўнгги йилларда М. Норматов бадиий проза соҳасида ҳам ўзини синаб кўрмоқда. Натижада, унинг қатор ҳикоя ва эртаклари чоп этилди. Ўзбекистон телерадиосида пьесалари, эртаклари магнит тасмасига, ўнлаб эртаклари эса грампластинкага ёзиб олинди.

Мели Норматовнинг «Шоирнинг болалиги», «Энг гуллаган ёшлик чоғимда», «Чекист ўғли» номли қиссалари, «Меҳмон бола» ҳикоялар тўплами ўқувчилар томонидан қизғин қабул қилинди.

Юқорида қайд этганимиздек, иш фаолиятини олий ўқув юртида педагогликдан бошлаган Мели ака нафақага чиққанидан сўнг яна шу соҳага қайтди. У бир неча йиллардан буён Тошкент Давлат санъат институтида доцентлик вазифасида фаолият кўрсатиб, талабаларга телерадио журналистикаси ва оммавий ахборот воситаларидан сабоқ бермоқда.

...Ҳар сафар устозим Мели ака билан учрашганимда у: — Болаларимнинг барчаси олий маълумотли. Невараларим ҳам олдинма-кетин улғайиб мустақил ҳаётга қадам қўймоқда. Яқинда невара куёвли бўлдим. Нимага эришган бўлсам, ҳалол меҳнатим ва тўғрили-

гимдан деб биламан. Менга ғаразгўйлик ва ичиқоралик бегона. Дўстларим ва шогирдларим бисёр, — дея ўз умрининг мазмунли ўтаётганидан қувонади.

Аслида бахт деган буюк тушунчанинг моҳияти ҳам шунда бўлса керак.

*Зоҳидулла МУНАВВАРОВ,*
*Улфат МАҲКАМОВ*

## НАМ ГУЛШАНИДА

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган ажойиб инсонни мамлакатимиз зиёлилари, қалам соҳиблари, таълим-тарбия соҳаси мутахассислари яхши танийдилар, ҳурмат қиладилар. Бу инсон тарих фанлари доктори Ҳайдарали Узоқовдир.

Ҳ. Узоқов журналистлик фаолиятини Фарғона педагогика институтида (1967—1975 йиллар) кўп нусхали «Педагог» газетасини ташкил этишда қатнашиб, унга муҳаррирлик қилишдан бошлаган эди. Кейинчалик эса, Тошкент автомобиль-йўллар институти нашри — «Автодорожник» газетасининг номини «Муҳандис» деб ўзгартириш ташаббускорларидан бири ва шу газетанинг муҳаррири бўлиб танилди. Унинг яхши журналист бўлиб камолга етишувида «Ўқитувчилар газетаси» (ҳозирги «Маърифат») ва «Ёш ленинчи» (ҳозирги «Туркистон») газеталари таҳририятларидаги меҳнат фаолияти алоҳида ўрин тутади. У 50—60-йилларда ўткир фельетонлари билан республикамиз жамоатчилигига яхши танилди. Унинг «Техникум ва ундаги аҳвол», «Инсоф ва виждонни ютиб», «Ҳаром томоқлар», «Мутовчилар», «9407 сўмга тушган севги», «Бебурд», «Адресингиз қайси?», «Писмиқ», «Тешик томоқ», «Қўлини пардалар қилди», «Халтурами, Холтўра», «Оқ халатдаги асаббузарлар» сарлавҳали ва бошқа фельетонларида турмушимизда учраб турадиган иллатлар фош этилди.

Ҳ. Узоқов «Кулгу кирган уйга қайғу кирмагай», «Кулгимиздан олам янграсин» (Ш. Ғозиев билан ҳамкорликда) номли 2 кўринишли ҳажвий эстрада томошаларини ёздики, улар республикамиз театрларининг саҳналарида кўп марталаб намойиш қилинди.

Таниқли журналист қаламига мансуб «Ишққа иқрорлик», «Ўсмир бир тойдими», «Тарбияда кўз илғамас қирралар», «Бадҳазм овозлар», «Филологик телбалик», «Ошкора гапириш — маориф ислоҳоти талаби», «Омихта тил», «Айтишув» каби ўнлаб публицистик ва танқидий мақолалари жамоатчилик диққатини жалб этганлигининг шоҳидимиз.

Унинг ҳаёт йўли оддий. У 1930 йилда туғилган. Падари бузруквори Узоқбой ота катта мударрис, онаси Машраббону саводхон аёл бўлишган.

Оиладаги соғлом муҳит Ҳайдаралини китобни севиб, ардоқлашга ундади. У Кантархона қишлоғидаги 19-ўрта мактабни олтин медаль билан тамомлагач, Ўрта Осиё Давлат университетининг филология факультетига кириб ўқиди. У академик Виктор Решетов, профессорлар Ҳомил Ёқубов, Субутой Долимов, Турсун Иброҳимов, Сиддиқ Фузаилов, Шавкат Раҳматуллаев сингари устозларнинг сабоқларини қунт билан тинглади. Ўзи ҳам олим бўлишга бел боғлади. Ўзбек диалектологияси бўйича илмий тадқиқот олиб бориб, филология фанлари номзоди илмий даражаси учун диссертация ёқлади. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтида илмий ходим бўлиб ишлади.

Ҳ. Узоқов Ўзбекистонда мустақиллик учун курашган журналистлар фаолиятини илмий жиҳатдан ўрганиб, бир қанча монографиялар, китоблар, рисолалар яратиб келмоқда. «Ўзбекистонда мустақиллик учун кураш тарихи» мавзуида докторлик диссертациясини ёқлади. Катта изланиш туфайли юзага келган бу илмий тадқиқотдан 1917 йилги октябрь тўнта-

ришидан олдинги ва Шўро даври матбуотининг кечмишлари, Ўзбекистоннинг мустақиллиги учун курашган журналистлар фаолияти ҳамда уларнинг ҳаёт йўли кенг ўрин олган. Айни чоғда бу диссертацияда халққа янгиликни, илғор фикрларни тарқатувчи жадидчилик ҳаракатининг матбуотда пайдо бўлиши ва тарқалиши, мазкур ҳаракат ташкилотчиларининг фаолияти бой фактик материаллар асосида баён этиб берилган.

Таниқли олим ўзбек журналистикаси тарихига, тилшуносликка, адабиётшуносликка, ёшлар тарбиясига доир ўндан ортиқ китоб ва рисолалар ёзди. Унинг қаламига мансуб оддий бир кичкинагина мақоладан тортиб, монографик текширишларигача жуда муҳим, долзарб муаммоларни таҳлил этишга қаратилади. Масалан, «Ширин сўз — жон озиғи» деб номланган рисоласида муаллиф ширинсуханликнинг ёшлар тарбияси, умуман, ахлоқий тарбиядаги ўткир кучини қатор мисоллар, илмий таҳлиллар билан ёрқин исботлайди, сўз қудратининг тарбиявий кучини кўрсатади. Унинг «Эр киши битта гапиради» деб номланган рисоласида таниқли олим ва журналист Ашурали Зоҳирийнинг серқирра фаолияти ҳақида ҳикоя қилинади, асарларидан намуналар келтирилади.

Ҳ. Узоқов ўз тадқиқотларида ўзбек миллий урф-одатлари, ўзбек халқининг руҳияти, анъаналари ва удумларини тиклаш, меҳр-шафқат, орият ва номус, одоб ва ахлоқ деган бебаҳо тушунчаларни мазмунан кенгайтиришга алоҳида эътибор беради. У таниқли психолог олим Эргаш Ғозиев билан биргаликда ўрта мактабларнинг юқори синфлари, техникумлар ва ҳунар-техника билим юртлари талабалари ҳамда ўқувчилари учун мўлжалланган «Оила этикаси ва психологияси» номли дастурни нашр эттирди. Кейинчалик ушбу дастур асосида яратилган 12—16 босма табоқ ҳажмидаги қўлланма ва хрестоматия «Ўқитувчи» нашриётида босмадан чиқди. Шунингдек, олимнинг

«Адолат» нашриётида чоп этилган «Қалблар нидоси» китобида ҳам 20—30-йиллар матбуоти, журналистикамиз тарихи ҳақида ҳикоя қилинади.

Фан заҳматкаши ва фидойиси бўлган Ҳ. Узоқов маданият ва маориф соҳасида муносиб шогирдлар тарбияламоқда. У етти нафар ёшнинг фан номзоди унвонини олиш учун диссертациясига оппонентлик қилган.

*Ирисали* ТОШАЛИЕВ,
*Бахтиёр* ҲАЙДАРОВ

## ОШКОР ЭТИЛГАН ҲАҚИҚАТ

Одамлар дунёқарашида «тақдири азал» деган тушунча бор. Бунга кўра инсон ҳали она қорнидалигидаёқ унинг тақдири битиб қўйилар экан. Аммо бу ақида асло инсонни фаолиятсизликка, келажакка бефарқ қарашга ундамайди. Зеро, инсон шахс сифатида ўз ҳаракатларида эркиндир. «Ҳаракатда — баракат» деб бежиз айтилмаган. Домла Фатҳиддин Насриддиновнинг ҳаёт йўли ҳақидаги ҳикояларини тинглаб, хаёлимиздан ана шундай фикрлар ўтди. Чиндан ҳам у ўз касбига ихлос қўйган мутахассис сифатида эл эъзозига сазовор бўлган мураббийларимиздан бири.

Фатҳиддин ака 1925 йилда Андижон вилоятининг Олтинкўл туманидаги Маслаҳат қишлоғида, оддий деҳқон оиласида туғилган. У хонадондаги беш нафар ўғил фарзанднинг иккинчиси эди. Ўттизинчи йилларнинг қабоҳатида бирин-кетин унинг икки укаси ҳаётдан кўз юмди. Кўп ўтмай мусибатларнинг янада каттаси — иккинчи жаҳон уруши алангаланди. Ҳарбий хизматга чақирилган акаси Сулаймонқулнинг ҳалок бўлганлиги ҳақида «қораxат» келди. Фарзандлари пешонасига сиғмаган ота ва она ўсирин Фатҳиддин ва укаси Бозорбойни бағирларига босганларича бўзлаб қолавердилар. Турмушдаги ачиқ-чучук излар ҳам, ҳар қанча мушкуллик ҳам Фатҳиддиндаги илмга бўлган интилишни сусайтира олмади. У етти йиллик ўрта мактабни битиргач, Андижон педагогика билим юртига кириб ўқий бошлади. Бироқ уруш йилларида у оилага ёрдам бериш мақсадида ўқишни қўйиб, турли-туман соҳаларда меҳнат қилишга мажбур бўлди.



Ниҳоят, тинчлик даври бошлангач, Фатҳиддин ака билим олишни яна давом эттириш учун имконият топди. Андижон Давлат педагогика институти, сўнгра Тошкент Давлат университетини имтиёзли диплом билан тамомлаб, аспирантурага йўлланма олди. Лекин баъзи бир сабабларга кўра аспирантурада ўқиш бир неча йилга кечикди. У «Шарқ юлдузи» журналида ишлай бошлади. — «Бу ҳам мен учун ўзига хос аспирантура бўлди, — дейди домла, — журналнинг танқид ва адабиётшунослик бўлимига мудирлик қилдим. Шу вақтдан бошлаб журналистика оламига қўйган илк қадамларим ўз ривожини топа бошлади. Газета ва журналларда мақола, очерк, таржима ва бадиий асарларим кетма-кет чоп этила бошлади. Мен фақат адабиётшунос эмас, бинойидек журналист ҳам бўлиб қолдим».

1957 йили Тошкент Давлат университети томонидан эълон қилинган конкурсда қатнашиб орзусига эришди. Ф. Насриддинов аспирантурага қабул қилинди. У пайтда Абдулла Қодирий ижодига нотўғри қарашлар ҳукм сурар эди. Фатҳиддин ака айнан шу мавзуда ишлашга жазм этди. Иш анча узоққа чўзилди. Абдулла Қодирийнинг матбуотда эълон қилинган барча катта-кичик асарларини, журналистик фаолияти, унинг бадиий маҳоратини синчиклаб ўрганиб чиқди. «Бу менга жуда катта мактаб вазифасини ўтади», — дейди домла. Хуллас, «Абдулла Қодирий услубининг баъзи хусусиятлари» номли илмий иш тайёр бўлгач, ҳимояга тавсия этилиб, юз фоиз овоз билан тасдиқланди. Албатта, домланинг илмий иши ноҳақ қораланган буюк ёзувчи

ҳақидаги ҳақиқатни очишда қўйилган дастлабки жасоратли қадамлардан бири эди. Шундан сўнг у яна бир неча йил «Ўзбекистон маданияти» (ҳозирги «Ўзбекистон адабиёти ва санъати») газетасида ишлаб, журналистик фаолиятини давом эттирди. Баракали меҳнатлари туфайли илмий ва бадиий ижоднинг кўп қирраларида ўз истеъдодини намойиш этди. 30 йилдан кўпроқ вақт мобайнида (1963—1994 йиллар) Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетида ўқитувчи бўлиб ишлади. Унинг ижодий фаолияти серқирра. Ф. Насриддинов 150 дан ортиқ катта ва кичик мақолалар, 50 дан ортиқ очерк, фельетон, ҳикоялар, қатор қисса ва пьесалар, илмий ва бадиий китоблар муаллифи сифатида элимизга танилди.

У — моҳир таржимон. Қорақалпоқ ёзувчиси Т. Қаипбергеновнинг «Қорақалпоқ қизи» романи, «Секретарь» қиссаси, хитой адиби Ба Цзиннинг «Оила» романи, африкалик ёзувчи Манго Бетининг «Бомбейлик бечора Исо» романи, ҳинд ёзувчиси Хўжа Аҳмад Аббоснинг «Юлдузларгача етмагунча», Аҳмадхон Абубакарнинг «Дарғин қизлари», Сергей Абрамовнинг «Камалакка талпиниб», Г. Красильниковнинг «Сен билан қоламан» қиссалари ҳамда жаҳон адабиёти намояндаларининг ижод намуналари ўзбек китобхонларига Фатҳиддин Насриддинов таржимаси билан етиб борди. Айниқса, ТошДУнинг «Услубият ва таҳрир» кафедраси мудири сифатида кўплаб шогирдларга устозлик қилганлиги Фатҳиддин ака доимо қониқиш ва ғурур билан эслайдиган фаолият қирраларидан бири бўлиб қолди. Ўзбекистоннинг қайси бир шаҳар ёки туманида бўлмасин, бирорта шогирди қўлини кўксига қўйиб: «Ассалому алайкум, домлажон!» дея пешвоз чиқишларини кўриб, мураббий ўзининг илм йўлида чеккан заҳматлари самарасидан беҳад қувонади. Дарҳақиқат, инсоннинг саодати ҳам ўз меҳнатининг хайрли меваларини кўришида эмасми!





## ОЛИМ БЎЛСАНГ, ОЛАМ СЕНИКИ

Одатда бирор-бир илм кишиси ҳақида гап кетганда, унинг илм-фанга қўшган ҳиссаси, тарбиялаган шогирдлари-ю, ёзган китоблари ҳақида тўлиб-тошиб гапирилади. Бундай фазилатларнинг, айниқса ҳозирги ёшлар учун нақадар ибратли эканини ҳис қилиш қийин эмас.

Агар кишилар назарига тушган ўша олим барча хислатлари билан бирга ҳалол, иймон-эътиқодли бўлса, бу нур устига аъло нур, албатта.

Анвар Каримов ҳақида дил сўзларимни ёзар эканман, хаёлимдан юқоридаги фикрлар ўтди. У яқин вақтгача Мирзо Улуғбек номли Ўзбекистон Миллий университетида ишлади. Халқаро журналистика бўлимининг мудири бўлди. Тарих фанлари номзоди, доцент.

Анвар Каримов 1955 йили Тошкентдаги 89-мактабни олтин медаль билан битиргач, ўша йили Тошкент давлат университетининг ўзбек филологияси факультетига ўқишга кирди. 1960 йили ўқишни имтиёзли диплом билан тугатди.

Ёш мутахассис меҳнат фаолиятини республика телевидениесида бошлади. 1960—1968 йиллар мобайнида муҳаррир, катта муҳаррир, Бош муҳаррир ўринбосари, кейинчалик Бош муҳаррир лавозимларида ишлади. Катта ва қайноқ даргоҳ — телевидениеда олинган сабоқлар унга ҳаётда кўп асқотди: одамларни таниш, касбга меҳр қўйишни ўрганди. У эл орасида машҳур бўлган «Ғазалхон ёшлигим», «Студентлик — олтин давrим», «Олим бўлсанг — олам сеники», «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» кўрсатувлари, «Ғунча», «Истиқбол эгалари» тележурналларига муҳаррирлик қилди. Ёш хонанда, созанда, шоир, ёзувчи, бастакор, артист, актёрлар ҳақида кўплаб телевизион очерклар яратди.

Очиғини айтганда, талабалик давридаёқ унинг илмга ҳаваси баланд эди. Кўнглининг бир чеккасида илмий ишга қўл уриш нияти бўлиб, ўзича республикамиз телевидениеси тарихий йўлини ёритишни режалаштириб юрарди. 1968 йили у Тошкент давлат университетининг журналистика факультетига ўқитувчиликка ишга ўтди. Талабалар билан ишлашдек қизиқ даврлар, илм дурдоналарини йиғишдек машаққатли, уйқусиз тунлар бошланди. Тинимсиз меҳнат, илм йўлидаги изланишлар бесамар кетмади. 1971 йили «Ўзбекистонда телевидениенинг шаклланиши ва тараққий этиши» мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Бу республикамиз телевидениеси тарихи бўйича бажарилган йирик илмий тадқиқотлардан дастлабкиси эди. 1975 йили Анвар Каримовга доцент унвони берилди. Кейинчалик журналистика факультетининг декани бўлди. Ўзидаги бор ташкилотчилик қобилиятини намойиш этиб, ўқитувчилар ва талабалар ҳурматини қозонди.

1979 йили факультетда телевидение ва радиоэшиттириш кафедрасини ташкил этишга қарор қилинди. Анвар Каримов бу ишга бош-қош бўлди. 1979—1992 йиллари ушбу кафедра мудири сифатида ишлади. Янги йўналишдаги кафедранинг ривожланиб мустаҳкамланиши, илмий фаолиятининг янада ошишига куч-ғайрат сарфлади.

А. Каримов таниқли ношир ҳамдир. Унинг «Ўзбекистонда телевидение», «Инсон зийнати», «Ўзбекистон телевидениеси» (рус тилида) китоблари чоп этилган.

Анвар аканинг яна бир хислати — илм билан ижодни қўшиб олиб боради. У сиёсий, бадиий адабиётлар таржимони, сиёсий шарҳловчи сифатида ҳам ўқувчи ва тингловчилар қалбига яқиндан таниш. Ўзбекистон радиосида сиёсий, республика «Халқ сўзи» газетасида халқаро масалалар бўйича шарҳловчи бўлди. Ўзбекистон радиосида «Сиёсий портретга чизгилар», «Ҳар бир бола — бир дунё», «Жума

ўгитлари» туркум эшиттиришларини бошқаради. «Мабдаи нур» радиожурналига муҳаррирлик қилди. Анвар ака ҳаммасига улгуради, вақт топади.

«Сиёсий портретга чизгилар» туркум радиоэшиттиришида унинг давримизнинг таниқли сиёсий ва давлат арбоблари Ж. Неру, Ж. Абдул Носир, Сукарно, Ш. де Голль, Ф. Рузвельт, М. Тэтчер, Ф. Миттеран, Б. Клинтон, Ж. Мейжер, Г. Коль, Н. Мандела, М. Отатурк ва бошқаларнинг ҳаёти, фаолиятига бағишланган радиочерклари берилди.

Илм шайдоси, ёшларнинг меҳрибон устози А. Каримов моҳир таржимон ҳамдир. Рус, украин, белорус, арман, грузин, озарбайжон, инглиз, немис, поляк, чех, венгер, араб, эрон, афғон, ҳинд, вьетнам адиблари асарларини ўзбекчага ўгириб келади. У Ж. Неруниг «Ҳиндистоннинг кашф этилиши» асари, О. Гончарнинг «Чироқлар сўнмасин» қиссаси, П. Чанднинг «Рама ҳақида қисса», С. Смитнинг «Дўстлар диёрига саёҳат» қиссалари, Э. Войничнинг «Узилган дўстлик» романи, «Ливан ҳикоялари» ва яна бир неча китобларни моҳирлик билан ўзбекчалаштирган. Бу асарлар республика радиоси орқали эшиттирилган, газета, журналларда чоп этилган, китоб ҳолида чиққан.

А. Каримов журналистлар ёзган энг яхши асарлар юзасидан ўтказилган республика конкурсида фаол қатнашгани учун 1988 йили Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг биринчи даражали дипломи билан тақдирланди.

Республикамиз зиёлилари Анвар ака оиласини ҳам яхши танийдилар. Турмуш ўртоқлари Насиба Мадраҳимова умрининг анча қисмини рақсга бағишлаган санъаткор, республикада хизмат кўрсатган артист. Қизлари Гулруҳ — файласуф олима.

Анвар ака чарчамайдиган инсон. Бир қарасангиз республика радиосида, бир қарасангиз телевидениеда кўриб, ҳавасингиз келади. Янги мавзудаги эшиттириш ва кўрсатув олиб, бу ерга келган бўладилар.

Дил сўзларимизга «Чарчаманг, мустақил мамлакатимиз маънавиятини юксалтириш йўлида доимо камарбаста бўлиб юраверинг, Анвар ака!» — деган ибора билан нуқта қўямиз.

*Бойбўта ДЎСТҚОРАЕВ*

## ЁШЛАР МУРАББИЙИ

Сайди ака Умиров 1938 йилнинг 10 февралида Самарқанд вилояти Пойариқ туманининг Жўрабой қишлоғида таваллуд топди. Ёшлиги фашизмга қарши уруш йилларининг қийин пайтларига тўғри келди.

Сайди ака ўрта мактабни кумуш медаль билан тугаттач, Самарқанд давлат университетининг филология факультетига ўқишга киради. Бу қутлуғ даргоҳда унинг адабиётга, танқидчиликка, журналистикага бўлган ҳаваси етилиб, устозларининг назарига тушади.

Талабчан домла ҳар қандай талабани ҳам мақтай бермайди. Ундан ўзи кутган мутахассис ёки олим чиқишига ишонсагина мақтайди, далда беради. Сайди акадаги илмга бўлган иштиёқни сезишган устозлари Нуриддин Шукуров, Р. Орзибековлар унга далда беришади, йўлга солишади: дорилфунунни тугатган йили (1960) эса, Тошкентга, «Фан ва турмуш» журнали муҳарририятига ишга тавсия қилишади. Шу тариқа, Сайди ака журналистикага, илм оламига кириб келди ва уларга умр бўйи содиқ қолди.

1967 йил 6 сентябрда Сайди ака Умиров адабиётшунос Солиҳ Қосимовнинг илмий раҳбарлигида «Характер ва шароит тасвирида бадиий деталнинг роли (А. Қаҳҳор прозаси асосида)» мавзуида номзодлик диссертациясини ёқлайди.

Сайди Умиров 1968 йилнинг апрелидан ҳаётини Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон

миллий университети)нинг журналистика факультети билан боғлайди. Салкам ўттиз йил у бўлажак журналистларга матбуот назариясидан дарс беради, диплом ишларига, амалиётга раҳбарлик қилади, аспирантларга раҳбар бўлади. Шу чорак асрдан зиёд вақт давомида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, декан муовини (1986 — 1992), декан (1992 — 1995) лавозимларида ишлайди.

Очиғини айтганда, журналистика факультетида ўқитувчилик қилиш енгил иш эмас. Бу, энг аввало, журналистика назариясининг адабиёт, фалсафа назариясидан бошқачароқ, ўзига хослигида бўлса, иккинчидан, ижодкор ёшларга ўзи ҳам ижод билан шуғулланадиган, муттасил ёзиб турадиган ўқитувчи дарс бермаса, «илмига амал қилмайдиган мулла» мисоли хижолатга тушиши мумкинлигидан. Саиди ака бир мақоласида буни яхши ифодалаб беролган: «Журналистика факультети ўқитувчиси илм, ижод, педагогикани бирга қўшиб олиб бормоғи ҳам фарз, ҳам қарз, айтганингни ўзинг амалда кўрсатсанг, талаба сенга ишонади, ҳурмат қилади. Бирор чолғу асбобини чалолмаган кишининг мусиқа билим юртида ишлаши, копток тепишни билмайдиган одамнинг футбол жамоасига тренерлик қилиши, сузишни билмайдиган одамнинг сузишдан йўриқчи (инструктор) бўлиши шубҳали... Журналистика факультетига раҳбар албатта ёзиш-чизишни яхши биладиган ва, албатта, шу соҳанинг одами бўлиши шарт. Акс ҳолда, этикдўз бўғирсоқ тайёрлайди, дегандек бўлади».

Бу гаплар ҳозирги пайтда, «тўртинчи ҳокимият» эгалари — бўлғуси журналистларни тайёрлаш вазифаси кескин қўйилаётган бир пайтда янада аҳамият касб этади.

Дарвоқе, С. Умировнинг ўзи «Санъатнинг сеҳрли калити» (1974), «БАМ ҳақида ҳикоя» (1977), «Даъваткор сўз» (1985), «Солланиб оқаётган дарё» (1994), «Толибнома» (профессор Ғайбулла ас-Салом билан

ҳамкорликда, 1996, 1997) китобларининг. 300 га яқин илмий, илмий-оммабоп мақола, тақриз, очерк ва публицистика, радиоэшиттириш, телекўрсатувлар муаллифи. Очиғи, Сайди ака — портрет очерклар устаси. Самимий, табиий, дилдан ёзади. Унинг Саъди Сирожиддинов, Полвон Бобоев, Солиҳ Қосимов, Ҳаким Асланов, Тўхтамурод Жўраев, Матёқуб Қўшжонов, Ғайбулла Саломов, Озод Шарафиддинов, Бегали Қосимов, Машраб Бобоев, Сирожиддин Зайнобиддинов, Анвар Жўлиев, Хайрулла Сайдиев, Ғуломхон Ғафуров, Баҳром Самадов ва бошқалар ҳақидаги очерк ва лавҳалари чин юракдан, самимий ва соз ёзилган асарлардир. Шуниси борки, Сайди ака ҳаётда ҳамиша ижобий ҳодисаларни кўради, яхшилик, эзгулик ҳақида тўлиб-тошиб ёзади, қалами нурга йўғрилган бўлади.

1999 йилнинг июнида Сайди Умиров ҳаётида муҳим воқеа юз берди: у Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университетида Президентимиз ташаббуси билан янги ташкил этилган халқаро журналистика факультетига ишга таклиф қилинди. Бу ерда ҳам Сайди ака бор билими, тажрибаси, ғайратини ишга солиб, бўлғуси халқаро журналистларга таълим ва тарбия беришга киришиб кетди. Кўп ўтмай, 2000 йилнинг августида ушбу факультет деканлиги лавозимини қабул қилиб олди ва 2002 йилнинг 19 мартигача бу вазифада ҳормай-толмай хизмат қилди. Ҳозир эса мазкур факультетнинг «Теле- кино ва радиожурналистика» кафедрасига мудирлик қилмоқда. Инсонга Аллоҳ томонидан марҳамат этиладиган азиз умрни Сайди ака баракотли, фойдали, хайрли ишларга бахшида қилмоқда. Шу боис ҳам Сайди Умировга 2001 йили, Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги нишонланаётган кунларда Президентимизнинг фармони билан «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» деган юксак унвон берилди. Бу Сайди ака Умировнинг 40 йилга яқин мураббийлик фаолиятига ҳуқу-

матимиз томонидан берилган муносиб баҳо бўлди. Сайди ака чиндан ҳам ёшларнинг, истиқболимиз эгаларининг меҳрибон ва ардоқли мураббийсидир.

*Шаҳноза СУЛТОНОВА*

## БИЛИМ ВА ҲУНАР — ЭГИЗАК

Усмон Носир номли Тошкент матбаа-ноширлик коллежи (собиқ Тошкент матбаа техникуми) мамлакатимиз таълим муассасалари орасида алоҳида ўрин тутади. Бу ерда ҳам маънавий, ҳам иқтисодий соҳаларда фаолият кўрсатадиган ўрта махсус маълумотли мутахассисликларга ўқитилади. Унинг ташкил этилганига 30 йилдан ошди. Билим масканини 5,5 мингдан зиёд ўқувчи битириб чиқди. Улар орасида хорижий мамлакатларнинг вакиллари ҳам бор.

Билим юртининг биринчи директори Халил Обидов жамоани шакллантириб, ўқув-таълим ишларини намунали йўлга қўйишга катта меҳнат ва куч-ғайрат сарфлади. Ундан сўнг Фаёз Султонов, Рауф Ғофуров, Аъзам Хўжаев, Хадича Тошқориева, Тошпемир Қаҳрамонов, Ғайрат Обидов директор бўлиб ишлаганларида, билим юрти шуҳратини ҳаттоки, Ўзбекистондан ташқарида ҳам кенг ёйишга алоҳида эътибор бердилар. Ғайратли, кўзлаган мақсадига етмагунигача тиниб-тинчимайдиган Абдуҳамид Мансуров 1989 йилнинг май ойидан бошлаб жамоага бошчилик қилиб келади.

Республикамиз нашриётлари, матбаа корхоналари ҳамда китоб савдоси ташкилотлари учун кадрлар тайёрлайдиган билим масканида сўнгги йиллар ичида катта ўзгаришлар бўлди. Анъанавий касблар — ҳарф териш, матбаа машиналаридан фойдаланиш ва уларни созлаш, китоб товаршунослиги ихтисослик-

ларига ўқитиш қатори бухгалтерия ҳисоби, назорат ва хўжалик фаолияти таҳлили, маркетинг ва менежмент йўналишлари бўйича ҳам кадрлар тарбияланмоқда.

Коллежда таълим ва ҳунар уйғунлигини таъминлаш учун шароит етарли. 12 та жиҳозланган ўқув ва иккита лаборатория хоналари, мўъжаз ўқув босмахонаси бор. Саккизта тўгарак ташкил этилган. Ёшлар дарслардан сўнг бу ерда севимли машғулотлари билан шуғулланишларига имкон яратилган. Ишлаб чиқариш амалиётларини пойтахтимиздаги «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, ижарадаги Тошкент матбаа комбинати, йирик китоб дўконларида ва номдор нашриётларда ўтказиш анъанаси илдиз отгани қувонарлидир.

Табиийки, халқ хўжалигининг муҳим таянч соҳалари учун ўрта махсус маълумотли ҳунар соҳибларини тарбиялаб бериш осон иш эмас. Коллежда ўқув, таълим-тарбия жараёнлари такомиллаштирилиб, талабаларни она Ватанга садоқат, танлаган касбларига меҳр руҳида тарбиялашга диққат-эътибор билан қаралмоқда. Саноат Зоидова, Йўлдош Узоқбоев, Владимир Долбихин, Азиз Саидов, Мавлон Абдураҳмонов, Абдусамад Юнусов, Дилбар Ниёзова, Ольга Аконова, Дилорам Худойбердиева, Маҳамаджон Муталов сингари мураббийлар бўлажак мутахассисларга сабоқ беришда алоҳида жонбозлик кўрсатиб келмоқдалар.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини изчиллик билан амалга оширaётган Усмон Носир номли Тошкент матбаа-ноширлик коллежи ўқитувчилар жамоасининг фаолияти ибратлидир. Зеро, мустақил диёримиз салоҳиятини янада юксалтиришга бел боғлаган ёшлар уларнинг қўлида таҳсил олиб, ҳунар ўрганмоқдалар.

## ФАХРИЙЛАР — ФАХРИМИЗ

«Ўзбекистон матбуоти» журналининг навбатдаги сони материалларини босмахонага топширишга учун қизғин тараддуд кўраётган чоғимизда таҳририятга баланд бўйли, юз-кўзлари ёниқ бир киши кириб келди. Юз амри ширин. Вақт тиғиз бўлса-да, илтифот билан кутиб олиб сўрашдик.

— Комил Ромеев бўламан, — дея камтарлик билан ўзини таништирди у. — Журналингизнинг чин мухлисиман. Очиғини айтсам, кейинги йилларда «Ўзбекистон матбуоти»нинг мундарижаси ниҳоятда бойиган. Айниқса, «Суратқаш усталар» рукнининг ташкил этилганлиги савобли иш бўлди. Ахир, фотографлар ҳам журналистлар сингари ҳаёт лавҳаларини бирма-бир тарих саҳифаларига муҳрлаб борадиган қалби қайноқ инсонлар ҳисобланади.

Суҳбатдошимиз ёнидаги сумкадан бир даста суратларни олиб узатди.

— Кўринглар, танлаб олиб уларни чоп этсангиз, бошим кўкка етарди, — деди вазминлик билан.

Суратлар, суратлар... Уларга тикиламизу таниш, нотаниш кишилар сиймосини кўрамиз. Табиийки, бунда суратқаш мухбирнинг шарҳи, ўзига хос таърифу тавсифи керак бўлади...

Суратларни танлаб олдингу суҳбатимизни эртаси куни давом эттиришга келишиб олдик.

Эртаси куни Комил ака билан мириқиб суҳбатлашдик. Унинг ҳаёт йўли ва ижодий фаолияти ҳақидаги маълумотларни ёзиб олаяпману хаёлимда «Киши ўз умри давомида бошқалар эслаб юрадиган бирор из қолдирса, инсон учун бундан катта бахт йўқ» деган фикр ўтди.

Комил Ромеев 1952 йилдан эътиборан «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнат

қилиб келмоқда. Республикамиз театр санъатининг ҳар бир куни воқеаларини, маданият ва санъат арбобларининг учрашув онларини суратларда муҳрлаб борган. Унинг айтишича, бисотида 70 мингдан зиёд негатив лавҳалар бор. Демак, турли йилларга оид 70 мингдан зиёд тарихий лавҳаларни мўъжизавий фото қоғозда қайта жонлантириш мумкин. Ҳа, ана шу суратлар ёрдамида на фақат санъаткорлар ҳаётини кузатиш, балки улар қўйган саҳна асарларини яна бир бор эслаш имкони бор.

Комил Ромеевнинг миллий фотографиямизни ривожлантиришдаги хизматлари муносиб тақдирланиб келинмоқда. Мустақил Республикамизнинг «Дўстлик» орденини унга шахсан Президентимиз топшириб, самимий табриклаганлар.

... 75 баҳорни кутиб олиб, ёшлар каби ҳали ҳам ғайрат билан меҳнат қилаётган Комил Ромеевга ижодий ютуқлар, соғлиқ-саломатлик тилаб, комиллик сизга ҳамиша ёр бўлсин, деймиз.

▲

Фахрий суратчи Равиль Шамсутдиновнинг Тошкент шаҳридаги «Дийдор» фотогалереясида шахсий кўргазмасининг очилиши у билан тенгдошу кенжа авлод вакиллари диққат-эътиборини жалб этгани бежиз эмас, албатта. Негаки у ҳаваскордан чиққан бўлиб, кейинчалик тиниб-тинчимас, серғайрат, нафосатни нозик ҳис этувчи суратчи мухбир сифатида элга танилди.

Равиль Валиевич 1955 йилнинг май ойига қадар фотомухбир бўламан, деб ҳеч ўйламаган эди. У ўша вақтлар пойтахтдаги ўрта мактабларнинг бирида география фанидан дарс бериб, машғулотлар учун кўргазма сифатида теварак-атроф ва табиат манзараларини суратга олиб юрди. Кейинчалик унинг суратлари республика болалар ва ўсмирлар газета-журналлари саҳифаларида чоп этиб борилди. Халқи-

мизнинг севимли адиби Ёқубжон Шукуров унга суратларини таҳририятларга олиб боришни таклиф этганлигини эслаб ўтиш жоиздир.

— Ўзбекистон телеграф агентлигига ишга қабул қилмоқчи бўлишганида ниҳоятда ҳаяжонланганимни кечагидек эслайман, — дейди Р. Шамсутдинов биз билан суҳбатда. — Ажойиб инсон Рихси Саҳибоев (охиратлари обод бўлсин) ўзлари бош бўлган ижодий жамоага ишга олдилар. ЎзТАГ бағри (ҳозирги Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги)да 32 йил ишладим. Мамлакатимиз вилоятларида ижодий сафарларда бўлиб, қанчадан-қанча ажойиб инсонлар билан учрашдим. Ҳамкасбларим И. Горокрик, Г. Пун, И. Душкин, Қ. Розиқов, Б. Мазурдан сурат олиш сирларини ўргандим. Нуфузли ҳайъат томонидан саралаб олинган суратларим турли даражадаги альбомларда чоп этилиб, маҳаллий ҳамда халқаро кўргазмаларда намойиш қилинди. Бойлигим — олган суратларимни баъзи-баъзида қайта нигоҳлаб ўтказиб қўяман. Ана шундай кезда умримнинг жўшқин дамларини республика фотожурналистикаси саҳифаларини бойитишга сарфлаганим билан яна бир бор ғурурланиб қўяман.

Ғурурланиш туйғуси қалбингизни тарк этмасин, узоқ умр кўринг, Равиль ака!

*Юнус ЗИЁДОВ*

## САҲИФАЛАРДА СУРАТ ЎРНИ

Бирон мухбирга муаммоли мақола ёки репортаж ёзиш топширилса, «Суратқаш бўлса яхши бўларди», деб туради. Яхши сурат ёзилган мақоланинг мазмунини бойитади, газета юзини очади.

Суратнинг яхши бўлиши эса фотожурналистнинг маҳоратига боғлиқ. Агарда у масалага ижодий ёндашса яна ҳам яхши. Суратқаш Владимир Молгачёв ана шундай хислатларга эга. У изланувчан. Ўз касбининг

сирини яхши билади. Ижодида ҳамиша инсон ва унинг сиймоси, меҳнатини тасвирлашни биринчи ўринга қўяди. Шу туфайли мўлжалланган бир лаҳзалик лавҳа чиройли ва жозибадор чиқади. Лаҳза давомийликка айланади, лавҳа «жонланади».

Ундан «Сиз сураткашлик сирларини кимдан ўргангансиз?» — деб сўрасангиз, биринчи навбатда машҳур фотожурналистлар Исаак Глауберзон ва Абдусаттор Тўраевнинг номини тилга олади.

— Ижодкор бўлишнинг ўзи сураткашга камлик қилади. У ўзига нисбатан талабчан ҳам бўлиши керак. Шундагина сурат борган сари яхши чиқаверади дейишганди устозларим, — дейди у.

Владимир Молгачёв устозларининг бу панд-насиҳатларини доимо ёдда сақлайди. Ҳозир у моҳир фотожурналист сифатида танилган.

— Менинг ижодий камол топишимда газета-журналларнинг, айниқса, «Ўзбекистон овози» газетаси жамоасининг хизмати катта. Мана, 30 йилдирки, бу касбни ардоқлаб келяпман. Агарда мана шундай жонкуяр жамоа билан ишламаганимда, оддий бир сураткаш бўлиб қолишим мумкин эди. Мен жамоадан бир умр қарздорман.

У бу гапни юракдан айтади. Айни дамда фахр-ифтихор туяди.

Владимир Молгачёв 50 ёшга тўлди. У ҳануз фотоаппаратини қўлдан қўйгани йўқ. Жонажон республикамизни қадам-бақадам кезиб, меҳнаткаш, яратувчан халқимиз бунёд этаётган янгиликларни жонли лавҳаларда акс эттириш иштиёқида. Ва, шундай қиляпти ҳам.

▲

Донишмандлардан бири «Ҳар ким ўз ишида улуғвор бўлиши керак» деб ёзган экан.

Сураткаш мухбир Рўзмат Жуманиёзов тасвирга олган кўпдан-кўп фотосуратларини кўриб, уни ўз касбининг фидойиси, устаси десак муболаға бўлмайди.

Рўзматнинг фотографияга меҳри болалигидан тушган эди. Тошкент Давлат университети журналистика факультети бағрида таълим олар экан, унинг сураткашликка бўлган иштиёқи яққол сезилиб турди. Республикамиз ёшлар газетасининг 60 — 70-йиллардаги тахламларини кўздан кечирсангиз, ёш фотомухбирнинг кўплаб суратларига кўзингиз тушади. Уларда турмуш манзаралари, ўзи билан бир даврда яшаб, меҳнат қилаётган замондошларининг турмуш-турмуши ўзига хос услубда тасвирланган.

Изланувчан, ғайратли Рўзматни 1970 йилда «Известия» газетасининг Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари бўйича махсус фотомухбирлигига таклиф этишади. У шу газета таҳририятида 1986 йилгача ишлади. Кейинчалик беш йил мобайнида «Труд» газетасининг фотомухбири бўлди. 1991 — 1997 йилларда Р. Жуманиёзов ЎзТАГ — ҳозирги ЎзАнинг фотоахборот таҳририяти бош муҳаррири лавозимида ишлади.

Ҳозир Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг махсус фотомухбиридир.

Ҳамкасб дўстимиз ҳавас қилса арзийдиган ижодкор. Сураткаш мухбирларнинг кўргазмаларида унинг асарлари намойиш этиб келинади. Қадрдон ҳамроҳи — фотоаппарати билан қатор хориж мамлакатларида ҳам бўлган.

Истиқлолнинг тўққиз йиллиги арафасида Р. Жуманиёзов Президентимизнинг фармонига кўра «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвонга сазовар бўлди. Сураткаш меҳнатига берилган бундай муносиб баҳо унинг ҳамкасб-мухлисларини ниҳоятда қувонтириб юборгани рост.

## ИЖОДИЙ ГУЛДАСТАЛАР

Наврўз арафаси эди... Дўстларни муборак айём билан қутлаш мақсадида уларнинг исм-шарифларини ёзиб ўтирган эдим. Шу пайт хонага таниқли фотожурналистлар Нўъмон Муҳамаджонов, Содиқ Маҳкамов ва Рустам Шарипов кириб келишди. Салом-аликдан сўнг Нўъмон оҳиста гап бошлади:

— Равиль аканинг уйига бормоқчимиз. Хўп десангиз, бирга кетдик. Маҳалладошингиз бир пиёла чой билан сийлар...

Соатга қарадим: иш вақти тугашига 15 минут қолибди. Бош муҳарриримиз Зиёд Есенбоев ҳузурларига кириб вазиятни тушунтирдим. Бунга жавобан у киши:

— Савобли иш бўлади. Майли, боравeринглар. Номимдан Равилжонга салом айтиб қўйинглар, — дея илтифот этдилар.

«Ўзбекистон матбуоти» журнали таҳририятидан Навоий кўчасига чиқдик. Йўл-йўлакай гаплашиб борамиз.

— Наврўз арафасида маҳаллада ҳашар ўтказдик — дедим ҳамроҳларга юзланиб. — Равиль акани кўрдим. Кўз тегмасин, ўша-ўша қувноқ, йигитлардек ғайратли...

— Фото мухбир ғайратли бўлса, иши унади, — дейди гапимга жавобан Нўъмон. — Ғайратни устоздан (Равиль акани кўзда тутмоқда — *муаллиф изоҳи*) ўрганганман. «Халқ сўзи» — «Народное слово» газетасида ишлаётиб, буни тажрибада пайқаяпман. Устозимизга балли, фотоаппарат ушлаб, ўлкани кезган дарё инсон-де...

— Равиль аканинг бир одатига қойил қолардим. Бугун суратга туширса, эртаси куниёқ тайёр суратларни олиб тайинланган соатда келишилган таҳрири-

ятида бўларди, — дейди Содиқжон. — Тўғрисини айтганда, суратларини мақтаб ўтирмасди. Танланганидан қолгани ҳам тасвири билан кўзни қамаштирарди.

Рустам сўзини бадиий тарзда ифодаладики, фотографлар тили билан айтганда «момент» топди: — Суратқаш мухбирда уч хислат яққол намоён бўлиши керак. Бу — шоирлик табиати, рассом нигоҳи ва журналист иқтидори. Ана шунда олган тасвирларингиз жозибали бўлади. Кишиларга зўр қувонч бағишлайди. Равиль ака шундай фазилати билан барчамизга устоз...

Равиль Альбеков пойтахтимизнинг Собир Раҳимов тумани «Янги Себзор» маҳалласидаги 13-уйда яшайди.

Мезбон хушнудлик билан кутиб олди. Дастурхонга таклиф этди. Бир пиёла чой баҳона суҳбатимиз қизиганидан қизиди.

Бир пайт Равиль ака каттагина альбомни олиб чиқди. Суратларга тикиламиз: таниш, нотаниш чеҳралар... Адабиётимиз дарғалари — Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Шайхзода, Раҳмат Файзий, Шуҳрат, Ғайратий ва бошқаларнинг суратлари... Болалар шоирлари, ёзувчиларнинг мактаб ўқувчилари билан учрашувлари пайтида олинган суратлар ҳам бир дунё... Бирида шеър ўқишмоқда, иккинчисида — китобга дастхат ёзиб беришмоқда... Жажжи ўғил-қизларнинг чеҳраси самимий, очиқ... Журналистлардан — Суҳроб Йўлдошев, Яйра Саъдуллаева, Абдувоҳид Мулламуҳамедов, Эркин Хўжаев, Эркин Маликов, Ёқут Раҳимова, қўйинг-чи болалар ва ўсмирлар газета-журналларида ишлаб, қалам тебратган ўнлаб қаламкашлар тушган суратларнингададини санаб ўтишга озмунча фурсат керак бўлмайди, дейсиз?!

Хонадон соҳиби айрим суратларга изоҳ бериб турди. Ундан фотомухбирлик масъулияти ҳақида фикр-мулоҳазасини сўраганимизда, у: «Суратқашнинг ижоди ҳақида ёзиш осон эмас. Чунки, суратни

сўзда тасвирлаш қийин. Уни кўриш керак, холос» деди. Холисона жавоб барчамизга маъқул бўлди.

Ҳа, Равиль Альбековнинг ўзбек фотожурналистикасида ўзига хос ўрни бор. Қарийб 45 йил сурат олди. Биргина ижодий жамоада, ҳозирги «Тонг юлдузи» газетасида ишлади. Самарали меҳнати учун «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвонига сазовор бўлди. Қатор конкурсларнинг ғолиби. 2000 йилги ғолиблик нашидаси ўзгача кечди. Мамлакатимизда ижодкорлар ўртасида «Офарин» номли кўрик-танлови илк бор бўлиб ўтди. «Шу азиз Ватанни, азиз халқимизни, мусаффо осмонимизни ва она заминимизни ҳар қанча улуғласак, ҳар қанча куйласак оз!» шиори танловга алоҳида тароват бағишлади. Ғолиблар рўйхатида Равиль Альбековнинг исм-шарифи ўқилганида унинг шаънига ҳам қарсаклар узоқ янгради. Мукофот фотожурналистикамиз дарғасига Мустақиллик ва Истиқлол мавзуида эълон қилган суратлари учун берилди.

Лавҳамиз қаҳрамони ҳозир пенсияда. Вақти-вақти билан таниш-билишлари ва ҳамкасблари олдига тез-тез бориб, ҳамсуҳбат бўлишни афзал билади. Шу боисдан ҳам «Тонг юлдузи», «Ғунча», «Гулхан» таҳририятларида ишлаётган қаламкашлар уни азиз меҳмон ва қадрли инсон сифатида ардоқлаб кутиб оладилар. Ана шунда Равиль Альбеков умри элга хизмат йўлида ўтаётгани билан яна бир бор ғурурланиб қўяди.

*Носир РИХСИЕВ*

## ТОПШИРИҚ БЕРСАНГИЗ...

Ҳар қандай нашрни суратлар безаши барчамизга беш бармоқдек аён. Зеро, санъаткорона олинган сурат хоҳ газета, хоҳ журнал бўлсин, унинг мундарижасини бойитади, мазмунини безайди.

Сураткашдан, энг аввало, ижодкор бўлиш талаб этилади. Александр Абалян ана шундай сураткашлардан бири эди.

Маълумки, «оқ олтин» мавсуми бошланган кезлари «Тошкент ҳақиқати» саҳифаларида пахта қабул қилиш пунктларидан суратлар чоп этиб борилларди. Абалян деҳқонлар учун қувончли кунлар лавҳаларини олишда жуда моҳир эди. Ана шундай кунларнинг бирида иккаламиз Пскентга бордик. Пахтакору йиғилганларнинг қувончи чексиз... У ёқ-бу ёққа қарайман. Абалян йўқ. Қани, вақтни бой бермай суратни олса-чи?! Бир маҳал синчиклаб атрофни кузатсам, у пахта қабул пункти дарвозасининг тепасидан туриб сурат оляпти. Ваҳмим келди, юрагим ҳаприқиб кетди. Салгина эҳтиётсизлик қилса борми...

Чиндан ҳам Абалян ҳар бир суратни ижод маҳсули деб биларди.

Тошкент вилоятидаги «Қорасув» насчилик фабрикасида бўлиб, вазифани бажариб, уйга қайта бошлагандик. Бирдан фотомухбиримиз орқасига қайтди.

— Битта жўжа олиб келинг, — деди у директорга юзланиб.

Директор нима қиларкин, деб унинг илтимосини тезда бажарди.

Абалян бу жўжани вазни 8—10 килограмм келадиган хўрознинг икки оёғи ўртасига қўйди. Хўроз ҳам гўё мақсадни тушунгандек жим турарди. Аппарат тугмасини босди. Кейинчалик бу сурат «Қани, менинг боламга тегиб кўр-чи» деган ёзув билан қатор кўргазмаларни айланиб чиқди, нуфузли танловда совринли ўринни эгаллади.

Янгийўлдаги хўжаликлардан бирининг ҳудудида лайлак ин қуриб бола очган экан.

Абалян қаердандир кўтарма кран топтириб келди ва унга ўтириб олиб, лайлакнинг келиши ва қўнишини кутди. Ишонасизми, беш соат вақт ўтди. Қўйсангчи, десак ҳам кўнмасди у. Ниҳоят лайлак келди, у

суратга туширди. Бу сурат ҳам мукофотга, совринли ўринга сазовор бўлганлигини яхши биламиз.

Александр Абалян ҳозир етмиш ёшдан ошди. Лекин ҳали ҳам қўлидан фотоаппаратини қўйгани йўқ. Таҳририятга келиб туради, топшириқ берсангиз, бажонидил бажаради. Мен ҳар бир фотомухбирда шундай фазилат бўлишини истардим.

*Ҳамид ИБРОҲИМ ўғли*

## ҚАЛАМДА ТУҒИЛАР ТУЙҒУЛАР

Эсимда. Бундан 25 йиллар муқаддам масъул котибимиз Абдукарим Набихўжаев (охиратлари обод бўлсин) хонамизга кириб, ёнида ийманиб турган йигитни таништирди. Ва:

— Исми Рустамжон. Газетани безаш бўлимига ишга олдик. Яхши расмлар ҳам чизади. Саҳифаларимизни гулдек безатишда унинг маҳоратидан фойдалансак, чакки бўлмайди, — дедилар.

Ўшанда «Совет Ўзбекистони» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетаси таҳририятида масъул котиб ўринбосари бўлиб ишлардим. Газетамиз мундарижаси билангина эмас, айни вақтда матбаа ижроси билан ҳам бошқа нашрлардан фарқланиб туриши учун астойдил интилардик. Табиийки, бунда ижодий жамоамизнинг ҳар бир аъзоси сингари янги ходимимизнинг истеъдодини билиш мақсадида таклиф-истакларини бажонидил тинглаб борардик. Тўғриси, дастлаб унга қийин бўлса-да, бора-бора табаррук даргоҳнинг муносиб аъзоси сифатида ҳурмат қозонди. Газетанинг турли микёсдаги кўрик-танловларда ғолиблик мукофотларини қўлга киритишида оэни-кўнми ҳисса қўшди.

Рустам Зуфаров газета таҳририятида ишлаш билан бирга мамлакатнинг болалар ва ўсмирлар нашрлари — «Ғунча» ва «Гулхан» журналлари саҳи-

фаларида рангтасвирли расмлари билан мунтазам қатнашиб борди. 1981 йилда болалар ва ўсмирлар нашриётига ишга ўтди. Китобларни безаш санъати бўйича етук мусаввирлардан сабоқ олди. Изланишлар унга бирин-кетин муваффақият келтирди. Таниқли ёзувчи ва шоирлар Рустамни нашр этилажак китобларининг саҳифаларига расмлар чизиб бериш ва безашга таклиф этганликлари бунинг исботидир.

— Юздан зиёд номдаги китобни безадим, — дейди Рустам Зуфаров биз билан суҳбатда. — Улар орасида Раҳмат Файзийнинг «Ҳазрати инсон», Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» ва «Бобур», Мақсуд Қориевнинг «Ибн Сино», Ўткир Ҳошимовнинг «Дунёнинг ишлари», «Икки эшик ораси», Хуршид Давроннинг «Тўмариснинг кўзлари» асарлари бор. Миниатюра жанрида расмлар чизишни жуда-жуда ёқтираман.

Рангтасвир ёрдамида китобхон қалбида ажойиб туйғуларни уйғотиб, гўзалликка ошно этаётган дўстимизга қарата: орзуларинг ушалаверсин, деймиз.

*Дилдора ҲАМИД қизи*

## ЧИНГИЗ ОҒАНИНГ ШОГИРДИ

Мусаввир Темур Саъдуллаев ҳақида сўз борганида, кўпчилик: «Ҳа, Чингиз оғанинг шогирдими, нафис миниатюралар устаси, китоб саҳифаларининг моҳир безакчиси» деб таърифлайди.

...Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика инстутининг бадиий графика факультети талабаси эканлигидаёқ ундаги ижодий қобилиятни, жўшқин иштиёқни пайқаган машҳур мусаввир Чингиз Аҳмаров шогирдликка чақирди. Устоз маслаҳатларини жону дилдан тинглаб, маҳоратини ошира борди. У Чингиз ака билан ёнма-ён туриб, Самарқанд шаҳридаги «Юл-

дуз» номли чойхона деворларига безакли расмлар чизди. Бу ёш мусаввирнинг ижодий камолотга сари қўйган дадил қадами бўлди. Кейинчалик Тошкентдаги Алишер Навоий номли Адабиёт музейи залларига «Хамса» достонлари асосида миниатюралар ишлади. Айни чоғда у 90-йиллардан эътиборан китоб безатиш санъатини мукаммал эгаллаб олганлигини намойиш эта бошлади. Айниқса, «Эрали ва Шерали», «Гўрўғли» халқ достонларига ишлаган миниатюралари мутахассисларнинг таҳсинини олди.

Пойтахтимиз ҳуснига ҳусн, кўркига кўрк қўшган Темурийлар тарихи давлат музейи қурилишида қатнашиш Темур Саъдуллаев учун синов бўлди. У мамлакатимизнинг таниқли мусаввирлари қаторида туриб, музей залларига йирик бадиий ранг-тасвир полотноларнинг яратилишига ҳисса қўшганлиги билан фахрланишга ҳақли.

Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриётининг бош рассоми Темур Саъдуллаев изланишни бош шиор деб билади. Китобдан китобга унинг жиддий салоҳияти кўзга кўриниб бормоқда. Жумладан, «Ҳикматнома» (лотин графикасига асосланган ўзбек ёзувида) ҳамда «Маънавиятимиз юлдузлари» китобларини безашда маҳорат кўрсатди.

Иқтидорли мусаввир айни кунларда Шарқ мамлакатлари халқларининг бир-бирига ўхшамас, турфа ҳаёт тарзини акс эттирувчи йирик полотнолар яратмоқда.

*Соат МУСАЕВ*

## ИНСОННИНГ ҚЎЛИ ГУЛ

Умрининг қирқ йилдан ортиғини элимизга зиё тарқатишга бағишлаган меҳнат фахрийси Эргаш Ризаев ҳаёт йўли ҳақида икки оғиз сўз ниятида қўлга қалам олдик.

Муаллиф — нашриёт — китоб савдоси. Бу ўзаро чамбарчас боғланган занжир. Ундаги ҳар қайси ҳалқа бирдек муҳим: ижодкор асари нашриётда тайёрланиб, босиб чиқарилса, лекин ўқувчи қўлига етиб бормаса, заҳматлар беҳуда чекилибди, деяверинг. Шу боис кўринишидан жуда оддий касб — китоб савдоси ходимларининг масъулияти ўзгача.

Буни Эргаш Ризаев шу соҳага қадам қўйган биринчи кунлардан бошлабоқ қалбдан ҳис қилди. Эсида: ўшанда — 50-йилларнинг охирлари ва 60-йилларнинг бошлари эди. Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари, «қизил империя» мафкураси томонидан қораланган ёзувчилар ва уларнинг тақиқланган асарлари дунё юзини кўра бошлаган пайтлар... Тошкентдаги 1-китоб дўконининг «Ўзбек адабиёти бўлими» пештахталари олдида навбатда турган кишиларнинг саноғи йўқдек туюлади... «Ўтган кунлар» савдога чиқарилибди, деган овозани эшитганларнинг ҳаммаси шу ерга келганди гўё...

Айтишларича, Қодирийнинг шоҳ асаридан бир куннинг ўзида дўконда 10 минг нусха сотилган экан. «Меҳробдан чаён», Мақсуд Шайхзоданинг «Чорак аср девони», «Бобур лирикаси» китоблари ҳам сотувга келтирилган куниёқ тугаган.

Табиийки, касбга ихлоснинг ошишида устозларнинг ўрни алоҳида бўлади. Эргаш ака китоб савдоси соҳасининг дарғалари Баҳриниса Ғуломова, Сотволди Йўлдошев, Файзулла Расулов, Мурод Иброҳимов, Кошифхон Ғуломов, Мухтор Усмонов, Жўра Маҳкамовдан касб сир-асрорларини кунт билан ўрганди, уларнинг ўгитларига қулоқ солди. Устозлар уни кўп ўқишга, билимини янада оширишга даъват этдилар. У аввал Тошкент Давлат педагогика институти филология бўлими (кечки)да таҳсил олди, сўнг Ленинграддаги (ҳозирги Санкт-Петербург) Маданият институтининг китобшунослик факультетида малакасини оширди.

Инсон ўз меҳнати билан гўзал, деб бежиз айтишмайди. Э. Ризаев ҳалол меҳнати билан эл ҳурматини қозона борди. 1961 йилда Тошкент шаҳрида ихтисослашган техника адабиётлари дўкони очилди. Э. Ризаев унга директор этиб тайинланди (бу дўкон 1966 йилда ер қимирлагандан кейин ўз фаолиятини тўхтатди). Сўнгра у китоб савдоси идораси савдо бўлимининг мудири, кейин директор ўринбосари бўлди. Раҳбарлик санъатини пухта эгаллади. Шу боис у республика китоб базаси директори, Тошкент шаҳар китоб савдоси бошқармаси директори лавозимларига кўтарилди. У республика пойтахтида 30 га яқин янги замонавий китоб дўконлари қурилиб, ишга туширилишига катта ҳисса қўшди.

— Дўкон очилди, — бу оддийгина гап. Лекин унинг машаққатларини ташкил қилганларгина билади, — дейди Э. Ризаев биз билан суҳбатда. — Дўконни китоб билан таъминлаш, кадрлар топиш, китобхонлар билан доимий мулоқотда бўлиш — бу озмунча куч-ғайрат, шижоат, билим ҳамда омилкорликни талаб қилмайди, дейсиз?! Бу ишда ўша йиллари нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси тармоғига раҳбарлик қилган Зиёд ака Есенбоев яқиндан ёрдам берди.

Ўз касбининг фидойиси Э. Ризаев китоб савдоси ходимларини тарбиялаш борасида ҳам ўз меҳнатини аямади. У Тошкент матбаа техникумида ўқитувчи бўлиб ишлади, китоб товаршунослигига оид курс ва диплом ишлари бўйича талабаларга ўз маслаҳатларини берди. Эндиликда техникум муаллимлари қатори унинг қўлида таълим олган мутахассислар пойтахт ва республикамиздаги китоб дўконларининг мудирлари, бўлим бошлиқлари, омборхоналар ходимлари бўлиб ишламоқдалар.

Китоб савдоси ходимлари чинакам маданият, маърифат тарқатувчилар бўлиб, илм зиёси билан халқларни бир-бирига боғлайдилар ҳам. Буни лавҳамиз қаҳрамонининг фаолияти ҳам тасдиқлайди. Айтайлик, у Тожикистонда ўзбек адабиёти кунлари бўлганда адибларимиз китобларини қўшниларимиз юртига олиб борган, тожик халқининг адабиётимиз дурдоналаридан баҳраманд бўлишига ҳисса қўшган эди. 1987 йили пойтахтимиз билан биродарлашган Югославиянинг Скопле шаҳрида ўтган Тошкент кунларида ўзбек китоблари кўргазмасини ташкил этишга бош-қош бўлди. Кўргазма тугаганидан сўнг мингдан ортиқ китобни Скопле дорилфунунига фойдаланиш учун тантанали равишда топширилди.

Халқимиз китобни ниҳоятда қадрлайди. Шу боис бирон маросим, анжуман, оммавий тадбир йўқки, ундан китоб савдоси ходимлари четда қолишган бўлсин. Сўнгги йилларда Ўзбекистонимизнинг миллий байрамлари, Наврўз, Мустақиллик кунларида пойтахтимизнинг барча гавжум жойларида китоб савдолари, ярмаркалар, ҳафталиклар ташкил этиш одат тусига кирган. Бу тадбирларни ўтказишда Эргаш Ризаев ташкилотчилик ва ташаббускорлик фазилатларини намоён этганлигини ҳали-ҳали эслаб юришади. Шу сабабли ҳам у кўплаб фахрий ёрлиқлар, ташаккурнома, эсдалик совғалари билан тақдирланган.

Давр ҳамма соҳалар қатори китоб савдоси ходимлари олдига янги талаблар қўймоқда. Илгариги марказдан бутун иттифоқ бўйича юбориладиган босма нашрларни тарқатишнинг куни битган. Китобхонларнинг қизиқиши энди тамомила бўлакча. Ўзбек муаллифларининг асарлари, давлат тилида чоп этилаётган китобларни кенг тарғиб қилиш лозим. Кенг китобхонларнинг ҳам фан соҳалари бўйича луғатлар, техника адабиётлари, бой тарихимизга доир босма нашрларга бўлган эҳтиёжи ошиб бораётир. Уларни нафақат ўзимиздаги, қўшни республикалар китоб савдоси ташкилотларидан олиб келиш, нашриётлар билан манфаатли шартномалар тузиш, иложи борича уларнинг мавзу доирасини кенгайтиришга

эришиш керак. Э. Ризаев соҳада хизмат қилувчи ёш ҳамкасбларига доимо шуларни уқтиради.

...Тошкентдаги 17-шаҳар шифохонаси ёнида сўлим бир ҳовли бор. Бу ҳовли кеч кузда ҳар қачонгидан файзли бўлади. Текис таралган ишкомлардаги узумлар, сўри тепасида ҳар тарафга бир хил шох ёйган хурмо кўзни қувонтиради. Бу дарахт Тошкент учун ғайриодатий тарзда баландлаб ўсган, серҳосил. Хонадон соҳиби Эргаш акани ҳам ана шу салобатли мева дарахтига қиёс этгулик: у етиштирган ҳосилдан кўпчилик баҳраманд.

*Суръат* ***АБДУКАРИМОВ***

## ҲИСОБИН ТОПГАН ИККИ ОШАР...

Инсон тафаккурининг бетиним қаноти бўлган китобни севиш Анвар акани пировардида мактаб ўқитувчилигидан бевосита зиё тарқатувчилар сафига олиб келди. Анвар Фозилов ўз сафига 600 кишини бирлаштирган «Тошкитоб» савдо ташкилоти касаба уюшмасига раҳбарлик қилишдек масъулиятли, лекин ғоят савоб ишга киришди. Унинг республика касаба уюшмалари Федерациясида ишлаб орттирган бой тажрибалари янги жамоага бош-қош бўлишда жуда асқотди. Тошкент шаҳридаги қатор китоб магазинларининг директори бўлиб узоқ йиллар ишлаши ҳам ходимларнинг ўй-фикрларини, тилак ва истакларини, мақсад ва орзуларини билишда ҳамда уларни мумкин қадар тушунишда ўзига хос дастуриламал вазифасини ўтади.

Табиатан серфикр Анвар ака «гапдонлик»ни ёқтирмайди, аксинча, кўп ишлайди. Маълумки, китоб дўконларини вақти-вақти билан таъмирлаб туриш лозим. Бироқ «Китоб савдоси»нинг қурилиш бригадаси йўқ. Нима қилиш керак? Анвар Фозилов бунинг ҳам йўли-

ни топди. Аниқроғи, шаҳардаги катта-кичик корхоналар ва муассасалар билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйгани ҳисобига, чунончи, «Фотон» заводи 8-сонли, «БошТошкентқурилиш» тресги 19-сонли китоб дўконларини кўнгилдагидек таъмирлаб берди. «Излаган имкон топади», деб шунга айтадилар-да.

Бозор иқтисодиёти шароитида айрим оилаларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш, одамларга моддий ва маънавий кўмаклашиш касаба уюшмаларининг биринчи галдаги вазифаларидандир. Бу борада ҳам Анвар ака бундай савобли ишга бош қош бўлди. Кейинги йилларда ўнлаб ишчи-хизматчилар имтиёзли йўлланмалар билан санаторий ва дам олиш масканларида ўз саломатликларини тикладилар. Иқтисодий жиҳатдан қийналган ходимларга моддий ёрдам бериш, бетобларини шифохоналарга жойлаш ва уларни йўқлаб туриш каби хайрли ишлар қилинди. Ёз мавсумида ходимларнинг мактаб ёшидаги фарзандларини оромгоҳларга юбориш, эҳтиёжманд кишиларга парҳез таомлар ошхонаси очиш, физотерапия диспансерига йўлланмалар ажратиш ана шу саъй-ҳаракатлар натижасидир.

Анвар аканинг фикри-зикри одамларни китобга жалб этиш. Бу борада барча чораларни кўраяпмиз, — дейди у. — Маълумки, ҳар бир сотувчи сотувда қандай китоб борлигини, унинг қисқача мазмунини яхши билиши лозим. Албатта, бу осон эмас. Лекин шуни билиб ололмаган одам китоб савдосида оқсоқланиб қолиши мумкин. Яхши китоб бўлса уни тарғибот қилишга кўп куч ва вақт ҳам кетмайди. Жойларда биз китобхонлар кечалари, турли учрашувлар олиб боряпмиз. Буларнинг бари китоб савдомиз ишини яхшилашга, одамларда китобга меҳр уйғотишга катта ёрдам бермоқда. Ёзувчиларимиз, ноширларимиз миллий меросимиз ва юксак қадриятларимизга хос чуқур мазмундор асарларни кўпроқ тақдим этишлари керак. Умуман, халқимизнинг тафаккурини

ўстиришни тинмай ўйлаш ҳаммамизнинг бурчимиздир. Ёшларимизнинг нутқ маданияти, сўз бойлигини оширишда бадиий асарларнинг аҳамияти беқиёсдир. Буни унутишга ҳаққимиз йўқ.

Ҳа, Анвар ака ҳақ. Китоб сотувчилар ҳар бир хонадонга илм зиёси кириб боришн, маънавий эҳтиёжларнинг қондирилишининг ғамини ейдилар. Шундай экан, халқимизнинг руҳий баркамолликка эришишида Анвар аканинг ҳам беқиёс ҳиссаси бор.

Ўн беш йилдан ортиқ вақт мобайнида Тошкент «Китоб савдоси» жамоаси касаба уюшмасига раҳбарлик қилиб, эндиликда кексалик гаштини сураётган Анвар Фозилов оиласида уч ўғил вояга етди. Уларнинг бари уйли-жойли, фарзандлари бор. Биз Анвар аканинг ўз рафиқалари Гўзалхон ая билан невара ва эвараларининг ҳам бахти-иқболларини кўриб юришларини Аллоҳдан сўраб, уларга мустаҳкам саломатлик, тинчлик ва хотиржамлик тилаб қоламиз.

*Наргис СУЛАЙМОНОВА*

## ЖАМОА ФАХРИ

Ишга келаётиб, йўлакда қизғин суҳбатлашаётган «қўшниларимиз» — Ўзбекистон Миллий китоб палатасининг аёлларига дуч келдим. Одатдаги салом-аликдан сўнг, Гулноза Иброҳимова менга илтимосларини айтиб қолди:

— Синглим, Сайёра опангизни узоқ вақтдан бери яхши танийсиз. У киши оз эмас, кўп эмас, қарийб 30 йилдан бери жамоамизда ишлайдилар. Сайёрахон яқинда 50 ёшга тўлдилар. Шу муносабат билан бирор лавҳа ёзиб, «Ўзбекистон матбуоти» журнали саҳифаларида чоп этсангизлар.

Дарҳақиқат, Сайёра опа билан илк бор 1988 йилнинг бошларида танишганман. Ўша вақтда мен мазкур жамоанинг «Маълумотлар» бўлимида оддий биб-

лиограф сифатида иш бошлаган кезларим эди. Маълумотим бўйича «журналист» бўлсамда, меҳнат фаолиятимни бутунлай бошқа соҳа — библиографияда бошлаганим сабабли бир оз қийналдим. Бўлим мудиримиз Шарифа опа Толипова менга касб сирларини эринмай ўргатдилар. Асосий вазифам кундалик даврий нашрларни ўқиб-ўрганиб, улар орасидан эътиборга лойиқ мақолаларни библиографик кўрсаткичлар учун ажратиш эди. Ойлик газета тахламларини ўқиб чиққач, Сайёра Зокирхўжаева бошчилик қилаётган «Архивлар» бўлимига топширардик. Сайёра опа уларни пешма-пеш хоналарга тартиб билан жойлаштирарди. Тажрибасизлик қилиб, бир неча бор газета тахламларини қориштириб юборган вақтларим ҳам бўлган. Шундай пайтда Сайёра опа вазминлик билан:

— Синглим, ҳар бир ишни, аввало қунт билан, қолаверса саранжомлик билан бажарингки, уни сиздан кейин қабул қилиб олган кишининг кўнгли шод бўлсин. Зеро, биз нимагаки қўл урмайлик, аввало аёл киши эканлигимизни ёдда тутмоғимиз керак, — дедилар.

Орадан 10 йилдан ортиқ вақт ўтган бўлсада, мен илк бор меҳнат фаолиятимни бошлаган жамоадан, унинг бири биридан дилбар, зукко аёллари — «опажонларим»дан узоқлашганим йўқ. Тақдир тақозоси ила улар билан бир бинода меҳнат қиляпман, тўй-ҳашамларда, байрам тантаналарида улар билан биргаман. Сайёра опа ўша-ўша серғайрат, хушчақчақ, ниҳоятда самимий аёл сифатида ҳамон кўпчиликнинг меҳрини қозониб келмоқда.

Сайёра Зокирхўжаевани ҳақли равишда мазкур ташкилотнинг фахрийларидан бири деса бўлади. У 1973 йилда Тошкент Давлат педагогика институтининг кутубхонашунослик факультетини битиргач, йўлланма билан тўғри Ўзбекистон Китоб палатасига ишга келди. Меҳнат фаолиятини «Матбуот нашрларининг назорати ва статистикаси» бўлимида оддий библиографликдан бошлади. Ўз касбига содиқ, би-

лимдон библиографлар — Раъно Каримова, Шарифа Толипова, Муаззам Жалиловалардан кенг қамровли иш фаолиятини — республикада чоп этилган нашрларнинг назорат нусхаларини қайд этиш, уларнинг тартиб саноқларини олиб бориш, асраб-авайлаш, даврий библиографик кўрсаткичларни чоп этишни қунт билан ўрганди.

Бу ерда ишлаш Сайёра опага кўп нарсаларни ойдинлаштирди. Хусусан, танлаган касбига қизиқиши ортди, масъулиятни англади. У гайрат билан, сидқидилдан меҳнат қилди, тиришқоқлиги, билим ва янгиликка чанқоқлиги билан кўпчиликнинг эътиборини ўзига жалб этди. Тез орада катта библиограф, сўнгра етакчи библиограф сифатида ишлай бошлади. 1979 йилда жамоа раҳбарлари унга катта ишонч билдириб, «Архив ва маълумотлар» бўлимига мудир этиб тайинладилар.

Мана, 22 йилдан буён Сайёра опа мазкур лавозимда фаолият кўрсатаётир. У бошқараётган бўлим — Ўзбекистон Миллий китоб палатасининг фахри ва кўрки. Бу ерда жами 3 миллион 700 мингдан ортиқ босма маҳсулотлар сақланади. Улар орасида қанчадан-қанча нодир, маданий ва тарихий аҳамиятга эга китоблар — XX аср бошларида лотин ва араб алифболарида чоп этилган адабиётлар, даврий нашрлар нусхалари мавжуд. Улар картондан ясалган махсус қутиларда сақланади. Бошқа босма нашрлар эса токчаларга тартиб билан жойлаштирилган.

Сўнгги йилларда мазкур нашрларнинг сақланиш шароити бирмунча яхшиланди. Улар учун махсус 12 та хона ажратилди. Нодир асарлар сақланадиган хоналарга совутгичлар ўрнатилиб, хоналар ҳароратини маълум бир даражада сақлаб туриш имконига эришилди.

— Бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг қийинчиликлари ходимларни изланувчан ва тиришқоқ бўлишга, ҳар бир сўмнинг қадрига етишга, изланишга ундаяпти. Шуни кўзлаб палатамиз маълум даража-

да, албатта архивдаги нашрларга зарар келтирмайдиган замонавий электрон усуллар билан фойдаланган ҳолда, муҳтож бўлган юридик ва жисмоний шахслар талабларини пуллик хизмат йўли билан бажаришга тайёрланаяпти. Палатамизнинг Интернетда ўз саҳифасига эга бўлиши эса хорижий мамлакатлардаги китоб мухлисларини хазинамиздаги нашрлардан баҳраманд бўлишларини кўзлайди, — дейди С. Зокирхўжаева. — Жамоамизнинг орзуси — картотекадаги барча маълумотларни компьютер хотирасига тўла киритиш. Бу — ишларимизнинг янада сермаҳсул бўлишига имкон беради. Кўз олдингизга келтиринг-а: маълум бир нашр тўғрисида маълумот тайёрлаш учун соатлаб картотекаларни титкилаб ўтирмай, компьютерда керакли маълумотларни олиб, улардан нусха кўчириб, бир неча дақиқада кишиларнинг ишини битириш мумкин. Биз илмий муассасалар ходимлари, ёзувчи ва журналистларимизга ҳам хизмат қилишга тайёрмиз.

Ўзбекистон Республикаси Миллий китоб палатасида касбига чин ихлос қўйганлар ишлайди. Санобар Пўлатова, Муаттар Зуфарова, Марғуба Саъдуллаева, Шоира Йўлдошева, Махсума Йўлдошева ва Наима Парпиева маънавиятимиз дурдоналарини эъзозлаб, уни авлодлар учун авайлаб-асраб келмоқдалар.

Опанинг шахдам қадам босиши, чаққон, «ўтли-шудли» ҳаракатлари бежиз эмас. Шаддодлик, дадиллик беш ака-уканинг ичида ўсиб, вояга етган ёлғиз қиз — Сайёранинг «қон-қонига сингиб кетган». Нодирахон аянинг беш баҳодир ўғлонлари ичида яккаю ягона қизининг айнан 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни дунёга келгани ажиб ҳол. Бу Яратганнинг аяга кўрсатган марҳамати бўлса ажаб эмас.

Азиз бошингиз омон бўлсин, опажон!

## МУНДАРИЖА


Сўзбоши ........................................................ 4

**ЁДНОМА. ҚАЛАМКАШ ДЎСТЛАРНИ ЭСЛАБ...**

*Зиёд Есенбоев.* Матбуотимизнинг табаррук сиймолари ........ 9
*Зиёд Есенбоев.* Мазмунли қисқа умр ........................ 17
*Зиёд Есенбоев.* Ёрқин юлдуз ................................ 22
*Нусратилла Наимов.* Миллий истиқлол тарғиботчиси эди... 27
*Шерали Турдиев.* Маънавий камолотга даъват ............... 31
*Илҳом Султонов.* Ўзбек матбаасининг жонкуяри .............. 35
*Зиёд Ислом ўғли.* Устоз мураббийнинг қалб сўзлари ......... 40
*Суръат Абдукаримов.* Ҳар бир сўзни ўйлаб ёзарди ........... 46
*Раҳима Шомансур қизи.* Зулфия опанинг беназир меҳри ...... 50
*Темур Расулов.* Дўст, муҳаррир, ташкилотчи ................. 55
*Мақсуд Қориев.* Унутиб бўладими? ........................... 60
*Ҳамид Икромов.* Ширин ёлғондан аччиқ ҳақиқат яхши ........ 66
*Мақсуд Қориев.* Яхши ном қолдириб ......................... 70
*Ҳафиз Абдусаматов.* «Юрак сирлари»нинг номаълум сирлари . 75
*Собит Тоиров.* Машҳур ва номашҳур журналист .............. 81
*Абдусамад Обидхўжаев.* Эҳтиром ............................. 86
*Шавкат Амиров, Кабир Шукуров.* Ўзига хос иқтидор эгаси .. 91
*Собит Тоиров.* Зеҳни ўткир эди ............................. 95
*Ҳайдарали Узоқов.* Шербек ака ўгити ........................ 99
*Ваҳоб Рўзиматов, Собит Тоиров.* Моҳир таржимон ........... 102
*Шариф Юсупов.* Инсонмисан — инсон эди ...................... 105
*Убай Бурҳон.* Микрофон олдида 45 йил ....................... 109
*Мирза Анвар Каримов.* Дил сеҳргари ......................... 115
*Эркин Комилов.* Вазифани виждонан бажариб ................. 118
*Суръат Абдукаримов.* Тарих тилга кирганда ................. 123
*Намоз Саъдуллаев.* Умрбод дилимда .......................... 128
*Абдуазиз Ҳошимов.* Яхшидан боғ қолади ..................... 134
*Эргаш Раимов.* «Ўзбек миниатюра»сининг сардори ............ 136
*Ислом Усмонов.* Билганларини ўргатиб ....................... 140
*Мақсуд Қориев.* Ота ўғли ..................................... 143
*Носир Рихсиев.* Уларни эслаганимизда ...................... 147
*Соат Мусаев.* Жаннати йигит ................................. 150
*Ҳасан Иброҳимов.* Рост сўз дуридан афзал .................. 156
*Рустам Давлатов.* Сопол нега жарангламайди? ............... 158
*Икром Ўтбосаров.* «Инонманг айтсалар: отангиз ўтди...» ... 160
*Маъруф Жалил.* Умр чироғи ................................... 163
*Ҳамид Султонов.* Суратлар бир хазинаки... .................. 167
*Юнус Зиёдов.* Деҳқон ўғли... мухбир ........................ 168
*Ҳамид Иброҳим ўғли.* Расмларда ҳикмат ёғдуси .............. 170




**ДИЛНОМАЛАР**

**ФАХРИЙ ҚАЛАМКАШЛАР, ЖУРНАЛИСТЛАР, ТЕЛЕРАДИО ХОДИМЛАРИ, НОШИРЛАР ВА МАТБААЧИЛАР ҲАҚИДА**


*Мақсуд Қориев.* Матбуотимиз оқсоқоли ........................ 175
*Исмоил Сулаймонов.* Эзгулик учун яралган ................... 184
*Зиёд Ислом ўғли.* Саховатли қалб эгаси ...................... 196
*Аҳрор Аҳмедов.* Меҳнат ва ижод одами ......................... 200
*Тоҳир Мирҳодиев.* Ёниқ қўшиқлар бор бўлса ................... 207
*Шоқаҳҳор Салимов.* Эътироф ................................... 212
*Жўра Умарқулов, Элмурод Мавлонов, Абдулазиз Яхшиликов.* Оташнафас қаламкаш ........................... 215
*Марҳамат Алимова.* Баркамоллик ............................... 219
*Фарида Усмонова.* Журналист қизларга ўгитлар ................ 224
*Соат Мусаев.* Меҳнат инсонни қаритмайди ..................... 232
*Карим Норматов.* Бош мавзу — Ватан сийрати ................. 236
*Исмоил Сулаймонов.* Ҳақ сўзга таяниб ......................... 240
*Ҳабиб Саъдулла.* Бизнинг Дилдора ............................ 244
*Умида Файзиева, Ҳамид Султонов.* Комила она ................ 249
*Ҳайдар Иброҳимов.* Касб эъзози ............................... 254
*Соат Мусаев.* Китобларда унинг нигоҳи ....................... 256
*Эркин Хўжаев.* Бир умрга танланган йўл ...................... 260
*Тўлқин Эшбек.* Мийнкол манзараси ............................ 264
*Шерали Сокин.* Овчининг зўри шер отади ....................... 268
*Маҳфуза Усмонова.* «Юрагимнинг оғриқлари... шу касбим» .... 271
*Муроджон Мансуров.* Устозни айтсам... ........................ 274
*Исмоил Сулаймонов.* Унинг учун масъулият биринчи ўринда ..................................................... 279
*Ҳамид Султонов.* Кексаликка ён бермай ........................ 283
*Ҳамид Иброҳим ўғли.* Ҳаёт сабоғи ............................. 285
*Жўра Холқосимов.* Фидойи ....................................... 290
*Жасур Носиров.* Нурли довонлар ................................ 294
*Акбарали Султонов.* Кўнгил манзили ........................... 299
*Соат Мусаев.* Ижодкорлар авлоди вакили ...................... 300
*Суръат Абдукаримов.* Истиқлолни шарафловчи сатрлар ........ 304
*Солиҳ Ёқубов.* Кўп тинглаб, кўп ишлайди ...................... 307
*Озод Шарофиддинов.* Балоғат ................................... 310
*Мели Норматов.* Ширин сухан, очиқ кўнгил ..................... 316
*Ҳайдар Носиров.* Олимлар ҳам тан берган ..................... 320
*Шукур Дадаш.* Солиҳлик унинг наслида бор .................... 324
*Солиҳ Ёқубов.* Жаҳонгашта қаламкаш .......................... 329
*Солиҳ Ёқубов.* Юракдаги сўзларим .............................. 332
*Ҳамид Иброҳим ўғли.* Газетхонлар меҳрини қозониб ........... 337
*Ҳамид Султонов.* Қардошликка таъзим .......................... 340

## МАТБУОТИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

*Учинчи тўплам*

Бадиий муҳаррир *Т. Қаноатов*
Техник муҳаррир *Т. Харитонова*
Мусаҳҳиҳлар *М. Раҳимбекова, Ш. Мақсудова*
Компьютерда тайёрловчи *Э. Ким*

Теришга берилди23.02.2002. Босишга руҳсат этилди 30.07.2002.
Қоғоз бичими $84x108^1/_{32}$. Офсет босма усулида босилди.
Шартли б.т. 31,50. Нашр б.т. 25,3. Нусхаси 2000.
Буюртма № К-77. Баҳоси шартнома асосида.

«Ўзбекистон» нашриёти, 700129. Тошкент,
Навоий кўчаси, 30. Нашр № 184-2001.

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлигининг
Ижарадаги Тошкент матбаа комбинатида босилди.
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.